

Эй озодликка чиққан халқ!

Кўзларингни оч.

Атрофга назар ташла.

Яхши нима, ёмон нима

эканлигини тушунишга

ўрган...

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ

Шарқ юлдузи

Адабий-ижтимоий журнал

2003

Учинчи фасл

72-йил чиқиши

**Бош муҳаррир
Омон Мухтор**

**ТАХРИРИЯТ ВА
ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ**

Абдулла Орипов
Хуршид Дўстмуҳаммад
Тўлапберган Қаипбергенов
Холмуҳаммад Нуруллаев
Уткир Ҳошимов
Тўлан Низом
Рустам Қосимов
Ислом Шоғуломов
Муртазо Султонов
Ихтиёр Ризо
Қуронбой Матризаев

Бахтиёр Карим
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Юсуф Файзулло
(Масъул котиб)
Икром Отамурод
**(Назм ва адабиётшунослик
бўлими мудири)**
Баҳодир Мурод Али
**(Наср ва мақоланавислик
бўлими мудири)**



*«Шарқ юлдузи» журналига
йил давомида обуна бўлиш
мумкин.*

*Муҳарририятда обуна
бўлганларга журнални ўзимиз
етказиб берамиз.*

*2004 йил учун обуна
бошланди.*

*Журналнинг йиллик баҳоси —
12000 сўм.*

Бизнинг индексимиз — 911.

*«Шарқ юлдузи» адабиёт
дўстларининг севимли журнали
бўлиб қолади.*



МУАССИСЛАР:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА
КўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАМФАРМАСИ**

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИННИНГ ҲАЁТДА ТОБЛАНГАН ДАСТУРИ

Маълумки, бизни ўраб турган воқелик ҳамма вақт ривожланиб турганидек, инсоннинг ҳаётий билими ҳам узлуксиз бойиб бораверади. Шу аснода ҳаётнинг у ёки бу тамойили ҳам ишлаб чиқилади ва турмушга тадбиқ этилади. Бироқ, назария аниқ давр талабидан келиб чиқиб, янгидан-янги фактларни эътиборга олмаса, у ҳолда, бундай назария қотиб қолган доғмалар йиғиндисига айланиб, воқеликнинг ҳақиқий манзараларини тўғри акс эттира олмайди. Шу сабабли назария ҳар доим реал ҳаётга, амалиётга таянмоғи лозим.

Юртбошимиз томонидан мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар ҳар томонлама, атрофлича белгилаб берилган экан, ижтимоий фанларни ўқитиш соҳасида фаолият кўрсатиб келаётган педагог-олимларимизнинг энг долзарб вазифаларидан бири ана шуларни илмий жиҳатдан ишлаб чиқилган пухта режа асосида фундаментал тадқиқотлар қатламларини очиш, уларга қиёсан ўрганганларимизни қайта кўздан кечириб чиқишимизни тақозо этмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳлид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида худди ана шу мафкуравий муаммонинг ҳам назарий, ҳам амалий ечимлари ҳар томонлама ҳал этиб берилган.

Мазкур асарда алоҳида қайд этиб ўтилганидек, «мафкура соҳасида бўшлиқ, вакуум бўлмайди. Ўзбекистон халқларининг дунёқараши маънавий ва сиёсий маданиятнинг энг илғор анъаналари асосида ишлаб чиқиладиган миллий мустақиллик мафкураси индивидуализмнинг вайрон қилувчи таъсирига қаршилик кўрсатишга қодир. Мафкуравий иш, мустақиллик, юксак маънавият, ахлоқийлик, маданият ғояларини тарғиб қилиш ўткинчи ҳолга айланиб қолмаслиги керак. Ахлоқ ва маънавият мавҳум категорияларга айланмаслиги, фақат ташвиқотчи ва тарғиботчиларнинг иши бўлиб қолмаслиги лозим. Юксак даражада ахлоқли фуқарони вояга етказиш — ҳар бир инсоннинг бурчидир». (187-бет.)

Истиқлолимиз мафкурасини яратиш ва уни камол топтириш масаласига келадиган бўлсак, унинг ижодкори биринчи гада юқори даражадаги ахлоқли фуқаро — меҳнаткаш халқ оммасидир.

Асл моҳияти билан мафкура биринчи гада кишиларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва бадий қарашларининг мунтазам тизими эканлиги кўп ҳолларда схоластикага асосланган «марксизм ва ленинизм» ёки «илмий коммунизм» дейилмиш догматизм билан йўғрилганилиги учун ҳам ҳар доим иқтисоддан устун турди. Ва охир-оқибатда «Буюк давлат» деб ном олган, ҳақиқатда ҳам,

улкан иқтисодий, илмий, ҳарбий ва табиий имкониятларга эга мамлакатни инқирозга юз тутишга олиб келди.

Шўролар даври мафқурасидан батамом фарқ этгани ҳолда, Президент Ислом Каримов Ўзбекистонни ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг беш асосий тамойилларидан бири — иқтисоднинг сиёсатдан устун эканлигини илмий жиҳатдан асослаши ҳам истиқлолимиз мафқурасини аниқ белгилаб беришда янги тарихий даврни бошлаб берди.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари ўзбек давлатчилиги назариясига қурилган миллий истиқлолимиз мафқурасининг ҳаётда тобланган илмий-методологик дастуридир.

Педагогика назариясида «мотивация» деган ибора бор. Қайси бир дастур, қайси бир таълимий ёки тарбиявий тадбирда, методик ёки дидактик тадқиқотда «мотивация» аниқ эмас экан, ундай тадқиқот ёки тадбир қайси жабҳада бўлмасин, самараси кутилгандан анча паст бўлади ёки батамом бўлмайди.

Президент Ислом Каримов асарининг муқаддимасини очишимиз билан шу «мотивация», яъни асарнинг яратилиш мақсади ниҳоят аниқ ифодаланганлигини қуйидаги сатрлардан яққол тушуниб оламиз. Муаллиф ёзади: «XXI аср Ўзбекистон аҳолиси учун қандай келади? Кишилар турмуши кечагидан қанчалик яхшироқ бўлади? Ўзимиз учун танаб олнинган ислохотлар ва янгилиниш йўли ўта мураккаб йўл эканлигини англаяпмизми? Бу йўлда қандай муаммолар, қийинчиликлар, синовларга дуч келишимиз мумкинлигини етарли даражада аниқ тасаввур қиляпмизми?..

Энг мураккаб саволлардан бири шуки, биздаги барқарорлик ва хавфсизлик йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни англаб етаяпмизми? Хавфсизлигимизга таҳдид бўлиб турган муаммоларга нимани қарши қўя оламиз?

Жамиятимиз тўхтовсиз ва барқарор ривожланишига, биз истиқомат қилаётган минтақада жуғрофий-сиёсий мувозанат сақланишига нималар кафолат бера олади?

Мамлакатимиз янги-янги минг йилликда мустақкам, оғишмай ва барқарор ривожланишни кафолатлайдиган қандай имкониятларга эга? Жаҳоннинг барча мамлакатлари билан ўзаро манфаатли, ҳар томонлама кенг ҳамкорлик қилиш учун нималарни таклиф эта оламиз?

Шу мазмундаги ва яна кўплаб саволларга жавоб бериш истаги мени шу китобни ёзишга ундади». (4-5 бетлар).

Ҳаётимиз тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, одатан Президент Ислом Каримовнинг янги асари чоп этилиши билан Республика олий ва ўрта махсус, шунингдек Халқ таълими вазирлиги методик маркази томонидан умумтаълим мактаблари, ўрта махсус билим юрлари ва олий ўқув юрлари фалон соат маъруза, фалон соат семинар машғулотини давомида ўрганилиши тавсия этилади. Фикримизча, мазкур асарни ўрганишнинг илмий-методик дастури ана шундай доирадаги кабинет муаллифлари тавсиялари билан чегараланиб қолмаслиги керак. Чунки, мазкур асарда кўтарилган муаммоларни ўрганишга бир вақтда комплекс ёндошилса, иккинчидан ана шу комплекс ёндошишдан, яъни ҳамма соҳа мутахассислари бу асарни умумтаълим мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юрларининг ҳар бирига хос специфик хусусиятларидан келиб чиқиб ўрганишдан тортиб, токи соҳалар бўйича кадрлар малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида қандай мавзулар асосида ўрганилиши лозимлиги дифференциялаштирилмоғи, илмий-методик, методологик, ҳатто дидактик асосларда мукамал ўрганишнинг вариатив усуллари ҳар томонлама ишлаб чиқилмоғи керак. Масалан, асарнинг «Этник ва миллатлараро зиддиятлар» ёки «Коррупция ва жиноятчилик» бўлимларини олиб қарасак, мазкур мавзулардаги координат масалалар ўзининг илмий, мукамал назарий концепцион ифодасинигина топмасдан, ўтиш даврида мамлакатимизда хавфсизликни таъминлаш, барқарорлик ва тараққиёт кафолати қандай таъмин этилиши масаласида ўзининг комплекс классик ифодаларини топганлигининг ҳам шохиди бўламиз.

Агарда асардаги давримизнинг энг долзарб масалаларидан бири — этник муаммоларга таалуқли масалаларни олиб қарайдиган бўлсак, унда республикамизнинг жаҳондаги кўп элатли давлатлар қаторига кириши билан бирга, бу ердаги асосий миллат ўзбеклар билан бир қаторда ўз маданияти ва анъаналарига эга

юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилиши, уларнинг мамлакат аҳолиси умумий таркибидаги улуши 20 фоиздан ошиб кетиши алоҳида қайд этилади.

«Ўзбекистон аҳолисининг кўп миллатлиги, — деб ёзади Президент Ислом Каримов, — ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишнинг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмат қилмоқда. Бу республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт-шароит яратмоқда». (72-бет).

Дарҳақиқат, асарда ўринли қайд этилганидек, «ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин — инсониятнинг бойлиги ва ҳар қандай миллий бирлигининг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетишига олиб кетиши ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келди. Шу боис, ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак» (74-бет).

Маълумки, ҳар бир давлат ўзининг асосий қонунларида ўз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини аниқ белгилаб беради. Жумладан, собиқ шўролар конституциясида ҳам бу масала ўзининг аниқ ифодасини топган эди. 1988 йил 1 декабрида СССР Олий Советининг навбатдан ташқари 12 сессиясида конституциянинг ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан қабул қилинган нашрининг «Давлат ва шахс» деб аталган 2 бўлим, VI бобида «СССР фуқаролиги» фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги тўғрисида гап борар экан, жумладан 34 моддада шундай ёзилган: «СССР граждандлари ўзларининг ирқи ва миллатидан, жинсидан, машғулотининг тури ва ҳоказолари, яшаш жойи ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар Қонун олдида тенгдирлар.

Иқтисодий, сиёсий-социал ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида СССР фуқароларининг тенг ҳуқуқлиги таъминланади». Шу конституциянинг 36-моддасида бу фикр яна шундай давом эттирилган эди: «Хуқуқларни ҳар қандай бўлмасин тўғридан-тўғри ёки бошқа йўлар билан чеклаш, ирқий ва миллий белгиларга қараб фуқароларга тўғридан-тўғри ёки бошқа йўлар билан имтиёзлар бериш, шунингдек, ирқий ва миллий мумтозликни, адоватни ва камситишни ҳар қандай тарғиб қилиш Қонунга мувофиқ жазоланади».

Хўш, аслида, бу баладпарвоз «хуқуқлар» реал ҳаётда, амалиётда қандай аҳволда эди?

Аччиқ ҳақиқат шундан иборат эдики, шўролар мафкурасида бирор миллатни йўқ қилай десанг, аввало, унинг тилини йўқотгин, деган дахшатли ғоя бор эди. Биз шўролар даврида ўз она тилимизни йўқота бошладик. Мустақиллигимиз эса, бизга, аввало, тилимизни, маънавийтимизни қайтариб берди. Шўролар даврида ҳар қандай мансабга тайинланадиган киши учун, авваламбор рус тилини қандай даражада билишига эътибор қаратилар эди. Рус тилини мукамал билмаса ундай одамга раҳбарлик курсиси бир умрга бегона бўлиб, рус тилида сайрайдиган ўзбеклар эса, ўта замонавий, маданиятли кишилар ҳисобланар эдилар. Эндиликда, соф ўзбек тилида сўзлашиш барчамизнинг кўнглимизга ҳузур бериб, ўзимизга ҳурматимизни ошириб ғурур бахш этиб келмоқда.

Собиқ шўролар конституциясида «барча халқларнинг тенг ҳуқуқлиги» схоластик, догма эканлиги ва бу шўролар давридаги маҳаллий ўзбек сиёсий раҳбарлари мафкурасига қанчалик мустаҳкам ўрнашиб олганлигини шўролар даври коммунистик мафкурасининг ашаддий фидоийси М.Морозовнинг Москва сиёсий нашриётида бир неча мартаба қайта нашр этилган «Нация в социалистическом обществе» (Москва — 1958) асаридаги қуйидаги сатрларни ўқиб билишимиз мумкин. «Миллий республикаларда, — деб ёзади М.Морозов, — маҳаллий кадрларни тарбиялаб етиштириш мақсадида, партия жойларга марказий районлардан биринчи гада катта революцион кураш тажрибасига эга бўлган рус ишчилари синфи вакиллари минглаб коммунистларни юборди. Улар миллий республикаларнинг прогресс сари кўтарилишида, халқларнинг биродарларча дўстлигини мустаҳкамлашда тарихда ўхшаши бўлмаган бебаҳо ёрдам кўрсатдилар». (Шу асар, 127-бет.)

Собиқ Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи котиби И.Б.Усмонхўжаевнинг Ўзбекистон Компартияси XXI съездида қилган ҳисобот доклади мазмуни билан танишар эканмиз, ўша давр миллий мафкурасининг қанчалик тубанликка юз тутганлигига яна бир бор яққол гувоҳ бўламиз. «КПСС Марказий Комитети, — деб қайд этилган эди маърузада, — бизнинг республикамизга доимий ишлашга

партия ва совет органлари хизматчиларини юбориб, том мазмунда катта интернационал ёрдам берди ва бутунги кунда ҳам бу ёрдам фаол давом этмоқда. Улар Ўзбекистон Компартияси фаолиятига янги куч бағишламоқда. Иттифоқимиздаги энг йирик партия ташкилотлари иш тажрибаларини бизга сингдириш билан бизнинг ишларимизга катта — биродарларча ёрдам бермоқда.»

Ана шундай «биродарларча ёрдамнинг» жафокаш ўзбек халқи бошига қандай мусибатлар келтирганлиги ҳар бир ўзбек учун ҳеч қандай шарҳсиз аён бўлса керак.

Юқорида келтирилган мисолларимиз Президент Ислоҳ Каримов ибораси билан айтганда, «қотиб қолган мафкуравий ақидаларнинг қадрсизланиши», шунингдек, сиёсий экстремизмнинг айнан классик ифодаси эди.

Ўзбекистон Республикаси тарихан катта бўлмаган даврда, мустақил давлат сифатида ҳар томонлама шаклланибгина қолмасдан, балки жаҳон тараққиёти мўлжалларини белгилашда ҳам ўз сўзи ва ўзининг салоҳиятли ўрнини топди. Президент Ислоҳ Каримовнинг нафақат Марказий Осиё мамлакатлари доирасида, балки, БМТ каби жаҳон ташкилотлари йўсинида ҳам олиб бораётган фаолиятлари, илмий жиҳатдан асосланган таклифлари билан доим иштирок этиб келаётганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Масалан, 1995 йил октябрида Президент Ислоҳ Каримов БМТнинг элик йилиги муносабати билан Бош ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида сўзлаган тарихий нутқида жаҳоннинг энг йирик мамлакатлари давлат арбоблари қўймаган кординал масалаларни — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмаларини ислоҳ қилиш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш учун халқаро аҳамиятга молик бўлган қатор таклифлар билан чиқди. Улар қуйидагилардан иборат эди:

Биринчидан. Хавфсизлик кенгаши сафини кенгайтириш, унга бутунги кунда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган Германия ва Япония сингари давлатларни доимий аъзо сифатида киритиш лозимлиги;

Иккинчидан, БМТ қабул қилган қарорларни тезкорлик билан амалга ошириш учун БМТ Бош котиби ваколатларини янада кучайтириш лозимлиги;

Учинчидан, зиддиятли вазиятнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш манфаатларини кўзлаб, БМТнинг халқаро-минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини кучайтириш зарурлигини ҳам, бу ташкилотнинг ўзига қарашли минтақавий тузилмаларини янада ривожлантириш лозимлигини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтди.

Президент Ислоҳ Каримов ўз асарининг муқаддимасида ўзига хос камтарлик билан «ушбу китоб — мамлакатимиз, миллатимиз, жамиятимиз ва ҳар бир фуқаронинг хавфсизлигига, янгиланиш ва тараққиёт йўлига, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлига солинаётган таҳдидлар нималардан иборат эканлигини таҳлил қилиш йўлидаги уринишдир» (15-бет) деб ёзади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Президент Ислоҳ Каримовнинг бошқа асарларидаги каби «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида ҳам истиқлол мафкурасининг такомиллигига фақат халқимиз кўп асрлар давомида шаклланган, жаҳон цивилизацияси тарихида ўзининг чуқур илдини қолдирган шарқона маънавият ва маърифат орқали эришиш мумкинлиги, мафкуравий ишларимизда бу муҳим факторга алоҳида эътибор бериш лозимлиги қайд этилиб, «халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий, миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир».

Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавий ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг ўзига хос хусусияти бўлиб келган» (151-бет)лиги қатъийлик билан таъкидланади.

Шу нарса сир эмаски, коммунистик мафкуранинг маънавий қашшоқлиги, фанатизм ва миллатларга қарши қаратилганлиги, уни зўрлик билан ҳар бир шўро давлати фуқароси онига сингдиришга ҳаракат қилиши, охир-оқибатда «социализм», «коммунизм», «ҳамма халқларнинг тенг ҳуқуқлиги» тўғрисида аюҳаннос солиб, рус халқининг «буюк»лигини мадҳ этиш, қолган халқларни эса унга «кичик биродар» деб тарғиб қилиш, совет жамиятининг гуллаб-ўсиши натижасида «одамларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи» шаклланди, деган доғмалари халқ оmmasидаги коммунистик эътиқодни кунпаякун этиб, шўролар ва унинг мафкура-

си емирилишига сабаб бўлди. Натижада 90-йилларнинг бошига келганда, аввалги мафкуравий тасаввурлар ва кадриятлар тизимининг емирилиши ҳамда муайян вақт ичида пайдо бўлган бўшлиқнинг ўрнини диний фундаментализм ва экстремизм эгаллашига олиб келди.

Президент Ислом Каримов ўзининг мазкур асарида Ўзбекистонга нисбатан ислом фундаментализми — ақидапарастликнинг таҳдиди нималардан иборат эканлигини ҳам илмий асосда белгилаб берилган қуйидаги етти ҳолатдан иборат эканлигини баён этиш билан бирга, улардан фуқароларимизнинг, айниқса, ёш авлоднинг қандай огоҳ бўлишини ҳам қуйидагича кўрсатиб берди:

1. Диний экстремизмнинг асл мақсади — халқни, мамлакатимизни ижтимоий, иқтисодий ҳаётимизда босқичма-босқич ўтказилаётган ислоҳатларга ишончларини йўққа чиқариш, мамлакатимизнинг демократик ва фуқаролик жамияти қуриш саъйи ҳаракатларини обрўсизлантириш: фуқароларни бундан ҳимоя қилиш;

2. Фуқароларимизни, биринчи галда ёшларимизни диний экстремистларнинг «адолат» тўғрисидаги уйдирмалардан иборат даъватларининг мутелари бўлиб қолишларига йўл қўймаслик:

3. Экстремистларнинг аҳоли ўртасида «Ҳақиқат» ва «сохта» диндорчилик белгилари бўйича қарама-қаршиликларни келтириб чиқарувчи даъватларига берилмаслик, бу йўлда доимо огоҳ бўлиш:

4. Халқимизни диний экстремистларнинг Ўзбекистонимиз жанубидаги қўшни мамлакатларда ўзларини «чин мусулмон дини учун кураш олиб бораётган ислом фидоийлари» деб жар солаётган террорчилар, жангчилар чангалларига тушиб, эргашиб боришларидан сақлаб қолиш:

5. Диний экстремистларнинг мамлакатимиздан ташқари ва мамлакатимиз ичкарисида Ўзбекистоннинг ислом динига нисбатан муносабатларини ғаразлик билан бузиб, «бизни гоҳ динсиз даҳрийлар қилиб, гоҳ эса давлатни исломийлаштиришнинг яширинча тарафдори қилиб кўрсатишганларини» (46-бет) системали равишда фош этиб бориш:

6. Экстремистлар раёолиятларида ислом цивилизациясининг исломий бўлмаган цивилизация билан рақобатини келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатларига учмаслик, халқлар, динлар ўртасидаги зиддиятларни келтириб чиқаришга йўл қўймаслик:

7. Диний экстремистлар, айниқса, авом орасида ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган жамиятимиздаги ҳамма муаммоларни фақат дин воситасида ҳал этиш мумкин деган ғаразларнинг демократик ва фуқаролик жамияти қуриш сари олиб борилаётган босқичма-босқич ҳаракатларимизга мутлақ бегона эканлигини фош этиб бериш лозимлигидан иборатлиги алоҳида кўрсатиб берилган.

«Ислом фундаментализмининг хавфи ҳақида фикр юритар эканмиз, — деб кўрсатади Ислом Каримов, — нафақат унинг ислом дини ичидаги сабабларига, балки унинг келтириб чиқараётган, рағбатлантираётган жиҳатларига ҳам доимо мурожаат қилишга мажбурмиз. Бу сабаблар ҳаммага маълум — мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик, буюк давлатчилик шовинизми ва халқаро муносабатларда мусулмонларга қарши зўровонлик, парчалаб ташла ва ҳукмронлик қил қабилидаги сиёсатларидир». (47-бет).

Биз зиёлилар Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарини ўқиб чиқдик. Лекин, яхшилаб ўқидикми? Олий ўқув юртлари талабаларига 50 соат давомида махсус курс сифатида ўргатган, шу асар асосида амалий машғулотлар ўтказган бўлдик. Талабалар билимларини асардаги долзарб масалалар қатори диний экстремизм ва фундаментализм хусусида ҳам синову рейтинглардан ўтказган бўлдик.

Хўш, бу борада талабаларга берган таълимимизнинг амалий ҳаракат дастури сифатидаги таълимий ва тарбиявий самаралари қандай бўлди?

Биз, ижтимоий фанлар ўқитувчилари дарҳақиқат истиқлолимиз мафкурасини ишлаб чиқишда ва унинг ҳар бир йўналиши бўйича мазмун-мақсадини университетларимиз минбарларидан туриб ўқиган дабдабали маърузаларимиз, ўтказган суҳбатларимиз воситасида ёшларимиз онгига сингдириб, уларнинг олган билимлари шахсий эътиқодларига айланиши ва кундалик амалий ҳаракат дастурларига ўсиб ўтишларига эришаётгирмизми? Умуман олганда, республикамиз олий ўқув юртларида ижтимоий фанлардан дарс берадиган ўқитувчи- профессорларимиз-

нинг талабаларда истиқлолимиз миллий мафкурасини шакллантириш фаолиятлари қандай кечмоқда? Камина Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ижтимоий фанлар ўқитувчиларини аттестациядан ўтказиш гуруҳида камтарона фаолият кўрсатиш жараёнида шундай хулосага келдимки, албатта, минг афсуски, оддий ўқитувчи, фан номзоди, доцентларгина эмас, ҳатто айрим кафедра мудирлари, профессорлар, баъзи университетларимизнинг бир вақтда ҳам фалсафа кафедрасининг мудирю ҳам ректорнинг университетда таълим-тарбия жараёнини назорат этиш бўйича ўринбосарларининг педагогик фаолиятларида ҳам ижтимоий фанларимизнинг илмий-назарий концепцияларидан анча йироқ эканлиги маълум бўлди. Бу аҳволнинг шоҳиди бўлиб, Президент Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган асарига ўринли кўрсатиб ўтилганидек, ижтимоий фанларни ўқитишда, «бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепсия йўқ»лиги ҳамон аччиқ ҳақиқатлилигича қолмоқда.


Биз Президент Ислом Каримовнинг ижтимоий фанларни ривожлантириш бобидаги илмий фаолиятини кузатар эканмиз, сиёсатшунос олим Нарзулла Жўраевнинг «Агар огоҳсен...» асарига ёзилганидек, «кези келганда шунини айтиш керакки, мамлакатимизда ижтимоий фанлар тараққиётининг ўзига хос йўли ва мактаби мавжуд. Бироқ, унинг ҳозирги аҳволи талаб даражасида эмас. Янгиликларни илғаб олиш, янги тарихий жараёнларни, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ўз вақтида таҳлил этиш ва баҳолашда сусткашлик қилинмоқда. Сиёсатшунослик, иқтисод, ҳуқуқ ва давлат қурилиши соҳасида қилинаётган ишлар ҳозирги инқилобий ўзгаришлар шиддатидан орқада қолмоқда, улар моҳиятини очиб беришда оқсамоқда. Ана шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Президент Ислом Каримов мазкур соҳа мутахассисларидан, умуман, ижтимоий фанлар тараққиётидан анча илгарилаб кетди», деган фикрига тўла қўшилганимиз ҳолда, олий ва ўрта махсус таълим тизимида фаолият кўрсатиб келаётган ижтимоий фан ўқитувчилари ўзимизнинг илмий-назарий ва амалий билимларимизни такомиллаштиришда катта, муҳим роль ўйнайдиган ана шу концепсион билимлар манбаи бўлган Президент Ислом Каримов асарларидан, албатта, мақсадга мувофиқ фойдаланмоғимиз керак. Бу давримиз талаби. Яна шу нарсанинг шоҳиди бўламизки, умуман Президент Ислом Каримов асарларини ҳар бир олий ўқув юртининг йўналишидан келиб чиқиб ўқитиш хусусияти, унинг самарадорлигини ошириш методикаси ҳамон атрофлича ечимини топмаган.

Бу нарса, айниқса, 1999 йил 28-29 январ кунлари Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан «И.А.Каримов асарлари асосида талаба ва ўқувчиларни маънавий, ахлоқий тарбиялаш вазифалари» мавзuida ўтказилган илмий-амалий конференцияда иш олиб борган 10 шўъбада тингланган 225 маърузадан фақат 11 маъруза мавзусигина Президент Ислом Каримов асарларини умуман ўрганишга бағишланган бўлиб, улардан биронтаси мазкур асарлардаги ғоялардан келиб чиқадиган алоҳида олинган долзарб масала — диний экстремизм ва фундаментализм таҳлилига бағишланган эмас эди.

Президентимиз кўрсатиб ўтганидек, тарбия, айниқса ёшлар тарбияси ниҳоятда муҳимдир, «бутунги вазифамиз ижтимоий соҳанинг етакчи олимларини, файласуфлар, сиёсатшунослар, социологлар, ҳуқуқшунослар, педагоглар, психологлар, тарихчилар, адиб ва журналистларнинг энг пешқадам вакиллари мазкур жараёнга жалб этиш, уларнинг билим ва тажрибаларидан омилкорлик билан фойдалана билишни тақозо этади».

Турғун ҳожи Тошпўлатов





Учкун Назаров

ЯШАШГА МАҲКУМ ЭТИЛГАНЛАР

Роман¹

(«Чаён йили» романининг III қисми)

12

Янги йил арафаси бўлишига қарамай, ҳали қор ёрмаган, ҳаво изғирин эди. Колхоз ажратган юк машинаси кузовига иккита скамейка ўрнатилган, бир соат ичида Фаизов домла бошчилигида Земфира хоним, Алижон, Жамила, Зарема ва Асил опа Андижон вокзалига етиб боришди. Поезд етиб келишига яна ярим соат вақт бор, перронда шулардан бўлак деярли ҳеч ким йўқ, ҳалқоб сувлари музлаган, ўнга яқин одам залда кутар, фақат Фаизов домланинг фарзандлари перронда ўйноқлашар эди.

Икки кун бурун Қаюмжон билан Ойнисадан телеграмма келди, икки ҳафта олдин йўлга чиқишган экан, бутун етиб келишади. Уларни Асил опадан ташқари ҳеч ким танимайди, элас-элас Алижоннинг хотирасида бор, агар кўча-кўйда учратса, танимаслиги ҳам мумкин — саккиз йил ўтди, беш яшар бола ҳозир ўн тўрт ёшли ўспирин, мўйи сезилиб қолган. Ўн икки яшар Жамила Қаюмжон тугул, онасини ҳам танимайди, фото расмлар орқали тасаввур қилади. Фаизов-домла, Земфира хоним, Заремалар умуман уларни кўришган эмас. Кўчада учратишса ҳам ўтиб кетаверишади. Умид фақат Асил опадан. Шунинг учун ҳам уни олиб келишди — дарров танийди. Ҳозир ҳаммалари имтиҳон олдидан кечадиган ҳолатда: кўзларида ҳаяжон, ўтиришга сабр йўқ, ҳар бири ўз ичида нималарнидир ўйлаб, уёқ-буёққа юришар, вақт тўхтаб қолгандек туюлар, иккинчи томондан содир бўладиган учрашув онлари таҳлика билан яқинлашиб келар, Фаизов домла негадир ўзини айбдор сезар, ҳаяжонини жиловлай олмас, бир хотинига, бир Асил опага кўз ташлар эди. Земфира хоним, нотаниш қуёвга узатилаётган келин-чақдек, саросимада, фақат Асил опа вазмин эди.

Станция перрони кетувчи, кузатувчи одамлар билан тўла бошлади. Келаётган поезд бу станцияда ўн беш минут тўхтаб, Жалолободга жўнайди, Андижонликлардан ташқари бу ерда Ўшга кетувчилар ҳам тушиб қолишади. Одамларнинг қавми ҳар хил: қирғизлар, уйғурлар, дунгонлар, хитой студентлари, Ўшнинг асл яшовчилари ўзбеклар — ҳаммаси шу ердан ўз томонларига тарқалишади, Тошкентга кетувчилар шу станцияда йиғилишади.

Узоқдан, ўзи кўринмаса-да, поезднинг гудоги эшитилди. Перрондаги оломон чайқала бошлади. Темир йўлнинг ласдек йилтираган жуфт изи охирида қорамтир паровоз оқ тутун пуркаб, сассиз яқинлашар, яқинлашган сайин вазоҳати катталашар, афсонавий махлуқни эслатар эди. Ниҳоят, паровоз вошиллаб перрондан ўтди.

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

вагон эшикларида турган йигитлар поезд тўхтамай туриб, пастга сакрай бошлашди.

Фаизов домла атрофида оила аъзолари жам бўлиб, саккизинчи вагон яқинлашишини термулиб кутишди.

Ниҳоят, поезд тўхтади. Асил опа саккизинчи вагон томон отилди, қолганлар унга эргаштишди. Қари-ёш, эркак-аёл вагондан чиқиб бўлгач, аввал шинель, телпак кийган Қаюмжон, кейин тивит рўмол ўраган Ойниса, қулоқчин кийган тўққиз яшар бола кўринди.

— Қаюмжон! Ойнисахон! — оломон шовқини орасидан бақирди Асил опа, қўлини кўтариб. — Биз шеттамыз!

Қаюмжон билан Ойнисанинг кўзлари ёшланди.

Фаизов домла ҳаяжондан титрай бошлади.

Ойниса ерга оёғи тегиши билан Жамилага ташланди, маҳкам қучоқлаб, юм-юм йиғлай бошлади, Жамила ҳам чидай олмади, унинг кўзлари ҳам ёшга тўлди. Қаюмжон ўзига тенг бўлиб қолган Алижонни қучди, анчагача қўйиб юбормади. Кейин бошқалар билан қучоқлашишга киришди.

Асил опа Ойнисани, кейин Қаюмжонни қучоқлаб, ниҳоят ажради:

— Бу киши Фаизов домла бўладилар, Юнус ака, рафиқалари Земфира хоним, қизлари Зарема, — деди Асил опа Қаюмжоннинг тирсагидан ушлаб, танишгирар экан. Қаюмжон билан Ойниса учалови билан кетма-кет қучоқлашиб чиқди.

Ҳамманинг кўзидаги ёш суркалган, қовоқ жияклари қизарган, нималардир деб вижирлашар, бири бирининг гапига қулоқ солишмас, бир тўда одам қоришмаси эди.

Кенжа Қаюмжон эътибордан четда турар, ҳеч ким унга таниш эмас, нима қиларини билмас, тажанг бўлар эди.

— Алижон, Жамила, бу уканг, — деди Ойниса болани яқинроқ суриб. — Бунинг исми ҳам Қаюмжон. Кўришинглар.

Биринчи бўлиб Жамила укасини қучоқлади, кейин Алижон қўл ушлашиб кўришди. Буни кўрган Ойниса баттар йиғлаб юборди.

Кенжа Қаюмжон, ўзини улар ихтиёрига топшириб, чурқ этмас, шу мажбурий тадбирдан тезроқ қутилишни ўйлар эди.

Улар вокзал майдонига чиқишди.

Машина кабинасида ўтирган шофёр йигит ирғиб пастга тушди ва Қаюмжон билан қучоқлашиб кўришди, кейин мулозамат билан қўлини кўксига қўйиб, Ойнисага салом берди.

— Носиржон, — деди Асил опа Қаюмжонга пичирлаб. — Мансур аканинг ўғли. Колхозда шофёрлик қилади.

— Ие! Шунақами?! — дея Қаюмжон йигит билан қайтадан кўришди. — Узр укам, танимапман. Ойниса, бу Носиржон экан, Мансур аканинг ўғли.

— Танидим, — деди Ойниса ийманиб.

— Дадангиз бандалик қилиптилар... Жойлари жаннатдан бўлсин, — деди Қаюмжон.

— Иншоолло, — деди Носиржон қўлини кўксидан олмай.

— Аянгиз омон-эсонмилар? — сўради Ойниса.

— Шукур, кутишга чиқа олмади, узрини қабул қиласизлар, — деди Носиржон айб қилгандек хижолат чекиб ва бориб машинанинг орқа бортини очди, кузовга чиқиб, скамейкага туширди.

— Марҳамат, чиқинглар, — деди Фаизов домла пастга қўйилган скамейкага ишора қилиб.

— Жиянча билан Ойнисахон кабинага ўтирсин, — деди Асил опа. — Келинг, Ойнисахон, бола шамоллаб қолмасин, кун совуқ.

— Вой, опа, шу ҳам совуқми? — деди Ойниса кулимсираб. — Бизнинг томондаги совуқни совуқ деса арзийди. Қудуқдан сув олсангиз, уйга етмай музлайди.

— Бу совуқлар бизга шабада, — деди Қаюмжон ҳазил йўлига.

Кула-кула машина кузовига чиқишди. Ҳеч ким кабинага ўтирмади.

Фаизов домла Фуломжондан сотиб олинган ҳовлидаги уйни бошдан-оёқ таъмирлади: лой томни шифер билан ёпди, қинғир эшик-ромларни янгисига ўзгартирди, голланд печка ўрнатди, алебастр сувоқ билан пол қоқтирди, унча-мунча жиҳоз киритди, шолча ёздирди, парда остирди — айвонли уч хона уй кўзга кўринди-қолди. Қўпорилган хашаки дарахтлар ўрнига тартибли қилиб экилган кўчатлар мевага кирди, айқашиб ётган узумга сўри қурди, деворларни бузиб, гишт терди — ҳовлимисан-ҳовли бўлди. Орага дарча ҳам ўрнатди.

Кеча болалар печкаларга олов ёқишди, хоналарнинг бирига хонтахта қўйиб, атро-

фиға кўрначалар тўшашди, дастурхон безашди — йўқлаб келадиган одамларнинг қадами уч-тўрт кун узилмаслиги аниқ эди.

Биринчи бўлиб иккита-учта қишлоқ активлари билан колхоз раиси Мўминова келди — бири қўй етаклаган, иккинчисининг қўлида бир белбоғ анор, учинчисининг бошида ширмой нон солинган сават, Мўминованинг қўлида бир жўра атлас, қора тўн ва Асака дўпписи бор эди.

— Энди, Қаюмжон ака, раисликни ўзингиз оласиз, — деди Мўминова суҳбат давомида. — Аёл кишига қийин экан. Болаларим қўлдан чиқиб кетяпти.

— Раҳмат, — деди Қаюмжон, бу шунчаки тил учиде айтиладиган мулозаматлигини фаросат қилиб, — биз энди мунақа ишга ярамасак керак. Ўзимизга боп хизмат чиқар. Нима ишни раво кўрсангиз — бажонидил. Иш талламаймиз.

Келди-кетди бир ҳафтагача чўзилди. Аёллар эркаклар билан бир хонада ўтиришдан торгинишар эди, шунинг учун Ойнисанинг меҳмонлари учун алоҳида хона ажратиб, дастурхон ёзишди. Қозонда доим нимадир милмиллар, одам кириши билан янги чой дамланар, нон ушатилар, овқат тортилар эди. Бериладиган саволлар тахминан бир хил бўлгани учун аввалига Қаюмжон ҳам, Ойниса ҳам батафсил жавоб қайтарар эдилар, бориб-бориб бу жавоблар қайтаралавергач, иккаловининг меъдасига тега бошлади, жавоблари ҳам калта-юлуқ тус олди. Ниҳоят таширфлар камайди, борса кунига битта ёки иккита меҳмон келадиган бўлди.

— Ҳовлининг қайси бўлағида туришни маъкул кўрасизлар? — деди Фаизов домла, Қаюмжон билан яккама-якка қолгач. «Кўрасизлар?» деган саволнинг ўзида Қаюмжоннинг оиласи бут бўлишини, яъни Алижон ҳам, Жамила ҳам улар қанотига ўтишини аңглатар эди.

— Биз учун иккалови ҳам бегона, янгидан ўрганишга тўғри келади, — деди Қаюмжон айтадиган гапини обдан ўйлаб, акс ҳолда Қаюмжон аввалги туришни истаса, жойни тортиб олган бўлиб чиқади, янчисини танласа — уй-ҳовли Фаизов домланинг пулига сотиб олинган, иккаласи ҳам қалтис эди. — Бизга бари-бир, қайсиси ўзингизга қулай туюлса, ўшанга розимиз. Ёнма-ён яшасак, ҳамма нарса ўртада, туйник-дарча бор. Айниқса болалар сизларга ўрганиб қолган, мажбуран уларни оғдирмаймиз. Болалар ҳам ўртада. Ўзлари илакишсин. Илакишмаса, унга ҳам ёзғирмаймиз. Ҳеч кимда гуноҳ йўқ. Ҳаёт шунақа тушди, балки иноқишиш умуман рўй бермас. Улар сизнинг, Земфира хонимнинг феълига мослашишган, сиз вазмин, мулоҳазали инсонсиз, менинг табтим уларга эриш туюлиши мумкин. Ойниса-ку анчайин босиқ аёл, сургун уни бука олмади. Мени синдирди, тажангроқман. Сизнинг муомалангизга ўрганган болалар кўзида мен инжиқ кўринишим мумкин. Болалар, албатта, солиштиришади, уларнинг табияти шунақа. Мен олабўжи бўлиб кўринаман. Албатта, хатти-ҳаракатимни буришга тиришаман, лекин ўзимни тийиш, уларнинг назарига мувофиқ бўлиш қўлимдан келадими-йўқми, ўзим ҳам билмайман. Гапнинг пўскалласини айтганда, болалар бизнинг номимизда бўлишса-да, аслида сизники. Биз аралшасак, иш бузилиши мумкин. Сизнинг йўригингизда вояга етишса, ҳамма учун фойдали.

Қаюмжоннинг мулоҳазалари ўринли кўринса-да, Фаизов домла масалага бу қадар жиддий тус беришга мойил эмас эди.

— Бари-бир қон тортади, — деди Фаизов домла хўрсиниб. — Майли, арқонни узун ташлаб қўйайлик, муҳит-вазиятнинг ўзи муносабатни таҳлил қилади. Нафақат болалар, биз ҳам уларга ўрганганмиз. Алоқани чўрт узиш ҳеч кимга яхши оқибат келтирмайди.

Энг қийини Кенжа Қаюмжонга бўлди. Ота-онасидан ташқари бу ердагиларнинг ҳаммаси унга бегона, табиатан одамови бўлгани учун, онаси қанча уқтирмасин, бола ака-опаларига ҳам, Фаизов домла билан Земфира хонимга ҳам илакиша олмас, бирон-таси рўпарадан чиқиб қолса, таққа тўхтар ёки шарт бурилиб, орқасига қайтар, хона ичидан чиқмас, ҳеч нарса билан шуғуланмай хўмрайиб ўтирар, ичиде нималар кечаётганини онасига айтмас, шунақа бўлишини тахмин қилгани учун Ойниса боласини сўроққа тутмас, секин-аста «эришини» кутар эди. Ойниса билан Қаюмжон кўп ҳолларда ўзбекча гапиришларини кўрган бўлса-да, бу ердаги тил муҳити — Фаизовлар ўз тилида, яъни қрим-татарча, опа-акалари ҳам қримча ҳам ўзбекча сўзлашиши болани баттар четга сургандек кўринар, кенжа Қаюмжон ҳеч нарсани тушунмас, ўзи ҳақида гапиришяпти, деб гумон қилар, баттар ётсирар эди. Унинг устига дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган мактабга қатнаши бола учун қудуқдек кўринди. Қаюмжон яна колонияни қумсай бошлади.

Алижон билан Жамила учун ҳам вазият чалкаш кўринди. Аввалига, одоб йўлига, улар ота-онаси томон талпинишди ҳам, бироқ Фаизов домла билан Земфира хонимнинг дилини ўртамаслик учун бир оз чекинишди, бинобарин Фаизов домла ҳам, Земфире хоним ҳам болаларга яқинроқ экани муқаррар эди. Энди иккала томондагиларни бараварига «Дада», «ая», дейиш зарурати ҳаммаларини калака қилар, қайси бириге

мурожаат қилишаётганини билишмас эди. Биринчи кезларда Алижон ҳам, Жамила ҳам умуман, «Ая», «Дада» ҳам дейишмас, ийманишар, Земфира хонимга: «Ая, уларга айтинг, денг, сўранг», таъбирида юзланишар, ўзлари мурожаат қилишдан тийинишар, фақат она-отасининг саволига калта-калта жавоб беришар, зарурат чиқмаса, ҳеч нарса сўрашмас эди. Бироқ бундай муносабат узоқ давом этиши мумкин эмас эди, Ойнисанинг ўзи айтди:

— Мени «аяча», дадангни «Қаюм-дада», денглар, — деди. — Сен ҳам, — деди Ойниса Заремага қараб. — Мен Юнус акани «Ака», Земфира хонимни «Опа», дейман. Сен, — дея, Ойниса кенжа Қаюмжонга юзланди, — уларни нима деб атайсан?

Бола елкасини қисди, унга қолса, умуман ҳеч қанақа, деб атамаслик маъқул эди.

— Амаки, дегин, тушундингми?

Бола индамади.

— Земфира хонимни «Ойи» де, тошкентчасига бўлади, — деб, Ойниса боласини бир қўли билан кучди. — Велосипед учасанми,

Қаюмжон Алижонга қаради — велосипед уники, учиршига рози бўлармикан, деган маънода Алижоннинг розилигини кутди.

— Учирасанми, Алижон? — сўради Ойниса, овозида хушомад билан.

— Кетдик, — деди Алижон сергакланиб. — Юр, Қаюмжон, — дея, болага қўлини чўзди. Қаюмжон бир зум иккилиниб тургач, қўлини аста Алижонга берди. Бу — биринчи ришта эди. Ойнисанинг дили таскин топандек бўлди. Қизлар ҳам кўшилиб, велосипед етаклаган Алижонга эргашиб, кўчага отилишди. Қаюмжон болаларнинг хайқириғига қўшила олмай орқароқда қолди. Зарема қайтиб, болани қўлидан ушлади, кўчага интилди. Қаюмжонга шу далда керак эди, у андак тетикланиб, кўчага ошиқди.

Алижон укасини велосипед ромига ўтқазиб, унинг қўлларини рулга қўйди, чап оёғини тепкига босиб, эгарга ўтирди, ҳалқоб сувлар музлаган қишлоқ кўчаси бўйлаб, велосипедни марказ томон ҳайдаб кетди.

Бу Кенжа Қаюмжоннинг велосипедда биринчи учини эди.

13

Зоҳид кун бўйи ишда бўлади — бригадасига ўн олтига қамоқ ташқида яшаш ҳуқуқига эга маҳбуслар бор — сабзи кавлашади, картошка қазишади, карам ортишади. Кўриқчи ҳам йўқ, бригадирлик Зоҳидга қолган, неча қоп сабзавот тўпланди, ҳаммасини торттириб тележкаларга юклатиши, кечқурун турма бухгалтериясига ҳисобот топшириши керак, ишдан бўйин товлаган тартиб бузарларни ҳам назорат қилиши керак. Кимдир ишга чиқмаса, ичиб қўйса, бангилик қилса, турмага қайтарилади, меҳнатга ҳам соқчи қаровида борадиган бўлади. Зоҳиднинг бригадасида ишлайдиган маҳбуслар ўз вазифасини яхши бажаришга тиришади — тезроқ озодликка чиқиш имконияти ошади, қўлига тегадиган иш ҳақи миқдори ҳам баландроқ бўлади, бўшаганлари уйларига қуруқ қўл билан кириб боришмайди. Зоҳид кечқурун ётоққа қайтган-қайтмаганларни тергамайди, бу вазифа ётоқ комендантининг бурчи, ётоққа қайтиш — шарт, биронта маҳбус қайтмаса, яна зонага тушади, шунинг учун ҳаммалари ётоққа қайтиш қондасини бузишмайди. Бригадир бўлишига қарамай, Зоҳид ҳам ётоқда тунаши зарур — саҳар туради, ишга чиқувчиларни уйғотади, йўқлама қилади, нонуштадан кейин тележкаларда далага жўнашади.

Охирги учрашув иноқ ўтгани учун Зоҳид, яна келар, деб, Муқаддасни кутди, бироқ, мана, уч ойга яқин муддат ўтди, ундан ҳамон дарак йўқ. Албатта, Муқаддаснинг хизмати масъулиятли, иши кўп, уйда қизи, рўзвор ташвишлари бор, истаганида кетавермайди. Бироқ ярим соатга бўлса ҳам фурсат топиши мумкин-ку. У ёқ-бу ёқ бир соатли йўл, вақт ажратиши қийин эмас. Балки Зоҳиднинг бирон қилиғи ёқмадими? Ёқмаган бўлса, авзойидан сезилар эди, унақасини Зоҳид даражага етганда, ё фаросати етмади. Нима бўлиши мумкин? Нега муносабатлари шу даражага етганда, ундан номинишон бўлмаяпти? Мана бу маҳбуслар кўзида изза бўлишни хоҳламайптмикан? Бинобарин буларнинг ичида Муқаддас раислик қилган суд фармони билан қамалганлар ҳам йўқ эмас. Олдинги келганларида Муқаддас фақат турма ходимларидан битта-иккитасини учратар, маҳбусларга дуч келмас эди. Шундан истиҳола қилган бўлса ажабмас. Зоҳид шу каби важлар билан интизорлигига тасалли ахтарар, лекин барибир кўргиси келар, соғинар, илож бўлса ўзи қидириб боришга тайёр эди. Бироқ қутулишига икки-уч ой қолганда, тартибни бузиб, яна баттар чалкашликка дучор бўлишни истамас эди. Аммо бари-бир Зоҳид Муқаддаснинг сўзини олиши кераклигини, бу ситамхонадан чиққач, бирга яшаш, муносабатларини расмийлаштириш йўллари-ни ўйлар эди. Тўй-томоша қилиш, албатта, шарт эмас, лекин никоҳ ўқитиш, ЗАГСдан ўтиш муқаррар бўлиб, нияти омонат эмаслигини исбот қилиши, шу йўсин билан

Муқаддасни гулгула-гумондан фориф этиши шарт эди. Агар Муқаддас Зоҳиддан айниган, шунчаки ташналигини қониқтирган бўлса-чи? Ёки яна биронта тила тишлик олифта йўлдан урганмикан? Муқаддас — судья, касби қулай, унинг пинжида анчамунча ишларни хамирдан қил суғургандек, ясаб ташлаш мумкин, фирибгарларлик шuvoқ остида қолаверса, ҳеч ким сезмайди, сезгани чурқ этишга юраги дов бермайди. Ҳатто Муқаддаснинг ўзи ҳам ғафлатда қолади.

Бир кун кечкурун хира хонада ўтирган Зоҳидни навбатчи имлаб чақирди.

— Сени сўрашяпти, — деди у, — ташқарида.

Зоҳид ташқарига ошиқди. Чироқлари ўчирилган машинасида Муқаддас ўтирар эди, Зоҳидни кўриб, машинасидан чиқди. Қоронғи бўлгани учун Зоҳид салом ҳам демай, Муқаддасни бағрига босди, анчагача кучоғидан кўйиб юбормади.

— Нега бедарак бўлиб кетдингиз? — деди Зоҳид. — Тинчликми?

— Бездор қилмай, дедим, — деди пичирлаб Муқаддас.

— Келипсиз-ку.

— Вазият мажбур қилди, — деди Муқаддас.

Зоҳид қўлини бўшатиб Муқаддаснинг кўзларига тикилди.

— Тинчликми?

Муқаддас индамади.

— Нима гап? — деди Зоҳид хавотирланиб.

— Бошим қоронғи, — деди Муқаддас Зоҳидга синовчан қараб.

Зоҳид Муқаддасни кучоқлаб, даст кўтарди, кулоғи остидан ўпди.

— Жуда соз, — дея, Зоҳид Муқаддасни ерга қўйди. — Нега гулгуладасиз? Яхши-

ку.

— Сизга қандай ботаркин, деб гумонда эдим.

— Қанақа гумон бўлиши мумкин?

— Қорним дўппайса, нима важ кўрсатаман? Мени чалиш кўйида юрганлар қанча.

— Дарров тўй қилиш керак, — деди Зоҳид иккиланмай.

— Қанақа тўй, ўзингиз турмадасиз-ку.

— Илтимоснома ёзсам, эртагаёқ бўшатишади.

— Ёзинг, шунча ётганингиз етар, — деди Муқаддас қатъий.

— Бўпти, ёзаман, — деди Зоҳид. — Ўзим ҳам шуни ўйлаб юрувдим.

— Нимани, ҳомила бўлишимними? — тушунмай сўради Муқаддас.

— Бўшашими, нега чўчийсиз?

— Асаб. Ҳамма нарсадан чўчийман, — деди Муқаддас, гўё ҳомиладор бўлиши тузатиб бўлмайдиган дарддек, нохуш овозда. — Жонга тегди. Ҳар қадамимдан кўрқаман. Айбдор амалдор бўлса, бош судья нуқул оқлаш пайига тушади, биз унамасак, коллегияда қоралайди, айб ахтаради. Муддаоси нималигини ҳамма билади, лекин ҳеч ким ҳеч нарса дея олмайди. Баъзи судьялар сўзсиз бажаришади, одамнинг айби борми, йўқми — бари бир кес, дейишса, кесади, оқла дейишса, оқлайди, мартаба орттиришади, амалга минишади. Одилик, адолат улар учун пуч нарса. Қанчадан қанча бегуноҳ одамлар қамоқларда ётипти, қанча зўравонлар озод юрипти. Бу системада ишлаш учун қабиҳ бўлиш керак, тепадан пастгача чириб кетган экан. Дод дегинг келади. Дод дейишга ҳам, гуноҳсизни ҳимоя қилишга ҳам ҳаққинг йўқ. Ҳамма нарса таниш-билиш, пул билан битади. Декретга чиқсам қайтиб бормайман.

— Бормасангиз ўпкалашмайди, ҳамма амал ўзларида қолади, — деди Зоҳид совуқонлик билан. — Сиз улар учун ғовсиз, кўздаги чўпсиз, сафни бузувчи унсурсиз. — Зоҳид гапларидан хижолат чеқди. — Кечиринг.

Муқаддас Зоҳидни кучоқлаб ўпгиси келди, лекин ўзини тийди, чўнтагидан бир парча қоғоз чиқариб, йигитга берди.

— Ишхонамнинг телефон номери, — деди Муқаддас андак расмий тусда. — Бўшасангиз, қўнғироқ қиларсиз. Олиб кетаман.

— Йўқ, овора бўлманг, ўзим етиб оламан, — деди Зоҳид ва гугурт ёқиб, папирос туташтирди.

Муқаддас уйига етиб борганида, ҳовлиси қоронғи, фақат Замира хола хонасининг деразасидан ёруғ тушиб турар, эшиги берк эди. Муқаддас ҳовли чироғини ёқиб, дарвозани қулфлади. Замира холанинг эшиги очилиб, пойгақда Озода кўринди.

— Ая, сизмисиз?

— Ҳа, қизим, менман, — деди Муқаддас ва дарвозахонадан чиқиб, кела бошлади.

— Овқат борми, очман?

— Қасқонда манти бор, ҳали иссиқ, — деди Озода.

Унинг ёнидан ўтиб, ташқарига Замира хола чиқди.

— Шетга кира қолинг, — дея, Замира хола ошхона томонга ўтиб кетди.

Муқаддас қўлини ювиб, шу хонага кирди. Замира хола, печка бўлишига қарамай,

сандал ўрнатган эди, Муқаддас плашини ечиб, сандал четига жойлашди. Иссиқ сандал оёқ-қўлига роҳат берди.

— Скрипканг қани?

— Юқори хонада, ўшатта шуғулландим, — деди Озода, онасининг пинжига суқиб-либ. — Бувим бу ерда «чийиллатма», деяптилар.

Муқаддас бир қўлини қизининг елкасидан ўтказди. Ҳозир Замира хола манти олиб келади, овқатланиб бўлгач, Муқаддас юқори хонада қизи билан гаплашиб олиши керак. Аммо Муқаддас ҳамон гапни нимадан бошлашни билмас, қизининг гаши келишидан чўчир, бироқ гаплашмаслик ҳам мумкин эмас, бир ой-бир ярим ойдан сўнг қорни сезила бошлайди, нима баҳона топади, қизининг кўзида бузуқ кўринади, онасидан ихлоси қайтади. Балки Замира холани ўртага қўйиш керақдир, Озода кампир билан иноқ, кампир гапни топиб гапиради, осон иқрор қилади, кўндиради. Муқаддас ҳомилали бўлиб қолганини қай юз билан кампирга айтади. Шўрлик бу сирни эшитса, шайтонлаб қолади-ку. Бирон гап демаса-да, ичида иснод чекади. «Бойнинг қизи танноз, кўнглига келганини қайтармайди, Ўлмас билан ҳам ўйнашиб туғувди, ипи бўш», деб ўйлайди, албатта. Йўқ, Замира холага очилмагани маъқул.

— Озода, — деди Муқаддас овқатдан кейин уйга чиққач. — Хоҳласанг, ёстиғингни қўй, бирга ётамиз.

Муқаддас, уйқусида босиб олишдан қўрқиб, ёшлигиданоқ Озода билан ётмас эди. Қизи ажабланиб онасига боқди.

— Хона яхши исимапти, — дея Муқаддас важ топди, — бирга ётсак, совуқ сезилмайди.

Озода нариги каравотдаги ёстиғини олиб, онасиники ёнига ташлади, радио томон юрди.

— Ёқма, — деди Муқаддас, радио овози суҳбатга халал беришини истамай, — ухлаб қолсак, ўчирилмай қолади.

Она-бола чироқни ўчирмай ётишди.

— Ёшроқ пайтингда туссам, уканг ёнинга кириб қолар эди, — деди Муқаддас узоқ сукутдан сўнг.

— Нега туғмадингиз?

— Анову «бақадан» туғгим келмади, — деди Муқаддас, собиқ эрининг номини айтгиси ҳам келмай.

— «Бақа» бўлса, нега теккансиз? — онасининг гаши келишидан ҳайиқиб сўради Озода.

— Мажбур қилишган, розилигимни сўрашмаган ҳам.

— Ким?

— Ким бўлар эди, дадам билан онам-да.

— Сўрашса, кимга тегар эдингиз?

— Дадангга, сен ўшандан бўлгансан.

— Биламан, оти Ўлмас-а? Замира бувимдан эшитганман. Замира бувим ҳамма нарсани билади. «Бақани» ҳам.

— Сен уни танймайсан, — деди Муқаддас нохушлик билан. — Чиқиб кетганида, сен гўдак эдинг.

Озода ўйга чўқди. У Замира холани тез-тез саволга тутар, кампир билганча Озодага айтиб берар, кўп воқеалардан бохабар эди. Замира хола ҳеч ким ҳақида — Муродхўжа ака, Гулсум опа, Ўлмас, ҳатто Ҳошимжон тўғрисида ҳам ёмон сўз демас, ҳаммасига ачиниб гапирар эди. Шунинг учун Муқаддас, Ҳошимжонни «бақа» дейиши Озодага ғализ туюлди. Умуман гап бошқа томонга бурилиб кетди, Муқаддас Зоҳид ҳақида оғиз очмади, очишга важ топилмади. Лекин сирни қизига очишни, уни келажак ўзгаришларга тайёрлаши шарт ва зарур эди. Қизи энди кўп нарсаларни тушунадиган, мустақил фикр юритадиган бўлиб қолди, уни назардан четда қолдириб бўлмайди, розилигини олмаса, кейин иш пачава чиқиши муқаррар эди.

Бир ҳафтадан кейин Зоҳид Муқаддасга телефон қилди. Зоҳиднинг овозида Муқаддас у қадар қувонч сезмади.

— Борайми? — сўради Муқаддас.

— Тумовман, юқмасин, — деди Зоҳид, Муқаддасни авайлаб. — Қумри ая қараяпти, дори-дармон бор. Уч-тўрт кун ўтиши керак.

Майли, уч-тўрт кун ўтсин, ўйлади Муқаддас, фурсат зиқлигига қарамай. Зоҳид ўзи билади-ку, Муқаддас эслатса, қистагандек туюлади. Никоҳсиз, норасмий яшаш аввалари Муқаддасга, айниқса Ўлмас билан рўй берган маломатдан кейин, мутлақо номуссиз қилмиш бўлиб туюлди. Лекин адлия соҳасига аралашгач, бунақа воқеалар учраб турадиган нарса эканига ўзи амин бўлди. Бу каби вазиятга тушганлар асосан қиз-аёллар эди. Бу ҳам жабрланувчиларнинг мингдан бирини ташкил қилар, кўплари

қоринлари сезилмай туриб ҳомиладан қутилиш чорасини ахтаришар, чора топа олманган қизлар ўзларини ёқишар, осишар, маргимуш ичишар, томир кесишар, — айбни ўзлари билан гўрга олиб кетишар, кўп ҳолларда ота-оналари ажал сабабини билишмас, фақат гумон қилишар, суд — милициядан яширишар, йўлдан оздирган йигитлар четда қолишар, тан олишмас, гувоҳ бўлмагани учун уларни ҳеч ким жавобгарликка торта олмас эди. Севиб алоқа қилган йигит қизни, ака-укаларидан кўрқса-да, бари-бир айбни қизга ағдарар, «кўнглинг бўш экан, қаршилиқ кўрсатмадинг, имо қилсам иштонинг тушиб кетди», деб ўян ахтарар, қиз сирини уйдагиларга айтишдан кўрқар, негаки улар қизлари номусини ҳимоя қилиш ўрнига, айбни қизларидан кўрар, иккала ёвуз томон ўртасида аросатда қолган қизлар ажалдан бўлак чора топа олмас эдилар. Натижада қиз ҳам, пуштидаги янги жон ҳам нобуд бўлишар эди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи шахс бўлишига қарамай, Муқаддас ҳам шундай бидъатдан ҳайиқар, андиша қилар, ҳатто Зоҳид совиса, ҳомиласини йўқ қилишга ҳам тайёр эди. Нега Зоҳиднинг товуши Муқаддасга лоқайд туюлди? Наҳот Зоҳид ҳам «ўшанақалардан» бўлса? Қани анаву шеърларда айтилиш ситам-ташналиклар? Чанқоғи босилдимикин? Ёки у ҳам Муқаддасни суюқ, жўн, деб ўйлаётими? Бегоблиги баҳонамикин? Йўқ, энди Муқаддас — беморни йўқлаш табиий кўринса-да — ўзи бормайди. Агар туйғуси чин бўлса, ўзи қидирсин, келсин. Келмаса — яна яхши, вазият аниқ тус олади.

Айни бир пайтда Зоҳид Қумри ая исриқ туташтирган хонада акса уриб ётар, дастрўмоли хўл бўлавергани учун сочиқ билан бурнини тўсар, уч йил турмада бўлиб, совуқ-изғиринда қарам юклаб бирон марта шамолламаган одам, балконда чеккани учунми - шу арзимас назла туфайли уйда қамалиб ўтиришга мажбур. ЗАГС билан боғлиқ расмий тадбирни ҳисобга олмаганида, Зоҳиднинг шошилиш иши йўқ, қанча керак бўлса шунча ётиши мумкин, лекин никоҳни янги йилгача ўтказиб, ниҳоят қарор топишни чамалаб кўйган эди, бироқ мана бу савил режаларини бузди. Тумов тез орада арийди, ҳатто янги йилгача уйланиш маросимини ўтказиб юборишга ҳам улгуришлари мумкин. Охирги учрашувда тўй ҳақида сўз кетди — Муқаддас ийманди. Ўн уч яшар қизли жувон келин либосида ўтиришни эп кўрмади. Зоҳид ҳам қистамади. Аввало тўй маросимига етарли маблаги йўқ, бор-йўғи 15-20 меҳмондан иборат ўтиришга етади. Муқаддас улуш кўшиш ниятини билдирса-да, Зоҳид эркак сифатида рози бўлмайди. Зиёфат даҳмазасиз бирон ресторанда ўтказилса кифоя. Катта тўйга кимни ҳам айтар эди, қадрдон дўстлари кам, бармоқ билан санаб чиқса бўлади. Муқаддас ҳам танҳогина аёл, биттагина қизчаси бормиш. Муқаддас тул эканини Зоҳид биларди, саволга тутмади, жоиз кўрса, ўзи айтар: анову гал мавриди бўлмагани учун Зоҳид ўз ўтмиши, оиласи ҳақида Муқаддасга ҳеч нарса дегиси келмади, қаловини топа олмади. Лекин кейинчалик «яширипсиз» деган писанда чиқмаслиги учун Зоҳид, албатта рафиқасини хабардор қилиши лозим. Зоҳиднинг битта фарзанди бор. Хотини Зебо Зоҳидни нуқул «кам топасиз», деб камситар, ёнида борини шилиб олар, ўта рашкчи, Зоҳидни ҳоли-жонига қўймас, соқол қирса ҳам, костюминини дазмолласа ҳам, ҳатто сочини тараса ҳам гумон қилар, ўзини ҳам азобга қўяр, эрининг кўзини очирмас эди. Бир куни тунда Зоҳид кўзини очиб, тепасида бежо тикилиб турган хотинини кўрди — Зебонинг қўлида оғир мисчойнак бор эди. Зебо чой қўйиш учун мисчойнакни ушлаб туриптими, ёки дилида бошқа ният борми — Зоҳид англай олмади, лекин юраги шувиллаб кетди. Шундан кейин оралари кескин бузулди, Зоҳид уйдан чиқиб кетди, уч йилгача ижараларда яшаб юрди, кейин ижроком Ўрдадаги тўрт қаватли бинонинг икки хонали уйини берди. Зоҳиднинг Зебо билан расмий ажраши ҳам силлиқ ўтгани йўқ — собиқ хотини аюханнос кўтарди, курсиларни улоқтирди, суд раиси милиция ходимларига безори жувонни «босишни» буюрди ва ўша мажлисдаёқ суд қарори эълон қилинди: Зебо мажбурий даволаниш муассасига юборилди, фарзанд ота қарамоғида қоладиган бўлди, бироқ Зоҳиднинг қайнонаси болани уйдан чиқармади. Зоҳид кўнишга мажбур бўлди, севиб уйланган хотинини ҳаётидан ўчириб ташлади, ҳалигача боласи учун — суднинг қарори бўлмаса-да нафақа тўлайди. Нафақа миқдори у қадар катта эмас, ҳар қалай томиб турар эди, Зоҳид қамалгач, у ҳам тинди. Хотини бир-икки курс даводан кейин бир мунча ўзига келди, ҳатто икки йилдан кейин турмушга ҳам чиқди — чиройлик нарса, «тешик мунчоқ», ипсиз қолмади.

Зоҳид Муқаддас билан никоҳдан сўнг қай йўсинда яшаш, яъни Зоҳид ичкўёв бўлиб Муқаддасни кирадими ёки Муқаддас қизи Озода билан Зоҳиднинг бу уйига кўчиб ўтишадими — ҳали муҳокама қилишмаган. Муҳокама қилишни эп кўришмаган, алоқалари расмий тус олмай туриб, бунақа масалани ўртага ташлашнинг ўзида қанақадир чамалашга ўхшаш зикналик бордек, ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетадиган муаммодек туюлган, муносабатлари узил-кесил, шак-шубҳасиз, муқаррар кўринмаслиги учун бу ҳақда гап очишмаган. Одатда қиз куёвни келин бўлиб тушади, куёв агар ака-укалари кўп, жойи тор-танқис бўлса, келинни киради ичкўёв бўлиб киради. — Қуда-

андалар шу ҳақда аввалдан келишиб олишади. Бироқ Муқаддас билан Зоҳид орасида ҳеч қанақа воситачи йўқ, совчисиз бири бирини топган, демак, келажак масалаларини ҳам ўзлари ечишлари лозим. Муқаддас данғиллама уйини ташлаб, Зоҳиднинг икки хонали квартирасига келин бўлиб тушади, йўқми — бу ҳам номаълум. Қизи онасига эргашиб ўғай отасиникига келишга рози бўладими? Фаши келмайдими? Онасини қизганмайдими? Гўдак бўлганида бир нав эди, қиз — ўн уч яшар, бир-икки йилдан кейин турмушга чиқарса, фарзанд кўрадиган чоғи. Асло унамайди.

Зоҳид ичкўёв бўлиб кирсачи? Бу қисмат бир марта бошидан ўтди, етар. Қайнона-қайнона бўлмайди, уларнинг қош-қовоғига қарши истисно, лекин Муқаддаснинг қизи бор, Зоҳид билан Муқаддас қанча иноқ бўлишмасин, қиз тумтайиб юрса, қимнинг бардоши етади? Қолаверса, Зоҳид учун ҳам Муқаддаснинг муҳити, уй-жойи, кўрпа-ёстиғи бегона: бир пайтлар апоқ-чапоқ бўлиб кечаларни ўтказган жойда энди Зоҳид, ҳеч нарсани билмагандек, ётадими? Ҳар тирқишдан Муқаддаснинг собиқ эри, унинг шарпаси, ҳиди келиб, миннат билан тикилиб тургандек бўлади. Зоҳид бировнинг ризқини қавшаётган итдек ўзини ҳис қилади. Нимадир зирапчадек доим этига ботиб туради, сергаклик қўйиб юбормайди, ҳушёр юришга мажбур бўлади. Агар қизи онаси теккан эрини сиғдирмаса, райирлик қилса, оиладан ҳеч қачон таҳлика аримайди, хушнудлик ҳам татимайди. Бу дегани, Зоҳид қизнинг ихлосини ўзи томон оғдириши ёки чидаши шарт. Ёки алоқаларига барҳам бериши керак. Қандай барҳам беради? Муқаддас буткул вужуди билан Зоҳид учун тимсол: муомаласи, ҳусни, маслағи, қатъийлиги, ҳатто фисқу фасотдан ҳайиқмай ўзи дилини очишга журъат қилгани — ҳаммаси Зоҳид учун — таомил, эзгу нияти. Бундай малак ҳар қандай йигитга ҳам насиб этавермайди. Ҳа, қизлигида бир йигитга кўнгил қўйипти, бола кўрипти — хўш, нима бўпти? Севиш ёвузлик эмас-ку, инсоннинг энг гўзал хислати, буни олқишлаш ўрнига, тош отиш керакми? Юраги яна севгига очилипти, бидъатни енгишга қурби етипти — улуғ фазилат-ку. Бунақа малоика учрашининг ўзи омад, шак келтириш бетамизлик. Майли, бир йил бўладими, бир ой бўладими... Ҳатто бир ҳафта жуфт бўлишга Зоҳид тайёр. Кейин нима кечса — худодан. Пешонасидан кўради. Тақдири шунақа экан, чидайди, кўникади. Бироқ ҳомиласичи? Аёл киши учун бу чакана нарса эмас, иккаловини боғловчи тугун, дадда. Шунинг учуноқ никоҳдан ўтишлари керак, токи Муқаддас ҳам ийманмасин, Зоҳид ҳам ўзини панада тутмасин. Қонуний, расмий бўлгани маъқул, ҳеч ким писанда қила олмайди. Қизи ҳам кўникишга мажбур бўлади. Нега Муқаддас телефонда кам гапирди? Нимадан мулоҳаза қилди? Зоҳиднинг «Келмай туринг», дегани ботдимикин? Наҳотки? Муқаддас унақа танноз, гиначи эмас, идрокли жувон, фаросати етади, бўлар-бўлмаста тумтаймайди. Демак, дилида қанақадир вазелик бор. Ҳомиласидан тортинаётганмикин? Бир ойдан сўнг кўз пайқайдиган бўлиб қолади. Қисташга орийат қиялпти, чоғи. Хуноблиги шундан. Тезроқ Зоҳид ўнғайиши, алоқаларини қонунлаштиришга ошиқиши керак. Бу шунчаки расмий тадбир бўлса-да, орадаги беқарорликка барҳам беради, осойишталик ўрнатади, демак, руҳий таҳлика арийди.

Зоҳид эртасига Муқаддаснинг ишхонасига — уч йилга кесилган муассасага борди. Муқаддас очиқ суд мажлисини олиб бораётган экан. Зоҳид залга кириб, бир бурчақда ўтирди. Муқаддас шу заҳотиёқ уни пайқайди, аммо ўзгармади, ишини қай тусда олиб борган бўлса, ўша тарзда давом эттирди. Бир соатдан сўнг Муқаддас танаффус эълон қилди ва ёнгинасидаги хонага кириб кетди. Зоҳид коридорга чиқиб, Муқаддаснинг номи ёзилган эшикни тақиллатди. Эшикни котиба қиз очди. Бу қизни Зоҳид ўзининг иши судга тушган пайтида ҳам кўрган эди, бироқ котиба қиз Зоҳидни танимади.

— Муқаддас Муродовна танаффусдалар, қабул қила олмайдилар, — деди котиба эшикни қия қилиб.

— Кираверинг, — деган Муқаддаснинг овози ичкаридан эшитилди. У Зоҳид киришини кутган эди. Балки шунинг учун танаффус эълон қилгандир, деб ўйлади Зоҳид.

Котиба четланиб, эшикни очди. Ичкарида Муқаддасдан бўлак ҳеч ким йўқ, у термосдан чашкага чой қуймоқда эди.

— Салом алайкум, — деди Зоҳид турган жойидан.

— Келинг, — деди Муқаддас тик турган ҳолда, — ўтиринг.

Котиба бир Муқаддасга, бир Зоҳидга аланглаб, хонадан чиқиб кетди.

Зоҳид бурнини рўмолчаси билан тўсиб, стол ёнидаги стулга бориб ўтирди.

— Чой ичинг, — дея Муқаддас чой қуйилган стаканни Зоҳид олдига қўйди, шоколад қутисини очди. — Марҳамат.

— Раҳмат.

— Кўчага чакки чиқибсиз-да, — деди Муқаддас Зоҳиднинг тумовини назарда тутиб. — Зарур иш борми?

— Биласиз-ку, — деди Зоҳид ва чойдан бир ҳўплам ичди.

Муқаддас ўзини билмаганликка олмади.

— ЗАГСга ариза топшириб қўйиш керакмикин? — деди Зоҳид, ўзини бу тадбирга дахли камдек кўрсатишга уриниб. — Агар айниган бўлмасангиз.

Муқаддас мавҳум табассум билан Зоҳидга назар ташлади.

— ЗАГС муаммо эмас, — деди у соатига қараб олиб.

Зоҳид тўшақда ётиб ўйлаган мулоҳазалари Муқаддас учун ҳам муҳим эди, бу масалани фақат Зоҳид билан бамаслаҳат ечиш мумкин бўлиб, шу гап очилишини кутиб юрган эди.

— Ярим соатдан кейин, — деди Муқаддас овозига майинлик бериб, — кенгаш давом этади. Ҳозир гап очсак, тўмтоқ чиқади. Сиз иссиқ ўраниб ётатуриг, мен ишдан кейин учраб ўтаман. Бафуржа гаплашамиз. Исириқ тутатиб қўйинг. Келганингиз учун раҳмат.

Бу Муқаддаснинг миннатдорчилигимни ёки у йигитни жўнатмоқчиси — Зоҳид англай олмади. Бироқ бош ирғаб ўрнидан турди, яна бир марта чой ҳўллаб хонадан чиқиб кетди.

Муқаддаснинг муомаласи майин бўлса-да, ҳақиқатда Зоҳиднинг кавшини тўғри-лаб қўйгандек кўринди, Муқаддаснинг дили ғаш бўлди. Уйига борганимда, топиб гапираман, кўнглини кўтараман, деб ўйлади Муқаддас, кўпроқ ўзига тасалли ахтариб. Бироқ бу баҳона ҳам Муқаддасга таскин бермади. Бир неча кун аввал қизи билан ёнма-ён бир каравотда қўзғаган суҳбати эсига тушди. Она-бола уёқ-буёқдан гапла-шишди, ниҳоят Муқаддас асосий мавзуга ўтди, тўғрироғи, Озоданинг лўкмиси туртки берди. Қиз хайҳотдек уйда бир ўзи эканидан ёзғиргандек бўлди. Озода ўн тўрт яшар қиз, анча-мунча нарсанинг фарқига етади, онасининг атворидан бирон ўзгариш пайдо бўлганини пайқадимикин, онаси айтишдан хижолат чекаётганини сезиб, ўзи шу гапни очдимикин, Муқаддас англай олмади, лекин далда деб ўйлади.

— Яхши одам чиқса, тегайми? — деди Муқаддас шифтга тикилиб.

Озода анча индамай ётди. Муқаддас ғулғулага туша бошлади.

— Кўнглингиз чопса, тегинг, — деди Озода ҳам шифтга қараб. — Ҳали ёшсиз-ку, энди ўттизга тўлдингиз. Борми биронтаси?

Қизининг шу саволнинг ўзида ниманидир гумон қилишини Муқаддас сезди. Лекин Озоданинг «... биронтаси», деган сўзи Муқаддасга эришроқ туюлди. Гўё Озода «уни» барибир четроқда тутар, ётроқ кўришини яшира олмас, «у» бош суқиб кирса, она билан қизи ўртасида парда пайдо бўлишига ишорадек эди. Муқаддас қизининг розилигидан мамнун бўлса-да, овозида алақандай қизғанишга ўхшаган рашкни пайқади. Шунинг учун Озоданинг саволига Муқаддас «бор» деб жавоб беришдан орийат сезиб:

— Бўлса ғашинг келмайдими? — деди.

Озода яна жимиб қолди.

— Сизга маъқул бўлса, бўпти-да, — деди ниҳоят Озода. — Кўникаман. Лекин «дада» дейишга ҳеч қачон тилим бормади. Оғринмасмикин?

— Ким? — ҳадиксираб сўради Муқаддас.

— Ким бўларди? Ўша-да. — Озода «уни» нима деб аташни билмас, «нотаниш» деса, жуда бегона туюлар, «куёв» сўзи ғалати кўринар, «жазманингиз» қўпол ибора эди, шунинг билан бирга қиз онасининг кўнглида гумон қолдиришни, совутишни ҳам истамас эди.

— Мен ҳали аниқ бир нарса демадим-ку, нимадан домангир бўлаяпсан, қизим? — деди Муқаддас ўзини ҳимоя қилгандек.

— Ҳеч нарсадан, — деди Озода. — Ўзингиз «чиқса» деганингиздан тахмин қилдим холос. Агар ҳақиқатда «чиққан» бўлса... Хуллас, ўзингиз биласиз. Ғашим келмайди. Фақат дугоналаримга «дадам урушда ҳалок бўлган», деб келардим, ўша гапим гаплиги-ча қолади. Сўрашса, «аямнинг эри», дейман.

— Унақа десанг, изза бўласан. Ҳеч ким дадасини «аямнинг эри» демайди.

— Дадам эмас-ку «у».

— Тўғри, мен тегсам сенга дада бўлади-да. Мунақалар қанча, дадалари урушда ўлган болалар оналари янги турмуш қурган бўлсалар, «дада» дейишади, ҳеч ким «ойимнинг эри» демайди, бунақа дейиш одобдан эмас. Оталиқ бурчини бажарса, «ўғлим-қизим» деса, «дада-да».

— Мен «унинг» қизи эмасман-ку, — деди Озода тушунишни истамай.

— «У» менинг эрим бўлганидан кейин, болам «унинг» ҳам фарзанди ҳисобланади.

Муқаддас ҳозир кабинетида ўша суҳбат тафсилотини ўйлар, қизи онасининг турмуш қуришига рози эканидан дилининг бир бўлгаи таскин топар, лекин Озоданинг «дада» дейишга тили бормаслиги» кўнглини ўртар, ўғай ота билан қизининг муомаласи қандай кечишини аниқ тасаввур қила олмас, агар қизи тумтайишини қўймаса, Зоҳид

билан алоқалари барибир ишқал бўлишидан чўчир эди. Бироқ Зоҳид, нозиктабиатли инсон, хушмуомала, қизининг дилига йўл топа олади, қизининг ихлосини тортади, иноқлашиб кетиши мумкин. Майли, турмуш қилиб кўрайликчи, осойишта, силлиқ, таънасиз ўтса, нур устига аъло нур, муросалар келишмаса — на илож, ўйлади Муқаддас, айрилишга мажбур бўламан.

Ҳозир Муқаддас Зоҳидникига боради, шу мулоҳазалар очилади, Зоҳиддан бирон идроқли маслаҳат чиқишига Муқаддас ишонади.

Шу пайт кабинет эшиги тақиллаб, остонада юзига бўжама тошган ўспирин кўринди. У рус йигит бўлиб, устида погонсиз шинель, оёғида кирза этик, қўнғир-сарик сочлари ҳурпайган эди.

Муқаддас унга қараб, биронта судланувчининг ўғли ёки қариндоши деб ўйлади.

— Кечирасиз, иш вақтим тугади, бугун қабул қила олмайман, эртага соат тўққизда келинг, — деди Муқаддас ва шинелли йигитдан кўзини олиб, столдаги қоғоз папкаларни тахлай бошлади.

— Мен қабулга келганим йўқ, қоғоз олиб келдим, — деди йигит Муқаддаснинг гапини писанд қилмай. — Қўл қўйиб берсангиз бўлди. — У икки букланган қоғозни Муқаддасга узатди. — Муродова сизмисиз? — сўради у бир лаҳза қоғозни чимдиб туриб.

— Ҳа, Муродоваман, — деди Муқаддас андак ажабланиб. — Қанақа қоғоз? Кимдан?

— Мана, ўқинг, — дея, йигит қоғозни Муқаддасга берди.

Муқаддас қоғоздаги машинкада ёзилган сўзларга кўз югуртириб чиқди, негадир юргаги шувиллаб кетди — даъватнома Давлат Хавфсизлигини Сақлаш Комитетидан келган эди. Муқаддас таҳликасини билдирмай, қоғозга имзо чекди ва қайтариб берди, йигитча қоғознинг бир бўлагини йиртиб, чўнтагига солди, иккинчи бўлагини столга қўйди.

— Хайр.

Қоғоз даъватнома бўлса-да, кўпроқ повесткани эслатар, сўзлари ҳам таклифдан кўра буйруққа ўхшар эди: Муродова М га, 21 декабр соат 17 да қуйи адрес бўйича фалон кабинетга келишингиз зарур. Имзо.

Муқаддас соатига қаради — ўн олтию қирқ эди. Куни ҳам 21 декабрь. Демак йигирма минут вақт бор. Суд қолдирилади.

Муқаддас апил-тапил кийиниб, ташқарига чиқди ва машинасига ўтириб КГБ биноси томон жўнади.

Қиш бўлгани учун ҳаво қора-совуқ, ҳалигача қор ёғмаган, кеч кира бошлаган, КГБнинг тўрт қаватли пухта ишланган кулранг биноси деярли бутун квартални эгаллаган, маҳдуд бўлиб, иккита-учта деразаларидан ёруғ тушар, бино олдида ҳеч ким кўринмас, сохт-сумбати таҳдид солиб турар, минглаб, ўн минглаб одамларнинг тақдирини шу бино хоналарида ҳал бўлганини, кеч қолиш ёки келмаслик оқибати — 1954 йил бўлишига қарамай — нима билан тугашини Муқаддас яхши билар эди. Нега Муқаддасни бу ерга чақиришди? Қанақа ишқал учун жавоб бериши керак? Тўғри, суд раисин, қандай кўрсатма бермасин, қанча айби муқаррар амалдорларни оқлашга ундамасин, айниқса партия аппаратдаги мансабдорларни муҳофиза қилмасин, Муқаддас адолат юзасидан иш олиб боришга уринади, кўп ҳолларда, албатта, урдасидан чиқа олмайди, «унақа» ишларни раис «синалган» судьяларга топширади, Муқаддасга эса безорилик қилганлар, қўйди-чиқди, оила жанжаллари тушади — лекин, барибир, муассасанинг номи Суд, одамлар бу ерга ҳақиқат излаб келишади. Жабрланган фуқаро, адолат топаман деб, ўзи кесилиб кетиши — ғирт зўравонлик-ку. Ким уларни ҳимоя қилади? Адлия, суд, адолат маҳкамасининг ўзи ноҳақлик маскани бўлса ким бу ерга адолат истаб келади? Лекин қанақа иллатни рўқач қилишаркин? Даъволари нимадан иборат экан? Ахир бу ерга чой ичиш учун чақиришмайди, демак қанақадир фитна оралаган. Қандай гализлик рўй берди экан? Агар Муқаддас нималигини аввалдан билса, тузукроқ тайёрланган, далил тўплаган бўлар эди. Суд иши бўлса, айбланувчи тутуруқли исбот келтира олмаса, адвокат олиши мумкин, бироқ бу бино таркиби адвокат, яъни ҳимоячини тан олмайди, фақат ўзининг тахмин-гумонларига таяниб ҳукм чиқаради, юқоридан тушадиган кўрсатма кўп ҳолларда ҳал қилувчи омил бўлади. Агар вазият ҳақиқатда шунақа бўлса, ҳеч қандай исбот, далил эътиборга олинмайди. Масала, бошланмасдан олдин, ҳал қилинган бўлади. Бу «тегирмонга» тушганнинг ҳоли вой, ўз оёғи билан келиб, қайтиб чиқмаслиги мумкин.

Муқаддас соқчихонадаги навбатчига даъватнома билан паспортини берди, рухсатнома кута бошлади. Уни таҳлика қўйиб юбормас, турли гумонларга борар, биронта тайин қоида бузиш хаёлига келмас, калаванинг учи чалкаш тутундан чиқмас эди. Балки Зоҳидни бориб кўрганларим маънавият қолипига хилофмикин? деб ўйлади Муқаддас,

навбатчи обдон паспортни варақлаб, рухсатнома ёзишини кутар экан. Бунда ҳеч қанақа суиқасдлик йўқ, суд ходимлари баъзи ҳолларда турмада ётган айбдорлар аҳволдан хабар олиб турадилар, бу тадбир ман қилинмайди, ҳатто тавсия қилинади. Хўш, яна қанақа ишқаллик бўлиши мумкин?

Муқаддас биронта гумонига жавоб топа олмади. Ўзи суд хизматчиси, маълум маънода адлия соҳасининг малакали ходими ҳисобланса-да, ҳозир ҳадиксирар, ҳатто бу машъум бинодан чиқиб кетишига ҳам кўзи етмас эди. Бу ердагилар тафтиш-тергов қилиб ўтиришмайди, кўрсатма тушган бўлса, ўян топишлари мушкул эмас. Беш йил мобайнида «энг одил» саналган суд таркибида ишлаган Муқаддас шубҳа, тухмат, айбланиш остида қанақа фитналар яширинганини яхши билади. Бу маҳкама эса хавфсизлик даъвоси билан қандай одамларнинг иродасини буккан, бундан ҳам Муқаддаснинг хабари бор. Ачинарлиси шундаки, бу ердагиларга ҳеч қандай далил кор қилмайди, эзгуликни ёвузликка йўядилар, халқини ардоқлайдиган қуйимчаларга «миллатчи» тамғасини ёпиштириб, истаган жазони қўллашлари мумкин. Даҳшатлиси яна шуки — миллатнинг энг фаол, энг эътиқодли ва энг истеъодлиларини танлашади, ҳеч ким уларнинг чангалидан қутула олмади. КГБ нинг назари тушган кимсанинг аҳволи вой. Бундай тузоққа тушмаслик учун одамлар, ташаббус кўрсатган бўлиб, дўстлари устидан иғво ёзишади, шу вазиятдан фойдаланиб, баъзилар рақибларини чалишади, қулатишади, ўзларига йўл очишади, бировнинг қўли билан яқсон қилишади. Тухмат, иғво, асл маъносини ўзгартириб, тескари тус оладиган бўлиб, ғурурга айланди, бундай одамлар «ватанпарвар» сифатида ибрат даражасига кўтарилиб, ҳатто баъзилари тимсолга айланмишди, миллат қаҳрамони даражасига кўтарилишди. Қабиҳлар тантанасини фаровонлик, деб талқин қилиш одатга кирди. Айни пайтда Муқаддас ўзининг чақирилишини Ўлмас билан боғлай бошлади. Лекин Ўлмас ўн йил бурун ўлган, ҳозир уни титқиланинг нима кераги бор? Иғво натижасида қазо қилгани камми?

Муқаддас қачон Ўлмас ҳақида ўйламасин, ҳар гал кўз ўнгига дадаси гавдаланади. Бундоқ олиб қараганда, ҳар қанча яширишган бўлишса-да, йигитнинг ўлимида Муқаддаснинг дадаси айбдор. Онаси ҳам тек тургани йўқ, Муқаддас Ўлмасни асраб қолишга бор иложини сарфлади, лекин «улар» зўр чиқишди, йигитни адо қилишди. Ҳар гал Муқаддас шу ҳақда ўйлаганида, дили зил кетади, хаёлини чалғитишга уринади. Лекин ҳеч қачон бу таъна-андишадан қочиб қутулишни ҳам билмайди, бир умр шу юк билан яшашига мажбур. Ёвуз хотиротни энгиш, машъум ангорини ўчириш учунми Муқаддас ўзининг ихтиёри билан боғлиқ тадбирларни одил ечишга ҳаракат қилади. Лекин кўп нарсалар Муқаддаснинг иродаси билан ҳисоблашмайди. Ўнга қарорининг бештаси бекор қилинди, қайта суд ўтказилиб, айбдорлар оқланди, гуноҳсиз одамлар қамоққа ташландилар. Бу ишда кимларнинг қўли борлигини Муқаддас билади, лекин даъво қила олмади, даъво қилгудек бўлса, ўзини «тинчйтишади». Батъан шунақа ишлар ҳам тушадики, киши қулишини ҳам, йиғлашни ҳам билмайди. Масалан, ўз шаънини оқлаш учун ишидан бўшатишган бир музей директоридан ариза тушган. Сабаби: марказий комитетнинг идеология котиби машинада кетатуриб, кўзи музей олдига ўрнатилган ҳайкалга тушибди. Котиб маданият министрига танбеҳ берибди. Музей директорини ишидан бўшатилишини талаб қилибди. «Яланғоч хотин ҳайкалини шундоққина музей пешига ўрнатибди, дебди котиб, тагин икки қўли йўқ! Бутуни топилмадими?» Муқаддас расмий равишда даъвогар хатига жавоб бериши шарт, бироқ можаронинг ўзи кулгили: директорнинг айби йўқ, ноҳақ бўшатишган, лекин бўшатиш — тайин қилиш министрининг ички иши, Муқаддас министр буйруғини бекор қила олмади, фақат директорни ўз лавозимида тиклаш ҳақида тавсия қилиши мумкин, министр эса марказком котибининг талабини бажариши шарт, бажармаса, ўзи ҳам амалидан ажралади. Котибни ҳам, министрни ҳам жавобгарликка тортиб бўлмайди. Мушкул ҳол. Сафсата.

— Муродова, — деб чақирди, ойна ортида ўтирган навбатчи, — мана рухсатнома. Учинчи қаватта чиқасиз. 61-хона. Майор Мустафин Загит Фаридович қабул қилади. Марҳамат.

Навбатчи паспорт орасига тикилган рухсатномани Муқаддасга бериб, соқчига имо қилди, у ичкарига кирадиган эшикнинг бир табақасини очиб, четга ўтди.

Малла сочи ён томонга таралган майор Мустафин ўрнидан туриб, Муқаддасга жой кўрсатди, ўзи рўпарасига ўтирди. Муқаддас ҳамон талмовсирар, майорга ҳадик билан тикилар, ўзини эплаб олишга уринар, майорнинг қиёфасидан нияти қанақалигини пайқаб олгиси келар, майорнинг ҳаракатлари вазмин, муомаласи расмий тақаллуф доирасидан чиқмас, ниқоби остида қанақа мудоао борлиги сезилмас эди. Муддаоси албатта бор, ўйлади Муқаддас, майорнинг мулойимлигига учмай, бўлмаса чақирармиди? Нега, умуман, чақиртиради? Яна повестка орқали, қўл қўйдириб? КГБ сўзининг ўзи юракни шувиллатади, чақиртириб ўтакани ёргандан кўра ўзи борақолса, камайиб қолармиди? Муқаддаснинг кабинети бор, бир пиёла чой устида ҳарқанча саволи бўлса

— марҳамат, Муқаддас қўлидан келганича жавоб берарди. Ҳамкасблари, албатта бу ерда бўлганини эшитишади. Висир-висир тарқайди. Майор нимани сўраркин? Ўзига алоқадор гаплари бормикин? Ёки бошқалар ҳақида савол берармикин? Чақиртиришнинг ўзида алақандай муҳим сир борга ўхшайди. Бироқ майор тўғридан-тўғри мақсадга ўтмай, «тичмисиз, омонмисиз?» қабилида ивирсир, гап бошлашга ошиқмас эди. Балки судьялигидан андиша қиялптимикин? Ёки арқонни узун ташлаяптимикин? Хиппа ҳикилофидан олиш учун.

— Акангиз билан алоқангиз борми? — сўради ниҳоят майор..

— Акам? — деди Муқаддас таажжубланиб.

— Ҳа, акангиз?

— Масъудми?

— Нечта акангиз бор?

— Битта. Шу, Масъуд, — деди алаҳсирагандек бўлиб Муқаддас. — Лекин у ўлган. Урушда ҳалок бўлган. Ўлган одам билан қанақа алоқа бўлиши мумкин?

— Ўлмаган. Масъуд Муродов тирик.

Муқаддас майорга тикилганча анграиб қолди.

— Тирик!

— Тирик, — босиқ овоз билан деди майор.

— Калака қиялпсизми мени?

— Йўқ, Муқаддас Муродовна, калака қилаётганим йўқ, акангиз тирик.

— Қаттан биддингиз? Қани у?

— Германияда. Мана сизга ёзган хати, — дея, майор папка остидан конверт олиб, Муқаддаснинг олдига қўйди. Хат очилган бўлса керак, конверт жиягининг баъзи жойлари ёпишмаган эди. — Кечирасиз, хатнинг мазмуни билан танишиб чиқишга тўғри келди. Қоида шунақа.

Конверт стол устида чўғдек ётар, Муқаддас хатга қўл теккизишга ҳам ҳайиқар, гўё портлаб кетадигандек эди. Муқаддаснинг ҳалқумига нимадир қадалиб, томоғини бўғар, қуруқ кўзлари жовдирамас, қотиб қолгандек эди. Муқаддас ниҳоят ҳушига келиб, иккала чангали билан майорнинг билакларига ёпишиб, маҳкам сиқди. Кўзларидан ёш тирқираб кетди.

— Раҳмат, Загит Фаридович! — деди Муқаддас энтикиб. — Катта раҳмат!

Бунақа идорада расмий ходимни юлқиш, силкиш, ёпишиш мумкин эмас эди, майор жазаводаги жувонни нима қилишини билмас, қўлини тортар эди, холос.

— Хатни ўқинг, — деди майор, вазминлик қилишга уриниб.

Муқаддас хатга тикилди.

— Бу хат сизга келдимми?

— Йўқ, сизга, — деди майор.

— Нега сизга тушди бўлмаса?

— Биласиз-ку, — деди майор. — Хориждан келган хат текширувдан ўтади.

— Масъудлиги аниқми? Янглиш эмасми? Биз қорахат олганмиз, аза очганмиз. Тирик бўлганида алақачон хабар берган бўлар эди. Хато эмасмикин?

— Урушдан қайтган қанча жангчилар ўзларига қорахат олишган, — деди майор юмшаб. — Мунақа адашишлар кўп бўлган. Ўқинг, биласиз.

Муқаддас конвертни очишдан қўрқар, хато чиқишидан чўчир эди. У қалтираётган бармоқлари билан конвертни очиб, хатни кўздан кечириб чиқди. Ҳаяжони туфайли, нима ёзилганини тузук англай олмади. Бироқ хатдаги сўзларни Масъуд ёзгани шубҳасиз эди — қўл уники, Муқаддас акасининг дастхатини билар эди. Уша. Хато эмас. Муқаддас ўзини эпақага солишга уриниб, яна бир марта совуққонлик билан хатни ўқиб чиқди.

— Худога шукур, омон экан, — деди Муқаддас, негадир бўшашиб. У айти пайтда севишни ҳам, ўқинишни ҳам билмас эди. — Бироқ қачон келишини айтмабди.

— Қанақа қилиб келади? Фашистлар томонига қочиб ўтган бўлса?

— Кела олмайдими? — ўзини гўлликка солиб деди Муқаддас.

— Чақирсангиз, келади. Тўғрироғи, келиши мумкин. Агар консул ижозат берса.

— Ижозат бермаслиги мумкинми?

— Фавқулодда беради — ота-онаси қазо қилса, — деди майор.

— Алақачон қазо қилишган, — деди Муқаддас ўқиниб. — Ойимга, дадамга саломлар бўлсин, дебди. Улар ўлиб кетганини билмайди чоғи. Оилалик бўлибди, қиз кўрибди.

— Чақирадиган бўлсангиз, Муқаддас Муродовна, биз беҳабар қолмайлик. Йўриғи шунақа. Лекин...

— Хўш?

— Чақирмаганингиз маъқул.

— Нега?

— Қайтиб чиқиб кета олмаслиги мумкин. Хиёнатчи, деган айбномаси ҳали бекор қилинмаган.

— Пленга тушган бўлса-чи?

— Барибир, — деди майор ҳорфин тусда.

— Ўзим борсам-чи?

— Виза беришмайди, — деди майор яширмай. — Беришса ҳам, қайтганингиздан сўнг сизни сарсон қилишади. Бу идорага бошқа қадам босмаганингиз маъкул.

Киришдан аввал бу одам Муқаддаснинг кўзига олабўжи бўлиб кўринувди. Мулоимгина киши экан. Муқаддасга ёқа бошлади. Албатта, бу майор ҳам қанчадан-қанча одамларнинг ёстигини қуритган бўлмаса-да, шу жараёнда қатнашган. Бошқа чораси йўқ ҳам эди. Энди замон ўзгара бошлади, Мустафин ҳам қарий бошлабди, қўлига юққан қон доғларини ювиш кўйидадир. Ҳар нечук аблаҳга ўхшамайди. Мундоқ қараганда, майор индамай қўя қолиши ҳам мумкин эди, лекин «қадам босмаганингиз маъкул», деди. Демак, юрагининг бир бурчаги изтиробда эканки, аслида мутлақо нотаниш жувонга шу сўзларни тап тортмай айтди. Буларнинг мантисига кўра, майор «чақиринг» дейиши, Масъуд келиши биланоқ, оёғини ерга теккизмай, ҳибсга олиши табиийроқ эди, Мустафин ундай қилмади, ҳатто акасини кўришга боришни ҳам Муқаддасга маслаҳат кўрмади. Бироқ масала ечилимаганича қолди. Пленга тушган ҳар бир жангчи хоин ҳисоблансин, деган фармон борлигини Муқаддас билар эди, лекин уруш бўлганидан кейин яраланиш ҳам, ўлим ҳам, асирга тушиш ҳам рўй бериши муқаррар, бусиз биронта уруш ўтмаган. Асирга тушиш чорасизлик оқибати, юзлаб, минглаб, ҳатто лашкарбоши — генераллар бошлиғида пленга тушиш ҳоллари бўлган. Шу йўсин билан саркардалар ўз жангчиларининг жонини сақлаб қолган, акс ҳолда қирилиб кетишар эди. Бунинг нимаси хиёнат? Бошқа мамлакатлар, уруш тутагач, асирларни қайтариб беришларини сўрашади, асирларга мурувват кўрсатишади, асирлик азобини кечирганлари учун бошларини силашади, нега бизникилар фақат хоинликни кўришадди? Хоинликлар ҳам бўлган, албатта, бусиз ҳам бўлмайди, лекин жониятни аниқлаш керак-ку. Жангчи балки қуршовда қолгандир, ярадор бўлгандир — урушда нималар рўй бермайди. Энг фидокор генераллардан бири ҳисобланган Власов бутун кўшини билан блокадага тушиб, таслим бўлди, минглаб жангчиларни сақлаб қолди. Масъуд оддий аскар-ку, қўлидан нима иш келар эди. Ҳамма қатори у ҳам пленга тушган холос. Шунини энди хоинга чиқариш керакми? Асирлик истироҳат эмас-ку, нега ватанидан жудо қилиш, ҳатто хатини ҳам чиғирикдан ўтказиш керак? Энди Масъуд бир умр хоин тамғаси билан яшайдими? Энди Муқаддас ягона қолган акасини ҳеч қачон кўра олмайдами? Шундай сиёсатни ўрнатган ҳукумат ўз фуқароларидан ихлосмандлик кутиши мумкинми?

Муқаддас бир соатдан кейин КГБ биносидан паришон ҳолда чиқиб кетди — бир томондан акаси тириклиги хушхабар бўлса, иккинчи томондан Масъуд билан кўришиш у ёқда турсин, ҳатто хат ёзиш ҳам таҳдид остида бўлиши Муқаддасни гангитар, сингил қанақа тадбир қўллашни билмас, ҳуши мавҳум-муаллақ эди. Ҳодиса шу қадар қўққис эдики, Муқаддас учун муҳим туюлган Зоҳид ҳам, никоҳ ҳам, қизи ҳам, ҳомиладорлиги ҳам бир қадар сўнгандек бўлди. Нарини сурилди. Муқаддас айни пайтда акаси Масъуддан бўлак нарса ҳақида ўйлашга қодир эмас, ўйлашнинг ўзи гализ туюлар эди. Муқаддас майор олдида хатни синчилаб, тўйиб-тошиб ўқий олмади ҳам. Кўзи қамашгандек, ҳаяжонда сўзлар айқаш-уйқаш бўлиб кетди, фақат омон эканини, Фарбий Германияда яшашини, уйланганини, олти яшар қизи борлигини эслаб қолди холос. Ҳозир уйга етиб олиб, хатни бафуржа ўқийди, албатта. Энди қандай қилиш керак экан? Акаси тирик эканини овоза қилсинмикин ё индамай қўя қолсинмикин? Қай йўсин билан Масъуд билан алоқа боғлаш мумкин экан? Унинг буюёқа келиши ҳам, Муқаддаснинг Германияга бориш майли ҳам хом ният, бу тадбирни хаёлга келтирмаса ҳам бўлади. Фақат хат ёзиш мумкин, ота-онаси дунёдан ўтганликларини айтиши шарт, бироқ хатни ўтказишармикин? Ўтказишмаса, Масъуд нафлатда юрaveraди, хатига жавоб олмагани учун Муқаддасдан ёзгиради, у ҳам хат ёзмай қўяди. Демак, алоқа ўрнатилмай қолади. Хат-ку Ўзбекистондан чиқиб кетса-да, Москвадан нари кетмайди, Муқаддас саёҳат баҳонасида ҳам Ўзбекистондан чиқиб кета олмайди — айниқса Фарбий Германияга. Биронта Туркиягами, Болгариягами кетаётган сайёҳга хат бериб юборса, ўша томондан жўнатиши мумкин. Саёҳатга бориш ҳали одат тусига кирмаган, қиммат, сайёҳ тўпилса ҳам, хат олиб кетишга рози бўладими, чўчимайдими? — бу ҳам муаммо. Лекин бирон йўл ахтариши зарур.

Муқаддас уйга етиб боргач, очлигига ҳам қарамай, юқори уйга ўтиб кетди, ечинмай-нетмай, акасидан келган хатни яна ўқишга киришди. Хотинининг номи Су-

санна, қизиники Луиза-Лола экан. Номларидан билиниб туришти, хотини немис ёки гарбий миллатлардан. Фабрикаси бормиш, газ плиталари, велосипед яшашармуш.

«Камчилигим йўқ, ягона камчилигим ота-онамдан, сендан узоқлигим, депти. Заҳрога хат ёзмадим, мен оилаликман, уни кўрсанг айт, мени кутмасин...» Уларнинг ҳаммаси адоий-тамом бўлиб кетишганини ҳам билмас экан, шўрлик.

Нариги хонадан скрипка товуши эшитилди, Муқаддас битмаган ишларни уйга олиб келиб varaқлар, нималарнидир ёзар эди. Озода онасини баңд кўриб, бу хонага кирмапти, машғулотини ўтказаяпти. Муқаддас акаси ҳаёт эканини, албатта Озодага айтади, бироқ қай йўсинда айтишини чамалаб чиқиши лозим. Озода тоғасининг расминини кўрган, лекин ҳалок бўлган, деб ўйлайди. Дабдурустан тирик экан деса, ҳайрон қолиши мумкин. Қизчанинг бошига шунча қўққис хабар — тоғасининг ҳаётлиги, онасига Зоҳидни уйланиши, ҳомиладорлиги ағдарилса, ҳазм қила олмайди, ўзини йўқотиб қўяди. Мавруидини куттиш керак.

14

Ойниса поезддан тушибоқ — оёғи ватан тупроғига етиши билан — ерни ўпмоқчи эди, кутгани чиққан одамлар олдида тортинди. Ҳовлисига етиб боргач, панага ўтиб, мункайди, намоз ўқигандек, лабини қора совуқдан қатқалоқ ерга босди, лабида кулранг тупроқ изи қолди.

Улар келганига тўрт ойдан ошди. Қиш бўйи бир-икки марта қор ёғди, тезда эриб кетди, лекин олисдаги тоғ чўққилари ҳамон қашқа, тўлин ой кўтарила бошлаганида, оқ шойидек товланар эди. Пастда дарахтлар қийғос гуллаган, димоқни қичитар, адир этагидаги пушти ранг шафтолизор оппоқ ўриқка аралашиб куроқни эслатар, осмондан булут аримас, қуёшни тўсганда, шамол изғир, гулларни чирпирак қилар, қуёш очилгач, арилар гувиллар эди.

— Ота-онангиз оёқ босган жой, — деди Фаизов домла Қаюмжон билан Ойнисага, — нариги ҳовли барибир бегона, шу ерда туринглар, руҳлари шод бўлади. Биз кам бўлмадик, раҳмат.

— Орқадаги ҳовлини ҳам обод қилипсиз, энди бир умр ёнма-ён яшаймиз. Болалар қўлингизда етилишипти, улар ҳам қўшота, қўшнолик бўлишади. Бизни ўлимдан бошқа нарса ажратолмайди. Сизлар бўлмаганингизда болаларнинг тақдири нима кечарди, Худо билади. Ҳовли ҳам ташландиққа айланар эди. Сизларга раҳмат. — Қаюмжон одатда бунақа сўзларга хасис одам, шундай демаса, орада нимадир махфий қоладигандек туюлди. Кимларнингдир муруватини тан олиш қарздан қутилиш, деб ўйлади Қаюмжон. Айни шу изҳори Ойнисага ботмади. Ойнисанинг наздида бу эътироф сўзда эмас, муносабатда ифода бўлгани маъқулдек эди. Майли, биров ундоқ, биров муңдоқ муқом ишлатади. Ният покиза бўлса бас.

Бу икки йил бурун бўлган суҳбат эди. Шу пайт ичида икки ҳовли орасида ҳужра қуришди — сеники ҳам эмас, меники ҳам. Ўртада. Ҳужра даҳлизли бўлиб, кенжа Қаюмжондан ташқари уччала бола — Алижон, Жамила, Заремага шу хонадан жой қилиб беришган. Фаизов домла ҳар бир болага биттадан стол-стул ажратиб берди, ҳар бирининг ўз жойи тайин. Хоҳлашса, у томонга, хоҳлашса бу томонга эгилишади. Бироқ биринчи бўлиб қайси томонга салом беришни билишмайди — у томонга салом беришса, бу томон, бу томонга салом беришса, у томон хафа бўладигандек туюлар эди. Алижон асқатди. Эрталаб қайси томон уйғотса, биринчи салом шуларга, деди, лекин техникум баҳонасида бир йил бурун Тошкентга жўнаб қолди. Фарқи икки ёш бўлгани учун, Жамила билан Зарема устидан оталик қилар, қизлар ҳам унинг чизигидан чиқмас эдилар. У кетгач, қизлар ҳувиллаб қолгандек бўлишди. Фаизов домла ва Земфира хоним олдида тап тортмайдиган қизлар, Қаюмжон ва Ойниса олдида ийманишар, сирлари бўлса, кўпроқ Земфира хонимга айтишар, ҳатто эркаликларини ҳам Земфира хоним билан Фаизов домлага қилишарди. Қаюмжон билан Ойниса олдида одоб сақлашар, биринчи кезларда «ая, дада» дейишга ҳам тиллари бормас, кенжа Қаюмжон ҳам ётроқ туюлар эди. Энг қийини болага бўлди — тили рус тилида чиққан Қаюмжон ҳали ўзбекчани яхши билмас, саккиз йил умри колонияда ўтган бола учун ҳамма, айниқса Фаизовлар оиласи бегона кўринар, жуда кам гапирар, мулоқот қилишдан тортинар, чурқ этган товуши чиқмас эди. Алижоннинг Тошкентга кетиб қолгани Қаюмжон учун оғир кечди. Алижон укасини кўпроқ чалгитар, бирга велосипед учишар, ҳазил-хузул қилишар, умуман Қаюмжон акаси етагида ўзини эркинроқ сезар эди. Бу ердаги мактаб вазияти Қаюмжонга мутлақо ёт кўринди — ҳеч ким русча сўзлашмас, ҳамма дарслар ўзбек тилида олиб борилар, бола ҳеч нарса тушунмас, дарслар узун кўринар, лекин ҳар кунни қатнашга мажбур эди. Дарслар туташни қафасдан чиқиш билан баробар эди, у опаларини ҳам кутмасдан уйига ошиқар, энг яқин туюлган Ойниса пинжига кирар, мик

этмай ўтирар эди. Бироқ иш ахтара бошлаган онаси баъзида уйда кўринмас, болакай соатлаб ичкаридан чиқмас, дарсдан келган қизлар уни тушликка чақиринса, шарпадек чиқар, индамай нарироқда тўхтар, жой кўрсатмагунларича ўтирмас эди. Бола бу оилага қоришмас, пайванд новдасидек тутиши қийин кечар, ҳеч нарса уни ийитмас, ортиқча сийлаш ҳам унга малол келадиғандек эди. Маълум даражада Алижон ҳам, тил учда инюкдик билдирса-да, ўз ота-онаси қалбига ётмаган, Фаизовлар асл ота-онадек бўлиб кетишган, энди булар келиши билан аввалги муносабатларга путур ета бошлагандек, жипслик ва ҳамжиҳатлик иплари бўшашганга ўхшар, ўз отасининг гапини икки қилмас-да, муомаласи Фаизов домланикига ўхшамас, Алижон дадаси билан сўзлашганда кўзи бежороқ кўринар, Фаизов домла бирон нарса деса, Алижон бажонидил бажарар эди.

Балки шунинг учундир Алижон Андижонда ҳам ўқишни истамай Тошкентга равона бўлди. Кетганига бир йилдан ошди. Атиги бир марта хат келди — ўқишга кирипти, тиш доктори бўлар эмиш. Ўқиши — медицина техникуми, у ўқув юртидан кичик меҳодимлар — фельдшерлар, санитарлар, ҳамширалар етишиб чиқади, аксарияти қишлоқларга жўнашади, малакали врачлар етишмагани учун докторлик вазифасини шунақалар адо этишади, бир қисми институтга киради.

Алижон хатида ҳеч кимга муайян мурожаат қилмай, умумий сўзлар — «омонмисизлар?» деган нақдада ёзипти, шундан сўнг хат ёзмади, ҳатто ёзги таътилга ҳам келмади — пионерлар лагерига, меҳдункта ишлаш учун кетишти, адресини ҳам ёзмапти. Қаюмжон бундан тушундики, бу ердагилар билан ўғлининг алоқа қилгиси йўқ, шундай англаш мумкин — агар адрес ёзиш эсидан чиқмаган бўлса. Қаюмжон-ку майли, бегоналашиб кетган, аммо Фаизов домла-чи? Земфира хоним-чи? Улар Алижонни ёшлигидан тарбия қилишди, боқишди, ювиб-тарашиди, ўқитишди, чала етимлигини биадиришмади, ўзи емай, бунга едиришди. Улардан нимага ёзгиради? Муруватга маломатми? Балки мактабига ёзар? Шундай бўлиши мумкин. Алижоннинг Қаюмжонга айтадиган гапи йўқ, хат ёзишга мажбур эмас, лекин Фаизов домлага ҳам, Земфира хонимга айтадиган гапи бўлиши керак, сирдош бўлиб кетишган, Алижоннинг омадидан улар қувонишади, қоқилса, азият чекишади.

Қаюмжонга ҳам, Ойнисага ҳам иш топилмади, сургунда бўлишгани учун ҳеч бир муассаса уларни ишга олмади. Бўш жой йўқ, дейишди, аслида маълум фармон бўлмаса-да, ички ишлар бўлинмаси сургун, қамоқ муддатини ўтганларни зимдан кузатишар, агар биронта корхона мудир билмай бунақа фуқароларни ишга олса, танбеҳга учрар, дарҳол биронта баҳона билан ишга олинган шахсни ариза ёзишга мажбурлар эди. Қаюмжон-ку, майли, ногирон, нафақа олади, лекин Ойниса нима қилади? Битта Қаюмжоннинг пенсиясига яшай олишмайди-ку. Фалати вазият: бир томондан ишга олишмайди, иккинчи томондан тунездлик, яъни ишсизликлари учун таъқиб қилишади. Ишга олишмаётганликларини айтишса, қулоқ солишмайди, бир ой ичда ишга жойлашмасангиз, жинойий иш қўзғалади, деб пўписа қилишади, ҳеч қандай важга кўнишмайди, ишдан бўйин товляяпсизлар, дейишади, кўнгилсизлиги шундаки, улар шунақа кўрсатмани ўзлари беришади, ўзлари билмагандек айнан шу даъвони рўкач қилишади. Кимга арзу дод қилишни жафокаш билмайди. Шунча орзу-сита билан аранг юртига етиб келган дарбадарлар, кўрган уқубатлари камдек, энди ўз ватанида исканжага тушишларини ҳеч қандай мантиқ, идрок билан англай олишмас, қайтанга қувиндиликлари афзал туюлар эди.

— Эр-хотин ўн йил азоб чекиб келдик, — деди Ойниса район ички ишлар мансабдорларидан бирига ва ўзини тута олмай, йиғлаб юборди. — Жабр тутади, девдик... Ўз юртимизда сарсон бўлишимиз кимга керак? Заррача ёвузлик қилган эмасмиз, бизни ноҳақ қамашган, ўн йиллик умримиз хазон бўлди, шу етмасмиди? Яна қанақа хусумат бор?

— Ҳеч қанақа хусумат йўқ, — деди мўйловли капитан. — Ишланг, дейиш хусумат эмас. Лекин эътирозингиз...

— Қанақа эътирозим?

— Ноҳақ қамашган, деганингиз эътироз ҳам эмас — айбнома, — деди капитан вазминлик билан. — Совет суд тузумини айбляяпсиз. Демак, ўн йиллик чора кўзингизни очмапти. Бунақа гапнинг оқибати нима бўлиши мумкинлигини тасаввур қиласизми?

— Тасаввур қиламан! — деди Ойниса йиғидан тўхтаб. — Биз чеккан хўрликдан баттари бўлмайди. Бу уқубатлар олдида ўлим бир пул. Тақдиримиз ямоқ иштонга ўхшайди, парчаланиб бўлди. Агар шу ҳам кам бўлса, қолганини ҳам мажақланг!

Ойниса шартта ўрнидан туриб, хонадан чиқиб кетди, эшикнинг зарбидан деразалар ларзага келди. Капитаннинг ғазаби қанча қўзғалмасин, аввалги қаҳр усуллари бир оз юмшаган, шунинг учун капитан қатъий чора қўллашдан ўзини тияр, таъналарни ютишга мажбур эди. Агар олдинги пайт бўлганида, шунақа сўзлар учун Ойнисани шу

заҳотиёқ адабини бериб қўйишган бўлар эди. Бунақалар ҳеч қачон бош эгишмайди, аламда ўйлади мўйловли капитан, тавба қилишмайди, албатта ўзларини ноҳақ жабрланган ҳисоблашади, тағин тиллари бир қарич. Биронта ишга суқиш керак, тинчийди қолади. Тинчимаса, чорасини топиш мушкул эмас. Эрига ҳам иш топиш керак. Тунги сменада ишласа, хотини эрталаб кетади, эри — кечқурун, бир-бирини кўришмайди ҳисоб. Шуям жазо.

Ойниса кўчага чиққач, ўзини тутта олмаганидан пушаймон бўлди. Энди капитан тўнини умуман тескари кийиб олади, кўз очирмайди, ҳар қадамнингни пойлайди, унга ваз топилса бас, ўч олади. Шундай хаёлларга бориб, Ойниса уйига қайтди, можарони Қаюмжонга айтмади, хуноб бўлади, беҳуда қилибсан, деб Ойнисадан эъғиради. Энди маҳаллий амалдорлар кўзида булар қабих унсурлар, ҳеч қачон тил топиша олмайдилар. Агар бутунги тўқнашувни рўқач қилиб, жавобгарликка тортишмаса — шу ҳам катта гап. Лекин бу ерда қолиб бўлмайди. Бўлак бошпана ахтариш, буларнинг қўли етмайдиган узоқроқ жойга кетиб даф бўлишса, қулоқлари бир оз тинчийди. Лекин қаёққа боришади? Қирғизистон, суриштиришса, Қаюмжоннинг сингиси ўша ёққа тушган, қариндош тортиб келдик, дейиш мумкин. Қолаверса, Тошкентда ҳам Ойнисанинг жойи бор, меросхўрлар йўқ, қайтариб беришларини талаб қилса, ҳаққи бор. Кенжа Қаюмжоннинг ҳам мактаб масаласи ҳал бўлади, иш ҳам топилади, катта шаҳар, муассасалар кўп, танлаб ишга жойлашиш мумкин. Нега шу хаёл олдинроқ келмади? Бориб келиш керак. Аввалги ҳовлисида тамаки цехи очишганини Ойниса эшитган эди, қайтариб беришмаса, судлашиш мумкин, биронта янги қурилган уйлاردан квартира ажратишар, жойнинг эгасини кўчада қолдиришмайди-ку. Сургун-бадарга муҳлати ҳам аллақачон ўтиб бўлди. Алижон ўшатта, кенжа Қаюмжон билан Жамилани олиб кўчишади, кўч-тақи ҳам бир ҳовуч, кўзғалиш қийин эмас. Фақат Жамила тижирлик қилиши мумкин, у Зарема билан иноқ, Фаизов домла билан Земфира хоним ҳам унга яқинроқ, Ойнисадан анча йироқлашиб кетган, ўжарлик қилса, ажрашни истамаса — майли, қолаверади. Кўнгли чопса, бориб-келиб туради.

Ойниса шу мулоҳазаларини эрига айтди.

— Бу ердагилар бизни яшатишмайди, — деди Ойниса ва мўйловли капитан билан бўлган можаросини далил сифатида келтирди.

— Бирон наф чиқса хай, тонишса, бошқа йўриқ чиқар, — деди Ойниса барибир иккиланиб. — Ўшданми, Жалолободданми жой қидирармиз.

Қаюмжон бундай кескин ўзгаришни хаёлига ҳам келтирмаган эди, шошинқираб қолди.

— Мўминовага айтсак ишсиз қолдирмас, — деди Қаюмжон. — Колхозни ўзингиз олинг, деди-ку.

— Неча марта келди, бирон марта ишдан офиз очмади-ку, — деди Ойниса. — Ишга олишга олади-ку, мана бу органдагилар, райком Мўминовага, албатта имо қилади, бажармай кўрсин-чи, онасини Учкўрғондан кўради. План бажармаган колхоз раисининг тили қисқа бўлади.

Шу ниятни дилига тутиб, Ойниса, кенжа Қаюмжон билан Тошкентга жўнади.

Якшанба бўлгани сабабли Ойнисанинг янги дарвоза ўрнатилган ҳовлисида товуш чиқмас, қоровулхонада ҳам ҳеч ким кўринмас эди. Ойниса дарвозани итариб кўрди, дарвоза очилмади, ичкаридан итнинг вовуллаши эшитилди.

Ойниса Шамси холанинг эшиги томон жилди.

— Юр, — деди у шумшайиб турган Қаюмжонга. Бола онасига эргашди.

Шамси хола хира кўзларини узоқ тикиб:

— Ойнисамисиз? — деди. Унинг офзида атиги битта тиши қолган, лаблари буришган, оқарган сийрак сочи пешонабоғи остидан бир тутам бўлиб кўриниб турар, бўйни шалвираган, ажин эди.

— Ҳа, хола, менман, ассалому алайкум, — деди Ойниса, Шамси хола уни таниганидан хурсанд бўлиб.

— Вой, айланай, қаттан худо етказди?! — дея Шамси хола қулочини очди. Ойниса кампирни кучоқлаб, бағрига босди. — Кирақолинг, айланай, кўзим учиб турувди. Юринг. — Шамси хола чекинди, кўзини енги билан артди.

Ойниса Қаюмжоннинг қўлидан тутиб, ҳовлига қадам босди.

— Ичкари салқин, сув-пув сепиб, кейин ҳовлига чиқармиз, — дея Шамси хола меҳмонларни ичкарига ундади.

Ним қоронғи хона ташқарига қараганда ҳақиқатдан салқинроқ эди. Шамси хола кўрпача ташлади. Улар хонтахта атрофига ўтириб, дуо қилишди. Шамси хола инқиллаб туриб, дастурхон ёзди, нон ушатди. Ойниса тутунидан кулча, гижда, парварда олиб дастурхон четига қўйди.

— Бу полвон ўғлингизми?— сўради Шамси хола жилмайиб.

— Кенжам. Қаюмжон. Сургунда кўрганим шу.

— Эшитувдим, айланай, шунча савдолар бошингизга тушипти, — деди Шамси хола, азият чекиб. — Кўрганларингиз озмиди, айланай?

— Пешонада бор экан, хола, — деди Ойниса ва қисқа қилиб бошидан кечирганларини айтиб берди.

— Одам кўрганини тоғ ҳам кўтармайди, — деди Шамси хола, Ойнисага чой узатиб. — Азрўйи азал, ёзгани бўларкан. Мен ҳам сўппайиб қолдим. Куёвим урушдан қайтмади, қизим нотавон дардга чалиниб, дунёдан ўтди, қиз неварам Мастура узатилган, иккита мунчоғи бор.

— Қўни-қўшнилари бардамми? Шохалил ака омонмилар?

— Қариб қолди шўрлик. Кампирини у ҳам топширди. Ичкўёви билан туради. Чурвақалари тўртта. Ўзи маҳалла раиси.

— Ҳовлим ҳақида ўша Шохалил ака билан гаплашсам бўлармикин?

— Ўша билан гаплашасиз-да, айланай. Йўл-йўриғини яхши билади.

Кечки томон салқин туша бошлади. Ойниса енгини шимариб ҳовлига сув сепди, шипирди, чорпояга жой қилишди. Шамси хола қозонга уннади. Ойниса Қаюмжонни қолдириб, ўзи дўппи-қийиқча билан Шохалил аканикига чиқиб кетди.

Шохалил ака ҳам Ойнисани дарров танимади.

Ойниса эслатди.

Шохалил ака қайтадан қўл бериб кўришди.

— Маъзур кўрасиз, қарилик, — деди Шохалил ака хижолат тортиб. — Омон-эсон экансиз, худога шуқр. Энди у кунларни елкамизнинг чуқури кўрсин.

— Иншоолло, — деди Ойниса ва муддаосини айтди.

— Маҳалламизда бир жувон яшайди. Судда ишлаган, Муқаддас Муродова, бунақа нарсаларга унинг тиши ўтади,— деди Шохалил ака. — Мен аслида аравакашман. Ёшимни ҳурмат қилиб, раисликка сайлаб қўйишди. Мендан сўрашса, «жойни эгасига қайтариб бериш керак», дейман. Маслаҳатим шу. Юр, десангиз, бирга кираман. Лекин ҳовлингиз — даромадли жой. Ма, деб, кўлингизга тутқазиб қўйишмайди. Тиш-тирноғи билан талашишади.

...

Муқаддас қизчасини ҳовлидаги жомда чўмилтираётган эди, ийманиб кирган аёлни кўриб, гадоё деб ўйлади ва билакларидаги кўпикни сидириб, қаддини ростлади, нам қўли билан тўзгиган сочини силади.

— Келинг...

Ойниса «Москвич» турган дарвозахонадан чиқиб жилмайди. Анча ўзгариб кетганига қарамай, бу ҳовли унга таниш эди. Паранжи ёпиниб келгани, Муродхўжа аканинг пойгагида чўнқайиб ўтиргани Ойнисанинг эсига тушди. Гапга дабдурустдан ўтиш ноқулай туюлди, Ойниса ҳамон хушчеҳра Муқаддасга мулоим табассум билан тикилди.

— Айбга буюрмайсиз, отингиз Муқаддасхон эди шекилли, — деди Ойниса, бўлак важ топа олмай.

— Ҳа, — деди Муқаддас, — хизмат?

— Бемаврид келган бўлсам, узр, — деди Ойниса ва негадир бир қадам чекинди.

Муқаддас сўрида тахланган кўрпачани ёзиб, Ойнисага қаради.

— Келинг, — деди яна.

Ойниса, хижолат тортгандек, ёни билан юриб, сўри четига омонат ўтирди ва гап топа олмай, тиззасини силай бошлади. Ҳовлида ҳеч ким кўринмас эди, Ойниса Муқаддаснинг ота-онаси ҳақида сўрашдан ийманди, қазо қилишган бўлса, ўсал ҳолатга тушишдан тийинди.

Муқаддас савол назари билан Ойнисага разм солди.

— Мен катта кўчанинг нариги томонида турар эдим, — деди Ойниса. — Гўдак қизчам билан Асакага бадарға қилишди. У ердан қувишди. Саккиз йил сургунда бўлиб келдим. Ҳовлимиз қаровсиз қолувди, тамаки цехи қилишипти. Энди келдим. Сўрасам, беришармикин?

Муқаддас жомда сувни шалоплаётган қизчасига қараб олиб, хўрсинди.

— Бевақт келдим, чоғи, — деди Ойниса.

— Йўқ, хижолат тортманг, — деди Муқаддас. — Ҳовлингиз давлат ихтиёрига ўтган бўлса, қайтариб олиш қийин бўлади. Лекин сизни жойдан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Болаларингиз бор бўлса, даъво қилишга ҳақлисиз.

Ойниса бошидан ўтган воқеаларни қисқа гапириб берди.

— Ариза ёзиб топширинг, — деди Муқаддас. — Мен ҳозир суд тизимида ишла-

майман, лекин тартиб-қоида қанақалигидан хабарим бор. Кўп мусодара қилинган жойлар эгаларига қайтариб берилаяпти. Агар эски суд ҳукми бекор қилинса, гапингиз ўтади. Мен сизнинг номингиздан ариза ёзиб қўяман, қўл қўйсангиз — бас, ўзим тошпираман. Лекин натижасига ваколат бера олмайман.

Ойнисанинг кўзлари намланди.

— Раҳмат, Муқаддасхон, — деди у, қўлларини ғижимлаб. — Худодан қайтсин. Мен қачон учрай.

— Эртага.

— Раҳмат. Болаларингизнинг роҳатини кўринг.

Ойниса ўрнидан турди.

— Шошманг, — деди Муқаддас ва илдам юриб, юқори уй томон кетди.

Жомда ўтирган қизалоқ қийқираб, сувни шалоплатар, сув юзига сачраганида, йирик, чиройли кўзларини ишқар, пирпиратар эди.

Муқаддас ичкаридан чиқиб келиб, белбоққа ўралган ниманидир хонтахтага қўйди. Ойниса дарҳол буюмни таниди, ичи увишиб кетди.

— Қийиқчада нима борлигини пайқадингизми? — деди Муқаддас жилмайиб.

— Пайқадим, — деди Ойниса ҳам ҳадиқ билан жилмайиб.

— Нима? — сўради Муқаддас.

— Тилла қош, — деди Ойниса, айб қилгандек.

— Тўғри, — деди Муқаддас ва белбоғни очди. Ўша тилла қош эди.

Ойниса Муқаддасга синовчан тикилди.

— Буюм сизники. Олинг. — Муқаддас белбоғни Ойниса томон суриб қўйди.

— Вой. Сотилган нарса-ку, — деди Ойниса, буюмга тегишдан кўрқиб.

— Асл нархи бўлакча эди, — деди Муқаддас. — Дадам алдаган.

— Ўшанда асқатувди. Розиман. Олмайман. Матоҳ сизники.

Муқаддас бош чайқади:

— Сизга ҳалол.

Ойнисанинг томоғи терлаб кетди.

— Мен бу матоҳ учун келганим йўқ, Муқаддасхон.

— Қарздан қутумасам, хатар қўймайди, — деди Муқаддас ийманиб. — Ўзингизга буюрсин. Жойингизга келсак, у ҳозир кимнинг ихтиёрида — билмайман. Лекин мусодара қилишда ҳам, цех очишда ҳам дадамнинг ҳўли борлигини эшитганман. Агар қурилиш қилинган, мосламалар ўрнатилган бўлса, давлат мулки ҳисобланади. Кимлар яшар эди?

— Ҳеч ким. Мен бадарға қилинганимдан кейин бўлган. Эгасиз жой эди. Биринчи эримга мерос қолган. Ундан қизим бор, ўн бешга кирди. Шу ҳовлида туғилган.

— Унақа бўлса, аризани ўзингиз ёзинг, қизингизни ҳам меросхўр қилиб кўрсатинг, — деди Муқаддас. — Ўз жойингиз тегмаса, бошқа уй беришади. Ҳозир қатта тўхтадингиз.

— Қўшнимиз Шамси холаникида, — деди Ойниса чўчинқираб.

— Гувоҳлик бера оладиларми?

— Бера оладилар, кўзларида бўлган.

— Яна ким гувоҳ бўла олади?

— Шохалил ака.

— Маҳалла раисими?

— Ҳм. Аравакаш. Қўшни. Яна Шукур-мўйлов.

— Шукур-мўйлов? — Муқаддас бу номни эшитиши билан эсига келди. — Сизгаям зуғум ўтказганми?

— Ўша-да, ғаламис.

— У ўлиб кетди, — деди Муқаддас. — Бизгаям ўтказган.

— Сизгаямми?!

— Орқа кўшнимизга. Чиритиб юборди. Тўнғич қизимнинг дадаси эди, ўлмас.

— Шинель кийиб юрадиган йигитми?

— У Ҳошим эди. Ўлмасни гумдон қилиб, мени ўшанга беришган. Ажрашганмиз.

Ойниса сувни шалоплатаётган қизалоққа қаради.

— Бу Лола. Кейинги турмушимдан, опаси Озода лагерда, — деди Муқаддас ва бир кўнгли: «шу ерда яшаб туринг», дегиси ҳам келди, бироқ бу жувоннинг тақдирини вайрон бўлишида дадасининг ҳам иштироки борлигини гумон қилиб, индамади. — Соат етганда маҳалла идорасида кўришайлик, Шохалил ака билан ҳам гаплашиб кўрамиз, бўптими?

— Майли, нима десангиз — юраман.

— Аризани ҳам ўшатга ёзамиз, — деди Муқаддас гапга чек қўйгандек.

— Раҳмат, Муқаддасхон, сизни овора қилар эканман-да, — деди Ойниса торти-
ниб.

— Овораси йўқ, опа, бизнинг ҳам айбимиз бор, айбни ювиш лозим.

Ойниса миннатдорлик билдириб Муқаддаснинг ҳовлисидан чиқиб кетди...

— Шу тамакиси қуриб кетсин, ҳамма ёқдан сассиқ ҳиди келади, — деди Шамси хола ёзғириб. — Чангини айтмайсизми! Кўзни ачитади, йўталганда заҳро келади, ишчилар, шу атрофдаги жувонлар ҳаммаси сил. Агар бекиттирсангиз, савоб бўлариди. Илло улар билан беллашган панд ёйди. Шунча мўмай даромадан кечишармиди? Уларга шайтон бас келсин.

— Хола, мунга нима дейсиз? — Ойниса белбоғни кўрпачага қўйди. Шамси хола тугунни ечди.

— Вой, Ойнисахон! Омонатингиз-ку! — деди Шамси хола тиллақошни таниб. — Қаттан оддингиз, айланай?

— Муқаддасхон қайтариб берди, йўқ десам, унамади. «Нарса сизники, оласиз!» деди. Олишга мажбур бўлдим.

— Жуда соз, қизим! Ҳақ қарор топипти. Сизга ҳозир бу зарур, камингизга яратасиз. Қизи инсофли экан, берипти. Худодан қайтсин.

— Шунга айтаман, — деди Ойниса ич-ичидан шодланиб. — Бойнинг қизи, таннозроқ, писанд қилармикин деган хавфда борувдим, гумоним пуч чиқди. Ҳимматли жувон экан. Яхши маслаҳат берди, жойни талаб қилинг, ариза ёзинг, йўл-йўригини айтаман, деди. Гувоҳ бўласиз.

— Бўламан, — деди Шамси хола. — Ҳассамни дўқиллатиб бораман.

Кенжа Қаюмжон бир онасига, бир кампирга қарар, уларнинг ҳаяжонини тушунмас эди. Онаси боласини бағрига босди.

— Омадинг бўлса, болам, ишларимиз бароридан келади.

— Иншоолло, — деди кампир.

Кеч кира бошлади. Ойниса маҳалла идорасига чиқиб кетди. Шоҳалил ака қизил алвон ёзилган стол тўрида чўт қоқиб ўтирар, орқа девордаги Ленин расми ўрнатилган ромнинг ойнаси дарз кетган, бурчақда ранги уникқан қизил байроқ тик турар эди.

— Келинг, — дея Шоҳалил ака чўтни четга суриб қўйди. — Хўш? Муродова билан гаплашдингизми?

— Гаплашдик, — деди Ойниса. — Ҳозир ўзлари келадилар.

Шу онда Муқаддас остонада кўринди.

Улар бир соатча обдон гаплашишди.

— Меросхўр эрим урушда ҳалок бўлди, менда паспорти қолган, — деди Ойниса Муқаддаснинг саволига. — Вориси қизим, Жамила. Қишлоқда. Метрикасини олиб келганман. Эримдан келган қорахат паспорти ичида. Мана, — Ойниса қийиқчага ўралган ҳужжатларни столга қўйди.

— Шу баҳонада тамаки цехини йўқ қилсак, яхши бўлар эди, — деди Шоҳалил ака. — Шунча фойдаланишди, етар. Эгасига қайтариб бериш керак.

Гапнинг бир учи марҳум дадасига бориб теккани учун, Муқаддас ўзини мулзам сезди.

— Мусодара қилиш ҳақида ҳеч қанақа фармон ҳам йўқ экан, текширдим, — деди Шоҳалил ака тутоқиб. — Қаровсиз қолган жойни эгаллаб олишган. Даъвогар бўлмаганидан кейин мияга нима келган бўлса, шуни қилишган.

— Андижонга телеграмма берайми, қизим келсинми? — деди Ойниса чора истандек.

— Ҳожати йўқ, — деди Муқаддас. — Метрикаси бор, шу етарли. Суд ўзини кўрмоқчи бўлса, чақиринг қочмас. Ҳозирча бор ҳужжатларни тикамиз.

Алижон медтехникумни охириги курсида бўлишига қарамай, икки йил сурункасига борган пионерлар лагерига бу йил ҳам ёлланиб борди. Фаизов домладан аҳён-аҳён ёрдам пули келиб турса-да, оладиган стипендиясини қўшганда ҳам етишмас, лагерга бориш ҳар томонлама кўмак эди — емиш, ётиш текин, икки-уч ойлик маош тайин, усти-бошига, унча-мунча сарф-харажатига асқатар, ҳатто ижарасига ҳам етар эди. Қолаверса, лагер тоғ оралигида жойлашган, хавоси тоза, лагернинг қоқ ўртасидан шарқираб сой ўтган, бассейни, спорт майдончалари бор, ошхона залида ҳар куни кино кўрсатилади, баъзан концертлар бўлади. Пионер гулхани, турли мусобақалар ўтади. Тоғ чўққиларига походга чиқишади. Бундай сафарга оддндан тайёрлик кўришади: икки-уч кунлик озуқа, дори-дармон, палатка, спорт асбоблари, тугмали сафар қопи — кўрпаси, фотоаппарат, волейбол, арқон ва албатта — инструктор-вожатийлар, ошпазлар бўлади. Фавқулодда ҳодиса юз бермаса, сафар мароқли ўтади, болалар шу тадбирни кутишади.

Охирги сафар сал пастроқдаги лагер болалари билан ўтказиладиган бўлди. У ерда мусиқа мактабининг ўқувчилари дам олишар эди. Бир марта Алижон ишлаётган лагерга келиб, концерт беришди. Концерт ёзги эстрадада ўтди, саҳнага пионино олиб чиқишди, стуллар қўйишди, микрофон ўрнатишди.

Концертта бу лагернинг ҳаваскорлари ҳам қатнашишди, умуман учрашув яхши ўтди. Айниқса Озода исмли қизнинг скрипкадаги ижроси Алижонга ёқди. Соз билан киз бир-бирига шу қадар муштарак эдики, ижрочи қизни скрипкадан ажратиб бўлмас, монанд, алланечук ягона тимсолни ифодалар, қизнинг майин истараси қандайдир ҳимоясиз сув гулини эслатар, тўлқинда чайқалаётгандек эди. Концертдан кейин ошхона залида «артист»ларга кичик зиёфат уюштирилди. Алижон четдан ҳавас ва ёш қалбда энди чечак отаётган тугёнда қизга термулар, қизнинг табассуми ҳам, беғубор кўзлари ҳам, соч тўлқинлари ҳам, покиза нозик бармоқлари ҳам — ҳаммаси маҳлиё қилар, йигитча қизга тик қарашдан қўрқар эди.

Эртасига саҳар пайти иккала лагердан — «Қалдирғоч» ва «Чаман»дан танлаб олинган пионерлар икки кунлик сафарга жўнашлари керак бўлгани учун охирги тайёргарликларини қилиб улгуришлари сабабли, «Чаман»ликлар зиёфатдан кейин ўз лагерларига қайтишди. Тонг отиши билан ўттизга яқин ўқувчи, асосан ўн бир-ўн беш ёшли ўғил-қизлар рюкзаклари, ҳассалари билан тоғ сўқмоқлари бўйлаб чўққи томон йўлга тушишлари режаланган. Хоҳлаганлар ўз буюмларини — шахмат, домино, расм чизиш мальберти, фотоаппарат, гитара, най, чилдирма каби асбобларини олишлари мумкин, муҳими — оғир нарса бўлиши керак эмас. Эрталаб йиғилишганида Озоданинг скрипкаси йўқ эди. Алижон аттанг қилди, оғирлик қилса, кўтариб юришга ҳам тайёр, шу йўсин қизга яқинроқ юриш эҳтимолини кўзловди. Бироқ барибир, унинг тошдан-тошга сакрашини кўриш, хушчақчақ овозини эшитиш ўспирин бола учун омад эди. Озода заиф кўринишига қарамай, пухтагина қиз экан, икки кун давомида бирон марта чурқ этмади, толиқганини билдирмади. Демак, иродаси ҳам пишиқ экан. Нимасидир Алижоннинг синглиси Жамилага ўхшаб кетар эди — у ҳам ночорлигини сездирмайди, нолимайди. Озоданинг яна бир хусусиятига Алижон эътибор берди: овқат тақсим қилинганда, Озода қаторга ташланмайди, таом учун навбатда идишини тутиб туришни таҳқир кўради чоғи, охирида боради, овқат тугаб қолганини билса, умуман яқинлашмайди, халтасида борини ейди. Фурурини сақлайди. Ўйин-кулги пайтларида ҳам дикангламайди, майин табассум билан термулиб ўтиради, қанақадир гулларни титкилайди, тикилади, кўп ҳолларда ўйчан бўлади, болаларнинг тўполони ёқмайди. Якка, тантиқ ўсган шекилли, деб ўйлади Алижон. Балки созидан ажрагани учун ғамгинми? Бироқ нима қилмасин — куладими, хаёлга толадими, ғусса чекадими — ҳаммаси унга ярашади. Алижон ширин хаёллар қанотида узоқларга елар, рўёбсиз орзулар оғушидан чиқишни истамас эди. Қиз қиё боқармикин? Парво қилармикин? Йўлатармикин?

Алижоннинг ўзи ҳам шалвираган йигит эмас, қамчидек. Истараси иссиқ, кўзлари чўғдек. Қизларнинг кўзи тушса, яна қарашади. Фақат бўйи унча эмас, лекин яна ўсиши мумкин. Ҳозир ўрта бўйлик. Спорт билан шуғулланса, чўзилади. турниқда машқ қиламан, деб қарор қилди Алижон ва сафарда турник бўлмагани сабабли, дарахт шохларига осилишдан бошлади.

Эртасига Алижон, машғулотдан чарчаб, тандир оғзидек келадиган ғор ёнида дам олиб ўтирувди, уч-тўртта қиз сув ичиш учун ғор томон кела бошлашди. Ораларида Озода ҳам бор эди. Алижоннинг юраги безовта ура кетди. Ғор оғзининг тепасидаги харсанглар орасидаги сув сизғир, майсадан тароқдек осилган қора иплар бўйлаб оқиб тушар, ғорнинг «иягида» бир қулочли кўл ҳосил бўлган, кўлдан ошган сув яна қаёққадир жилга бўлиб югурар эди.

— Бу ипларни ким илиб қўйган экан? — деди қизлардан бири.

— Бир ирими бордир-да, — деди иккинчи қиз, сувга ҳовучини тутиб.

— Ичиш мумкинмикин? — дея, Озода ғор четида ўтирган Алижонга қаради. — Гуноҳмасми?

— Гуноҳмас, — деди Алижон. — Ирими ҳам йўқ. Ип, деганингиз — ўсимлик. «Сумбул», дейди халқ. Ашулалар тўқилган. Ботаник номи — гиацинт. Греklar: «Венера кокили», дейишади. Шишага сув тўлдириб қаранглар — майда барглари кўринади. Медицинада сумбул суви «адриантум», деб аталади. Фойдали. Ичаверинглар.

— Сиз қаттан биласиз? — ажабланиб сўради, «ирими бордир-да», деган қиз.

— Дарсда ўтганмиз, — деди Алижон, шунча маълумот берганидан ийманиб.

— Шунақа нарсаларни ҳам ўтасизларми? — деди учинчи қиз.

— Дори ўт-да, — деди Алижон, ер чўқалаб.

Озода алланечук қизиқиш билан ҳақим йигитчага синовчан тикилиб турди-да, Алижон бошини кўтаргач, нигоҳини олиб қочди.

— Бетоб бўлиб қолсак, даволай оласизми? — деди шаддодроқ қиз ўсмоқчилаб.

— Дардга боғлиқ, — деди Алижон тутилиб. — Енгил бўлса, тузата оларман.

— Илон чақиб олса-чи?

— Унинг ҳам давоси бор, — деди Алижон ва мазах қилмаяптимиқан, деган гумонда Озодага бир қараб олди. — Агар тез киришилса. Умуман, оёқ остига қараб юриш керак. Қўққисдан босиб олсангиз, чақади. Чиқишдан олдин айтилди-ку.

Қизлар эчкилардек булоққа эгилиб, ҳовучлаб сув ичишди, шаддоқ қиз ҳовучида қолган сувни Алижонга сепди. Алижон сесканмади ҳам, энги билан юзини артди. Қизлар чодирлар томон кетишди. У ер яссилик бўлиб, кўкат билан қопланган, ҳар турли гуллар шамолда чайқалар, майдончанинг чап томонида азамат қоялар қораяр, қоялар ортидаги чўққилар қашқа, қор лахтаклари оппоқ, булутлар муаллақ қолгандек эди.

Бир неча кундан кейин лагердаги Алижоннинг муолажа учун ажратилган палаткаси олдида Озода тўхтади. Ниманидир журналга ёзиб ўтирган Алижоннинг кўзи ичкаридан Озодага тушди, юраги ҳапқира кетди. Бир қизча Алижоннинг палаткасини Озодага кўрсатиб, чопқиллаб кетди. Озода нима қиларини билмай, жойида туриб қолди.

Алижон ўзини қўлга олиб, палаткадан чиқди.

Озода қизариб кетди.

— Кимни қидиряпсиз? — деди Алижон ҳадиксираб.

— Докторимиз шаҳарга тушиб кетган экан, сизга келдим, — деди Озода. Унинг устки лабини қоплаган тук орасида тер йилтиради.

— Нима қилди? — сўради Алижон гангиб.

— Тўпигим, — деди қиз, — боссам, оғрияпти.

— Киригиз, — дея Алижон четланди. Қиз сал оқсаб палатка ичига кирди.

— Ўтиригиз, — деди Алижон, стул суриб.

Палатка ичи ним қоронғи бўлиб, тўртта йиғма каравот бўш, саришта филофлари оқариб кўринар, дим эди.

Алижон Озоданинг тўпигини ушлашга ботина олмай, курсича қўйди. Озода чап оёғини курсичага олди. Алижон чўнқайиб, бармоқлари билан қизнинг товонини эзиб кўрди.

— Шу ерми?

— Ҳм. Қиррали тошни босиб олдим, — деди Озода, Алижоннинг бармоқлари этига текканидан алланечук бўлиб.

Тўпиқ ростдан ҳам оғрияптими ёки шунчаки баҳонами, Алижон билмади, лекин иккала тахмини ҳам ўспирин учун ҳада эди. Қай йўсин билан танишишни орзу қилиб юрувди, қиз «тўпиғи» билан ўзи кулбасида намоен бўлди. Алижон учун бу — омад, табиатнинг инъоми эди. Агар Озоданинг тўпиғи ваз бўлса, нур устига нур, демак, қизнинг дилида Алижонга нисбатан нимадир йилт этиптики, орият ҳам кўзига кўринмай, ўзи истаб келипти. Бу бахтни нима билан қиёслаб бўлади?

— Зарари йўқ, — деди Алижон қадини ростлаб. — Компресс қилиб қўяман. Товонни босмай юришга ҳаракат қилинг. — Алижон бинтни алақандай суюқликка ботириб, Озоданинг оёғи олдида чўнқайди, товони аралаш тўпигини таранг боғлай бошлади. Қизнинг силлиқ этига қўли тегар экан, Алижон чўғни ушлагандек бўлар, бу чўғдан кул бўлишга тайёр эди. — Скрипка чалар экансиз. У кунни эшитиб қойил қолдим.

— Сизга ёқдими? — қизиқиб сўради Озода. Алижоннинг эътирофи Озода учун ҳам муҳим эди, чоғи.

— Жуда, — деди Алижон. — Симдан шунақа товуш чиқиши!

Алижон қизнинг бинт билан тангилган оёғига шиппагини аранг кийгазди.

— Раҳмат, — деди қиз.

— Босиб кўригиз-чи.

Озода студдан туриб, оёғини ерга босди.

— Оғридими?

— Ҳм, — деди Озода айбдордек. Тўғри айтдимми, Алижон англамади.

— Бир-икки кун оёқ учида юрасиз.

— Бугун концерт берамиз, оқсоқланиб чиқсам, кулишмасмикин? — деди Озода хижолат чекиб.

— Қайдам, — деди Алижон. Вақт унга тез ўтиб кетгандек туюлди. Яна бирон баҳона топиб, Озодани бир оз тутгиси келди, лекин тилига гап келмади. — Балки кечгача сал тузалар.

— Майли, раҳмат, — деди Озода.

Алижон охириги гапини айтганидан пушаймон бўлди — кетишга ижозат бергандек чиқди. Ҳақиқатда, қиз оёғини авайлаб, ташқари томон юра бошлади. Алижон бир ваз топиб, «қабулни» чўзгиси келар, нима дейишни билмас эди.

— Бир оз ўтирсангиз бўлариди, товонингизга дори таъсири етиб борса, юриш осонлашармиди?

— Инқиллаб боргунимча анча вақт ўтади, — деди Озода, кечирим сўрагандек шошилмай.

— Қўлтигингизга кирайми? — журъат қилиб деди Алижон.

— Вой, болалар мазач қилишади. Бир амаллаб етиб оламан.

— Тўхтанг, — деди Алижон, миясига яхши фикр келганидан ҳовриқиб, — ҳасса йўниб келаман. — Алижон палаткадан отилиб чиқиб кетди.

Озода яна стулга ўтирди. Юраги ҳамон бежо урса-да, дилида қандайдир илиқ осойишталик пайдо бўла бошлаган, айниқса шифокор йигитнинг эпчиллиги, ҳатто шошқалоқлиги қизга мамнуният баришлар, шу билан бирга, агар иноқликка ўхшаш муносабат туғилса, бу вазият орийатлими, уят эмасми, Озода фаросат қила олмас, лекин кўнгли чопар, қандайдир кўзга кўринмас ровларни писанд қилгиси келмас эди. Айни шундай ровлардан зада бўлган онаси, икки йил бурун Озода ич кийимини ўзи ювганини пайқаб:

— Сен энди гўдак эмассан, — деди. — Ҳатто бошқа республикаларга кўрикка бориб келяпсан. Кўзга яқинсан. Агар бирон йигит кўнгли қўйса, кўрқма, яширма. Кимдир ёқиши табиий. Мен яширмаганимда бошимга шунча маломатлар тушмасмиди, даданг нобуд бўлмасмиди. Севиш айб эмас. Ким шуни инкор қилса, бир умр надомат чекиб ўтади. Яхши кўрган одаминг билан бирлашиш — бахт. Ишқ йўлида битта хато бор — туйғуни алдаш. Дунёда бунинг ўрнини босадиган ҳеч қанақа омил йўқ. Севги деб адашсанг ҳам — гуноҳ эмас.

Ҳозир Озоданинг янги дадаси бор, «ўтай дада» дейишга тили бормайди. Фақат негадир онасини бир оз қизганади. Аввал онаси билан бир хонада, ҳатто бир ўринда ётишар эди. Энди ўрнини бошқа киши эгаллади, Озода четроқ суриди, нариги хонада якка ўзи қолишни истамай, Замира холанинг хужрасига ўтди. Замира хола бувисидек бўлиб кетган, кўп вақти шу кампир билан ўтади, қадрдон, лекин қариб қолди, оёғи шишади, ўзи қаровга муҳтож, сингилчаси Лолага аранг қарайди, онаси шу қизча деб ишидан бўшади. Янги дадаси яхши киши, кўрс эмас, инсофли, лекин ғурури баландми — бирон ножўя сўз эшитса, уч-тўрт кун бойиб бўлиб қолади, Ўрдадаги квартирасида яшайди, онаси унинг орқасидан истаб бормайди, яна ўзи келади — Лоласиз тура олмайди. Шўрлик икки йилдан буён тузукроқ иш топа олмаяпти, бирон муассасага жойлашса, ярим йил ўтар-ўтмай бўшайди, қув одамлар билан чиқиша олмайди. Топиш-тутуши тайин бўлмагани учун эзилади, хотинининг қарамовига тушиб қолганидан истиҳола чекади.

— Нега «дада» демайсан? — дейди кампир. — Кўнгли чўқади, болам, ўзи омонат, «дада» десанг, руҳи очилади, онанг ҳам тинчийди.

Албатта, «дада» дейиши лозим, бир кунмас-бир кун айтади ҳам, лекин дабдурустдан бегона кишини қандай «дада» дейди? Агар Озода ёшроқ бўлганида, тафовутни сезмас эди, «дада»га ўтиши осон кечар эди...

Озоданинг хаёлини бузиб, палаткага Алижон кирди — терлаб-қизариб кетган, қўлида иккита сўйил бор эди, иккаласи йўнилган, бирининг учи савол аломатидек бурилган, иккинчисиники айри эди.

— Мана, — деди Алижон, ғурурини яшира олмай. — Хоҳласангиз — буниси, хоҳласангиз — мана буниси. Қулайига таянаси. Ҳассалигим сезилмайди, шунчаки эрмак. Шошилмаганингизда, чиройлисини ясаб берам эдим. Бутунча шунга таяниб туринг, эртага яна биттаси битади. Келишган ёғоч топиш керак.

— Саҳнага ҳасса таяниб чиқаманми? — деди Озода андак эркалик қилиб.

— Нима қипти?

— Қўлимда скрипка бўлади-ку.

— Иккинчи қўлингиз-чи?

— Иккинчи қўлимда камон бўлади.

— Камонни қўлтигингизга қистириб олинг.

— Кейин ёғочни қаёққа қўяман? Тақ этиб полга тушса, куаги кўтарилади. Изза бўламан.

— Кечгача оёғингиз тузалиб қолар, балки ёғоч умуман керак бўлмас. Тузалмаса ҳам саҳнага ёғочсиз чиқиш мумкин. Сал оқсасангиз — айбмас.

— Борасизми?

— Чақирсангиз, бораман, — деди ич-ичидан шодланиб Алижон.

— Бошқа лагерлардан ҳам келишади, боринг, — деди Озода ва бир қўлига айрили сўйилни олиб, ташқарига чиқди, сўйилни ерга қадаб, юриб кўрди. Таянса бўлар экан. Озода яна бир-икки одим қўйди ва палатка олдида турган Алижонга қаради: — Албатта боринг. Орқамдан қараб турманг, уяламан.

Алижон жилмайиб, палаткага кириб кетди.

Озода сўйил босиб паст томон кета бошлади.

Алижон, муғомбирликмикин деб палатка тирқишидан қизни кузатди. Қиз кўздан ғойиб бўлмагунича, таёқни ташламади, Алижон учун муғомбирлик қилгани маъқул эди, чунки товон оғриши шунчаки баҳона бўлса, тагида ўзга ният борлиги кўпроқ эзгулик эди.

...

Озода сахнага чиқишидан олдин, четроқда туриб, панадан томошабинларни кузатиб чиқди, вала-говур, баланд-паст одамлар орасида Алижонни аранг топди, юрагини кимдир ҳовучлаб қўйворгандай бўлди, ҳаяжонини босишга уринди.

Концертмейстер қора рояль олдида тик туриб, навбатдаги ижрочи чиқишини кутар эди. Кечани олиб борувчи Озоданинг номини айтиши биланоқ хитоблар, гулдирос бошланди, қарсак-хуштақлар остида бир қўлида скрипка, иккинчи қўлида камон билан сахнага зипиллаб Озода чиқди, бир неча дақиқа пастга қараб тургач, скрипкани чап елкасига жойлаб, қулоқ остига тиради, қўлидаги камонни сим торлар устида муаллақ тўхтатди. Болалар жимишди. Озода бошини концертмейстер томон буриб, ишора қилди, рояль товуши дебочани бошлади. Дебоча яқунланиши билан бир зумлик сукутни игнадек санчиб, скрипканинг садоси адажиони бошлади. Мусиқа авж томон интилар экан, усул тезлашар, Озоданинг қўл ҳаракатлари иддамлашар, эпчил бармоқлари созни пайпаслагандек липиллар, ҳар усул урғусида қиз пешонасидаги кокилини силтаб ташлар, бутун борлиги билан оҳанг тиласимиға фарқ бўлар... Залда ўтирган томошабинлар сеҳрлангандек гунг, фақат қитмирлик қилган болаларнинг пиқири, чийиллаши сукунатни бузар, бошқалар уларга ўқрайишар, яна бир зумлик сукут ўрнар эди...

«Боғ аро қўйсам қадам...» анғанасида қулоғи пишган Алижон учун бу мусиқани англаш бир мунча мушкул бўлса-да, ўспирин уқишга уринар, агар Озода мусиқа ҳақида фикрини сўраса, мулзам бўлишдан ҳайиқар, чўчир, «жуда таъсирчан» каби сийқа ифода билан асугулиб кегини чамалар эди. У кунги «Қалдирғоч»да чалган куйи ўзбек мақомларига асослангани учун Алижон дарҳол ҳис қилди, баҳра олди, бугунгисига унча «тиши» ўтмади. Лекин барибир мусиқа вужудини алланечук ларзага солар, ўйлантирар, унинг ички моҳиятини пайқаш учун маълум тайёргарлик, малака зарур эди. Ўсал бўлмаслик учун Алижон концерт тугаши билан болаларга қўшилиб ўз лагерига қайтишни маъқул кўрди. У Озода олдида ўзини ҳаваскор боладек ҳис қилди, унинг даражасига етмак мушкул кўринди. Майна бўлиб нима қилади? Ҳар сойнинг ўз ўзани бўлади. «Кўрпага қараб оёқ узат», дейишади. Чин гап.

Алижон ярим тунгача ўйланиб ётди. Нега шу қизга дуч кела қолди? Чет-четда юраверса — олам гулистон эди. Чекиниб ҳам бўлмайдди, номи қочоққа чиқади. Чиқмаса-да, Алижон ўзини шундай сезади. Бу бировнинг таънасида ҳам оғир эди. Бир йўли — ўз камчилигини, нафис санъат сирларини тушунишга ҳали фаросати етмаслигини яширмай айтиши керак. Бироқ қиз «тушунинг» дегани йўқ-ку, қайтага «тўпигини» баҳона қилиб, ўзи келди. Тўпиги ростдан ҳам оғриганида, сахнага пилдираб чиқа олармиди? Демак, ҳийла экан, учрашиш учун топган ягона важи экан. «Сиз билан учрашай, деб келдим», демайди-ку, орият қилади. Бир-икки кун сабр қилиш керак. Агар нияти жиддий бўлса, қизнинг ўзи келади.

Бироқ Озода келмади. Уч кун ўтгач, Алижоннинг ўзи тушишга жазм қилди. Озода икки дарахт тупига боғланган ҳайинчақда секин тебраниб китоб ўқир, ёпида ҳеч қандай йўқ эди. Алижон бориб қолганини қиз пайқамасди, кўзи тушгач, чўчиб кетди, оёқ учини ерга тиради. Алижон хижолатини яшириш учун жилмайиб турар, қўлида пўсти шилинган сўйил бор эди. Озода сўйилни баҳона деб ўйлади, ичи алланечук бўлиб кетди, дарҳол устки лабида тер йилтиради.

— Оёғим тузалди, — деб, Озода китобини ёпди. Бу «суҳбатга тайёрман», деган аломат бўлиб Алижонга туюлди.

— Яхши, — деди Алижон жойидан жилмай.

— Таёғингиз чиройли чиқипти, — деди Озода андак жимликдан сўнг, — сариқ илонга ўхшайди.

— Сизга. Ваъда қилувдим, чиқмадингиз, — деди Алижон сал тетикланиб.

— Товоним тузалди-ку.

Кўриш нияти борлигини Озода Алижоннинг гапидан фаҳмлади, дили товланди. Ўзи иккинчи марга йигитнинг олдига боришни эп кўрмай юрувди, қолаверса унинг кўнгли чапаётганлигини синаб кўриш ҳам керак эди. Эҳтимоли тўғри чиққанига энди қиз ишона бошлади, тўғривоғи — ишонгиси келди.

Алижон сўйилни нима қиларини билмай, қўлида айлантирди.

— Керак бўлмаса, ташлаб юбораман, — деди у.

— Ташламанг, керак бўлиб қолади, — деди Озода. — Аям ҳар хил дориларни фамлаб қўяди, асқатса яхши, асқатмаса — яна яхши, дейди.

— Тўғри. Керакли тошнинг оғирлиги бўлмайди.

Озода бир тургиси, бир ёнидан жой бергиси келди, лекин юраги дов бермади, истиҳола қилди.

— Индинга жўнаймиз, — деди у, бошқа гап топа олмай.

— Бизникилар ҳам кетишади, — деди Алижон. — Иккинчи смена келади.

— Сиз-чи? — деди қиз.

— Мен қоламан. Хизматдаман.

Озоданинг сўзидаги мавж сўнгандек бўлди.

— Шаҳар айни исиган пайт, бу ер салқин.

— Кечалари болалар адел ёпинишяпти.

— Ҳм. Биз ҳам, — деди қиз.

— Яна қолармидингиз? — сўради Алижон ўсмоқчилаб.

— Путёвкам тугади-ку.

— Хоҳласангиз, лагер мудиридан сўраб кўраман, — деди Алижон. — Унда очиқ путёвклар бўлади. Қоласизми?

— Аям ташвишланади, — деди Озода, — ўзи етиб келади.

— Биронта дугонангиздан хат бериб юборсангизчи?

— Рухсатсиз қола олмайман-да. — Озоданинг овозида афсус эшитилди.

— Алтанг, — Алижон баралла ўкинчини яшира олмади, таёқни дўқ этиб ерга урди.

Озоданинг дили тўлқинланди.

— Юринг, сой бўйига тушамиз, — деди Алижон таваккал қилиб.

Ҳадиксираса-да, Озода дарҳол ўрнидан кўзгалди.

Шу қадар осон кўнгани Алижоннинг дилини алғов-далғов қилиб юборди, сал кўзи тингандек ҳам бўлди. Юрагининг бежо уришини ўзи сезди. Қизариб кетди. Қизнинг юзи ҳам гулгун бўлди. У бир атрофга кўз ташлаб чиқди — биринчи висол эди.

Алижон ўзини беғам кўрсатишга уриниб, йўл бошлади.

Улар қоя ортига ўтиб, майсали қирғоқ бўйида ўтиришди.

— Май ойида шу ўтирган жойимиздан бир қулоч сув ўтади, — деди Алижон, нимадир дегиси келиб.

— Олдин ҳам бу ерда бўлганмисиз?

— Учинчи марта чиқишим, каникулни шу лагерда ўтказаман. Атроф таниш бўлиб қолган. Чимённинг кўп чўққиларига чиққанмиз.

Озода чап иягини тиззасига қўйиб, йигитнинг сўзига қулоқ солар, сойдаги куёш акси юзида мавжланар, йигитнинг кўзига қиз ҳам яқин, ҳам узоқ кўринар, бу онга етишганига ишонмас, қиз узун кипригини ёпганида, юзидан ўпгиси келар эди.

Алижон авайлаб кафтини қизнинг тошдаги тўпиғига босди.

— Оғрияптимиз?

Қиз индамади. Йигитнинг кафти ҳам ёқар, ҳам чўчитар эди. Бироқ қиз оёғини тортмади. Алижон эгилиб, силаётган жойини ўпди ва, чўғга теккандек, ялғ этиб қизга қаради. Озода майин жиламайди, йигит қизнинг тизза кучоқлаган тирсагига лаб текказди, қиз қимир этмади, нариги қўлини йигитнинг бошига қўйиб, сочларини гижимлади.

Озода автобусдан тушганда, онаси «Москвич»да Масъуддан келган хатни ўқиб ўтирар эди, қизини кўриб, машинадан чиқди. Озода онаси билан кучоқлашиб, нарсаларини машина ўриндиғига қўйди. Озода онасининг кўзида ич-ичидан порлаётгандек бўлиб кўринди. Аёл ниманидир сезгандек бўлди.

— Лолани олиб чиқмадингизми? — деди Озода дарҳол.

— Уйбоғгим келмади, — деди Муқаддас мамнун энтикиб. — Соғиндингми?

— Соғинганда қандоқ! Нуқул кўзимдан ўтди. Айниқса охирги кунлари.

— Ҳозир кўрасан, уйғонгандир.

— Бу қанақа хат? — сўради Озода машинага ўтиргач.

— Тоғангдан келди, бу иккинчиси. Ичида расми ҳам бор.

Озода конвертни очиб, биринчи галда расми кўрди.

Расмда ёнма-ён Масъуд билан Сюзен (Сусанна) ўтирар, уч яшар қизча иккаловининг ўртасида тикилиб турар эди.

— Вой! — деди Озода ҳайратланиб. — Акангиз шунақа кетворган йигитми?!

— Дадмга тортган, — деди Муқаддас гурурини яшира олмай. — Сочига оқ оралабди.

— Қизини қаранг, мунчоқдек! Испанларга ўхшайди. Хотини ҳам ойдек экан!
Муқаддаснинг кўзи ёшга тўлди — ҳам шодланар, ҳам гурбатланар эди. Қизи хатни ўқий бошлади.

Озода онаси билан машинадан тушганда ҳовлида Зоҳид икки ёшли Лолани ҳайинчақда тебратиб турар эди, Лола опасини кўриши билан қичқириб юборди. Озода синглиси томон интилиб, маҳкам бағрига босди, юзларидан ўпди. Кейин дадаси билан қучоқлашиб кўришди.

Озоданинг ҳеч қачон буңдай мижозини пайқамай келган Зоҳид, ҳатто анграйиб қолди. Муқаддаснинг кўнгли ийиб кетди, бирон ҳодиса юз берганини тахмин қилди.

Муқаддас икки йил олдин қизига айтган ўтитини эслади— дилида бўлса очади, деб ўйлади. Бироқ икки ҳафта ўтди, қизи ўйчан-паришон бўлганини онаси сезди, қизи миқ этмади. Демак Озода чамалаган нарчаси рўёбга чиқмади, чоғи ёки иккиланаяпти, деган гумонга борди Муқаддас. Онаси шу ҳақда овиз жуфтласа, қизи гапга чап берар, саволдан қочар, бошқа мавзуга чалғитар, тоғаси ҳақида сўрар эди. Масъуд биринчи хатида ота-онасига салом йўллабди, ҳали улар ҳаёт деб юрган экан. Онаси Масъудга ёзган хатида улар қазо қилганини, Ўлмас ҳам дунёдан ўтганини ёзди.

— Энди кўришимиз гумон, — деди Муқаддас ўкиниб. — Шарқий Германияда бўлса ҳам қошки эди, Боннда экан. Бонн Фарбий Германияда. У ёққа қўйишмайди, қўйишса ҳам юзта чиғирикдан ўтказишади. Пленга тушгани очилса, уни бу ёққа, бизни у ёққа йўлатишмайди.

— Миллионлаб одамлар пленга тушган, — деди Зоҳид. — Кўплари бола-чақали, жудо қилишса, ғазабга учрашади.

— Кутайлик-чи, замон ўзгарар, — деди Муқаддас ўйчан. — Нариги кўчадаги жувон ўн йиллик сургунга юборилган экан, ўшатта туғипти, эри ҳам этап қилинган экан, бирга қайтишипти. Мен ҳужжатларни режага келтириб бердим, адвокат топдим, бугун-эрта жойини қайтариб бериш ҳақида суд қарори чиқади. Юз элик яшовчи имзо чеккан ариза берилди. Артель кўчирилар эмиш.

— Ҳайрият, — деди Зоҳид. — Сассиқ ҳиддан қутулар эканмиз.

Бироқ Муқаддаснинг мўлжали адаш чиқди. Бир ҳафтадан сўнг Муқаддас Ойниса билан шаҳар судига бориб, мужмал жавоб олишди. Суд қарорида «Ишлаб чиқариш объектлари бор бўлгани сабабли жойини қайтариб бериш иложи йўқ. Даъвочи жойи бадалига уч хонали квартира олиш ҳуқуқига эга. Суд қарорининг бир нусхаси Октябрь район ижроия қўмитасига юборилади. Квартирани ажратиш райижроком зиммасига топширилади», — дейилган эди. Иккала жувон пўссайиб қолишди. Ойниса-ку оддий фуқаро, лекин Муқаддас, малакали аддия ходими, адашмаслиги лозим эди. Судхона таркибида қанақа «олди-берди» борлигини, номи улуғ бўлса-да, шаҳар партия ташкилотининг измидан чиқа олмаслиги аён эди. Ойнисанинг кўнглини «пуч ёнғоққа» тўлдирган бўлиб чиқди. Масала ҳал эди, таниш ходимлар суд ҳукми даъвочи фойдасига ечиллади, деб ишонтиришган эди, ҳали имзо чекилмаган суд қарорини Муқаддас ўз кўзи билан кўрган, шунинг учун ҳам Ойнисанинг кўнглини тўқ қилган эди, демак, охирги муддатда вазият кескин ўзгарган, артелдан мўмай фойда кўрувчилар керакли идораларга пора бериб, ҳукми ўзгартиришга муваффақ бўлишган. Энди республика судига ариза беришдан бошқа чора йўқ, шунда ҳам даъвогарнинг талаби қондирилади, деб бўлмайди, республика суди шаҳарникини бекор қилмайди — бир охирдан ем ейишади, «мен-сенга, сен-менга» қабилида иш тутишади. Бу ҳам нагжа бермаса, СССР Олий Судига ариза юборишади. Демократик ўзгаришлар ўша ёқдан келаяпти. Ариза ўз вақтида борса, Олий Суд бу ердаги қарорни бир зумда бекор қилади. Муқаддас Ойнисага шу мулоҳазаларини айтиб, тасали берди.

— Ҳозирча райижрокомга мурожаат қилинг, квартира тегса, ўшатта яшаб турасизлар, — деди Муқаддас Ойнисага йўл-йўриқ кўрсатиб. — СССР Олий Судининг қарори сизнинг фойдангизга ҳал бўлса, у ўз йўлида ечилaveraди. Кўп жонлик оиласизлар, квартира ҳам қўлда қолади, эски жойингиз ҳам тегади. Ўғил-қизларингиз вояга етиб қолишипти, уларга ҳам жой керак бўлади.

Ойниса кўнди.

— Кенжам Қаюмжоннинг мактаби тайин бўлса, бир оз тинчир эдим, — деди ўқсиниб Ойниса. — Сентябрьда бир ярим ой вақт қолди. Унгача квартира тегармикан?

— Шуни ҳам аризада ёзинг, — деди Муқаддас. — Сизга ўхшаганларга биринчи навбатда беришлари керак.

Эртасига Ойниса Қаюмжон билан Алижоннинг лагерига борди.

Автобус станциясидан кейин она-бола бир соатча йўл юришди. Балаңдлик бўлгани сабабли, олти-етти марта тўхтаб, нафас ростлаб, аранг етиб боришди. Ойниса лагер дарвозахонаси ёнидаги дарахт соясидаги скамейкада ўтириб қолди. Кенжа Қаюмжон чурқ этмай онасининг ёнида чўп билан ер чизиб ўтирар, ҳаво шаҳарга қараганда анча салқин, айниқса шамол хуруж қилганида, баданга ором берар, атроф тоғ қоялари

билан ўралган, чўққилардаги қор эриб улгурмаган, арчалар санчилгандек сунъий кўринар, ошпоқ булутлар подаси арчаларга илинар эди.

Бир оздан кейин ҳадиксираган Алижон чиқди, скамейкада ўтирган онаси билан укасини кўриб, анграйиб қолди, кўзига ишонмади.

— Ая!

Улар кучоқлашиб кўришишди.

— Қатган сизларни худо етказди? Тинчликми?

— Тинчлик, болам, тинчлик, айтиб бераман,— деди Ойниса, оғир нафас олиб.— Ўзинг омонмисан? Лагердалигингни билар эдик. Нега хат-пат ёзай, демайсан?

— Ёздим-ку.

— Биттагина хатингни олдик, бултур ҳам шунақа қилувдинг, болам. Ё бизни тан олгинг келмаяптими?

— Йўғ-э, ая, унақа деманг, соғинаман. Хатда нимани ҳам ёзар эдим. Дадамлар қандай? — деди Алижон Қаюмжонни ҳам, Фаизов домлани ҳам кўшиб. — Земфира аям, Жамила, Заремалар яхшими?

— Салом айтиб юборишди, сени жуда соғинишяпти.

— Сиз бир ўзингиз келдингизми?

Ойниса Тошкентга келиш сабабини қисқа гапириб берди.

— Жой тегса, ҳаммамиз бир бўлиб яшар эдик, — деди Ойниса охирида. — Уч хонали квартира беришмоқчи, лекин қачон оламиз, тайин эмас. Укангинг ўқиши нима бўлади, деган ташвишдаман.

— Ҳозир қаерда яшаяпсизлар, келганингизга неча кун бўлди?

— Йигирма кундан ошди, болам, Шамси хола деган кўшнимизникида турипмиз, жойдан танқислик йўқ, Ҳовлимиз артелга айлантирилган экан, беришни иштамаяпти.

Алижон Ойниса билан кенжа Қаюмжонни ичкарига олиб кириб, лагерни кўрсатди, укаси билан бассейнда чўмилишди, шийпонда тамадди қилишди.

— Тинч экансан, энди биз қайтайлик, — деди Ойниса, тўрвада Алижонга келтирган нарсаларини бериб. — Боргунимизча қоронғи тушади. — Ойниса Алижоннинг чўнтагига пул солиб қўйди.

Алижон онаси билан укасини автобустача кузатиб тушди, автобус ортидан соғинч билан мўлтираб қолди. Агар иш билан боғлиқ бўлмаганида, ўзи ҳам елган бўлар эди — четдан Озода жўнашни кузатган, қиз кетгач, ҳаммаёқ бўм-бўш бўлиб қолгандек туюлган, кейинги мuddат Алижонга муҳлатдек кўринган эди. Алижон илинж билан яшар, қизни хаёлидан арита олмас эди. Озода тўғридан-тўғри Алижонни кутишини айтмади, фақат мусиқа мактабини тугатаётганини, мактаби шаҳарнинг қай жойида эканини шама қилди. Бу махфий ижозат, таклиф эканини Алижон фаҳмлади. Қани энди лагер тезроқ тутаса-ю Алижон учиб бора қолса.

— Таътил бўлса-да, хоҳлаганлар машғулотларга қатнайверадилар, — деган ўшанда Озода. — Мен ҳам қатнаб тураман, скрипка шунақа нарсаки, бир-икки ҳафта машқ бўлмаса қўл чиқиб кетади.

Алижоннинг лагердаги охирги кунларининг ҳар бири йилдек ўта бошлади — тунлар узоқ, кунлар узун кўринар, айниқса унинг ёрдамига муҳтожлик сезилмаган пайтлари қийин ўтар, Алижон ўзини қаерга қўйишни билмас, фақат физкультура машғулотлари уни бир оз чалғитар, шунда ҳам мияси ширин, энгиб бўлмас хаёллардан бўшамас, ҳатто хаёлга берилиши билан вақт ўтганини пайқамас эди. Ҳали ўн саккизга кирмаган йигит бунақа орзуларга таслим бўлиши хулқий жиҳатдан муносиб-номуносиб эканининг фарқи бормас, барча андишалар қудратли ҳис тўлқинида фарқ бўлар, шундан бўлак нарсаларни ўйлашни истамас, аччиқ лаззат, ўткир нашъа ситамида баҳра олиш олий завқдек кўринар, пўртанага чап беришнинг ўзи йигитга иллатдек туюлар эди. Бундай ҳаяжон, айниқса қиз зотига нақадар қалтис, таҳликали, агар у Озодадек энди уйғониб келаётган бўлса, таҳдид эканини ҳам фаҳмлар, қизнинг журъатини ҳаттоки кўп йигитлар қўлидан ҳам келмайдиган жасорат, деб билар, эътироф этган сайин қизга ихлоси ошар эди. Муңдоқ қараганда, Озоданинг ўзи Алижонни истаб келди, ановинақа ғализ ориятларни писанд қилмади, бу ўз туйғусини ардоқлаш эмасми? Чиркин тўсиқларни энгиш эмасми? Агар Алижон Озоданинг ўрнида бўлганида, илло-билло бу каби хатарли таваккалга бел боғламаган, жазм қила олмаган бўлариди. Бундай қизнинг садақаси кетсанг арзийди.

Биринчи марта Муқаддас билан учрашгандан кейин Ойниса Шамси холаникига қайтиб, латтага ўралган нарсани олдига қўйди.

— Ҳақиқат қарор топилти, айланай, инсофли экан, бошидан сув ўтириб ичиш керак.

— Рост, яна анча маслаҳатлар берди, — деди Ойниса, ҳаяжонланиб. — Ёрдам бераман, аризалар ёзишни ўргатаман, деди. Қандай миннатдорчилик қилишни билма-япман.

— Мунақа одамлар савоб иш қилишдан баҳра олишади, — деди Шамси хола.

— Тиллақошни қайтариб бера қолаймикин, хола?

— Олмайти, — қатъий деди Шамси хола. — Ишингиз ўнгидан келса, ўша садақа.

Лекин мана икки ойга яқинлашиб қолди, иши ўнгидан келадиганга ўхшамайди.

Олий суд шаҳар суди чиқарган қарорни бекор қилмади. Ойнисанинг жойи давлат мулкига ўтиб кетган экан, энди уни ундириш мураккаб бўлади. Битта умиди — СССР Олий Суди. Агар Муқаддас Москвага бориб, Олий Суд қарорини ўшатта кутишни маслаҳат кўрса, Ойниса боради ҳам. Аслида хат воситаси билан жавоб қайтади, Ойниса Москвага бориб, Олий Суд остонасида мўлтираб ўтиришдан наф бўлмайди. Муқаддас шундай маслаҳат берди.

Энди кутишдан бўлак чора йўқ. Бекор ўтиргандан кўра, Ойниса Андижонга бориб келишни чамалади. Сентябрь ойигача муаммо ечимласа, кенжа Қаюмжонни вақтинча бўлса-да, қишлоғидаги мактабга қатнаб тургани маъқул кўринди.

— Бир оёғингиз бетта, бир оёғингиз этта, юрасизми бўзчининг моккисидек сарсон бўлиб? — деди Шамси хола. — Квартир тегса, бари-бир кўчиб келасизлар. Шу ерда тураверинглар. Қизингиз билан эрингиз ҳам келишин. Бир ҳовли бўлиб яшаймиз. Қизим уйли-жойли, чолим дунёдан ўтди, ўғлим урушда ўлди, танҳолик жонга тегди. Насибам узилса, ҳовли хувиллаб қолади. Бу жойни ҳам артел қилишади.

— Кўпжонликмиз-да, хола. Қулоғингиз қоматта келади, — деди Ойниса, Шамси холанинг гапи маъқул тушса-да, аңдиша қилиб.

— Болалик уй бозор, — деди Шамси хола самимий, — баъзан кечгача биронта инсон мўраламайди ҳам. Ўлсам, ўраб-чирмаб, кўмарсизлар.

— Унақа деманг, хола.

— Шартим кетиб, партим қолди. Ростини айтиш керак-да, айланай. Ўлимлигим сандиқда, иккиланманг, болам. Кенжангиз ҳам ўқишга боради, Чақардаги мактабда ўрисча ҳам ўқитишади. Одамга одам азиз. Хат қилиб бераман, яшайверасизлар. Ҳукумат билан тортишиб нима қиласиз, ўян топиб, яна ўч олишади. Артели билан ордона қолишин. Тажанг бўлманг. Бир парча ер бошингиздан садақа, диққат бўлишга арзимайди.

Ойнисанинг кўзига ёш келди — Шамси холанинг гаплари самимий эди, лекин ўроқда йўқ, бошоқда йўқ, Ойниса уйли-жойли ҳовлига эга бўлиб қолиши ғалати кўринар, жувон кўнишга ҳам ҳайиқар, кампирнинг сазасини қайтаришини ҳам эп кўрмас эди. Нима десин экан? Албатта миннатдорчилик билдириши лозим, бироқ миннатдорчилик — қуруқ гап. Тиллақошини тутса, олармикин? Олмайти. Тиллақошни нима қилади? Хафа бўлади.

— Раҳмат, хола, — деди Ойниса, энтикиб. — Чўрингиз бўламан, юмушингизни қиламан. Онамдек кўраман.

— Мана бу гап худога ҳам, бандасига ҳам ёқади, — деди кампир, энгил тортгандек бўлиб. — Бир неча кунлардан бери оғиз жуфтлаб юрувдим, қайирмадингиз, сизга раҳмат. Уй сизники, болам, ҳеч ётсираманг. Энди, жоним узилса, сўплайиб ётмайди жасадинг қоронғи хонада. Худо сизни етказганига шукр. Уйимнинг чироғи ўчмайди.

Ойниса истиҳола тортмаслиги учун Шамси хола ўз тортигини дилига тугтиб юрган омонатидек айтди. Ойниса рози бўлганидан ўзини беҳад мамнун кўрсатди.

Ойниса ўғилчасини Чақардаги мактабга ёздириб, ўзи Андижонга жўнади. Кенжа Қаюмжон Шамси хола билан қолди.

Ойнисанинг хабари эрига томдан тараша тушгандек бўлди. Жамила эса никоҳ қилинган қизга совчи келгандек эшик кесакисига суяниб турар, Фаизов домла билан Земфира хоним сукут сақлашар, уйни ўғри уриб кетгандек совуқ туюлар эди. Яхши хабар ҳам баъзида одамни эсанкиратади. Лекин Қаюмжонга бу хабар яхши ботмади. Эски кийим янғисидан қулай кўринади. Тошкентга бориб яшаш бировнинг аравасини ҳайдашдек эриш туюлди. Тошкент алақандай улуввор, иззатли одамларга муносиб шаҳар кўриниб, Қаюмжон ўзини бировнинг тўйига кириб қолгандек ҳис қилди. Олдинига уёққа боришни умуман ҳазм қилмади, кейин аҳволи танглигини кўз олдига келтириб, мулоҳазага берилди. Дўст бўлиб ёнма-ён яшаймиз, деган аҳдлари беҳудага ўхшаб қолди. Қайтага нарироқда кун кечиришса, қадрлари янада ошадигандек, Қаюмжон кўчиб кетишни оқлагиси келди. Фақат Жамила масаласи ҳал қилиб бўлмайдиган говдек кўндаланг тушди. Аслида Жамила нафақат Қаюмжонга — Қаюмжон-ку унга ўтай, онаси унга теккан холос — Ойнисага ҳам унча илакишмас, оқ-қоранинг фарқида

бормай туриб, Фаизов домла ва Земфира хоним кўлида қолган, уларнинг ёт эканини сезмас, агар Алижон айтмаганида, улар бегона эканликларини билмас ҳам эди. Жамила энди кўзи очила бошлаганида ўз онаси, ҳали ўрганиб улгурмаган Қаюмжон, яъни ўтай дадаси бирин-кетин қамоққа олинди, қизча энди меҳр кўядиган пайтида саккиз йил сургун лагерда бўлишди. Кенжа Қаюмжон умуман сургунда туғилган, Жамила тайинланган опага ўхшайди, қандай элакишади? Унинг устига боланинг ўзи одамови. Энди уларга эргашиб Тошкентга жўнаса, буни қанақа важ билан исботлай олади? Фаизов домла билан Земфира хонимга нисбатан хоинлик қилган бўлмайдими, ахир Жамила уларни ота-она деб ўрганган-ку, уларнинг дили вайрон бўлмайдими? Алижон-ку ўртадаги тафовутдан гангиб, Тошкентга жўнаворди, ўзи ҳам нари, гами ҳам нари. Аммо Жамила қайси томонга эгилсин экан? Унга қолса, шу ердан жилмагани маъқул, ҳаёти ўз маромида оқаяпти, қирғоғини бузиб нима қилади? Шунинг билан бирга Ойниса ўз онаси, қизини қаноти остига олишга ҳаққи бор, унга ҳам терс туруш хунук.

— Бу масалани фақат ўзинг ҳал қилишинг мумкин, қизим, — деди Ойниса Жамилани холи топиб. — Агар ёнма-ён яшасак, ҳеч нарса билинмас эди, лекин биз кетишга мажбурмиз, бизни бу ерда яшатиришмайдиган кўринади. Тўғри, биздан анча йироқлашиб кетгансан, бу ердагилар сенга яқинроқ, қадрдон. Зарема синглингдек, ундан ҳам айрилиш қийин, дугоналаринг ҳам шу ерда. Тошкентга борсанг, янги ўртоқлар орттирасан, лекин улар бизга ўхшаган одамларга «келгинди, қишлоқи» деб қарашади, талаффузинг ўзгача, кулишади, биринчи кезларда ўзингни бегона сезасан. Аммо ўқиш-машғулотлар ҳам, кийим-кечак ҳам фарқ қилади. Театр, музей, бинолар, трамвай-троллейбуслар — ҳаммаси муҳташам, гангиб қолиш ҳеч гап эмас. Лекин бир ҳовлида бирга яшаймиз, иноқ бўламиз. Балки бориб яшаб кўрарсан, ўргана олмасанг, қайтиб келарсан, ўзингга қара, қизим.

— Алижон кетди, сизлар кўчасизлар, мен ҳам кетсам, булар ҳувилаб қолишади-да, ая, — деди Жамила иккиланиб. — Юз ўтиргандек бўламиз, диллари оврийди.

Бу мулоҳазага Ойниса қандай важ топа олади? Қизининг гапи тўғри. Уни ўрганган муҳитидан олиб кетиш, ниҳолни юлиб кетиш билан баробар. Бироқ қолдириш ҳам мантиққа ёндашмайди: боқиб олинлар, дегандек ботади. Ҳар қалай, бориб кўрсинчи, кўникиб кетса — ҳай, ўргана олмаса, бир йўриғи чиқар, жила курси, қайтиб келади.

Кенжаси Тошкентда бегона кампир билан қолгани учун Ойниса эрини шошитирди, Қаюмжон ҳам кўчиб кетишга кўникиди, фақат Жамиланинг «пишиши» қийинроқ кечди.

Земфира хоним:

— Ота-она билан кўшилиш бахт, — деди буюртмага тикилган аёл кўйлагига дазмол ураётган Жамилага. — Шунча укубат чекиб келганлари каммиди, қизим? Уларни тўғатмасанг, инсофдан бўлмайди — қадрсизлик. Сизларни қора тутиб биз ҳам кўргани борсак, органлар рухсат беришар. Беришмаса, ўзинг келиб биздан хабар олиб турасан. Поезда бир кечалик йўл. Қисматимиз шундай чизилган экан, қизим, иложимиз қанча? Биз шундай гўзал ватанимиздан жудо бўлиб юришимиз-ку. Ношукрлик қилма, жоним, худонинг қаҳри келади.

Жамила онасига орқаси билан туриб охорга дазмол урар, кўзидан тушган томчи дазмолга теккач, «жаз» этар эди.

Душанба кундан муассасалар янги ҳафта ишини бошлашади, Ойниса чала ишларини битиришни чамалаб, шанба куни поездга чиқишни режалаштирди, икки чамадондан бўлак нарса олмади — Шамси холанинг бисотида рўзгор учун зарур идиш-анжом топилади, фақат чойшаб-филофлару кийим-кечакларини жомадонларга жойлади. Фаизов домла, Земфира хоним ва Зарема уларни вокзалга кузатиб чиқишди. Жалолобод-Тошкент поезди Андижон вокзалида ўн минутча тўхтаб, жўнади. Ҳаммалари кўз ёш билан хайрлашишди. Охири вагоннинг қизил чироғи узоқлашар экан, Фаизов домланинг ҳам, Земфира хонимнинг ҳам, Зареманинг ҳам юраги узилиб қолгандек бўлди.

Охири смена билан бирга Алижон ҳам шаҳарга қайтиб келди. Тошкент ҳали иссиқ, газ-сув сотадиган жойлардан одам аримас, соя қидиришар эди.

Алижон бирров техникумга учраб, ижарасига йўл олди. Озодани учратиш ниятида мусиқа билим юртига бормоқчи ҳам бўлди — таътил бўлса-да, машғулотларга қатнаб турамиз, деган эди Озода, бироқ кўлидаги картон чөмоданчасини уйига қўйиши, ювиниб тараниши, кийимини ўзгартириши лозим эди, ниятидан айнаиди.

Ижара топширадиган татар аёл Алижонни ўз боласидек кутиб олди: дарҳол дастурхон ёзди, қуймоқ пиширди, помидор, бодринг тўғради, сўраб-истади. Алижоннинг онаси келиб-кетганини айтди. Алижон тамадди қилиб, душга тушди, биринчи

марта мўйини қирди, ойнада аксини кўриб, ўзини галати ҳис қилди — ҳатто кўчага чиқишдан ҳам орият қилди. Бироқ уйда ўтириб ҳам нима қилади? Унинг устига онаси келиб-кетибди, балки бирон зарурат бордир, ёрдам керақдир. Аний-холодан Ойниса қолдирган адресни олиб, уйдан чиқди. Кўча ҳамон иссиқ, трамвай-троллейбусларнинг деразалари очиқ эди. Алижон Чорсу, Чақар, Камолон деган атамаларни эшитган бўлса-да, бу томонларга йўли тушмаган, лекин Чорсу бозорига бир-икки марта борган ва шу ердан қайтган эди, шунинг учун Алижон Чорсуни чамалаб, Кўкча трамвайига ўтирди, Чорсуда тушиб қолди, бу ёғига пиёда юришга тўғри келди.

Ниҳоят керакли уйни сўраб-суриштириб топди, эшигини тақиллатди ва гангиб қолди — остонада Жамила турар эди. Қиз тортинмай акасига ёпишди, ҳовлига тортди. Ўспирин дадасини кўриб, баттар анграйиб қолди. Қаюмжон ўғлини бағрига босди, кейин онаси ва укаси билан кўришди, буларнинг ичида бир кампир нотаниш эди. Дарров чорпоёга кўрпача ташлашди, хонтахтага дастурхон ёзишди, нон ушатишди.

— Жойимиз шу, — деди Қаюмжон негадир хижолат тортиб, ва бўлган воқеани қисқача айтиб берди. — Энди сен ҳам шетта турасан, — деди гапининг охирида. — Ҳаммамиз бирга яшаймиз. Жамила ҳам келди.

Алижон сингласига кўз ташлади — қизнинг қиёфасида акаси билан учрашганидан мамнунлик сезилса-да, нигоҳида алланечук истиҳолага ўхшаш тортиниш кўринар эди. Қизнинг гурбатини Қаюмжон ҳам пайқаб деди:

— Энди мактабга ёзилиб келса бас, ҳаммаси қойил бўлади.

— Қишлоқдагилар билан узиламизми? — деди Алижон, шунча ўзгаришни дарҳол ҳазм қила олмай.

— Нега узилар эканмиз? — деди дадаси. — Бориб-келиб турамиз. Жамила иккиланяпти. Уч-тўрт ой ўқиб кўрсин, ўргана олмаса, балки қишлоққа қайтар.

Алижон яна сингласига назар ташлади. Жамила саросимада эди. Бу Андижондан келганидан бери ҳали бирон марта кўчага чиқмаган, чиқишдан негадир чўчир эди.

— Мен ижарада тураверсаммикин? — деди Алижон қирилган юзини силаб, бироқ дадаси ўғлининг юзига устара текканини пайқамасди.

— Бу уй-чи? — кўнгли озорлангандек сўради дадаси.

— Ижарам техникумга яқин-да, — деди Алижон ийманиб. — Дарсга кўнғироқ чалинса, эшитилади. — Алижон охириги курсда бўлгани учун, машғулотлар тугаган, клиникаларда практикага ўтиши, йил сўнгида давлат имтиҳонларини топишириб, шаҳодатнома олиши ва кейин биронта поликлиникагами, амбулаториягами ишга жойлашиши ёки институтга кириши керак. Институтга имтиёзли шаҳодатнома олмаса, аризасини қабул ҳам қилишмайди, бу дегани, йигитча камида икки йил ишлаб бериши, ўшанда ҳам ҳамма қатори имтиҳон топириши шарт. «Ижарам техникумга яқин», — дегани, шунчаки важ. Алижон уч йилдан ортқ мустақил яшаб, якка туришга ўрганиб қолган, оилада кун кечириш, кимнингдир измида бўлишни англаатар, «уни қил, буни қил» майлидаги режа унга малол туюлар, алоҳида яшаса, эрк ўзининг ихтиёрида — хоҳласа ётади, хоҳласа туради, учрашувга ҳам истиҳола қилмай боради — ҳеч ким унинг хатти-ҳаракатини тергамайди. Лекин дадаси Алижоннинг вожини эшитиб, ранжигандек бўлди. Уни ҳам тушуниш мумкин: саккиз йил Сибирь лагерларида сарсон бўлиб келди, энди бирга яшашига етишганида ўғли отасининг пинжига киришининг ўрнига, алоҳида туриш майли ҳимматсизликдек туюлар, ўзини опқочгандек кўринар эди, Алижон, табиатан камсуқум, майин бола, аросатда қолди, чигални ечиш маҳол эди. Шу бугуннинг ўзида ижарасига кетиши умуман одоб доирасига сизмайдиган кўриңди — тунаб қолишга қарор қилди. Эртага бир йўриги топилаар, деган ўй билан Алижон ўзига тасалли берди. Бироқ барибир, узум сўриси остидаги чорпоёга солиб беришган жойда ётар экан, алламаҳалгача кўзи илинмади — тоғ лагерига иссиқ адедда ҳам жунжикиб чиқаганидан Алижонга шаҳарнинг ҳавоси дим кўринар, чивин қаққан эти қичишар, янги жойда қулайини топа олмас, ҳаёл аллақаяқларга тортар, иложи бўлса, ўрнидан туриб кетишга ҳам тайёр эди. Қишлоқдаги оиласи Тошкентга кўчиб келиши, негадир, Алижонга маъқул ботмадими, уларнинг дабдурустан бу ерда пайдо бўлиши гайритабиий кўринар, уларнинг айнан тадбирида қандайдир шошқалоқлик, беҳудалик бордек туюлар, Алижон иснод чеккиси келар эди. Эрталаб уйғонганида, ҳамма супада чой ичиб ўтирар эди, фақат трусиди ётган Алижон туришни эп кўрмай беланиб ётди, кейин устидан кўрпани олмай, тагида шимини кийди, майкасини бошидан ўтказди, яланг оёғига пойафзалини илиб, ёни билан ювингани кетди. Аслида унинг диққатлиги Озодани эсидан чиқара олмаслиги биринчи томондан бўлса, иккинчи томондан — агар у қизни топиб борса-да, у қандай бунга қарар экан, очиқ чеҳра билан қарши олармикан, ажабланмасмикин? — деган гўлғула эди, гўлғула ҳам эмас — ваҳима эди. Фақат қаттиқ шайдо бўлган одам шундай таҳликага, ҳадикка бериларди. Алижон дилига таскин ахтарди — сой бўйида қиз Алижоннинг қўлини итариб ташламади-ку, тирсагини Алижон ўпганида, ҳатто жилмайди, сочини вижимлади. Бу ҳаракати, тўғғироғи, —

чидами, ҳиссиёти белгисими ёки шунчаки лагерда беихтиёр рўй берадиган карашмами, кўнгул кўчасими? Қанчадан-қанча ҳали вояга етиб улгурмаган қиз-ўспиринлар, — айниқса рус қизлари — қош қорайиши билан хилват-хилватда ачом-ачом қилишишади. Алижон бунақаларнинг қанчасини кўрган. Лагерда шунақа кўйга берилиш қанақадир қоидага айланиб қолганини кўплар билади. Ҳатто бунақа «ишни» йўлатиш хаёлида ҳам йўқ қизлар қанақадир танноз, қолюқ кўринади, кўринмаслик учун улар ҳам «татиб кўришга» мажбур бўлишади. Қанча қизлар лагердан қайтгач, ҳомиладор бўлиб қолганликларини пайқашади. Иккинчидан: ўрта мактабни битириш бўсағасида турган қизлар етилиб қолган бўлиб, жуфтликка тайёр, табиат даъватига чап бера олишмайди. Бундай ҳодиса кўпроқ соғломлаштириш лагерларида учраб туради, пионерларникида бўлмайди, пионерларникида вожатийлар орасида рўй беради. Озоданинг лагери эса соғломлаштириш лагери. У алақачон пионер ёшидан чиқиб кетган. Алижон шу каби гумонлар таъсирида чой ичганини ҳам, ота-онаси билан паришон суҳбатлашганини ҳам аниқ билмай, аллақандай юмушлари борлигини баҳона қилиб, уйдан чиқди, лекин бу ҳовлида туриши ҳақида тайин гап айтмади.

Алижон музика билим юртига борганида соат ўн иккига яқинлашган, бино деразаларидан ҳар турли мусиқа асбоблари товуши келар эди, демак, ҳақиқатда машғулотлар тўхтамаслиги чин экан, деб ўйлади Алижон ва дарахт соясидаги скамейкага ўтириб, ҳар турли товушлар орасидан скрипка овозини ажратиб олишга уринди, бир дераздан таралаётган скрипка товуши Озоданинг машқига ўхшаб кетди. Алижоннинг дили ҳапқирди, яна гўлгулага тушди. Агар Озода деразадан қараса, Алижоннинг кутаётганини кўрса, яхши бўлар эди. Алижон ўзининг ҳадиғи қанчалик ўринли эканини унинг қиёфасидан англаб олар эди. Агар Озода Алижонни кўриб ўсал тортса, қизарса, кўзларида маълум жонланиш йилт этса, демак, йигитни дилидан юлиб ташламапти, демак, илинжида бўлипти, кутишти: агар қиз Алижонни кўриши билан деразани ёпиб қўйса, ёки кўрмаганга олса, демак, тушунарли, лагерда бўлган барча илиқлик шунчаки вазият асноси, лаҳза кўйи. Балки Озода бу ерда уларни биров кўришини ҳам истамас, нима деганда, Алижон қишлоқ боласи, тошкентлик ёшлар унақаларга унча рўйхуш бермайдилар, ҳатто ҳазар қиладилар.

Алижон лагерда пайтида тангадан каттароқ тош топган эди, тош юзида кийик нухасини эслатувчи қора қатлам чизиги бўлиб, худди кимдир унга шу тасвирини биттадек чиройли топила эди. Агар муносабатлари чалинса, Алижон уни алоқаларининг рамзий тимсоли сифатида Озодага бериш ниятида чўнтагида сақлаб келар эди. Ҳозир Алижон ўша тошни кафтига қўйиб, тикилди: талисмон қилиб берса арзийдиган нарса. Лекин бу намунага оддий тош деб қараш ҳам мумкин, одамнинг ички назокатига боғлиқ. Агар Озода парво қилмаса, тошни улоқтириш мумкин, омад келтирмаган нарсани сақлаб нима қилади.

— Алижо-он! — деб янраган таниш овоз Алижоннинг вужудидан яшин чақмоғидек ўтди. Йигит ялт эта, нигоҳини кўтарди — дераза тоқчасининг ортида Озода турар, ловлов ёнар эди. Алижон ноҳўя иш қилиб қўйгандек ҳаяжонда ўрнидан турди, отилиб чопгиси келди, аммо оёқлари зил тортган, йигит осуда бахтдан қарахт, ожиз жилмаяр эди.

Озода деразадан ғойиб бўлди, Алижон талисмонни эзди.

20

Муқаддас ҳар дафъа акасига хат ёзар экан, кўп нарсаларни айтгиси келар, бироқ орғандагилар хатларини, албатта ўқиб чиқишларини билиб, уларнинг жиғига тегмасликка ҳаракат қилар, ўзи яшаётган тузумни иложи борича кўркам ифодалашга тиришар эди. Акс ҳолда хат у ёқда турсин, ўзини ҳам хиёнатда шубҳа қилиб, чора кўришлари мумкин эди. Шунинг учун Муқаддас умуман ўлқада ҳаёт фаровон, деб кўрсатар эди. Аслида ҳеч қачон тўйиб нон емаган халқ учун ҳозирги турмуш ўта тўкин, иқтисодий-сиёсий вазият аъло кўринар, электр нури, газ, водопровод, енгил машиналар, автобус-троллейбуслар, театрлар, байрамлар уруш азобидан кейин жаннатдек туюлар, гумон билан қамоқларга олинishi, компартия сиёсати танқидий назар билан қарайдиганларни тергов қилмай сургуналарга юборилиши унча кўринмас эди.

Хат ёзиб ўтирган Муқаддас шифтга осилган ҳайинчакка кўз ташлади, ухлаб ётган Лола, пашша қўндими тўлғанар эди, онаси сочиқ елиб, ҳайинчакни тебратди.

Ҳовлида кир юваётган Замира холанинг гўлдирагани эшитилди, Муқаддас ҳовлига тушди.

— Бирон нарса дедингизми, ойи? — деди Муқаддас пойгак олдида тўхтаб.

— Ҳа, ўзим, — дея Замира хола ишида давом этди ва яна гўлдиради: — Кап-катта қиз бўлиб қолди Озода, ҳали ҳам чўнтагида тош олиб юради. Ўғил бола бўлса ҳам майли эди.

— Қанақа тош? — деди Муқаддас кампирга яқинлашиб.

— Ана, ташлаб юбордим, ётипти, — дея Замира хола гулхонада ётган тошга имо қилди.

Муқаддас атиргул тагида ётган япалоқ тошни олди.

— Ғалати тош экан, — деди Муқаддас тошни айлангириб. — Қора изи кийикка ўхшайди. Кўрдингизми?

— Кўзим ўтмади, — деди Замира хола.

— Балки ирим қилиб тоғдан олиб келгандир, — дея Муқаддас тошни гилос тагидаги столга қўйди.

Шу пайт уй зинасида кўзларини ишқаб Лола пайдо бўлди, унинг сочлари ҳурпайган, бир лунжи қизғиш эди.

Муқаддас қизчасининг сочларини силаб, олдида чўнқайди.

— Томорқада анжир пишипти, юр, териб чиқамиз, — деди Муқаддас қизининг қўлчаларини ушлаб ва йўл-йўлакай деворда илиғлиқ саватни олиб, томорқа томон юрди.

Кўча дарвозаси гичиллагани эшитилди. Муқаддас йўлида тўхтаб, дарвозахонага қаради — қўлида қовун билан Зоҳид кела бошлади, қовунни кран тагига қўйди-да, индамай ичкарига кириб кетди. Яна бир кори-қол юз бердимикин, деб ўйлади Муқаддас эрининг авзойидан, орқасига қайтди.

— Тинчликми? — сўради Муқаддас эри ечинаётган хонага киргач, ўзини бепарво ушлаб.

— Тинчлик, — дея Зоҳид уй кийимини кия бошлади. — Ишдан бўшатишди.

— Яна ўша важми?

— Важини айтишармиди? — деди Зоҳид заҳарханда жилмайиб.

Муқаддас бу йўсиндаги амалиётни яхши билар эди — қанча шикоятларни кўриб чиққан. Ҳаммасида битта баҳона — «Касбингиз хизмат профилига мос келмайди». Аслида район партия комитетининг яширин топшириғи: қамоқ, сургун муҳлатини ўтаб келган кишини ишга олинмасин.

Биронта мудир ғафлатда қолиб судланган фуқарони ишга қабул қилса, дарҳол райкомдан қўнғироқ бўлади, мудир махфий буйруқни бажариши шарт, бажармаса, ўзи амалдан маҳрум бўлади.

Зоҳид медицина соҳасини ташлаб, бошқа бир юмуш ахтарай деса, аввало малакаси йўқ, малака шарт бўлмаган иш топилса ҳам, вазият ўзгармайди, негаки номи жиноятчи, ишласа ҳам бир ойдан ошмайди, натижа шунақа оқибат билан тугайди. Зоҳид аламзада бўлиб, нуқул чекади, қиттак-қиттак ичадиган бўлган, баъзида Муқаддасни ҳам жеркиб ташлайди. Рост, кейин узр сўрайди, ўзимни тутта олмадим, асаб курсин, дейди. Муқаддас эрининг тушкун аҳволини тушунади, гапини кўтаради, Зоҳид кўрпа остида бир марта бағрига босиб эзгиласа, ҳамма гина унутилади. Фақат ича бошлагани, маст ҳолда кўрс гапириб юборишидан Муқаддас гулғулага тушади ва энг ёмони — бу ишқалликнинг поёни кўринмайди. Қачонгача иш ахтариб — топа олмай сарсон бўлиб юради? Ичкилик камайиш ўрнига мунтазам тус олиб борапти. Бир кунмас-бир кун жонга тегаяди, бардош тугайди, Зоҳид марғур одам, хўрликка чидай олмайди, ўзини бирон нарса қилиб қўйиши ҳеч гап эмас. Ва яна даҳшатлиси шундаки, Зоҳид борган сайин малакасини йўқотмоқда, бориб-бориб кераксиз бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Бир ойдан бери ичмаётган эди, энди ишининг пачаваси чиққач, яна ичади, бу ҳовлида оғзига олмайди, бир-икки шиша ичкилик бўлса, ойлаб қарамайди, Озода билан Лола уни маст ҳолда кўришмаган ҳам. Фақат уйга келмай қолса, Муқаддас ичганини гумон қилиб, ўзи квартирасига боради, эрининг кўнглига келган нарсани бажаради, кайф пайтида писанда қилмайди, билади — писанда қилса, жанжал билан тугайди. Охирги ишига жойлашишдан аввал эри уч-тўрт кунга ғойиб бўлиб қолди, яна ичishi бошланди деб, Муқаддас квартирасига борувди, эри эса — соппа-соғ, Муқаддас кўзига ишонмади. Зоҳид кулиб гапириб берди. Қанақадир бир узоқ таниши трамвай бекатида Зоҳидни таниб, гаплашиб қолипти. Жигарингиз касал эмасми, деб сўрапти Зоҳид ўша танишидан. Таниши пахта теримида қўлланадиган дефолиация натижасида заҳарланиб, бир неча бор касалхонада ётиб чиққанини ва шунга қарамай жигари ўқтин-ўқтин оғриқ беришини айтипти. Зоҳид институтда физиологиядан дарс бергани учун бу соҳани билар эди, бир-икки хил ўтларни қайнатиб ичишни маслаҳат берган экан, ўша Оқил ака нафақат тузалиб кетипти, ҳатто ўзига ўхшаган бемор танишларини Зоҳиднинг квартирасига эргаштириб келипти, Зоҳид уларнинг илтимосини рад эта олмай, ҳар бирига мос муолажа буюрипти, деярли ҳаммаси соғайиб кетипти, шундан кейин Зоҳид баъзан-баъзан беморларни уйда қабул қилиш амалиётини қўллай бошлапти. Зоҳид уйига кеч қолишлари сабабини Муқаддас шунда англаган, бу кезгача Зоҳиднинг ўзи таоботи ҳақида — истиҳола қилибми, ориятданми — айтмай келар эди. Қолаверса унинг мажбурий практикасини текширувчи органлар пайқаса, оқибат хунук бўлиши ҳам мумкин эди. Уч йил муҳлатга қамоқда ётиб чиққан

одам, оддий жарима билан қутилиб бўлмайди, ишдан бўйин товлаган, тунеядец (текинхўр), унинг устига табиблик йўли билан хусусий амалиёт ташкил қилган, деган айбнома қўйиб, қонуннинг бир неча бандини рўқач қилишлари, узоқ муддатга кесиб юборишлари ҳам мумкин эди. Бу жинойи иш эканини Муқаддас яхши билар, билибгина қолмай, қанча шарлатанларни қамоққа ўзи гирифтор қилган эди. Фалати аҳволда қолди. Биринчидан яширин тарзда муолажа қилишнинг ўзи керакли шаҳодатномасиз ғайриқонуний тадбир, иккинчидан ишга жойлашмаслигини туниядлик деб топиб маълум модда қўллашлари муқаррарлиги Муқаддасни гулғулага солар, шунинг билан бирга малакали мутахассис бўла туриб ишсиз, демакки яшаш учун зарур маблағсиз юриши изтиробга солишини эътиборга олмай бўлмаслиги — бир калава муаммо эди. Эри топмай-нетмай қандай яшайди? Қайси кўз билан хотини, болалари юзига қарайди? Кучли, соғлом, малакали мутахассис. Иккинчидан хатар ҳам тайин нарса, жазо қўллашса, эри абгор бўлади, тақдири мажақланади, ҳеч қачон тиклана олмайди, қиёфасини йўқотади. Аслида қондабузар бўлмаган Зоҳид учун махфий табобат, унча-мунча даромад бериб турса-да, дилини сиқар, йигит ҳатто ҳайиқар, техникумдаги машғулотлари расмий бўлиб, хусусий амали шунчаки муҳтож беморларга қўлидан келганча чакана ёрдам, савоб-мурувват эди, истаган пайтда Зоҳид бу фаолиятини тўхтатиб қўйиши мумкин эди. Муқаддас эрининг хуфия машқини рад этмаса ҳам рағбат ҳам қилмас эди. Агар Зоҳид умуман ишламай яшаса ҳам Муқаддаснинг қурби етар эди, лекин Зоҳид хотини ҳисобига кун кўрадиган инсон эмас, ўлса-ўлади, бир бурда нон сўрамайди, бундай яшашни ўзи учун ор деб билади. Муқаддас, айниқса эри ишсиз юрган пайтларида, ошиқча бир сўз айтишдан чўчийди, эрининг ғурур-номуси шу қадар нозикки, ҳатто сўз эмас, сўзининг оҳанги ҳам, нигоҳ ўзгариши ҳам унинг эътиборидан қочмайди. Бугун қовун кўтариб келди, умуман Зоҳид кўчага чиқса, ҳеч қачон қуруқ қўл билан қайтмайди, пули бўлмаса умуман кўчага қадам босмайди. Муқаддас пулни доим очиқ жойда тутаяди, шунга қарамай, Зоҳид тийинига тегмайди, топса, ўзиникини кўяди. Озода ўзининг фарзанди бўлмаса-да, Лолага қандай қараса, Озодага ҳам шундай қарайди, ҳатто Озодага ошиқчароқ эътибор беради. Озода вояга етиб қолган қиз, оиладаги тотувлик кўп жиҳатдан унинг феълига боғлиқ, агар Зоҳид қизга бепарво бўлса, ўғайлигини таъкидлаган чиқади. Шунинг учун Озоданинг қовони осилса, Зоҳид дарҳол аралашади, чалкашликни баравар бартараф қилишга киришади. Буни сезган Озода ҳам шунга биноан муомала қилади, «дадам нима деркин?», «дадам рози бўлса, майли» қабилида иш тутаяди. Маҳаллада йигит ўспиринлар қизига гап отишмасин деб, Зоҳид ҳар куни Озоданинг йўлига чиқади, уйигача ёнма-ён келади. Овқат пишса, «Озодани кутайлик», ёки бирон нарса харид қилса, «Озодага ёқармикин?» дейди. Озоданинг дугоналари келса, дарҳол дастурхон ёзади, тансиқ нарсалар кўяди. Хуллас, ўз отасидан ҳам аъло рам ейди, албатта Муқаддас буни сезади, ичида шодланади, ҳатто андак ҳасад ҳам қилади, бу ҳасад миннатсиз бўлиб, нимадандир кўнгли тўлмаса-да, тумтаймайди, таннозлик қилмайди, баъзан эрининг яширин ичишини ҳам кўтаради.

Бир куни Озода нимасинидир қидиришга тушди, топа олмай, хуноб бўлди.

— Нимани ахтаряпсан? — деди Муқаддас.

— Э! — дея Озода қўл силтади ва чўнтак-ҳамёнларини титкилашда давом этди.

— Мана бу эмасми? — деди Муқаддас, япалоқ тошни кўрсатиб.

— Вой, сиздамиди?! — дея Озода севиниб кетди ва юлиб олгудек тошни чангаллади.

— Тошга шунча ваҳимами? — деди Муқаддас таажжубланиб.

— Бу тош — талисман, — деди Озода негадир қизариб.

— Қаттан олдинг? — деди Муқаддас қизга разм солиб.

— Менга ирим қилиб... беришди.

— Ким берди?

Озода тутилиб қолди ва ийманиб:

— Алижон, — деди.

Муқаддаснинг юраги шувиллаб кетди.

— Алижон? — деди Муқаддас ўсмоқчилаб. — Ким у?

— Лагеримиздаги фельдшер.

Муқаддас ўзини эпақага солишга уринди.

— Тош ҳақиқатда рамзли экан, — деди Муқаддас, ҳаяжонини босиб. — Кийикка ўхшаган қашқаси бор экан. Кийик бирон нарсанинг нишоними?

— Қайдам, — деди Озода, гап топа олмай. — Эзгуликдир-да.

— Дуруст, — деди Муқаддас, хаёли қочиб. — Эзгулик муборак аломат. — Бу Муқаддаснинг рағбати эди. Гапнинг учини йўқоттиси келмади. — Ҳаммага ҳам бераверишмайди. Ишонган, ихлос қўйган одамга беришди. Тошни нима дединг?

— Талисман.

— Сенга ёқадими?

— Антика-ку, қаранг, — деди Озода, қўлидаги нарсани оқлаш ниятида.

— Рост, — деди Муқаддас, қизининг дилида алланечук шавқ пайдо бўлганини нимага йўйишни билмай, бироқ ўзгариш рўй бергани муқаррар эканига шубҳа қилмади. — Кўнглинг нимагадир чопган бўлса, айб эмас, қизим. Кеча гунча эдинг, очила бошлапсан.

Озода бу гап чинми, самимийми ёки хавфдан ҳимоя қилиш аъмолими? — англамади.

Муқаддас қизининг кўкраги тўлишиб бораётганини кўрганида балоғат фасли бошланганини пайқаган, қизининг сийнабанд таққанини ҳам сезган, бироқ тез-орада бундай ўзгариш содир бўлишини кутмаган эди, саросимага тушиб қолди, лекин кўри-ниш бермади. Онасининг дилида уйғонган ҳаяжонини қизи шу захотиёқ сезди.

— Алижон тоза йигит, — деди қизи. — Самимий. Чиройли. Сиз чиройлиларни яхши кўрасиз-ку.

Йигитнинг ёнини олиши, Озоданинг онасига маъқул қилиш ниятидан Муқаддас тушундики, қизи кўнглига мос кимсани учратибди, буни олқишлаш лозим, шунинг билан бирга ҳиссиётига берилиб, чалиниши, панд ейиши ҳам мумкин. Унинг дилидаги чечакларни пайхон қилмай авайлаш ва сезгирликни йўқотмаслик, кўзи тинмаслигини огоҳлантириш ҳам керак, аммо яширмагани маъқул туюлди.

— Ҳали ёшсан-ку, қизим, — деди Муқаддас ўйчан, ўзи ўн еттига етмай, ишқ дардига грифтор бўлганини, яширганини, шу туйғуси сабабли қанча маломатларга учраганини, севмаган йигитга шоша-пиша узатишганини эслади.

— Бир-икки марта суҳбат қилиш, масала узил-кесил, деган гап эмас-ку, ая, — деди Озода ёзғиргандек. — Ўзи Андижоннинг қишлоғидан экан, бизнинг йигитлардек шилқим эмас, гапиргани ҳам кўрқади. Учрашганимизда қўлимни ушламай саломлашади.

Қизининг гапи Муқаддасга маъқул кўринса-да, «қўлини теккизмади» маъносидаги икромига ишонмади. Ҳамма қизлар шу жиҳатини яширишади. Лагердалигида Алижон билан қизи танишишган бўлса, шу пайтгача «қуруқ гап» билан чекланишадими? Ишониш қийин. Агар ҳақиқатда шундай бўлса, ё қизи йўлатмайди, ё йигит мужмал, журъатсиз. Ахир иккалови ёш, бунақа пайтда уларнинг хаёли ачом-ачом қилишиш, ўпишиш бўлади, нуқул пана-хилват ахтаришади. Сквернинг скамейкаларида қанча йигит-қизлар куппа-кундуз кунлари тап тортмай чирмашишади. Эски шаҳар шароитида бунақа қулайлик йўқ, янги шаҳарда асосан оврупаликлар яшайди, улар бунақа апоқ-чапоқликка эгри қарашмайди, ёшларнинг висол маскани — шу ерлар, кинозаллар ва истироҳат боғлари. Маҳаллий аҳоли кўп деб, Жанггоҳ боғига ҳам киришмайди.

— Алижонни менга кўрсатасанми?

— Унамайди, — деди Озода. — Уялади. Тортинчок, дедим-ку. Дутоналаримдан ҳам қочади.

Озоданинг Алижон ҳақида ботиниб гапириши, маҳалла қизларига хос муғомбир, сохта уятчанлиги йўқлиги, маълум маънода соддадил экани ва энг муҳими — қалбаки кўрқувни писанд қилмаслиги онасига ёқди. Менинг тарбия усулим, ўғитларим, деб ўйлади Муқаддас ва шунинг билан бирга ҳар бир онадек ҳадиксирай бошлади. Муқаддас яна нималардир дегиси келди, лекин айна вазиятга монафқ сўз топа олмай, ўртага қалтислик тушуришдан чўчиди — масала нозик эди. Қизи гўдак эмас, онгли-фаросатли агар орала-рида гап қочса ёки Алижоннинг бирон сўзи фализ кўринса ёки атворида нуқсон пайқаса, ўзи хушёр тортади, иккиланса — айтади, бироқ она эмасми, Муқаддас йигитни кўргиси, гапга солгиси келди, шунда ҳам «бўлади-бўлмайди», «арзийди-арзимамайди», деган гапни айтмайди. Муқаддас суҳбат давомида «... очилибсан», деди, эрта очилмадингмикин? Ҳали деярли ҳаётни кўргани йўқ, севги учрашишдан иборат, деб билапти, бардош бера олмаслиги мумкин. Муқаддас шулар ҳақида гапиргиси келди — аёл билан аёл юзма-юз айтадиган сирлари бўлади — ўзини тийди. Ҳозирги айтганлари ҳам етарли. Муҳими — қизи дилини очди, энди ҳайқилма кўнглидагини айтaveraди. Муқаддаснинг ўзи шу биринчи изҳорини таҳлика билан кутиб юрар эди, ҳозир қониқарли тахлитда ўтдими-йўқми, аниқ билмас эди, яна гап очилишига ният қилди.

Айни шу чоғда Алижон ота-онаси яшаётган ҳовлида Жамила билан гаплашиб ўтирар, тошқўчанинг нариги томонида Озода яшашини билмас, негаки қизни кузатиб келса-да, Хадрадан қайтар эди. Жамила мактабнинг саккизинчи синфига қатнай бошлапти, бир мактабга укаси Қаюмжон билан боришармиш, фақат укаси мактабнинг рус бўлимида ўқир эмиш.

— Қалай, — деди Алижон, — ўрганияпсанми? Мактаб бегонали қилмаяптими?

— Албатта бегона, — деди Жамила, кўнгли тўлмагандек. — лекин савияси баланд кўринадди. Ўқитувчилари ҳам пухта.

— Ўқувчиларичи? Қизлари, масалан?

— Ўғил болалар яхши, пала-партиш, тезда киришиб кетдик, — деди Жамила ийманиб. — Қизлар чет-четдан қарашяпти. Танаффусда синфда қоламан. Мен ҳаққимда нима дейишяпти — билмайман. Синф раҳбаримиз бир қизни ёнимга ўтқазиб қўювди, яна ўз партасига ўтиб олди. Жалил деган бола: «партангда ўтирсам майлими?» деди, мен йўқ дея олмадим.

— Ўтқазма, ўз жойида ўтираверсин, — деди дарҳол Алижон, — тегажоглик қилади. Ёки ўзинг туриб кет.

Жамила акасига разм солиб турди-да, бош ирғади.

— Икки йил олдин қизлар алоҳида синфда ўқишар экан, — деди Жамила бир лаҳза сукут қилиб.

— Ўша яхши эди, — деди Алижон.

— Биз қишлоқда ҳеч қачон алоҳида ўқимаганмиз, фақат парталаримиз алоҳида эди.

— Синфлар етишмас эди-да.

— Бу ернинг болалари цўх экан, дарс пайтида ҳам тинглашмайди. Ўқитувчилар нуқул ўшқирешади.

— Доскага чиқдингми? — сўради Алижон.

— Бир марта, — деди Жамила. — Ўқитувчилар мени аяшяпти чоғи. Чиққанымда бутун синф жимиб қолди. Қанақа жавоб берар экан, деб кутишган экан.

— Қанақа жавоб бердинг? Қайси фандан?

— Тарихдан. Беш қўйди. Иншо ёздик. Нима бўларкан, билмадим. Адабиёт ўқитувчимиз шоирлик ҳам қилар экан. Уйғунни танир экан.

— Ҳамма шоирлар шу ерда-да. Лагерга биттаси борди. Саид Аҳмад. Суҳбат ўтказди.

— У ёзувчи-ку, — деди Жамила, — шоир эмас.

— Биламан, шунинг учун шеър ўқимади. Қулдирди.

Ўчоқ бошида Шамси хола, шипиргини устунга уриб, ўчоқ атрофини шипиришга киришди, Жамила бориб кампир қўлидан шипиргисини олиб, ўзи шипира бошлади.

— Озгина сув сепиб юбор, чанг чиқмасин, — деди Шамси хола ва юмушсиз ўтира олмайдиган кампир яна нималаргадир уннай кетди.

Ичкаридан, дарсини тугатиб, Кенжа Қаюмжон чиқди, пойгак ёнидаги пойдевор тоқчасига ўтирди. Унга ҳеч нарса ёқмас, тажанг кўринар эди.

Бир оздан кейин ичкаридан керишиб Қаюмжон кўринди.

— Аянг келмадимми? — у кран томонга ювиниш учун кета туриб сўради. Ойниса янги квартира олиш масаласида шаҳар ижроқўмига кетган эди.

— Йўқ, — деди ер шипираётган Жамила, қаддини ростлаб.

Ярим соат ўтар-ўтмас Ойниса келди.

— Квартира тегадиган бўлди, — деди у бир томондан қувнаб, иккинчи томондан Шамси хола олдида хижолат тортгандек. — Чилонзордан беришармиш. Учинчи қаватдан экан, кўриб келинг, маъқул бўлса, ордер ёзамиз, дейишди.

— Артели қолар экан-да, — норози оҳангда деди Шамси хола. — Шу баҳона қутулармиканмиз, деб суюнудик, беришмапти-да, аттанг.

Ойниса ҳам, Қаюмжон ҳам ҳовлиларини қайтариб ололмаганлари учун айбдордек мулазам бўлишди, бир-бирларига қараб олишди. Орага жимлик чўқди.

— Майли, маҳалла аёллари ишсиз қолишмайди, — деди Шамси хола, ноқулай вазият туғдирганини фаҳмлаб. — Яқингина. Квартир беришгани ҳам яхши бўлипти, — деди Шамси хола ва ичида зил кетди: бу — мени ҳоли қўясизлар, дегандек ботиши мумкин. Энда ножўя аҳволдан чиқиб олиши керак эди: — ижара қўйсанглар, жон улови, томиб туради. Қишда бизнинг уйлар исиши қийин. Печкаси йўқ. Танча холос. Совуқ пайтлари бир-икки ҳафтага бориб турсанглар ҳам бўлади. Бола борлигини айтаман-да. Унақа квартирга кириб кўрмаганман-у, тор дейишади. Йўлагига икки киши сиғмасмиш.

— Биз ҳам ютоқятганимиз йўқ, хола, — дея Ойниса эрига қараб олди. — Бир ватан-да. Болаларга асқатар. Алижоннинг бўйи чўзилиб қолди. Келин туширсак, тайин жой бор.

Чорпояга суяниб турган Алижон қизариб кетди.

— Унақа квартирга қиз беришмайди, — деди Шамси хола, хира кўзларини четга тикиб.

Ўртага зиллик тушди. Луқмасининг қалтис чиққанини Шамси хола сезмади ҳам, кампир фақат ғамхўрлик қилоқчи бўлган эди.

Қўлида шипирги билан турган Жамила Алижонга нигоҳ ташлади, Алижоннинг назарида — у ниманидир сезар эди.

Алижоннинг хаёли Озодага кетди, дилини алланечук ҳузур чулғади. Қачон Озода ҳақида ота-онасига оғиз очар экан, Алижон билмас, умуман шунақа имкон яралармикин — мавҳум эди. Озодани инжиқ, таманно деб ҳам бўлмайди, хушёр

қиз, аммо «сиркаси сув кўтармайди». Эътиборга арзимаган сўз қаттиқ тегиши мумкин. Зийрак туриш керак. Қайси бир учрашганлирида Алижоннинг вижим рўмолчасини кўриб кайфияти бузилди. Алижоннинг пойафзали чанг бўлса, ёнига ўтирмайди ҳам. Алижоннинг ўзи ҳам покиза йигит, лекин Озода билан танишганидан кейин, кўпроқ ойнага қарайдиган, кийим-кечагига, ҳатто тирноқларига эътибор берадиган бўлиб қолди. Қиз йигитнинг бирон нуқсонидан ҳазар қилса — тамом, уни ййдириб бўлмайди. Шунинг учун доим шай туриши керак. Кеча Алижон учрашувга атир суркаб борувди, Озода нари сурилди. Алижон йўлай ҳам олмайди, силжиса қиз туриб кетиши аниқ эди. Бироқ Озода учун йигитчада нимадир бор бўлиб, у ҳам ораларидан «мушук ўтишини» истамас, ўтган-кетган қизлар булар томонга қараса, кўзлари, албатта Алижонда бўлар, Озода бир оз қизғанар ҳам эди — йигит ҳақиқатда ёқимтой эди.

Москва стоматология институтига қўшимча эълон қабул қилинипти, Алижон газетда ўқиди. Қабул комиссияси Тошкентда эмиш. Алижон бир кўнгли бориб суриштиргиси келди. Агар ҳужжатларини қабул қилишса, ҳаракат қилиб кўради — ўтмайди ҳойнаҳой, ўтса — бошқа гап. Унда ҳам ўйлаб кўриш керак. Қандай Озодани қолдиради, популдек нарса, бошини айлантирадиганлар, албатта чиқади.

Ҳозир кун сайин одамлар яхши яшай бошлашапти, турар жойларини тузатишапти, данғиллама тўй-тантана ўтказишапти, машиналар олишапти. Биронга олифта йигит «Победа» машинасида бир кучоқ гул билан концертга келса, ижросини мақтаса — тамом, Озоданинг кўзи тинади, Алижон билан таққослай бошлайди. Алижон нима, — ҳемирисини йўқ қишлоқи бола, унинг устига узокда, Москвага кетворган, камида беш йил кутиши керак. Ким йўлини пойлайди?

Алижон режасини Озодага айтди.

— Боринг, — деди Озода қатъий. — Ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Москвадан малакали мутахассис бўлиб қайтасиз, — деди. — Илмий иш қиласиз. Бу ерда нима — тиш техниги бўлиб юрасиз. Армияга олиб кетишса, икки йил умрингиз ўтади.

— Сиз-чи? — деди Алижон қизга синовчан тикилиб.

— Йўқ, мен бормайман, шу ердаги консерваторияга кирман, — деди Озода.

— Мен бошқа маънода сўрадим, — деди Алижон сирли тарзда.

— Қайси маънода?

— Кутасизми?

— Кутаман, албатта, — деди Озода ва ҳазил йўлига: — Агар сизни бирон украин қизи илиб кетмаса, — деди.

— Мен нима, буюмманми, илиб кетар экан? — деди Алижон ранжигандек.

— Украин қизлар шўх бўлади, тузоғига илинганингизни билмай қоласиз.

— Мен сизни яхши кўрман, — деди Алижон, негадир ийманиб.

— Биламан, шунинг учун ҳам Москвадан бош товланган.

— Ҳали ўтаманми-йўқми? Рус тилим бўш. Ёзма имтиҳондан қулашим мумкин.

Диктант бўлармиш.Эълонда ёзилган.

— Имтиҳонлар қачон ўтар экан?

— Икки ҳафтадан кейин. Учраш керак.

— Икки ҳафта ичидан анча-мунча тайёрланиш мумкин, — деди Озода. — Бирга шуғулланамиз. Розимисиз?

— Розиман, албатта, — деди Алижон энтикиб. — Қаерда?

— Қаерда бўлар эди? Парқда, скамейкада. Дафтар-қалам бўлса, бас. Аввал бориб билинг-чи, ҳужжатларингизни қабул қилишармикин?

Алижон эртасига оёғи тортмай қабул комиссиясига борди, бироқ у ердагилар йигит техникумнинг стоматология бўлимини битирганини ҳисобга олиб, ҳужжатларини қабул қилишди — аттестацияси бор, ҳеч қанақа малакаси йўқ талабадан кўра Алижон маъқул кўринди чоғи. Ҳатто имтиҳон учун зарур қўлланмалар беришди.

Кўнгли чопмаса-да, Алижон имтиҳонларга тайёрлана бошлади, деярли ҳар куни Озода билан диктант ёзишни машқ қилди...

— Ура, имтиҳондан ўтдик! — деди Озода, уйига қайтгач, ўзига хос бўлмаган скрипка футлярини баланг кўтариб.

— Қанақа имтиҳон? — тушунмай сўради Муқаддас, ҳар эҳтимолга қувонч аломатини билдириб.

— Алижон имтиҳондан ўтди! Энди... — Озода бўлган воқеани онасига гапириб берди.

Муқаддас Лоланинг кийимларини жомга ташлаб, ўтириб қолди, қизининг мамнунлигига қўшилгиси келди, аммо аланечук гулгула дилини сиққандек бўлди — гўё йигит урушга кетаётгандек туюлди. Яна бир кўнгли таскин тошгандек бўлди: йигитча Озоданинг дилида ҳали уйғонмаган ҳисларини кўзгатган, узокроқда юриши маъқулроқ эди. Агар унинг кетишига қизи тарафдор бўлса, янада яхши. Туйғулари асл чиқса, жудо-

ликка чидашса, бу синов бўлади. Муқаддас Алижонни кўргиси келди, қизининг танлови мувофиқми йўқми, ўз кўзи билан кўриб, иқрор бўлгиси келди ва айна пайтда ҳафсала-си пир бўлишдан ҳам чўчиди. Хойнаҳой қишлоқ йигити лутфдан йироқ, тақаллуфи етишмайди, сал-пал йўнилса, чакки бўлмас эди, агар яқинроқ турганида, Муқаддас «сайқал» берар эди. Зора Москва «рандаласа». Бироқ қишлоқ болалари шаҳарликлар каби қув эмас, тортинчоқ, андишали, қайсидир маънода одобли ва маданиятли. Негадир саводли одамларни маданиятли, дейишади. Бир умр китоб варақламаган кишилар, чоллар — қандай ахлоқли, андишали, табиатан маданий, хокисор, камтар бўладилар. Агар Алижон шу фазилатларни ўзига сингдирган бўлса, ҳеч нарса уни буза олмайди. Озода зийрак қиз, назари шунга тушиптими, демак бежиз эмас. Агар олиб кела олса, қандай яхши бўлар эди. «Унамайди», деди Озода. Агар қизи кўндиришга кўзи етмаса, пухта экан-да. Муқаддасда йигитни кўриш иштиёқи шу қадар ошдики, қизи ортидан қорама-қора бориб, яширинча, четдан кўриб келгиси келди. Бироқ бунақа тадбир қалтис туюлди, Озода билиб қолса, тумтаяди, Алижон ҳам эриш олади.

Озоданинг «сирини» Муқаддас ҳалигача эрига очмаган, шунчаки тасодиф, омонат танишув, деб ўйлаган эди. Энди сир тутиб бўлмайди, ҳамма нарса ҳал бўлганда айтса, ранжийди, «мени бегона кўрдинлар», деб дили оғрийди. Зада бўлади.

— Узокроқда бўлишгани дуруст, — деди Зоҳид, хотинининг гапини чурқ этмай эшитиб. — Қадри ошади. Ҳар куни кўришаверишса, ораларидан парда кўтарилади, хаяжон қолмайди.

— Бир кўрсамми девдим, Озода йўлатмаяпти, — деди Муқаддас эрининг гапидан кейин бир қарорга келиб. — Йигит тортинчоқ, дейди.

— Кўрманг, — деди Зоҳид. — Бирон хислати ёқмаса, Озодага айтасиз, совуқлик тушади.

— Нуқсонли бўлса-чи? — деди Муқаддас гумонсираб.

— Нуқсонсиз одам бўлмайди, — деди Зоҳид ўйчан. — Яхши фазилатлари босиб кетади.

Кечга яқин Ойниса кириб келди. Зоҳид боғчадан Лолани олиш ва Озодани кутиш учун чиқиб кетган эди. Муқаддас Ойнисани гилос тагидаги столчага чақирди.

— Чилонзордан квартира тегди, — деди Ойниса суҳбат чоғида.

— Қуллуқ бўлсин, неча хоналик экан? — деди Муқаддас.

— Уч хонали. Троллейбус қўйишипти. Бешёғочдан кетади.

— Энди кўчасизларми?

— Кўчгимиз келмаяпти, — деди Ойниса. — Шамси хола ўкинадилар. Қари нарса, кўзлари ожиз, қаров керак. Кўмасизлар, дейдилар. Чиқиб кетсак, ўкинадилар.

— Квартирага ижара қўясизларми?

— Қайдам, — деди Ойниса. — Алижонга мўлжалловдик, у Москвага кетадиган бўлиб қолди. Ижара қўямиз шекилли.

— Алижон ким?

— Ўғлимиз, — деди Ойниса. — Эримнинг ўғли. Онаси вафот этган.

— Москвада нима қилади?

— Стоматология институтига қўшимча қабул эълон қилишган экан, имтиҳондан ўтишти, денг.

— Вой!

— Ҳм?

— Йўқ, ўзим, — дея, Муқаддас гўлдилади.

Шу пайт учовлашиб Зоҳид, Лола ва Озода кириб келишди.

Ойниса уларни оддин келганларида ҳам кўрган эди, ўрнидан қўзғалиб, саломлашди. Зоҳид стол ёнига ўтирди, Озода билан Лола кийим алмаштириш мақсадида ичкарига кириб кетишди.

Танирмикин, алоқалари борлигини билармикин, деган назар билан Муқаддас Ойнисага тикилди, бироқ унинг рухсорида ҳеч қандай ўзгариш пайқамади. Демак, Алижон бу ҳақда ҳали айтмаган чиқади. Муқаддаснинг юраги тинчигандек бўлди.

— Ойнисахонга квартира тегибди, — деди Муқаддас эрига. — Шунга айтгани чиқибдилар.

— Муборақ бўлсин, — деди Зоҳид, пиёласини дастурхонга қўйиб.

— Раҳмат, — деди Ойниса негадир хижолат тортиб. — Муқаддасхонга раҳмат, йўл-йўриқ кўрсатдилар. Бўлмаса, мулкингиз мусодара бўлган, деб сарсон қилишар эди.

Замира хола лаганда шовла келтириб, ўртага қўйди.

— Олинглар, Озода билан Лола менинг хонамда ейишади, — деди кампир. — Катталар алоҳида бўлгани маъқул.

— Майли, — деди Муқаддас ва яна Ойнисага нигоҳ ташлади.

— Мен жила қолсам бўлариди, — деди Ойниса ийманиб. — Овқатим дам еб ётипти. Болаларим кутишади.

— Бир пас кутишса, ҳеч нарса қилмайди, — деди Муқаддас. — Олинг.

Муқаддас Жамилани ҳам, кенжа Қаюмжонни ҳам кўрган, лекин Алижон ҳам буларнинг фарзанди эканини билмас эди. Демак, Ойнисахон келажак қудаси экан-да. Тақдирнинг йўллари ажойиб.

22

Вокзал гавжум эди — кимлардир кетмоқда, кимлардир қайтмоқда, кеч кира бошлаганига қарамай, ҳаво ҳали иссиқ, баъзилар Москва иқлимини ҳисобга олиб илиқроқ кийинишган, елпинишар, бир-бирининг гапини эшитиб-эшитмай, ҳовлиқиб сўзлашар, аллақандай ҳаяжонли ошиқиш ҳукм сурар эди.

Вагон эшигидан икки-уч қадам нарида дугонаси билан келган Озода Алижонга жим бокиб турар, дугонаси тинмай гапирар, маълум маънода Озода билан Алижоннинг хайрлашишига ҳалал берар, ҳалал берганини ўзи сезмас эди. Буларнинг қайси бири жўнашини ҳеч ким билмас, аммо ойдек иккита қиз билан ёш йигитчани кўриб, бировнинг ҳаваси келар, биров айбловчи назар билан қарар, кимдир опа-ака, деб ўйлар, кўплар парво қилмас эди. Фақат Алижон ўзини ноқулай сезар, одамлар кўзига хижолатланиб қарар, қизлар тезроқ кета қолишини истар эди.

Кўнғироқ чалинди, кетувчи-кузатувчилар шоша-пиша қучоқлашиб-ўпишиб, вагон зиналари томон ошиқишди.

Биринчи бўлиб Алижонга Озоданинг дугонаси Севар қўл узатди, кейин Алижон Озода билан қўл олишишди. Алижон ўпиб хайрлашгиси келди, бироқ Озода томонидан интилиш сезмагач, ўзини тийди — қиз ўсал бўлишини истамади. Озоданинг ҳам, Алижоннинг ҳам қўли хиёл қалтирар, қафтлари нам эди.

Иккинчи кўнғироқ чалинганда ҳам Алижон Озодани бағрига тортишга журъат қила олмади, Озода шуни кутган бўлса-да, ийманди, фақат Алижоннинг тирсагини маҳкам қисиб кўйди, бу қисийда ҳамма аҳд бор эди.

Поезд шовқинсиз жойидан жилди.

— Чопинг! — деди Озода ҳаяжон билан.

Алижон, кўзларида аллақандай интиқ билан икки-уч ҳатлаб, вагон зинасига чиқиб, узоқча қўл чайқаб кетди.

Поезднинг охириги вагони осма кўприк тагидан ўтиб, ғойиб бўлди.

Озоданинг кўзлари намдан йилтирар эди.

— Йиғладингми? — деди Севар, вокзал майдонига чиқа туриб.

— Юр, музқаймоқ еймиз, — деди Озода дугонасининг саволини эшитмагандек.

Озода уйига етиб борганида, қуёш дарахтлар ортига чўккан, ҳовлини соя босган, лекин чироқлар ёқилмаган эди.

23

Шохалил аканинг тавсияси билан Қаюмжонни тамаки артелига экспедитор вазифасига олишди — рад этиша олмади, ҳуқуқий жойини қайтариб бермаслик устига ишга ҳам йўлатмаслик — ноинсофлик эди. Артел маъмурияти маҳалла раисининг илтимосини эътиборсиз қолдира олмас, негаки артелда ишлайдиган аёллар меҳнат шaroитидан биринчи гада раисга шикоят қилишар, Шохалил ака артел раиси билан гаплашиб, камчиликни бартараф этишларини ёзма равишда сўраб, талаб бажарилмаса, шикоятномалар ижрокўм ёки суд муҳокамасига оширилиши мумкин бўлиб, ишқалик чиқиши аниқ эди.

Артелнинг асосий амали — тамаки маҳсулоти, яъни, папирос, сигарет, ҳашоратларни қириш воситаларини ишлаб чиқарувчи фабрикага хом ашё етказиб берувчи муассаса бўлиб, мол Қирғизистон, Тожикистон, ҳатто Доғистон каби Кавказ минтақаларидан келтирилар, Ўзбекистоннинг Ургутда етиштириладиган хом ашёси етарли эмас, баъзида молни ўз вақтида жўнатишмас, экспедиторлар бориб, ишни жадаллаштиришар эди. Шундай вазифа Қаюмжоннинг зиммасига тушди, бинобарин аввалги экспедиторларнинг бири майиб бўлиб ишга чиқа олмаётган эди. Энди у ҳафталаб сафарга кетар, бир Қирғизистоннинг Қизилқиясидан, бир Тожикистоннинг Кўлобидан ва яна аллақайлардан идорасига телефон қоқар, Ойниса эрининг қаерда эканини артел котибидан билиб чиқар эди. Ойнисанинг тайин касби бўлмагани учун, Атиргул кўчасидаги болалар боғчасига кирди, уни ҳам Шохалил ака жойлади. Болалар боғчасининг иш тартиби шунақаки — болалардан олдин бориши, болалардан кейин ишдан кетиши керак, бироқ — яқин, беш минутда ишида бўлади, ҳатто болалар ухлаганида, уйига югуриб келиб, фарзандларидан хабар олиб кетади ҳам. Маоши катта эмас, лекин емиш-ичиш ўша ердан. Икки кун дам. Соат иккидан кейин Жамила мактабдан бўшайди, Қаюмжоннинг дарси эртароқ тугаса, синфида дарс тайёрлаб кутади, кейин икков-

лашиб қайтишади. Икки ой аввал акаси Алижон Москвага кетди, ўша билан бирга ўсишгани учун анча иноқ эди. Алижон вокзалга кузатиб чиқишига ҳам рози бўлмади. Жамила-ку, майли, қиз бола, ҳатто ота-онасига ҳам ижозат бермади, дадаси ранжиди ҳам.

— Қўйинг, истамаяпти, шу ерда хайрлашамиз, — деди Ойниса, ўғлининг бу ўжарлигида ниманидир гумон қилиб. — Ўғил болалар шунақа бўлади, кузатишларини ёқтиришмайди, тортинишади. Ўртоқлари бордир-да.

Жамила ҳам акасининг қанақадир сири борлигини сезган эди.

Бир куни шаҳарнинг уёқ-буёғини кўрсатиш учун Алижон синглисини етаклаб Қизил майдонни, Навоий театрини, Скверни кўрсатган, чарчаб-толиқиб ижара турган уйга олиб кирган, чой ичишган, уй эгаси татар аёл билан таништирган эди. Ўшанда татар аёл: «Озода эсидан чиқариб қолдирипти», деб Алижонга Озоданинг духоба картмончасини берган эди. Озода Алижон билан имтиҳон олдидан машғулот ўтказиш учун бир-икки марта холи жой деб, Алижоннинг ижарасига келган эди. Жамила ўшанда ниманидир сезган, лекин акасидан сўрашга ботина олмаган эди. Вокзалга чиқартирмаганининг сабаби, деб ўйлади Жамила, Озода дегани чиқмоқчи бўлган чоғи, шунинг учун Алижон ота-онасини боришига қарши чиққан.

Жамила ҳанузгача синфидаги биронта қиз билан дўст тутингани йўқ, тошкентлик қизлар ўзларини кибрли тутишмоқда. Жамила эса ўзи ёпишини истамайди, ўзини бепарво, ҳатто эътиборсиз тутади. Лекин қизлар Жамилага чет-четдан тикилишади, хуснига ҳам, ўқишга бўлган лаёқатига ҳам рашк қилишади, талаффуздан кулишади.

— Биронта ўқувчи билан ўртоқ тутиндингми? — сўради бир куни Ойниса, қизи мунгайиб ўтирганини кўриб.

— Йўқ, — деди Жамила. Унинг кўзлари мунгли эди. — Йўлатишмаяпти. Гапирсам, кулишади, ўзлари «ҳ» ни думсиз айтишади. Ҳиндистонни «Хиндистон», Ҳимояни «Химоя» дейишади. Мендан орият қилишади. «...Вотти-вотти», дейишганда, мен кулмайман-ку. «Янги» деган сўзни «енги» дейишади: «рўмол енгими?» Рўмолда енг нима қилади?

— Мени ҳам масхара қилишарди, ҳали ҳам гапирсам, қарашади, — деди Ойниса, қизига тасалли берган бўлиб. — Сен ёшсан, Тошкентча ўрганиб кетасан.

Ойниса қизининг кўнглида Андижонга қайтиб кетиш майли борлигини пайқаб, бу ҳақда сўрамади, сўраса, албатта «кетаман», дер эди. Қолишга кўниктириш керак, энди уларнинг паккаси шу ер, хоҳлайдими-йўқми, бўлак макон йўқ. Энди қарор топишди.

Алижондан хат келди. Дадаси бир неча марталаб ўқиб чиқди, ҳатто кўзига ёш келди. Москвадек шаҳарда фарзанди ўқишини, яшашини Қаюмжон тушида ҳам кўрмаган эди. Ўқишлари бошланипти, ётоқдан жой беришипти. Совуқмиш.

Булар, албатта, бошқа бир одамга ҳам хат келганини билишмас, тасаввур ҳам қилишмас, агар билишганда диллари қанчалар ҳапқирар эди. Бироқ почтачи аёл яна битта шунақа хат рўпарчадаги кўчада яшовчи Муродова Озода номига ҳам келганини айтганида, серрайиб қолишди.

— Ким у? — деди Қаюмжон хотинига, бироқ нега хат Муродова Озода номига келишини Ойниса ҳам билмас эди. Фақат Жамила мийиғида кулди, унинг Алижон ижарасида эшитган лўқмаси аёнлашди. Татар аёл қизнинг номини айтган эди. Энди Жамиланинг гумони тасдиқланди. Жамила бу хабарни негадир ғаш олди.

— Муродова Озода ким? — тинчи бузилиб яна сўради Қаюмжон.

— Муқаддасхоннинг қизи, Озода, — деди Ойниса гангиб. — Лекин...

— Қизи бўлса, Алижон қаёқда-ю, бу Озода деганингиз қаёқда? — деди Қаюмжон таажжубланиб. — Улар умуман бир-бирини кўрмаган, танишмайди. Нега бегона қизга хат ёзади?

— Балки танишар, — деди Ойниса тахмин қилиб. — Фақат бизга айтмаган-да.

— Танишади, — деди Жамила четдан.

— Танишади? — қизининг лўқмаси умуман кутилмаган эди, Қаюмжон эсанкираб қолди. — Қатган биласан?

— Биламан, — дея Жамила бошқа тафсилотга ўтмади: татар аёлнинг гапидан бошқа нарсани Жамила ҳам билмас эди. Фақат тахминини айтди: — Вокзалга чиқамиз деганимизда, Алижон унамади. Бу бежиз эмас эди.

— Нега? — деди Қаюмжон ҳамон чалғиб.

— Нега бўлариди? — деди Ойниса гапни бўлиб. — Қиз кузатмоқчи бўлгандир-да, биздан Алижон орият қилган. Шунақами? — дея, Ойниса қизига қаради.

— Шунақа, — деди Жамила.

— Муқаддасхондан сўраш керак, — деди Қаюмжон ҳушига кела бошлаб, — нималар ёзганин?

— Хат қизига келган бўлса, онаси билмаслиги ҳам мумкин, — деди Ойниса.

— Уйига келган хатдан бехабар қолмайди-ку.

— Муқаддасхон маданиятли аёл, — деди Ойниса, мулоҳаза қилиб. — Қизининг номига келган хатни очмайди.

— Очмаса, ахир сўраши керак-ку, — деди Қаюмжон қизишиб. — Кимдан хат келди? Ким ўзи? Нега сенга хат ёзади? деб. Қизи-ку, суриштиришга ҳаққи бор.

— Суриштиргандир, биз қаттан биламиз, — деди Ойниса вазминлик билан.

— Астофирилло, — деди Қаюмжон алланечук саросимадан холи бўла олмай. — Энди уларга қайси кўз билан қараймиз? Иснод-ку.

— Нега иснод бўларкан? — эрининг гапи Ойнисага тегиб кетди. — Биз уларни бир-бирига боғлаб қўйиппизми? Кўча-қўйда танишишган бўлса бордир. Ўғлимиз тўнка эмас-ку, қамчидек.

Онаси ўгай бўла туриб Алижонни мақтагани Жамилага ёқиб кетди, ичида «қойил», деб қўйди.

Хотинининг таърифи эрига ҳам маъқул тушди. Агар ўғлимиз шундай хонадон қизини илинтирган бўлса, қойил, деб ўйлади Қаюмжон фахрланиб.

— Одам барибир хижолат чекади-да, — деди Қаюмжон, ўзини андак ноқулай сезиб. — Шунча ёрдами тегди Муқаддасхоннинг. Яхшиликка ёмонлик бўлиб кўринмасмикин? Онаси ғаш олмасмикин?

— Муқаддасхон чайқовчи аёл эмас, тушунади, — деди Ойниса энди Муқаддаснинг ёнини олиб. — Қизининг кўнглига қарайди.

— Кошкийди, — деди Қаюмжон бирон қарорга кела олмай. — Тумтаймаса бўлгани.

— Алижон Москвада, қиз бу ерда, — деди Ойниса. — Ҳали нима бор, нима йўқ, худо билади. Агар тенги чиқса, онаси қизини бир ёқди қилади, узатади-қўяди. Сиз ҳам қутиласиз.

— Мен нима, кўзкўрмас бўлишсин деяпманми, қутиласиз дейсан, — деди Қаюмжон ёзғириб. — Муқаддасхон ўғлимизни кўрган бўлса, хиппа ёпишгандир. Алижон ахлоқли бола, Москвадан ўқиб келса, ошиги олчи, ким мунақа куёвдан бўйин товлайди. Қизи ҳам анойи эмас, кимга қармоқ ташлашни билипти.

— Унақа деманг, улар «қармоқ-пармоқ» деган нарсалардан ҳазар қилишади, — деди Ойниса ижирганиб. — Алижондака йигитлар Тошкентда мингта.

— Шуни айтаман-да, — деди Қаюмжон ҳасрат қилгандек. — Келиб-келиб қизининг кўзи бизнинг боламизга тушгани ғалати.

Ота-онасининг мунозараси Жамилага мароқли туюлар, қиз ичида акаси учун гурурланар, акаси кўзига ҳавас қилса арзийдигандек кўринар эди. Жамила даҳлизда дарс тайёрлаб ўтирган укаси томон кетди. Бир оз унга қарашиб бўлгач, ичкарига кирди — у ерда бемор Шамси хола ётар, кўзи юмук, бармоқлари тасбеҳ ўтирар эди. Жамила тоқчадаги доридан бир донасини олиб:

— Ойи, дори ичиб олинг, — деди. Кампир садо бермади. — Ойи, — деди Жамила овозини баландроқ кўтариб. Шамси хола аранг кўзини очди, яна юмиб олди. — Дори ичинг, мана.

Кампир тамшанди, кўзини очмади.

Жамила ташқарига чиқди. Оқшом туша бошлаган, онаси ўчоқ бошида сабзи арчар, дадаси пальтосини чўткалар эди.

— Ая, — деди Жамила онасига яқинлашиб, — ойимга қаранг, дорини ҳам ичира олмадим.

— Вой шўрим, — дея Ойниса ичкарига ошиқди.

Тасбеҳ шолчада ётар, кампирнинг кўли тўшак четидан осилиб қолган эди.

Шамси холанинг жасадини келаси кун пешинга чиқарадиган бўлишди. Бир тўда бўлиб кампирнинг қизи, куёви ва неваралари келишди, йиғи кўтарилди. Бир ҳафта аввал қизи кўргани келганида, Шамси хола тетик эди, ҳатто нималардир ҳақида қизи билан гаплашишган ҳам эди. Мана, дафн ҳам ўтди. Майда маърака-маросимларини ўтказишди, энди энг мушкул тадбир — йигирмаси қолган эди. Икки юз-уч юз кишига дастурхон ёзиш, ош бериш керак. Бу ернинг удуми шунақа. Камида эллик кило гуруч дамланади, шунча гўшт-ёғ кетади, беш юздан зиёд нон ёптирилади, қанча чой, мева керак. Бунақа сарф-харажати Ойниса билан Қаюмжон кўтара олмайдилар. Умид тиллақошдан. Шохалил ака билан маслаҳат қилиш лозим, маҳаллада ўзига тўқ хонадон олиши мумкин. Агар пул қолса, Чилонзордаги уйга ҳам жиҳоз олиш керак, квартира шипшийдам турипти, ёйма кароватдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Энди у — иккинчи масала. Қаюмжон ишлаяпти, Ойниса ҳам маош олади, амадлаб-самаллаб ул-бул нарса олишга қурблари етар. Ҳозир йигирмалик маъракани ўтказиш керак.

— Оддин заргарга кўрсатинг, — деди Шохалил ака, — ё ўзи олади ёки баҳосини айтади. Харидор топиш қийин эмас.

Харидор ҳақиқатда топилди, тиллақош сотилди. Маблағ Шамси хола маъракасига етиб берди. Ҳатто анчагинаси қолди ҳам. Марҳумани куёви битта қўй етаклаб келди, артел бир қоп ун берди, Муқаддасниқидан икки қути ширинлик чиқди. Ойниса фақат

гуруч, ёғ, сабзи ва чой харид қилди. Маҳалла аҳил, қолган хизматларни — дошқозон, лаган-дастурхон, чойнак-пиёла келтиришни ёшлар адо этишди. Маъракага тумонат одам келди, икки соат ичида маросим тугади.

— Сизлар бу жойда тураверинглар, — деди кампирнинг қизи тадбирлар тугагач. — Ойимнинг васияти шунақа. Биз бу уйга муҳтож эмасмиз, қарай ҳам олмаймиз. Униб-кўпайиб яшайверинглар.

— Тиллақошдан бир оз қолди, жойни сиздан сотиб олақолайлик-да, — деди Ойниса хижолатда.

— Жой сизники, — деди кампирнинг қизи, — чироғини ёқиб ўтирсангиз кифоя.

Қишлоқдалигида Ойниса ҳам, Қаюмжон ҳам тайин ишсиз гангиб қолишган, ўз юртига сиға олишмаганидан ранжишган, қисматларидан нолишган эди, энди тақдирнинг марҳамати билан жойлик ҳам бўлишди, ишга жойлашишди, ҳатто Тошкентдек азим шаҳарда яшашпти, худо буларга Шамси хола, Муқаддасхон, Шохалил акадек муруватли одамларни етказди: ўз ҳовлисини ундира олишмай, бир ёт кампирнинг ҳовлисига эга бўлишди — Шамси холага раҳмат. Муқаддасхон тиллақошни қайтариб берди, Шохалил ака эр-хотинни ишга жойлади, органлар текширишмади ҳам. Алижон Москвада институтга кирди. Жамила билан Қаюмжон ўқишяпти — яна нима керак? Уқубат ва танқисликка одатланган Ойнисага ҳам, Қаюмжонга ҳам эндиги ҳаёти тушга ўхшар, бу осойишталикка улар ўзларини нолийқ сезишар, йиманишар эди. Шаҳарнинг четида бўлса-да, уч хонали уй теғди, иссиқ-совуқ суви, гази, электри, ҳатто телефони бор. Қаюмжоннинг яраланган оёғи ўқтин-ўқтин сирқирайди, ўша квартирада яшаса, балки оғриқ у қадар азоб бермас, ўйлайди Ойниса. Бироқ энди бегона мактабга ўргана бошлаган кенжа Қаюмжон, Жамила учун яна бўлак мактабга қатнаш сургун билан баробар эди, улар зинҳор кўнишмайди.

Шунга қарамай Ойниса секин-аста Чилонзордаги уйни жиҳозлай бошлади. Биринчи гада каравотлар олди, кейин стол-стул, шкаф, дарпарда, абажур харид қилди, хонадон очилди-қолди. Шундай ошённи ижарага топширишга Ойнисани кўзи қиймади. Бироқ ҳафталаб қулфлоглиқ туриши ҳам ярамайди, участкадан инспектор келиб текширса, ишқаллик чиқади. Лекин оилани иккига бўлиб ҳам бўлмайди — Ойниса билан Қаюмжон бу квартирага ўтишса, ўз болаларини рад қилгандек бўлиб чиқишади. Ҳайҳотдек ҳовлида икки норасида қандай яшайди? Бир жойда муқим бўлиш керак, барака кетмайди. Қиш кунлари Қаюмжон ўша уйга бориб туради. Фақат бу ҳовлидаги уйга голланд печкаси ўрнатиш керак. Баъзилар уйларига суюқ газ туширишипти, яъни балонли ёқилғи, гугурт тутсанг ёнади — тутуни ҳам, иси-дуди ҳам йўқ. Ойниса Муқаддасхонникида кўрувди, кўм-кўк ёнади, жон роҳати. Голланд печкага кўмир олиш керак холос. Аммо сув масаласи чатоқ, ҳали ҳам ҳовуздан сув ташишади, ариқ сувини тиндириб ичишади. Артелга қувур ўтказишган, Шохалил уларга айтса, балки сув беришар.

Шу каби ноқулайликлари бўлишига қарамай, бу ерда яшаш Ойнисага маъқулроқ эди: ишхона яқин, Шохалил ака, Муқаддасхон каби зийрак ҳаммаҳаллалари бор, қўшнилари ҳам бинойи, биронта маросим бўлса, қараб туришмайди, қўлдан ишни олишади, югур-егимми, қозон қуришми, ўтин ёришми, сув ташишми — зипилаб бажаришади. Ҳар бири ўз юмушини билади: кимдир чойга қарайди, кимдир нонвойга югуради, яна кимдир мулозатматга туради. Ишлар ўз-ўзидан бўлгандек туюлади, ҳамма нарса ими-жимиди, худди машшоқлар туркумидек бирдам, ҳамжихат адо этилади.

Муқаддас Ойниса ўтказган ҳамма маросимда ёнма-ён туриб қатнашди. Иккала аёлнинг кўнглида Алижонга алоқадор гап бор бўлса-да, лом-мим дейишмади, сир сақлашди, бир-бирини билмайди, деб ўйлашди. Хат келиб туришини Муқаддас Ойнисага айтмади. Бир кунмас-бир кун барибир сир очилади, лекин ҳодиса қанча иштиёқ кўзғамасин, ҳозир сабр қилишни маъқул кўришди. Подадан олдин чанг кўтариш бехуда кўринди.

Алижон Озодага ёзган хатида: «Ота-онангиз орамиздаги муносабатни билишади-ми?» деб ёзипти. Ҳар ўн кунда мунтазам хат келиб туради-ю, билишмайдими? Биринчи хат келгандаёқ билишган. Муқаддас: «Хат кимдан?» деганида Озода яширмай: «Алижондан», деган. Яшириб ҳам нима қилар эди, йигит имтиҳонлардан ўтгандан кейин, Озода ирғишлаб келган, олдин ҳам Алижон ҳақида гап очилган, бу гал Озода хатнинг Алижондан келганидан бўлак нарса айтмади, бироқ қизининг тегик юришидан хатга қувнагани маълум бўлди. Муқаддас гап қўзғамади. Агар муносиб кўрса, Озодининг ўзи сўз очади. Ўтган кун Озода шаъм ёқиб, анча ойна олдида ўзининг аксига тикилиб ўтирди. Нега унақа қилди? Скрипкасини ҳам кўлига олмади. Бирон ўзгариш рўй бердимикин? Эркин оилада тарбия кўрган қизларнинг феъли ҳам эркин бўлади, ифқати покмикин? Озода Алижоннинг уйига борганини, Алижон билан машғулот ўтказганини онасига айтган эди. Нима мақсадда Озода шуни айтди экан, индамай кўяверса, борганини ким билар эди. Лекин айтди. Бу бирон нарсанинг шамаси эмасми? Ҳисга тўла икки ёш хонада ёлғиз қолишади-ю, ҳеч нарса бўлмай қоладими? Бир-

бирларига суйкалишгани, ўпишишгани шубҳасиз, ammo шу билан чеклана олишдимикин? Агар йигит аҳду паймон қилган бўлса, қизининг кўзи тингандир. Бунақа пайтда кўзга ҳеч нарса кўринмай кетади.

Йигит беш йиллик ўқишга кетиш олдидан, бошқа биров тумшугини суқмасин, деб, нонни тишлагандек, чўқиб кўйгандир. Энди тамғаланган қиз кутмай нима қилади, албатта кутади. Лекин узоқ муддатта кетаётган йигит бу йўсинда иш тутиши — хиёнат-ку. Қизнинг бўйида бўлиб қолса, қандай кўз очиб юради? Ҳомиласини яшириш учун бирон ақушерга чопади ёки ўзини нобуд қилиб қўяди. Қорнини қаппайтириб юрмайди-ку.

Муқаддас ўз хаёлидан шунча гумонларни ўтказиб, ўзи ҳам ишона бошлади. Ҳомила бўлмагандир ҳам, бир-икки гада ҳомила орттириш эҳтимоли оз, лекин номуси... Муқаддас қизи билан гаплашиб кўришга қанча шайланмасин, нимадир уни тўхтатар, иснод қилар, тили бормас эди. Алижоннинг Москвага кетганига ярим йил тўлай деб қолди, Озоданинг вужудида ўзгариш сезилмади. Балки Муқаддаснинг гумонлари беҳудадир? Агар шу гумонларни айтса, қизи ранжиши мумкин — орага совуқлик тушади. Титкиламагани маъқул.

24

Қирғизистондан келадиган тамаки хомашёси охирги пайтда сустлашиб қолди. Қаюмжон Қизилқияга бориб келишга отланди, Жамила дадасига эргашди. Таътил кунлари бўлгани учун онаси ҳам эътироз билдирмади. Қаюмжон барибир қишлоғига ўтмай келмайди, Жамилани Фаизовларга қолдириб, қайтишида қизини олиб келиши мумкин — рози бўлди. Ота-бола поездга чиқишди, эрталаб Андижонга етиб боришди. Қаюмжон Жамилага совға-салом харид қилиб бериб, автобусда қишлоғига жўнатди, ўзи ўшга йўл олди, «икки кундан кейин бораман», деди.

Жамила ҳовлисига кириб борганида Фаизов домла қишга бостирилган анжир шохларини очар, Земфира хоним тикув машинасини айлантитар, Зарема кўринмас эди, лекин биринчи бўлиб ўшанинг «Жамила!» деган қийқириви эшитилди. Зарема ювилган нарсаларни арқонга осаётган эди, чойшаблар орасидан чиқиб, Жамила томон отилди. Жамиланинг келишини кутмаган Фаизов домла ҳам, Земфира хоним ҳам анқайиб қолишди.

— Жамила келди! — дея, кичқирди Зарема, Жамилани кучоғидан қўйиб юбормай.

Фаизов домла билан Земфира хоним ҳушига келиб, қизнинг истиқболига ошиқишди. Бир зумда бир тўда бўлиб кучоқлашишди, Земфира хонимнинг кўзида ёш милтиллади. Жамила ҳам — севинчданми, соғинчданми — ўзини тутта олмай, йиғлаб юборди, юзи кулар, кўзлари йиғлар эди. Зарема ҳам ёшини тўхтата олмади. Ҳатто Фаизов домланинг ҳам кўнгли бўшашиб кетди, четга қараб, бурнини чимдиди.

Оила жамоа-жам бўлгандек бўлди. Улар хат орқали бир-бирлари ҳаётдан хабардор бўлсалар-да, яна анча-мунча нарсаларни сўраб-суриштирилари келди. Бу ердагилар-ку ўша-ўша, деярли ўзгаришсиз кун ўтказишар, лекин Тошкентдек азим шаҳарда Ойниса билан Қаюмжоннинг оила турмуши қандай кечаётганини билиш қизиқтирар эди. Жамила ҳаммасини сўзлаб берди, ҳатто шаҳар шароитига, мактаб дутоналарига ўрганиши қийин кечаётганигача айтди.

— Тошкент катта шаҳар, кўлами ҳам бошқача, — деди Фаизов домла Жамиланинг гапларидан кейин. — Маданий ҳаёт жўш уриши табиий. Бу ер ўрадек жой, радиодан бошқа ҳеч вақо йўқ. Эшитиб кўникамиз. Бориб келишга ҳам ижозат беришмайди. — Фаизов домла ҳеч қачон нолимас эди.

— Сургундамиз-да, — деди Земфира хоним.

Бошқа ҳаёт тарзини кўрмаган Заремага «сургун» сўзи тушунарсиз туюлди, фақат Жамиланинг янгича яшашига ҳаваси келди.

Зарема теварак-атрофда турадиган синфдош дутоналарига Жамила келгани ҳақида хабар бериб чиқди. Бири асал, бири қаймоқ, қайси бири сомса, яна бири лағанда палов ва шу каби тансиқ нарсалар билан кела бошлашди. Орқада жой тузатишди. Иккита-учта ўспирин ўқувчилар ҳам ийманиб келишди. Йигитчалар хизматга туришди — чойга қарашди, ўчоққа уннашди, бири рубоб чалди, ўтириш базмга айланиб кетди. Ачахон лапар айтди, қизлар рақсга тушишди — ҳамма қувнади. Фаизов домла билан Земфира хоним четдан бахтли нигоҳ билан тикилишди.

Жамилани ҳам ўйинга тортишди. Рубоб чалаётган йигитча эшилиб ўйнаётган Жамиланинг хиромон қоматидан кўзини олмас, олдинлари ҳам Жамилага бошқача қарар, Жамила бунни сезиб келар, дили алланечук бўлиб кетар эди.

Ёшлар учун Фаизовлар ҳовлиси қулай жой эди, ҳар қанча ирғишлашсин, базму таралла қилишсин, айбга саналмаслиги аниқ эди. Лекин бунақа шодиёна биронта бўлак хонадонда кечинини тасаввур ҳам қилишмас эди — йигитлар аралаш қизлар билан бу каби хордак чиқариш ҳаёсизликка йўйлар эди. Жамила келиб, шундай хушчақчақликка сабаб бўлганидан ҳамма дутоналари беҳад мамнунлик сезишди.

— Шунақа келиб туринг! — деди Жамилага дугоналаридан бири. — Сиз баҳона биз ҳам ёзилайлик. Бу ерда тишингни кўрсатсанг, манжлақига чиқаришади. Кўкракни ҳам танғиб юрамиз.

Бундай «ҳавойи шўхлик» балоғат белгиси бўлиб, мактабдаги байрам муносабати билан уюштириладиган кечаларни ҳисобга олмаганда, дастлабки эди, ўнинчи синфни битириш бўёвасида турган ёшларга, айтиқса қизлар учун илат бўлиб талқин қилиниши эҳтимол эди. Агар бу кунги белиска сурон хабари қишлоққа тарқаса, қизлар «пуф-сассиққа» чиқишлари тайин, «жаёсизлар» эшигини совчи тақиллатиб келмаслиги мумкин эди. Земфира хоним ҳам, Фаизов домла ҳам андак талвасага туша бошлашди. Қанча пайтлардан буён шодон қийқириқ эшитилмай қолган ҳовлида бу каби завқ-шавқ бўлиши бир томондан кўнгилли туюлар, иккинчи томондан уй эгалари ёшларни йўлдан оздирган ва бунинг оқибатида уларнинг тақдирига панд етказган бўлиб чиқар эдилар. Шунинг учун улар базм тезроқ туташини хоҳлар эдилар. Фаизовлар оиласи илғор ҳисобланса-да, биронта «анъаналар посбони» керакли идораларга расмий хат йўлласса — тамом: Фаизовларнинг усиз ҳам омонат турмуши бузилади, зиғирдек ҳуқуқдан ҳам маҳрум бўлишади. Имкони чекланган хонадон учун бундай маломат офат билан тенг. Фаизов кўрққан айбнома — тус бериш эди. Фаизов каби ночор одам қандай олижаноб иш қилмасин, кимгадир ёқмаса, ёшларни маънавий бузишга қаратилган «ахлоқий диверсия» деган ваз билан истаган чора қўллашлари мумкин. Унда ишдан четлатиш, огоҳлантириш, танбеҳ беришдек тадбирлар жуда юмшоқ кўринади, бузғунчи бола-чақаси билан баттар синовларга маҳқум қилинади. Фараз, гумон усуллари табиий ҳисобланган жамият далилга муҳтож эмас, ёқмаса - бас, айбнома топилаверади. Ҳатто тўғрима-тўғри радио эшитишни ҳам, керакли тус-тамга бериб, хиёнатга талқинлаш мумкин. «Нега ҳаддан зиёд диққат билан синчиклаб эшитяпсиз?» деган даъво етарли, айбланувчи қандай далил келтирмасин — эътиборга олинмайди.

Земфира хоним эрини туртди: кўшни деворида бир тўда болалар ўтиришар, чапак чалишар эди. Фаизов домланинг ҳаёли ариди. Зарема билан Жамила ўртада ўйнашмоқ-да эди. Фаизов домла қизининг ўзбекча рақсини биринчи марта кўриши эди. Зарема ўзбек қизларидан қолишмай ўйнар, нозу карашмалари ҳам айнан ўзбек рақсларига монанд яширин ҳисларга, дардли ишораларга тўла эди. Қизи балоғат ёшига қадам қўйганини, етилганини Фаизов домла англади. Ҳам севинди, ҳам ўйга толди. Ярим йилдан сўнг мактабни битиради, гувоҳнома олади, кейин нима қилади? Тошкент у ёқда турсин, Андижонга боришга ҳам ордандан рухсат олиши керак. Қаерда ўқийди? Ўрта мактаб гувоҳномаси билан қолаверадими? Турмуш курси, бола-чақасига ўралашиб қолади, бир қадам нарига жила олмайди. Куёви ким бўлади? Қримлик оилалар кўп, йигитлар ҳам бор, ҳатто бир нечтаси Фаизовнинг қўлида ўқийди, иккита-учта қримлик йигит Зареманинг синфдоши, ўз урф-одатларини, тилини сақласа-да, ўзбекчани она тилидек билишади. Рус мактаби бўлмагани учун рус, татар, тожик, қирғиз болалари каби ўзбек мактабиде ўқишади. Буларнинг ичида фақат қримликлар уёқ-буёққа бориб ўқишни давом эттириш ҳуқуқидан маҳрумлар. Демак Зарема биронта ўзбекнинг ёки қримликнинг ўғлига тегади, амбулаториядами, болалар боғчасидами ёки колхоз правленисида ишлайди, шу билан умри ўтади. Келажаги хира. Ягона қизининг қисмати Фаизов домланинг анчадан бери ташвишга солиб келар, отаси ночорликдан сиқилар, бироқ замон ўзгариб бораётганини кўриб, нимагадир умид боғлаб келар эди. Энди муаммо аниқ кўрина бошлади. Нимадир қилиш керак, қизини қишлоқ шароитидан суғуриб, қаёққадир ўқишга юбориши шарт. Аммо бу тадбирни қандай амалга ошириб бўлади? Муңдоқ олиб қараганда, қримликлар, кавказдан сургун қилинган месхетлар-турклар ўқимасин, деган фармон ҳам йўқ. Расмий жиҳатдан ўқишни давом эттириш учун ижозат бор, лекин ҳеч ким у ҳужжатни кўрган эмас — демак, амалда рад дегани. Бироқ расмий ташкилотларга бориб суршитирса, райком секретарига илтимоснома ёзса, улар йўқ дейиша олмайди, расмий аризага расман жавоб беришга мажбур бўлишади. Мажбур бўлишади-ку, лекин ҳар хил ваз-баҳоналар топишади, зиммаларига масъулият олишдан қочишади.

Жамила кетгач, Зарема сездирмасликка уринса-да, паришон бўлиб қолди. Қилган иши қўлдан тушар, қиз китобга тикилса, кўзи бир нуқтадан жилмас, шубҳасиз — тақдирини ўйлар, отаси билан ҳам, онаси билан ҳам кам гаплашар, нариги ҳовлидан бери келмас, танҳо ўзи нима билан машғул эканини ҳеч ким билмас эди.

Зарема етилиб борар, ота-онаси қизининг тақдири ҳақида бош қотиришлари зарур эди. Аммо уларнинг қўлидан нима келади — ўзларининг ҳуқуқи чекланган, қатъийроқ талаб қилишдан ҳайиқишар, даъво қилишса, ҳаммалари панд ейиши эҳтимол эди.

— Ё тегишли идорадан ижозат олиш керак, — деди Земфира хоним, бу гапни аввалдан ўйлаб қўйгандек, — ёки, ўзбекми, тожикми, биронтасига узатиш керак. Расмий никоҳдан ўтишса, Зарема хотин сифатида бравар ҳуқуққа тенг бўлади.

Фаизов домлага бунақа маслаҳат фалати туюлди, тўғри, Зарема хушсурат қиз, бунақа

зотга етишиш ҳар қандай йигит учун бахт, омад. Қанча пинҳон хуштор бўлиб юрганлар, шак-шубҳасиз бордир. Бўлганида ҳам вазият ўзгаришига кўз етмайди. Аввало, бу ерлик йигитлар қишлоқдан нари кетиб кун кўришига юраги дов бермайди: қишлоқ советидами, колхоз правлениесидами, йўл қурилиш участкасидами ишлашдан бўлак ниятлари ҳам йўқ. Битта-иккитаси Андижон ёки Тошкент институтларининг бирига илинишлари мумкин холос. Унақалар ҳозир уйланишмайди. Уйланса ҳам, ким хотинини бошқа шаҳарга юборишга рози бўлади? Қолаверса, Зарема унақа йигитга тегишни истайдими? Ўзбек оиласига келин бўлиб тушиш чўриликни зиммасига олиш, деган гап. Фаизов ўз кўзи билан кўриб келяпти: молга қараш, қозон-товоқни эплаш, колхоз даласига чиқиб ягана-чопиқ қилиш, чурвақаларни боқиш — ҳаммаси келинга қолган. Ҳеч қанақа аттестат ёрдам бермайди. Шуниси ачинарлики, биронта келин шу одатга қарши чиқмайди. Қисмати шу эканини ҳамма билади, билиб тегади. Зарема ўшанақалардан бири бўладими? Қандай кўникади, чидайди? Ахир қиз мутлақо бошқа шароитда ўсди, бировга чўри бўла олмайди. Кримликлар оиласида шароит бошқача. Албатта, у ерда ҳам келиннинг маълум масъулияти бор, қўлтигини қашлаб ўтирмайди. Лекин ўзбек оиласичалик эмас. Чопиққа чиқишга келин ҳеч қачон унамайди. Уйдагилари ҳам мажбур қилмайди. Келин анча эркин. Бироқ бу ҳам қафас эркинлиги. Бошқа шаҳарга ўқиш учун бора олмайди-ку. Дод-фарёд қилса, ўша жичча ҳуқуқни ҳам тортиб олишади.

Қаюмжон Қизилқиядан қайта туриб, Фаизовларникига кўниб ўтди. Жамилани олиб кетиши ҳам, Фаизовлардан ҳол-аҳвол сўраши ҳам керак эди. Сухбат чоғида Фаизов дилини ўртаб келаётган ташвишлари ҳақида Қаюмжонга оғиз очди.

— Юнус ака, — деди Қаюмжон, ҳамма чораларни чамалаб чиққач, — битта мулоҳаза бор. Агар эриш туюлмаса, айтаман.

Фаизов домланинг юраги шувиллаб кетди — «эриш» дегани нимаси экан? Талвасага тушди, бироқ сир бой бермади.

— Қани, эшитайлик-чи, — деди Фаизов домла, ўзини вазмин тутиб.

— Мен бошқа олжони кўрмайман, — деди Қаюмжон ва гапни узоқдан бошлагиси келмай: — биз Ойниса билан қизингизни ўз қарамоғимизга олсак, — деди. — Кўнглингизга ботмасин. Бу шунчаки ниқоб. Кўзбўямачилик. Расмий тус. Ҳужжат олсак, Тошкентга олиб кетардим. Жамила билан бир квартирада туришаварар эди. Чилонзордан уй тегди. Уч хонали. Ҳамма шароити муҳайё. Институтга киришга ҳам уриниб кўришар эди. Бир тахмин-да, Юнус ака. Зарема сизникилигича қолаверади. Номига бизнинг қарамоғимизда ҳисобланади. Асранди. Эшитишга хунук-ку, лекин бошқа атамаси йўқ. Земфира хоним билан гаплашиб кўринг, маъқул кўринса, мен Тошкентга бориб, Муқаддасхон деган жувондан консультация оламан. Жамила билан Зарема — опа-сингил. Иккалови хурсандлигидан ирғишлашади. Қаранг, қандай бир-бири билан иноқ. Қил ўтмайди.

Фаизов домла нималардир ҳақида пичирлаб гаплашишаётган икки қизга қаради. Шунча бош қотириб, эр-хотин бунақа ечимга келиша олмовди. Сал ғализ кўринса-да, Қаюмжоннинг маслаҳатида мангик бор эди. Албатта ўйлаб кўриши, хотинига тушунтириши лозим. Агар у унагиси келмаса, ёпиқ қозон ёпиқлигича қолаверади. Ҳозирча бу режани Заремага ҳам очиш керак эмас. Уни умидвор қилиб кўйиб, кейин орқага чекинишса, дили оғрийди. Эр-хотиннинг маслаҳати бир ечимга тўхтагач, Зареманинг розилигини, албатта сўрашга тўғри келади. Балки «асранди» бўлишни у хоҳламас, ранжир. Балки, аксинча қувонар. Фақат ўз қарамоғига олиш сабабларини қониқарли равишда исботлаш зарур. «Нега ота-онаси тирик бўла туриб, асраб олишга қарор қилдингиз?» дейишса, Қаюмжон нима важ келтиради? Ота-онаси боласига қарай олмайдиган аҳволда эмас, қари бўлишганда ҳам бошқа гап эди. Тўғри, Юнус Фаизов урушда қатнашган, ўқ еган, кантузия бўлган, ҳужжатлари бор: онаси Земфира хоним касалманд, астма, нафас олишга қийналади. Фаизовнинг далиллари ўзига суст кўринди. Агар ота-она ёрдамга муҳтож бўлса, қизи қарамай ким қарайди? Нега бўйига етган, кўлидан иш келадиган қизни бировнинг қарамоғига ўтказиши керак? Мангик қониқарсиз, бўш. Ҳеч ким ишонмайди. Бунинг тагида бир муддао бор, деб ўйлашади. Майли, Қаюмжон Тошкентга бориб суриштирсин-чи, балки бирон тутуруқли маслаҳат чиқиб қолар.

Фаизов домла шу режани хотинига айтувди, Земфира хоним донг қотиб қолди.

— Битта-ю битта қизимиз, — деди у талвасада, — бировнинг қарамоғига берамизми? Асранди бўладими?

Земфира хоним ўзини тута олмай йиғлаб юборди.

— Номига, дедим-ку. Расмият учун, — деди Фаизов домла сал туютиб. — Ўзимиз чорасини топа олмадик-ку. Қаюмжон яхшилиқ қилмоқчи-да. Ҳатто квартирасига пропискадан ўтказмоқчи. Зарема институтга кира олса, Жамила билан ўша уйда яшар эмиш. Уддасидан чиқадими, йўқми — ҳали номаълум. Қизимиз ҳам имтиҳонлардан қандай ўтарикин? Йиқилса, қайтиб келар. Тошкент пропискаси бўлса, нимаси ёмон? Бизга ўхшаб иписиз боғланиб ўтирмайди. Қизингнинг бахтига завол бўлиб нима қиласан?

Земфира хоним йиғидан тўхтаб, фаросат қила бошлади.

— Заремага айтмай тур, — деди Фаизов домла хотинини кўндира олганидан мамнун бўлиб. — Масала бир ёқлик бўлсин. Балки умуман айтишга ҳожат қолмас — агар ҳал бўлмаса. Кейин пешонасига тушганини қилади. Узатасанми, ёнингда олиб қоласанми — ўзингнинг ишинг. Чеварлик қилади. Артелда ишлайди. Жойи чиқса тегади. Фарзандларини боқамиз.

Икки ҳафтадан кейин Қаюмжондан хат келди. Хатнинг мазмунидан аён бўлишича, Қаюмжон керакли маълумотлар олибди: Зарема ўрта мактабни битиргани ҳақида олган аттестати билан Ички Ишлар Бўлимига бориб, ўқишни давом эттириш учун огоҳнома топширса кифоя, ўқиш ман қилинади, деган ҳеч қандай фармон йўқ. Зарема бошқа фуқаролар қатори истаган ўқув юртига ариза топширишга ҳақли эмиш. Кимда-ким бу таклифга хилоф амал қўлласа — гайриқонуний эмиш. Қаюмжон яна бир нарсани илова қилипти: ҳовли-жойини Фаизовлар ихтиёрига шартсиз топшириш ҳақида тилхат ҳам ёзибди.

Хатнинг биринчи бандига кўра, маълумот олиш учун расмий жиҳатдан ҳеч қанақа чекланиш йўқлигини, аммо амалда тескариси бўлишини ўзи ҳам билар эди. Ҳозир балки шароит бошқа музофотларда ўзгаргандир, лекин бу ерда бирон нарса жилгани сезилмаяпти. Ҳар ҳафтада милиция идорасига бориб, кўриниш бериши, турар жойи, номи-фамилияси ўзгармагани ҳақида журналга қўл қўйиши шарт. Балки охириги пайтларда рўй берган ўзгаришлар Фаизовнинг қулоғига етиб келмагандир. Ҳар қолда, эртага эр-хотин ўша маъгум идорага боришлари барибир керак, бир кун қанда қилса, дарҳол қидиришга тушишади, уйга вакил келади. Танбеҳ олишлари хавфи бор. Ёмони — танбеҳ, Зигирча имтиёздан ҳам маҳрум қилишади. Имтиёз нима? Қўшни районда яшовчи таниш-билишлари тўйга айтишса, дафн маросим бўлса, ижозат олиш енгил кечади — шу.

Майли, эртага боришганда Фаизов Қаюмжоннинг хатини кўрсатади, ҳақиқатдан ҳам замон юмшаган бўлса, қитирлик қилишмас, «бораверсин», дейишар. Лекин хатни охириги далил сифатида кўрсатиш керак. Агар қўққисдан хатини рўқач қилса, закончи, пўписа қилаяпти деб, тўнини тескари кийиб олади. Ана ундан кейин ҳеч қанақа важ қор қилмайди, тирноқ ичидан кир қидиради, арзимас нарсага ёпишади, ишни чипакка чиқаради. Шунинг учун хатни кўрсатмай туриши керак. Бу — охириги чора. Сўнгги далил. Агар ўзи йўл берса, хатни умуман кўрсатмаслик мумкин.

Иккинчиси — ҳовли масаласи. Фаизовлар оиласи энг тансиқ, зиқ пайтда Қаюмжоннинг ҳовлисига кўчиб тушишди. Ўн йилдан зиёд туришди, кам бўлишмади. Тўғри, ўғил-қизи буларнинг қўлида қолди, Фаизовлар ёт болаларга ўзиникидек қарашди, болакайлар жуда ёш бўлгани туфайли тез орада ўз ота-онасини унутишди, буларни ота-она билишди, бегоналик сезишмади. Фаизов домла ҳовлига қаради: томига шифер ётқизди, деворларни янгидан териб чиқди, эшик-деразаларини ўзгартирди, айвон қурди. Яшаганидан кейин қилади-да. Бу табиий нарса. Лекин ҳовлини таг-тути, иморати билан текинга олиши — бу ҳаддан ташқари эди. Унинг устига Фаизов домла орқадаги ҳовли-жойини сотиб олган, бошпанаси бор. Агар Зарема ўқишга кетса, ё турмушга чиқса, икки жон — қарий бошлаган Фаизов Земфира хоним билан ҳайҳотдек жойда танҳо қолишадими? Ҳовлининг Қаюмжонга тегишли қисмини сотиб, пулини уларга жўнатиши лозимдир. Ҳозир улар — янги рўзвор, камомадлари қанча, бирон ҳожатига асқатар.

Хатни Земфира хоним ҳам ўқиб чиқиб, шу йўсин мулоҳаза қилди. Лекин рад қилиш ҳам ноодоблик. Оғринишади.

— Болалар боғчасига топширсақ қандай бўларикин? — деди Фаизов домла бир лаҳза ўйга толиб. — Биттагина боғча бор, у ҳам қишлоқнинг нариги четида. Кўрамиз-ку, ёгин-сочин пайтларда оналар қандай қийналишади.

Қўққисдан айтилган ният аввалига Земфира хонимга эриш туюлди.

— Ғала-ғовур бўлади, — деди у. — Қулоғимиз қоматга келади.

— Келмайди, — деди дарҳол Фаизов домла. — Уйимиз тескари, орқа қилиб ўтирганимиздан кейин, ҳеч қанақа шовқин келмайди. Ҳозир чақир Заремани, кўргинчи — эшитармикин?

— Қаюмжон ака ўзи топширсин, — деди Земфира хоним бир зум ўйланиб.

— Бу яхши маслаҳат, — деди Фаизов домла мамнун бўлиб. лекин Қаюмжон бошқача талқин қилиши мумкин. «Олгиси келмаяпти», деб ўйлайди.

— Биз топширсақ ҳам, шунақа ўйлайди. Бу томонга яна қачон йўли тушармиш? Ёзмаптимиз? Маслаҳат солардик.

— «Борганимда расмийлаштириб бераман», депти. Қачон келишини айтмапти. Кутайлик-чи.

(Охири келгуси сонда)



ОСҲОНА ОРҶИДА ХОҶТИРОҶИМИЗ

Асқар Маҳкам

* * *

Ошиқ юрагим, келгилу ошиққа видо де,
Ошиққаю маъшиққаю, бу ишққа видо де.

Сен ким эдингу ким сенга лутфу карам этмиш,
Туфлаб барига, охири хоҳишга видо де.

Чеккандир азал котиби пешонанг уза ком,
Не чекса-да, бу котиби ёзмишга видо де.

Бир умр унинг пойида жонлар талашурсан,
Сиддиқ дилим, жумла бу содиққа видо де.

Жон бергали Жабборга келди Халилуллох,
Келгил, Забиҳуллох, бу тортиққа видо де.

Ошиқлик агар рўзи қиёмат хабаридир,
Ошиққа бу ҳикмат нима, нотиққа видо де.

Ёр йўлида ҳар заррага қонинг кўшилибдир,
Ишқ айлади султон сени, чориққа видо де.

* * *

Оламки ҳама хом эрур ком сабилдир,
Одам ҳама қотил, бу шариф ном сабилдир.

Бу мода ва нарлар ичида гулга на ҳожат,
Қондир бадани, сийнаи гулфом сабилдир.

Баҳром агар гўр ва гўр ичра Дилором,
Баҳром сабил, ёри Дилором сабилдир.

На аҳли хароботу на аҳли Худо йўк,
Жамшид сабил, илкидаги жом сабилдир.

Зулмат ва завол они яқин келди, ҳазир бўл,
Бошингни эгиб сажда қил, эҳром сабилдир.

Бу дашти қазо ичра қани Ишқ ғизоли,
Сайёд, тамом бўлди бари, дом сабилдир.

Тўққиз юзу эллик эди гар Нуҳ камоли,
Эй Нуҳ сабил, Ёфасу ҳам Сом сабилдир.



ШЕЪРИМ, СЕН ЛАЙЛИ

Куйган жигарим-бағрима бу қон қаёқда,
Маъшуку малакмас мусулмон қаёқда?

Шаҳр ичра қувиб телбани, ҳар ерда тикиб дор,
Мажнун қани, дашт-биёбон қаёқда?

Ер остида дўзах магарам етти қабатдир,
Марҳум, агар ер бу, осмон қаёқда?

Ҳар мард валию ҳама авратки малоик,
Мен қайдаю сен қайдаю, шайтон қаёқда?

То Ишқ Зулайҳо эса, то Ишқ бу ҳолдир,
Яъқуб қани, Юсуфи Канъон қаёқда?

Тарсоки ажал эрди хусн бобида урён,
Масжидга ўт қўйғали Санъон қаёқда?

Жоду назаримдан тўкилиб кўзда бу тасбиҳ,
Меҳробда май, кўза, намозхон қаёқда?

То чашмаи сийнанг уза соч боди хатардир,
Маҳшарда Худо чорласа-да, жон қаёқда?

Инжилу Забур ҳамда бу Тавротда сенсан,
Қуръонда ўзинг, сураи пинҳон қаёқда?

Пойингга агар етса бу бошимда бирор тук,
Басдир, бу жинон, равзаи ризвон қаёқда?

* * *

Увишди юлдузлар нуридаги қон,
Ой сотди доғларин қари қизларга.
Судралиб кўр энди ерда, эй осмон,
Яқинроқ кел, чўкка тушган тизларга...

Дарахтлар — қўллари ёзиқ гадолар,
Хазонлар тилида ўқир Машрабдан.
Эй қоши қаролар, нозик адолар,
Бир лаҳза тин олинг мастлик тарабдан...

Булутлар — коҳиннинг кўҳна либоси,
Эслатиб туради тобут нақшини.
Тандирга ўхшайди лаҳаднинг оғзи,
Ютади жувонмарг жон қарғишини...

Бу самбит қоматлар букри бўлган кун,
Бу зулук қошларга қўнганда тўзон,
Султонлар, амирлар бўлганда юпун,
Сиздан ҳам қолмагай на ному нишон...

Шайх Атторнинг боши

Буюк қалъалардан қолган тепада
Пачоқ дубулғалар ётар калласиз...
Бу каллалар ҳамон бордир елкада,
Бири тожли, бири яйдоқ салласиз...

Мўғул калла кесди ҳаддан зиёда,
Чопаверди ўнгу сўлда ҳаммани.
Аммо, қуриб кетсин ёруғ дунёда,
Сира кўрган эмас бундай каллани...

Чиллаҳоналарнинг бўм-бўш тубида
Оч арвоҳлар кезар кашкули билан.
Шайх Атторнинг боши жаллод кўлида,
Иймон келтирмоқни сўрарди ундан...

Аттор жисми кўчди бир қоп устига,
Пардек енгилгина қалқди ва чўқди.
Мўғул боқди Шайхнинг очиқ кўзига,
Йўқ, бу ўша Шомоннинг ўзи...
Худо урди...

Жаллод қирғий кўзин юмар, англамас,
Ёнида депсинар тулпори учқур.
Қўлларига боқар, ажаб, калламас,
Кўзлари Шомоннинг кўзидек чуқур...

Мўғул титрай бошлади,
Ахир, бу қандайдир форс эди чоғи?!
Ногоҳ тулпор ерни тепиб кишнади,
Мўғул бошин ёриб кетди туёғи...

Остона орти

Болалик дарёга қўшилиб кетди...
Заҳарга қўшилган майи ноб мисол,
Ўзим ҳам билмаган фасллар етди,
Кўксимга гурсиллаб йиқилди шамол...

Қайдадир адашди кимсасиз Ишқ ҳам,
Рўмоли йиртилган, ковушлари лой.
Юзида Карбало даштидек алам,
Нигоҳин қаърига гадо каби ой...

Чоригин судрайди энди ёдимиз,
Ўлимга тўн бичар кимдир бемаҳал...
Остона ортида хотиротимиз
Ва ёлғиз дўстимиз ҳазрати ажал...

Излангиз

(Мавлавий йўлида)

Излангиз, эй аҳли оҳ,
Қайда деб аҳли вафо?

Излангиз, эй аҳли жон,
Қайда деб жаннатмакон?

Излангиз, эй аҳли дил,
Қайда деб соҳиб кўнгил?

Излангиз, эй аҳли хоб,
Қайда деб охир хитоб?

Излангиз, эй аҳли хос,
Қайда деб аҳли ниёз?

Излангиз, эй аҳли хайр,
Қайда деб бечоралар?

Излангиз, эй аҳли роҳ,
Қайда деб мулки фано?

Излангиз, эй аҳли шом,
Қайда деб пири калом?

Излангиз, эй аҳли хок,
Қайда деб бир сийна чок?

Излангиз, эй борлар,
Қайда деб ночорлар?

Излангиз, эй аҳли ғам,
Қайда деб соҳиб карам?

Излангиз, эй аҳли Ишқ,
Қайда деб роҳи тариқ?

Излангиз, эй аҳли шум,
Қайда деб аҳли қудум?

Излангиз, эй аҳли жоҳ,
Қайда деб аҳли Худо?

Излангиз, эй аҳли бад,
Қайда деб марди хирад?

Излангиз, эй ёрлар,
Қайда деб бедорлар?

Излангиз, эй аҳли шарр,
Қайда деб мулки сақар?

Излангиз, эй Ошно,
Қайда деб бу бенаво?..

Зорлик

(Мавлавий йўлида)

Зорларга зормиз,
Зорга хуштормиз.
Гарчи фаномиз тамом,
Бор эдик, бормиз...
Хорларга хормиз,
Хорга хуштормиз.
Гарчи фаномиз тамом,
Ёвга ҳам ёрмиз...
Келди-ку савдоларим,
Дардима даволарим,
Шамс қолиб, Шом аро
Йиғлади Мавлоларим...

Зорлара зормиз,
Хорларга хормиз.
Гарчи фаномиз тамом,
Бор эдик, бормиз...
Ҳаққа етар оҳимиз,
Ҳақ кўтарар нозимиз.
Доманига етса қўл,
Ўлсак эдик розимиз...
Зорларга зормиз,
Хорларга хормиз.
Гарчи фаномиз тамом,
Бор эдик, бормиз...

Ишқ аҳли

Истиғфор айтаман, бир зиё бергил,
Муҳаббат, мен мангу асиринг бўлай!
Лайлу наҳоримга бир ниғор бергил,
Қизгалдоғ, косанг оч, уни бир кўрай!

Зиёрат айлайин баҳор меҳробин,
Фунчалар қадаҳин олиб қўлимга.
Ичайин парилар берган гулобин,
Юлдузлар ўтини сочсин йўлимга.

Комила самонинг кабир кўксида
Бу ўтли юрагим бир сиқим тупроқ.
Зорларим тўлғаниб чиқар меърожга,
Қизгалдоғ, унга эк муҳаббат кўпроқ.

Умримга берса гар илоҳий сайқал,
Масъуд тунларимнинг кавкаби ёниб,
Соҳирлар кўксимга ёзсалар зар ҳал,
Бошимни эгаман сенга ишониб,
Икки жаҳон ичра тиз чўкиб масрур...

Соғинч

Ёлғизлик қийнайди, азоби оғир,
Жисмим ҳам бегона, ёт каби юрак.
Бунчалар танҳодир бу ўксик бағир,
Рухимга бир сирдош, бир маҳрам керак.

Чирқиллаб кезади еру самони,
Гуллар косасига бир-бир боқади.
Наҳот, у ёлғиздир энди тамоми,
Кўксига у соғинч гулин тақади.

Киприқдан томади алвон лолалар,
Учқур ўйларим ҳам кўкка учолмас.
Гоҳ хаёл тиклайди унинг суратин,
Аммо, хаёлларга юрак кўчолмас.

О, руҳим, бунчалар қийнадинг жисмим,
Келгил, воз кечайлик йўқса бу дилдан.
Не қилайин тилга олмаса исмим,
Не қилай хабар йўқ, кўкдаги гулдан?!

Асли бу дунёда ёлғиз сен эмас,
Барча дил соғинган, қайда у зиё?
Зулумот қўйнида яшадим демас,
Ёлғизлар дунёси, асли, бу дунё!

Дийдор деб яшайди ёлғизлар бари,
Соғинч ёр эканки, бу ҳам бир шараф.
Бир кун бор висолнинг келар хабари,
Не тонг, дийдорига қилса мушарраф!

Сабр эт, эй руҳим, сабр — саодат,
Бу жисмим ичра сен муҳожир-ғариб.
Паймона тўлмасдан кетмоқ на ҳожат,
Бир кун қизгалдоғинг келар ахтариб.

Сабр эт,
Сабр эт,
муҳожир руҳим!..



Минҳожиддин
Мирзо

ШАМЛАР ЮЛДУЗ
КАБИ ЁНАРДИ

Чўлпонни эслаб...

Ҳақиқат йўллари эмасдир осон,
Ҳақ қарор топаркан кураш бор жойда.
Маъюслик чехрангга ярашмас, инсон,
Ҳайларинг курашсиз эрса, бефойда.

Эсладим бир зотни, ҳақпараст-ўқтам,
Замоннинг залворин четга отди у.
Тобелик оғусин тотган дилни ҳам
Уйғотиб, офтобдай эрта ботди у.

Ҳақиқат йўлида йиқилди ҳориб,
Кўзлари сўнаркан, жилмайиб кулди.
Кун келиб, минглаб дил чора ахтариб
Уйғонди, демакки, ўрнидан турди.

Аммо, у туролмас, мангу тупроқнинг
Мунис ҳамдамига айланиб қолди.
Чироғи бўлди у яқин-йироқнинг,
Дунёда ҳақпараст нигоҳи қолди.

Ҳақиқат, ҳақиқат — баҳор асли бу,
У ўша баҳорни кутиб яшарди.
Баҳорнинг борлигин исботлаб, ох, у —
Эрта юз кўрсатган гулга ўхшарди.

Илк чечак эди у, аёзга рақиб,
Бундай зот дунёга яшиллик берур.
Аёзлар қилмасин минг бора таъқиб,
Баҳор — бу абадий ҳақиқат эрур!

Қиш эртаги

Оппоқ, ҳарир эди борлигинг,
Ойдин эдинг, тўлин ой эдинг.
Кўзларимдан қочирганимда,
Ҳаёлимга сен кириб келдинг.

Оппоқ-оппоқ орзуларимга
Қиё боқмай, кулган чечагим.
Сендан айро тушгандан буён
Юлдузларга айтгум эртагим.

Азоб билан оқарар тонглар,
Тунлар узун — дилда қийноқлар.
Мен ҳам энди севгисиз қолдим,
Англаб етдим, сизни, уйғоқлар.

Қиш ҳам кирди, аёз, кун бўйи,
Ҳасратимдай ёғаверди қор.
Ушалмади куртаклар ўйи,
Йироқлашиб кетганди баҳор.

Чор атроф оқ, гўё сен келдинг,
Ўша ойдин кўйлақда ёниб.
Ташқарига югуриб чиқдим,
Ҳаёлимга ўзим ишониб.

Йўқ, сен йўқсан, умидвор кутдим,
Зулмат яна келди сўроғлаб.
Юрагимга таскинлар айтдим,
Келаётган азобга чоғлаб.

Йўқ, негадир хорғин кўзларим
Юмиларкан, аста илғадим...
Деразага боққанча, саҳар,
Бир тўп гулни кўриб йиғладим...

Андижон

...Андижонда туғилган жойим,
Чорласа-да, боролмадим ҳеч.
Ёдин солмиш дилга Худойим,
Тилдан қўйма уни эрта-кеч.

Умр йўли мени шу томон
Олиб келган бўлса, нетайин?
Асли, шундай яралган замон,
Ҳукмин бузиб қайга кетайин?

Ҳаёт деган тоғли довон бор,
Ўтмоқ мушкул посбонларидан,
Қанча сирдош юлдузлар тоғдим
Кўҳна Шошнинг осмонларидан.

Гоҳо юрак чекканда озор,
Гоҳ кимдандир етганда алам,
Кўнглимга нур солади тақрор,
Сирдош дўстга ўхшайди қалам.

Тақдир йўли харитада йўқ,
Соғинчларнинг бўлмас поёни.
Инсон қайга борса туташган
Ўз юртига минг битта жони.

Қизғалдоғлар нигоҳи тушган
Ерларимни ўпгим келади.
Бобур Мирзо ета олмаган
Андижонга кетгим келади.

Кетолмайман сенга, Андижон,
Етолмайман сенга, Андижон...

Тунги ўйлар

Юлдузли тун, хаёл тулпори
олиб қочди дил чавандозин,
Хайрат ила мозийга боқиб
махзун диллар тингладим созин.

Кўз олдимда пирпираб турган
шамлар юлдуз каби ёнарди,
Кўҳна тарих воқеалари
кўзларимда ўтдай ёнарди.

Мўъжизалар жамланган олам
шоширарди фикру хаёлим,
Миср эҳромларин қурдирган
фиръавнлар олимми, золим?!

Бу дунёда энг оқил жонзот
магар инсон бўлса-да, токим,
Аммо, нечун унинг кўнглида
жоҳилият абадий ҳоким?!

У қайники макон этса гар,
девор ичра сақлар жонини,
Бир-биридан асрамоқ бўлар,
бир-бирининг тўкар қонини.

Ажаб, ўтмиш фақат жанг-жадал,
ҳануз тинмас шаҳидлар зори,
Ёвузликдан сақланмоқ учун
наҳот керак, Хитой девори?!

Лол этади, ақлим шошириб
ажаб, инсон ёвузлик қули,
Таскин берган каби қаршимда
очилар гоҳ эзгулик гули.

Абадият гулзорин кезиб
кўзга суртдим ажиб гавҳарни,
Муҳаббатга таъриф изларкан,
учратдим мен Тож Маҳални.

Йўқ, нур ошно дейман инсонга,
хаёл, менга тутмагил оғу,
У лойиқдир шундай бўстонга,
фикрлардан сачрайди ёғду.

Замин бору қаршида инсон
мўъжазгина, ожиз бир зарра,
Аммо унинг ёвуз қудрати
тўфонлардан хавфли минг карра.

Инсон қалби эзгулик ичра
қанча юксак бўлса-да, лекин,
Гоҳо унинг жоҳил кўнглининг
қирғинларин кўрмассан чекин.

Мушкулотлар кўпдир очунда,
ечар бир кун барин интиқ жон.
Аммо, дунё олдида мангу
жумбоқ бўлиб қолади инсон!



Бўш пайтларда ўқийсиз _____

Ана, рўпарада оддий «Ёзув қоғози».

Бу ердаги ҳарфлардан фойдаланиб, бир қанча сўзлар тузиш мумкин:

ув, зув, ёвуз, ёз, уз, оқ, ғоз, офиз, узоқ, оз, оғоз, қози, ёқ, зиқ, зиё, қиё...

Булардан ташқари, Сиз яна қандай сўзлар туза оласиз? Кутилмаган бир шакл топсангиз, ёзиб юборинг.



Зикрилло
Неъмат

ВАШАН СЕНАНД УЧАН
ҚАЛМАР БЕДОРАД

Куз

Дувиллаб тўкилар ҳазин япроқлар,
Тилларанг тус олмиш бутун дала-туз.
Гулларнинг қалбига солиб титроқлар,
Заъфарон боғларда куз кезмоқда, куз.

Милтираб нур сочар кўкнинг ҳилоли
Гўё улкан денгиз узра парча муз.
Этларни жунжитар мезон шамоли,
Заъфарон боғларда куз кезмоқда, куз.

Иссиқ ўлкаларга учган турналар,
Ортдан термулиб қолурмиз маъюс.
Недандир кўнгил ғаш, юрак тирналар,
Заъфарон боғларда куз кезмоқда, куз.

Кўлмаклар четида йилтираган муз,
Дер: илиқ кунлардан умидингни уз.
Баҳор, ёз шунча тез ўтдим, эсиз,
Заъфарон боғларда куз кезмоқда, куз.

Шунчалар ўткинчи экан бу ҳаёт,
Уч фаслинг ўтди-ку, эй умри азиз.
Ўзи ҳам хазондек сарғайиб, ҳайҳот,
Заъфарон боғларда куз кезмоқда, куз.

Дўст билан

Дўст билан обод уйинг,
гар бўлса у вайрона ҳам.

Эркин Воҳидов

Эй рафиқ, мазмунлидир
гулгун ҳаётинг дўст билан,
Ҳам ушалгай мақсадинг
бирла муродинг дўст билан.

Бу ҳаёт осмонида
парвоз этар бўлсанг, ишон,
Бир қанотинг ёр биландир,
бир қанотинг дўст билан.

Дейдиларким: якка отнинг
донғи чиқмасмиш сира,
Минг довоннинг забтига
етгай саботинг дўст билан.

Бир майизни қирқ киши ер
деб азалдин бор нақл,
Дўстни чорла, тотлидир
қанту новвотинг дўст билан.

Мисли Чамбил юртидек,
кулфатда қолсанг ногаҳон,
Гўрўглидек от суриб,
келгай нажотинг дўст билан.

Эй Зикрилло, бир умр
сен куйла дўстлик мадҳини,
Кенг жаҳонни забт этар
шеъру баётинг дўст билан.

Ишқимни шеърга солсам..

Ишқимни шеърга солсам,
қоғозлар куйиб кетар,
Дардимни тўкиб солсам,
дарёлар тўлиб кетар.

Бўлдим деб васлингга зор,
ишқим айласам изҳор,
Сўзимни тингламай ёр,
қовоғин уйиб кетар.

Не қилай, эй ёронлар,
жондан ўтди ҳижронлар,
Хажрида ютиб қонлар,
юрагим тўлиб кетар.

Соғинсам малагимни,
ҳижрон тилиб бағримни,
Кўксимдан юрагимни
анордек ўйиб кетар.

Нетайки, ошиқ қалбим
симобдай эриб сим-сим,
Муҳаббат отлиғ тилсим-
ўтида куйиб кетар.

Асраб ишқ, номус-орин,
ёр учун тикиб борин,
Зикрилло ўз дилдорин
шунчалар суйиб кетар.

Ўчмас ботирлар ёди..

Дарёга кўшилган ҳар битта ирмоқ,
Дарё тўлқинига шиддат бергайдир.
Хазонга айланган ҳар битта япроқ,
Дарахт илдизига қувват бергайдир.

Чинордек Ватаним, дарё — Ватаним,
Унутмагил асло ирмоқларингни.
Сенинг гулламоғинг, яшнашинг учун —
Ўзин фидо қилган япроқларингни.

Ҳар кимга ҳам етмас, ахир, матонат,
Ўз кўксин ўқларга қалқон қилмоққа.
Ҳар қалбда топилмас журъат, жасорат —
Ватан учун ўзин қурбон қилмоққа.

Сўнмас юлдуз бўлиб порлар самода
Элим дея, ўққа учган ботирлар.
Халқим юрагидан ўчмагай сира —
Ватан дея, жондан кечган ботирлар.

Улар ҳеч ўлмагай, тирикдир, тирик,
Нур бўлиб яралган улар қайтадан.
Уларнинг ҳаёти энди — мангулик,
Муқаддас руҳларин шод этар Ватан.

Парвозда жон берган лочинлар руҳи —
Азалдан кўк узра боқий қолгайдир.
Ботир ўғлонларнинг жасоратидан
Не-не ёш юраклар ибрат олгайдир.

Ватан, сенинг учун қалблар бедордир,
Мангу асрагаймиз гулбоғларингни.
Токи, кучоғингда мардларинг бордир,
Ёвлар топтай олмас тупроқларингни!

Қалбим ёмғирлари...

Қалбим ёмғирлари — дил туғёнларим,
Билмадим мен қандай яшардим сизсиз?
Ойнинг ўроғидек, бағри ҳам ярим —
Ёмғирсиз кўкламга ўхшардим сизсиз.

Ёмғирсиз баҳорлар эса хавфлидир,
Чаманлар яйрамас, қушлар сайрамас.
Ёмғирлар бордирки, олам файзлидир.
Кўкдан дур томмаса замин яшнамас.

Тўлиб турар экан кўнглим осмони,
Чақмоқлар чақилар, ёмғирлар қуяр.
Гулга буркасам, деб бутун дунёни
Қалбим ёмғирлари чаманни суяр.

Қалбим ёмғирлари, ёғингиз майин,
Томчингиз борлиққа шабнамдек инсин.
Биллур томчилардан завқ олган сайин
Дилларда Эзгулик майсаси унсин.

Охиста уйғонар тонгда зиёлар,
Шивирлаб эсгайдир майин саболар,
Юракда яралган мунглиғ наволар,
Қадрига етинг, деб ёшлик чоғларин,
Уримиз бўстони-вафо боғларин!

Омонатдир гулнинг шабнамдек боли,
Фаниматдир ёрнинг гулгун висоли,
Елга соврулмасин хазон мисоли —
Ёрга бахш этайлик ишқ чақмоқларин,
Навобахш этайлик вафо боғларин!

Севсак, бир булбулдек ёниб севайлик,
Шубҳа-гумонларни дилдан қувайлик,
Кел, эркам, бир умр бирга бўлайлик,
Кел, буткул унутгил дил фиروقларин,
Жоним, сайр этайлик вафо боғларин!

Гулгун шаробингдан қуйгил, эй соқий,
Умр ўткинчидир, муҳаббат — боқий,
Сўнгги пушаймонда ёнмайлик токим —
Хазонга юз тутмай сафо боғлари,
Қадрига этайлик вафо боғларин!



АДАБИЁТ АБАДИЙ

Тошкент Политехника институти энергетика факультетини тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг электроника институтида ишлаган таниқли фантаст адиб Ҳожиакбар Шайхов бундан 20 йил бурун (1983 йил) тугал адабиёт соҳасига ўтиб, асарларидан ташқари, адабий ҳаётда ҳам эсда қоларлик ишлар қилишга киришган эди.

* * *

«Шарқ юлдузи» журнали муҳарририятида бир неча йил ишлаган таниқли шоир, носир, драматург ва кинодраматург Машраб Бобоев роппа-роса 45 йил (1958 йил) муқаддам Самарқанд вилояти Челақ туманидан Тошкентга келиб, Маданият техникумига ўқишга кирган эди. Ўшанда у 17 ёшда бўлганига қарамай, бунгача колхозда тракторчилик қилган, кутубхонада ишлаган эди.

* * *

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф 1978 йилда (25 йил бурун) Рус тили ва адабиёти институтини тугатган эди. 5 йил муқаддам унинг «Осмонимга олиб кетаман» деган ажойиб шеърлар китоби босилган эди.

* * *

Ўзига хос ҳикоялари, қисса ва романлари билан шуҳрат қозонган истеъдодли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод қисқа, 55 йил умр кўрди (у 1948 йилда туғилган). «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романи унинг сўнгги асари бўлиб қолди.

* * *

Ўзининг «Гирдоб» романи билан кенг китобхонлар оммасига танилган, катта иқтидор эгаси бўлган адиб, журналист, арбоб Ўктам Усмонов ҳаёт бўлганида бу йил 65 ёшга тўлар эди. У 1938 йилда таваллуд топган.



Пиримкул Қодиров

Шилва эл

(Темурийлар давридаги тил муаммолари)

Илмий бадеъа¹

МУМТОЗЛИК ЧЎҚҚИСИГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАР

Энг юксак тоғ чўққисига чиққан одамга атрофдаги барча баландликлар жуда аниқ кўринади. Алишер Навоий юксак маънавият чўққиларига олиб борадиган йўлларни ёш пайтидан кашф эта бошлайди. У турилиб ўсган оилада туркий тилнинг мавқеъи баланд бўлган. Буни шундан билиш мумкинки, унинг тоғалари Муҳаммад Қобулий ва Муҳаммад Али Ғарибий туркий тилда шеърлар ёзганлар.

Алишер Навоийнинг онаси тўғрисида манбаларда маълумот учрамайди. Аммо туркигўй шоир Мир Саид Қобулий каби унинг синглиси, яъни Алишербекнинг онаси ҳам туркийзабон аслзодалардан бўлганини тахмин қилиш мумкин.

Навоийнинг отаси тўғрисида «Насойимул муҳаббат»да қисқа бўлса ҳам, жуда ажойиб бир ҳикоя учрайди. Бу ҳикоя Алишернинг отаси Амир Ғиёсиддин тилидан айтилади:

«Подшоҳ ҳукми била иш учун Астрбод вилоятига борур эрдим. Йўлда бир мажнунсифат йигит йўлиқти. Бир дирҳам анга тута бердим, олмади. Мен бир курта жубба кийиб эрдим. Деди: «курта жуббани олурам». Ҳаво совуқ эрди. Мен отни суриб ўтдим. Манзилга етганда ҳамул йигит яна келди. Яна дедики «курта-жуббани олурам». Астрбод даҳанасидан кирдук. Бир дарвеш яланг эрди. Ул курта-жуббани ул дарвешга бердим. Бир лаҳзадан сўнгра ҳамул йигит етишди ва менга боқиб дедики, курта-жуббани олдим... Менга таажжуб юзланди... Ҳирот шаҳридан Бобо Кўкий овозаси келур эрди... Мен Ҳирийга келгандин сўнг бордимки, анга мушарраф бўлғаймен. Кўрдимки, ҳамул йигит эрди»².

Бу ҳикоянинг бадиий тили ва тасвир воситалари алоҳида эътиборга сазовор. Жонли тилда айтиб берилган сирли воқеа бутунги ўқувчини ҳам ҳайратга солади. Бобо Кўкий одатдаги пирларга ўхшамайдиган мажнунсифат йигит. Шунинг учун Амир Ғиёсиддин аввал унга бир танга пул беради. Йигит олмайди, отлиқ бораётган амир-

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда.

² Алишер Навоий. 15 жилд, 1968 й. 163-бет.

нинг эгнидаги иссиқ пўстин-курта-жаббани сўрайди. Кун совуқ экан, пўстин эгаси бу гапга эътибор бермай от суриб ўтиб кетади. Манзилга етганда бу йигит яна пайдо бўлади, «курта-жуббани олурман» деган сўзларни такрорлайди. Шу ерда «оламан» ўрнига озарбайжон ва турк тилларида учрайдиган «олурам» сўзи ишлатилгани эътиборни тортади. «Олурам» сўзини Амир Фиёсиддин эркин талаффуз этганидан сезиш мумкинки, Хуросон эли ўғуз шевасида сўзлашуви қавмларга яқин жойда яшаганлиги учун айрим талаффузга қулай сўзларни улардан олиб ишлатганлар. Алишер Навоий шеърларида ҳам «уй» сўзи «эв» шаклида, «истайман» сўзи «истарам» тарзида учрайди. Бу унинг барча туркий қавмларга хос тил ва шева бойликларидан бағрикенглик билан фойдаланганини кўрсатади. Бу бағрикенглик шоирнинг отаси Амир Фиёсиддинга ҳам хос бўлганлиги академик А.П.Қаюмовнинг «Нодир саҳифалар» китобида махсус таҳлил этилган¹. Алишер Навоийнинг кам ўрганилган асарларига бағишланган бу китобда «Насойимул муҳаббат», «Вақфийя», «Муножот», «Сиротул муслимин», «Тарихи мулки ажам» ҳақида атрофлича илмий маълумотлар ва бугунги китобхон учун қимматли аҳамиятга эга бўлган шарҳлар берилган.

Бу шарҳлар орасида «Сирожул муслимин» асарининг ёзилиш сабабига оид далил ва талқинлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Ифвогарлар подшоҳ ҳузурида Алишер Навоийнинг ишқ-муҳаббатга, «бода билан кўнгил уйин шод» этишга чорлаган шеърларини ёмонлаб:

**«Тиллар бўлғай ҳамиша маст
Солиб ислому дин уйига ошуб»**

деган гапларни айтадилар.

Навоий бу гаплардан хабардор бўлиб изтироб чекади.

«Шоирнинг душманлари ўша давр учун энг оғир ва ҳалокатта элтувчи айбларни Навоийга юклагочи бўладилар, — деб ёзади А.П. Қаюмов. — Шундан сўнг Навоий бир асар ёзиб, ислом қоидаларини баён этмоқчи, шу билан бирга ўз душманларига жавоб бермоқчи бўлади... Шу йўсинда «Сирожул муслимин» асари юзага келади»².

Таъмагир шайхлар ислом динидан ғаразли мақсадларда фойдаланиб, бойлик ва мартаба ортдирган бўлсалар, Алишер Навоий динлар тарихига бағишланган «Тарихи ҳукамо ва анбиё»ни «Насойимул муҳаббат» китобида қаламга олинган авлиё ва машойихларга оид ҳикояларни Аллоҳга пок ва бегараз эътиқод руҳи билан яратади. У ўзининг чин исломий эътиқодларини туркий эллар қалбига етиб борадиган она тилида ёзишни мақсад қилиб қўяди:

**Баён қилгаймен андак равшану пок
Ки идрок этгай ани хайли атрок»³.**

Алишер Навоий ҳам дунёвий, ҳам диний мавзуларда ёзилган барча асарларида туркий халқларнинг тил бойликлари ёрдамида уларни «якқалам» қилишга, яъни уларни бир адабий тил доирасига тортишга интилади. Юқорида биз унинг ўғуз шевасига мансуб туркий сўзлардан дадил ва самарали фойдаланганига мисоллар келтирдик.

Алишер Навоий жуда катта ҳудудларга тарқалган қипчоқ шевасидаги тил бойликларидан ҳам маҳорат билан фойдаланади.

Тилшунос олим Х.Дониёров ўзбек адабий тилида қипчоқ шевасига мансуб сўз бойликларининг тутган ўрни ҳақида илмий тадқиқот иши яратган. Унинг бу мавзудаги китобида тўғри кўрсатилганидек, Алишер Навоий манғит, қирқ, юз, кўнград, қиёт, найман ва бошқа қипчоқ шевасида сўзлашувчи қавмларни яхши билган. Масалан, «Садди Искандарий» достонида Искандар қўшинларининг ўнг қанотида бораётган юз минг ўзбек ва манғит «Самарқанддин токи сарҳади Чин»гача саф тортгани шундай тасвир этилади:

**Яна манғит ўзбек била ёндашиб
Ики зулфдек тузлари чирмашиб
Алар ёнида Моварауннаҳр эли
Ики руд орасида ўн шаҳр эли.»⁴**

¹ А.П.Қаюмов. «Нодир саҳифалар», 1991 й. 3-бет.

² Ўша китоб, 38-39-бетлар.

³ Ўша китоб, 38-бет.

⁴ Алишер Навоий. Асарлар, 10 жилд, 1967 й., 76-бет.

Навоийгача ёзилган айрим тарихий манбаларда ўзбекларга туркийлашган мўғуллар деб қараш, уларни кўчманчи ва босқинчи деб ҳисоблаш ҳоллари учрайди. Бундай қарашлар асоссиз эканини Алишер Навоийнинг ўзбек қавмини алоҳида ҳурмат билан қаламга олганидан сезиш мумкин.

Аввало, Алишер Навоийнинг тасвирида «ўзбек» деб аталган эл Искандар яшаган милоддан олдинги даврда ҳам Самарқанд атрофларида яшаганлиги диққатга сазовордир. Искандар афсонавий подшоҳ бўлгани каби, унинг қўшини сафида юз минг ўзбек ва мўғул бўлгани ҳам шоирнинг бадиий фантазияси маҳсулидир. Лекин Искандар образи тарихий асосга эга эканини билганимиз каби, унинг даврида ўзбекларнинг туркий аждодлари Самарқанд ва унинг атрофларини ватан қилганликларини биз Алп Эр Тўнға достони ва унинг номи билан Афросиёб деб аталган жой номларининг ҳанузгача сақланиб турганлиги орқали тасаввур қилишимиз мумкин.

Навоий тасвирида ўзбек, манғит икки дарё оралиғида Мовароуннаҳр эли билан ёнма-ён яшайди, жангга ҳам бир саф бўлиб боради. Навоийнинг бу нуқтага назари фақат ўтмишга эмас, келажакка ҳам йўналтирилгандек туюлади. Шоирнинг буюк даҳоси унга келажакни олдиндан кўрсатаётгандек, асрлар ўтиши билан шоир энг улкан меҳру оқибатни ўзбек халқидан кўришини ва барча туркий халқлар орасида шу халқ уни ўзининг мумтоз адабиёти ва адабий тилининг асосчиси деб тан олишини башорат қилгандек бўлади. Тасодиф эмаски, улуғ шоир ўзбек номини қайта-қайта қаламга олар экан, ҳар сафар бу халққа хос бирон фазилатга эътиборини қаратади.

**Ҳалол она сутидек гар ўзбаким тутса
Тобуқ қилиб, юкиниб, тустогон ичинда қимиз.**

Ёки:

**Шоҳу тожу хилъатеким, мен тамошо қилғали
Ўзбаким бошида қалпоқ, эғнида ширдоғи бас.**

Бу сатрларни ўз китобида келтирган Х.Дониёров кўпроқ қипчоқ шеvasида сўзловчи «желовчи» ўзбекларни назарда туттади¹.

Албатта, қимизни кўпроқ чорвадор ўзбек қавми ичади. Алишер Навоий уларнинг гўзал бир одатини — тустогон деб аталадиган чиройли косада бир тиззаларини ерга қўйиб таъзим билан қимиз тутишларини тасвирлайди. Алишер Навоий «она сутидек ҳалол» деган таъриф билан қимиз тутган ўзбекка меҳр изҳор қилгандек бўлади.

Шеърдаги «тўбиқ, тустогон, юкиниб» деган ўзбекча сўзлар мусаффо она тилимининг бойликларини намоён қилади. Бироқ бу сўзларни фақат «желовчи» қипчоқ шеvasига мансуб қилиб кўрсатиш унча тўғри эмас. Бу сўзлар қипчоқ шеvasида бўлгани каби, қимиз ичадиган бошқа шаҳарлик ўзбек қавмларининг сўзлашув тилида ҳам мавжуддир.

Шоир оддий юртдошлари киядиган қалпоқ (бу ерда дўппи маъносида ҳам келадди) ва устки кийим — ширдоғни шоҳлар киядиган хилъатдан мароқлироқ дейиш билан яна ўзбек қавмига бўлган ҳурматини кўрсатади. Ҳали ўзбек халқи алоҳида бир миллат бўлиб шаклланмасдан анча олдин унинг туркий қавмлар орасида алоҳида ўрни ва улкан истиқболи болигини Алишер Навоий юракдан ҳис қилган бўлса керак. Эркин Воҳидовни машҳур қилган «Ўзбегим» шеърдан беш аср олдин Навоий ўзбекларни ўзининг халқи деб билиб, илк бор уларни меҳр билан «ўзбаким» деб шеърга солиб куйлагани адабий тилимиз тарихининг ажойиб ҳодисасидир.

* * *

Элик минг байт шеърни хотирасида жамлаган Алишер Навоий адабий тилимизнинг минг йиллар давомида яратилган бойликларини бир қалбга йиғиш билан чекланмайди. Балки араб ва форс тилининг ўзига ёққан сўз ва ибораларини ҳам хотирасида жамлаб, бу тиллардаги яхши шеърларни ёд олади.

Бу ҳодисани у ўзи шундай эслайди:

«Уч ёш била тўрт ёшнинг орасида эрдим, азизлар ўқимоқ таклифи қилиб, баъзи ҳайрат изҳор қилурлар эрди...» Чиндан ҳайратланарли ҳол шу эдики, уч-тўрт ёшлик Алишер Қосим Анвор деган машҳур форс шоирининг куйидаги сўфиёна шеърларини ёддан айтар эди:

¹ Х.Дониёров. «Желовчи шеваларни ўрганиш тажрибаси». Тошкент, 1975 й. 66-бет.

**Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок
Бо давлати гами ту зи фикри жаҳон чи бок!**

Риндлик — сўфиёна ҳурфикрлиқдир. Бу ердаги ошиқлик ҳам илоҳий ишқ туфайлидир. «Гарчи тўнимиз йиртиқ, ишқимиз ўт бўлса ҳам, дунё фикрига парво қилмаймиз, чунки сенинг (яъни Илоҳий қудратнинг) гами билан яшаш бахтига эгамиз».

Уч-тўрт ёшлиқ масъум бола бу сатрлар маъзига сингдирилган мураккаб тасаввуф гояларини тўлиқ идрок этаолмаган бўлиши мумкин. Лекин шеърдаги жўшқин оҳанглар, болаларга ёқадиган шўх бир эркинлик ва ўт-оловга тўлган сўзлар ёш Алишерни ўзига мафтун қилгани табиий. Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун нафоис» асарида биринчи бўлиб Қосим Анворнинг шу матлаъини келтиради ва ёзади: «Бу фақир аввал назмеким ўрганибмен бу сўнгги матлаъдур»¹.

У замонларда мактабда ўқиш-ўқитиш ишлари араб ва форс тилларида олиб берилган. Алишербекни беш ёшга тўлар-тўламас мактабга берадилар. «Лисонут тайр» асарида у ўзининг мактабда ўқиган йилларини эслар экан, Шайх Саъдийнинг насрда ёзган «Гулистон» ва «Бўстон»нинг ўқиганини, назмда эса Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут-тайр» достонига алоҳида эътиқод пайдо қилганини кўрсатиб ўтади.

Бу достоннинг қаҳрамонлари — қушлар. Уларнинг содда тилда сўзлашуви ва хавф-хатарга тўла сафарлари ёш Алишерни қизиқарли бир саргузаштдек ўзига жалб қилади. Лекин ақл-заковати жуда эрта уйғонган Алишер «Мантиқут-тайр» достонида қушларнинг мажозий образларига сингдириб ифода этилган ички илоҳий маъноларни ҳам англайди ва астойдил қабул қилади.

**«Завқ кўп хушқол этар эрди мени,
Шарҳи онинг лол этар эрди мени.
Ўйлаки, элдин узулди улфатим,
Ул китоб эрди аниси хилватим.
Ким дедим: узлат эшикин очқамен
Даҳр бемаъни элидин қочқамен»²**

Энди ўн ёшга кирган боланинг ёлғизликни яхши кўрадиган ва одамлардан бегонасирайдиган бўлиб қолганлигини кўрган ота-она бунинг сабаби — «Мантиқут-тайр» достонининг унга ҳаддан ортиқ кучли таъсир қилганлиги эканини пайқайдилар. «Тел-балик юз бермасин» деб ҳавотирланиб, китобни ундан оладилар ва Алишер тополмайдиган қилиб яширадилар.

**Лек чун ёдимда эрди ул калом,
Ёшурун такрор этар эрдим мудом.
Андин ўзга сўзга майлим оз эди,
Қуш тили бирла кўнглим ҳамроз эди»³.**

Бир неча минг мисралик бутун бир достонни ўн ёшида форс тилида ёд олганлиги — Алишер Навоийнинг зехни нақадар ўткир, хотираси қанчалик кучли бўлганлигидан далолат беради.

Фаридиддин Аттордан олган тасаввуф сабоқлари бир умр Алишер Навоийнинг ёдидан чиқмайди. Ф.Аттор Навоийдан тўрт аср олдин Хуросоннинг Нишопур шаҳрида тузилган эди. Ундан 120 минг мисра шеър ва кўпгина насрий асарлар мерос қолади. Ф.Аттор 1229 йилда Чингизхон бошлаб келган мўғул босқинчилари қўлида жожеъона ҳалок бўлади. Навоий яшаган даврда унинг мақбараси харобага айланган экан.

«Алишер Навоий Шайх Аттор сағанасини янгидан тиклаб, салобатли бир мақбара қурдиради, — деб ёзади Н.Комилов. — Давлатшоҳ Самарқандийнинг гувоҳлик беришича, бу мақбара Нишопурнинг улуғ зиёратгоҳига айланади»⁴.

Ф.Атторга Навоийнинг ихлосмандлиги унинг «Лисонут-тайр» асарида Қақнус образида янада яққол намоён бўлади.

¹ Алишер Навоий. 12 жилд. 1966 й. 9-бет.

² Алишер Навоий. «Лисонут-тайр». 1991 й. 259-бет.

³ Ўша китоб, 259-бет.

⁴ Н.Комилов. «Тасаввуф», иккинчи китоб, 1999 й. 48-бет.

Афсонавий қуш Қақнус ўзи қуйлаган ишқ оловида ёниб кетади, аммо олов ичидан янги бир қақнус ўтда қуймайдиган самандардек чиқиб келиб, аввалгисининг ишини давом этдиради.

**«Ҳар неким аввалги қушга эрди шон
Зоҳир ўлди мунда ҳам ондин нишон.
Мен демонки, ул атодур, мен ўғил,
Ул шаҳи олийсифат, мен банда-қул»¹.**

Алишер Навоий Ф.Атторни маънавий отадек улуғлаши, ўзини унинг вориси, ҳатто қули деб ҳисоблаши даҳо сиймонинг ноёб бир камтарлигини ва кимдан қандай яхши сабоқ олган бўлса уни доим эъзозлаб ёдга олишини кўрсатади.

Бу жиҳатдан унинг «Садди Искандарий» достонида форс тилида ижод қилган хамсанавис шоирлар Низомий Ганжавий ва Хисрав Деҳлавийга қилган мурожаатлари ҳам алоҳида эътиборга сазовордир:

**Кичик эканимдан бўлиб қошима,
Улуғ муддао солдингиз бошима.
Карам айлаб икки қўлум қўлдангиз,
Сўз иқлими сори мени йўлдангиз.**

Кўриниб турибдики, форсий тилда ёзилган илк «Хамса»ларни ҳам Алишер Навоий кичик ёшдан ўқий бошлаган. Бу ўқиш натижасида унда улуғ мақсад — туркий тилда ҳам «Хамса» яратиш муддаоси пайдо бўлган.

Навоий даврида «қўл» ўрнига «илик» сўзини кўпроқ ишлатишган. Айни вақтда, «икки қўлим қўлдангиз» деган ибора «қўл» сўзининг ҳам истеъмолда бўлганини кўрсатади. Бу ерда «илик» сўзи шеъринг вазнга тушмаган бўлса керак. Бундан ташқари, «илик»нинг сўнгак ичидаги иликка оид маъноси ҳам бор. Шеър эса аниқликни талаб қилади. Биз бугун «қўллаб-қувватлаш», «йўллаш» сўзларини ишлатамиз. Навоий буни «қўлдаш, йўлдаш» шаклида шеърга солади. Эҳтимол, унинг даврида бу сўзларни шу шаклда ишлатиш одат бўлгандир.

* * *

Алишер Навоий илк ғазалларини форс тилида ёзгани адабиёт тарихи китобларидан қайд этилган². У ўзининг форс тилида ёзган асарларига Фоний деб имзо қўйганлиги кўпчиликка маълум. Ғазал жанрининг оламшумул устози Хўжа Ҳофиз Шерозий эди. «Муҳокаматул луғатийн» асарида Алишер Навоий Хўжа Ҳофиз ғазалиётига олти мингдан ортиқ татаббуъ (назира, ўхшатиш) ёзганини қайд этади³.

Тоҷик олими А.Мирзоев тўғри қайд этганидек, Алишер Навоий назира жанри анъаналарига мувофиқ равишда Хўжа Ҳофизнинг энг яхши ғазалларига татаббуъ ёзар экан, улардаги маъно ва мазмунни ўзига хос тарзда мукамаллаштиради. Ижтимоий-ахлоқий муаммоларни талқин этишда ва уларга дадил баҳо беришда Навоийнинг Ҳофиздан ўзи кетган ғазаллари ҳам борлигини А.Мирзоев мисоллар билан кўрсатади. Аниқ далиллар асосида у Алишер Навоийнинг форс-тоҷик адабиётига ҳам устозлик қилиб, юксак маҳорат кўрсатганлигини исбот этади⁴.

Алишер Навоий араб тилини ҳам мукамал ўрганган. Бу тилда унга Фақиҳ Абдулайсдек устоз Самарқандда ажойиб сабоқлар берган. Шоирнинг энг машҳур ғазалларидан бири араб тилидаги сатр билан бошланади.

**Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-ҳудо,
Ёр васлин майда кўр, деб жомдин чиқди садо.**

Бу ердаги арабча сатрни «қуёш косаси тўлдирилган майда Худонинг порлоқ нурлари акс этади» деб тушуниш мумкин. Шеърдаги ҳар бир сўз тасаввуф ғоялари билан сўзоририлганлиги туркий тилдаги иккинчи мисраъда янада аниқ кўзга ташланади.

Бу матлаъда шеъринг санъатлардан тамсил усули қўлланилади. Араб тилидаги сатрда Қуёш косаси — бу коинот тимсоли. Унга тўлдирилган май — илоҳий ишқ майдир. Шоир қалбида Оллоҳга муҳаббат — коинот каби беқиёсдир.

¹ Ўша китоб, 48-бет.

² Қаралсин: «Ўзбек адабиёти тарихи», II жилд, 1978 й, 45-бет.

³ Қаралсин: Алишер Навоий, Асарлар, 16 жилд, 2000 й, 32-бет.

⁴ А.Мирзоев. Фоний ва Ҳофиз. «Навоий ва адабиёт таъсир масалалари», 1968 й, 6-бет.

Туркий тилдаги иккинчи сатрда тамсил санъати янада юқори даражага кўтарилди. Тасаввуф тилида — ёр — бу Худо. Унинг васлига интилиш — ошиқнинг олий мақсади. Бу васлга ишқ майи — Оллоҳга муҳаббат орқали етишиш мумкин. Жом — бизни ўраб олган дунё. Шу дунёдан садо келадики, ёр васлини кўрмоқчи бўлсанг, жомдаги майга қарагин.

Икки сатр шеърга шунча теран маънолар жойлангани кишини ҳайратга солади.

Бир мисраси ўзбекча, яна бир мисраси тожик-форс тилида ёзилган шеърларни ширу-шакар деб атайдилар. Юқоридагидай, бир мисраси арабча, бир мисраси туркий тилда ёзилган ғазални Навоий даврида «муламмаъ» деб атар эканлар. Бу ҳақда махсус илмий иш ёзган навоийшунос олим А.Ҳайитметов муламмаъ жанридан Алишер Навоий қандай самарали фойдаланганини ўзи қилган таржима орқали кўрсатиб беради ва ёзади:

«Навоий араб тилида фақат фикр-мулоҳазаларинигина эмас, ҳис-туйғуларини ҳам гўзал услубда ифодалаш қувватига эга бўлган».¹

Дунёда ҳамма нарсанинг қадр-қиммати қиёсий ўрганиш йўли билан аниқланади. Алишер Навоий араб ва форс тилларини мукаммал ўргангач, ўз она тилини улар билан қиёс қилади.

«Турк алфозида... олиме назарга келди, — деб ёзади шоир «Маҳокаматул луғат-тайн»да, — ўн саккиз минг оламдан ортуқ, анда зебу зийнат... тўққиз фалақдин ортуқ; анда маҳзанае (ҳазина) учради, дурлари кавокиб (юлдуз) гавҳарларидин равшанроқ, ва гулшане учради, ҳарими атрофи эл оёғи етмақдин масун (асралган)... Аммо маҳзанининг йилони хунхўр ва гулшанининг тикани беҳаду шумор... Ҳамоноки бу йилонлар неши наштаридин таъбъ аҳли хирадмандлари бу маҳзандин баҳра топмай ўтибдулар... ва бу тиконлар сарзаниши зараридин назм хайли гулбастабандлари бу гулшандин гул иликлай олмай йўл тутубдулар»².

Қатрада қуёш акс этгани каби, биз келтирган ушбу иқтибосда унинг бутун умри давомида жамланган тил бойликлари ҳақида хулосавий фикри намоён бўлади.

Навоий ўз она тилини ўн саккиз минг оламдан ҳам ортиқ деб улуғлайди. Унинг хазиначари дурларга тўла, унинг гуллари осмон юлдузларидан ҳам равшанроқ. Унинг кўп бойликларига ҳали эл оёғи етган эмас, яъни бу бойликлари очилмаган кўриқлар каби сақланиб турибди. Фақат бу тил хазиначарининг наштардай тишли илонлари ва озор берувчи тиконлари бор.

Илон ва тикон — туркий тилнинг турли шеваларида фарқлар кўплигини, шунинг учун уларни ягона бир адабий тил қоидаларига солиб тартиб бериш қийинлигини образли шаклда ифода этади. Мана шу қийинчиликни енгиб ўтолмаган таъбъ аҳли хирадмандлари туркий тил хазиначаридан баҳра ололмайдилар. Бу тилни «ёввойи», «қўпол», «шеър тили эмас» деб сарзаниш қилувчилар учрайди. Алишер Навоий туркий тилда ижод қилувчиларни «форсийгўйларнинг таън қилур сарзанишидин» қутқаришни ўзига мақсад қилиб қўяди ва бу улуғ мақсадни амалга оширганини айтади³.

Мутафаккир шоир қайси тилда ва қанақа жанрда асар ёзмасин, ҳаммасида янгилик яратади ва ҳар бир асарида ўзининг буюк истеъдодидан ёрқин нишона қолдиради.

Алишер Навоийнинг бадиий тил бобидаги энг улуғ кашфиётларидан бири шуки, у ўз асарларида туркий тилларга хос сингармон, измни араб-форс тилларидан кирган сўзларнинг узун-қисқа товушлар гармонияси билан уйғунлаштиришнинг ажойиб йўллари топган.

Машҳур «Қаро кўзум» ғазалини эслайлик. Адабий тилда «Қора кўзим» дейилади. лекин аруз вазида «қора» дейилса ҳар икки унли товуш қисқа айтилади. «Кўзум» деганда ҳам иккинчи бўгин қисқа талаффуз қилинади. Навоий бу ғазал учун танланган аруз вазидаги «мафойилун» қолипи эса ҳар икки сўзнинг иккинчи бўгинлари узун «о» «у» шаклида жаранглашини талаб қилади. Шунинг учун «қора» ўрнига «қаро» ва «кўзим» ўрнига «кўзум» сўзлари танланади. Навоий бу билан туркий тил қоидасини бузмайди, балки «қора»ни «қаро», «кўзим»ни «кўзум» деб қабул қилган шевалардан сўз олади.

«Мардумлиғ эмди фан қилғил» деган иборада ҳам «мардумлик» сўзининг «ғ» билан туташти, «энди»нинг «эмди» деб ёзилиши, «қилгин» сўзининг «қилғил» шаклида талаффуз этилиши ҳам туркий сўзлар араб-форс тилларидан кирган сўзларни аруз вази талабларига мос қилиб уйғунлаштириш имконини беради.

¹ А.Ҳайитметов. «Бир нодир ғазал малоҳати», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2001 й. 2-бет.

² Алишер Навоий, Асарлар, 16 жилд, 2000 й, 25-бет.

³ Ўша китоб, 40-бет.

Бу мисрадаги «мардум» деган форсча сўз ҳам, «фан» деган арабча сўз ҳам аслида қандай бўлса, шундай ёзилади. Қозоқ тилидаги каби «Искандар» сўзи «Ескендир» бўлиб ўзгариб кетмайди.

Навоийнинг бу борадаги улкан кашфиёти шундаки, у ҳар уч тилни мукамал билганлиги учун уларнинг ички имкониятларидан тўлиқ фойдалана олади ва ҳар уч тилнинг жозибасини бири-бирига қўшиб, уларнинг таъсир кучини уч баробар оширгандай бўлади.

Алишер Навоий ғазаллари унинг ўз ҳаёти давомида бошдан кечирган драматик воқеалар шиддатини акс эттиради. Айниқса, Султон Абусаид Мирзо Ҳиротни босиб олиб, бегуноҳ одамларни, шу жумладан Навоийнинг шоир тоғаларини ўлимга маҳкум этган машғум йиллар ғоят изтиробли шеърини сатрларда ўз ифодасини топади:

Парим бўлса учиб қочсам улусдан то қанотим бор.

Қанотим куйса учмоқдин югурсам то ҳаётим бор.

Чиқиб бу дайрдан Исоға нечун ҳамнафас бўлмай.

Биҳамдиллаҳ, тажарруд била ҳимматдин қанотим бор.

Бу ғазални атрофлича таҳлил қилган И.Ҳаққулов «шоирга самога учган Исо пайғамбар ўрнак, — деб ёзади. — У Исога ҳамнафас бўлмоқни истайди... Дайрдин чиқиб бу дунёни тарк қилмоқ ва Исога ҳамнафас бўлмоқ учун ҳам қанот керак. Шу маънода тажарруд — воз кечиш ва ҳиммат шоирнинг қаноти бўлади»¹.

Бу ерда тасаввуфга хос маъно ҳаётини воқеаларнинг моҳиятини очишга ёрдам беради. Мақолада навоийшунос А.Ҳайитметовнинг «бу ғазал Навоийнинг йигитлик даврида Султон Абусаиднинг жабру зулмидан ғоятда безиб, Ҳиротни ташлаб кетишга мажбур бўлган йилларида ёзилган» деган фикри маъқулланади. Бу фикрнинг исботи тарзида ғазалнинг охириги байти келтирилади:

Навоий, билки, шаҳ кўнгли манга қайд ўлмаса биллаҳ

Агар кавнайига хошок чоғлиқ илтифотим бор.

«Ниҳоят, бош муддао гапирилади: шоҳнинг кўнгли шоирга мойилмас. Шунинг учун унинг икки дунёга ҳам хошок чоғлиқ илтифоти йўқ»².

Бу ерда «кавнай», яъни «икки дунё» деган сўзнинг кимга нисбатан айтилаётганини аниқроқ талқин этиш зарур. Шоир дайрдин, яъни фоний дунёдан учиб кетишни истаганда бутун нажотни Исо кетган боқий дунёдан кутади. Шунинг учун унинг умуман икки дунёни ҳам хошок билан баробар кўриб, инкор этиши мумкин эмас.

Гап бу ерда шоҳнинг кавнайи тўғрисида боради. Улуғ шоирни писанд қилмаган шоҳни, яъни Султон Абусаидни шоир ҳам писанд қилмайди, унинг бутун кавнайини, шону шавкатини, икки дунёсини хошокка тенглаштиради.

Ғазалнинг умумий хулосаси шуки, шоир нажотни ердаги шоҳдан эмас, осмондаги илоҳий қудратдан излайди, шунинг учун қанот чиқариб учишни, қаноти куйса то ҳаёти борича югуриб олий нажоткор ҳузурига етиб боришни истайди.

Алишер Навоий ғазалларининг бадиий тилида Аҳмад Яссавий анъаналарининг ривожини кўрамыз.

Аввалги бобда Яссавийнинг «ўзим ғамлик, кўзим намлик, мен аламлик» деган сатрларини келтирган эдик.

Худди шу маънолар арузнинг бошқа бир вазнида Навоий томонидан янада те-ранроқ ва таъсирлироқ қилиб берилди:

Кўзум намлик, бўюм хамлик, ичим андуҳу мотамлик...

Бу ғазални атрофлича таҳлил қилган олим А.Абдуғафуров ғазал байтларидаги ички қофиялар ҳар бир мисрани тўртта тенг бўлакларга бўлиб, уларга юксак бадиийлик бахш этганига эътиборни қаратади.

1)Фалак раҳзан

2)замон душман

3)Бадан равзан

4)Уза равзан

1)Тилим лолу

2)Таним беҳол

3) Ишим афғон

4) Сиришким қон³

¹ И.Ҳаққулов, «Парим бўлса, учиб қочсам». Алишер Навоий. «Ғазаллар шарҳлар», 1991 й, 167-168-бетлар.

² Ўша китоб, 150-бет.

³ А.Абдуғафуров. «Тилим лолу сиришким қон». Алишер Навоий. «Ғазаллар ва шарҳлар» китобида. 1991 й, 143-бет.

Айрим сўзларга изоҳ берайлик:

«Раҳзан» — йўлтўсар, қароқчи. «Равзан» — тутун чиқадиган мўри. «Афғон» — фиғоннинг кўплиги. «Сиришк» — кўз ёши.

Ғазалнинг лирик қаҳрамони ўз даврининг жабру зулмларидан шу даражада безганки, замон унга душман, фалак қароқчи, шу шароитда унинг кўзидан қонли ёш оқади, фиғон чекканда чиққан тутунлар баданини мўрига айлантириб юқорига ўрлайди. Шу ўринда яна Аҳмад Яссавийнинг машҳур байтлари қайта эсга тушади:

**Ҳақиқатнинг дарёсидан кечган киши
Ўзи мунглик, кўнгли синук, кўзда ёши.
Хорлик, зорлик, машаққатдир доим иши
Ҳақ дийдорин талаб қилиб топгай, дўстлар.**

Аҳмад Яссавий шеърининг хулосаси шуки, Ҳақ дийдорига етиш йўлида инсон тортган барча хорлик, зорлик, машаққатлар уни чиниқтириб, камолга етказиши.

Худди шундай тасаввуфий хулоса Алишер Навоий ғазалининг сўнгги байтида янада ёрқинроқ шеърини шаклда ифода этилади:

**Навоий, бўлса меҳнат кўп, ичакўр жоми шират кўп,
Неча бўлса суубат кўп, қилур ваҳдат майи осон¹.**

«Шират» — янги етилган май,
«Суубат» — қийинчилик, азоб.

Ваҳдат майи, яъни илоҳий қудратга муҳаббат инсоннинг бошига тушадиган мушкилотларни осон қилади. Шунинг учун меҳнату машаққат қанча кўп бўлса, ваҳдат майдан шунча кўп ичиш керак.

Шоирнинг «Келмади» радифли машҳур ғазали ҳам:

**Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнгил уйин,
Не учунким, бода кирган уйга қайғу келмади —**

деб якунланиши тасаввуфга хос ғоянинг бадиий ифодасидир. Бу ердаги бода ҳам ваҳдат майи ва илоҳий ишқ тимсолидир. Афсуски, Навоий ғазаларидаги мана шу ботиний маънони тушунмаган одамлар «ҳаётда учрайдиган барча мушкилотларни ичкилик ичиб қайф билан енгиб ўтиш мумкин экан» деган мутлақо тескари хулоса чиқаришади.

Бундай ҳолларга барҳам бериш учун Алишер Навоий асарларининг бадиий тили ва тасвир воситаларига хос ботиний маъноларни ўқувчилар оммасига атрофлича тушунтириб бериш керак.

Навоий биринчи бўлиб қаламга олган назаркарда шайхлар орасида Исҳоқ ота, Қўрқут ота, Қилич ота, Ҳубби Ҳўжа (Хоразмдан), Темирчи ота, Кўк шайх, Бобо Хушкелди каби кўплаб мўътабар номлар бор. Она тилимиздаги бу номларнинг ўзиёқ турк оламида қанчадан-қанча ажойиб авлиё ва шайхлар бўлганидан далолат беради.

Масалан, Навоий Бобо Хушкелдининг эл орасида қуйидаги бир сабаб билан машҳур бўлганини ёзади: «Чун вабо балоси ул вилоятқа кирибдур, барча кентларга ёйилибдур, кўп халойиқ ул заҳмат била борибдурлар, аммо Бобо Хушкелди бўлур кентга доримайдур. Одамлар дебдурларки, бало билан урушдук, бало бизни босди, аммо Хушкелди ўз ғанимини босди»².

Бу сатрларда Навоий яратган мумтоз адабий тилнинг ёрқин бир намунасини кўрамыз. «Ул заҳмат била борибдурлар» ибораси «вабо заҳматидан ҳалок бўлибдилар» маъносини билдиради. «Доримайдур» деган сўз «йўламайди, юқмайди» маъносига келади.

Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат»да ориф аёллардан 35 нафарини эхтиром билан қаламга олади ва улар кўрсатган кароматлардан мисоллар келтиради. Мана, ўша мисоллардан бири: «757. Умми Муҳаммад, Шайх Абдулқодир Гилонийнинг аммасидур. Дерларки, бир қатла Гилонда қурроқлик бўлди. Халойиқ истисқога (ёмғир тилаб осмонга илтижо қилиш) чиқдилар, ёғин ёғмади. Барча халқ умми Муҳаммаднинг уйи эшикига келдилар ва ёмғир дуосини тиладилар. Умми Муҳаммад уйининг эшикин супурди ва деди: «Худоё, мен супурдим, сен сув сеп!» Оз вақт ўтмади, ёғин тутди, мешларнинг оғзини очик қўябердилар»³.

¹ Ўша китоб, 142-бет.

² Алишер Навоий, Асарлар, 17 жилд, 2001 й, 448-бет.

³ Ўша китоб, 490-491-бетлар.

Бу ерда тилнинг равои ва таъсирчанлиги мазмуннинг фавқуллода бой ва тифизлигидан келиб чиқади.

Биз бутун «қурғоқчилик» деб айтадиган сўзни Навоий «қурғоқлик» деб ёзади. Ёмғир қаттиқ ёққанда биз «челақлаб куйди» деймиз. У замонларда челақ ўрнига кўпроқ мешлар ишлатилган. Мешнинг оғзини очиб қўйса, сув ундан ҳам челақдан қуйилгандай бўлади. Мана шу манзара ўша замон тилига мос қилиб меш орқали тасвирланади.

Бу парчанинг энг ажойиб жойи — Умми Муҳаммад деган аёл уйининг олдини супуриши, «Худоё, энди сен сув сеп!» деб қисқагина дуо қилиши ва бу дуонинг ижобат бўлишидир.

Китобда ҳаммаси бўлиб саккиз сатрга жой бўлган бу ҳикоят Навоий асарларининг энг сара намуналари қаторидан ўрин олади.

Бутунги китобхон Навоийнинг шу каби содда тилда ёзилган ҳикоялари ва ҳикматларини тўлиқ тушуниб, севиб ўқийди. Аммо унинг ғазалларида ва илмий асарларида араб-форс сўзларидан таркиб топган мураккаб жумлалар ҳам оз эмаски, айрим ўқувчилар уларни тушунолмаётган қийналганларини айтадилар.

Бу қийинчиликни бартараф этишда қарс икки қўлдан чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Биринчи томондан, навоийшунос олимлар Навоий асарлари матнини ва уларнинг тилига хос маъноларни китобхонлар оmmasига тўлиқроқ изоҳлаб, тушунтириб беришлари лозим. Ҳозир бу йўналишда анча ишлар қилиняпти. Газета ва журналлар шоирнинг машҳур ғазаллари ва бошқа асарлари матнини сатрма-сатр шарҳлаш орқали батафсил талқинлар ҳам чоп этмоқдалар.

Лекин ҳали бу иш етарлик даражада кенг қўлам ва теранлик кашф этган эмас.

Иккинчидан, зукко китобхонларимиз Навоий асарларига фақат бутунги замонавий тил нуқтаи назаридан ёндошиш билан чекланмасликлари керак. Истиқдол шарофати билан тарихимиз янги асосда ўрганилмоқда. Ана шу тарихнинг узвий бир қисми — тилимиз ва адабиётимизнинг тарихидир. Тилимизнинг тарихини ўрганиш ҳали бизда кўнгилгидек ривож топгани йўқ.

Биз тушунишда қийналадиган теран маъноли мумтоз сўз санъатини Навоийнинг замондошлари бемалол тушунганлари учун юксак даражада қадрлаганлар. Абдурахмон Жомийдек форсийзабон шоир Навоийнинг кўпчилик асарларини, жумладан, «Хамса» дostonларини туркий тилда ўқиб, чексиз завқ олганлиги учун уларга энг юксак баҳоларни берган. Навоийнинг кичик замондоши Зайниддин Восифий Навоий ғазалларига куй басталаниб, кўшиқ қилиб айтилганда ўша давр кишиларига қанчалик кучли таъсир қилганини ёрқин бир лавҳада тасвирлаб беради.

Навоийнинг қуйидаги матлаъ билан бошланадиган ғазали бор:

**Дин офати ул мугбачайи моҳлиқодур,
майхораю бобок,
Ким ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,
сармасту яқом чок.**

Бу ғазалда Ҳиротнинг машҳур созандаси Хўжа Абдулла Марворид жуда таъсирли бир савт (куйнинг тури) басталаган бўлади. «У вақтда Ҳиротда бу савт ўқилмайдиган уй йўқ эди» дейди Восифий. («Ўқилмайдиган» сўзини «Навоий ғазали шу савт куйи билан кўшиқ қилиб айтилмайдиган уй йўқ эди» деб тушуниш керак). Бир базмда хушовоз хонанда ушбу ғазални савт оҳангида кўшиқ қилиб айтаётганда бутун мажлис аҳли қаттиқ таъсирланиб, жазавани ичида ёқаларини йиртган эканлар. Бу ҳолни Навоий бир туйнукдан қараб тасодифан кўрган экан. Кейин шу кўрганларига асосланган шоир куйга солинган сўзнинг таъсир кучи ҳақида «Хамса»да қуйидагиларни ёзади:

**Чекса Навоий сўзидин бир ғазал
Ким анга алфоз ўлиб оташфишон.
Базмда ул лаҳза алолани кўр,
Кўйи харобат аро гавғони кўр.
Кўрки нучукдир яқо чок айламоқ¹.**

Навоий бу ерда аввало «алфоз», яъни сўз олов сочишини, шу олов одамларнинг қалбидаги туйғуларни алангалантиришини махсус таъкидлайди.

¹ Алишер Навоий, Хамса. 1947 й, 18-19-бетлар.

Демак, Навоийнинг оловли сўзларини замондошлари тўлиқ ва теран тушунганлар. Фақат уларгина эмас, Машраб, Огаҳий, Муқимийлардан тортиб йигирманчи асрда яшаб ўтган А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва С.Айнийлар ҳам мумтоз адабиётимиз тилини жуда яхши идрок этганлар. Бунинг исбот ва далилларини улкан адиб ва олим Садриддин Айнийнинг «Хамса» дostonларининг 1947 йилги нашри учун ёзган шарҳларида кўриш мумкин.

Ҳозир биз келтирган «Сармасту яқа чок» ғазалининг шарҳи ҳам биринчи марта С.Айний томонидан юксак савияда амалга оширилган.

Фақат совет даврида савод чиқарган авлодлар мумтоз адабиётимизнинг араб ва форс тиллари билан боғлиқ бўлган тил бойликларидан сунъий равишда маҳрум қилиндилар. Аввалги даврда истеъмолда бўлган минглаб сўзлар «эскирган», «архиак», «диний», «китобий», «хурофий» деган тамғалар билан истеъмолдан чиқарилган. Уларнинг ўрнига «совет», «райком», «обком» каби сўзлар киритилди. Она тилимизда асрлар давомида ишлатиб келинган «вилоят» сўзи ҳам русча «область» сўзи билан алмаштирилди. Кириллча алифбомизда русча «щ» ҳарфи йўқ эди. Хрушев давлат бошлиғи бўлган пайтда бу ҳарф ҳам унга хушомад юзасидан алифбомизга киритилди. Хайрият, Хрушчев амалидан тушгаддан кейин тилимизга ёт бўлган бу ҳарф яна чиқариб ташланди.

Тил ва алифбо шу даражада сиёсатга тобеъ бўлиб қолганлиги тилшунослик илмига ҳам ўта салбий таъсир кўрсатди.

Шўро сиёсатидан адабий тилимизнинг темурийлар даврида мумтоз бир тараққиёт даражасига кўтарилганини тан олмаслик учун Навоий ва Бобур давридаги тилимизга «чиғатой тили» деган ғалат машҳур ном берилгани юқорида айtilган эди. Аслида бу даврни «мумтоз ўзбек тилининг олтин даври» дейилса ҳақиқатга тўғри келарди. Аммо бундай юксак баҳолар ўзбек халқининг миллий ғурурини уйғотиб қўйишидан мустамлакачилар ҳадиксираб, таъқиқ ва тазъийқни кучайтирар эди. Тилшунос олимлар ҳам бу сиёсат билан ҳисоблашишга мажбур бўлишади. Бу сиёсатта унчалик бўйсинамаган академик Н.И.Конрад, профессор Е.Д.Поливанов кабилар миллатчиликда айбланиб қатаронга учраганлари тарихдан маълумдир.

Адолат юзасидан ўзбек адабий тилининг тарихини ўрганиш ишига рус туркологлари ҳам катта ҳисса қўшганини айтиш керак. А.К.Боровков, Е.Э.Бертельс каби таниқли олимлар Алишер Навоийни ўзбек адабий тилининг асосчиси сифатида юксак даражада қадрлаганлар.

Айниқса, Е.Э.Бертельс 1925 йилда мумтоз ўзбек адабий тилига оид муҳим бир фикрни ўртага ташлаганини биз юқорида келтирган эдик.

Классик ўзбек адабий тили мавжуд бўлганини Е.Э.Бертельс фан оламида биринчилардан бўлиб қайд этган эди. Унинг фикрини ривожлантириб айтишимиз мумкинки, Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари қадимги ўзбек тилидан классик ўзбек тилига ўтишда кўприк бўлиб хизмат қилган бўлса, ундан олдин ёзилган Аҳмад Яссавий ҳикматлари ва ундан кейинги асрларда дунёга келган Рағбузийнинг «Қиссасул анбиё»си, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си, Юсуф Амирийнинг «Дахнома»си, Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулгани роз» асари, Атойи, Лutfий, Гадоий каби шоирларимизнинг туркий тилда яратган лирик асарлари қадимги ўзбек тили анъаналарини давом этдирган ва Алишер Навоий даврида шакланган классик ўзбек адабий тилига ўтишда илк мумтозлик босқичлари ҳисобланиши керак. Биз учун бу ерда муҳим бўлган нуқта Е.Э.Бертельс томонидан «классик ўзбек адабий тили» деган иборанинг илмий истеъмолга киритилганидир. Чунки ундан кейинги ўн йилликларда тилшунослар мустабид мафкура таъсирида бу тўғри илмий тушунчанинг ўрнига «чиғатой адабий тили» ёки «эски ўзбек адабий тили» деган тушунчалардан фойдаландилар. Биз Навоий асрлари тилига нисбатан «эски ўзбек тили» деган иборанинг қўлланишига ҳам тарафдор эмасмиз. Чунки Алишер Навоийни «Ўзбек адабий тили асосчиси» деб тан олганимизнинг ўзи унинг даҳоси шакллантирган адабий тил эскирмайдиган қадриятлар қаторида туришини билдиради.

Навоийнинг мактаб дарсликларига кирган ва бугунги барча авлодлар ёд олган қуйидаги шеърлари тилига эътибор берайлик:

**Билмаганин сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.**

Ёки:

**Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.**

Бу шеърлар тилини «эски ўзбек тили» деб айтиш ҳеч қайси мантиққа тўғри келмайди. Алишер Навоий ҳақида энг ажойиб илмий ишлар яратиб кетган Маҳсуд Шайхзода шоирнинг шу каби ўлмас асарларини «классик шеърят»¹ деб атагани бежиз эмас.

Энди «классик» ёки «мумтоз» деган сўзларнинг маъносига батафсилроқ тўхта-лайлик.

Ғарб тилларида «классика» деганда ҳар жиҳатдан ўрناق бўладиган етук, мукам-мал асарлар назарда тутилади. «Классик» тушунчаси адабий тилларга нисбатан ҳам тадбиқ этилади. Қадимги даврда илму фан ва бадий адабиётнинг энг классик наму-налари лотин ва юнон тилларида яратилган эди. Шунинг учун бу тилларни классик адабий тиллар деб аташган. Лотин ва юнон филологияси классик филология номини олган.²

Шарқ илму фанида ва бадий адабиётида «классика» тушунчасини «мумтоз» сўзи билан ифодалаш одат бўлган. Араб тили илму фанда, форс тили эса шеърятда мумтоз тиллар деб тан олинган.

Масалан, «Фарҳанги забони тожик»да «мумтоз» сўзи «ўрнакли, афзалиятли, сара, мукаммал» маъноларини билдириши айtilган.³

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «мумтоз» сўзига чекланган мафкуравий изоҳ берилади: «бирор фазилати, яхши томони билан бошқалардан ажралиб турадиган афзалликларга эга бўлган одам...» Жумланинг охири мантиқан бош қисмини инкор этади. «Афзалликлар қандай қилиб бирон фазилатнинг яхши томони» бўла олади? «Мумтоз» сўзи бу ерда фақат одамга нисбатан қўлланилади. Ҳабибийдан келтирилган мисолда эса «мумтоз» сўзи бутун партияга нисбатан айтилади:

**Янги йўлнинг раҳнамоси партия устозимиз
Ақлу донишда ягона мисли йўқ мумтозимиз.⁴**

Шоир Ҳабибий «мумтоз» сўзини замона зайли билан партияга нисбатан тадбиқ этган бўлса ҳам, унинг асл маъносини тўғри тушуниб ишлатган. Мумтозлик — чиндан ҳам мисли йўқ нодир бир афзалиятки, ғарб адабиётларидаги «классика» деган тушунчага мос келади.

Биз шу фикрдан келиб чиққан ҳолда Е.Э.Бертельс илмий истеъмолга киритган «классик ўзбек адабий тили» иборасини «мумтоз ўзбек адабий тили» шаклида ишла-тишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Адабий тилимизда асрлар давомида тўпланган тил бойликлари ва қоидалари Алишер Навоий ижодида умумлашган бир синтез ҳолига келди. Аста-секин юз бер-ган миқдорий ўзгаришлар буюк даҳонинг қаҳрамонона меҳнатлари билан сифат ўзга-ришига айланади. Навоий даврида юксак тараққиёт босқичига кўтарилади.

Шарқ оламида форс-тожик адабий тилини Фирдавсий, Низомий, Жомий каби дostonнавислар, Саъдий Шерозий, Хўжа Ҳофиз каби газалнавислар, Фаридиддин Аттор каби тасаввуф устозлари ўз буюк ижодлари билан мумтозлик даражасига кўтарган эдилар. Туркийзабон адабиётда «Хамса» жанри тилини ҳам, ғазалнавислик ва тасаввуфий шеърят тилини ҳам, «Насойимул муҳаббат», «Маҳбубул кулуб», «Му-ҳокаматул луғатайн» каби илмий-фалсафий асарлар тилини ҳам Алишер Навоий мумтозлик чўққиларига олиб чиқди. Она тилимизда «Муншоат» деган янги жанр ҳам, аруз илмига оид «Мезонул авзон» номли илмий-бадий тур ҳам Навоий томонидан кашф этилди. Иш юритишга оид юридик тилнинг мумтоз намунасини биринчи бўлиб Алишер Навоий «Вақфийя» асарида шакллантириб берди.

Албатта, Алишер Навоий шундай улуғ ишларни амалга ошириши учун қулай тарихий шароит ва ижодий муҳит зарур эди. Амир Темур ва унинг маърифатли ворислари туркийзабон адабиётнинг ривожланиши учун яхши шароитлар яратиб бер-ганликлари, айниқса, Ҳусайн Бойқаронинг Алишер Навоийга қандай яхшиликлар қилганига қатор мисоллар келтириш мумкин.

«Мажолисун нафоис» асарида номлари қаламга олинган ўнлаб истеъдодли фозил кишилар Алишер Навоийни қўллаб-қувватлаб турган тараққийпарвар ижодий муҳит вазифасини бажарди.

Шу омилларнинг ҳаммаси бирлашиб, Навоий даврида мумтоз ўзбек адабий тили-нинг шаклланишига имкон яратди.

¹ Маҳсуд Шайхзода, Асарлар, Тўртинчи жилд, 16 ва 156-бетлар.

² Қаралсин: «Русча-Ўзбекча луғат». 1983 й. 436-437-бетлари.

³ «Фарҳанги забони тожик», 1969 й. 731-бет.

⁴ «Ўзбек тилининг луғати». 1981 й. 470-бет.

Ўрни келганда айтиш жоизки, бутун дунёда мумтоз адабий тил яратган халқлар унча кўп эмас. Чунки мумтоз адабий тилнинг яратилиши ва ривожланиши Ренессанс деб аталадиган ва ҳар минг йилда бир неча мартагина юз берадиган мустасно маданий юксалиш ҳодисалари билан боғлиқдир.

«Хамса» дostonларининг миллий ва умуминсоний аҳамияти тўғрисида академик Н.И.Конрад теран фикрлар билдирган. Унинг танланган асарларида «Марказий шарқ Уйғониши ва Алишер Навоий» деган мақола босилиб чиққан. Бу мақолада: «Амир Темур тузган давлат Александр Македонский руҳини қайта тиклагандай бўлди, — дейилади. — Фақат бу қайта тикланиш маданий соҳада Ренессанс шақлини олади ва Алишер Навоий «Хамса»сида ўз мужассамини топади... XV аср Алишер Навоий яшаган минтақада Ренессанс асри бўлди. Ўрта асрлар ўтмишга айланган бу даврда миллий давлатлар пайдо бўлади, халқ миллатга айлана бошайди...

Ўзбеклар учун бу ҳодиса айнан Алишер Навоий ижодидан бошланди».¹

Н.И.Конрад ўзининг бу фикрига исбот тарзида «Фарҳод ва Ширин» дostonидан олинган машҳур сатрларни келтиради:

**Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур.
Муайян турк улуси худ менингдур.
Кўнгил бермиш сўзимга туркжон ҳам.
Не ёлғиз турк, балки туркмон ҳам.**

Академик Н.И.Конрад келтирган бу сатрларга яна бир машҳур академик Садриддин Айний нозик нуқтадонлик билан шундай изоҳ беради:

«Навоий бу байтдаги «юз» ва «минг» сўзларини ҳам саноқ маъносида, ҳам маълум ўзбек қабилаларининг номлари маъносида ишлатган».

Чиндан ҳам, ўзбек халқи таркибига кирган туқсон икки қавмнинг бири юз, бири минг, яна бири турк деб аталади.

С.Айний юқоридаги фикрини қуйидагича давом этдиради:

«Навоий асарларида «турк» сўзи кўп ишлатилади» Автор бу сўз билан кўпроқ Ўрта Осиёдаги бутунги ўзбекларнинг боболарини назарда тутди. Чунки агар унинг мақсади умуман туркий тилда гапирадиганлар бўлса эди, охириги икки мисрада туркмонни туркдан ажратиб кўрсатмас эди, «кўнгил бермиш сўзимга не ёлғиз туркжон, балки туркмон ҳам» демас эди».²

Албатта, Алишер Навоий ўзбек мумтоз адабиёти ва адабий тилининг асосчиси бўлиш билан бирга, унинг барча туркий халқлар адабиёти ва адабий тили ривожига катта ҳисса қўшганлиги шубҳасиздир.

Мумтоз адабий тил масаласига қайтайлик.

Қадимги юнон тарихидаги Ренессанс юксалишлари Искандар — Александр Македонский фаолияти билан боғлиқ бўлгани каби, Навоий давридаги маданий юксалишлар Амир Темур фаолиятига алоқадор эканини Н. И.Конрад тўғри кўрсатиб ўтган.

Александр Македонский ва унинг устози Арасту даврида қадимги юнон тили мумтоз тилга айланган ва бу тилда Сукрот, Афлотун, Софокл ўзларининг улуғ асарларини ёзган эдилар. Аммо Александр Македонский вафот этгандан кейин «варварлар» деб аталадиган маданий жиҳатдан қоқоқ кучлар давлат тепасига келади. Улар туфайли бошланган маданий инқироз узоқ асрларга чўзилади.

Шундай даврлар бўладики, Афлотун ва Арасту каби қадимги юнон алломаларининг асарлари ўз ватанларида йўқолиб кетади. Аммо бу орада уларнинг асарлари араб тилига таржима қилинган бўлади. Абу Наср Форобий даврларида (IX) Арасту-Аристотель мусулмон оламида «устози аввал» деб улуғланади. Европа халқлари X асрларда унинг асарларини араб тилидан ўз тилларига қайта таржима қилиб ўқийдилар. Чунки маданий инқироз асрларида бу асарларнинг аслияти унутилади. Классик юнон тили янги Грецияда истеъмолдан чиқади. Классик лотин тили ҳам «ўлик» тилга айланади, фақат илм-фанда, тиббиётда, рецептлар ёзишда қўлланилади.

Мана шу ҳодисалар «варварлар» деб аталадиган жоҳил кучлар ҳукмронлиги узоқ давом этганда мумтоз адабий тиллар тақдирида ҳалокатли узилишлар юз беришини кўрсатади. Кейинчалик Европада «Возрождение» деб аталадиган Уйғониш даври бошланади, қадимги юнон мутафаккирларининг асарларини аслиятда ўқийдиган мутахассислар етишиб чиқади. Лекин энди классик лотин ва юнон тиллари одамлар кундалик ҳаётда фойдаланмайдиган, фақат китоблардан ўқиб ўрганиладиган «ўлик» тилларга айланади.

¹ Н.И.Конрад. Танланган асарлар. М., 1978. 96-97-бетлар.

² Алишер Навоий, «Хамса», 1947 й. 190-бет.

Мана шундай ҳодиса Шарқда Ҳиндистонда бир вақтлар кенг истеъмолда бўлган классик тил — санскрит тили тақдирида ҳам юз беради.

Алишер Навоий асос солган мумтоз адабий тилимиз бундай ҳалокатли ҳодисалардан омон қолиши учун бу тилни ҳаётга кенг жорий этадиган, унинг авлоддан-авлодга ўтган сари такомиллашиб боришини таъмин этадиган янги ижодий кучлар ва адабий даҳолар тарих саҳнасига чиқиши керак эди. Ўзбек адабиёти, тили ва тарихининг толеъига орадан кўп вақт ўтмай Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоийнинг буюк ишларини давом этдиришга қодир бўлган янги бир даҳо сифатида майдонга чиқди.

МУМТОЗ ТИЛИМИЗ ЖАҲОН КЕНГЛИКЛАРИДА

Бобур Мирзо ўзи подшо бўгани учун ҳеч кимга тобеъ эмас эди, ижод жараёнида ўзини бутунлай мустақил ҳис қилар ва эркин қалам тебратарди. Ўша даврнинг кўпгина сарой шоирларида бўлмаган ижод эркинлиги Бобур Мирзода бор эди.

Мана шу омил унинг асарлари, айниқса, «Бобурнома»си бошдан охиригача ҳаётий ҳақиқатга асосланган чинакам реалистик ижод намуналари бўлишига имкон яратди.

Бу имкониятнинг юзага чиқишида Бобурнинг даҳо даражасидаги истеъдоди ва тил бойликларидан санъаткорона фойдалана олиш маҳорати ҳал қилувчи омиллар қаторига киради. Бобурнинг қанчалик буюк сўз санъаткори эканини фақат биз, унинг асарларини аслиятда ўқийдиганларгина эмас, балки бошқа тилларга қилинган таржималарни ўқийдиганлар ҳам чуқур ҳис қилишларини Уильям Эрскин ёзган куйидаги мисолда кўриш мумкин:

«Бобур бирор шахс ҳақида сўз юритадиган бўлса, унинг шакл-шамойили, кийиниши, диди, одатларини шундай ҳаққоний тафсилотлар билан тасвирлаб берадики, биз худди бу одамни ҳаётда кўргандай, у билан бирга яшагандай бўламиз. Бобур ўз кўзи билан кўрган мамлакатлар манзарасини, иқлимини, ўзига хос ҳаёт тарзини, саноати ва иқтисодини, санъат обидаларини шунчалик аниқ ва тугал тасвирлаб берганки, махсус шу жойларни кезган сайёҳлар ҳам улар ҳақида бунчалик мукамал тасаввур бера олма-салар керак»¹.

Бобурнинг табиатида сайёҳлик иштиёқи кучли бўлган. Айни вақтда, унинг санъаткорлик кўзи жуда ўткир, диди ниҳоятда балеанд, ҳар бир нарсанинг моҳиятига тез етиб бораоладиган олимлик қобилияти гоё кучли бўлган. Кўрган-билган нарсасини сўз билан суратга олгандай аниқ тасвирлаб бераоладиган адиблик истеъдоди юқоридаги фазилатларнинг ҳаммасини бирлаштириб, қомусий билимларга тўла адабий асарни майдонга келтирган.

Ҳинд олимлари Н.К.Синх ва А.У.Банержи «Бобурнома» хусусида шундай дейдилар:

«Унинг услуби содда ва жозибали, тили жонли ва ширали. Бобур ўз ватандошлари ва замондошлари ҳаётини, маънавий қиёфасини, урф-одатлари, орзу-истаклари ва қилган ишларини худди кўзгу каби аниқ акс эттиради. Бу жиҳатдан «Бобурнома» бутун Осиёда ҳақиқий тарихий тасвирнинг якка-ю, ягона намунаси»².

Инглиз ва ҳинд олимлари «Бобурнома»нинг тили ва тасвир воситалари ҳақида берган бу юксак баҳолар мумтоз адабий тилимизнинг жаҳон миқёсига чиққанини кўрсатувчи ёрқин далиллардир.

Ҳинд олимлари «тарихий тасвир» деганда тарихнинг бадиий тасвирини назарда тутганлари сезилиб турибди. Чунки «Бобурнома» тарихни бадиий тил воситасида жонлантириб кўрсатувчи адабий асардир. Фақат бу эмас, Бобурнинг ўзи ҳам шиддатли тарихий жараёнларнинг ичида юрган, Марказий Осиёда, Афғонистон ва Ҳиндистонда ўттиз йил давомида юз берган катта ўзгаришларнинг нафақат иштирокчиси, сабабчиси ҳам бўлган эпик қаҳрамондир. Шунинг учун «Бобурнома»ни роман-эпопея деб аташ мумкин. Эпопеянинг бош қаҳрамони эса Бобурнинг ўзидир.

Эпопея Бобурнинг ўн икки ёшида Андижонда тахтга чиқиши билан бошланади.

Ҳиротда Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро туркий тилни кенг жорий этишга қанчалик ҳаракат қилмасинлар, давлат иши ва мактаб дарслари ҳали ҳам араб ва форс тилларида олиб бориладди. Туркий тилда дарсликлар йўқ, шунинг учун мактаб-мадрасаларда араб, форс тиллари ҳукмрон эди. Ёшлиқдан шунга ўргатилган одамлар кўпроқ форс тилидаги китобларни ўқир эдилар.

¹ Уильям Эрскин. «Бобур Ҳиндистонда». Ўзбекча таржимаси. Ф.Сотимовники. 1995 й. 105-бет.

² Н.К.Синх, А.У.Банержи. «Ҳиндистон тарихи» М., 1954, 214-бет.

Бобур ўз отаси Умаршайх Мирзо ҳақида ёзади: «Равон саводи бор эди... Аксар «Шоҳнома» ўқир эди»¹. Бобурнинг ўзи ҳам ёшлиқда кўпроқ форсий тилдаги шеърларни ёд олади. Масалан, 1499-1500 йил воқеалари ҳикоя қилинган бобда ёзади:

«Ул маҳаллар бирор байт, иккирор байт форсийда айтур эдим. Бу байтни анда айтиб эдим:

**Ҳеч кас чун ман харобу ошиқу расво мабод,
Ҳеч маҳбубе чу ту бераҳму бепарво мабод.**

Таржимаси:

**Ҳеч ким менингдек харобу ошиқу расво
бўлмасин,
Ҳеч ким сен каби бераҳму бепарво бўлмасин.**

Бу байт ўзбек тилига шундай осон таржима қилинадик, Бобур уни ўзбекча ўйлаб, форсча айтгандек туюлади.

Бобурнинг тили Навоий тилига нисбатан содда, жонли сўзлашув тилига яқин. Шунинг учун китобий тилда «эрди», «эрдим» деб ёзиладиган сўзлар қисқароқ тарзда «эди», «эдим» деб ёзилади. Бу ҳаммаси Бобур Мирзонинг адабий тилимиз сарчашмаларига ватан бўлган Андижонда туғулиб ўсанлиги, Тошкент ва Самарқандларда яшанганлиги билан ҳам боғлиқдир.

Яна бир кўзга ташланадиган хусусият: «бирор» «иккирор» деган иборада учрайди. Бугун «бирор» деймиз, аммо «иккирор» деб ёзмаймиз. Бобур даврида «иккирор» деб ёзиш ҳам адабий тилда қабул қилинган қоида эканлиги ёки бу қоиданинг оғзаки нутқда қўлланилиши тил тарихини ўрганиш нуқтаи назаридан эътиборга лойиқ.

Бобур умрида биринчи марта ёзган юқоридаги шеърий байтнинг фаройиб бир ҳаётий сабаби бўлган экан. Бобур ўзининг ростгўй бўлиш ҳақидаги аҳдига амал қилиб, бу воқеани ҳам умр китобида ҳаққоний тасвир этади:

«...Бир ўрду бозорийнинг ўғли бор эди. Бобурий отлиқ. Оти ҳам тавре муносиб тушуб эди. Мен анга ғариб майл пайдо қилдим...Аҳёнан Бобурий менинг қошимга келур эди, вале мен ҳаё ва ҳижоб (поклик пардаси) жиҳатидан Бобурий сори туз (тик) боқа олмас эдим, чи жойи улким ихтилот (муомала қилмоқ, ўртоқлашмоқ) ва ҳикоят қила олмаймен.

Бир кун ўшал меҳр ва муҳаббат авонида (пайтида) жамъе (жамоат) ҳамроҳ эдилар, бир кўчада келадур эдим, баякбор (тўсатдан) Бобурий рўбарў учрай тушди. Манга инфоилдин (ҳаёдан) аңдоқ ҳол бўлдимки, яқин эдимким, эригаймен. Туз боқмоқлик ёки сўз қотмоқликнинг худ имкони йўқ эди. Юз ҳижоб ва ташвиш била ўтилди»².

Тўпорироқ одам бу ҳодисадаги нозик ҳолатларни нотўғри тушуниши мумкин. Ўша кезде Бобур 17 ёшар йигит бўлган. Ўрду бозор шаҳар марказида бўлади. Шу бозор хизматчисининг ўғли Бобурий ўта жозибали йигит бўлган деб тахмин қилиш мумкин.

Бобур ўн етти ёшга киргунча Самарқандга бир марта юриш қилиб, уни эгаллайди, кейин вазият ёмонлашганда уни ташлаб чиқиб, Фарғона водийсига қайтади, Аҳмад Танбал билан мардона олишиб, ота юртини қайтадан қўлга киритади.

Ҳали уйланмаган мана шу ботир йигитнинг ишқи бирдан бошқа бир чиройли йигитга тушади. Бунинг ғайритабий ҳодиса эканидан Бобур ўзи уялади, «ҳаё ва ҳижоб (поклик пардаси) у йигит билан муомала қилишга, ҳатто унга ботиниб кўз ташлашга йўл бермайди. Орада бирор оғиз гап-сўз бўлмайди. Фақат юзма-юз келиб қолганда Бобур ҳаяжонининг зўридан «яқин эдиким эригаймен» деб тан олади.

Парчада икки марта ишлатилган қадимий туркий сўз «туз» Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғати турк»ида «тик, тўғри» деган маънони биддириши айтилган. Қирғиз тилида «туз» сўзи ҳозир ҳам шу маънода қўлланилади. Андижон шеvasида ҳам «туз» сўзи ҳанузгача «тўғри, текис» маъносида ишлатилади.

Бобур Мирзо меҳри тушган Бобурийга ботиниб тик қарай олмай, унинг ёнидан юз ҳижоб ва ташвиш билан ўтади.

¹ «Бобурнома», 1960, 64-бет.

² Ўша китоб, 132-бет.

Форсий тилда битилган байтда ўзининг бу ҳолатини «ҳеч ким менингдек ошиқу расво бўлмасин» деб ўзини маломат қилгандай бўлади.

Бундай маломатларга мумтоз шеърятимизда камтарлик ва фақирлик белгилари деб қаралган. «Маломатия» деган махсус тариқат ҳам бўлган. Навоий ғазалларида ҳам «ҳеч ким менингдек ошиқу расво бўлмасин» деган сатрлар учрайди. Ҳатто Навоийнинг гўзал йигит образини улуғлайдиган «йигит» радифли шеърлари ҳам бор.

Бундай шеърларга жўн, тўпари нуқтаи назардан эмас, тасаввуф билан боғлиқ бўлган илоҳий ишқ нуқтаи назаридан ёндашиш зарур. Тасаввуф таълимоти бўйича гўзал қиз ҳам, гўзал йигит ҳам комил инсон бўлиши ва илоҳий қудратга яқинлашиши мумкин. Жинсидан қатъи назар, улардаги комил инсонлик жозибасига ошиқ бўлиш — Ҳақ дийдорига яқинлашиш воситаси ҳисобланган.

Бобур Мирзо ҳам Бобурий номли йигитда гўзал инсон қиёфасидаги илоҳий бир жозиблага ошиқ бўлган. Илоҳий ишқ учқунлари унинг қалбига тушиб, шоирлик истеъдодини аланга олдирган. Поклик пардаси ичидаги бу алангадан унинг тани эриб кетгудек бўлганини ёзган.

Бобур Мирзо ўзининг бу психологик кечинмаларини худди реалистик романлардаги каби нозик товланишларигагина тасвирлаб бергани кишини қойил қолдиради.

Бобур Мирзо сўз орқали одамнинг ўзини кўриш мумкин деб ҳисоблаган. «Ҳар вақтки кўргайсен менинг сўзимни» деган сатрда сўз кўринадиган бир мавжудот сифатида баҳоланади. Албатта, сўзнинг шакли фақат қоғозда кўринади, аммо сўзнинг ички мазмунида сурати чизилган тасвир ҳам бор. Бу тасвирда Бобурнинг ҳаёти, бошидан кечирганлари, унинг тилида акс этган дили, феъли-атвори, ички кечинмалари — ҳаммаси мавжуд. Бобур шуни ҳисобга олиб, «сўзимни ўқиганда ўзимни кўргандай бўласен» («соғингайсен ўзимни») дейди.

Бадий тилга бундай тирик жон ато қилишга фақат даҳо даражасидаги реалистик адибларгина муяссар бўладилар. Ажойиби шундаки, «Бобурнома» мемуар асар сифатида Бобур шеърятининг ҳаётини асосларини очиб беради ва шу билан уларнинг таъсир кучини оширади. Бобурнинг шеърий асарлари эса унинг насрий асарида айтилмаган ички кечинмалари ва қалб тўғёнларини шеърят воситалари билан янада таъсирлироқ қилиб ифода этади.

«Бобурнома»да 1506-1507 йил воқеалари орасида қиш кунинда Ҳиротдан Қобулга қорли довондан ошиб ўтиб бориш машаққати тасвирланади. Бир ҳафта давомида қор тепиб йўл очиб борадилар. Қор кўкракка уради. Отлар юролмайди. Довон тепасида қор бўрони кучайиб кетади. Совуқ беҳад қаттиқ. Баъзи бек ва навкарларнинг қўлоғини совуқ уради. Бобурни тор бир тоғ камарида паналашга ундайдилар. «Кўнгулга кечдиким, борча эл қорда ва чопқунда, мен иссиқ уйда истироҳат била... Муруватдин йироқ ва ҳамжихатликдин қироқ ишдуру. Мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса турайин... Хуфтонғача қор онча чопқилаб ёғдики, бошимга ва қулоқларимнинг устига тўрт энлик қор бор эди... Ўшала кеча қулоғимга совуқ таъсир қилди».¹

«Андоқеким, борчага ўлим хавфи бўлди», дейди Бобур довон устидаги хатарли аҳволни яқунлаб. Яна шу оғир вазиятда у шеърятдан мадад олади. Энг етуқ ғазалларидан бирининг матлаи ўша машаққатли дамларда топилди. Бу ҳақда муаллиф ўзи шундай гувоҳлик беради.

«Муддатул умр (бутун умр давомида) мунча машаққат камроқ тортилиб эди. Бу матлаъни ўша фурсатда айтилди:

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдимۇ?

Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси қолдимۇ?

Довонга кўтарилишда энг паҳлавон йигитлар қатори бир ҳафта қор тепиб машаққат чекгани — бир мардлик. Эрдан ажрашгиси келмай хатарли жойда қолгани яна бир мардлик. Ўшанда Бобурнинг қулоғига совуқ ёмон таъсир қилади. Бунинг асорати Ҳиндистонга борганда ҳам билинади. Иссиқ мамлакатда ҳам қулоқ оғриғидан қийналганларини, симоб қўшилган дорилардан истеъмол қилганини орадан йигирма йил ўтгач, 1628 йил воқеаларида ёзади. Симоб эса қулоқ орқали асаб тизимига салбий таъсир қилишини у даврдаги табиблар билмаган бўлишлари мумкин. Умрининг охирида Бобурни кўп қийнаган уйқусизликларига шу қулоқ оғриғини даволаш учун истеъмол қилинган симоб сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Довон устида топилган шеърий байтга қайтайлик. Бу байт Бобур қалбининг тўғени. «Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдимۇ?» деган нидо Яратганга ҳам

¹ Ўша китоб, 256-258-бетлар.

рахм-шафқат сўраб қилинган муножотдек туюлади. Бу байт ўлим билан юзма-юз турган одам томонидан айтилаётгани наср билан ёзилган тасвирда яққол кўрсатилганлиги учун Бобур қалбининг ўша пайтдаги нидоси бизни ларзага солади.

Фазалнинг охириги байти — мақтаси янада кучли таассуротлар уйғотади:

**Эй, кўнги, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,
Тенгри учун де бу оламнинг сафоси қолдимۇ?**

«Бобурнома»да тасвирланган ўта драматик воқеалар, улуғ бир истеъдод ўз ватанидан жудо бўлиб, ўзга юртларга кетиши, атрофдаги одамларнинг хоинликлари ва бошқа минг хил салбий ҳодисалар бу мард сиймони ҳам жонидан тўйдирган пайтлар бўлганлиги сўнгги байтда яққол сезилиб туради.

Айни пайтда, Бобурнинг азоб-уқубатга тўла фоний оламдан кўра «ул оламни», яъни боқий дунёни афзал кўриши тасаввуф таълимотига ҳам мос келади. Бобурнинг нақшбандия тариқатига ихлос кўйганлиги ва бу тариқатнинг ўша даврдаги энг йирик намояндаси Хўжа Аҳрорга эътиқоди бўлганлиги «Бобурнома»нинг бир қанча ўринларида кўрсатиб ўтилади.

* * *

Бобур Мирзо Ҳиндистонда улуғ давлат барпо этар экан, бу мамлакат халқининг тилини ўрганишга, ички урушлар, диний ва миллий низолардан инқирозга учраган қадимий Ҳинд маданиятини қайта тиклаб, ривожлантиришга алоҳида эътибор берди.

Ҳиндистонда аҳоли кўп, турли касб-ҳунар эгалари, истеъдод ва салоҳият қонлари беҳисоб. Бойлигининг улканлигини Бобур Мирзо шундан ҳам биладики, Турон томонларда истеъмолда бўлмаган беҳад катта сонлар Ҳиндистонда бор. Масалан, бир курур — юз лак, яъни ўн миллион. Минг миллионни — арб дейдилар. Бу миллиардга тўғри келади. Юз арбни бир қарб дейдилар. Бу юз миллиарддир. Нип — триллион. Падам — квадриллион. Мана шундай улкан сонларнинг номлари «Бобурнома»да янги атамалар сифатида келтирилган.

Ҳинд дарёларида кемалар кўп сузади. Уларга ном танлашда ҳам Бобур Мирзо она тилимизга мос тушадиган сўзлар топади. Подшоҳона оро берилган хос кема «Оройиш» деб аталади. Қабул маросимлари ўтказиладиган сифими катта кемага «Гунжойиш» номи берилади. Бу сўзнинг урдучада «сифими кенг» деган маъноси бор. Осида дам олишга мўлжалланган кемага Бобур Мирзо «Осойиш» деб ном қўяди. Тезкор топшириқларни бажарадиган тўртинчи кема «Фармойиш» деб аталади. Бу сўзларнинг ҳаммасида Бобур Мирзога хос миллий руҳ ва шоиртабиат сиймонинг нафис диди сезилиб туради.

Ҳазрати Амир Темури Самарқанд атрофида ўн иккита машҳур боғ барпо қилган эканлар. Унинг бу анъанасини Ҳиротда Шохрух Мирзо ва Ҳусайн Бойқаро, Самарқандда Улуғбек Мирзо давом этдириб, яна ўндан ортиқ машҳур боғлар бунёд этганликлари ва уларни чиройли номлар билан атаганликлари тарихдан маълумдир.

Бобур Мирзо машҳур темурийларнинг мана шу бунёдкорлик анъаналарини Афғонистон ва Ҳиндистонда янада кенг кўламда давом этдиради.

Бобур Мирзо бир қадар осудароқ ҳаёт кечирган ва боғ барпо этиш ишларига кўпроқ вақт ажратган мамлакат Кобулистон бўлган. Бобур яшаган даврда Кобул ва унинг атрофлари Кобулистон деб аталарди. Ҳайбар довонининг жанубида кўпроқ пуштун қабилалари яшайдиган жойларга Афғонистон номи берилган эди. Шунинг учун «Бобурнома»да Кобул фақат пойтахт эмас, алоҳида бир мамлакат сифатида қаламга олинади.

Кобул ва унинг атрофларида Бобур бунёд этдирган ва ном берган боғлар ҳам Самарқанд атрофида Амир Темури бунёд этдирган боғлар каби, асосан ўн иккита бўлган. Булардан энг машҳури Боғи Бобур, Уқабайн тоғи устида. Самарқанддаги каби бу ерда ҳам гўзал боғлардан бирига «Боғи Биҳишт» номи берилган. Гулгина мавзеидаги боғ «Боғи Гулгина» деб аталган. Эрта баҳорда бинафша ҳидига тўладиган боғ «Боғи бинафша» номини олган. Дарё бўйида давлатхонага яқин жойда бунёд этилган боғ ўзбек тилида «Ўрта боғ» деб аталган. «Ўрта» сўзи «ўрда» деб ҳам талаффуз этилади ва марказ маъносини билдиради.

Боғ ичидаги қасрга суратлар чиздириш ҳам Амир Темури тажрибасида кўрилган эди. Бобур Мирзо Кобулда кўшк суратлар билан безатилган бир боғ қурдириб, унга «Суратхона» деб ном беради. Суюкли ёрлар учрашадиган боғ «Боғи хилват» деб аталади. Йўнғичқанинг нафармон гуллари билан безаладиган боғ «Боғи йўнғичқа» дейилади. Ойдинда яхши кўринадиган боғ «Боғи моҳтоб» номини олади.

Тоғ этагидаги боғлардан бирига чиройли кийиклар келтириб боқилади. Бобур Мирзо уларни овлаб, гўштини ейишдан кўра, бу гўзал жониворларни тирик ҳолда томоша қилишни афзал кўради. Шунинг учун бу боққа «Боғи оухона» номи берилди ва кийикларни боқадиган, авайлаб асрайдиган махсус одамлар тайинланади.

Кобулдан 30 чақирим жанубдаги Одинапур қальъаси ёнида баҳаво бир баландлик устига Бобур томонидан бунёд этилган «Боғи вафо» ва унда Бобур даврида экилган ва беш юз ёшга кирган чинорлар ҳамон бор экан.

Бхира вилоятининг энг гўзал кўллари, булоқлари ва ўрмонзорлари орасида Бобур Мирзо барпо этган бир боғ «Боғи сафо» деб аталади. Бу боғ яқинидаги қишлоқ ҳам «Боғи сафо» номини олади.

Бобур Мирзо Ҳиндистонда тўрт йилгина яшаган, шунга қарамай бу ерда ҳам ўндан ортиқ боғ ва қасрлар барпо этишга улгурган. Аграда Зарафшон боғи, Ҳашт Биҳшт, Ором боғ, Зуҳра боғ шулар жумласидандир. Фатхпур Секридаги Боғи Фатх ва Деҳалпурдаги Боғи Нилуфар ҳам Бобур Мирзо даҳосининг гўзал маҳсуллари сифатида тарихга кирган.

Биз боғларга берилган номларга ва уларнинг маъною мазмунларига атайлаб ба- тафсил тўхтадик. Чунки бу номларда миллий ва умуминсоний миқёслар қатрада кўринган қуёшдек акс этиб туради.

ХОТИМА

Амир Темурнинг тарих саҳнасига чиққан кезларидан (XIV асрнинг олтишинчи йиллари) то Бобур Мирзонинг боқий дунёга кетганига қадар ўтган бир ярим асрдан ортиқ даврда адабий тилимиз тараққиёти Ренессанс деб аталадиган улкан маданий юксалиш жараёнларига қўшилиб борди. Алишер Навоий ва Бобур Мирзо каби сўз санъаткорлари Фарбдаги Уйғониш даврининг етакчи вакиллари бўлган А.Данте, Ф.Рабле, В.Шекспирлар даражасидаги улуғ асарлари билан ўзбек халқининг ягона миллат бўлиб шаклланишига маънавий асос бўладиган мумтоз адабий тил яратдилар.

Академик Н.И.Конрад ўзбек халқининг миллат бўлиб шаклланишини илк бор Алишер Навоий ижодидан, унинг «Хамса»сидан бошланган» деб ёзгани бежиз эмас.

Алишер Навоий ва Бобур Мирзолардан кейин узоқ давом этган ички пароканда- лик ва мустамлака зулми ўзбек халқининг ягона миллат бўлиб шаклланишига йўл бермай келди.

Лекин ўша инқирозли асрларда ҳам халқимиз орасидан чиққан фозил кишилар Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Машраб, Огаҳий, Нодирабегим каби ўлмас сиймола- римиз яратган асарларни қўлдан қўймай ўқидилар ва халқ орасида тарғиб қилдилар.

Айниқса, XX асрда тарих саҳнасига чиққан маърифатпарварлар кўп асрлардан буён араб-форс тилларида олиб борилган ўқиш-ўқитиш ишларини ўзбек тили асосига ўтка- зишда фидойилик кўрсатдилар. Янги авлодларга ўз она тилларида таълим беришнинг аҳамияти нақадар катта эканлигини Абдулла Авлоний ва Маҳмудхўжа Бехбудий каби маърифатпарварлар ўз газета-журналлари ва педагогик фаолиятлари ёрдамида бутун халққа тушунтирдилар.

Абдулла Қодирий ўзининг биринчи шеърий асарини «Миллатимга» деб атайди. Чўлпон ва Фитрат ҳам ўз асарлари билан халқимизнинг миллий туйғусини уйғотиш йўлида улкан жасорат кўрсатдилар. Ватанпарвар ва миллатпарвар ёзувчиларимиз халқнинг жонли сўзлашув тили билан мумтоз адабий тилимизнинг бадиий нафис сўз санъатини ўз асарларида уйғунлаштириб, халқ оммаси яхши тушунадиган умуммиллий адабий тилни ривожлантирдилар. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён» романлари, Чўлпоннинг ажойиб шеърлари, Фитрат, С.Айний, Ойбек, Ғ.Ғулом, Абдулла Қаҳҳорларнинг энг яхши асарлари мумтоз адабий тилимизнинг ўлмас анъана- ларидан самарали фойдаланишнинг ёрқин намуналари бўлди.

Мустабид мафкура тазйиқларини енгиб ўтиб, чинакам миллий тилда жозибали қахрамонлар яратишда XX асрда ижод қилган энг яхши ёзувчиларимиз Алишер Навоий ва Бобур Мирзо каби улуғ аждодларнинг ўлмас руҳидан ва мумтоз сўз санъатидан катта мадад олдилар.

Олтин ерда ётса ҳам олтинлик сифатини йўқотмагани каби, инқирозли асрларни бошдан кечирган мумтоз адабий тилимиз ҳам ўзининг бутун бойлиги, гўзаллиги ва қуд- ратли таъсир кучини сақлаган ҳолда ўзбек халқи ягона миллат бўлиб шакланган Истиқ- лол даврига етиб келди. Фақат етиб келибгина қолмай, она тилимизнинг Давлат Мақо- мини олишига ва ҳаётимизнинг барча соҳаларига изчил тадбиқ этилишига бебаҳо асос — тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда.

КЎЗЛАРИМГА ҚўНАР ЙИЛЛАРИНИНГ ТАРДИ

Моҳигул Ўктам қизи

* * *

Сени совға қилган эди куз,
Яна сени қайтаргум унга.
Ўзим босиб ёстигимга юз,
Ишонаман сирдошим тунга.
Бари ўтди. Ташвиш куллари
Кўнди туйғум оловларига.
Сўлиб қолди меҳрим гуллари,
Сени бергач ғам овларига.
Ўтди бахтнинг хушнуд онлари,
Бор гуноҳинг авф этди кўнгил.
Отмас наҳот умид тонглари,
Юрак, майли, ғам бўлиб тўкил.
Кузнинг заъфар, таниш рангини
Туйғуларга қолдирсанг етар.
Кўтарганча қайғу сангини
Хаёлларим сен билан кетар.
Куздан сени топган эдим, рост,
Кувончларни келгандинг олиб.
Айрилиқ — бу тақдиримга мос,
Не қилайки, у яна голиб?!
Сени совға қилган эди куз...

* * *

Ҳамон соғинаман, сокин боғларни,
Вужудимда кезса, таниш бу мезон.
Эслагим келади маъсум чоғларни,
Минг йиллик танишдай жилмайса хазон.
Сирли хаёлларнинг исканжасида,
Неки бор бисотин тутар хотира.
Бош эгиб армоннинг маъюс сасига,
Энг сирли тугунин титар хотира.
Эслайман сокинлик, бўм-бўш хиёбон,
Япроқлар, титроқлар бир сирли ёмғир.
Ёмғир шивирига кўмилган хазон
Сокин хаёлларга чўмар негадир?!
Кўзларимга қўнар йилларнинг гарди,
Соғинч юрагимни олар қўлига.
Дунёга сиғмайди, зигирдай дардим,
Хазондай тўкилса юрак йўлингга...

Ғиждувон.



Йўлдош Карим

* * *

Йўқ, бунга келмоқчи эмасдим, асли,
Азобни тугади ҳар кун хотира,
Хотира — юракка санчилган найза.

Йўқ, бунга келмоқчи эмасдим, асли,
Болалик, кўзингга термулгим келди,
Сендай кўргим келди яна дунёни.

Йўқ, бунга келмоқчи эмасдим, асли,
Теракка ўйилган битта исмни
Киприкларим билан силагим келди.

Йўқ, бунга келмоқчи эмасдим, асли,
Қишлоқ, сенинг бўйу бастингни
Шаҳарга бир кўрсатгим келди.

Йўқ, бунга келмоқчи эмасдим, асли...

Гулистон.

Эрпўлат Бахт

* * *

Намгин кўзлар нур сочар яна,
Дийдорингга бўлиб мушарраф.
Андалибдек куйчи юрагим
«Ёржон» дея, беради сайраб.

Қаддим расо айлаган сўнгал
Эрмас илинж атамиш нарвон.
Тонг этагин ўпдим ичикиб,
Алвидо, эй муштипар армон.

* * *

Сунбулани совитиб ишқдан
Уффлаб боққа совуқ нафаси,
Кириб келди мезон бўшлиқдай
Хунук ёйиб ёмон шарпасин.

Кўзёш ила шалаббо, дилгир
Бир паллангга қўй кайфиятим,
Торт, ўлчайвер, бундан-да ортиқ
Ўлчаш бўлса агар ниятинг.

Кўнгил бунда адашиб сарсон
Излар туйғу-ходимларини.
О, нимани ўлчайсан, мезон,
Ҳижроннинг зил одимларинми?

Сарғаяди руҳимга менгзаб
Сахий дала, боғлар — муштипар.
Ақрабнинг шум элчиси кезиб,
Бошим узра ташлаб ўтар пар.

Патқаламлар ясайман ундан,
Захирага каломлар топ, тил.
Видоларни куйлаш-чун тунда,
Сиёҳдонга айланар соф дил!

Богот.

Фаридахон Ҳусаинова

* * *

Тоғ йўлларин қор босди, ёрим,
Келолмасанг майлига, келма.
Асраб қўйгин юракда борин,
Хузуримга шамолдай елма.

Ҳаёлингда чорла бир муддат,
Йўқламоққа топмасанг чора.

Фурсат йўқми, майли, ёзма хат,
Тонглар эсла исмим бир бора.

Тонглар сўз-ла юлдузга қил роз,
Умид билан соғинчинг сочиб.
Хузурингга шошарман бироз,
Шунда мен ҳам юрагим очиб.

* * *

Афсунли алладек кўнгил кўйганим,
Онам қувончини илк бор туйганим,
Отам шукронаси ила суйганим,
Шарафингдан гурур туйиб юрганим,
Томирларим ичра оққан жон толам —
Она тилим, менга илоҳий олам.

Оловли йилларда ботирга нажот,
Навоий назмига сингган муножот,
Шоҳ Бобур сабрига инган зўр сабот,
Энг сўнги нафасда сизган об-ҳаёт,
Юрак-юрагимдан ҳис қилган нолам —
Она тилим, менга муқаддас олам.

Соҳир сахарларнинг сирли садоси,
Ғариб қондошимнинг ўтли нидоси,
Армонда ўтган бир калом гадоси,
Энди қалбнинг озод, хушнуд сабоси,
Дилимнинг тубидан сизган жон толам,
Она тилим, менга қадрли олам.

Қутлуғ Ватанимнинг гурур пардаси,
Ҳамиша баҳори, асрий парчаси,
Дўст, ёрга очилган дилим дарчаси,
Эзгуликлар ичра барча-барчаси,
Чаманлар ичида ўчмас бир қадам —
Она тилим, менга мўтабар олам.

Кўқон.

Абдулла Бобоёров

* * *

Мен сенга мутлақо ишонмай кўйдим,
Ишонмай кўйдим мен ойнанинг нурига.
Ҳатто қасамингда ёлғонлар туйдим,
Ишонмай кўйдим мен дўстнинг зўрига.

Ишониб яшардим сенга, собит қалб,
Ишониб яшардим сенга-ку, кўзим.
Ишониб яшардим ҳатто сенга, кафт,
Ишониб юрардим ўзингга, тўзим.

Юксак чўққиларнинг устидаги қор
Бугун поклигига уйғотди гумон.
Мен сенга шубҳалар айладим, баҳор,
Гумонлар уйғотди томиримда қон.

Ишониб яшардим қадамларимга,
Ўзимни қоядай маҳкам билардим.
Жавоблар айтардим ҳар он кўнглимга,
Ўзимни бир собит одам билардим.

Бир пайтлар вафодан кўшиқ тўқирдим,
Садоқат сўзини айлардим тилак.
Мажнун қиссасидан ҳикмат ўқирдим,
Ишониб яшардим ўзингга, юрак.

Бир нигоҳ зимнида кетдим-ку титраб,
Майин табассумдан ёндинг-ку кўзим.
Шу ондан ўзимга кўлимни силтаб,
Ишонмай қолдим мен, ўзимга-ўзим.

Қамаши.

Рухсора Оллоёрова

* * *

* * *

Йўлга айлангим келяпти шу чоқ,
Бир-бир қадам босиб келар эдинг сен.
Қаерга отланма, бўлардим ҳамроҳ,
Сезиб қадамларинг юрагимда мен.

Қанча севсанг, шунча яшайман,
Умрим интиҳоси қўлингга.
Ойдек равшан тортиб яшнаймак,
Эъзозласанг ўтли дилингга.

Кундузлари агар қуёш бўлолсам,
Пойингга нур сочиб кўриб турардим.
Тунлари гар ойга айланиб қолсам,
Кўзларингга боқиб, сузиб юрардим.

Кўрсатганинг сари сен меҳр,
Гўзаллашиб боравераман.
Юрагингга жойлаб сир-сеҳр,
Сени бойлаб олавераман.

Йўк, йўқ, йўл ҳам, ой ҳам, қуёш ҳам эмас,
Яхшийди, ҳавога айланиб кетсам.
Шундан ҳам катта бахт бўлганми, бўлмас,
Майин нафасингни ўзда ҳис этсам.

Ишқинг-ла оқ тонглар отади,
Севги билан урар юрагим.
Ҳижрон мағлуб бўлиб қайтади,
Кўриб сенга жондек керагим.

Қанийди, ҳавога айланиб кетсам?..

Қанча севсанг, шунча яшайман...

Каттақўрғон.

* * *

Бир кучоқ атиргул
сенга аталган,
кучоғимда қолаётган шу.

Биз — баҳорнинг фуқаросимиз,
баҳор қайтиб кетди жанубга,
юртга тийрамоҳни ташлаб.

Осмон —
кўзларингни ярмидир, холос
ва ёмғир ёғади ярим тун.

Мана, маълум — бир қанча муддат
тинчлик бермас хазон шивир
ва сенга аталган атиргул.

* * *

Мендан
арилар гувиллаб бол сўрадилар,
қарғалар қағиллаб қор сўрадилар,
юлдузлар наҳорда жой сўрадилар.
Сен эса,
ҳеч нарса сўрамадинг ҳам.

Юрак тилга кириб сўради ҳузур,
сарғайган хазонлар сўради узр,
севги йиғлаб-йиғлаб сўради сеҳр.
Сен эса,
ҳеч нарса сўрамадинг ҳам.

Биз шундай ажралдик ҳайронлик ичра,
Кўлинг қўлларимга тегмай зигирча,
Осмоннинг бир чети очилди хийра,
Сен эса,
ҳеч нарса сўрамадинг ҳам.

Нурота.

Саломжон Менгнор Термизий

* * *

Ҳар тонг ўзлимга такрор қайтаман,
Афсона сўрганга ҳақни айтаман.
Ҳаётнинг муқаддас ҳақиқати-ла
Бугуним эртамга пайванд этаман.

* * *

Сену мен, барчамиз гуноҳкор банда,
Жон азиз ўзига чўл ё чаманда.
Арзийди қолдирса дилда ёр учун,
То абад яшашга жонимиз танда.

* * *

Келган ҳар гўдакка қиламан ҳавас,
Кетганлар ишини биламан абас.
Дунёни ҳамиша уйғоқ сақлайди,
Уртада янғровчи «ҳаёт!» деган сас.

* * *

Сенинг истагингсиз топмайман қадр,
Гуноҳ-савобимга ёзарсан ажр.
Назарингдан руҳим руҳланган боис,
Яхшию ёмоним сақлай олмам сир.

* * *

Жаҳонда неки бор, бари қоришиқ,
Боғларда гул иси ёки дилда ишқ.
Ўзидек мусаффо, боқийдир фақат,
Ўзлинг ҳақида айтганинг кўшиқ.

Термиз.

Собир Ўнар



ИНҚИЛОБ КЕЧАСИ

Йигирма йил кечикиб қилинган дийдиё

Қисса

Аввалига ўша кунлар, ўша жойларни эсладим у юрагим гупуриб кетди: оҳ, у кунлар! Жой эса... жой ўша осойишта, вақт имиллаб ўтувчи, бироқ ссвги, рашк, демакки, юракда тўполонга тўла кунларни беихтиёр ёдга туширувчи восита, холос.

Хўжалик марказига қарийб ўн чақирим масофадаги, овлоқ дейиш гарчанд ўнғайсиз туюлса-да, атроф-жавонибда доимий истиқомат қилувчи бирон одам ё оила учрамас, қипқизил чўл ҳам эмас, аксинча, теварагинг пахтазор, ғалладан бўшаган ангори ерлар, бедазору жўхоризор, квадрат тушган каттакон экин майдонлари атрофидаги лоток ёқаларида ёввойи тол, ўрис дарахтлари солланиб соя ташлаб турарди — жойимиз шу.


Дарвоқе, гоҳо пахтазор четларида туйқус полизларга дуч келиб қоламиз. Эси бор деҳқон одатда қовун-тарвузини биз каби очофат ҳашарчилар келгунча йиғиштириб олиб алақа-чон омборига элиб кўяди, ёки тезроқ пул бўлсин дея бозорга опчиқади. Аксинча бўлса, яъни ҳали қовун-тарвузи палагидан узилмаган бўлса ва биз каби офатилар назарига тушиб қолса борми, нақ ўлат тегди деяверинг, ўлат десак, кўполроқ эшитиларкан, мисол, чигиртка босди, шунга ўхшаш деб кўяқолайлик. Томоққа текин ширинлик тегиб турганда на кеча, на кундузни биламиз. Комиссар, командир ва бир неча домла чўпонлик қиладиган подага айланиб кетамиз.


Домлаю командирлар масаласида, мана, орадан бир йили кам йигирма йил ўтиб ўпкалайдиган, гина сақлаб турган жойим-йўғ-у, аммо ажаб таассуротлар қолди. Ўзи гап айланиб, шуларга тақалади.

Соат беҳда азонги хўроздай самоварчи Шурик бутун баракни «подём»лаб бошига кўтариб юборади. Соат олтида эгат бошида бўлишимиз даркор. Олтида-я, олтида. Аскарлардан қаеримиз кам?

Асли исмини эслаёлмаётибман, Қорин домла дердик, етилардан ўтиб уйқудан турарди, ўғил болалар ҳожатхонасини нақд қирқ минут банд қилиб тургач, ҳар гал домлаларга мўлжалланган кўл ювгичда сув тополмай, самоварчига бақира кетар, қоз чайди-қўл чайди иримини қилгач, бизларни линейкага чорларди. Саҳар мардондан линейкага жамланган болаларга кеча кечкурунги штабда деканимизни роса тузлашганини ўзича туюқиб уқтирар, тўрт-беш боланинг фамилиясини айтиб пўстагини қоққан бўлар, ундан ҳам қизиги, атай оғиз жуфтлаб, тайёрланиб, ахир тушунсанглар-чи, пахтадан порох тайёрланади, дерди. Кейин гўё гапи мўлжалга етиб бормаган

АСРЛАР, АСАРЛАР





сингари бошқачароқ, дадил оҳангда: ҳей болаларим, фарзандларим деб айтайин, тушунинглар, бу пахтадан порох тайёрланади. Космик кемаларга ишлатиладиган жойлариям бор. Буни алоҳида тушунтириш керак. Неужели тушунмайсанлар! Тушунинглар керак! Ўртоқ комиссар, сиз бунинг ҳар бирига якка-якка тушунтиринг ахир. Шунинг учун сизни комиссар киз қўйипмиз. Бўлмаса, қўлдан келмаса йиғиштиринг. Туёғингизни шиқиллатинг бу ердан.

Бу билан у гўё биринчи уринишда баландликка сакраёлмай иккинчисида ёхуд ниҳоят, учинчи галда сакраб ўтган спортчининг мақомида бўларди. Менгзаса бўларди дейман-да: жилақурса комиссарнинг музамлиги унга роҳат бахш этарди.

Кейин комиссаримиз худди эчкию улоқларни қувлаган сингари баримизни улоқиб кетишимизнинг «олдини олиб» эгатнинг дам нариёғида, дам бериги ёғида юрган куни эди.

Талабалар далага тарқалишгач, Қорин домла бир товоққина гўштни ошпазга қовуртириб нонушта қилиб олиб тагин пичагина пинакка кетиб олар, домла пинагини тамом қилганда Жалол нашавад ҳам асл уйқусини баравар тамомлаб на юз-қўлни ювиш бор, на бир пиёла чой ичиш бор, ёғли пахмоқ сочлари тиккайганча елкасига этакни ташлаб судралиб эгат бошига жўнайди. Бу олифтага на Қорин домланинг, на бошқасининг гапи ўтади. Домлаларни шунчалик одам ўрнида қўриб атай пахтага келганига хурсанд бўлишимиз керак эмиш, комиссарнинг айтишича.

Нашавандни пахта бошида Ситора деган қиз кутади. Унга деб пахта теради, унга деб егулик кўтариб юради, унга деб елиб-югуради, у ҳақда кимдир ёмон сўз сўзласа тикка туриб олишади. Тузуккина, сутта чайгадеккина оқ-сарикдан келган бу шаддодор-роқ қиз нимасиниям яхши кўради нашаванднинг — ҳамма ҳайрон. Олифта, ювуқсиз, нашаванд, бирор марта иримига бўлсин, китоб ўқимаган, бундан кейин ҳам ўқимайди, ўқиганларни оёғининг учида кўрсатади, шу туфайли у учун ҳамма нарса шунингдек, Ситорадек туппа-тузук, момикдай қиз ҳам ҳайф. Ситорани у оёғининг остидан чиққандек кўради, ошириб сўкади, шу ҳолида Ситора уни севади. Худди Александр Блок ароқхўр Россияни севгандек севади.

Буям айтса арзигулик бир гап-да, энди сирасини айтганда, узумнинг сувидаккина, беданадай чулдираб турувчи қизларнинг кони эмасмиди бизнинг даргоҳ. Аммо сатта камбағалдан чиқаётган, қорни нонга тўяр-тўймас-у, тумшугига шоти билан чиқиб бўлмас ўр, олифта бир бало эканмиз. Қадрига етмаганмиз у қизларнинг.

Орузимиз ҳолимизга яраша эмасди. Чунки бори келажак олдинда чайқалиб, ялтираб ётарди, бугун-эрта ёки индинга албатта у бизники бўлишига зарра гумон йўқ эди дилларда.

Биздан бир поғона юқорида ва биздан бир поғона паст курсда ўқиғувчи рус гуруҳлари ҳам бор, одатдагидек бу гал ҳам улар билан бир барақда, икки қават нараларда остма-уст, чойшабу одеялу фартуқлар билан ўралган «кулбаларимиз»да кечаларни ўтказардик. Ҳа, узун ва қисқа кечаларни.

Биздан бир ёш кичик руслар орасида Марина дегани бўларди. Аломат гўзал эди бу қиз. Сочи белига етақа, қўнғиртилла, кўзлари бирам қуқур, юзи каби бирам тиниқ эдики, бизнинг ҳар қандай ўжарлигимиз, ҳар қандай ғайирлигимиз иплари Маринанинг маҳлиё этгувчи жозибаю ҳусни қошида титраб ечилиб кетаверарди.

Ҳамманинг сочи кир бўларди, ҳамманинг сочига хас, барг ёпишарди, бироқ ҳеч қачон Марианага гард юқмасди. Унинг кийимларига-да чанг ўтирмас, ҳатто қуёш ҳам урмасди. Овози ҳам дилбар ва маъюс қизларга хос, шу боис у фақат эркалашга, эркаланишга, ўзини адл тутиб юришга муносиб, ҳа, муносиб эди. Энг раддор шоиримиз ҳам бу масалада лойга ботган машина сингари чунон чайналиб қоларди. Мароқ билан сўзлашга уни недир қўйиб юбормасди. Тақдирни қарангки, шоир кунларнинг бирида, ҳа, кунларнинг бирида тўсатдан ҳақ бўлиб чиқса ва бу исботини топса...

Маринамиз ҳозирча тинч тура турсин.

Ҳамма завк, ҳамма қизиққонлик етгинчи ноябрга довур бўлади. Етгинчи ноябр. Ул замон шундай замон эди: етгинчи ноябргача деб кўп ваъдалар бериларди ва аксарият урдасидан чиқиларди. Урдасидан чиқилмаса, биз бахтиқаро талабалар каби саксон икки кунлаб Сирдарёнинг бир чеккасида кундузлариям қоронғулашиб кетган, эгнию бутларини битларга, соч-соқолини сиркага тўлдириб олиб юрган пайтлар эди.

Хўп, аввал етгинчи ноябр келсин.

Байрам туфайли ҳамма табрикланади.

Қизлар-да атир, жуда бўлмаганда атир совун билан сийланади. Бир-икки стакан шампан қуйилади. Ҳайтовур биз каби бўз йигитлар ҳам томоқ хўллаш қиламиз. Кимларнингдир ортидан одам келиб сийлов тегса денг, Худо ана берди, Худо ана берди!

Комиссаримиз Маҳмуд ака афғон урушида бўлиб қайтган, чап кулоғининг ярмини ўтпа ёқда қолдириб келган, биздан уч-тўрт иштон аввал адо қилган ҳамтенгиларининг ривоятича белида, болдирида, бошида қиёмат ўқи ялаб ўтган жойлар бор.

Комиссарнинг ҳарбий дарслардаям соч олдирмай қулоғини кўмиб юришларининг маъносини энди тушунамиз. Бир ғазаби кўзғаса тўхтамай, яъниким жаҳди тушиши қийинлашиб қолишига-да маъно берамиз: афғон касаллиги — контузия. Биздан икки поғона қуйида ўқийдиган Гуляни — ўзининг ҳамюртини яхши кўрармиш акам, буни биз унинг гап-сўзидан биламиз, ҳаракатидан сезамиз. Аммо ўзи доим ҳам ўралашавермайди у қизга, баъзда пахтасини кўтаришган бўлади, ўша кунлари иккови орасида жикқамушт уруш чиқади, талаба эли, биласиз, томошага ўч, ажаб кўрғазмали урушга гувоҳ бўламиз.

Бу шунчаки уруш эмас, иккови анча жойгача бориб қолади, кейин анча муддат гаплашмай тумшук қилиб, ҳар бир талабага бир-бирини обдан кўпиртириб ёмонлаб юради. Бироқ кунларнинг бирида қарасанг, комиссаримиз инқиллаб-синқиллаганча пахта уйилажак тележка томон парининг икки фартугини елкага осиб кетаётган бўлади. Ҳамма билади: ўша кунни ёки эртасига тагин жанжал чиқади. Комиссар яна мулзам, яна домлардан дакки эшитган, обрўйи тушган, партияга ўтиш умиди узилган ва ҳақозо.

Бу қизга қандай муомала қилишга ҳайрон, боши қотади. Гуруҳимизнинг энг босиқ, айтиш мумкинки, ягона мулоҳазакор қизи Дилоромдан сўрабди: ўзи Гуля мени яхши кўрармикан, а, Дилором, агар яхши кўрса, бунинг аломати қандай бўлади, айтинг, жон синглим, тоза қон бўлиб кетдим!

— Қон бўлиб нима қиласиз, Маҳмуд ака. Гуляни бир қучоқлаб ўпиб олинг, тамом, сизни яхши кўриб қолади.

— Ие, вой, Дилором, ўзингиз гапиряпсизми шу гапни, қандай, ўй, уялмай-а, акангиз қатори кишига-я. Оббо Дилором-эй. Мен аммо сизни ҳеч бунақа деб... йўқ, сиздан бунақа гап чиқади деб ўйламаган эдим. Балли-е.

— Қизларга ўхшаб, қанақа, унақа, бунақа, нега, деяверасиз. Сиз қаториларнинг икки-уч боласи бор. Севдим, ўламан, деяпсиз. Гуля шаддо қиз, уни ҳеч ким ўпмаган. Биринчи бўлиб сиз ўпсангиз сизни, бошқаси ўпса бошқасини севади-қолади. Қиз бола шундай мўрт нарса, ака. Ҳе, довдирашини...

— Йўғ-э, астопурулло, астопурулло! Шундай деб ўйлаяпсизми, а? Ростдан шунақа-ми? Оббо...

Маҳмуд акамиз контузия бўлган бошини обдан қашлаб нари кетади. Кетади-ю, узоққа бормайди. Шўри чиқиб кетган шляпасини бостирганча тагин келади.

— Дилором, — дейди. — Мен бу ҳақда ҳеч ўйламаган эканман. Қаранг-а, вей. Сизга анақа... кўнглингизга олмайсизми бир гап...

— Сўранг. «Бошингиздан ўтганми» демоқчисиз-да?

— Ҳа-ҳа, шунақа демоқчийдим, роса топдингиз-да аммо.

— Бешинчи синфдалигимда бир бола кўчамизнинг бошида велосипедини тузатаётган экан. Бориб унга ёрдамлашвордим, танирдим уни — тўртинчи синфда ўқирди. Раҳмат демоқчи бўлдим, ишқилиб миннатдорлик билдиргиси келди шекилли, чўлп этказиб ўпиб олди. Яхши кўриб қолдим, ака. Ҳеч хаёлимдан чиқмайди. Мана, Йўлдош укангиз бир қулоқ хат ёзади. Маҳмуд ака, жуда таъсирланаман, Йўлдошга кўнгли кўйгим келади. Лекин... кўнгли уёқда. Наҳотки йигирма олти ёшга кириб ҳалиям қиз боланинг кўнглига йўл тополмайсиз. Ҳаммага томоша бўлиб жанжал кўтарганингизчи. Тавба қиламан-да. Қотаман, Маҳмуд ака, шуям иш бўлдим?

Маҳмуд ака шундан сўнг ҳаммаси расво бўлди деб юрди. Шунақаям кип-яланғоч гап бўладими, қиз бола бўлатуриб, мендан олти ёш кичик бўлатуриб, қаранг, топиб айтган гапини. Мен энди... шу ёшга кириб... оббо, ҳеч беш кетмадим. Беш кетмадим бу ҳолатгайм, Дилорамгайм, ҳаммасига. Қойил аммо, қойил.

Бош чайқаб ҳайрон бўлганча Дилоромдан ҳам, худди ўпиб қойил қилиб қўйгандек, йўғ-э, уят иш қилиб шармисор қилгандек Гулядан ҳам қочиб бошқа эгатларда бошқаларга ҳайқириб юрди.

Еттинчи ноябр, яъни орзиқиб кутган кун эди ҳаммага. Эл қатори, гарчи дала шароити бўлса-да, байрам жиддий қабул қилинарди. Худо билсин, ўша 7-8 ноябр кунларида терган пахтаганга икки ҳисса ҳақ тўлашни ваъда қилишарди. Бу нарсанинг уволиям, савобиям биз каби ўргачалар учун татимаган, сабаби, энг кам терувчи шаҳарлик бир-икки оксуяк хонимқиз ҳамда баскетбол турнирларида мақтов эшитувчи, бироқ ҳарчанд уринса-да, эгилса қўли ердаги пахтага етмовчи Андрей, Славик, Тарас, Шмидтлардан ўн беш-йигирма кило ошириб терардикки, уларга теккан калтакнинг учи мудом бизгача етиб келган эмас. Ўзимизча шумлик қилгандирмиз-да.

Лекин байрам кунни кам термоқ имтиёзи йўқ эди. Қорин домла одатича эрталаб пахтадан порох олинишини яна икки ё уч қайта таъқидлаб, сўнгра космик кеманинг ҳам, ҳатто шундай катта домла бўлса-да, аниқ билмайдиган бир жойига ишлатилиши, бинобарин бу жиддий иш, ҳазиллашиб бўлмаслигини уқтириб бўлгач, бутун кечкурун, ниҳоят, қирқ бешинчи кунни ош бўлишини баландроқ пардада айтардики, байрам учун

айтилмаган ура-уралар ош учун кулоқни қоматга келтирар даражада янграб кетарди. Бир юзу ўн бир килолик Андрейимиз митти темир косачасини кўтариб ошпаз бола-нинг оддига уч-тўрт қайта келишини дарров кўз олдимга келтираман, бу дароз-гўдак билан доим овқат жанжали устидан чиқасан. Қорин акам бўлса эринмасдан уни шу масалада койийди, терган беш кило пахтаси икки пиёла чойгаям етмайди, деб кулгу қилади. Андрей аввал қизаради, ерга қарайди, ўлчами қирқ олти ёхуд қирқ саккиз кирза этиги билан ийманиб ер чизади, охири бўлмагач, СССР конституцияси ва меҳнат кодексларида балогат ёшдагилар саккиз соатдан ишлашлари ёзилганини айтади. Қорин акамиз бўлса ўша заҳотиёқ тутаб кетади, саккиз соат тугул ўн олти соатда еган-ичганини оқлаёлмайсан-у, сен яна қонун талашишингни қара, дейди. Мен жўрттага юрибманми иссиқ жойимни совутиб, шаҳарда юрган эдим, вақтида ошимни еб, вақтида чўмилиб, шуям ҳаёт бўлдиман манга, роса кетгим келади маниям, мана ҳозир неварам кўз олдимга кевотти, дейди ва филтиллаб кўзига ёш олади. Шимининг орқа чўнтагидан рўмолчасини чиқариб кўзини артаркан:

— Ничево, чидаймиз! — дейди мағрур. — Партия, шахсан Леонид анақаевич... анақа... Ильичмас, ҳа, Ильич Брежнепгинам Шароп акам Рашидул бизга кўз тикиб туришибдики, қачон шулар олти милён қиларкин, майли, биламиз, ёмғир, қор тагида қоқ кетвотти мани студентларим, жа қийналишвотти, аммо бир дона чигиттиям далада қолдирмиймиз дейишвотти. Мана, биза ўшанга анақа қивопмиз, тушундиларингми?

(Брежнеп бува қазо қилган кейинги йилиям домла Қорин хабар бергич бўлган. Ўшандаям Сирдарё далаларида пахта териб тургандик. Йў-ўқ, ўша куни қор ёққан, баракка биқиниб, дийдираб ётгандик, муҳтарам Қорин домла ҳаммамизни ташқарига — мотам митингига олиб чиқиб, биладим, ростдан эди шекилли, бурни шўрқиллаб эълон қилган, чинакамига оғаси ўлгандек йиғлаган эди, биз ҳам йиғласак бўларди, лекин шунақа одам ҳам ўлиши мумкин экан-да, дея тонг қоғиб тураверганмиз, аммо сукут сақлаб «доҳий»нинг ҳурматини қилганмиз. Домла бўлса бизнинг ҳам йиғлашимизни кутган, ватанпарварлик туйғумиз етишмади шекилли, безрайиб тураверганмиз. Радио-телевидение ҳам уч-тўрт кун мотам куйиб чалиб роса эзган. Домла Қорин магнитофон кўйдирмайди, қўшиқ айттирмайди, роса қон қилувди. Бу ёқда қор. Ташқарига чиколмайсан. Тириклигингизга-ку ҳамма чидаб турувди, лекин ўлиб ўлигингизни бунча ташлаб олдингиз, Брежнеп бобо, дейишимизга сал қолган).

— Домла, ахир, пахтадан порох олинади-ку, — дея чигирткадай чийиллаб қолади сурхондарёлик Муяссар деганимиз.

— Во, беш санга, қизим. Борганда сўрамасдан заҳётингни кўйиб бераман. Мана, кўрвотсанларми, бу қизимиз ўзи бургадай келади, лекин манави, ким эди, ҳа, Абдилак тракторчининг тракторидан кўп теради. Ўрнак оларинг.

— Домла, ўтган йили манга заҳёт кўювдийсиз, ака-ука Люмлар бор-ку, анови французлар, ўшалар кино олишни бошлаб берганини айтиб берувдим.

— Ўзи ман пақат шуни сўрайман-да. Аслида шуни биламан одам умрбод киношунослик фанини эплаёлмайди. Малик Қажомов, масалан, шу нарсанинг тегига обдан етган. Оббо, бўлди, қуёш чиқиб кетвотти. Ҳамма далага! Ош бўлади бутун, шуни билларинг. Кўп терган болаларга тагин сурприз бор, обедда эълон қиламиз.

Домла на шаҳарда, на далада бўлсин, ҳеч ким уни ёмон кўрмайди, ахир теримдаям, дарсдаям ҳеч кимни қийнамайди, ўзиниям сира хафа қилмайди. Дарсда ака-ука Люмлар кинони кашф этганини, улар французлар эканини сўзлайди, альбомлар, расмлар кўрсатади, кинога тушамиз дейди, кейин биз кинога тушамиз, синов маҳали ака-ука Люмлар асли французлиги, кинони кашф этишганини билган одам борки, тикка туриб ўтиб кетаверади.

Домланинг фан номзоди бўлиш жараёнида бўлак китоблар, жумладан, Ленин, Маркс, Энгельс кабиларнинг асарларини-да титкилаганига шубҳаланмайман. Бироқ... ҳай-ҳай, қорни хунук-ичи тўла сув ёки ҳаво, шунчаки қорин эмас бу, эҳтимол, Люмлардан бошқаси хаёдан фаромуш бўлиб кетаверишигаям қорин анча-мунча монелик қилар-ов, сабабки, шу тахлит фикрларни Гюгоми, Бальзакми (ҳар қалай Люмлар эмас) айтган. Балки Сталиндир. Камю бўлишиям мумкин. Ҳозиргина айтганимдай асло Люмлар эмас. Балки ака-ука ихтирочилар бундан-да дохиёна фикр айтишга қурблари етарди, бунга-да гумон қилмаймиз, аммо Қорин аканинг ўзи у зотларни бизга шу қадар қашшоқ қилиб кўрсатиб қўйганки, гўё Люмлар ҳам бутун умр «порох-порох» деявериш билан порох кашф этилгани каби «кино-кино» деяверишгач, кино ихтиро бўлиб қолгандек. Каллани совитиб ўйласа-ку, бундоқ эмас аслида, шунақа тасаввур ва фаразлар уйғонган-да одамда — шуни таъкидлаётирман.

Дарвоқе...

Ҳа, дарвоқе, байрам эди. Байрамнинг ҳам улкани эди. Акс ҳолда бу телба-тескари, бирор қолипга сиғмайдиган, бинобарин бир-бирига сира қапишмайдиган

(ўзи пировардидаям елимласанг ёпишмайди) бир-бирига чунон урсанг-да, ишқала-санг-да, уйқаш овоз чиқармайдиган одамлар ҳақида сўзлашнинг ўзи бир малол келадиган юмуш.

Байрам эди, кун қуёшли эди, қуёшли кунда ҳаво жазирама иссиқ эди, ёмғир ёғарди — ёғса арқондек эшилиб, қирқ ўрим сочдек солланиб ёғиб ётарди, қор ҳам ёғарди — ёғса ростдан-да гупиллар-эди, кўрпадай қоплаб қоларди, чинакамига ариқ-лар, йўлаклар ва қулоқларни музлатиб қўярди.

Назаримда ҳавоям, домла, комиссар, командир, шоир, Марина каби рўй-рост сўзлар эди. Ҳа, худди шундоқ.

Пахта карталари ҳаддан ташқари катта ва шу каби кўп, қара-аб турсанг, нариёғи-ни кўз илиб-илмайди. Комиссар ҳарчанд у ёғу бу ёғдан улоққан талабаларни қайтариб эгатта солсин, бефойда — барибир эплаёлмайди. Боз устига жуда кўп карталар одам тутул мошина оёғиниям кўрмайди, қор босиб қолади, белинг оғриб фартуқ узра чўкиб осмонга қараб ётганинда ўзи эгаси кимакан бу жойларнинг, деб хаёл сурсанг ҳам бўлади. Яхшилаб суриштирсанг кимлиги дарров маълум бўлади-ю, шарт эмас — шундайи маъқул, бепоеён, ястаниб ётсин дала дегани, пишиб, тўкилиб, оқиб ётсин ҳосили. Юракни кенгроқ қўяберган яхши деймиз-да.

Ҳадемай мезон оралайди. Мезонда қуёш еган мева шира бойлайди, қишга чидайди. Барак аҳолиси бу учун қайгурмайди албатта, аммо билгани дуруст. Хуллас, ўша кунни эрталабдан ёмғир шивалади. Ёғибам ёлчитармади, ари-сари қиқди, очилиб ҳам кетмади ҳаво: безрайган бир кун бўлди. Муяссаримиз шу хўлчиликдаям анъанасига тамом содиқ қолиб тушгача юз етмиш кило топширибди. Офарин! Бургадай бўлса-да ҳаққост рост — трактордан кўп теради. Мана, байрам кунни тракторлар шпинделларини ювган кўйи қолаверади, эгатта оралашга иложлари йўқ демак, трактордан Муяссар афзал. Ўзи бурга деб калака қиламиз-ку шу қизни — баъзилар ҳатто у ўқишга эмас, пахта теришга кирган, бўлмаса, Сурхонда обрў тополмай ўтиб кетарди дейди... аслида биз каби яратмас-ёлчитармасларни шу қизга пишириб берган одам савобга қолади. Гапнинг индаллосиям шу.

Ҳа, бизга қолса, ҳаммаёқ бирпасда ивиб лой бўлиб кетсину баракка бориб ётиб олиб китоб ўқисак, шахмат, қарта ўйнасагу зерикканда ҳаммани безор қилиб баракни бошга кўтариб, хўр ва жўр бўлиб ҳеч келишмаган кўшиқларни букириб куйласак. Қўйиб берса, чўнтак кўтарса, тополсак қултамиссидан ҳам урамиз-у... Кўрмайсизми, ғайрат зўр, бироқ қўл калта. (Бу ибора ҳойнаҳой каминанинг ўзига тегишли чиқар. Ёмонмас-ов. «Муаллифдан» десам уяламан.)

Қорин аканинг кўнгилчанлигим бор. Байрам кунни кечқурун юз граммдан ичишга, ҳа, ичишга рухсат бериб юборди. Сирасини айтганда буям бир мардлик. Тушда айтаман деган сюрпризи шу бўлиб чиқди. Биз пул йиғиб берадиган, ошпаз ёрдамчиси Мансурвой Абай совхозидан келтириб берадиган бўпти. Пул йиғдик, пул бермаганлар ичмас бўлди.

Кейин эшитдик: домла ўша кўк «Жигули»сига бир фартуқ гўшт ортибди-да (ҳа, адашмадингиз — бизнинг ризқимиз) Абай совхозидан ўнта ароққа алмаштириб келибди. Йиғилган пул ёнига қопти. Бу, энди, эшитар қулоққа гап, ким келиб-келиб домла билан суришиб ётади дейсиз. Бизга не увол-савоби бор бунинг. Шахсан менга қўйса шу одам «порох-порох» деб шу ерда юрганиям маъқул. Акс ҳолда...

Институтта кирган йилимиз бир заҳаролуд декан ўринбосаримиз бўларди, эсим-даки, нормага етказолмаганларни ярим кечада трактор ёғдусида пахтазор оралатиб пахта тердирган. Бундай жарима каминанинг чекига ҳам талай марта тушган ва даргоҳдан неча мартаба ҳайдалмоқни бўйинга олишга тўғри келган эди, айниқса ўрис гуруҳидаги ўн-ўн беш чоғли қизу йигитлар бозиллаб йиғлай берганда, айтишардики, чет элнинг анча оғир колонияларида ҳаёт бундан юз карра енгилроқ деб. Тавба, нима қиласан тортишиб, мана, етмиш-саксон кунлик ташвиш бириси, замдеканга ёмон кўринганинг қолди. Билдинг, у на этагингга, на зарбингга, на зўрингга эътибор беради. Худонинг боқиб қўйган бир балоси.

Аммо нечўқдир ҳар иккиси-да шоирларни хуш кўрмайди. Сабоқдошимиз, шоири замон ҳам шеърларида рамз ва ишоралар ила домлаларга салбий муносабатини изҳор қилиб қўярди-да — асли ўзидан ўтарди, қўй, шулардан яхшиси йўқ-ку, ёзсанг, Есениннинг бобоси айтган янглиғ сулини ёз, бия ҳақида ёз, нима қилардинг буларга илаки-шиб. Сал оёғинг тойса, суяб қолгуччи шулар, суямай қўйса — кетдинг. Яхшиси севги ҳақида ёзақол — ҳеч кимга малол келмайди, ҳеч кимга тегиб кетмайди. Уфф, бунинг севги ҳақида ёзишيام бир галва. Ўзи-ку жамалаксоч, қирқ ўримсоч, қоши қийғоч, лаблари бодом, ёноқлари қирмизи олма қизни, — борми ўзи шу зот шу ҳаётда ё шеърга кириб қолган ҳавойи образми — Худо билсин, — яхши кўради, шунга монанд келмаган ҳамсабоқ қизларимизни жуда ёмон қилиб ясаб кетади-да. Кейин бечоралар ёзғириб юришгани. «Шоир бўмай кетсин, шунақаям қўпол бўладими? Вой, ел олсин-а, ел олсин!»

Мисол. Ёши ўтинқираган қизларни эркаклаган сабзиларга қиёслаган жумласи бор эди. Хўш, у кимга тегишли: Рўзигул опа, Санам опа, Гавҳар опа, қолаверса, Дилором, Саида, Раҳима — ҳаммасига тегмайдами? Энди улар шу кунгача эрга чиқиб кетмаганига гуноҳқорми, масхара қилиш керакми? Тавба, «эркаклаган сабзилар» эмиш. Шоир деганиям шунақа ўхшатиш қиладими? Боз устига, биласиз, «эркаклаган сабзи» дегани бултур полизда қолиб кетган ичи ёғочга ўхшаб қотиб қолган сабзи, уни уч кун қайнатсанг-да на пишади, на таъми чиқади. Шу энди шеърга, шоирга ярашиқли гапмиди? Ҳай, майли, гап бундаяммас, шоир-да.

Қорин домланинг Шоирда пича тиши бор. Эсда борида айтиб қўяверай. Бултур қайсидир бир байрамда нариги гуруҳдаги комиссарликка даъвогарлик қилиб юрвчи Собит институт камсоргининг машинасини миниб Тошкентга кетганди, уч-тўрт кун юриб қайтиб келди, кечаси эди, домлага хушомад учун бир пакет кўтариб келди, иттифоқо у шоир билан менга дуч келди. Пакетнинг ичиди иккита ароғи бор экан. Ароқни чиқариб негадир бизга тутқазди-да ҳозир чиққунимча қараб туринглар, илтимос, деди. Аввалига энсамиз қотди. Машинасининг капоти устига кўйиб гурунглашиб турувдик, Тошпўлат соқол келиб қолди, «ие» деди. Ҳой, жонивор, қаердан чиқди? Собитники, дедим мен, ҳозир чиқиб опкетади, домлага опкелган экан. «Бу-ку майли, — деди Тош мени кўрсатиб Шоирга. — Бўлган-тургани шу, сиз нега индамай турибсиз, бутун дунёнинг лаззатини увол қилиб». Шоирга бу тақлиф шунақа боп тушдики, дарҳол: — Олдик, кетдик! — деб юборди ҳаяжонланиб. Тўрт киши эгат оралаб қоронғуликка шўнғидик. Кўп ўтмай Собитнинг товуши эшитилди. — Йўлдош, ҳой, Йўлдош! Ҳазиллашмаларини, домла кутиб қолдилар.

Шундай бўлишини билардик ва вазиятни сурбетларча ўзимизнинг фойдамизга ҳал қила олдик. Яъни култомиссини очиб бемалол навбатча-навбат «сен ол, мен ол» қилиб куатиллатиб ютабердик, газзага кўсақни ёриб ҳидлаб бердик. Сўнг кимнингдир фуфайкаси чўнтагидан битта бош пиёз чиқди. Шоир қалампир егувчи эди, ўзи уни газзакка олди. Ахийри, Тошдан ғоя чиқдики, қўлтиққа икки бармоқни юбориб ҳидласаям бўлаверади, бизларнинг қирқ кун сув кўрмаган қўлтиғимиз жа-а боп тушади — кесади ароқни.

Ароқни кесиш-кесмаслигини билмадиг-у, бу айна жинниликдан бошқа нарса эмаслиги аён. Қизиги шунда эдики, бу вазиятда Собит ҳамон умидвор овоз билан бизни чақирарди. Буям етмагандай Қорин домланинг ҳам бир неча марта овозини эшитдик. Уям астойдил гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга қараб:

— Қаттасанлар, ў, Шоир, ў, Йўлдош, бўйинларингни узиб олмасам агар...

Шундаям гирт этмадик.

Демак, сурлигимиз ўзимизга етарли экан.

Аммо барибир одамнинг виждони қийналиб тураркан. Бизни овунтириш учун Тош айтдики, домла кассир Қадамбой билан бизнинг терган пахтамызга тўланадиган иш ҳақимизни туя қилади, Қадамбой уч сўм еса, бу беш сўм ейди, гўштдан, сариёғдан, гуручдан уради, сотади, уйига элтади... Одамни сал ёмон кўрсанг, унга пича зуғум қилсанг-да унча қийналмайсан...

Эртаси куни Собитга айтдики, сени кутавериб тоза қийналиб кетдик, кейин ароқларни машинангнинг капоти устига қўйиб биз нариги баракка кетдик, нима биз сенга чоракорми, эрталабгача ароғингни кўриқлаб чиқсак!

Собит балки кечирса кечиргандир-у, аммо домла кечиролмади. Ёмон томоғи тушган экан. Шоирни айниқса душманидай кўриб қолди. Нега деганда, шоиримиз теримда ёмон эмасди, балодай терарди, аммо домладан дакки эшитгани-эшитган эди, жуда булмаганда кийим-бошига, борингки, овқатни чапиллатиб чайнашигача масхара аралаш танабҳ эшитиб юради, Шоирнинг ўзи бўлса бунга кўпам эътибор бериб эзилиб юрмасди, аксинча унгам бу муносабатини орқаваротдан биддириб, салбий бўёқларда таърифлаб шеърларига киргизиб юборар, ҳар оқшом ёки кун ора уюштирилувчи базмларда баъзи шеърларини тинглаб турган онгли инсонлар у ким ҳақида, қайси муносабат билан битилганини англаб, бошлабсан, деб қўйишар, баъзи ўзига тегиб кетадиган жиҳатларини билиб турганлар асарнинг анчайин бўшлигини изҳор этиб, шу боладан ҳам шоир чиқиши мумкинми ё йўқлиги хусусида мулоҳаза қилишиб, охирида ёғ босиб кетган бошини ва шунингдек, шохлаб кетган кир сочларини иссиқ сувда кир совун билан ювиб турса кони фойда, зора шоир бўлиб кетса, дейишарди астойдил. Лекин афкор талаба борки, чуқур тушунар эди: бошни илиқ сувда ювишнинг даҳо шоир бўлиб етишмоққа нафи кўп эмас. Қаҳҳор домланинг ўғитига чунон амал қилиб хулоса қилсак, ўн фойиз истеъодга тўқсон фойиз меҳнат зарур, оқибатда, яъни Қаҳҳор каби ишласалар маймун ҳам бинойидай ёзувчи бўлиб етишади.

Байрамнинг шодийнаси бўлакча. Биздан бир ёш катталар ичиди кечасиёқ уч юз килодан пахта дўндирган икки ўғлон бор. Албатта, улар чиндан ҳам ухлашади, кечаси колхозчиларнингми ёхуд нариги факультет талабаларининг хирмонидан ташиб бир

ерга тўплаб қўйгани кам деганда ҳар бирига уч юз килони ташкил этади. Улар кундуз кунни далада кўпам ўралашимайди, қайсидир қуюқ сояли бир чеккароқ жойни мўлжал қилиб жўнаб қолишади. Тушуниб турибсизки, ул теримчиларнинг ҳеч вақт қўллари қабармайди, жуда зўр келса беланги бўлишади, холос. Аммо, очик гап, уларга ҳавас қилса бўлади: кун бўйи бекор юришади, уйқуни уришади, картабозликнинг-да додини беришади, бироқ бундан-да жила фойдали ишга зинҳор қўла уришмайди, албатта илмда, ёхуд ижоддаям шу даражада уddaбурон бўлишганида борми, шу ғайратларига яраша ўлдим деганда Маяковский каби шоир бўлишарди.

Аммо ноумид бўлмаслик лозим. Теримчилик ҳам ўта юксак мақом. Қолаверса, ҳаммаям Маяковский бўлиши шарт эмас. Мана, кунлар келиб яхши ва ёмон ғоялар шартта иккига ажралади. Маяковский бечоранинг қанча хизматлари бекор кетди. Зукко шоир балки бу фоний дунёда тамом адашганини охир-оқибат англаган чиқар — шу туфайли ўз кўксига тўппонча қадагандир. Бу ҳам ўзини кечирмасликка киради.

Майли, бу биз муҳокама этадиган масалага кирмайди. Биз учун муҳимроқ ҳанго-малар ҳали олдинда.

Руслар сув парисини Русалка аташади. Ҳеч шубҳа қилмайман: Марина барагимиз-да етмиш нафар йигитнинг ҳар қайсидан шу эркатой таърифни эшитишга муносиб эди. Аммо ҳаммаям ботинавермасди. Биз кабилар боз устига рус тили бобида анчайин бадбахт эдик. Шу боис ҳануз ўзимизни кечиролмаймиз. Биз қуйи курсдаги бир Олга деган қизга мулойим илтифот кўрсатишга ярардик, сабаби у кўпроқ жайдари, халқ ичида ўсган: ё Хатирчи, ё Оқтош, ишқилиб ўша томондан, инқиллаброқ ўзбекчани гапира олар, биз каби ишқибозлар унинг сўз бойлигига икки-учта сўз киритиб қўйиб, гўё шу муносабат ила табассум совға олиб, бутун мурод-мақсадимизга етган каби юрт бузиб юрар эдик. Қишлоқчилик ҳам қуриб кетсин!

Ичимизда Тоҳир ака деган ёши анчайин улўғроқ кишимиз бор эди. Папиросни сўраб чекса-да, кетини узмайдиган хилидан. Аммо шу қадар усталик билан сўрайдики, беихтиёр қайта-қайта сигарет бериб юбораверасиз, то қораси ўчиб кетгунча уни ёмон кўргингиз ҳам келмайди, шу қадар гапга уста, гипноз қилиб ташлар эди. Шу уч фарзанднинг отаси, ўттиз бешни уриб қўйган одам, хотинининг ҳам аллатовур даража-сими, бор десангиз, Маҳмуд акага келиб: — Маҳмуджон, сиз шу қадар тиниқ севмоқ-дасизки, беихтиёр менинг ҳам севгим келяпти, — дебди.

Ичи тўла армон, қиз болани ўзига бўйсундирмоқ учун албатта ундан муччи олиши шартми, шарт эмасми, деган саволга «катта мутахассис»лардан ҳам тузук-куруқ жавоб ололмаётган бир киши, курсимиз оқсоқоли, комиссар ва бало-баттар унвонлар эгаси Маҳмуд аканинг бўлса тоза жаҳли чиқибди. Азбаройи келиб-келиб шу одам мени масхара қилаётир деб ўйлабди. Масхара қилмаётганига Тоҳир ака илла-базўр ишон-тирди, кўп нарсалар ваъда қилиб, ўзининг ўпка касал эканига, сидан одамлар кўп ўлаётганига, демакки, мен ҳам ичларингда омонатман дегандай қилиб, бир илож билан калтақдан қутулиб қолди. Бўлмаса «контужен»га ишониб бўлади дейсизми?

Мен ўйлар эдимки, бу офтобрўяда ҳамма Маринани севади, аммо ўзларини чалғитиш учун бошқаларга севгичалар изҳор қилишади.

Маринанинг бори ҳамма нарсаси, ўзи гўзал, — уни суймаган, жуда бўлмаганда бир термулманган, маҳдиё бўлмаган одамнинг ўзи йўқ. У ҳеч қачон қаримайди, хуснига доғ ҳам, ажин ҳам тушмайди, у адашиб, биз каби бадбахтлар ичида юрибди, холос. У ҳеч кимдан даккиям эшитмайди, ўзиям ҳамма нарсани билади. Билмаган, англамаган илми-ям қолмаган.

Факультет комсорги Дилшод — силлиққина, қора сулувдан келган, сочи орасидан парк очиб сипогина юрувчи, ясама маданиятли, аммо ҳеч бир нарсага аралашмагувчи йигитгина ботиниб унга пахта териб бера олади, фартуғини уялмасдан тарозигача опкела олади. Уялмасдан дейишга сабаб — у арбоб бўлиши лозим бўлган йигит, алақаёқдаги бир қизлар билан ўралашиб, кўнгил бериш — булар унга жудаям халал берувчи хатти-ҳаракатлар ҳисобланади. Жаноб партияга аъзоликка номзод бўлган, бу дегани омма орасида нуфузли универсиада ғолиби бўлган боксчидан кўра жиддийроқ таассурот қолдиради. Шунга яраша у жиддий бўлиши керак. Севги-певги деганлари ўткинчи, ножибдий бир нарса, унга боғланиб қолсанг, порлоқ келажак хароб бўлади. У ана шу харобалиқдан қўрқади, айни дамда бу дунёнинг англаб бўлмас Марина каби жозибаси ҳам борки, бундан ҳам кечиб юбориш учун жуда катта матонат талаб этилади фуқародан. Индаллосини айтганда, борингки, уни Дилшод севди ҳам дейлик чинака-мига, нима қипти, ёмонми, партия аъзоларига шу таъқиқланибдими. Шундайликка шундайку-я, аммо эҳтиёт бўлган маъқул-да. Дилшодбек шу туфайли эҳтиётроқ бўлиб севмоқни афзал билади.

Байрам эса...

Байрам кўп нарсани издан чиқаради.

Байрам бўлгач, ичилади. Ахир, студент ҳам одам. Қорин домла буни яхши ан-

глайди, бинойидай ақли етган, бир эркинлик берай, фақат ўзим ичгунча шу ота-онасидан, иссиқ ўрнидан узоқда юрган нотавонлар ҳам бирров чечилиб-яйрасин, деган.

Ана шу кўнгил бўшлиғи ўз бошига кулфат бўлишини тасаввур қилмаган, албатта. Акс ҳолда...

Ўша кунлари денг, учта барак ўртасида кўчиб юргувчи кўчма қизил байроқ ҳам бизнинг баракка келган. Худо билсин, анави Муяссар-трактор ва иккита пахта ташигич гигантларнинг хизмати бу, чунки шуларнинг тергани бир ёқ, қолган юз йигирма кишиники бир ёқ, кўйиб бераверсанг шу учови бошқалардан ҳам кўпроқ териши мумкин, анави ўғлонларники тухмати эканини айтдик, лекин Муяссар — тракторимизники ҳақиқий, ҳеч ақдам-қалдами йўқ. Яна айтиб қўяй: бургадан сал каттароқ гавдаси билан, балки Синчалак атаса бўлур эди, яхшиси биз бургага менгзаб қўяқолайлик, кўрганлар ҳазиллигини тушунар, маломат қилишмас. Ўша куни норма бажарганлар эртароқ келиб ювинишди, бизга ўхшаб кечроқ келганлар ҳам бош-мошимизни ювиб олдик.

Қизияғи, фирт даштнинг ўртасида, нақ барагимизнинг тумшугида бир шланга ётарди, шлангадан денг илмилик сув отилиб ётарди. Қаерга уланган бу, нега илмилик сув — буни биров изоҳлаб беролмайди, яхши томони шу эдики, эрталаб биз жирканмай юз-қўл ювамиз, кечда баъзан бош ювамиз, қизлар ҳам шу. Аммо унинг қадрига етмаймиз, шу сабаб унинг учини буклаб сим ила ўраб қўйишга эриниб шундоқ ташлаб қўямиз, оқибат шу бўлдики, шлангадан чиқиб ётган сув охири ҳовузга айланди ва биз ҳовуз оралаб сувга боролмай қолдик. Буғ кўтарилиб алламбало бўлиб ётар, унга бораман деган кимса балчиққа ботиб қолиши хавфи бор эди.

Хуллас, бор эди шунақа нарса, буни билдингиз, яна айтдикки, кўчма қизил байроқ барагимизнинг манглайида осиялик. Қип-қизил, бўрттириб айтамыз: алвоңдай ёниб ётипти.

Бир беҳининг остидан стол-стул ясаб олганмиз. Аммо бу жойга ўтирувчи даъвогарлар шу қадар кўпки, эртароқ келиб орқангни кўйиб олмасанг, жойдан қуруқ қоласан. Қуриган хас-хашак устига чўнқайиб овқат ичишинга тўғри келади ўшанда. Байрам куни энди шундай қилиб ўтирсанг, жуда алам қилади-да.

Беҳига осиялик фартуқ ичидан коса-қошиқ, кружкаларни даранглатиб оламиз. Қозон бошига бориб навбатда турамыз. Учта катта самовар ҳам шу ерда қайнаб ётади, чой қуйиб олишда тўкилавериб, атрофи билчиллаган лойга айланган. Баъзиларимиз қўлларимизга икки-уч идиш олиб егулик тегишимизни кўпроқ ундиришга интиламиз. Ҳолбуки у касалар асли кетиб қолган биродарларга таалуқли. Ошпаз ҳам анойи эмас, коса-товоқларни ранг-бошидан, сири учган жойларидан жуда таниб қолган. Холмуродга десангиз, Тоживойнинг косаси-ку, дейди кўзини лўқ қилиб, гап қайтариб бўлмайди, биласиз, бу биёбонларда ошпазлик ҳам ўзига яраша мансаб-у кимнингдир эркаси, ҳадеганда бетига сапчиб панд еб қолишинг мумкин. Беихтиёр ён берасан, худди Холмурод марҳум бўлиб кетган-у, унинг ўрнига бир чўқим ош ейишга ҳаққинг йўқдек.

Шунақа изза қилишади-да булар.

Домла шу куни аввал юқори курс талабалари, сўнг биз билан шахсан ўзи «юз-юз» чўқиштириб чиқди, бу бизда улкан ғурур ва ўша вақт таъбири билан айтганда «зўр мамнуният туйғуларини уйғотди».

«Зўр мамнуният туйғулари уйғониши» баробарида йигитларнинг баъзиларининг кайфи ошиб қолаверади. Одатдагича ўша куни ҳам базм уюштириди. Юқори курс йигитлари пишиқ чиқишди. Аччиққина совуқда турсичанг чиқиб олиб уч йигит беш-олти кўшиқ куйлашди, шунақа оҳангда куйлашдики, уларни лўлилар деб тасаввур қилдик. Лўличасига зап куйлашди. Кейин бири чиқиб олиб қанордай китобни ёйиб ўтириб олди, кимдир уни буюк ёзувчи даражасига етган, ичимиздаги кўз илғамас гений дея таништирди, у рўмондан боб ўқиши керак экан, китобнинг у ёғини титди, бу ёғини титди, ярим соат ўтгач, энг мазмундор жойидан ўқиди: «У энди барча аламларини меҳнатдан оларди». Кейин «диктир» эълон қилдики, ўзи рўмон бор-йўғи шу бир жумладан иборат, аҳамиятли жиҳати шунда эдики, бундоқ сермаъно асар ҳали дунёга келмаган.

Куба, Гавай оролларида хизмат кўрсатган артистларнинг кўрғазмали чиқишлари. Конференс Асқарали телпакни бостириб олиб, пайтаваси судралиб юрувчи резина этигини тиззасигача чиқариб, буям етмагандек, бўйнига ранги унниқиб кетган фуфайка орасидан зўра кўриниб турган капалакнусха галстукни кўндириб олиб абжирлик билан эълон қиялпти:

— Саҳнага трактордан тез терувчи теримчилар чақирилади. Муяссархон. Қадам оға, э, йўқ, у киши кассир, Қурдош ака, яна Абсалом ака. Уларни табриклаш учун Абдуқорин, кечирасилар, Абдуқаюм, оббо, Абдуқаюмов домла, кино фанлари номзоди

— сахнага, марҳамат, ура! Ура, ўртоқлар! Ура, ҳа, жон борича бўкирингиз! Акс ҳолда байрам байрамдек бўлмагай!

Қорин домлаям қизишиб турган экан, шу гал жаҳли чиқмади, аксинча жигар жигарга қаттиқ гапиргандек, конференсга:

— Ўл! — деди. Тамом. Шу билан ҳаммамизга муносабатлар тушунарли бўлди ва вазият кулгига қараб ёғиши осон кечди, умумий кайфиятга заҳа етмади. Трактордан баттар уч теримчига вимпель, ўн сўмдан пул мукофотлари топширилар экан, рубобда, тантанали куй янграр, кўчма қизил байроқ каттакон баллоннинг олови ва қора курумлари узра елпиниб турди. Уни чойчи Шурик елпирди.

— Шурик, — дея қичқирди Шоир, — байроқни ёқиб юбора қолайлик, энг катта байрам шу аслида. Давай, ташлавор оловга!

Шуриқнинг ҳам баданида бир қамчи бор, оловга бир текизиб олди байроқни. Байроқнинг учи куйди. Бу ёмон гап эди. Турган-битгани кам деганда жиноят билан баробар, бу жиноят учун нафақат Қорин домла, бутун бошли бир факультет йўқ бўлиб кетиши мумкин эди.

Байроқ дарров ичкарига опкириб кетилди. Базмга якун ясалди.

— Ўлларинг, моллар! — деди Қорин ака. — Сенларни одам ўрнида кўриб сийла-санг, эшак бўлиб тепасанлар!

Умумий ҳолат талабига, эҳтиёжига кўра ҳануз байрам давом этиши керак. Комсорг аллақайга гум бўлган, комиссар Қорин домланинг ортидан оёғи чалишиб зўрға эргашиб юрибди. Қуйи курс қизлари ўзларича сюрприз қилиб катталарни қутламоқчи, рубоб куйига ўйинга тушиб бермоқчи, кимлардир давра баҳона шеър, баҳру байт ила қалблари тўла муҳаббатни изҳор этиш тарадуудида. Оқ, оппоқ либослар кийиб олганлари, яна бир сахна асарлар кўрсатишга ҳозирланаётгани қайси.

— Маҳмуд ака, айтинг домлага, — дейди қизлар, — озгина байрам қилайлик, қанча кутдик бу байрамни, энди битта аҳмоқни деб ҳамма ўйин-кулгудан маҳрум бўлиши керакми?

Комиссар бўлса ҳамон домлага эргашади. Охири домлани тутиб олгач, секин чеккага опчиқиб сўрайди:

— Аммо узр-а, домла, мисол, бир қиз айтди, севган қизингни ўпиб олсанг, уям сени севади, ўша заҳоти севиб бошлайди, деб. Мен унча ишонқирамадим. Сиз... узр аммо, домла...

— Ўл, чучмал, гўсаламисан, ман сани бола-чақали деб юраман, ўпишдан гапирасан.

— Энди, домла, дардим бор-да.

— Менинг давримда ўпиш йўғийди. Энди чиқди бу иш. Наварали бўлдик. Кеннойингни ҳалигача ўпмаганимга пушаймонман.

— Йўғ-э, ростдан-а, оббо, домлажон-э, — дея хурсанд бўлди комиссар. — Яхши қиғансиз ўпмай, аммо яхши қиғансиз.

— Намунча тиршанглайсан, ў, комиссар, анави шоирингни тийиб қўйсанг бўларди, эртага билиб қўй, ҳозирги қилиги учун санам, манам бошимизминан жавоб берамиз. Аҳмоқ экан бунинг! Фирт аҳмоқ экан. Шонли коммунистик партиянинг анақасига тил текизвотти. Кўрдинг-ку. Ҳайдаттираман. Лично ўзим ҳайдаб, изини қуритиб юбораман.

— Яхши, домла, ҳайдаймиз, жа-а, ҳаддидан ошди, ҳеч ким ҳайдамасаям икковимиз ҳайдаймиз. Жуда... қаранг, аммо сизга раҳмат, — деди комиссар орқага тисланиб узоқлашаркан.

Қайта-қайта раҳмат айтиб йўқ бўлди. Тўғри Дилоромнинг ёнига борди.

— Бекорчи гапни айтибсиз, Дилором, — деди. — Сиз ўпишни биринчи ўринга қўясиз. Бу бўлмайдди. Тўғри келмайдди. Одамлар тарихда ўпишмай яшаган, билдингиз?

— Хўп, Маҳмуд ака, мен нотўғри гапирган бўлсам узр. Айтдим-қўйдим-да, ҳазил эди. Тавба қилдим, — дея юзини бурди Дилором.

— Сиз-ку, сиз ҳазил қилмадингиз, жиддий гап айтдингиз, бир балони биласиз. Аммо-чи, аммо моҳият-эътибори билан олиб қарагандачи, Дилором, мен шу нарсани нотўғри деб ҳисоблайман. Нега денг, нега? Чунки, қаранг, мисол лично Қорин домла-ям...

— Уф-ф, бас қилсангиз-чи, Маҳмуд ака, ким сизга бировни ўп деб айтди. Бекорчи гапни айтибди ўша. Билганингиздан қолманг. Ҳеч кимни ўпманг. Тамом-вассалом. Жинними? Бирам ёпишиб олади-ей...

Дилором тўнини тескари кийишга тушди.

— Аммо-лекин қайтиб келаман, бу нарсани доказат қиберасиз, узр-а, узр, мастлик-ростлик, хўпми, келаман.

Жалол деганимиз бор, у — агрессор, қип-қизил безори. Маҳмуд-пахмудларни комиссарлигига қарамай бир чақага олмайди. Безрайиб тургани-турган. Қизиғи шундаки, уни безрайитириб қўйиб Ситорадай тузуккина бир уйнинг гули бўлгулик қиз

кафтига қўйиб авайлайди, яхши кўргандан яхши кўрадики, комиссаримизга бир олам жумбоқ бу. Ўйлаб кўядики, баъзан Дилором айтгани каби бир марта оби-тобини келтириб туриб ўпиб олган чиқар. Бўлмаса бунчалик... Йўқ, Дилором билиб гапиради, билмаса бундай демас эди. Мен унга ёш боламидим, масхара қилса.

Ўзидан сўрасам-чи Жалолнинг. Акаси раҳматли билан бирга хизмат қилувдим. Акаси тилла йигит эди. Ўлганда ёнида эдим. Буни ўзиям билади. Ҳозир самоварчи Шурикнинг «хона»сида бўлса керак ҳойнаҳой.

Чойчи Шурикни ташқарига чиқариб юбориб Жалол, завхоз Мадамин, Ситора ва Қўқонгул, Мадина ўтиришган экан. Комиссарларча бостириб кириб борди. Нега келдинг, дегандек безрайиб тураберишди. Ҳатто қизлар ҳам келинг, Маҳмуд ака, деб қўйишмади йўлигаям.

— Ҳо, байрамми, — деди Маҳмуд ака. Лекин бошқа нарса демоқчи эди. Илтифот кўрмагач, ўзини камситилгандек ҳис қилди ва оғздан юқоридаги сўз чиқди.

— Нима, байрам фақат сеникими? — деди Жалол.

— Жалол, ука, ҳозир уришиб қоламиз, таёқ ейсан!

— Манми? — деди Жалол.

— Худди сан, — деди унга монанд Маҳмуд ака. — Санга ўхшаган тагин ўнтасини мана шу нимжон қўлларим билан буклаб тиқиб юбораман, билдингми? Бу ёққа чиқ!

Қизлар чий-чийлашди. Мадамин уриш чиқмасин, деб ҳай-ҳайлашга тушди. Лекин комиссаримиз Жалолни наранинг биринчи қаватида ўтирган ўрнидан шундай энгилик билан суғуриб олдики, Жалол вазининг бу қадар энгилигидан эҳтимол ўзиям ҳайрон қолгандир, ўртадаги овқат, ароғу пиёлалар ҳар ёнга учди ва сиқди.

— Ташқарига чиқ, олишта, қизларнинг олдига жўжаҳўрозлик қилавермасдан, — деди унинг кўзларига тик қараб комиссар.

Жалол Худодан қайтган йигит. Стодан ерга учиб тушган ошпичоқни олишга уринди. Ситора пичоқни тез олиб матраснинг тагига тиқди, комиссарга ялина бошлади кетинг, деб. Бўлмаса сизни ўлдириб кўяди бу, деди.

— Мени-я! Шу-я! — деди Маҳмуд ака тамом ҳушёр тортиб. Менинг кимлигимни биласан-а, Жалол? — деди бир оз юмшоқ оҳангда. — Аканг Азимжоннинг қўлимда жон берганини биласан. Кийимларини, альбомини уйингга обориб берганман. Тирранча эдинг унда, ҳозирам тирранчасан. Шуни бил, сен худобезорисан, тамом, мени кўрқитолмайсан!

Жалол Мадаминга тутқич бермай ўшқирарди. «Ўлдираман! Ўлдираман!» — дерди пишқириб.

— Қўлингдан келмайди, — деди комиссар, ўзини хотиржам кўрсатиб, бироқ тамоман қони қайнаб.

Жалол Мадаминнинг қўлидан ситилиб чиқолмай оёғини силтаб узатди. Комиссарнинг биқинига ўхшатиб тепди.

— Қўйвор! — деди Мадаминга комиссар. — Қўй, дедим! — Шу даражада важоҳат билан ўшқирдики, Мадамин беихтиёр қўйиб юборганини билмай қолди тутқунни. Қўйган заҳоти Жалол ҳам ипидан узилган итдай тирмашмоқчи бўлган эди, комиссар унинг қўлини десантчиларга хос эпчиллик билан қайириб ерга ётқизиб олди ва ташлаиб унинг кўкрагига тизза кўйди. Эзиб, ўзи чамаладики, камида бир ҳўкизнинг оғирлиги билан босди. Қўйиб юборгандан сўнг ҳам Жалол ўрнидан туравермади. Қўлини ҳам қаттиқ қайиргани ҳолда, қовурғасини синдириб юбордим деб ўйлади. Аммо жаҳл устида тишини тишига шундоқ қаттиқ босиб турибдики, беихтиёр олд тиши синиб кетганини сезд.

Жалолнинг бошида ҳамшира билан Ситора ўтириб чиқди. «Ўламан!» деди у. Ситора баттар бағрига босди. Маҳмуд акамиз бўлса баракка кириб ўз ўрнида кийим-бошини ҳар ёнга итқитар экан, ўкраб йиғлаб юборди. На бўлғай, ёнига энг кўнгилсоз одами — командирниям йўлатмади.

— «Вой хунаса!» — дея полни гурсиллатиб муштлар эди у. Кейин тура-тура уфф тортиб юбориб, бесабрлик билан Жалолни сўяман деб нарадан ирғиб тушарди.

Жалолнинг олдига бориб, унинг ўзига келмай ётганини кўриб: «Тфу, сволоч!» дея тагин қайтиб келарди. Алами қонмаганидан на ётишини, на туришини биларди, чамаси Жалолни бурда-бурда гўшт қилиб ташламагунча тинчимоқчи эмасди.

Комсорг қай гўргадир йўқолган, штабга кириб, Шоирнинг устидан рапорт ёзишга чоғланган Қорин домляям шошиб чиқиб комиссарни босишга уринди. Аммо комиссар унияем жеркиб итариб ташлади.

Домла ўйлаб қолди: бу масалаям жиддийга ўхшайди. Тавба, контужен деганлари шунақа — босар-тусарини билмай қоларкан-да. Шоирникдан буники ошиб тушди-ку.

Ташқарида, ўламан деб липилаб турган гулхан атрофида беш-олти йигит-қиз дунё билан ишлари йўқ, шеър ўқибми, гурунғ қилибми ўтиришибди. На бировнинг кўзига тик боқади, на шовқин кўтаради, на бир нарса даъво қилади булар...

Бироқ сал нарида, қоронғуда оғир этикнинг дурсиллашига монанд «хув-хув!» дея шоир ёки шоирбачалардан бири шеър ўқиётир. Бора-бора унинг ҳам овози сўнади.

Яна лоток бўйида бевош йигитларнинг дам-бадам қарсиллаб кулганлари кулоққа чалинадики, бу байрам ҳар кимга ҳар йўсин кайфият улашганидан дарак беради.

Тун алламаҳал бўлди. Движок ўчди. Ёввойи товушларнинг ҳам уни эшитилмай қолди. Ташқарида командир гўнғираб ивирсийди. Шу кеч анави камгап мелисага-да тиним бўлмади. Фонарини ёққан кўйи у бурчакка борди, бу бурчакка, охири ҳафсаласи пир бўлди чоғи, қизлар ила давра қурмиш, эхтимол аллақачон тун алласига берилиб уйкуга чўммиш ҳамширани қидирмоққа тутинди...

Номозшом кўнгилга кўтир жомашов. Тун эса... Ҳа, бу узун тунни узоқ вақт эслайдилар. Бу тун Шоирнинг, Маҳмуд аканинг, малаксиймо Маринанинг кўнгилларида инқилоб ясаган тун бўлди. Ва ғалат таассуротлар, ғалат битиклар ила қалбларга муҳр босди. Ўз муддаосига етишгач, пардалари йиртила-йиртила саккизинчи ноябрга қараб оға тушди.

Шоир ҳамон ухламаган эди. Уйқуси келмагани ёхуд шеър ахтаргани учунмас. Алвон тусли байроқни гулханга ташламоқ каби бир қалтис даъват эгаси бўлиб қолгани ваҳмидан ҳам эмас. Шундоқ, тун кўйида домлага тушунтирмоқчи бўлган гапларини роса эзиб ўйлай-ўйлай чарчади. Домла, ўзингиз тушунарсиз, камина шоирликни ҳавас қиламан. Машраб бўламан девдим, ўлишимга бир баҳя қолди, Шуриikka айтмоқчийдимки, жўра, ука, байроқ ҳам олов рангида, олов байроқ тусида, икковининг ранги оталаримиз, аждодларимиз қони сингари кип-қизил, келинг, энди шу улуғ кунда ўлик ва тирик қонлар бир-бирига қоришиб кетсин. Шундай демоқчийдим. Буёғи, ўзингиз рухсат этдингиз, ичимизда пича градус бор, ҳар нарсани гапиртиради, соғ бўлсак индамас эдик, домлажон. Хўп деяқолинг, ўлиб қоппиз. Ёмон ўлиб қоппиз.

Шоир ўлақолса бундай демайди. Домланинг нимасигаям хушомад қилсин. Билим, билим уёқда турсин, тузук саводнинг ўзи борми? Қорнидан бўлак ҳеч вақоси йўқ. Шу туфайли таъзим қилсинми. Эви билан-да ҳар нарса.

Бироқ... ҳайдаттираман... деди домла. Ундаям ғурур бор. Жуда ғурур бўлмаганда-ям, сиёсий томонини айтинг. Энди бу куйган байроқни нима деб изоҳласин, яхшиси менга ё Шуриikka тўнкаб кўяқолади. Шуриикдан кўра менга хавф кўпроқ.

Камбағалнинг боласи экани, ана-мана етук шоирларга етақа асарлар ёза бошлагани, ҳадемай ўқиш ҳам туташди, қаергадир, балки Тошкентда бирор жойга кириб ишлаш иштиёқи, китоб чоп эттириш, турли мақтовлар, унвонлар... булар бир-бир кўз ўнгидан ўтаверди, ўтаверди ва тавба, деди. Юрагига сиғдира олмади. Бора сола кўрпага буркангиси келди. Барибир уйқуси келмайди. Уйқуси келмасаям кўрпа билан ваҳмни, хаёлни жиловлашга интилади.

Баракнинг сўнгроғи, кўримсизроқ, яъни кўзга ташланмайроқ тургувчи каравотига гутурт чақа-чақа кирза этикларга туртила-туртила етишди. Етиб «эшиги» — одеялни кўтариши ҳамон қизнинг чўчиб ҳаяжонлангани эшитилди. Шоир қотди-қолди. Бу шаршарадек эхтиросли товушнинг эгаси ким бўлди экан, тавба. Нега энди, шундан ҳам кўрқиб керакми? У аввал гутурт чақди, сўнг дарров пардани кўтарди: Маринанинг чақноқ, мовий кўзлари ялтираб, эхтимол, товланиб кетди. Сочлари, ҳа, ўша, талаба элининг жон бўғиналаригача бўшаштириб юборгувчи, эхтиросларга кўмиб юборгувчи олам-жаҳон тиласочлар — улар-да товлана кетди. Ҳайкалдай қотганидан унинг қошида яна кимдир борлигини, бу кеча чиңдан-да инқилоб кечаси эканига ишоналмай бармоқларини гутурт олови куйдириб юборгунча англаёлмай турди. Кейин дарҳол иккинчи чўпни чақди.

— Шоир девомман, — дея ижирғаниб, товушсиз бақириксиз ўшқирди Дилшод. — Бир пас туриб тургин, биза ҳозир... жон дўстим. Хўп де, шарманда қилма!..

Шоир шарманда қилиш ҳақидамас, дунё латофатининг асл тимсоли бу даражадаги ҳароб ёшгага кириб ҳароб бўлиб ётгани ростми ё тушими — шу ҳақида ўйларди.

Ташқарига чиқиб ўзини тутди. Мелисага айтсамми, деб ўйлади. Хоҳламади. Сўкинди. Айланиб келиб тагин баракка кирди. Нега энди менинг каравотимда... Нега? Бораётиб бошқа ёққа бурилди. Тошпўлатни топди. Ёнингдан жой бер демоқчи эди. Аммо у кайф экан. Ётибди — бошида телпак, жун шарфни ўраб, кенг фуфайкага ўралиб, этикниям ечмай. Бироқ, негадир турсикчанг...

Бутун ҳаммани Худо урибди ўзи, деди ўзича. Тепада қизларнинг бири кўйиб, бири олиб кимнидир ғийбат қилаётгани, сўнгра тинимсиз кулишлари эшитилиб турибди.

Эшик тарафда ҳамон комиссарнинг сўйиш, ўлдириш иштиёқидаги оташин қичқирғи, баралла сўкиши худди касал одамнинг доимий инграшидай ҳаммага кўникиш туйғусини туғдириб бўлган, қичқариқ ортидан бир талай хуррақлар ҳам баравад симфоник куй мақомида янграб ётибди.

Кўп ўтмади. Дилшод ташқарига чиқди. Шоирни чақирди. Илтифотсизгина кечирим сўради.

— Ничево, — деди. — Эртага ўзим сани ҳимоя қиламан. Келишдиг-а, фақат биза ҳақимизда, тсс... Хўпми, оғайнижон.

Шоир тўла англаб бўлмайдиган бир оҳангда:

— Нимага... — деганича қолаверди. Дилшод тез-тез юрганча лоток томонга айланиб кўздан ғойиб бўлди.

Эртаси баракни ҳеч ким уйғотмади. Уйғотадиган зотлар-да чошгоҳ қадар сасиб ухлади.

Бир замонлар чой ичмоққа команда бўлди. Чой ичилиб бирин-сирин темир идишлар шақир-шуқур йиғиштириларкан, кузнинг тафтсиз қуёши пешонадан уриб турар, домла чиқиб уйқуга тўймаган, бироқ шишиб кетган кўзларини лўқ қилиб, бутун линейка бўлмаслигини, ҳамма далага жўнайвериши кераклигини айтди, командир қадимги мубоширлар сингари буни оммага қичқириб рус ва ўзбек тилларида етказди.

Гужумлардай бўлиқ ва думалоқ шакл олиб ўсиб ётган тутзорлар аро йўналган оқим ортидан командир югургилаб етиб олди ва Шоирни чақирди.

— Комиссар икковингни штабга чақиряпти домла!

Шоирнинг юраги шиф этди.

Одам ўлдиришдан ҳам ортиқроқ жиноятни ҳамма билиб қўйганидан уялган каби «секинроқ гапирсанг ўласанми?» дегандек, секин, зўрға, боз устига тепадан туриб қайрилди. Бу қайрилиш «нима гап ўзи?» деган маънони англайтиши лозим эди Шоирнинг наздида. Ўзиям қаторнинг бошида пода олдига тушган серкадай шитоб ила кетаётган экан. Обдон ўсал бўлди. Ичидан буткул эзилиб тушди.

Командирнинг чуқур ботган кўзларидан бирор нима англаш маҳол. Аммо унинг иршайиши яхшилик аломати эмасди. Бу истеҳзо алақачон комфирқа аъзолигига қабул қилинган, лекин шу туфайли ҳам Шоир ва унинг бир талай шериклари томонидан масхарага дучор бўлган командирнинг пайтини топиб, айнан нишонга олиб берган жавоби эди. Бироқ Шоир бу ҳақда ўйлагани йўқ, қандоқ бўлмасин, вазиятдан қутулиш талвасасига тушди. Командир агар уни кутқараман деса, уни чўлп этиб ўпиб олишга, буюм гапми энди, хизматкори бўлишигаям тайёр эди.

Шоир секин сафдан чиқди. Командир сафни ёнлаб келаверди. Шоир тураверди.

— Раҳмон ака, Дилшод ҳеч гап бўлмайди, деб эди-ку, — деди командир то унинг қошига довура келгач.

— Пожалиста, гаплашинглар. Шахсан деканнинг ўзи бўлади. Университет парткомгаям етибди бу гап. Уям келади ё бўлмасам жавобини кутади бу ишнинг.

Оёқларида жон қолмади Шоирнинг.

Жонсиз оёқлар ила баракка қараб судралди. Командирдан нажот сўрагиси келди. Лекин командир уни очик тусда истеҳзо билан кузатар экан:

— Ҳайдаймиз деса, қаршилиқ қилманг, — деди.

Шоир ял этиб ўтирилди.

— Бундан багтаридан Худо сақласин, — деди тагин командир, қув кўзларини тик қадаб. — Хўп, омад сизга, Шоир.

Шоирнинг ичида қаршилиқ пайдо бўлди. Булар бариси майда одамлар, жудаям майда, бинобарин буюк орзулар қилишга, буюк истиқболни қарши олишгаям ярамайди. Шоир яна ўйладики, ўша кунлар барибир келади, келмай иложи йўқ, буни бировга айтиб ҳам бўлмайди, аммо мана бунақа одамлар ўшанда яшашга ҳақли бўлмасликлари керак. Лекин афсуски, ўшандаям шулар эгалик қилса керак ҳаммаёққа, ўшандаям менга ўхшаганлар масхара бўламан.

Ҳайт! Аммо келади у кунлар!

Баракка етгунча ўзининг кўнглини ўзи кўтариб, ғўнғирлаб шеърлар ўқиб борди. Барак қошига боргач ҳар куни кўравериб кўзи тушавериб пишиб кетган байроқнинг ўрни бўшлигини кўриб бўшашди. Сабил қолиб кетмасмиди шу матоҳ! Негаям аралашдим! Тилим кесилса рози эдим!

Чинданам тилим кесилмоқлигига рози эдим.

Штабга киргач, куйган байроқни ёзиб қўйиб шумшайиб ўтирганларни кўриб яна бўшашди.

Унинг саломига алик ҳам олмади домла.

— Саниям, саниям, саниям анови трактор қизимга қовуриб едирса, а, едирса, ўшанда савоб бўлади. — Домла самоварчини, Шоирни ва комиссарни нуқиб кўрсатди.

Шоир комиссарнинг ҳам бу ерда бош эгиб турганини кўриб лол бўлди. Балки уям қилимиши учун жавоб бераётгандир. Расво бўлди ҳаммаси. Тинчгина кетаётувди-я ишимиз.

Комсорг бирдан бошини тик кўтариб домлага қаради.

— Ман буни кафиликка олдим, жавоб бераман ҳаммасига, комсомол оталиққа олди. Кейин бундан иш чиқмаса, бошқача чора кўришингизга розиман.

Шундай дея у Шоирни кўрсатди.

Шоирнинг ҳам юриши тўхтаб қолаёзган томирларига жон ингандек бўлди. Бирдан нига тетикланди. Минг гапни ўйлаб, қулайини тополмай, ич-этини еб ўтирган эди.

Домла кутилмаганда комиссарга амнистия эълон қилди. Лекин шарт қўйди:

— Обедда декан билан партком келади, ўшангача байроқ чиройли бўлиб жойида турсин. Анақа, ўртоқ палитбюро аъзоларидан бири тагин анақа бўлти, деб эшитдик. Агар траур қилишга тўғри келса, байроқни уч кунгачайин анақа қилишга тўғри келади. Тўғри тушунларинг, бу обшем серёзний масала. Ўшанга... тушундиларинг-а, гап нимада?

Ҳамма бараварига «тушундик» деди.

Кейин яна комиссарга тикилиб уқтирди:

— Жалол, санга даъво қилмади. Эркакчасига гаплашиб олдук, силаям индамаларинг, деди манга. Буни инобатта оламиз. Бўлмаса нақд... кетган эдинг.

— Байроқни-ку бир илож қилармиз, — деди комиссар ҳам маълум оҳангда. — Жалолнинг ўзиям тинч юрсин. Тирик қолганига хурсанд бўлсин.

— Уни ўлдириб сиз тирик юрармидингиз? — деди домла зардаси қайнаб.

— Айтдим-да, ўзи тинч юрса бўлгани. Мен ундан бошқа нарсани сўрамоқчийдим. У бўлса, сапсем... бошқача тушунди.

— Ўпсам майлими, қизларни қанақа ўпади, сўнг нима бўлади, демоқчи бўгансан-да?

Комиссар бирдан сесканди ва домлага жиддий тикилди. Домла комиссарнинг ўқрайганини кўриб суюқ гап қилганига иқрор бўлди чамаси, тўпланганларга олазарак қараб чиқди-да:

— Қани, марш далага! — деб юборди.

Ташқарида мелисага булар афв этилганини тушунтирди.

Кеча гуноҳда ботганларнинг ҳаммаси эгатлар оралаб пилладек шитирлашиб, гап-сўзсиз, бир аллозда термоқ ва шунга овуномоқ илинжида, тезроқ кечаги гаплар туш каби эсдан чиқиб кетишини хоҳлар эдиалар.

Ўзи баъзан ҳайрон бўласан: тунда бошқача, кундузи бошқачароқ бўладими дейсан одам. Ҳозир буларга термулиб кечаги, оқшомдаги завқ-шавққа тўла, жиннилик қилишни ҳамма нарсадан устун қўювчи йигит-қизлар ўшалар эканига бир зум ишонмай қола-сан.

Сулувлар сарвари Марина-чи?

Уям бир чеккада гимирсиб юрибди. Ҳамон сочи товланади. Баданига хиппа ёпишган оппоқ водолазкаси, қип-қизил шими ҳамон ярашиб, ҳамон гўзал кўрсатиб турибди. Ҳамон у бегуноҳдай, безаводай.

Эҳ, шоирларнинг зўри уни қайта-қайта шеърга солган эди-я. Бу шеърый сатрларни биз фақирлар ҳам такрорлаб, ёнимиздаги фариштани таърифлаб турар эдик. Дунёи дунимизни парчаладинг, Марина!

Эҳтимол, бошқа шоирнинг ақидасига амал қилган чиқар:

Қисмат майин ичдим: аччиқ ва тахир,

Тўйдим эҳтироснинг самовий кучин.

Одамзоғ дунёда яшамас ахир,

Фақат иродасин синамоқ учун!

Балки тасаввуримиздагича чидам, саботнинг ўзи йўқдир бу гўзалликда. Балки... Барибир Маринанинг жисму жонига сира заҳа етмаган, етмайдигандек! Не хилқат, не сир-синоат бу ахир!.. Эҳ, Марина!

Командир комиссарни кутиб турган экан. Эски дўстлар дарров четга ўтиб гаплашиб олдилар. Командир эгат ичра қизлар тарафга кетди. Комиссар Шоирнинг ёнига келди.

— Мен аҳмоқми, десам, сиз мендан баттар экансиз-ку, ўртоқ, — деди.

— Э, бир бўлиб қолди-да, шунақа, ака. Мен куйдирганим йўқ-ку ўша нарсани. Анави маҳмадона қилди-ку. Гапирган мен, тўғри. Лекин куйдирган у-ку.

— Гапирганингизни ҳамма эшитди-да. Шурик бўлса беҳосдан оловга тегиб кетди, мен ҳукуматни олқишлаётган эдим деб тураверди. Лекин, ўртоқ, яхши ишлар бўлмади, аммо, тўғрими? Буёғига манавиндай қилиб юриш керак, — деди у муштини сиқиб кўрсатаркан.

Шу пайт комиссарни командир чақириб қолди. Комиссар у билан учрашдию яна Шоирнинг олдига келди.

— Тавба, қизиқ ишлар бўляпти-да, Шоир, — деди. У хурсанд эди. — Байроқни Гуля тузатмоқчи эмиш. Орқасидан борсаммикан, бормасаммикан?

— Нима қиласиз бориб?

«Комиссар унга «тушунмадиги зми, уу менгаям сизгаам яхшилик килмаски кду?» — дегандай қаради. Бирок: Шоир Бефарқ эди. Комиссар тушунганини келмади ё булдан сирдош чиқмас экан, деб хафсаласи тир бўлди шекилли.

— Энди-да, — деб кўяқолди.

Кимгадир ёрилгиси келди барибир.

Эгатлари кўндалангига кесиб одам излади. Бирор кўнгилга яқин олса бўладиган одамни. Утириб шеригим Кенжанинг бир дона «Астра»сини алмашиб чекишиб ётсак, бизга рўбарў бўлди. Ердан олиб, ерга солиб тоза масхара қилдик ўзиниям. Сизлардан одамгарчилик чиқмайди, биламан, деди. Одамгарчилик нима, эсон-омон қутулсангиз шунга хурсанд бўлинг, одамгарчиликни одамга қилади-да, сизга қиладими?

Ўзиям кулади. Одамгарчилик чиқмасаям биздан ёмонлик чиқмаслигига кўзи етади. Қўрқмаса бўлади биздан. Кечаги синовли тундан ҳам оқ чиққанмиз. Юртдошлар кечаси даладаги бир чайлада ўзимиз ош уюштирганмиз. Не гап бўлса ўша ерда гаплашиб, не улфатчилик бўлса ўша ерда қилганмиз. Одамдай келиб барақда ётганмиз.

Гуля деган пари хусусида ҳам бир-икки оғиз тўхталмасак бўлмас. Пари зоти-таги бирла Маҳмуд аканинг туманидандир. Сочини ёш қизлар каби шох қилиб юришни хуш кўрса керак, аксар ҳолларда шу алфоз кўрганмиз. Шунда у чиңданам ёш қизлар мақомида бўладика, ажойиб, бўй етган, балки ўтиброқ бораётган қизнинг бу қадар яшариб кетганига ҳайратланасиз. Яна шуниси бор эдики, пари не кийим кийса ярашар эди. Аммо тор-тикмачоқ жинсида юрадики, бу уни тагин-да чаққон кўрсатарди. Чуст дегани асли ўзи чаққон маъносиде эмиш. Маҳмуд акамиз ҳам тоза чустийлигини ҳисобга олсак, булар обдон мос тушганлигига иқрор бўлар эдим.

Лекин...

Майли, «лекин» тўғрисида кеинроқ тўхталишни ваъда қилиб парининг таърифи-да яна озроқ тўхталсак.

Тезоброк. Лаҳза ичида тўрт-беш бўлмаса-да, икки хил кайфиятда кўрасиз. Жуда таъсирланувчан. Оғзингиздан чиқаётган гапда жузъий хатолик бўлса, майли-да, деб кўяқолмайди, дарров тўғрилаб кўяди, хоҳ хафа бўлинг, хафа бўлманг — фарқи йўқ. Ўзига-да сира сув юқтирмайди. Тагин спортчи. Уқувлигина спортчи. Институт кўл тўпи командасининг сардори. Жуда тез югуради. Оққувадан келган, сочлари бир хил сариқ, аниқроғи гунгурт рангига мойил. Бизга ўхшаган оғиркарвонроқ зотлар билан, табиий-ки, мижози батамом тескари. Йўлимиз кесишмаганиам маъқул дейман бундайлар билан, акс ҳолда бир эснаганинг учун ҳам кўп замонлар маломат эшитиб юрасан.

Майли энди, бу ёғи ортиқча гаплар.

Сирдан қараганда тезоб, чаққон. Аммо шундайки, бир жозибаси борки, эркалагиси келади одамнинг. Туйқус кўлингизни тишлаб олишдан эҳтиёт бўлганингиз маъқул...

Маҳмуд ака бир фаройиб зот, шунга етишмаса жони чиқиб кетади. Аммо ҳеч кашф этолмайди қизнинг феълени. Кейинги вақтларда худди қиз томонга қалит топилгандай ўпмоқ чорасини ахтаради. Бундан ўзга йўл йўқ. Ўпсагина пари таслим бўлади. Хоҳлаган мақомига йўрғалатади.

Лекин негадир, пари раъй қилиб денг, тагин Маҳмуд акага юклатилган юмушни бажаришга чоғланиб, ҳеч иккиланмай барақка кетибди.

Бориб байроқча чора топибди десангиз. Учидан бир қисмини қайчида кесиб, қорайган жойини билинтирмай опташлабди. Қирқилган жойини бир энлик қайириб тикиб қўйибди. Яна баъзи чўғ теккан, қорайган жойларига қизил лак сурибди.

Буни қандоқ тушунмоқ керак энди?

Маҳмуд акамнинг юраги орзиқди. Энтикиб кетди. Оёғи ерга тегиб-тегмай учиб юрди. Ниҳоят, мана, Жамолунгма чўққисини забт этишдек машаққатли юмушни адо этгандек ғойибона ҳаракатлар қиларди. Бефарқлар буни билмайдилар. Кўролмаслар куядилар. Улар орасини бузишга ҳаракат қиладилар.

Акамиз учиб-қўниб, учиб-қўнди. Тиллари бийронлашди. Парига бир муддат яқинлашиб букчайган кўйи унинг пахталарини тарозига элтди. У-ку майли, дугоналарининг ҳам ҳосили хирмонга белоғриқсиз етадиган бўлиб қолди. Парининг ўн килоси ўн беш кило, ўн бец кило пахтаси йигирма беш кило бўлиб ҳисобга ёзилаверди. Ҳар қалай комиссар ҳам бир кичикроқ ҳукумат денг, чоғлана берса бир хил ишлар кўлидан келади.

Аммо шу кунларниям Худо «ҳукумат»га кўп кўрди. Иккови илгариям кўп гувоҳи бўлганимиздай, ошқора жиқиллашишди. Бир сафар Маҳмуд акаям бақира берди. Пари бўлса комиссарнинг нақ сочини юлиб ташлаёзди, важоҳати кучлик эди.

— Шуни билиб қўйинг, — деди пари. — Ҳар хил фиқ гапларни ишлатишдан кўра ўзингизни ўйланг. Лақмалингиз учун, ҳа, лақма комиссар бўлганингиз учун охир замондаям Гуляни ўполмайсиз. Тошингизни теринг.

Шундан кейингина акамиз мутлақ таслим бўлди. Таслим бўлиш ҳам гапми, тоза шалвираб қолди.

Барбод бўлди ҳаммаси.

Тил курсин, тил.

«Севиб хато қилдим, севгилим.

Ўлиб хато қилмасман», деб юборди.

Қизлардан бири етказган. Бу аниқ, Дилоромдан кўрди. Сўнг туриб-туриб унинг айтганига ишонгиси келмади. Ахир ўзи ақл ўргатди-ку, — деди. Бунинг тагига етаман, — деб ўйлади.

Лекин билганининг фойдаси йўқ энди.

Шаҳарда дарсхоналарга кириб, лексия тинглаб чиқиб, кутубхона, ётоқхоналарга шошиб юриб одам бир-бирини тузук синай олмайди, вақтнинг тигизлиги бир-бировини чуқурроқ тушунишга мудом халал бераверади. Пахтада эса истасанг-истамасанг атроф-теварақдагилар ва сен бир хил одамга айланасан, вақтинча ҳамманинг қисмати бир хил бўлиб туради, фазиладингу қусурларингни ўзинг бил-либ-билмай намоён этаверасан. Севсанг чинакамига севасан, севилсанг ҳам роста-камига севиласан. Боз устига, бошқаларни билмадим-у, бизнинг ҳамсабоқлар гар-дсиз йигит-қизларлигича қолишди. Буни камина овозини бир парда кўтарибон айтсам-да ярашади. Бошқаларда учраб тургувчи ахлоқий бузғунчиликлар биздаги қирқ уч нафар йигит-қиз ўртасида учрамади. Бўлиши мумкин эди, лекин Маҳмуд акага ўхшаган бир хил «ненормальный»лар бор эдики, чаёндай тирмашиб сўроққа, терговга тутавериб, ёпишавериб гаранг қилиб юборарди. Гуноҳ тугул севганингга-ям жавоб беришинга тўғри келарди.

Ўзи бўлса йиллар давомида бир қизнинг лабидан муччи ололмай армонда ўтди.

Йиллар бизнинг тасаввуримиз ва ҳайратимизни писанд қилмай, яъни биз илғашимиз мумкин бўлган нарсаларни илғаб олишга улгурмай, шамолдай тез ўтдилар. Йиллар шунингдек, гўрликларимизни синдирди, тарашлади, қарорларимиз, аҳдларимизни-да ўзгартирди. Ўзимиз кутган ва кутмаган ёқларга сочилиб, лекин аксарият ўзимиз кутмаган қизларга уйландик. Қизларники сал бошқачароқ. Мисол Маҳмуд акани кўпинча қармоғига иддираман деб юрган Муҳаббат деган опамиз ўттиз уч ёшида, яъни ўқиш тугагач салкам олти йилдан кейин эрга чиқибди, аммо дарров ўғил кўрибди. Дилором бўлса, чинданам велосипед тузатаётиб муччи олган, ўзидан икки ёш кичик йигитга турмушга чиқди. Бир этак бола туғди.

Гуля паримиз бўлса Шимолга, Қорақалпоғистонлик бир банкда ишлайдиган йигитта хотин бўлди. Бир талай қиз туққанини эшитдик. Ҳайтовур бахтлидир-да десак, ажрашибди деган гап чиқди. Бу Маҳмуд аканинг дуои баъдидандир деб ўйладик. Балки.

Йигитнинг гулини увол қилди-да ахир.

Дарвоқе, «йигитнинг гули» ҳам исмини эслаёлмайман, кўшнисининг қизини олди. Тўрт ўғил кўрди. Аммо ўша шашти, ўша ғайрати сўнмади. Янаям қизиғи, Гуляни ҳануз яхши кўради. Гап салтини у ёққа бурсанг энтикаберади, ўртана беради.

Қиссани ушбу нуқтада тутатиб кўяверсак ҳам ноинсофлик бўлмасди. Лекин баъзи жиҳатлар борки, уларни ақдан фаромуш қилсак, кўнгида хижиллик қолади.

Гарчанд ҳар куни кун бўйи белинг оғриб, кўлинг қавариб пахта термаган бўлсанг-да, қарийб уч ой далада сарғайиб юришинг ҳар қандай бардошли инсонниям безиллатиб кўяди, унча-мунча нарсага, жумладан эгат оралашга ҳечам юрагинг бетламай қолади. Узлуксиз қорли, ёмғирли кунлар такрорланадики, дунё кўзингга рутубатли кўринади. Фақат еб-ичиб, валақлашиб, кун бўйи китоб ўқиб ётганингда ҳам ўзгариш-сиз қолаётган бу ҳаёт қалбингда узлуксиз норозилик уйғотиб боради. У ҳаётни одилона янгилаш чораси йўқ эди. Биз учун ҳам, бошқалар учун ҳам. Тобелик, иқрорликни ёқтирарди дунё.

Уч кун, тўрт кунга рухсат сўраб кетганларнинг биронтаси уйдан қайтиб келмасди. Улар бориб оғирроқ касалга чалинишарди. Ишонмасангиз, шاپалоқдек қоғозга термулиб иқрор бўлардингиз. Чин касаллар ва сохта касаллар учинчи ойга бориб буткул теримчи-талабаларнинг баракасини учирди. Бирин-сирин барақдан кириб чиқувчилар сони нари борса ўн бештани ташкил этарди. Домалар ҳам, тарозибон, кассир, ошпаз, командир, комиссар — барчаси суст, аксар хомуш юришарди.

Республика пахта режасини бажармаган эди.

Республикани ўйлаганлари учунмас, азбаройи бу бемаъни юришлар жонларига тегиб бўлгани учун хомуш юришарди.

Марина, Гуля, бошқа шаклдоқ қизлар ҳам йўқ. На кулба, на далага файз киритиб турадиган бирор жон йўқ. Ҳамма кетмоқни истарди, холос.

Менинг сал-пал юрагимни илтиб турадиган биргина куч бор. Бу — Дилором. У жудаям иродали қиз. Эркак билан гаплашгандек ҳаётнинг кўп икир-чикирларини

батафсил сўзлашсанг бўлади. Кўзларида ҳам нимадир чуқурроқ маънолар яширин, менда шу сирларни аёнлаштиришга қизиқиш бор эди. Аммо уни яхши кўриш мумкинмас. У эгали. У «ўпилган». Демак, кўнгли боғлиқ. Бировга таслим. Мен учун уни оёдиришга интилиш бефойда, мутлақо маънисиз иш.

Ўзи, Маҳмуд аканиям йўлидан адаштираган шу қиз-ку. Маҳмуд ака тимсолида биз ҳаммамиз журъатсиз эдик. Энг журъатли инсон Жалол эди. Жалол учун икки дунё бир қадам, худди шу туфайли унга ҳавас қилолмасдик. Боз устига мана шу журъатсизларнинг ҳаммаси ота-онасининг муштипар, йўталса қўлтигига йўталадиган фарзандлари эди.

Марина кетди. Гуля кетди. Дилором кетдию, қайтиб келди.

— Аслида ҳаммаларингиз Маринани севасизлар, лекин бирортангиз унга тегишига журъат қилолмайсизлар.

Бу Дилоромнинг тўғри гапи. Бироқ ҳамма тўғри гапни тўғри деб бўлармиди, мисол, Марина Маҳмуд ака ё менга хотин бўлармиди. Асло. У ўзига ўхшаган чиройли, йўли, қўли очиқ бир йигитга мос. Ўшандаям унинг чин содиқ яшашига умид йўқ. Гапнинг индаллоси шу.

Лекин тагин бир ҳақиқат ҳам борки, Марина бирор шарт қўйиб, ўша шартда голиб чиққанга муччи бераман деса, кўпчилигимиз ўзимизни томдан ташлаб юборишга тайёр эдик. Қурмағурнинг бошқача латофати бор-да. Дилором бўлса, атайин одамнинг ичини куйдиргиси келади. Бир хаёл мен ҳам ўйлайман: Марина билан шунақа опоқчапоқ бўлиб кетсамки, Дилором ичини уриб ётса. Марина бўлса қўярда-қўймай менинг кир-чирларимни ювиб ётса, кўчага отланар бўлсам қабатимга кириб билагимдан ушлаб эркаланиб юрса. Ох! Бунга Дилором ўлақолса ишонади. Ўзим ҳам ишонмайман.

Бироқ Николай Гогол узоқ замонлар «Ёшлик шунинг учун ҳам жозибалики, унинг келажаги бор» деб ёзган эди. Марина ва Дилором қарамади деб ўзимизни жувонмарг қилишимиз керакми. Ана, олдимизда гулдай келажақ етаниб ётибди. Биз ҳали бир инсон бўламиз, бир инсон бўламиз, кўролмай куядилар, кўролмаганларнинг кўзини ўямиз.

Нима дедингиз, Маҳмуд ака?

Маҳмуд ака мени ва шеригим Кенжани ўзига яқин олади. Пахтадан кейин сизлар икковларингизга бораман, дейди. Борса борар, пахта қачон тугайди, деб барибир ҳай, деб юборсак, акам астойдил. Опкетмасак бўлмайди. Ҳар ким ўзича шишиллаб уйига жўнаб қолгиси келади ўша кез. Кўнглингга сира меҳмон ботмайди. Буям энди уйига кета қолмайдими, Кенжа иккаламизга шу ғам тушди.

Шаҳарнинг чеккароғида бир инжиқроқ ўрис чолниқида ижарада турамиз. Борамиз, автобусдан тушамиз ва квартирага қараб гумдон бўламиз, комиссар уйимизни билмайди, табиий, қолиб кетади. Кетишдан анча бурун Кенжа билан шундай эзгу режа туздик.

Сирасини айтганда ўн беш-йигирма чоғли биз талабалар кетганларнинг — сонда бору, санокда йўқларнинг юклариниям автобусга ортиб боришга мажбурмиз, кўпчилиги қишлоқларига жуфтакни ростилашганки, шаҳарга етгач, уларнинг юкларини-да ётоқхонага ташиб тайин қилиб қўймоқ зарур.

Бу муаммо ҳам Маҳмуд акадан қочиб қутулиш муаммосидан кам эмас. Ўша орзиқиб қутилган кунлар келди ҳам. Режадаги ишларни амалга оширдик ҳам, бироқ комиссардан қочиб қутулиб бўлмади. Табиийки, нафақат кўрпа-ёстиқлар, ўзимиз ҳам бир энлик кирга бурканганмиз. Сочларимиз ҳам ниҳоятда ўганидан шох ва бутуқлар чиқарган, фақат баргламаган, холос. Шуларни саранжом қилиб эртага бирор автобус ё поездга осилиб кетармиз дея кечаси тўшакка чўзилаётсак, комиссар бизни қочоқликда айблай-айблай эшиқдан кириб келиб турибди десангиз.

Худо ураман деса, шунақа усуллар билан ҳам ураркан одамни. Энди уч-тўрт кунлик таътил ҳам татимайдиган бўлди. Қоронғу қишда олис тоғ йўлида меҳмон етаклаб мошин кутиб умримиз ўтади энди.

Ва шундай бўлди ҳам.

Кенжа Нуротанинг Қоратов буржида, мен Оқтов буржида яшаймиз. Орамиз тикка кесиб чиқса етмиш-саксон чақирим чиқар. Катта йўл билан бир-биримизникига бориш шу қадар ўнғайсизки, эрталаб чиқсангиз тушдан сўнг Тошкентга етиб оласиз, бироқ Оқтовдан Қоратов буржигача кечга довура етишингиз амри маҳол. Бунинг устига Тошкентдаги калиш бўйи қор бу ёқларда тиззадан ошар бўлиб ётибди.

Тагин гупиллаб уриб турибди. Шаҳардан поездда Самарқандгача бир оёқда қандоқ тик туриб кетган бўлсак, Самарқанддан туман марказигача ундан-да баттар аҳволда етдик. Нарёғи осонроқ кечди, яъни бизникигача йигирма икки чақирим йўлни пойин-пийеда, кўнжли ва кўнжисиз туфилларда диқдираб босиб етиб олдик. Бизникида икки кеча тунадик. Меҳмон бизниям, ўзиниям қийин аҳволга солган эдикки, шу аҳволда

Учинчи кун қовоғига қараб ўттириш бодон нашва қиларди одамга. Учинчи кун қўзналиб қайдасан. Қоратов қайдасан! Қўрғон, қайдасан! Совуқбулоқ дея Кенжаникига йўналдик. Бизнинг совхоздан унинг совхозигача элик чақирим келар, дам пиёда, дам йўл-йўлакай сал нарироққа юк машиналарига тирмашиб кечин-ола совхоз марказига етибмиз. Нарёғи қирқ беш чақирим яна йўл босмоқ керак. Кенжа бемалол сигарет гутата туриб айтдики, бу ёғига ўзи кўпинча яёв кетамиз. Кун иссиғида бўлимнинг юк мошини қатнаб турғич эди. Худо билсин, бу қорда юрмаётган бўлса керак. Секин ҳайдайберамиз энди.

Меҳмон бизникида ёнбошлаб ётиб «тавба қилдим-ей, шу ерларда юриб Тошкентни қандай топиб олгансилар-ей, на йўл, на свет бор, қанақа ҳаёт бу?» дея ёзғирган эди. Мана, бизникидан кўра қандон хуш манзилларни-да томоша қилаётир.

Ўттиз чақиримча йўл юрганимизда нақ дод солаёзди комиссар. Тун оғиб қолган эса-да, агроф ёп-ёруғ — кетяпмиз меҳмонжонни етаклаб, қоши қовоғига қараб. Йирик бир қир бор эдики, шундан ошсак, нарёғи яқин қолади, аммо ундан ошиб ўтмоқлик ҳам фирт машаққатнинг ўзгинаси. Симиллаб кечки аёз қулоқларни қотириб, бурунларни чимчилаётир.

Орқадан бир мошиннинг чироғи, сўнг гуриллаб ўзи кўринди. Биз чошиб орқага, сой бўйи — текисликка тушдик. Акс ҳолда олди ўрда машина тўхтаёлмайди, биз ҳам унга илашолмаймиз. Олти оёқди «Зил» мошин, барака топгур раҳм қилиб тўхтай қолди, чиқиб кўп юрмадик, ер қақшаб музлаб кетган экан, бир нарсага тиқилиб гўнг қўнғиздай гўнгилаганча тўхтади. Бу шўринг қурғурлар шу қоронғу изғирин қишда Жонбулоққа тўйга кетишаётган экан, ҳе бор бўлинглар, азаматлар, ана, зўр тўйнинг устидан чиқамиз, бориб тезакларда кизиб турган печлар атрофида би-ир меҳмон бўлишсин. Бизниям таклиф қилишяпти.

«Зил»ни қарийб қирнинг устигача итариб чиқдик, хайриятки, нарёғига, яъни энишга қараб итармасаям ўзи кетди. Шунда комиссар зўр фиғон билан айтдики, афғон тупроғидаям бу азобни кўрмаган эдим, қалай гап, яшашми шуям? Яшаш-да. Яшаш бўлгандаям яп-яшаш, ака. Мана, минглаб одамлар минглаб гектар ерларда, яйловларда тоза майишатни қилиб яшаётир.

Кенжанинг уйи тўйхонадан икки чақирим нарида. Кирмаймиз деб турдик, қарасак бўлмайди, қорин ҳам пиёзнинг пўсти бўлиб кетган, тагин ичимизга сал иссиқ кирар, шўрва-пўрва ичиб олсак.

Кенжаникига етдик, донг қотиб ухлаб ётган экан бариси, икки қават кўрпани ёпиниб ечинмай ётдик, тушга довур ухлабмизки, туриб қарасак, новчароқ одамнинг белига келар қор ёғибди. Деразанинг яригача кўмиб келган.

Учинчи кун деганда Кенжанинг ён қўшнисиникига меҳонга чиқа олдик, холос. Валломат киши экан, бир така сўйди, гўштни гоҳ шўрва, гоҳ кулчатой, гоҳ қовурма қилиб бераверди, биз уриб туравердик. Ора-сира вино-пино деган нарсалардан ҳам татинган бўлдик. Аммо ул матоҳнинг заҳираси кўп эмас чоғи, тамшаниб қолавердик.

Қолган икки кунда кун илиб берди. Қор гуртуқлари анча пасая тушди. Бироқ совхоз томонга юрадиган, ярайдиган транспорт йўқ. Қуёш ялтираб чиққан кейинги олтинчи кун Нурота совхозига тескари томонга ошиб тушдик. Соядаги қорлар усти қотиб музлаб кетган, тойиниб, сирпаниб юрсанг бўлади, бироқ пишиқ гуртуқлар ҳам борки, бир қадам силжишинг учун бир пуд қорни олдинга суришинг лозим. Неча қир, неча сойлардан ўтгач айтишдики, шу сойнинг адоғи Нурота совхози. Соининг адоғига келсак, ортимиздан иккита, учта-тўртта бўлиб одамлар келишаётир. Кенжа улар ҳам Тошкентга кетадиган талабалар деб айтди. Маҳмуд ака тонг қотди. Мен тушунтирдим: қанча олимимиз, профессоримиз, ҳатто бир академикимиз ҳам бор, булар ўқийди, ишлайди, ҳамма Сизга ўхшаб Гулянинг кетидан юрибдими бу дунёда?

Олиша кетамиз.

У айтди: оёғимнинг қон томирлари шишди. Бир операция бўлганман. Ўлай агар, яна операция бўламан шекилли.

Мен айтдим: операция бўлсангиз бўларсиз, лекин ўлмайсиз. Ўлгиси келган одам афғонда тинчгина ўлиб кетарди буйтиб ҳаммани овора қилмади.

Сойнинг адоғи Нурота совхози эканлиги чин экан. Ҳамама жонзот ғимирлаётир, товуқлар қақаёлаётир, сигир кавш қайтаряпти, бузоқ шаталоқ отяпти, улоқ-қўзилар бир-бирини қувишяпти. Одамлар молларнинг тагини тозалаб, нуриларни молхоналарнинг махсус тешикларидан ташқарига итқитишяпти. Ҳаммаёқдан ёқимли ҳовур кўтарилмоқда. Болалар бўлса, аллақачон ҳовури кўтарилган лойсувоқ деворларни миниб ўйнайди. Кимдир молини сувга ҳайдайди. Тип-тиниқ сой сувларидан-да ҳовур кўтарилаётир.

Бутимизгача жиққа ҳўл бўлгач, ниҳоят қишлоқ бошланишидаги тош йўлга чиқиб шимларимизнинг болоқлари, пайпоқларимизнинг сувларини тўқдик.

Деворга миниб олган болалардан бири биз томонга қараб:

шахсий варакага ёзиб қўйиладиган энг қаттиқ хайфсан эълон қилинди ва рўйхатимиз факультетнинг энг кўринарлик доскасига осиб қўйилди.

Марина яйраб-яшнаб юрибди.

Гулпари эгалик бўлибди. Бир хипчадан келган йигит келиб ҳар куни танаффусда уни бурчакка қисиб гаплашади. Маҳмуд ака пешонаси шўр эканига иқроор бўлди. Аммо ҳар куни кўз-кўзга тушаверганиданми, унутолмади шекилли, туриб-туриб тен-такларча ҳайқириб қолардики, бунга чора йўқ эди.

У ҳамон ўзини айбдор деб билади. Қизнинг нозик жиҳатларини билмас эканман, дея пешонасига уради. Балки тағин ўпич олмақ масаласи уни қийнаётгандир.

Журъатсизлик қурсин.

Дилором бари бир тўғри айтган экан ўшанда.

Нечови қиз, нечови ўғил эканини билмадим-у, бироқ тўрт фарзанд кўрганини эшитдим Гулянинг. Дилором бўлса тўрт ўғил кўрибди. Бирор беш йилдан бери сира хабарини эшитмадим. Эҳтимол қишлоғида бир этак бола билан овораси чиқиб юргандир. Энди у мени айбламасаям керак. Чунки Худо бахтдан қисмади каминаниям. Ўз навбатида камина ҳам ўринсиз ўқинишдан ўзимни тияман. Демак, бизнинг тарихимиз оғир кечмапти.

Маҳмуд ака бўлса...

Уят ҳам яхши гап баъзан.

Ўғли шифт бўйи бўлган. Ҳовлиқиб келиб қолади-да, йигирма йиллик тарихни қайта кўзгайди. Аммо ҳеч унутолмаяпман, дейди. Ўша ёқларга хизмат сафарига жўнат-сайди, деб ер муштлаб юборади. Тайёр баҳона бўларди. Есенин айтгандек «ўта туриб боққим келди дарчангдан холос» дея уйига мўралардим.

Ҳа, ажойиб шеър.

«Зор эмасман сенга, фақат бу оқшом бехос,

Ўтатуриб боққим келди, дарчангдан холос».

«Зор эмас»-у, ошиқ-да шоир. Шунини ўзи айтиб қўяётир.

Маҳмуд ака бир куни чунонам тўс-тўполон кўтариб келди. Гуля ажраб кепти эридан дея эшитибди. Дўстлари билан чойхонага улфатчилик қилаётган экан, маст-аласт ҳолатда дўстларнинг қуршовидан ситилиб чиқиб кўчадан такси тутибди, парининг қишлоғига, уйигаям боришти. Дарвозани бўкирганча тақиллатаверибди, тегибди, муштлабди. Бахтига ҳеч ким чиқмабди. Ярим тунда балки қўрқишгандир. Мен аҳмоқ, мен тентак дея бошини чангаллайди «комиссар», чиқиб қолса нима дер эдим. Бу ишим нотўғри-да, тўғрими?

— Тўғри-нотўғрилигини ўйлаяпсизми? — дедим. — Эстафетани ўғлингизга беринг энди.

— Оббо ярамас, аммо Гуляга уйлансам керак энди. Кўнглим сезиб турибди аммо. Ишонмасангиз ишонманг, лекин, мана кўрасиз.

Эҳтимол, уни ҳануз шаштидан қайтариб бўлмас. Балки кўп ғавғоларни ўзига сотиб олар-да, бошқача ҳаёт бошлар, масалан Гуляга тўрт боласи билан уйланиб олар.

Сочини кўлоқ атрофи худуди аллақачон оқара бошлаган Маҳмуд Петрович деганимиз шунақа одам. Ҳамон унинг ҳис-ҳаяжони ўлмаган, демак, болалиги уни ташлаб кетганига ишониб қоламан шундай кезларда. Баъзан эса бесабр, тормози ишламайди дея ўйлайман.

Кўз олдидан Сирдарё чўллари ўтаверади, баъзи нарсалар жонланаверади. Ҳамма тинчиб кетди. Ҳеч кимнинг, ҳеч қайсисининг уни ҳам чиқмайди.

Ўша шабадаларни кўзгагиб Маҳмуд ака юрибди. Ҳануз комиссар. Ҳануз бизни йўлга солмоқ бўлади. Бироқ ўзи... хол қўяди.

Яқин орада курсдошларни ўзининг тўйига айтиб келмаса-ку деб ҳам қўйман.

Ўшанда мен Шоирни, яна талай серзавқ дўстларни кўргим келади. Ва албатта чечилиб ўтирганда ёруғ дунёнинг яккаш сулуви — Марина ҳақида гап очилиб кетади.

Тонг отиб кетади ўшанда.

...Болаликнинг, талабаликнинг бир шамчироғини ёқиб қўйгим келган эди, зериктириб юборган бўлсам маъзур тутинг, азиз ўқувчим. Аммо кўнгилда ҳали анча-мунча қизиқ гаплар қолди. Энди-и, қолгани кейинги сафар...





Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний ҳазратлари
таваллудининг 900 йиллигига

ПИРИ КОМИЛ

Кўҳна Мовароуннаҳр ўлкаси ўзининг бой тарихи, фозилу уламолари ва мутафак-кирлари билан жаҳон маданияти тарихида алоҳида мавқега эга. Бу муқаддас заминдан ўтган қанчадан-қанча алломалар қатори Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби сиймоларнинг ҳам номларини эҳтиром билан ёд этамиз.

Номи ҳаммаизга маълум ва машҳур бўлган Хожаи жаҳон — Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний ҳазратлари диёримиздан етишиб чиққан улуғ аллома, забардаст муршиди комиллардандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабр қарорига кўра бу йил октябр ойида улуғ бобомиз Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний ҳазратлари таваллудининг 900 йиллиги республикамиз миқёсида кенг нишонланади.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний хожাগон-нақшбандия тариқати асосчиси, унинг ривожига улкан ҳисса қўшган пири комилдир. Ул зот устози Хожа Юсуф Ҳамадоний бошлаб берган тариқатга хуш дар дам (ҳар нафасни хуш-ғафлатсиз ўтказиш), назар бар қадам (ғафлатга сабаб бўладиган нарсаларни кўрмаслик учун ерга қараб юриш), сафар дар ватан (башарий сифатлардан илоҳий сифатларга етказадиган ботин оламида сафар қилиш), хилват дар анжуман (зоҳирда халқ билан, ботинда Ҳақ билан бирга бўлиш) қоидаларига ёд қард (тил зикри билан бирга дил зикрини ижро этиш), боз гашт (зикр асносида калимаи тавҳиддан кейин. «Илоҳим, мақсадим сенсан, талабим сенинг розилигингдир» оятини айтиш), нигоҳ дошт (беҳуда хавотирлардан фориг бўлиш), ёд дошт (зикрдан ҳосил бўладиган руҳий хушёрликни давом эттириш ва доим Ҳақдан воқиф бўлиш) сингари қоидаларни қўшиб, уларнинг саноғини саккизтага етказиб амалда тадбиқ этди.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг маънавий халифаси Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари кейинчалик мазкур қоидаларга яна машҳур уч асос: вуқуфи замоний (аҳволга қараб ҳаракат этиш ва ўтган вақтни сарҳисоб қилиш), вуқуфи ададий (зикрда ҳисобга риоя қилиш) ва вуқуфи қалбий (зикрда қалбга йўналиш ёхуд қалбнинг Оллоҳга йўналиши ва Ундан гофил бўлмаслик) қоидаларини илова қилиб хожাগон-нақшбандияни янада ривожлантирган. «Калимоти қудсия» деб аталадиган мазкур рашҳа-қоидалар хожাগон-нақшбандия сулукининг тамал асослари сифатида қабул қилинган. Шу боис, Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний ҳазратларига «сарҳалқай силсилаи нақшбандия» дея ном берилган.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний ҳазратлари Хизр алайҳиссалом мураббийлигида хожাগон-нақшбандия тариқатида хафий (қалб) зикрини бошлаб берган илк мутасаввуф ҳамдир.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний ҳазратларининг ҳолатини Алишер Навоий «Насо-ийм ул-муҳаббат»да шундай таърифлайди:

«Аларнинг равиши тариқатда ҳужжатдир. Барча форуқнинг мақбулидурлар. Ҳамиша сидқу сафо йўлида ва Мустафо саллалоҳу алайҳи васаллам шаръу суннати мутобаати-да ва пок бидъату ҳаво муҳолафатида қадам урубдурлар ва пок равишларин ағёр кўзидин яшурубдурлар...» (яъни, Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг тутган йўллари тариқатда ҳужжат-далил ва намуна ҳисобланиб, Ҳақ билан ноҳақни ажратувчи, адо-латли кишилар наздида мақбул ва мўътабардир. Ул зот ҳамиша садоқат ва сафо-

«Фурӯлиқ» йўлида юриб, пайғамбарнинг «Муҳаммад алайҳиссаломнинг шарфи ва суни-
лига» бўйлиги сувар; турли ёдват «хурфотларга» қарши «қуралиб», ўзларининг тоқива ҳаёт
тарзларини бошқалардан ыяхон тувардилар.)

Хожа Абдуллоҳлиқ «Ғиждувоний» ҳазратлари «тариқат» пири, муридлар тарбиячиси
бўлиш билан бёр қадарда «Васо» («Васиятнома»), «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний»,
«Мақомоти Абдуллоҳлиқ Ғиждувоний», «Азгуфтори Хожа Абдуллоҳлиқ Ғиждувоний»
қайси насллар муаллифи ҳамдир.

Урта Осиё минтақасида тасвиуф ва тарикатлар тарихида муҳим ўрин тутган
орфи рабобоний шайхатва тарикат билан бонини «шайхипишпийух» Хожа Юсуф Ҳама-
доний — Хожа Абдуллоҳлиқ Ғиждувоний ва Хожа Аҳмад Ясавийларнинг «Ҷузъи, ўз-
дварининг «суху ааламави, лирият ва тасавуф филмлари» билан бонинг бўлиш билан бёр
қадарда тарикат мууфраккир ва моҳир адиб ҳамдир.

«Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» — Юсуф Ҳамадонийнинг сёузлари, «ахлоқи ва
аҳволи байни» бонини шайх ва асардир. Хожа Абдуллоҳлиқ Ғиждувоний «мақураварда
устоанининг сура ва сийрати, маъноли яшаш тарви, гувал хулқини тасвири, улур бир
инсоннинг ҳаёт йўлининг брат олише» қадарда Ғисола илму адибда тарбиявий аҳами-
ятта моликлиги билан ҳам жуда қимматлидир.

«Эъйборини» ва «Ҳавола» қилган ётган мақомотдан ўрин олган «пад» насихатлар
«валиқни» айнаш «ахлоқи, ботинни туатиш» қадар «таъбиятларига» бўлган «маърифат
сиридан» бонини «бўлишга» қарайди, инсонни Ҳақнинг сулуқли бонидан «бўлишга»
қадар «элади. Асардаги «трик» мулоҳазалар бонини ўтиш ажадларини «сизини» мутовиб
қадарайшга, «далол ҳаёт» кечириб, «доймо» «эву», «авб» бонини «қадар» яқини «ном» қодди-
ришга «удайди. Эро, Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдуллоҳлиқ Ғиждувоний» кеби
«улуварининг» «паду» насихатлари ва тавсиялари ўтишда бўлган «деқ» бутун ҳам биз
«учун» қар «жиқатдан» «братли» ва қадарлидир. Бу «комали» насларнинг тутган «йўлари,
қўлаган «таълим» тарбия» усуллари ва «устилари» бутун ҳам «шларимизни» қомиллик
руҳидат тарбиялашда муҳим таълим-тарбиявий аҳамиятга «агадир.

Хожа Абдуллоҳлиқ Ғиждувоний

Мақомоти Юсуф Ҳамадоний

Моҳо, энг сарас «ифатларинг, улуқ» «р» «жалонинг, пайғамбарларининг» «аз» «ади,
«шайх» «дирини» «қодини» ва «муқ» «оз» «билдан» «ринини» «ни» «ф» «ра» «жонини» «хурмати» «Сендан» «илма
«кам» «аёт», «ряқда» «бир» «кот», «Улмадан» «тууриб» «таш» «ба» «қилиш», «улар» «вақтда» «кечири» «лиш»,
«ўлдан» «ке» «ини» «роҳат», «жаҳаннамдан» «нажот», «жиннатга» «кириш» ва «дунёю» «охиратда» «бфият
«таяймин»!

Аҳлият саройи билаларининг «энг» «ади», «Ашшайх» «мар» «баси» «ажизларининг» «энг
«қучу» «ви» «Абдуллоҳлиқ» «қиб» «Абдуллоҳ» «лиқ» «Оллоҳ» «уни» «солиқ» «арининг» «ғоялари» ва «орифлар-
«нинг» «мақом» «ларига» «эриш» «тирсин», «сонин» «р» «ббул» «ола» «мин» «дй» «лики»: «Алданиш, наъвала-
«ниш», «иф» «соний» «туу» «гулар» «ва» «шайх» «оний» «та» «с» «ас» «аларининг» «ғолиб» «келиш» «даври» «бўлган»
«шайх» «ил» «ларид» «а» «бу» «ф» «қар» «ни» «р» «қўл» «ти» «а» «б» «рон» «ла» «Фату» «му» «р» «ҳ» «ма» «т» «Оллоҳ» «нинг» «қўли» «да»
«бўлиб», «уни» «ф» «ақ» «ат» «Узи» «я» «қад» «ат» «н» «ки» «шия» «л» «рига» «а» «во» «э» «та» «и» («Қураён», 57-29) «оятининг»
«жа» «ба» «с» «и» «а» «ҳ» «қ» «и» «т» «и» «та» «лаб» «қ» «и» «ли» «ш» «қу» «ри» «ли» «қ» «и» «с» «т» «и» «ту» «ти» «ди»: «Оллоҳ» «шара» «фли» «иш» «лар-
«ни» «с» «ва» «ди» «ж» «ма» «ас» «ининг» «та» «қоз» «оси» «ва» «Оллоҳ» «билан» «сўх» «бат» «қур» («гар» «Оллоҳ» «билан» «сўх» «бат»
«қур» «ма» «с» «и» «У» «б» «билан» «сўх» «бат» «қил» «ган» «лар» «билан» «сўх» «бат» «қур») «сўзини» «идроқ» «этиш» «азми»
«мени» «б» «р» «қир» «ри» «а» «кел» «тири». «Ғайб» «ни» «ни» «л» «ҳ» «ом» «ба» «ғи» «ш» «а» «вичи» «си» «бу» «бечоранин» «г» «фикр» «саҳи-

1. «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний»нинг «турт» «нуҳаси» «мавжуд!» Ғ. Саид Нафисий томонидан «ягона
«инди» «жа» «с» «о» «ж» «ан» «б» «Ғисола» «и» «с» «о» «ҳи» «ба» «и» «номи» «билан» «нашр» «этилган» «Абдуллоҳлиқ Ғиждувоний». Ғисола
«с» «о» «ҳи» «ба» «Фарҳат» «и» «Эрон» «замин». 1953, 78-10 Ғ. б.) 2. «Харирий» «зода» «Қамолиддин Афандининг» «Тибену»
«васо» «ил» «л» «қ» «о» «қ» «и» «қ» «и» «фи» «ба» «ни» «сал» «ос» «ил» «ит» «тар» «о» «қ» «ас» «арини» «ш» «да» «Ито» «тай» «бул» «Сул» «ай» «мон» «ия» «ку» «л» «б» «у» «х» «о» «ж» «а» «си»,
«И» «бро» «м» «ф» «а» «қ» «и» «бу» «ли» «ми», № 430, 13879-2389. б. Бу «нуҳаси» «Нафисий» «нашрдан» «анча» «мукаммал»: 3.
«Уз» «р» «Ф» «А» «Ш» «И» № 2533, 2037-6 («Маҳмуд Ҳасаний» ва «Ғулаб» «хор» «Музаф» «фар» «қизи» «бу» «асардан» «ба» «зи»
«тар» «ҷа» «ҳари» «и»: «Эл» «он» «қ» «или» «нган» «Хожа» «и» «Жаҳон» «Хожа» «Абдуллоҳлиқ Ғиждувоний» («Тошкент» 1994); 4.
«Му» «л» «ла» «Абдуллоҳ» «лиқ» «тай» «ёр» «лан» «и» «ва» «И» «ф» «о» «ж» «а» «М» «а» «р» «ом» «он» «и» «дан» «нашр» «этилган» «фор» «с» «а» «Қандия» «асари» «да»
«қ» «и» «ж» «а» «ма» «қ» «д» «этилган» («Тошкент» 1955, 6-16 б.) «Мазкур» «таржим» «ада» «Истанбул» «нуҳасига» «таян» «илди.

тидан ёрдам сўрадим ва шу ондаёқ шайх ҳазратларининг руҳонияти у муаммони ҳал этарди. Бу йўлда буюк Хожа Абу Али Формадийдан бизга қадар етиб келган ирфон ва маънавиятни тариқат солиқларига ва Ҳақ даргоҳининг муҳтожларига етказяпман».

Кейин муборак юзларини яна менга қаратиб дедилар: «Эй Абдулхолиқ, Хожа Абу Али (Формадий)нинг тўртинчи халифаси бўлганим каби, сен ҳам бизнинг тўртинчи халифамиз бўлгайсан». Қарасам, кўзлари ёшга тўлиб турибди. Мен сўрадим: «Сиздан кейин ким халифа бўлгуси?». Шайх ҳазрат дедилар: «Биздан кейин ўрнимизга Хожа Абдуллоҳ Баррақий ўтади, кейин Хожа Ҳасан Андоқий, ундан кейин Хожа Аҳмад Яссавий. Хожа Аҳмад Яссавий Туркистон диёрига кетгач, сен халифа бўласан. Албатта, ҳазрат Муҳаммад алайҳиссаломнинг шариати йўлида бўл ва шариат чегарасидан заррача чиқма, ким динга қарши муҳолифлик қилса, унга моне бўл. Оллоҳ таоло яхшисини билур».

Ҳижрий 504 йил Рамазон ойининг ўн биринчи куни чоршанбада Санжар ибн Маликшоҳ Самарқанддаги Қосим ибн Жўқийга бир мактуб юборди. У мактубда шундай ёзган эди: «Шайхул машойих вал-муслимин Али ибн Муҳаммад, Қози Алоуддин ибн Умар, Хожа Имодуддин, Амир Абдулваҳҳоб ва бошқа бир қатор Самарқанд улугларининг билдиришларича, муҳтарам шайх Юсуф Ҳамадонийнинг ёши камолга етибди. Унинг ҳузурига бориш учун бизнинг фурсатимиз йўқ. Зеро Сулаймоншоҳ буюк бир лашкар билан биз тарафга келаётган экан. Шу боис, Самарқанд вилоятига бориб келолмаймиз. Дарвишларнинг тақя харажатлари учун Қосим ибн Жўқийга ҳалол йўлдан эҳтиёт билан қозонилган эллик минг динор юборилди. Сиз бизнинг ишимиз учун фотиҳа ўқисангиз. Бош мақсадимиз ҳазрати шайх (Ҳамадоний)нинг ахлоқ ва аҳволининг ёзилиб, бизга жўнатилишидир. Чунки эшитишимизча, ҳазрати шайхнинг йўли ва атвори саҳобалар йўлидек экан. Албатта, бунга эътибор бериб, дуогўйингизни ҳам бу давлатдан насибдор қилингиз».

Кейин ҳазрати шайх ул-ислом азизларнинг ҳузурига, Хожа Абдуллоҳ Баррақийнинг уйига бордилар. Хожа Ҳасан Андоқийни, Хожа Аҳмад Яссавийни, Хожа Шоҳ Фатфарийни ва бошқа бир қатор улуглар ҳамда бу фақир Абдулхолиқни йиғдилар. Султон Санжар масаласини тушунтирдилар. Сўнг барчаси шайх Юсуф Ҳамадоний ҳузурига кирдилар. Санжар ибн Маликшоҳнинг орзусини шайхга арз қилдилар. Шайх унинг иши учун фотиҳа ўқиб, бундай дедилар: «Эй дарвишлар, бизнинг хатодан бошқа ҳунар-ишимиз йўқки, уни Санжарга юборсак?». Шунда Хожа Алийёна: «Ҳазрат, дарвишлар сизнинг рухсат беришингизни сўрамоқдалар», деганида шайхимиз: «Биздан Оллоҳ расулининг шариатига мувофиқ нима кўрган бўлсангиз, шуни ёзинг!» дедилар.

504 йил Зулқайда ойининг йигирма саккизинчи куни сешанбада шайхимизнинг умридан бир минг тўққиз ой ва йигирма олти кун ўтган эди. Шайхимиз душанба куни Сафар ойининг иккинчи кунда таваллуд топган эдилар. Пиёда ўттиз икки марта ҳаж қилган. Ҳафс қироати билан минг марта Қуръонни хатм қилган эдилар. Тафсири, ҳадиси, фикҳ, усул, фуруъ ва каломга доир етти юзта китобни ёд олган, икки юз ўн уч нафар машойих билан танишган эдилар. Кўп вақтлар рўзадор бўлардилар. Саккиз минг бутпарастни мусулмон қилишга муваффақ бўлган, тавба қилдириб тўғри йўлга солган кишиларининг саногини ҳеч ким билмасди.

Муборак бир оёғи қисқа эди. Юзларида чечак хасталигидан излар қолганди. Соқоллари узун ва қизил, жуссалари озғинроқ эди. Кимни кўрсалар «хожа» деб мурожаат қилардилар. Сафарга кўп чиқардилар. Либослари жундан ва ямоқли бўлар эди. Арпа ундан тайёрланган нон, кунжутли нон ва данак ёғи истеъмол қилардилар. Қирқ кунда бир марта товук гўшти, баъзан туя ва қўй гўшлари ҳам ер эдилар. Этиклўзлик ва деҳқончилик билан шуғулланар. Ҳақ таоло нима берса, камбағал, етим-есир, ғариб, бемор ва аёлманд-серфарзанд йўқсил оилаларга тарқатар эдилар. Умида бирон марта тиланчилик қилмаган, муридларини ҳам бундан қайтарар эдилар. Доимо Оллоҳга суяна-р, дунёни обод қилишга уринмас, бошқаларни ҳам бу йўлдан қайтарар эди. Ҳар йили қирқ кун амри маъруф, наҳй мункар қилар, инсонларга яхшилиқни тавсия этарди. Подшоҳ ва бойларнинг уйига бормас эди. Етмиш беш йил бўйдоқ яшадилар (кейин уйландилар).

Кўзининг устида бир нишона бор эди. Вафотидан кейин ихтилоф чиқди. Баъзилар ўнг тарафида, баъзилар чап тарафида эди дедилар. Муборак кўзи қатъиятли эди. Номаҳрам, болалар ва аёлларга тикилиб қарамас эди. Хизр алайҳиссаломнинг изни билан ражаб ойининг ўнинчи куни Самарқандга келдилар. Хушовоз, ўрта бўйли, бармоқлари узун эди. Туркийни (яши) билмас эдилар. Кўпинча шиппак ва ямоқ кийим киярдилар. Муридларидан ямалган кийим кийганларни ёқтирар, уларга ҳурмат кўрсатардилар. Умрларида бирон марта оёқларини узатмаганлар. Доимо Ҳақ таолодан кўрқиб йиғлар-

дилар. Ширинсўз, табассум билан гапирар эдилар. Очликдан ва риёзатдан беллари букилган эди. Баланд овоз билан (жаҳрий) зикр қилмасдилар. Зеро, унинг замонида жаҳрий зикр йўқ эди. Муридлари жуда кўп эди. Шайхининг шайхи бўлган Абул Ҳасан Харақонийни (ҳ.425/м.1034 йил вафот этган) кўрган эдилар. Ҳамадоннинг Фунайма маҳалласида туғилган эдилар. Кўп вақт яёв юрардилар.

Пайшанба, жума ва байрам кунлари оқшомлари улуғ зотларни зиёрат қилардилар. Бошқа шаҳардан келган мусофирдан қайси шаҳардан келганлиги, у ерда қандай сўфийлар яшаётганлиги ва у жойда дафн этилган орифларнинг номларини сўраб-суриштирар эдилар. Нафасни тутиб қалбий зикр қилганлари учун аъзои бадани доим терларди. Кундалик ўқийдиган авроддан ташқари ҳар фарз намозидан кейин бир пора Куръон тиловат қилардилар. Ҳозир ул зот дафн этилган Фатфат тумани Хушруд маҳалласидаги уйдан Масжиди Жомега боргунга қадар Куръони каримни хатм қилардилар. Масжиддан Хожа Ҳасан Андоқий ва Хожа Аҳмад Яссавийнинг уйларига қадар Бақара сурасини ўқир, масжидга қайтишда эса Оли имрон сурасини тиловат қилардилар. Шайхимизнинг масжидидан бу дарвешларнинг уйларигача бўлган масофа бир юз етти қадам эди. Намознинг икки ракъатида бир пора Куръон ўқирдилар.

Шайхимиз юзини баъзан Ҳамадон тарафига буриб кўп йиғларди. Ҳақ таолодан солиҳ бир ўғил фарзанд сўради. Доимо Хожа Абдурахмон Деҳмард Алийёнагининг ваъзига борарди. Қиш мавсумида баъзан сочларини тарошларди. Салмони Форсийнинг асоси ва салласини ул зот сақлардилар. Янги ой кирганда, Самарқанд пешволарини чақирар, улар билан шариф суҳбатлар ўтказарди. Самарқанд улуғлари ҳам унинг суҳбатидан баҳраманд бўлардилар. «Хожаи зинда дилон» («тирик қалблар хожаси») Хожа Хизр алайҳиссалом билан суҳбат қиларди. Яхши ўқ отар, мол-мулк сотиб олмас, доимо ёнида Куръон, жойнамоз, тароқ, мисвок, хушбўйлик ва сочиқ олиб юрарди. Кўз оғриғи ва яралар учун дорию малҳам тайёрлар, бадан ҳарорати учун суяқ дору берарди. Чата ва Тўқмоқ лашкарлари бостириб келганида, уларга қарши жанг қиларди. Доим таҳоратли юрар, узрсиз жамоат билан намозни тарк этмас эди. Кимдан жафо ва азият кўрган бўлса, унга яхшилик билан жавоб қайтарарди.

Таомни ўзи пиширар, кийимларини ўзи ювар, йиртилса ҳам ўзи тикиб-ямарди. Бозорда пиширилган овқатлардан емасди. Салласини катта қилиб боғлар, салла учини узун ташларди. Либосининг енги кенг ва калта бўларди. Кийимларини совун билан камдан-кам юварди. Овоз чиқариб кулмасди. Бировнинг насибасига ва луқмасига кўз олайтирмас, тўсқинлик қилмас эди. Мулоим сўзлар, юраётганда оҳиста юрарди. Саловоту истиғфorni кўп такрорлар, витр, таҳажжуд ва тасбеҳ намозларини бир-бирига яқин вақтда адо этарди. Кўп дуо қилар, суҳбатдошларига ҳам кўп-кўп дуо қилишни тавсия этарди. Каромату валийлигини намойиш қилмасди. Мўминлардан бирортаси ул зотни уйига таклиф қилса, ким бўлишидан қатъий назар борарди. Ҳеч кимни ва ҳеч нарсани камситмасди. Бировга асло мақтанмасди. Тез-тез қабр зиёратларига борар, қабристонни ялангоёқ кезар, қабр аҳлига салом берар, оят-ҳадисларда нақл этилган дуоларни ўқирди. Кўпинча нонни сиркага кўшиб истеъмол қиларди. «Дуои Сайфий», «Қасидаи Бурда», «Чиҳил исми аъзам» ва Куръон оятларини кўп мутолаа этарди. Кечалари соқолини кўп тарарди. Кўп фойдали ишлар буюрарди. Отга кам минар, кўпроқ маркабга ва туяга минарди. Бозорга кам борарди. Исломдаги илк тўрт халифа-чаҳорёрларнинг фазилатларини кўп тилга олар, уларнинг манқабаларини ҳикоя қилиб берарди. Ҳалол еб, ҳалол меҳнат қилувчиларни дўст тутарди.

Ўлимни, қиёматни, жон беришни, қабрдаги савол-жавобни, қайта тирилишни, амал китобининг ўқилишини, амалларнинг тортилиш жойини ва сирот кўпригидан ўтишни кўп эслар ва йиғларди. Халқни ҳалолдан кийишга ва ҳалол меҳнат билан кун кечиришга ташвиқ этарди. Мўминлар билан бирга бир идишдан овқат ер, овқатланишдан аввал ва кейин қўлларини ювар, таомни туз билан бошлар ва яна туз билан тугатар эдилар. Калимаи радди куфрни доим такрорлаб юрарди. Намоздан кейин доим «Ёсин» сурасини ўқирди. Жумодий ус-соний ойининг охириги ўн кун билан ражаб ойида рўза тутишни қанда қилмасди. Мис, кумуш ва олтин идишларда таҳорат ва гусл қилмас эди.

Фирибгар, айёр, фосиқ, мутақаббир, лақма, ҳийлакор, золим кишиларни ва онасини ранжитувчи, жанжалкаш, бидъатчи, феъли бузуқ, бенамоз, беҳуда сўзловчи, маддоҳ, сохтакор, судхўр, ёлғончи, очкўз, бозорда тентировчи ҳаромхўр, одамларга ёмон лақаблар кўювчи, жамият ишларида ўз манфаатини кўзловчи, макр, қаттиқ сўзлилиқ ва товламачилиқ билан ҳақни ноҳаққа чиқарувчи, ўзини халқ орасида мўмин, зоҳид, диндор, суннатга боғлиқ, дарвиш, олим, тақводор, обид, амри маъруф ва наҳй мункар қилувчи бир инсон сифатида кўрсатувчи риёкор, дунёвий мақсадлар билан ўзини омма орасида яхши ва зоҳиран шариятга риоя қилувчи киши қилиб намойиш

алайҳиссаломнинг паймони бир хил. Имомлар маъсум эмас, камчиликлари нуқсон сифатида эътироф этилади. Иймон ортмайди ва камаймайди. Оллоҳнинг севикли бандаларидан бу меҳнат ва муҳаббатлари туфайли илоҳий амрлар соқит бўлмайди», дер эди.

Суи хотима (иймонсиз кетиш)дан кўрқарди. Тутган йўли ва танлаган мезони юқорида зикр қилинган тарзда эди. Мазҳаби (Имоми Аъзам) Абу Ҳанифа ва асҳоби тутган йўл эди. Фақирлик ва йўқсилликни хуш кўрарди. Баъзи дарвишлар чориқ киярдилар ва ҳазрати шайх масҳ тортишни буюрардилар. Таомни ейишдан аввал «бисмиллоҳ», ниҳоясида «алҳамдулиллоҳ» дер эди. «Хуш дар дам (Ҳар бир нафасни идрок билан, онгли равишда олиб чиқаринг), назар бар қадам (оёгингиз остига ва олдингизга қаранг), сафар дар ватан (ватанда сафар қилинг) ва хилват дар анжуман (халқ орасида Ҳақ билан бирга бўлинг)», дер эди. Зоҳирда ва ботинда машойих ҳузурда адаб, таъзим ва икром билан ўтирарди. Суҳбатдош, ҳаммаслак ва хизматдош биродарларига нисбатан кўли очиқ эди, уларни ўзидан устун кўрарди. Барча маҳлуқотдан рози эди. Ҳеч кимга ҳасад қилмас, бойликдан кўрқарди. Гоҳида: «Эй азаматли подшоҳлар ва нодону гофил, жоҳиллар, дарвишларнинг хилватдаги руҳий лаззатларидан гофилсизлар. Бошқаларни дил зикри билан баҳраманд қилинг. Нафсни танишга ва кўнгилга келадиган тушунча (хавотир)ларни билишга ҳаракат қилинг», дер ва кўшимча қилиб: «Эй Абдуллоҳлик, хавотирни билиш иши сенга ҳавола қилинди», «Зоҳирингизни парокандаликлардан халос этинг, чунки зоҳиран пароканда кишининг ботини ва кўнгли ундан ҳам баттар пароканда бўлади», дер эди.

Кофирлар, насроний, оташпараст ва зардуштийларнинг уйларига борар, уларга ҳазрати Пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатларини тушунтирар, жаннат ва дўзах ҳақида сўзлар, огоҳлантирар, исломни қабул қилинг, дер эди. Натижада улар исломни қабул қилишарди. Кейин улар шайх учун совға-салом инъом этишар, шайх ҳазрат ҳам уларга ҳадя билан жавоб қайтарардилар. Уларга диний амр ва таъқиқларни ўргатар, муридларига «уларни ҳурмат-иззат қилинг», дер эди. Муридлари билан бирга сайёҳатга чиқишни ёқтирар, «ақлга эргашинг, нафсга муҳолифлик қилинг, ақл ва нафс бир жойда жам бўлмайдиган бир-бирига зид икки нарсадир. Тоатга мағрурланманг. Дунёга берилманг ва дунёвий безакларга майл этмангиз», дер эди. Шайхининг орқасида туриб намоз ўқир, доим ёнида бўларди. Аввал ўнг пойабзалини кийиб тўпиғига эътибор берар, сўнг чап оёқ кийимини кияр эди.

Фарз намозидан кейин ўтириб, «Оятул курсий», «Аманар расулу», «Кулиллаҳумма маликал мулк» оятларини ўқир, кейин суннат намозини адо этарди. Намозни ўз вақтида ўқир, кечиктирмасди. Қиш кечаларида ёстиқ ишлатар, ёзда эса бўйра устида суянинг ётарди. «Илоҳи, бизни нафсимиз билан ёлғиз ташлаб қўйма, бизга рози бўлганинг нарсаларни насиб айла, оқибатимизни хайрли қил, инсон шаклидаги шайтонлардан бизни узоқ тут!» деб дуо қиларди. Муридларининг ҳурматини жойига қўяр, мажлисга келган-келмаган ва бир-бирини шикоят қилганларни бир-бири билан юзлаштириб, яраштириб қўяр, бир кишининг сўзига қараб бошқасини ранжитмасди. Мабодо бириси келиб «фалон киши сизни менсимай тилга олди, ҳақорат қилди», деса, «унинг айтганига розиман», дер эди.

Қози, муфти, раис, имом, муаззин ва қоровулларга қилган хизматларининг савобини тушунтирар, уларни эзгуликка ташвиқ этиб «Ҳақ томонида бўлинг!», дея насиҳат қиларди. Самарқанд пешволарига қалъа қуриш лозимлигини айтар эди. Агар капча-чўмич орқали қозонга чанг-тупроқ тушган бўлса, у таомдан эмас эди. Касалларни зиёрат қилар, муҳтожларга қарз берар, лекин қайтиб олмасди. Шаҳзода Қусам ибн Аббос (разияллоху анху)нинг қабрини зиёрат этарди. Дўстларидан бирортаси Чата, Тўқмоқ ва Урус кўшинларига қарши жангларда шаҳид бўлганини эшитса, жаноза намозини ўқирди. Бирон нарса ёки бирор кишини лаънатламас ва Чингизни баддуо қилмасди. Муридларини гўшт ейиш (ғийбат)дан ва кўп сўзлашишдан ман этарди. Ўзи ҳам кўп гапирмасди. Ҳужрасида бўйра, кигиз, кўза, икки ёстиқ ва қозондан бошқа нарса йўқ эди. Бойни мол-давлати туфайли камбағалдан устун кўрмасди. Ҳар доим фақир ва бой саҳобаларнинг аҳволларидан сўз юритар, муридларига ҳам уларга эргашишни буюрарди.

Қон олдиран, ништар урдиран, дору ичарди. (Ўзи ташкил этган) мадрасада талабаларга дарс берарди. Доимо таҳоратли юрар, овқатни ҳам таҳоратли ҳолда ерди. Ишларида шошилмас, бало ва қийинчиликларга сабр қилар, ҳар кимга сиррини ошкор этмас, ўзининг одатий ишларини тарк этмас, бир ишга кучи етмаса, ўзидан ранжиб, истиғфор этарди. Ҳар оқшом ўтган кунининг ҳисоб-китобини қиларди. Ризқ ғамини емасди. Кўп намоз ўқир, рўза тутар, муридларини инс, жин ва шайтон каби душманлардан огоҳлантириб: «Бу душманлар доимо таҳоратли юриш ва зикр қилиш билан даф

этилади», дер эди. Шайхидан нима эшитган ва кўрган бўлса, шуларни муридларига тавсия қиларди. Тўғри келган жойга ҳожат қилмасди. Гиёҳ ўсган жойларга бавл қилмас ва тупурмас эди. «Ҳақ» исмини кўп айтар, Оллоҳ таолони зикр қилмасдан таомга қўл узатмас ва «Луқма ейиш бу — уруғ сепишдир. Уруғни онгли ва хушёр ҳолатда экиш керакки, қуввати таом бўлсин», дер эди.

Либосини сийдикдан эҳтиёт қилар эди. Бирон кишига ваъда берган бўлса, сўзининг устидан чиқарди. Мусулмонларга қўли ва тили билан зиён етказмасликка ҳаракат қиларди. Муҳтожларга ёрдам берарди. Бурнига хушбўй хид таралса, саловот келтирар, «Ла илаҳа иллаллоҳ ал-Малик ул-Ҳаққ ул-Мубин» ва «Субҳаноллоҳи ва биҳамдиҳи субҳаноллоҳил-азим ва биҳамдиҳи астағфируллоҳа мин кулли занбин ва атубу илайҳ» дуоларини, «Субҳаноллоҳ» калимасини охиригача кўп ўқирди. Доимий равишда бош оғриғидан нолирди. Бир кун Хожа Ҳамидуддин Мултонийнинг мақоми (қабри)да: «Менга бу дард берилганига қирқ уч йил бўлди. Саҳобалардан баъзилари ҳам доим бир дард билан оғриб юрар, аммо улар буни халқдан яширар эди», деди. Бева, ғариб, етим ва мусофирларнинг аҳволини сўраб-суриштирар, уларни қўллаб-қувватлар эди.

Ҳамадон шаҳридан ҳазрати шайх билан бирга (қуйидаги) ўн бир киши келган эди: 1. Абу Мусо Ходим, 2. Бу ожиз банда Абдулҳолиқ, 3. Имом Яхъё Фатфарий, 4. Хожа Исҳоқ, 5. Хожа Рибот, 6. Хожа Закариёнинг акасининг ўғли, 7. Хожа Одам Шодворий, 8. Хожа Муҳаммад Ҳаким Балхий, 9. Хожа Муҳаммад Чилла, 10. Хожа Қурайш, 11. Бобо Сулаймон Орифи Туркий.

Шайхимиз Юсуф Ҳамадонийнинг Самарқандга келиш сабаби шундай эди: Хожа Ҳамидуддин Мултоний вилоятга кетади, орадан олти йил ўтади. Хожа Хизр алайҳиссалом Малатяда эди. У ерда Имом Молик наслидан Абдулжамил исми бир юз ўн уч ёшли бир одам яшарди. Ҳақ таолодан бир фарзанд тиларди. Ўша аснода Малатя подшоҳи (беки)га қарши душман пайдо бўлиб, уни мамлакатидан қувиб чиқариб, мол-мулкани эгаллаб олади. Малатя подшоҳи дашту саҳрода кезар, соқоли ва қошларини тарошлаган эди. Тасодифан йўлда Абдулжамилнинг уйига кўзи тушади. Бир неча кундан бери ҳеч нарса емагани учун бу хонадон аҳлидан егулик сўраш хаёлига келди. Уйга яқинлашганида бурнига дўстлик бўйи урилди. Кекса бир отахонга кўзи тушди, унга салом бергач, рум тилида: «Бу вилоятнинг лашкариданман. Бир неча кундан бери ҳеч нарса еганим йўқ», деди. Хожа Абдулжамил «уйга кириш» деди. Подшоҳ уйга киргач, уни ўтқазиб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. Сув келтириб, «таҳорат қилинг» деди. Подшоҳ таҳорат олгач, кекса Абдулжамил «таҳорат учун шукр намози ўқинг», деди. Подшоҳ намозни адо этгач, Абдулжамил турли неъматларга тўла бир дастурхон келтириб, подшоҳнинг олдига ёзди. Подшоҳ истаганича тановул қилди.

Кейин унинг кийимларини ювадилар. Сочини, соқолини тартибга келтирадилар ва «истироҳат қилинг» дейишади, подшоҳ уйкуга кетади. Уйғонгач, йиғлай бошлади, кўп йиғлади. Хожа Абдулжамил подшоҳнинг кўп йиғлаганини кўриб, бунинг сабабини сўради. Подшоҳ: «Айтолмайман», деди. Хожа Абдулжамил қасам ичди ва: «Айт, уялма», деди. Подшоҳ унга қараб: «Мени танийсизми?» деди. Хожа: «Малатя подшоҳи бўлсанг керак», деди. Подшоҳ: «— Ҳа», деди. Хожа Абдулжамил: «Вилоятингни қайтариб олмоқчимисан?», деб сўради. «Албатта, оилам, бола-чақам номаҳрамларнинг қўлида», — дейди подшоҳ. Хожа: «Агар вилоятингни қайтариб олсанг, менга қизингни берасанми?», деб сўраганида, подшоҳ бу таклиф-шартни қабул қилди. Хожа деди: «Сен падаримиз Имом Молик мақбарасига бориб, у ерда қирқ кун чиллада ўтиришинг керак». Подшоҳ қабул қилди ва Имом Молик мақбарасига равона бўлди.

Вилоятни қўлга киритган золим ҳукмдор эса халққа зулм қилар, мусулмонларнинг мол-мулкани, бола-чақаларини тортиб олиб, истаганича тасарруф этарди. Шу боис халқ қийин аҳволда қолган эди. Эски подшоҳни эса излаб топишолмасдилар. Халқ оқсоқоллари Хожа Абдулжамилнинг ҳузурига келиб, аҳволни тушунтирдилар. Хожа: «Мен сизларга аввал айтгандим, подшоҳингиз билан бирга бўлинг, у билан бирга жанг қилинг дегандим. Аммо танбаллик қилдингиз, энди қилган хатоингизнинг жазосини тортяпсизлар», дея койиди. Шунда халқ пешволари: «Бизга ўша подшоҳимиз керак, маънавий ҳиммат кўрсатинг, уни топиб беринг», дея илтижо қилдилар. Хожа: «Кечаси зирҳларингизни кийиб, қуролланинг. Подшоҳга ҳужум уюштиринг. Уни ва одамларини асир олинг, мен эса подшоҳингизни олиб келаман», деди. Хожа шундай дегач, одамларни жўнатди ва Имом Моликни зиёрат қилишга йўл олди. Зиёратгоҳда подшоҳни кўрди, у анча озиб қолган эди. Подшоҳ Хожани кўриб ўрнидан турди, ҳурмат кўрсатди ва ундан Малатя вилоятини қайтариб олишда ёрдам беришини сўради. Хожа: «Вилоятингни сенга топширдик, ўрнинг-

дан тур ва уловинга мин», деди. Подшоҳ бу сўзни эшитиб: «Қизимни қабул қилинг!», деди. Хожа қизини никоҳлади ва Рум диёрига йўналди. Румнинг пешволари Хожанинг айтганини қилиб, подшоҳни кутишарди. Подшоҳнинг келганини эшитиб, дарҳол шаҳар ташқарисига чиқишди, уни тахтга ўтқазди. Душманларни оғир занжирларга солиб олиб келишди ва ҳукмдорнинг буйруғи билан қатл этишди. Шаҳар ичига киргунга қадар тантана қилиб, қизни Хожага узатдилар. Ҳақ таолонинг тақдири билан у қиз Хожа Абдулжамилга бир ўғил туғиб берди. Унга Хожа Абдулҳолиқ деб ном қўйдилар.

Муҳтарам отам Хожа Хизр алайҳиссалом ҳақида шундай дедилар: «Бу исмни Хожа Хизр алайҳиссалом танлади». Йигирма икки ёшга тўлганимда Хожа Хизр алайҳиссалом мени ҳазрати шайх Юсуф Ҳамадонийга олиб борди. Шайх Хизр алайҳиссаломнинг олдида менга қалб зикрини талқин этдилар. Кейин Хизр алайҳиссалом ҳазрати шайхга: «Сиз Самарқанд шаҳрига боришингиз керак», деди. Шундан кейин шайх Юсуф Ҳамадоний исмлари юқорида айтиб ўтилган азизлар билан бирга Самарқандга келдилар. Гатфар туманининг Хушруд маҳалласида яшай бошладилар. Уч ой ўтиб Хожа Ҳасан Андоқий ва Хожа Аҳмад Яссавийлар шайхнинг суҳбатига келиб қўшилдилар. Шайх уларга ҳам қалб зикрини талқин этдилар. Тўққиз ойдан кейин Абдуллоҳ Баррақий келиб, мурид бўлди. Бу азизларнинг даврида Самарқанд, ҳатто Амударё лабидаги отдан тортиб, Қора Хожагача, Хоразм вилоятидан то Бадахшонгача бўлган минтақада бидъатчи ва нафсу ҳавосига тобе бўлган бирон эътиқоди бузуқ киши қолмади.

Ҳазрати шайх Юсуф Ҳамадоний Муҳаррам ойининг йигирма саккизинчи куни пайшанбада вафот этдилар. Пешин намозини адо этгач, меҳробга суяниб муридларига «Сув иситинг!» дедилар. Муридлар йиғладилар. Шайх ҳазратлари Абдуллоҳ Баррақий, Ҳасан Андоқий, Аҳмад Яссавий ва бу фақир Абдулҳолиққа ҳамда ўша ерда ўтирган қолган дўстларига қараб шундай дедилар: «Биз ўрнимизга вакил сифатида Хожа Абдуллоҳ Баррақийни ихтиёр этдик. Унга эрғашингиз, муҳолифат этмангиз. Иршод навбати сизга келгач, гўзал ва саодатли ҳаёт кечиринглар, муридларга қалб зикри қилишларини, баланд овоз билан зикр этмасликни тушунтиринг. Султон Санжар ибн Маликшоҳ учун ёзилган одоб ҳақидаги хусусларни муридларингизга ҳам англадинг!».

Кейин муборак юзларини Хожа Аҳмад Яссавийга ўгириб: «Фотир, Ёсин ва Нозият сураларини тиловат қилинг», дедилар. Хатм тугагач, дўстлардан бир фарёд кўтарилди. Шунда шайх ҳазратлари: «Ҳақ таолонинг шундай бандалари борки, уларнинг жон беришини Оллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди», деб қўйдаги байтни ўқидилар:

*Ошиқон чунон жон бидиҳанд,
К-онжо малак ул-мавт нагунжад ҳаргиз*

(маъноси: Сенинг диёрингда ошиқлар шундай жон берурларки, У ерга ўлим фариштаси асло сизмайди)

Кейин улуг шайхнинг юзларида бир ўзгариш рўй берди. Хожа Абдуллоҳ Баррақий муридларга боқиб: «Сизлар чиқингиз!», деди. Шайх: «Мени шу уйга дафн этингиз, жанозамни Масжиди Жомеъда қилинг, қизимни Саййид Шарофуддиннинг ўғлига никоҳланг!» дедилар. Шайх ҳазратнинг рафиқаси у зотдан қирқ кун аввал вафот этган эдилар. Уни Чокардизага дафн этишганди. Кейин дедилар: «Мени Хожа Абдуллоҳ Баррақий гусл қилдирсин, қабрга Ҳасан Андоқий қўйсин». Шу онда Хизр, Илёс, Абдол, Фавс ва Кутб кириб келдилар. Бу эранларнинг ҳар бири ҳазрати шайх билан видолашдилар. Кейин Хожа Хизр алайҳиссалом қўлини узатиб шайхга оппоқ олма берди. Шайхимиз олмани ҳидлаб, Фавсга бердилар, Фавс ҳам ҳидлагач, шайхимиз: «Эй дўстлар, жаноза намозига тайёргарлик кўринглар, Оллоҳнинг бандаларига меҳрибон бўлинг, Фавсни менинг ёнимга дафн этинг!», дедилар. Васияти тугагач, шайхимизнинг жон қуши охираат оламига қанот қоқти. Фавс ҳам шайхимизга мувофиқ баданини бўшатди, жон берди. Пешқадам улуғлар («Тибён» нусхасида «Самарқанд улуғлари») ўша ерда эдилар, шайхнинг васиятини адо этдилар, жаноза намозини ўқидилар, қабрга дафн этгач, «Албатта биз Оллоҳнинг (бандаларимиз) ва, албатта, биз у зотга қайтгувчиларимиз» (Қуръон, 2: 156) дедилар. Фавсни ҳам ўша уйга қўйдилар, у ерни очиб маъмур бир бинога айлантирдилар.

Рисола тугади.

Сайфиддин Рафиъиддин ва
Нодирхон Ҳасан таржимаси.

Жанубий Қурияда чиқадиган «Адабиёт олами» журна-
нали бизнинг адабиётимизга қизиқиш кўрсатиб келади.
Ана, сўнги пайтларда журнал Абдулла Орипов, Шук-
рулло, Жуманиёз Жабборовдан тортиб қатор ўзбек шо-
ирлари шеърларини ўз саҳифаларида эълон қилди. Бу ил-
тифотга жавобан, биз ҳам ўз журналимизда қуриялик
шоирлар ижодидан намуналар бераёلمиз. Ўз диёримизда
яшаб ижод қилаётган қурия шоирларининг янги шеърла-
рини ҳам шу гулдастага қўшиш жоиз туюлди.

Тахририят.

«ОҚ ЛАЙЛАКЛАР МАМЛАКАТИНИНГ АВЛОДАРИ»

Адабиёт оламида воқеалар, жараёнлар жуда ранг-баранг бўлади. Мен
яна бир болалар шоири борасида тўхталар эканман, кўпчиликнинг эътибо-
рини антиқа бир ҳодисага жалб қилмоқчиман. Унинг антиқалиги шундаки,
бу шоирнинг миллати корейс, аммо Қурияда эмас, Ўзбекистонда яшайди,
Ўзбекистонда яшайди-ю, аммо ўзбекча эмас, русча ижод қилади. Уни Борис
Пак дейдилар.

Хўш, у Ўзбекистонга қаёқдан келиб қолган, нима учун ўз она тили
қурийчада ижод қилмайди? — Ҳар қаңдай кишида уйғониши табиий бўлган
бу савол менга ҳам тинчлик бермас эди. Бу саволга жавобни 1990 йили
«Ўзбекистон» нашриётида чиқарилган «Потомки страны белых аистов»
(«Оқ лайлаklar мамлакатининг авлодлари») деган китобчадан топдим. Унинг
муаллифи ҳам Борис Пак экан.

Китобдан маълум бўлишича, бу корейслар Қурия давлатининг шимо-
лида, Россия мамлакатининг Узоқ Шарқ ҳудудларида яшардилар. У ерда
корейсларнинг Педагогика институти, Миллий театри, газета ва журналла-
ри, атоқли шоир ва ёзувчилари, мактаблари бўлган. Аммо СССР аталмиш
«қизил салтанат»нинг раҳбарлари 30-йилларда Япония билан Германиянинг
ҳарбий ҳамкорлигидан ва Япония Россияга бостириб кирган тақдирда
корейслар японларга қўшилиб кетиши мумкинлигидан хавотирда эди. Шу
сабабли ўз соясидан ҳам ҳадик билан яшовчи Сталин 1937 йилда корейслар-
ни Узоқ Шарқдан Ўрта Осиё ва Қозоғистонга кўчириш тўғрисида яширин
фармон чиқаради, шу тариқа уч юз минг корейс ўз юртидан ҳайдаб чиқар-
илади ҳамда биз тарафларга сургун қилинади.

Корейслар сургун қилинганда Борис Пак беш яшар бола эди. Унинг
оиласи ҳам Ўзбекистонга келиб тушди. Қурийча мактаб йўқлиги сабабли
Борис рус мактабида ўқиди. Бу ҳақда у шундай ёзади:

*Ҳаёт тузилганди зулмдан,
Йўл йўқ энди бўйин товлашга.
У айирди она тилимдан,
Мажбур этди русча сўзлашга.*

Аммо, Борис зеҳни ўткирлиги туфайли рус тилини жуда тез ва яхши
ўзлаштирди, ҳатто рус тилида шеърлар ёза бошлади. Шеърлари тимсолларга
бойлиги, аслиги ва оҳангдорлиги билан ўқувчилар хурматини қозонди.
Кетма-кетига унинг катталарга ва болаларга аталган «Оққуш юлдузи», «Мо-
вий арк», «Зубтурум», «Чўпчагим чўпчак» каби 15 та китоби нашр этилди.
Айни чоғда унинг китоблари ўзбек тилига ҳам таржима қилинди. Ўз навба-
тида Борис Пак ҳам бошқа тиллардан, жумладан, ўзбекчадан бир қатор
шоирларнинг асарларини русчага ўтирди. Шу тариқа унинг ҳозиргача ўттизга
яқин тўплами эълон қилинди.

Ҳозир шоир Борис Пак 70 ёшга кирди. У Ўзбекистон ва Қурия
ўртасида адабий ҳамкорлик ўрнатиш учун астойдил жонбозлик қилмоқда.
Биз ҳам унинг қутлуғ ёши ва адабий фаолиятини муборакбод этамиз ҳамда
шоирга мустаҳкам соғаник, янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Таржимон





Борис Пак

ШУНДАЙ БИР

ТУПРОҚ БОР

* * *

Шундай бир тупроқ бор, шудринглар — маржон,
Янгроқ кушиқ билан турар мовий тонг.
Шундай далалар бор, пичанзор, сайхон,
Куйлаворгинг келар, қалбинг қолиб тонг.

Сени ҳайратларга чулғар ҳар майса,
Кўзинг олар кўқдан оппоқ булутлар.
У ердан олисда қолганда эса,
Сени соғинтириб чорлар бу юртлар.

Шундай бир тупроқ бор, илҳомбахш, ўйчан,
Унга тирноқча гард юқтиргинг келмас.
Шундай бир тупроқ бор, Ҳақ ато этган
У — Ватан, ҳеч нима унга тенг эмас!

Қийналиб топилган нон

Журналист дўстим В.Скородумовга

Янги узилган нон дастурхонимда,
Шундай чиройлики... қизариб пишган —
Гўё тонг парчаси узилиб тушган...
Сархуш бўлиб кетдим ушатганимда.

Нон ширин — гар ўзинг ўстирсанг донни,
Тортиб олган бўлсанг дўстингдан — аччиқ.
Кўнглимдаги гапни айтайми очиқ:
Севаман меҳнат-ла топилган нонни.

Ўзинг қилган бўлсанг ўроқ-машоқни,
Ўзинг терган бўлсанг ҳар бир бошоқни —
Ўртага келганда янги пишган нон,
Бу нонми, қуёшми, дерсан бегумон.

Кетаётган тун

Шошмай аста кетаётир тун,
Дарҳолгина кела қолмас кун.
Ҳаво бўғиқ... ялқов бир ёмғир...
Тиним билмай ёғмоқда бугун —
Шитир-шитир, шитир-шитир.

Бирдан чакмоқ гугурт чакқандай,
Бир ярақлаб кетди-я қандай?!
Тепалардан жилғалар оқар,
Кифтга қирқта кокил оққандай,
Шарқираши қулоққа ёқар.

Шундай бошланг, сувлар, жанглари,
Ювинг кирлар, ҳайданг чанглари —
Сиздан ўтлар бўлар миннатдор,
Ювинг эман ва заранглари,
Совуқларда чекишган озор.

Енгил нафас олайлик биз ҳам —
Гидамларни тўшасин кўклам.
О, қанийди ана шу ёмғир
Бир ювсайди кўнгилларни ҳам...
Ёғ, ёмғиржон, ёғ, шатир-шутир!

Бухоро қовуни

Бир мўъжиза кўрдим-у бугун,
Хайратларга кўмилдим бутун:
Таровига сариқ, думалоқ,
Иссиқ қуёш кўнди-я шундоқ!

— Қовунми шу? Ростдан қовунми?—
Дедим бехос уялиб қиздек.
— Ҳа, «Амири» деган қовун шу! —
Жавоб берди миришкор ўзбек.

Сўнг, қайрилма пичоғи билан
Бўлди уни яримойларга,
Тилимларни узатди бирдан
Мен ва кулиб турган «ой»ларга.

Ўлай агар, бу қадар ширин,
Асалдан ҳам ўтарди таъми.
Ким айтади бетақрор сирин —
Қандай битар буларнинг жами?

Кўзларимда акс этди, чоғи,
Кўнглимнинг ушалган сўроғи,
Дехқон деди: — Бунинг ватани —
Бухоронинг қутлуғ тупроғи!



Хван Мун Квон

Шоир ва носир Хван Мун Квон жанубий Куриянинг Сеул шаҳрида туғилган. «Чунан» номли Сеул университетини тугатгач, шу университетнинг санъатлар бўлимида аспирантурани ҳам тамомлаган.

Курия Республикаси ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. Шоирлар уюшмаси, «Адабиёт олами» журналида таҳририятнинг ҳам аъзосидир.

Хван Мун Квон «Севги қалбимга капалак бўлиб келди», «Меҳр сўзлари билан», «Гул бағрида яшаётган нозиклик» каби шеъррий тўпламларнинг муаллифидир.

Шунчаки аввалгидай

Кузак ёмғирини
Олиб кетган ел
Кўнглингни тозалар
Бағриндан ўтиб.

Қайдан келиб, қайга кетаётганингни
Билмасанг,
Йўлингда давом этавер
Шунчаки аввалгидай.

Бегоналар сендан кулгани
Кўринса ҳам, кўринмаса ҳам,
Бу ел орасида
Сув бўлиб шариллаб ёғавер
Шунчаки аввалгидай.

Ўзига ин қураётган қуш ҳақида

Кўп бўлди, жуда кўп бўлди бунга:
Қор билан қопланган тоғларда,
Бир қуш яшар эди ялқовдан-ялқов,
Кун, уззу кун ялло қилиб юрарди.
У кузатди узун совуқ тунларни.
«Эртага, албатта, бир ин қурай» деб,
Эртадан кечгача ўйлар эди у.
Аммо, кун ёришар, аҳди қолиб кетар—
Ўша-ўша ялло қилиб юрарди.

Кун ортидан кунлар шу тахлит ўтди,
Бир кун тақиллади тақдир соати.
Ўша тун қутурган эди қорбўрон,
Ялlochи афсус-ла такрорлай кетди:
«Эртага деб яна, яна эртага,
Албатта, бошпана тиклайман», дея.
Аммо, у айтганин қилолмай
Ва бардош беролмай совуққа,
Уйғонмай қўя қолди.

Айнан шундай яшашга берингиз имкон

Оддийгина,
Ел думидан томган нам эртагини
Ёдлаб яшамоққа берингиз имкон.

Оддий бодом бўлиб порлайди-ку баҳор,
Тинглаб алп гулларнинг қўшиқларини.
Оппоқ магнолия гулин кучганча,
Баҳор билан рақс тушмоққа берингиз имкон.

Оддийгина,
Қабул қилиб ёзнинг нишли жаласин,
Ўрмоннинг бағрига кўмилиб гўё,
Янги куйлар тинглаб, бетон йўл бўйлаб
Денгизгача боришга берингиз имкон.

Оддийгина,
Кузги осмон тагида,
Қалбга жийда, каштан расмларин солиб
Яшамоққа берингиз имкон.

Оддий манқал ёнида қор одам ясаб,
Қишда дўстлар билан гурунглашганча,
Ёдга олиб афсоналарни
Яшамоққа берингиз имкон.

Маили, ҳаёт бир туш бўлса-да,
Бор бўлса-да унда кўзёшлар,
Ерда ер ҳайдовчи деҳқон сингари
Яшамоққа берингиз имкон.

Шоир ва журналист Ким Хён Чжо Жанубий Куриянинг
Чонджу шахрида 1960 йилда туғилган.

«Яшил ўрмон» журналининг ношири ва бош муҳаррири
бўлиб ишлади.

Ҳозирги пайтда, «Адабиёт олами», «Чонбукнинг адабий
давралари» журналларида таҳрир ҳайъати аъзоси.

Ким Хён Чжо — 6 жилдлик «Ярқираб тур, баланддаги
ой» номли шеърий тўплам муаллифидир.



Ким Хён Чжо

Ярқираб тур, баланддаги ой

Онамга аталган дуо

Теран ажинлар ичра қутлуғ қиёфа,
Бармоқларнинг сиқилган бўғимлари
Вақтни, ёруғликни ўзида жамлаб,
Ойим юра бошлар саҳардан
Худди гулхан алангасидай.

Тирноқларин ботирган қоронғиликка,
Мангу ҳорғин
Онамнинг доим
Серташвиш юзида
Тер томчилари.

Эрта тонг,
Изгириқ келса уфқдан,
Пичирлаб кўқарган лаблари,
Ойим дуо ўқир қафтларин очиб,
Изгириқни даф қилмоқ учун.

Сабот билан, намсиз кўзёшлари билан,
Бошқаларга атаган бутун ҳаётини,
Ўзи ҳеч вақосиз,
Кун, уззу кун
Шундай менинг ойим.

Вақт ўтди,
Тириклик дардида юрди.
Мана энди
Фақат ўлимлиги бор.

Қашшоқликдан қиларди ҳазар,
Аямасди ҳеч ҳаётини,
Энди кетди ўзга дунёга.
Тулин ой! Ойимнинг гўрини ёрит,
Унга мадад бергил, мадад бер!

Дехқон

Тонготардан олдин уйғониб,
Шудрингларни нотинч қилар у.

Янги куч-ғайрат-ла
Тонгни кашф қилиб,
Карам жўяқларин сийпалар.

Дехқон қалбининг қудрати
Ерга қувват қўшар.

Оқиб тушаётган қуёш нурларида
Зумрад шамол тебратар баргларни.

Бир-бирлари билан бирлашиб,
Ёрдамлашиб бир-бирларига,
Соғлом тонготарни кутиб олар дехқонлар.

Кўл

Бу — ўтган кунлардир қайтиб келган,
Муз бўлиб қотиб қолган томчилардир.

Бу — йўқлик ва вақтнинг баҳсидир,
Кулмай ва йиғламай қилинган баҳс.

Бу — музқотган ҳаёт нафасларидир,
Мана шундай ҳаққоний борлиқ.

Хазонларга қараб

Ортиқ жой қолмади дарахтда
Ва бир-бир тўкилди хазонлар.

Осилиб туришга жой йўқдир балки,
Боришга ҳам жой йўқдир балки,
Шамоллар амри-ла ҳайдалиб,
Борган сари пастрок, янада пастрок
Ерга учиб тушмоқда улар.

Ажабо,
Наҳотки, улар ҳам учса,
Наҳотки, пастга тушса, мумкиндир балки?!

Кулранг макон ичра,
Мен-да бир жисмман,
Аммо, ҳайҳот, на узила, на-да қололаман,
Кимгадир-бировга нафим тегармикин?



До Ёнг Бок

До Ёнг Бок Жанубий Куриянинг Амдонг шаҳрида туғилган.
Пусан Жаз клубининг маслаҳатчиси. Байналмилал Бизнес
секторининг аъзоси. Пусан маданиятни ўрганиш бўйича
қўмита аъзоси. Сиёсий-иқтисодий тадқиқлар қўмитасининг
президенти. «Саратога» маданият марказининг раиси. Қа-
тор шеърий тўпламлар муаллифи.

Булутлар кетади, юлдузлар қолар

Профессор Александра Кимга

Булутлар кетади, юлдузлар қолар,
Вақт ўтар, кўнгилни ёдликлар олар.
Юлдузлар кетади, фақат қолар туш,
Инсон ҳам кетади, қолар муҳаббат.
Баҳор ҳам кетади, тоғда йиғлар қуш,
Муҳаббат кетади, қолар жароҳат.

Эдельвейс

Бўрон ўз бағрида совуқлик элтар.
Бу қандай ажиб гул илиқ мунчалар?
У бева юракни муаттар этар,
Нафис нур таратар жажжи гунчалар.
Сен дунё неъматин рад этасан, о,
Қалбингда эдельвейс гуллайди аммо.

Русчадан ва тағлама асосида қурийчадан
Миразиз Аъзам таржималари



Геннадий Ким Узоқ Шарқ ўлкасининг қишлоқларидан бирида туғилган. Урта мактабни Фарғона вилоятига қарашли Кува туманида битирган. Ростов-Дон Давлат Педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетида таҳсил олган. Тошкент шаҳридаги Бектемир туманида кўп йил ўқитувчилик қилган.

Айни дамда эркин ижодкор. Мактаб ёшидан бошлаб шеърлар ёзади. Китоблари нашр этилган.



Геннадий Ким

Ёнаверсин мен ёқган гулхан

«Кексалик бу — умрнинг кузи»..
Эшитишни ҳам истамайман.
Яхшиси шох-шабба келтирай,
Кузги боғда ёқаман гулхан.

Ишонаман елканларимга,
Ўз-ўзимга дейман: — Ғам ема,
Шодумонлик соҳилларига
Элтар мени елканли кема.

Навбахорга бурдим кемани,
Қизлар каби имлар лолалар.
Олис тоғлар чорлайди мани,
Чорлайди ям-яшил далалар.

Забт этаман ер куррасининг
Тўққиздан уч қисмини аниқ.
Ўзим топган янги дарёда
Овлагайман гулмоҳи балиқ.

Шовуллаган дарё бўйида
Уй қураман қояга пайванд.
Чиганоқдан тиклайман бино
Ғоят ёруғ, муҳташам, баланд.

Дўстларимни уйга чақириб,
Якшанбада қиламан меҳмон.
Ҳақиқатан, «Мастлик бу — ростлик»,
Шароб ичиб, дард айтиш осон.

Кексалик ва куз ҳақидаги..
Бу гапингга мен бермайман тан.
Яхшиси шох-шабба келтирай,
Ёнаверсин мен ёқган гулхан.

Семирамида боғида

Семирамида осмон боғининг
Болаҳонасида яйрадим.
Шикаста бу кўнглимни буткул
Ғам-ташвишдан фориғ айладим.

Бобил шохларининг сурати
Деворларга илиниб турар.
Менга хизмат қилар парилар,
Турфа чилтор чалиниб турар.

Осмон боғнинг соҳиби бўлдим,
Қўл силтадим дунёга енгил.
Дудоғининг хумори бўлдим,
Кел, жонгинам, бағримга келгил!

Тийрамоҳ

Қуёш ботди. Уфқ — қизарган тандир,
Тераклар косовдек чўғ бўлди мутлақ.
Осмонда булутлар — кўкдамда сурув,
Оқ булутлар — кўзи, кўк эса — ўтлоқ.

Новдаларни тортиб ўйнайди шамол,
Ўсмир каби мафтун бўлган чиройга.
Гўё сувга чиққан қиздек мажнунтол,
Сочлари ёйилиб тушади сойга.

Қўлтигини майса қитиқлагандек
Қиқирлаб, буралиб чопади ариқ.
Чечаклар атрини тарқатар сабо —
Оқ, пушти, бинафша, қирмизи, сарик...

Тоғлардан эсади салқин шабада,
Боғлар борлигини бахшида айлар.
Нақш олма юзида тилларанг япроқ
Қизил дуррачадек хилпирар, ўйнар.

Рус тилидан **Рустам Мусурмон**
таржимаси

Тоҳир Малик

ЖИНОЯТНИНГ УЗУН ЙЎЛИ

*Рисола**

Ота-она дўстга нисбатан тўғри танбеҳ берса ҳам, фарзанд буни ўз вақтида қабул қила олмайди. Фозиллардан бирининг айтмиш сўзлари диққатга молик:

«Ўсмирлик чоқларим бир йигитча билан дўст эдим. У ҳушчақчақлиги билан мени ўзига ром қилган эди. У билан юрганамда сира зерикмас эдим. Лекин у ўрни келиб қолса ўғирлик қилишдан қайтмасди. Мен буни билардим ва уни бу йўлдан қайтариш учун кўп насиҳат қилардим. Отам ҳам дўстимнинг илатини сезганлар шекилли, менга бир неча марта: «Ўғлим, бу ошнангдан яхшилик чиқмайди, дўстлик алоқангни уз», деб танбеҳ бердилар. Бироқ, мен ўз билганимдан қолмадим. Бир куни кўчада кетаётган эдик. Дўстим бир сақраб бегона боғнинг деворидан ошди. Боғ эгасининг ити ҳуриб қолди. Хизматкорлар кўринди. Мен ҳам ўртоғимга қўшилиб қочдим. Далада чўпонларнинг итига рўпара келдик. Хуллас, бизни ўғри гумон қилиб ушлаган чўпонларга кимлигимизни билдириб, аранг қутулдик. «Бўлма ножинс билан ошно, бўл ўзингга эҳтиёт», деганларидай мен отамнинг насиҳатига амал қилдим ва у билан дўстлик алоқамни уздим...»

Бир йигитча ёки қиз ўғлингизни ёки қизингизни чақириб келди. Сиз уни яхши танимайсиз, лекин ташқи кўриниши сизга ёқмади. Сиз фарзандингизга хавф солувчи кўча таъсирдан хавотирда бўлганингиз сабабли уни эҳтиётлаш мақсадида «ўғлим (ёки қизим) уйда йўқ», деб юборасиз. Буни фарзандингиз эшитиб туради ва сиздан ранжийди. Бу ранжиш ошкора равишда бўлиши мумкин: болангизнинг «Нега ундай қилдингиз?» деган танбеҳига, сиз «Ҳар хил қаланғи-қасанғи чақириб келса чиқиб кетаверасанми?» деб кўполик билан жавоб қайтарганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Шунда фарзандингиз дардини ичига ютар ёки яна гап қайтарар: «Сиз унинг кимлигини билмайсиз, у яхши бола!» Шунда сиз донолик қиларсиз: «Мен одамнинг башарасига қараб кимлигини дарров биламан. Ярамаслигини афти-ангори айтиб турибди. Бунақаларга яқин юрма...» Шундай ҳолларда ўзаро кўрслик анча давом этиши мумкин. Ёки болангиз сиз билан гап таллашиб ўтирмай шарт уйдан чиқиб, ўртоғига етиб олиши, ундан узр сўраши ҳам эҳтимол. Агар сизни ўртоғига ёмон кўрсаттиси келмаса «Ухлаб ётувдим, онам (ёки отам) уйдалигимни билмабдилар», деб ёлгон воситасида ҳимоя қилади. Демак, сиз тўқиган ёлгон иккинчи ёлгонни туғдирди. Сизнинг ёлгонингизда ғараз мавжуд. Фарзандингизникида эса ҳиммат борга ўхшайди. Аслида эса унинг ёлғони замирида «Мен сен ўйлагандай ёмон одамларнинг боласи эмасман», деган

* Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

ҳақиқат ётади. Сизнинг ёлғонингиз болангизни сергаклантириб қўяди. Агар ўртоғи «эртага уйингга кириб чақириб ўтаман, футболга бирга борамиз», деса унинг юраги бир титрайди-да: «Уйимга келиб овора бўлма, фалон ерда учраша қоламиз», дейди. «Онамнинг (ёки отамнинг) ёмон одатлари бор, уйимга келсанг мени «йўқ», деб юборадилар», деб ҳақиқатни айта олмайди. Бу ўткинчи нарсалар эмас, балки ота-она билан фарзанд орасидаги зиддиятларнинг тобора авжга чиқа боришидир. Бу худди ер остида куч тўплаётган вулқонга ўхшайди. Ҳамонки, вулқон куч тўплар экан, бир кунмас бир кун портлайди. Фарзандингизнинг портлаши қандай бўларкин? Сизга қараб бақириб берадими ё уйдан чиқиб кетадими? Учинчи йўлдан Худонинг ўзи асрасин...

«Ҳадеб болангнинг кўнглига қарайверма», деган ўғитни ҳаммамиз биламиз ва ҳаммамиз бу насихатга амал қилмаймиз. Айниқса пуддорлар бу ўғитни эшитгилари ҳам келмайди. Агар танбеҳ берсангиз, «Мен шу нарсаларни кўрмай ўсдим, болам кўрсин», деб ўзларини оқлашади. Болани ғоят талтайтириш, ғоят яхши кийинтириш, бошқалардан ажратган ҳолда ўстиришнинг ҳалокатли жиҳатларини биздан аввалги тарбиячилар кўп таъкидлашган. Худо хоҳласа, биздан кейин ҳам қайта-қайта гапирилади. Биз болалар ва ўсмирларни тарбиялашдаги машаққатларни ёзиб ўтирибмиз. Болага нисбатан ота-онани тарбиялашнинг ғоят оғир эканини айтмасак ҳам бўлар. Болага ҳаддан ташқари оро бермоқлик уни худбинлик, кибр тўрларига ўрабгина қолмай дўст танлашда ҳам адаштиради. Унинг атрофида чин ўртоқлар эмас, манфаат дўстлари тўплана бошлайдилар. Бундай бола улғайганида чинакам дўст тополмай қийналади. Дўст ниқобидаги мунофиқ ва хоинлардан азият чекади.

Каминага бир одам отасининг донолиги хусусида сўзлаб берган эди. У кишининг отаси савдо ходими бўлган экан. Отасининг пуддорлигини билган йигитча эркаликлар қилиб тураркан. Бир куни у «Ота, менга магнитофон олиб беринг», деб хархаша қилибди. Отаси:

-Магнитофон олиб берсам, ўртоғинг Эшматга ҳам бериб турасанми?-деб сўрабди.

-Нега берарканман, бермайман, ўзининг отаси олиб берсин,-дебди йигитча.

-Шундай хаёлинг борлиги учун ҳам олиб бермайман-да. Эшматнинг отаси рўзгорини зўрга тебратгади, ўғлига магнитофон олиб беролмайди. Мен сенга олиб берсам, ўртоғингнинг кўнгли оғрийдди. Сен қизганиб, бермасанг, ораларингдаги ўртоқчилик узилади. Яхшиси томорқада икковинг деҳқончилик қилларинг, етмаганини мен қўшаман,- ота шундай деб, деҳқончиликка ҳам ўзи бошчилик қилибди.

Ота бир ўқ билан икки, балки уч куённи урди, десак муболаға бўлмас. Аввало икки йигитчанинг дўстлигини сақладигина эмас, уларни меҳнат орқали янада яқинлаштирди. Яхши кўрилган нарсага меҳнат туфайли етишмоқ афзалигини амалда исбот этди. У киши ота мақомидан ўсиб, фарзанди ва унинг ўртоғи учун дўст мартабасига чиқди. Ўсмир ёшидаги қизми-ўғилми, аввал айтганимиздай, айнан шундай дўстга муҳтож бўлади. Биз баъзан фарзандимиздан ранжисак: «Мен сенинг ўртоғингманми!» деб жеркиб берамиз. Озгина фикр қилиб кўрайлик: эҳтимол фарзандимизга чин дўст бўлганимиз маъқулроқдир? (Аввалги бобда ҳам бу хусусда қисқа тарзда бўлса-да, сўз юритиб эдик, ёдингизададир?)

Бир қадрдонимиз кўпчиликини ўйлатиши мумкин бўлган воқеани сўзлаб берди: қадрдонимиз катта ўғлини кига борганида қирқ ёшли ўғли билан ўн тўққиз ёшли набирасининг ўзаро баҳсларига гувоҳ бўлибди. Набирасининг фикрлари унга маъқул келса-да, баҳсга аралашиб, ўғлига танбеҳ беришни лозим топмабди. Баҳс ниҳоясига етиб, набира чиқиб кетгач, ўғлига қараб: «Аввало, сен ноҳақсан, болангнинг фикрлари тўғри, ҳамонки баҳслашишга ўрин бердингми, маълумиятингни ҳам тан олишга мажбурсан. Боланг билан баҳслашмасанг янада яхши», дебди. Ўғил бу танбеҳга жавобан кулимсираб: «Ада, худди шу масалада сиз билан мен икки хил йўлдамиз. Мен неварангизга фақат ота эмасман, у билан дўстман. Биз кўп баҳслашамиз. Мен унга тўла фикр эркинлигини берганман. Болалигимизни эслаб кўринг: сиз биздан фақат талаб қилардингиз, муомлангизда кўпинча дўқ-пўписа оҳанги бўларди. Сиздан қўрқимизни истардингиз. «Дарс тайёрладингми?» «Айтиб кетган ишимни бажариб қўйдингми?» Сиз билан гаплашадиган гапимиз фақат шу эди. «Ўғлим, ҳаёт сўҳмоқлари жуда нотекис бўлади, эҳтиёт бўлиб юр, қоқилиб кетма», деганингизни эслайсизми? Эслолмайсиз. Мен ўғлимни ҳаёт ҳақиқатларини билиб ўсишини истаганим учун шунақа баҳсларга чорлаб тураман. Сиз тўғри айтдингиз — неварангиз ҳақ эди. Мен атайин нотўғри фикримда қаттиқ турдим. Ахир ҳаётда оқни қора деб қайсарлик қилиб турадиганлар оз эмас-ку?» дебди. Қадрдонимиз ўйлаб қараса — ўғли ҳақ экан. Аччиқ ҳақиқат олдида лол қолибди.

Биз ҳам ўйлаб кўрайлик-чи, фарзандларимиз иқболи йўлида эҳтимол озроқ бўлса-да чекинишимизга тўғри келар? Энди яна мавзуга қайтсак:

Али болалиқдан мўмин бўлиб ўсди. Хархашалари кам эди. Боғчага боришда ҳам

дода солмасди. Расмни китобларни варақлаб ўтиришни яхши кўрарди. Мактабга боргач, тенгқурларига нисбатан яхши ўқиди. Ота-она муаллимлардан фақат раҳмат эшитишарди. Сал улфайгач, техникага қизиқди. Радио-телевизор тузатишни ўрганиб олди. Отаси ёрдамида автомобил сирларини ҳам ўргана бошлади. Унинг хотираси ўткир эди, дарс тайёрлашга қийналмасди. Техникага оид чизмаларни ҳам тез ўрганарди. Аммо у кўчага кам чиқарди. Тенгдошлари билан кам ўйнади. Болалар ҳам Алини сафларига чорлашмасди. Ота-она бундан аввалига қувонишди, «кўчадаги ёмонларга қўшилмагани дуруст», деб ҳисоблашди. Аммо кейинроқ ўйлаб қараб, хавотирга тушишди. Ўғиллари ўсмир ёшига етибди-ю, битта дўст орттирмабди. Бирон бола уларнинг эшигини тақиллатиб: «Али, юр, ўйнайсанми?» деб келмабди. Сайргами, киногами, футболгами... таклиф қилиб, чақиритмабди. Оқибат боланинг ёлғизлиги қолишидан чўчиган ота-она мактабга боришиб, муаллимлар билан маслаҳатлашишди. Турли йўллари мулоҳаза қилишди. Ниҳоят, мактабда радиоҳаваскорлар тўғрагини очиб, унга Алини раҳбар этиб тайинлайдиган бўлишди. Бу таклиф Алига ҳам, бошқа болаларга ҳам маъқул келди. Али аввал ўртоқлари билан яқин эмаслигидан қайғурмасди. Таъбир жоиз бўлса, унинг ўз осмони мавжуд эди ва бу осмонида ёлғиз сузиб юриш унга роҳат бахш этарди. Радиотўтарак баҳонасида у ўзи яратган осмонидан «пастга тушди», тенгқурлари билан яқинлашди. Ўзини қайта кашф этди. Аввалги ёлғизлик асосига қурилган ҳаёти энди зерикарли туюла бошлади. Ўсмирда жонланиш сезилди.

Валининг ҳаёти аввалига Алига ўхшарди. У ҳам яхши ўқирди, вақтини кўпроқ уйда ўтказарди. Отаси ишдан бўш вақтида расм чизишни яхши кўрарди. У чойхонада ёки бошқа маишатларда вақт ўтказадиганлар тоифасидан эмасди. Валининг кўпроқ уйда бўлишидан қувониб «ўғлим ўзимга ўхшади», дерди. У ўғлининг уйда бўлишидан қувонарди-ю, бироқ, фарзанднинг қизиқишларига бепарқ қарарди. Ўғлининг ўртоқлари йўқлигини бу ота фаҳмламади. Мактабга бормади. Мактаб муаллимлари одатда бевоз болаларнинг ота-оналарини йўқлаб туришди. Яхши ўқийдиган, тўпалон қилмайдиганларнинг ота-оналарини чақиритмайди. Улар ҳам ўзларича «боламнинг мактабдаги аҳволи қандай экан?» деб қизиқиб келишмайди. Вали уйда ота-онаси билан бирга бўлса-да, ўзини ёлғиз сезади. Мактабда ҳам, кўчада ҳам болалар билан тил топиша олмайди. Оқибат у сиқила бошлайди. Болаларнинг эътиборини ўзига тортишни истайди. Афсуски, бошқаларнинг эътиборини тортишга аригулик алоҳида қобилият унда йўқ эди. Унга йўл кўрсатувчи ҳам бўлмади. У ўзи йўл топишга уришди. Ўртоқлари борадиган тўғарақларга унча қизиқмаса ҳам бораверди. Аста-секин ундаги бепарқлик қизиқишга айлана борди. Шундай бўлди-ки, тўғарақлардаги машғулотлар унинг учун асосий бўлиб қолди. Ҳатто ўқишда пастлашиш сезилди. Уйда кам ўтирадиган бўлди. Ана шунда унинг ота-онаси мактабга чорланди. Валидаги ўзгаришдан ота-она ҳам, муаллимлар ҳам ҳайрон. Вали уйда қайсар, гап қайтаради: Мактабда эса одобли. Ўқитувчининг гапларини диққат билан тинглагани ҳолда, уйда дарс тайёрламай қўйган. Бу қандай ҳол?

Валининг ота-онаси Худога шукр қилса ҳам бўлади. Фарзандлари уйда ўзига нисбатан эътибор топа олмагач, кўчада «зўр»лар тўдасини танлаши ҳам мумкин эди. Энди унинг мактабда бошқа, уйда бошқа одобга риоя қилишига келсак, ҳар қандай бола каби Вали учун ҳам кўпчилик орасида, айниқса қизлар ҳузурда катталардан танбеҳ эшитиш оғир. Катталарнинг гапи жамоа фикрига айланиб қолиш хавфи мавжуд. Шу сабабли болалар, айниқса ўсмир ёшида жамоадаги катталар билан зиддиятга бормасликка ҳаракат қиладилар. Уйда зиммаларида бундай масъулият йўқлиги учун ўзларини эркин тутадилар.

Дилобарнинг ҳаёти Алиниқига ҳам, Валиниқига ҳам ўхшамайди. Қизча боғча ёшиданок атрофидагилар билан тезгина тил топишиш фазилатига эга бўлган. Мактабда эса синфдагиларнинг жону дили бўлган. Қизлар ҳам, ўғил болалар ҳам унга интилишган. Дилобар «сен қора, сен пучуқ», деб болаларни хилларга ажратмаган, барча билан тенг дўстлашган. Синфдошлари ўзларига хос бўлган сирларини унга айтиб, маслаҳатлар сўрашган. Дилобарнинг уйи ҳаммиша ўртоқлари билан гавжум бўлган. Чунки унинг онаси болаларга меҳрини аямаган. Шунга қарамай, ўсмирлик оламига ўтаётган қизнинг муомаласида, дўстларга нисбатан муносабатида ўзгариш сезилган. Энди атрофидаги болаларни у фақат синфдош сифатида қабул қилмайди, қиз учун уларнинг фазилату иллатлари муҳим бўлиб қолади. Дилобар дутоналарини зимдан кузатади. Уларнинг аввал сезилмаган иллатларини энди билади. «Гулчехра яхши қиз, лекин жаҳли бурнининг учиди туради, арзимаган нарсага дарров ранжийди. Аразчи билан ҳеч кимнинг дўстлашгиси келмайди. Моҳира яхши қиз. Лекин... мен удан ҳеч қандай сиримни яширмайман. У негадир мен билан очиқ гаплашгиси келмайди...» Қизнинг сезгир нигоҳи адолатсизликни, гурурнинг поймо бўлишини четлаб ўтолмайди. «Мурод ўзидан зўрроқ болаларнинг малайига айланиб қолибди. Наҳотки ўғил бола бўла туриб шунақа паст кетса?!» Дилобарнинг ўғил болалар билан бўлган муносабати

бир оз оғирлашди. Йўқ, у ўзини четта тортмади. Фақат унинг муомаласида бўйи етган қизга хос ибo ва ғурур мавжуд эди. Синфдош ўғил болалар қизлардаги бундай ўзгаришни дарров фаҳмламайдилар. Чунки улар бу оламга қизлардан сал кечроқ кириб келадилар. Мана шу тафовут улар орасидаги ўзаро муносабатга салбий таъсирини ўтказди.

Дилобар атрофидагиларга ўзгача талаб билан қарай бошлади. Айниқса тенгқурларнинг феъл-атворларини, ақл-фаросат даражаларини назардан қочирмайдиган бўлди. Тенгқурларнинг яхши-ёмон одатларини ўзича таҳлил қилди. Атрофидагилар орасидан фикрдош, сирдош излай бошлади.

Дилобарнинг бу ўзгариши оилада ҳам сезилди ва у ўзини катталар сафида кўрди. Онаси қизининг катталар сари интилишини фаҳмлаб, унга пешвоз чиқди, «сен ҳали ёшсан», демади, фарзандининг ишончини қозонди, унинг сирдошига айланди. Дилобарнинг мустақил фикрлашга интилиши, бирон масалани мустақил ҳал этишга уринишига монелик қилмади.

Тоштемир биринчи синфданоқ яхши ўқиди. Одобли бўлди. Катталар чизган чизикдан чиқмади. Ҳар бир мажлисда мақталади, бошқаларга ўрناق қилиб кўрсатилади. Болалар билан бирга бўлган Тоштемирнинг чин ўртоғи йўқ эди. Ҳадеб бошқаларга ўрناق сифатида кўрсатилиши болалар билан унинг ўртасига ғов бўлиб тушганди. Бу ғовни билибми билмайми катталар тиклашган эди. Бошланғич синфларда Тоштемир бунга унчалик эътибор бермасди. Болалик оламидан хайрлашган кезлари бу ғовнинг азобларини ҳис қила бошлади. У тенгқурлари орасида ёлғиз яшай олмаслигини англади. Ана шунда «Нега мен бошқачаман, нега бошқалар каби эмасман, нега мен бошқаларга ўрناق бўлишим шарт, нега мен бошқалардан ўрناق олмаслигим керак?» деган муаммага ўзича жавоб излади. Топди ҳам: «Бошқалар қандай бўлишса мен ҳам шундайман!» У энди шундай яшашга интилди: дарсда гаплашиб ўтиради, баъзи дарсларга умуман қирмайди. Аълочи боланинг давомати сезиларли равишда пасайди. Ҳатто сўкишни одат қилди. Синфдош қизларнинг танбеҳига эса «Нима, менинг бошқалардан кам ерим борми?» деб жавоб қайтарди. У оёқ-қўларини боғлаб турган «бошқаларга ўрناق бўлиш» занжирдан шу таҳлитда қутилиб, ўзини эркин сезди. Янада тўғрироқ йфода этсак, бевошлик шамолида боши айланди. Дастлабки кунларда интизомнинг бузишларидан, катталарнинг норозилиklarидан ўзи ҳам лаззатланди. Буни у улғайиш, катталар сафидан ўрин олиш деб билди: «Нима, мен ёш боламанми, ким нима деса «хўп», деявераманми?». Аммо бевошлик шамоли унинг бошини кўп айлантормади. Вақт ўтиб, энди у ўзининг ҳатти-ҳаракатига разм солиш баробаринда ўртоқларига нима ёқиши-ю, нима ёқмаслигини, катталар олами билан тенгдошлари олами орасидаги фарқни фаҳм эта борди. Гарчи катталар олами ўзига махлиё этса-да, унда ҳукм сурувчи қоида: «Сен кичкина — мен катта», бездириб, ўртоқлари даврасига ошиқарди. Бу оламдаги «Тенг — тенги билан» қоидаси уни кўпроқ қониқтирарди. Ҳар бир ўсмир ўзи учун сув билан ҳаводек зарур бўлган тенглик, бир-бирларига садоқат, бирдамлик, ҳамжиҳатлик руҳини катталар орасидан эмас, ўз оламидан топади. Тўғри, биз — катталар ҳам бу фазилатларни қадрлаймиз. Фақат бундай лутфимизни ўзимизнинг дўстларга ёки катталаримизга кўрсатамиз. Кичиклардан — фарзандларимиздан эса дариг тутамиз.

Яна Тоштемирга қайтсак, у ўзида йўқ, синфдошларида мавжуд чаққонликни, кучни, саботни ҳам қадрлайдиган бўлди. Бу ўсмир учун ўзига ҳос кашфиёт эди ва у мазкур кашфиётдан роҳатланди.

Тоштемирнинг аълочи ва ўрناق бўлувчи боладан ҳамма қатори турли қусурларга эга ўсмирга айланиши ота-онани бефарқ қолдирмайди. Уни яна аввалги мақомга қайтаришга уринишлар бўлади. Бундай уринишлар кўп ҳолларда бесамар яқунланади. Чунки фарзандини яна ибратли бола мақомида кўришни истаган ота-она (ёки муаллим) болалик олами билан ўсмирлик оламидаги талаб-қоидалар ўзга-ўзга эканини ҳисобга олишмайди. Боланинг мақоми интизоми, хулқи, яхши ўқиши муаллим томонидан баҳолаш билан белгиланади. Муаллим: «Болалар, синфдошингиз Тоштемирдан ўрناق олинг», дедими, демек у яхши экан. Болалар муаллимнинг баҳосини ҳақиқат ўрнида қабул қиладилар. Ўсмирлик оламида эса муаллимнинг баҳоси аввалги қудратини йўқотади. Тоштемирдан ўрناق олиш мумкинми ё йўқми, буни болаларнинг ўзлари ҳал қиладилар. Тенгдошлари орасида обрўни сақлаш учун фақат аълочи ва интизомли бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўқитувчига чақимчилик қиладиган, ўртоқлари дарсдан қочганда, уларга қўшилмай синфда қоладиган боладан тенгқурлар нафратланишади. Агар муаллим ёки мактаб директори дарсдан қочганларни уришиб, қочмаганини мақтаб, бошқаларга ўрناق қилиб кўрсатса уларнинг нафратлари янада ошади. Чунки улар буни ибрат ўрнида қабул қилишмайди, балки дўста хоинлик деб ҳисоблашади. Бошланғич синфларда аълочилиги учун синфнинг эркасига айланган бола энди ўртоқларининг уй вазифаларини беминнат бажариб берадиган дастёрга айланиши ҳам

мумкин. Агар дастёрлик қилмаса, мақтанчоқ, дўстга бевафо саналиб, тенгқурлари даврасига қўшила олмайди. Унинг гапи мутлақо эътиборга олинмайди.

Ўсмирлик олами ўз ҳукмини ўткази бошлагач, синфда ўзига хос гуруҳлар пайдо бўлади. Бир неча бола «зўр»ликка даъво қила бошлайди. Бу «зўр»лар турли авлодда турли номлар билан аталади. Ҳозир синфдаги болаларнинг мавқеи «биринчи пахан, иккинчи пахан» деган номлар билан белгиланаркан. «Биринчи пахан» бўлиш учун яхши ўқиш, интизомли бўлиш мутлақ шарт эмас. Энг муҳими — кучли ва катталарга бўйсунмасликда ибрат бўлиш керак. Мазкур мавқе белгиланишида отанинг бойлиги ҳам инobatга олинади. Агар отаси бой бўлса-ю, ўзи кучда, иродада, мардликда оқсаса у «биринчи пахан»ликка даъво қилолмайди. Ўзининг атрофида кичикроқ гуруҳ ташкил қилиб «биринчи» билан мурсада яшайди. Агар биринчи камбағалроқ оиланинг фарзанди бўлса, моддий рағбат ҳисобига унга хизмат қилади. Ҳар бир синфнинг ўз «пахан»и бўлгани каби мактаб бўйича ҳам «пахан»лар мавжуд. Биринчи, иккинчи, учинчи...лар мутлақ ҳоким бўлиш учун турли йўللар билан кураш олиб борадилар. Баъзан бу курашга мактаб учун бегона бўлган кўча болалари ҳам жалб қилинадилар. «Биринчи пахан»нинг мавқеини кўча томондан бўлажак қувватлаш ҳам белгилаб туради.

Ўсмир ёшига етган болалар катталар орасидаги ўзларига ёққан одамлардай бўлишга интилишларини биламиз. Қизлар гўзал артистларга тақлид қилишади, улардай кийинишни, ўзларига оро беришни исташади. Ўғил болалар кучли шахсларга ихлос қўядилар. Уларнинг тақлидлари бу билан кифояланмайди. Улар ўзларининг тенгдошлари орасидаги айрим болаларга ҳам ихлос билан қарайдилар. Уларнинг одат ва одобларини ўзларига сингдиришга уринадилар. Айниқса «пахан»лар атрофида бирлашадиган болаларда бу кучли сезилади. «Пахан» уларга «ҳариф» деб мурожаат этса, демек, уларнинг тилидан ҳам бу сўз тушмайди. Бу билан «пахан»га яқинликларини намоиш этмоқчи бўлишади.

Авваллари бундай «пахан»ларга қарши «коллективизм» — яъни, жамоа таъсири мавжуд эди. Пионер ва комсомол ташкилоти, Коммунистик мафкура билан «қуролланган» пионер ва комсомол ташкилоти буларга қарши турарди. Улар ўзларини эркин ҳис қила олмас эдилар. Ҳозир уларга қарши фақат синф раҳбаригина бор. Ҳали шаклланишга улгурмаган болалар ташкилотининг мавқеи эса йўқ даражада.

Ҳикоя қилаётганимиз Тоштемирга қайтсак, синфдоши Зафарнинг мардлиги, ростгўйлиги, энг муҳими мақтанчоқ эмаслиги уни ўзига тортди. Зафар ўқишга бефарқ эди. Тоштемир буни биларди. «Зафар агар истаса яхши ўқиши мумкин», деб ҳисобларди. Бу фикрини ота-онасига тушунтира олгани учун ҳам Зафар билан дўстлашишига монелик бўлмади.

Ўзига дўст танлаш, кимгадир яқинлашиш, кимдандир узоқлашишни ўсмир учун «қил кўприк» деб атасак ҳам бўлар. Бу қил кўприкда сал тойдими, тамом «жиноят олами» деб аталувчи жарга қулаши ҳеч гапмас.

Келинг, яхшилик билан тутаган ҳикояларимизни бошқачароқ тасаввур этайлик:

Алининг ота-онаси унинг ёлғиз экани, дўсти йўқ эканини сезишмади. Мактабга ҳам боришмади. Радиотўғарак ҳам очилмади. Алининг техника соҳасида иқтидори борлигини сезган кўча «зўр»ларидан бири аввал ундан телевизорини тузатиб беришни илтимос қилади. Кейин яна шунга ўхшаш илтимослар билан мурожаат этиб, уни ўзига яқин ола бошлайди. Али ўзича яхши дўст топгандай қувонади. «Зўр» учун Али дўст сифатида эмас, жиноятга оид ишларини амалга оширишда мутахассис сифатида керак эди. Катта ўғирликни мўлжаллаган одам илгари замонлардагидай том ошиб, девор тешиб юрмайди. Киноларни кўравериб кўзлари пишиб кетган. Энди унга электроникани пухта биладиган зўр мутахассислар лозим. Али аста-аста унинг тўрига ўрала боради-ю, кейин чиқиб кета олмайди. Чиқай деса, калтакланишдан чўчийди, ўлдириб кетишларидан қўрқади. У иложсиз, суянадиган дўслари йўқ, ота-онасининг ҳимоя қила олишига эса ишонмайди. Тасаввуримиздаги ҳолатда Алининг қилкўприқдан ўтаётганини тарбиячи сезмай қолди. У жарга қулади.

Валининг тақдири ҳам шундай бўлди. У кўча «зўр»ларига аралашиб юрувчи ўртоғи билан қаратэга борди. Мушглашиш санъатини ўрганди. Ўзини ҳимоя қилиш учун эмас, ҳужум қилиш учун, ўзгаларга зулм қилиш учун ўрганди. Тарбиячи «ўғлим чиниқяпти», деб, хотиржам юрди. Чиниқиш бошқа томондан бўлди ва яқини... ўзингизга маълумдир.

Дилобар дугоналарнинг хулқ-атворини таҳлил қилганида Хонзодага маҳлиё бўлди. Доим чиройли кийиниб юради, юқори синфдаги ўғил болалар ҳам унинг атрофида парвона. У эса бу болаларни менсимайди. Хонзода эса Дилобарнинг ўзига маҳлиё эканини сезиб, яқинлашади. Дилобар — чиройли қиз. Отасининг топиш-тутиши ҳам яхши. Хонзода дугонасини кўча томон бошлайди Аввал дискотека... ундаги хурсандчиликлар. Келишган, пулдори йигитларнинг хушомадлари... Энг муҳими — унга ёш қизча, деб эмас етилган қиз эканини тан олиб муомала қилишлари... Бу қиз ҳам қил кўприқдан ўта олмади...

Тоштемирнинг ҳам қисмати шундай бўлиши мумкин эди. Агар Зафар кўча томон оғса, Тоштемир ҳам иккиланмай унга эргашарди. Аввалги «аълочи, одобли» деган мартабалари уни бу йўлдан қайтара олмасди. Демокчимизки, ўсмириккача бўлган одоб-ахлоқ кейинги тўғри ҳаётни кафолатлай олмайди. Ўсмир учун ҳаммаси янгидан бошланиш керак.

Дўстлик ҳақида ҳар биримиз ўнлаб мақол ёки ҳикматларни ўқиганмиз ва буларнинг барчаси катталар учун мавжуд, деб биламиз. «Зўр гап экан!» деб тан берамиз, лекин ҳаётга тадбиқ этишни ўйламаймиз. Бу ҳикмат ва мақоллар фарзандларимиз ҳаёти, тақдирига ҳам оид деган тушунчадан узоқроқмиз. Бизнинг бу даъвоимиз сиз, муҳтарам тарбиячига (ота-она, муаллимга) эҳтимол малол келаётгандир. У ҳолда ўйлаб кўринг, фарзанду аржумандингиз билан дўстлик мавзуида қачон суҳбатлашган эдингиз? Суҳбатингиз чоғида қайси мақол ёки ҳикматни мисол сифатида айтиб, шарҳлаб, тушунтириб бердингиз?

Қадим файласуфлардан Цицерон шундай деган экан: «Биз билан биргалашиб ҳеч ким қувонмаса, бахтимиз ҳам жозибасини йўқотади. Биз учун биздан ортиқроқ қайғурувчи дўстимиз бўлмаганида, кулфатларга чидашимиз ҳам қанчалар оғир бўларди!» Балки бу ҳикматнинг болаларга алоқаси йўқ, уларда кулфат нима қилади, дерсиз? У ҳолда оламга бола кўзи билан қарайлик-чи? Бизга оддий қувонч бўлиб кўринган нарса уларга энг олий бахт бўлиб туюлмайдими? Биз бирон нарсадан шунчаки ранжиб, бирикки кундан сўнг бу нохушликни унутиб юборармиз. Бола учун эса ўша нарса шунчаки хафағарчилик эмас, улуғ бир кулфат бўлиб туюлади. Олам кўзига қоронғу бўлиб кўринади. (Бунинг оқибаги нима билан тутаганини аввалроқ баён қилиб эдик.) Шундай экан, боланинг ўртоғи тўғридан бахтли бўлиши ёки кулфатга дуч келишини арзимас нарса сифатида қабул қилсак, хатога йўл қўйган бўламиз.

Азизлар, биздан ранжиманг ва тўғри тушунинг: ният сиз томонга ҳадеб таъна тошларини отавериш эмас. Мақсад: фарзандлар тақдири хусусида сиз билан бирга бақамти бўлиб фикр юритмоқлик холос. Сиз дейсизки, «болам ҳамма нарсадан азизроқ, мен уни ҳамма нарсадан ҳам яхши кўраман». Дуруст, биз бу фазиладингизни инкор этмаймиз. Аммо халқда дерларким: «Бола — азиз, одоби ундан азиз.» Яна ҳақиқат шуки, ҳар бир ота-она боласини севади. Бола ҳам ўз ота-онасини севади. Лекин бу «олам — гулистон» деган гап эмас. Қўполроқ ўхшатиш учун айбсизманг: барча жониворлар ҳам болаларини севадилар, уларни жонларидан кечсаларда, ҳимоя қиладилар. Уларнинг болаларига чанг соладиган хавф ногаҳоний, онгсиз бўлади. Ўзларидан кучлироқ ҳайвон ёки табиий офат олдидан улар оғиналар. Қўзичоқ онгсиз бўлса-да, йўлдан адашиб, бўри билан дўстлашмайди. Қуён билан шернинг дўстлигини биров кўрмаган. Дўстлашган тақдирда ҳам бу ўртоқчиликнинг мукофоти ўлим экани сир эмас. Сиз билан бизнинг фарзандимизга бўлган муҳаббатимиз қондошлик билангина эмас, балки қалб ва онг орқали ҳам боғланмоқлиги шарт. Биз фарзандимизни қўзичоқ каби ҳимоясиз билиб, бўрилар тўдасининг ҳамласидан асрашга уринамиз. Турли чораларни кўрамай, аммо барча саъй-ҳаракатимиз зое кетаверади. Жонивор қўзичоқдан фарқли ўлароқ, онгли, одам-қўзичоғимиз рўпарасидаги бўри эканини кўриб, била туриб унга муҳаббат қўяди. Бўрига дуч келган жонивор-қўзичоқнинг тақдири бир — ўлим бўлса, одам-қўзичоқнинг икки йўли бор: бири — қачоқ жазоси, иккинчиси — ўлим. Биринчи йўл ҳам охири оқибат кўп ҳолларда иккинчи йўлга туташади.

Қадим-қадимдан донишмандлар фарзандлардаги чин дўстлик руҳини тарбия этишга жиддий эътибор берганлар.

Искандар Зулқарнайнинг тарихчилари юртимизга доир бир ривоятни баён этиб кетган эканлар. Унда зикр қилинишича, икки йигит бир-бирларига содиқ дўст бўлиш хусусида қасамёд қилишган экан. Иттифоқо, юртни ёв босибди-ю, кучлар тенг келмай, аҳоли дарё кечиб, чекинибди. Дўстларнинг бири одамлар билан сув кечибди, иккинчиси улгуролмай, ёв чангалига тушибди. Душман унга азоб берибди. Йигит қийноқларга чидалмай фарёд урибди. Унинг зорли ноалари дарёнинг у бетида ҳам етиб, дўстининг руҳи азобланибди. Дўст ёв чангалидаги биродарини ташлаб кетолмай орқага қайтишга аҳд қилибди. «Борма, нобуд бўласан», дегувчиларнинг сўзларини эътиборга олмабди. Дарёни сузиб ўтибди-да, ёв лашкарбошисига рўпара келиб «Дўстимни қўйиб юбор, ўрнига мени ол», деб талаб қилибди. «Дўстингни бекорга озод қила олмайман, сен уни мендан сотиб ол», дебди лашкарбоши. «Менинг бойлигим йўқ», дебди дўст афсус билан. «Бойлигинг нега йўқ бўлар экан, икки кўзинг-чи? Бу бойлик эмасми? Ё бу бойлигингни дўстинг учун бергинг йўқми?»- дебди лашкарбоши. Шунда дўст бу тақлифни мулоҳаза ҳам қилиб ўтирмай: «Дўстим учун икки кўзимгина эмас, жоним ҳам садақа бўлсин!»-дебди. Унинг кўзларини ўйиб олибдилар. Лашкарбоши унинг садоқатига қойил қолиб, икковини ҳам қўйиб юборибди. Шу-шу икки дўст ажралмас эканлар. Кўзлари ўйиб олинган биродарини етаклаган дўстни жуда кўп

ерларда кўришибди. Бу икки дўст юртлар аро юриб садоқат ҳақида кўшиқ куйлашаркан...

Бундай ривоятлар кўп, жуда кўп. Аммо, афсус шуки, тарбияда биз улардан кам, жуда кам фойдаланамиз. Оқибатда фарзандлар чин дўстликнинг фарқига бормай улғайишади.

Милицияга «ўғлим (ёки қизим) уйдан қочиб кетди», деган мавзуда аризалар тушиб туради. Уйдан чиқиб кетувчилар баъзан қисқа хат ёзиб қолдирадилар. Уларни излаб топиш умиди бўлади. Баъзилар эса индамай кетишади. Улар аразлаб чиқиб кетишдими ё бирор фалокатга учрашдими — уйдагилар ҳам, милициядагилар ҳам гаранг. Кўп ҳолларда аразчилар топилади, уйга қайтарилади. Айрим ҳолларда эса...

Аразчиларнинг бири ташландиқ ерларда ётиб юрарди. У милицияхонага олиб келинганда дастлаб гапиргиси келмади. Кейин аразининг боисини айтиб берди. Маълум бўлишича, онаси унинг дўстарини уйга яқинлаштирмас экан. Бола «мен уларнинг уйларига бемалол кириб-чиқаман, бирга дарс тайёрлаймиз, мусиқа эшитамиз, улар яхши болалар», деса онаси «Мен уларни ёмон деяётганим йўқ, сенинг опаларинг бор, совчи келиб турибди. Ўғил болалар ўралашиб юрса, кўнглига бошқача гап келади», дер экан. Бола ҳайрон: опаларининг ёшлари йигирмадан ошган бўлса. Унинг ўн уч ёшдаги ўртоқларини кўриб ким бошқача ўйлаши мумкин? Ўсмир ўртоқлари оддида уялгани учун ҳам уйдан кетишга аҳд қилган. Бунақа пайтда болада аниқ бир режа бўлмади. Уйдан, уни тушунмайдиганлар даврасидан нари кетса бас — ўсмирнинг ягона мақсади шу. Уйдан чиқиб кетдими, тамом. Ўғри-безориларга қўшилиб кетди, деб ўйлаш ноўрин. Тўғри, айримлари ихтиёрсиз равишда кўча болаларига қўшиладилар. Баъзиларини ош-овқат, бошпанага муҳтожлик бу тўдага қўшади. Яна бирлари ўзларини безорилар тўдасидан эҳтиёт қиладилар. Аразчи қочоқларнинг маълум қисми кўчанин заҳматларига чидамай изига қайтади. Агар таҳлилга мурожаат қилсақ, қайтувчиларнинг оз эканини кўраемиз. Демак, уларнинг кўп қисми уйдаги яхши моддий шароитдан кўчадаги зорликни афзал кўришаркан? Нега шундай? Биз бу саволга: «Бола учун уйдаги моддий шароитдан кўра руҳий-маънавий муҳит муҳимроқ», деб жавоб берамиз.

Сиз қандай фикрдасиз?

Жавобни ўйлагунингизча, эътиборингизга яна бир воқеани ҳавола этайлик.

Маълумингизким, болалар турли ҳайвонларга меҳр қўядилар. Бири итни, яна бири мушукни, бошқаси тошбақаними, қуённими яхши кўради. Баъзилари уйда аквариум бўлишини истайди. Айти шу истақ атрофида катталар билан зиддият келиб чиқади. Оталар болаларнинг хоҳишларига камроқ қаршилиқ билдирадилар. Асосий норозилик она томонидан бўлади. Оқибатда бола ўзи севган жониворлар мавжуд жой томонга интилаворади. Оқилбекнинг ҳаёти ҳам шундай бўлди. У каптарларни севарди. Бу гўзал мавжудотнинг самода сузишини кузатиш унинг жону дили эди. Аввалига «ҳеч бўлмаса иккитагина каптар олиб беринлар», деб ота-онасига ялинди. Лекин ота-онаси «каптарга ўралашиб ўқиши пастлашиб кетади», деган фикрда унинг илтимосларини эътиборсиз қолдиришди. Аввалари «каптарвоз» деган атама нима учундир салбий маънони англатарди. Катталарнинг назарида каптарвоз болаларнинг хулқи бузук бўларди. Қизиқда, қўй ёки мол боқса яхши, каптар боқса ёмон бола бўлса? Каминага болалиқдан мўаммо бўлиши бу саволга ҳануз жавоб топа олмайман. Эҳтимол ўша салбий маъно йиллар оша ўтиб келиб ҳозир ҳам сақланаётгандир? Агар Оқилбек каптар эмас, хўроз ёки мушук боқишни ихтиёр этса рухсат тегармиди? Тегмасди. Яна ўша ўқиш баҳона бўларди. Бу ўринда болани табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш масаласига кўп тўхталмаймиз. Қисқа қилиб айтмамизки, табиатни бутун вужуди билан сева олувчи боланинг кўнглида шумлик уйғонмайди, келгусида жиноят оламига кириб кетмайди. Оқилбекнинг ота-онаси шу нуқтада икки хатога йўл қўйдилар: биринчидан — фарзандларини табиатга бўлган муҳаббатини тарбия этиш ўрнига бу кўнгли қанотларини қайирдилар. Иккинчидан — унга бевош кўча эшигини ўзлари очиб бердилар. Англашимиз жоизки, ўсмир бир нарсага астойдил меҳр қўйдими — уни энди тўхтатиш қийин. Уни совутиш учун куч ишлатиш, мажбурлаш мутлақо ўринсиздир. Бунақа пайтда оқилона ва одилона тадбир топиш керак. Аввало ўйлайлик: фарзандимиз меҳр қўйган нарса зарарлими? Зарарли бўлса шошилиш чоралар кўрмоғимиз шарт. Агар зарар сезилмаса, арқонин узунроқ ташлаб ўринга ўрин бирон нима топишга уринишимиз керак. Оқилбекнинг меҳри тушган машгулот асида зарарли эмас. Бунда фақат ота-онанинг ортиқча инжиқлиги ва талаби мавжуд. Қаранг, шу ерда ҳам ота-онанинг, ҳам боланинг инжиқлиги, қайсарлиги тўқнашапти. Тўқнашувда иккала томон ҳам галабадан умидвор. Иккала томон ҳам чекинини истамаяпти. Боланинг чекинмаслиги аниқ. Чекина туриб айланма йўлга ўтиб кетиши ҳам аниқ. Шундай экан, тадбирли ота-она озгина чекинса, олам — гулистон. Агар ота-она ўғлига иккитагина каптар сотиб олиб берса, Оқилбек орадан вақт ўтиб бу машгулотидан безиб, ташлаб кетиши ҳам мумкин. Адолатли ота-она «каптар боқса ўқиши пастлаб кетади», демай, синаб кўриши керак.

Агар кўпроқ вақти каптар билан ўтса, бунинг зарарини тушунтириш шарт. Тушунмаса, чора сифатида каптар боқишни ман этишга тўғри келади.

Оқилбек ота-онадан рад жавобини олгач, уйдаги саноксиз талаб ва таъқиқлардан безди. Хоҳишидан воз кечмади. Шу маҳаллада Тўрабек исмли каптарвоз йигитча билан яқинлашди. Каптархонасини тозалади, у-бу ишларига ёрдам берди. Уйда «чангни артиб қўй», деса малол келарди. Бунда каптархонани тозалаш унга роҳат бахш этарди. Тўрабекнинг ўзига эркин эканлиги эса Оқилбекнинг хаёлини бутунлай ўғирлаган эди. Ўсмирлар «ўзига хон, ўзига бек» тенгдошларини жуда ҳурмат қиладилар. Оқилбек шуларнинг бири эди. То ота-онаси уйдан қайтганича у Тўрабек билан бирга бўлди. Тўрабекнинг оиласи нобоб эди. Ундан ташқари Тўрабек каптарларни севгани учун эмас, олиб-сотиш учун боқарди. Устига-устак у кўча зўрларига яқин эди. Оқилбек ҳам аста-секин бу муҳитга мослаша бошлади. Ана шунда ота-она ҳавотирланган воқеа юз берди: боланинг ўқиши пастлашди, синфда ўзини тутиши ҳам салбий томонга ўзгарди. Таъбир жоиз бўлса, ота-онанинг қўлидаги каптар учди-кетди. Энди у қайтиб кўнади-ми, йўқми?

Тасаввур этайлик, Оқилбекнинг отаси ёки онаси сиздан маслаҳат сўрашяпти. Болани тўғри йўлга қайтариш учун улар қандай чора кўришлари керак, нима дейсиз? Назоратни кучайтирсинларми? Болани маълум муддатга «уй қамоғига» ҳукм этсинларми? Онаси ишдан бўшаб, боласига қараб ўтирсинми?

Оқилбекни «қайта тарбиялаш» одатдагидек, кўп синалган, аммо дуруст натижа бермаган ота-она, муаллим иштирокидаги суҳбатлардан бошланди. Табиийки, тўғри яшамоқликка мисол зарур бўлганида улар узоққа бориб ўтирмай, ўз ёшлиklarини эсладилар. Уларнинг гапларига қараганда болалик, ўсмирлик, ёшлиklarини шу қадар мусоффо эканки, буни билса, ҳагто фаришта ҳам лол қолиши мумкин бўларди. Ҳолбуки, отанинг ўсмирлиги билан Оқилбекнинг шу кундаги ҳаёти таққосланса, ўртада фақат каптар боқиш иштиёқи йўқ эди, холос. Оқилбекни ўртага олган тарбиячилар худди чилёсин ўқиб дам солгуви азайимхонга ўхшашарди. Азайимхон ўқилмиш дуоларнинг қор қилаётгани ёки ҳавога учаётганидан беҳабар бўлгани каби улар ҳам гаплари таъсир этаётгани ёки бесама қетаётганини билмасдилар. Оқилбекнинг индамай тинглаётганини «сукут — ризолик аломати», деб билиб, суҳбатнинг фойда беришига ишондилар. Уларнинг назарида Оқилбек шу ондан бошлаб яна аввалгидай одобли, мўминтойга айланиши керак эди. Улар билмайдилар-ки, ёшлиklarини мисолга келтираётган пайтларида Оқилбекнинг хаёли Тўрабекда, бугун оқшом сотиб олинажак ажойиб ўйинчи каптарда бўлган. Яна билмайдилар-ки, Оқилбекка уларнинг мисоллари мутлақо таъсир этмайди. Унинг учун тирик мисол — Тўрабек. Истаган каптарини сотиб олади, истаганини сотиб юборади. Ёнидан пул узилмайди. Хоҳлаган жойига боради. Бировдан сўраб ўтирмайди. «Фалон жойга бориб келдим», деб ҳисобот ҳам бермайди. Мана бунақа тарбиячиларнинг ўртасида шумшайиб ҳам ўтирмайди. «Борларинг-е!» деб шарт туриб кетворади...

Бундай суҳбат яна бир-икки такрорлангач, ота-она тарбия усулини ўзгартиришга қарор қилишди. Тўрабек билан дўстлашининг зарари ҳақидаги гапларини бас қилиб, уни уйга тақлиф этишди. Оқилбекка бу вазрати туюлди. Таклифнинг самимий эканига унча ишонмади. Таклиф такрорланавергач, Тўрабекни бошлаб келди. Ота-онанинг мақсади энди Тўрабекни «қайта тарбиялаш» эди. Бу миллиард ўйинидаги бир соққани учинчи соққа билан уриб туширишга ўхшаш воят нозик усул эди. Бу тарбия усули уйдаги нарсалар йўқола бошлагач, тўхтатилди. Аммо ота-она ҳаракатларини тўхтатишмади. «Ўртоғинг ўғри экан», деб маломат тошларини ёғдиришмади. Буни Оқилбекнинг ўзи мулоҳаза қилди. «Ўртоғининг уйдан нарса ўғирловчи одам қандай дўст бўлди?» деган муаммо уни анчагача қийнади. Шунда ота ижобий самара берувчи тарбия усулини қўлади. Автомобилга, уни тузатишга қизиқмайдиган ўсмир бўлмаса керак. Ота ўғлидаги шу қизиқишдан фойдаланмоқчи бўлди. Унинг бир биродари уста эди. Энг муҳими иймон бобида бошқаларга ўрнатилган бўлувчи адаб соҳиби ҳам эди. Ўғиллари Тўрабекка қўшилмасидан илгари ҳам уни ҳунарга бериш масаласи кўтарилганида она «болам қора мойга беланиб юрадим», деб кўнмаганди. Бу сафар ноилож рози бўлди. Ота автомобилни тузатириш баҳонасида Оқилбекни ҳам бошлаб борди. Уста ишлай туриб Оқилбекка ҳам бир-икки юмуш буюрди. Мой тегмасин, деган мақсадда қўл учиде бажарса ҳам танбеҳ бермади. Аксинча, «ўғлингиз зийрак бола экан», деб мақтаб қўйди. Кейин бир ўзи қийналаётганини айтиб, «Менга шогирд бўлмайсанми?» деб сўради. Шу ўринда у отадан эмас, унинг ўзидан сўраб донолик қилди. Оқилбек иккиланганича отасига қаради. Ота кўнди. Уста «астойдил қизиқсанг келарсан, жонингга тегса ташлаб кетарсан. Сени зўрлаш йўқ. Уста бўлишинг шарт ҳам эмас. Катта йигит бўлиб қолибсан, машиналарингни ўзинг тузатишни ўрганиб олсанг бас. Қачонгача менга ўхшаган усталарга сарғайиб юрасанлар. Отангга «ўрган», десам ўргана олмайди, сен бошқачасан. Мен одамнинг қалит ушлашидан биламан. Сен бир-икки ойда

моторни мустақил ечиб, жойига жойлайдиган бўласан. Битта шогирдим бор эди, беш йилда ҳам мурватни бурашга қўли келмади. Бўлмайдигани бўлмайди-да, сен бошқачасан...» деб Оқилбекда ишонч уйғотди. Оқилбек дарслардан кейин устага қатнай бошлади. Ҳар куни ота-она унинг ҳикояларини қизиқиб тинглайдиган бўлишди. Ота дўстининг фазилатларини айтганда Оқилбек зийраклик билан тингларди. Чунки у мазкур фазилатларни амалда кўрарди. Оқибат, Оқилбек фақат ҳунар ўргатадиган устага эмас, сирдош дўстга эга бўлди. Каптарларни ҳам, Тўрабекни ҳам унутди.

Подшоҳнинг боғбони тенгсиз бир гул яратиб олампаҳоғга тақдим этибди. Подшоҳ гулни кўриб тасаннолар айтибди-да, ёнидаги қулга буюрибди:

-Бу гул тенгсиз гўзал қизнинг чиройига чирой бўлиб кўшилиши керак. Боққа чиқиб қарагин-да, ўша гўзалга буни бер.

Хабаш таъзим билан чиқибди. Боғда подшоҳнинг қизи — гўзал малика канизақлари билан сайр қилиб юрарди. Хабаш гулни эгасига топшириб изига қайтди.

-Гулни бердингми?-деб сўрабди подшоҳ.

-Бердим, -дебди хабаш қул,- энг гўзал қизга бердим.

-Ким экан у, гўзал қиз?

Подшоҳ «тенги йўқ гўзал қиз сизнинг фарзандингиз, менинг маликам», деган жавобни кутиб атай шундай деб сўраган эди. Аммо жавоб подшоҳни ҳам, бошқаларни ҳам ажаблантирадиган бўлибди:

-Мен гулни ўзимнинг қизимга бердим,-дебди қул.

Бу ривоятга «Кўнғиз боласини оппоғим, типратикан юмшоғим, дейди» мақолини илова қилсак айни муддаодир.

Биз фарзандларимизга маҳлиё бўлиб, унинг жамоадаги ўрни билан кам қизиқамиз. Фарзандимизнинг дўстларига нисбатан талабларни қалаштириб ташлаймизу аммо ўғлимиз ёки қизимизни биров ўзига дўст деб қабул қиладими ё йўқми, буни камроқ ўйлаймиз.

Бир мактабда муаллимлар ёрдамида тажриба ўтказдик. Аввал саккизинчи синфдаги болаларнинг фъел-атворлари билан қизиқдик. Болаларнинг бир-бирларига муносабатини муаллимлар ўзларининг кузатувлари асосида гапириб беришди. Ташқи кузатув алдамчи бўлиши ҳам мумкин. Шу боис ўша синфга кириб «Мен қайси синфдошимни ёқтирмайман? Ёқтирмаслигининг сабаби нима?» деган мавзуда иншо ёзиб беришларини илтимос қилдик. Иншога имзо қўймасликларини, ундаги фикрлар бошқаларга маълум қилинмаслигини, сир сақланишини ҳам айтдик. Куттанимиздек, иншони ёзишга барчада бирдай рағбат уйғонмади. Баъзилар умуман ёзишмади. Айримлар «Менга ҳамма ёқади», деб гапни қисқа қилиб қўя қолишди. Шундан сўнг биз бошқа синфда мавзуни ўзгачароқ тарзда баён қилдик: «Иншо мавзуси: «Дўстлик». Қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг: Сиз қандай болани яхши ўртоқ деб ҳисоблайсиз? Сизнингча ким ёмон ўртоқ ҳисобланади? Нима учун сиз уни ёмон деб ҳисоблайсиз? Сиз нима сабабдан ўртоғингиздан ранжишингиз ва у билан дўстлашмай қўйишингиз мумкин? Сизнингча ҳақиқий ўртоқ қандай бўлиши керак?» Бу иншода болаларнинг учдан икки қисмигина илтимосимизни бажаришди. Шунга қараб ҳам хулоса чиқариш мумкин бўлди. Муаллимлар синфдаги бир неча болага салбий фикр билдиришган эди. Иншолар буни тасдиқлади. Мана, шулардан айримлари:

«Шораҳим — безбет бола. Агар бировда иши бўлса атрофида гирдикапалак бўлаверади. Иши битгач, юзини буриб кетади. У кучига ишониб, бошқаларни менсимайди».

«Унга ишониб бўлмайди, дўстини ҳам алдашдан тоймайди. Ёмонроқ ниятини дўстининг қўли билан амалга оширмақчи бўлади, ўзи эса четда тамошабин булиб тураверади».

«У мактабда писмиқ, кўчада зўравон ўртоқлари олдида шердай бўлиб кетади».

«Ўзидан катталардан кўрқади, кичикларга зўрлик қилиб, масхаралайди».

Бизни ҳам, муаллимларни ҳам таажжубга солган иншо Шоакбар деган боланики бўлди. Муаллимларнинг айтишича, Шоакбар синфдаги энг заиф, кўрқоқлардан саналаркан. Синф зўрларидан бирини ўзига яқин дўст тутиб юраркан. Кўпчилик, хусусан, муаллимлар ҳам бу дўстликни ҳимоя воситаси сифатида қабул қилишаркан. Шоакбар иншода дўст деб юргани ўша зўрнинг барча илатларини санаб, «Мен ёзган иншони ҳаммага ўқиб беринг. Мен у билан дўстликни уздим. Дўстлар орасида манфаат бўлмаслиги керак», дебди. Боланинг талабини бажариб, иншони ўқиб берайликми ё йўқми, деб иккиландик. Ундан «шу талабингга қатъиймисан?» деб алоҳида сўрадик. У талабидан қайтмади. Шунда иншо ўқиб берилди. Синф бирдан жимиб қолди... Кўрқоқ ва заиф саналган боланинг шу ондан эътиборан довлорак йигитчага айланганини ҳис қилдик. Боланинг ўзидаги кўрқоқликни енгиши синфдагиларга, ҳатто ўша «зўр»га ҳам таъсир қилди. Хавотиримиз ўринсиз чиқди — «зўр» Шоакбарга тегмади. Бир ҳафтадан сўнг муаллимлар илтимосимизга кўра, «Тоққа саёхатга чиқамиз. Кичик автобусга йигирма бешта одам сиғади. Кимлар ортиқчалигини рўйхатда ўзингиз белгиланг», деб

болаларга мурожаат қилишди. Болалар ортиқча деб ҳисоблаб, рўйхатдан ўчирилганлар орасида ўша «зўр»нинг номи ҳам бор эди. Сафар бир сабаб билан баҳорга қолдирилиб, яна рўйхат тарқатилганда «зўр»нинг номи ўчирилмабди. Сабабини билсак, «зўр» Шоакбарни таъзирини бериш ўрнига унга яқинроқ бўлишга ҳаракат қилибди. Иншода баён этилган иллатларидан қутилишга интилибди. Гарчи Шоакбар дўстлиқдан воз кечган бўлса-да, чин ўртоқ топганини англабди.

Баъзиларимиз фарзандимизнинг дўст танлашига талабни кучайтирсак, айримларимиз лоқайд бўламиз. «Фарзандимиз ақлли, ўзига ўхшаган ақлли болалар билан дўстлашади», деб хотиржам юрамиз. Ҳозирги кунда ўсмир ёшига етганларнинг кўпчилиги болалиги ўтган мактабни тарк этиб лицей, коллежларга боришяпти. Улар учун фақат ўқув даргоҳи янги эмас, дўстлар давраси ҳам мутлақо ўзгачадир. Турли маҳалларда, турли оилаларда, одоб ва маданият даражаси турлича бўлган муҳитда тарбия кўрган болалар ўзлари учун янги оламни кашф этишга киришганларида ўзаро танишадилар. Ўзларига хос камчиликларни яширишга уринадилар. Дастлаб улар орасида юзаки дўстлик пайдо бўлади. Бу дўстликнинг умри унча узоқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Мактабда синфнинг эркаси бўлган бола янги жойда эътибордан четта чиқиши табиийдир. Айтмоқчимизки, бу янги шариҳта бола оғир руҳий кечинмалар тўлқинини енгиб ўтишга киришади ва бунда тарбиячининг мадади зарур бўлади. Фарзанднинг янги дўстларини эҳтиётлик билан ўрганишга тўғри келади. Бу лицейга ёки коллежга бориб уларни суриштириш шарт, деган гап эмас. Уйдаги самимий суҳбатларда мавзунини янги ўртоқларга буравериш керак. Агар болангиз бирон фильм ҳақида фикр юритса, «ўртоқларинг ҳам кўрибдими, улар нима дейишяпти?» каби саволлар билан янги дўстларнинг қизиқишларини, уларнинг дунёқарашларини билиб олса бўлади.

Кўпгина оилаларда туғилган кунларни юқори мақомда нишонлаш одат тусига кириб борапти. Шубҳасизки, бу зиёфатга бола ўзининг бир қанча дўстларини айтади. Улар орасида синалганлари — гўдакликдан бирга катта бўлган маҳалладошлари ва янги дўстлари ҳам тақлиф этилади. Ота-она, айниқса мана шу ҳолатга эътибор бериши шарт. Чунки бир-бирини танимаган икки гуруҳ суҳбат чоғида гап талашиб қолиши мумкин. Маълум кинолар айнан шундай гап талашилардан бошланади.

Замоналининг туғилган кунини шундай бўлди. Ўсмирлар «тақлиф этилмаган ерга борма», деган одобни ҳали яхши билмайдилар. Бир бола ўртоғига «юр, зиёфатга бирга борайлик», деса буниси «танимаган жой, қалай бўларкин», деб истиҳола қилиб ўтирмай кетаверади. Замоналининг лицейдаги дўсти меҳмонга бир ўзи боргиси келмай икки ўртоғини эргаштирди. Чақирилмаган меҳмонлар уйдаги айрим буюмларга қизиқиб уни ўғирламоқчи бўлишганда жанжал чиқиб, кўнгилсиз воқеа юз берган.

Бу баъдан мақсадимиз: дўст танлашдек нозик ва масъулиятли ишда фарзандимизни сира-сира ёлғиз қўймаслигимиз керак. Бизнинг бу масалага аралашувимизни асаб ҳужайраларига тиф урувчи жарроҳнинг ишидаги масъулиятга қиёслашимиз ҳам мумкин. Ана энди юқорида диққатингизга ҳавола этилган саволга жавоб қайтариш вақти етди:

Донолар вафоли ва муҳаббатиде иҳлосли дўст танлашда зикр этилажак мана бу муҳим маслаҳатларга эътибор қаратадилар:

биров билан дўст бўлишни истасангиз, унинг дўстларини текширинг. Агар уларнинг феъл-атвор, одоб ва тарбияларини яхши текшириб билсангиз, унинг ҳам феъл-атворини англайсиз. Чунки ҳар ким ўзига муносиб киши билан дўст бўлади,

унинг юриш-туришига диққат қилинг, ахлоқини ўрганинг.

у билан муомала қилувчилардан унинг муомаласини сўранг, ундан рози ёки норози эканликларини, унга ишонган ёки ишонмаганликларини биласиз,

унинг кўринишига, ташқи қиёфасига алданманг, чунки ичи қора бўлиши мумкин, бошқаларни ғийбат қилувчи, уларнинг сирларини сўзловчи билан дўст бўлманг, ёмон йўлга бошловчи киши билан дўст бўлишдан ҳазар қилинг.

Фарзандингизнинг «ким билан дўстлашиш мумкин?» деган саволига тўлиқ жавоб бериш учун бу насиҳатларнинг ўзи кифоя қилмас. Қани, ўзингиз яна нималар дея оласиз?

ИККИНЧИ БЎЛИМ

Тутқунлик

Йигитча ёки қизча ўсмирликнинг нотекис сўқмоғида қоқилди, қил кўприқдан ўтолмади. Озодликнинг куёши энди унга саодатли нурини сочмайди. Бу ёқда ота-онанинг дили хуфтон, у ёқда ҳаётнинг лаззати нимада эканини англашга улгурмаган тутқун бўлажак йўлида йилт этган нур кўролмаб бадбинликка берилади. Айримлари бу

руҳий қийноқлар исканжасида тамоман таслим бўладилар. Улар учун энди яшашнинг қизиғи қолмайди. Баъзилари қилиб қўйган гуноҳларини фаҳм этиб, ўзларини оқлаш чораларини излайдилар, белгиланган жазо муддати тугагач, ҳаётга қай тарзда қайтмоқликларини ўйлайдилар. Айрим тоифа эса ўзини шафқатсиз ҳаётдан ўч олган ҳисоблаб, бу йўлдан қайтмасликни қасд қилиб ўтиради.

Бола ҳаётга мослашиш шартлигини билмайди. У тасаввуридаги ҳақиқат ва адолатга ҳаётнинг бўйсунини истади. Ҳаёт эса... аёвсиздир.

Жиноят кўчаси остонасида турган ўсмир билан бу остонани босиб ўтиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган маҳбуснинг руҳий кечинмалари орасида катта фарқ мавжуд. Худди шунингдек, қамоқда ўтирган катталар билан ўсмирларнинг руҳий олами бири-бирига асло ўхшамайди. Катталар ҳаёт тажрибасига асосланиб, руҳ азобларини қаноат билан енгмоққа уринадилар. Ҳаёт тажрибасига ҳам, сабр-қаноатга ҳам эга бўлмаган ўсмирлар эса ўзларини ғам-аламлари билан ёлғиз қоладилар.

Болаларимизга жазо бериш масаласини аввалги бўлимда қисман ечмоққа уриниб кўрган эдик. Энди эътиборимизни асосан шу муаммога қаратсак.

Инсон яхши тарбия кўрмаган ва турмушда тажриба орттирмаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмайди ва ундан жирканади. Бундай нарсалар унга ноўрин кўринади. Ва айнан шу нарса унга тутқунлик эшигини очиб беради. Инсон билим ва тажрибага эга бўлгандан сўнг фикри ўзгаради, ноўрин бўлиб кўринган нарсалар зарурий бўлиб чиқади. Америка адаби Марк Твен «Отам ўн тўрт ёшимда аҳмоқ эди, йигирма тўрт ёшимда ўйлаб қарасам, отам ақлли, мен эсам аҳмоқ бўлган эканман», деб ёзади. Ҳақиқатни англаб етиш учун йиллар керак. Афсус шундаки, баъзи ўсмирларнинг оқибатда ҳақиқатни англаб етмоқликлари учун тутқунлик имтиҳонидан ўтмоқликларига тўғри келади.

Жиноят кўчасининг дарвозаси ҳамиша очиқ

Остона ҳатлангач

Қотил... 13 ёшда?

Бола неча ёшида жазоланиши мумкин?

Саволга жавоб қайтармоқ учун жазо турини иккига ажратсак: яъни, уйдаги шўхлиги ёки бевошлиги учун биз — ота-она томонидан белгиланувчи жазо. Иккинчиси жамиятга етказган зарари туфайли бериладиган жазо. Ота-онанинг ҳукми ва бу ҳукмнинг ижроси орасида баъзан бир нафас ҳам вақт ўтмайди. Боланинг айби аниқланиши ҳамон ё сўқилади, бақирилади, ёки тарсаки тушириб қолинади. Уйда болани жазолаш учун аниқ ёши белгиланмайди. Фарзанд гўдаклик чоғидаёқ жазога мубтало бўлади. Агар кўпроқ йиғлаб юборса, тагини бемаврид ҳўл қилиб қўйса, ёки пиёладаги чойни бехос тўкиб юборса... дарров жазога тортамыз. Ҳолбуки бола бу ишлар учун айбдор эмас. Агар атайин айб қилса жазо тўғрисида ўйлаб кўриш мумкин. Аввалги болалардан бирида айтганимиз японларнинг, яҳудийларнинг болаларни жазоламасликларини яна бир бор эслаб ўтишни жоиз деб билдик. Бола кўчадаги дўконда кўзларни ўйнатиб турувчи ўйинчоқни кўриб «олиб беринг», деб хархаша қилса ҳам уришимиз керакми? Бола бизнинг хатти-ҳаракатимизни синчиклаб кузатади. Қайси нобоп иши учун кимдан қандай жазо олишини билади ва ўзича шунга яраша чора-тадбирларни ишлаб чиқади. Онаси кўпинча танбеҳ билан шуғулланади. Демак, ундан чўчимаса ҳам бўлади. Отасининг қаҳри ёмон, ундан кўрққулик... Боланинг ёлғон тўқиши ёки айбни бошқаларга ағдаришга уриниши жазонинг ким томонидан кутилишига боғлиқ бўлади. Шафқатсиз жазолашга одатланган хонадонда бола айбга иқроп бўлиш, тангилик, мардлик, кўрқмаслик, инсоф, қатъийлик каби фазилатлардан бегона равишда улғаяди.

Оилаларнинг одоб ва маданий даражаси бир хил эмаслиги маълум. Шундан келиб чиққан ҳолда болалар тарбиясига эътибор ҳам турлича. Айрим оилалар бола тарбияси билан шуғулланмоқчи бўлади, боласининг баодоб тарзда вояга етишини истади, аммо бунга ўзларида етарлича илм ва тажриба етишмаслигидан қийналади, бу тоифадаги баъзи оила бошиқлари «тирикчилик ташвиши» деган баҳона билан ўз истаklarига ўзлари ғов бўладилар. Айрим оилалар ғоят даражада маданий ва зиёли бўлганлари сабабли бола тарбиясига вақт ажрата олмайдилар ва бу иш билан шуғулланишни ўзларига ортиқча ташвиш деб биладилар. Бола тарбияси уларни асосий ишдан чалғитгандай туюлади гўё. Афсуслар бўлсинким, яна шундай оилалар борки, улар бола тарбияси билан шуғулланишни исташмайди. Буларни «оғир оила», деб аташади, биз эса булар оила деган муқаддас номга умуман нолайиқ деб ҳисоблаймиз. Фарзанди ҳам, иймони ҳам бузуқлик ва ароқхўрликдан иборат икки жинснинг ҳайвоний қўшиливини «оила» деб аташ мутлақ ноўриндир. Шунинг учун ҳам жамият уларни кўп ҳолларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этади. Бу маҳрумлик эҳтимол оддий жазо бўлиб туюлар.

Ҳар ҳолда айбдор қамалмаяпти, жарима ҳам солинмаяпти. Моддий ва жисмоний оғриққа мубтало этилмаяпти. Лекин, бизнингча, тушунган одамлар учун бу ўлим жазосидан ҳам баттарроқдир. Ўз фарзандига оталик ёки оналик ҳуқуқидан, уни суйиб эркалашдан, кексайганда эса унинг роҳатини кўришдан маҳрум бўлгандан кўра ўлиб кетгани минг карра афзалроқ. Ўйлаб қарасак, маҳрумлик — ўлимнинг ўзгинаси. Фақат жисман эмас руҳан ўлмоқликдир. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрумлар аслида руҳан ўлиб бўлган — тирик ўликлардир.

Уйда болага жазо бериши ҳақида сўз кетганда олимларнинг бир тадқиқотига эътиборингизни жалб этишни лозим кўряпмиз. Тадқиқот натижаларига кўра, ўрганилган оилаларнинг 46 фоизида болани шафқатсиз равишда калтаклаш кузатилган, 15 фоизида айб иш қилиб кўйган бола уйдан ҳайдаб чиқарилган, 11 фоизида ўз фарзандларини таомланишдан маҳрум қилишган, яъни оч қолдиришган, 13 фоизида боғлаб қўйишган ёки ертўлага қамашган, 10 фоизида уриб, майиб қилишган. Болаларга оғирми енгилми жазо берилаётганини кўрсам ё эшитсам туркларнинг ашуласини эслайман, ўзбекча ифодаси бундай: «Бизим гўдақларимиз улар, бизим авлодларимиз, меҳрга, шафқатга эҳтиёжлари бор. Севинг уларни, севинг уларни, пешонасидан ўпинг уларни!»

Уйдан қочиб кетувчи болалар ҳақида гапириб эдик. Улар орасида айнан ҳақсиз жазодан безиб кетганлар кўпчиликни ташкил этади. Яқинда бир қарашда суюнчи, бир қарашда афсусли хабар билан танишдик. Россиялик опа-сингил ўғирланиб, Юнонистонга сотиб юборилган экан. Улар бир неча йил ичида топилиб, Ватанга қайтарилганлар, лекин... улар оналари бағрига қайтишни истамаганлар. Бунга нима деймиз?

Ўсмирлик ёшини мутахассислар 12-14, 15-16 ва 17-18 деб белгилайдилар. Албатта бу тахминий бўлиниш. Унда болаларнинг табиий ва руҳий ўсишларидан кўра мактабда ўқийдиган синфлари кўпроқ эътиборга олинган. Жиноят учун жазо белгилаш масаласига келсак, бўлиниш сал ўзгачароқдир. Яъни бола 13 ёшидан жазога тортилиши мумкин. Бу ёшда асосан бола қотиллик учун жазоланади. 14 ёшдан эса ўғирлиги учун жазога тортилади. 13 ёшдан кичикроқ болалар жиддийроқ айб қилсалар улар махсус мактабларда тарбияланадилар.

Жазо ҳақида гап кетганда Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига мурожаат қилмоқликка тўғри келади:

«Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганларнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлигини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади».

«Ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларнинг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади».

«Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси — ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин».

Жиноят кодексдан айрим баёнларни келтирганимиз бежиз эмас. «Биз жиноят ва жазога тааллуқли қонунлардан яхши хабардор эмасмиз», дейилса, рад этишга шошилманг. Мазкур даъвони осмондан олганимиз йўқ. Ота-оналар, муаллимлар, болалар орасида тарқатилган сўровларимизнинг натижаси бизни шу фикрга олиб келди. 13 ёшдаги болани жиноий жазога тортиш мумкинлигини ҳеч ким билмас экан. Сўралган ота-оналарнинг 80 фоизи 15-16 ёшдан ошган бола жинояти учун қамалиши мумкин, деб ўйларкан. 15 фоизи 14 ёшли боланинг қамалиши мумкинлигини биларкан. 5 фоизи эса «14 ёшли бола ҳам жинояти учун қамалиши мумкин», деган гумонда экан. Бу кўрсаткич муаллимларда бир оз яхшироқ, яъни ҳақиқатга яқинроқ. Бунинг сабаби: улар бевош, бўйсунмас болалар туфайли милиция билан алоқадалар ва шу жараёнда ҳуқуққа доир маълум билимга эга бўладилар.

Ҳуқуққа доир билим олишнинг даражаси сушт экани ҳақида ташвишланиб кўп гапирилади. Болалар ва ўсмирларнинг жиноят кўчасига кириб қолишларига шу билимнинг етишмаслиги ҳам сабаб, дегувчиларнинг фикрларига қўшилоқлик керак. Ота-оналар ва муаллимлар билан фикрлашганимизда уларга бир ўғирликнинг икки кўри-нишини баён этдик: синфдаги компьютер ўғирланган. Биринчи ҳолатда ўғри очик қолган эшиқдан кириб, кўтариб чиқиб кетган. Иккинчи ҳолатда деразани синдириб кирган. Бу жумбоқни ечишда 87 фоиз ота-она «ҳар иккала ҳолда ҳам бир буюм ўғирланыпти, демак жазо бир хилдир», деб ҳисоблашибди. 9 фоизининг фикрича, жазо белгиланаётганда буюмнинг нархига синдирилган дераза ойнасининг қиммати қўшиб

ҳисобланаркан. Фақат тўрт фоиз ота-она биринчи ҳолатда ўғирлик, иккинчи ҳолатда талончилик деб баҳоланишини билганлар. Болалар эса бунинг фарқига мутлақо етмаганлар.

Жамият тартиб-қоидалари билан жиноят кодекси орасидаги фарқ кўпчиликни чалғитиши мумкин. Яъни: ўсмир 16 ёшга тўлганда унга паспорт берилади. Шунинг учун баъзилар айнан шу ёшда жазога тортилиши мумкин, деб ўйлайдилар. 18 ёшга тўлганда сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади, йигитлар шу ёшда ҳарбий хизматга борадилар. Демак, баалоғатга етадилар, жазо ҳам шу ёшда берилади, дегувчилар ҳам мавжуд. Бу фикрларда жон бор, уларни мутлақ инкор этиб бўлмайди. Жиноят кодекси ҳам жазо турларини белгилашда улғайиш ёшларини ҳисобга олади.

12—14 ёшда болаликдан ўсмирликка ўтиш жараёни, яъни бўйсунмасликнинг бошланиши кузатилади. Аввал айтганимиздай, бола ўзини катталар сафида кўргиси келади, онг шакллани бошлайди. Исломда ўғил болалар учун ўн бир, қизлар учун тўққиз ёшдан намоз фарз қилинган. Ўйлаб кўрайлик-чи, нима учун шундай? Айнан шу ёшда боланинг онги ҳақ-ноҳақни аниқроқ фарқлай бошлайди. Ўз хатти-ҳаракатини онгли равишда бошқаришга ўтади. Энди у Оллоҳ билан ота-онаси айтгани учунгина эмас, Оллоҳ билан онгли равишда боғлани бошлагани учун намоз ўқийди. Демак, энди унинг бирон айбини болалик шўхлигига, ақли етмаганига йўйиш тўғри ҳам эмас. У ўғирликнинг жиноят эканини, жиноятга лойиқ жазо борлигини билади. Билмаса, қилғиликни қилиб қўйиб қочмаган, яширинмаган бўларди. 10—11 ёшли болаларга «ўғирлик, талончилик, босқинчилик, қотилик, безорилик учун мактаб ўқувчилари қамалиши мумкинми?» деган савол билан мурожаат этдик. Сўралганларнинг 92 фоизи жиноят учун болаларнинг ҳам жазоланиши муқаррарлигини билишаркан. 5 фоизи 18 ёшдан кейин жазоланиши мумкин, деб ҳисоблар экан. 3 фоизи эса аниқ билмас экан.

13—14 ёшдаги жиноятчилар кўп эмас. Ўсмир улғайгани сайин, жинояти учун жиддий жазо мавжудлигини тўлароқ ҳис этади. Жиноятга яраша жазо тортажани билгач, у ўзини тия бормоғи лозим. Мангиқан олиб қаралса шундай. Аммо жиноят оламнинг ўзига тортиш қонуни бизнинг ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиқадиган мантиғимизга мос келавермайди. Мана бу рақамлар эҳтимол фикримизни тасдиқ этар, сиз ҳам диққат қилинг: биз ўрганган бир жойдаги жиноятчи ўсмирларни 100 фоиз деб олсак, шундан ўртача 8,2 фоизини 14 ёшлилар, 26,8 фоизини 15 ёшлилар, 30,2 фоизини 16 ёшлилар, 34,8 фоизини ташкил этди. Бошқа жойдаги тадқиқотда рақамларда фарқ бўлса-да, мазмун ўзгармади. Мана ўша натижа: 14 ёш — 2,2, 15 ёш — 10,2, 16 ёш — 35,9, 17 ёш — 51,7. Бу рақамларни келтиришимиздан мақсад, ўсмирларга нисбатан бўлажак эътиборимизни йил ўтган сайин сусайтирмасдан, балки кучайтириб боришимиз лозимлигини эслатиб қўймоқдир. Фарзандимиз 14-15 ёшлигида биз унинг юриш туришига кўпроқ аҳамият берамиз. Чунки унинг ўсмирлик оламига кириш чоғидаги хатти-ҳаракати, гап-сўзларидаги ўзгаришлар сезиларли бўлгани учун доимо диққат-эътиборимизда бўлади. Ўсмирлик олами чегарасидан ўтиб олгач, у ўзини анча босиб олгандай, назаримизда «ақли тўлишиб қолгандай» туюлади. Тўғри, ақлига ақл қўшилади. Аммо бу ёшда жиноят жари яқинидаги кўчадан узоқлашмаган бўлади. Эътиборимиз сусайдими, кимгадир эргашибми, кўрқибми ё бошқа сабабданми шу жарга қулаши эҳтимоли борки, бундан барчанинг фарзаңдини Оллоҳнинг ўзи асрасин!

Кимёда «катализатор» деган, «занжир реакция» деган тушунчалар бор.

Болалар ва ўсмирларга хос жиноятчилик катталарникидан кўп жиҳатлари билан фарқланади. Шулардан бири — кўплашиб олиб жиноят қилиш. Бола ёки ўсмир камдан кам ҳоллардагина ёлғиз ўзи жиноят қилади. Уларнинг табиатини кузатайлик: бола ёки ўсмир кўчада ёлғиз юрганида мўмингина бўлади. Агар биров жиғига тегса ҳам индамаслиги мумкин. Ёнида ўртоклари (айниқса қизлар) бўлишса-чи? Ўша мўминтой нақ шерга айланиб кетади. Болалар ва ўсмирлар бирлашиб қолишса ҳар қандай одобни унутадилар. Баланд овозда гапирадилар, арзимаган ҳазилга ҳам қаҳ-қаҳ отиб куладилар, қизларга гап отадилар, чекмайдиганлар айнан шундай даврада чека бошлайдилар. Булардан мақсад — атрофдагиларга ўзини кўрсатишга уриниш. Бундай ҳолларда алоҳида шахсга хос феъл-атвор бошқарув тизгинидан чиқиб, умум гуруҳга хос бўлган феъл-атворга бўйсунди. Одоби, хатти-ҳаракати билан бошқалардан ажралиб турувчи бола тўдага қўшилгач, ихтиёрсиз равишда ўзгаради. «Бошқалар қандай бўлишса, мен ҳам шундайман», деган ўйда бўлади. «Бошқалар томдан ташлашса сен ҳам ташлайсанми?» деган ҳақиқатдан йироқлашадилар.

Агар бошқа гуруҳ билан жанжал чиққудай бўлса, муштлашувни давранинг зўри эмас, нисбатан заифроғу аммо манманликда илғор бўлмиш бола бошлаб беради. Муштлашувда энгилик аниқроқ бўлиб қолса, айнан шундайлар биринчи бўлиб қочадилар. Муштлашув оғир жиноят, айтайлик, одам ўлдириш билан якун топса шу болалар ёлгон гувоҳликни бера бошлайдилар. Ким кимни қандай ургани, тепганини зийраклик билан кузатиб тургандай батафсил тасвирлаб берадилар. Терговчини чалғитувчилик

ҳам шу тоифадагилар бўлишади. Кўплашиб қилинган жиноятларнинг аксари тасодифий воқеадан бошланади. Бу онгли равишда, ҳуқуқчилар таъбири билан айтилса — қасддан амалга оширилган жиноятлар сирасига киритилмайди. Жиноятчиларга нисбатан енгилроқ жазо берилади. Агрофадагилар ҳам уларни жиноятчи сифатида танимай, уларнинг қилиқларини «ёшлик бевошлиги»га йўйишади. Уларга нисбатан қаттиқ талаб қўйилмаслиги бир томондан тўғри, бундай болаларнинг ўндан олти ёки еттиси эндиги қадамини ўйлаброқ босадиган бўлади. Шу сабабли бу тоифа болаларга жиноят оламининг фуқароси гувоҳномасини беришга шошилиш ярамайди. Булар бевошлик чегарасидан чиққан аммо жиноят кўчасига тўла кириб улгурмаганлардир. Уларга суднинг «қора курсиси»да ўтиришнинг ўзи кифоя қилади. Қамоқ жазоси берилмаса ҳам эсларини йиғиб оладилар. Ҳамонки болалар қамоқхонасини «ахлоқ тузатиш меҳнат колонияси» дейилар экан, адашганларнинг ахлоқини қамаймай туриб ҳам тузатса бўлади. Бироқ, бу ўринда масаланинг мушкул жиҳати ҳам бор.

Кинотеатрга мажбурлаб олиб келинган бир неча мактаб ўқувчиларининг орасида жой таллашиш оқибатида жанжал чиқади. (Шундай жойларга турли мактаб ўқувчиларини тўплаш тажрибасидан воз кечиш кераклигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бир бирларини танимаган ўсмирлар орасида жанжал чиқиши эҳтимолини бензин тўла идиш олдида гугурт қақишга қиёсласак бўлади) Агар турли мактаблардан турли гуруҳлар тўпланмаганида бола жой таллашиб ўтирмас эди. Бу ҳолатда у ўзининг ёлғиз эмаслигини билади, агар индамаса «қўрқоқ» деган ном олиши ҳам унга маълум, ўртоқлари ҳеч бўлмаганда «нега индамадинг, тумшугига туширмайсанми!» деб маломат қиладилар. Бу ёқда қизлар кулиб қараб туришибди... Хуллас, кинозадаги мушгашувни муаллимлар тезда тинчитишади. Кинотамоша тутагач, ўсмирларнинг тамошалари ташқарида давом этади. Энди бу ҳолатда «бирга бир чиқиш» деган гап йўқ. «Учга икки» ёки «еттига беш» ҳам йўқ. Жанжалнинг аввалида бўлган-бўлмаган болалар мушгашувни авж олади. Муаллималар болаларни бошқара олмай қоладилар. Шу жанжалда бир бола нобуд бўлади. Уни ҳеч ким қасддан ўлдирмаган, тасодифий тепкидан кейин жон берган. Мушгашувда иштирок этган болалар сўроқ қилинганда уларнинг тўқсон фоизи «жанжалга нимага аралашганимни ўзим ҳам билмайман», деб жавоб берганлар. Тергов жараёнида етти бола асосий айбдор сифатида аниқланди. Ана энди шу еттидан қайси бири адашган, эртага бу йўлга қадам босмайди, қайси бирининг эса тузалиши қийин — буни аниқлаш жуда қийин. Эҳтимол марҳумни тепган болани кўпроқ айбларсиз. Айнан шу бола жанжални бошламаган, урушаётганларни тамоша қилиб турганида бехос мушт еб, беихтиёр тепиб юборган бўлса-чи? Тергов ва суд жараёнида мактаб ва маҳалла томонидан ёзиб берилган тавсифномаларга эътибор берилади. Қамалиши эҳтимоли мавжуд ҳар бир боланинг руҳий олами, оилада ва мактабда ўзини тутиши, қизиқишлари эса алоҳида ўрганилмайди. Милиция тавсифномаларга, гувоҳларнинг кўрсатмаларига, сўроқ натижаларига асосланади, суд учун эса терговчининг хулосаси асосий манба бўлади. Бу ўриндаги бизнинг таклифимиз ажабланарли, ҳатто ақлга сизмас бўлиб кўриниши мумкин. Суд ёки терговчининг ҳар бир болани ўрганишга вақти йўқ, буни ҳимоячилар бажарсин, дейишингиз ҳам мумкин. Буни рад этмаймиз. Бироқ, ҳимоячининг шуғулланиши бошқа масала, ҳимоячининг фикрлари ҳамиша ҳам ҳақ гап сифатида инobatга олинавермайди. Иккинчи томондан биз жамиятимизнинг эртаси бўлиши ўсмирларнинг тақдирини ҳал этиямиз, шундай экан, бу муаммони адолатли равишда ечишда барча масъулдир.

Ачинарли жиҳати шундаки, ўсмирларга хос жиноят турлари ўрганилса, майхўрлик оқибатида қилинган жиноятларга ҳам дуч келинади. Янада ачинарлиси шуки, айримлар ҳали ўсмирлик оламига кирмасдан аввалроқ ароқхўрликни бошлаб борадилар. Биз уларга чекишнинг зарари ҳақида тушунтиришга уринаётган пайтимизда улар чекиш нима экан, ичкиликнинг қайфини тотишга улгурган бўладилар. Бунга фақат кўчанинги ёмон таъсирини сабаб қилиб кўрсатмаслик керак. Асосий сабабни ўзимиздан, баодоб, тарбияли ҳисобланмиш одамлардан ҳам излаб кўрайлик. Тўйларда, турли зиёфатларда дастурхонни ароғу коньяклар билан тўлдирувчи ким? Кўча безорилари эмасдир, а? Болаларнинг кўз олдида ичувчи, маст-аласт ҳолда алжировчи, беҳаё қилиқлар қилувчилар-чи? Бу бемазагарчиликларни норасидалар кузатиб тургани ҳеч ўйлаб кўрилади-ми? Катталардан қолганини тагиб кўришлари-чи? Ўсмирлар майхўрликка кўпроқ шундай жойлардан кириб келадилар.

«Бадмаст улфат — даврага кулфат», деб бежиз айтмаганлар. Ўсмирлар жиноят қилган пайтларда кўпинча бадмаст бўладилар. Мастлик чоғида, ҳатто катталар ҳам ўзларини бошқара олмаганларидан кейин ҳали жисмонан етилмаган ўсмирнинг аҳволини гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Маълумотларга кўра, ўсмирлар оламидаги жиноятнинг 70 фоизи айнан шу бадмастлик оқибати экан. Қотил ўсмирларнинг ярмидан кўпроғи жиноят қилаётганларида маст бўладилар.

Бир хонадон соҳиби бадмастликни касб қилиб олган. Кун йўқ-ки, ичмаса. Топга-

нини совуради. Кўп ҳолларда ҳамшишаларини бошлаб келиб уйда маишат қилади. Хотини ортқиқча бир сўз айтиб юборса, дўппослайди. Д. исмли бола ана шундай шароитда улгайди. Бунақа шароитда иккидан бири бўлади: биринчи бўлимда қисман айтганимиздай, ичкиликка, зўравонликка қарши куч уйғониши ва ўзи ичмай, ичганлардан ҳазар қиладиган, аёлларни ўзи урмай, урганлардан нафратланадиган тарзда яшاشи мумкин. Афсуски, бунақаси камроқ учрайди. Иккинчи йўл — «ота ўғил» сифатида шу ярамас йўлдан юриши. Д. шундай тоифадан эди. Отасининг маишатида кейин шишаларда қолган ичимликларни ичиб, майхўрликни ўрганди. Сўкиб гапиришни одат қилди. (Ширинсўзликни унга ким ўргатсин?) Кунлардан бир кун ширакайф ҳолатда уйга қайтиб, яна эр-хотин жанжалига гувоҳ бўлди. Отаси одати бўйича муштини, тепкиларини ишга солганида уни тинчитишга уринди. Бадмаст ота энди ўғилга ёпишди. Д. отасига нисбатан нимжонроқ эди. Унга кучи етмади. Оқибат ошхонадаги пичоқни олиб чиқиб, отасининг қорнига санчди. Қотиллик қасдан қилинмади. Айтгарсизки, Д. ўзини ҳимоя қилди, уни жазоламаслик лозим. Бу ҳолатда ота ўғлини ўлдириш қасдида бўлмаган, Д. ўзини ҳимоя қилиш учун пичоқ кўтармаган. У маст бўлгани, ғазабини жиловлай олмагани учун отасини ўлдирган. Эҳтимол пичоққа югурганда отасини қўрқитмоқчи бўлгандир, «отам пичоқни кўриб шаштидан тушар», деб ўйлагандир. Агар маст бўлмаганида шундай пўписа билан чекланарди. Бироқ, мастлик унинг ҳушини ўғирлаган, у ўзини бошқара олиш қувватидан маҳрум этган эди. Отани ўлдирганларни «падаркуш» дейдилар. Бу ҳолатда Д.ни шундай аташ мумкинми? Қисман мумкин. Агар ота майхўр эмас, онгли баодоб бўлганида эди, жанжални Д. бошлаб, уни ўлдирганида эди, «падаркуш» деб атасак ярашарди. Ота ўғилдан ўлим топмоқликка ўзи ҳаридор бўлди, бу ўлимини ўзи арзонгаровга сотиб олди. У-ку, ўлиб кетди, бундайларнинг боридан йўғи яхши, дейдилар. Бироқ, зурриёдиннинг ҳаётини ҳам заҳарлаб кетди.

Россияда, Янги йил куни ташвишли воқеа юз берибди. Бир киши Қорбобо кийимида кўчага чиққан экан. Ярим кечада 15-16 ёшлардаги уч ўғил ва уч қиз болага дуч келибди. Ўсмирлар ҳаммаси бадмаст, кўчани бошга кўтариб шовқин солганлари учун Қорбобо «Кеч бўлиб қолди, уйларингга боринглар», дейди-ю, балага қолади. Аввал ўғил болалар, сўнг қизлар унга ташланишиб, тепкилаб ўлдирадилар. Жиноятга аралашган қиз болаларни атайин таъкид этдик. Афсусланмасдан иложимиз йўқ-ки, йигирманчи асрда тарқаган ваболардан бири — айнан ёш қизлар орасида майхўрликнинг кўпайиб боришидир. Европада 14-15 ёшли қизларнинг бадмастликка майл қўйишлари ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида қарийб икки мартага ошган. Агар аввалроқ қизларнинг майхўрлиги асосан 15 ёшдан кейин кузатилаган бўлса, майхўр қизлар анча ёшаришди — 13-14 ёшлардаги қизлар ҳам милиция назоратига ўтишди. Гиёҳвандликнинг жиноятни туғдириши ҳақида бутун дунё ташвишланиб гапиряпти. Ўсмирларнинг бу балага тортилиши чиңдан ҳам ҳар қандай жамият учун бир офатдир. Хумор тутиб, талвасага тушган (кома) пайтида гиёҳванд бир неча грам қора дори эвазига ўз насини ўлдиришдан ҳам тоймайди.

(Биз жиноятчилар ҳақида гапирганимизда «ўсмир» деб асосан ўғил болаларни назарда тутяпмиз. Бунга сабаб жиноятчиларнинг ўндан тўққиз қисмини ўғил болалар ўндан бир қисминигина қизлар ташкил этади. Авваллари қизларнинг асосий қисми чайқовчиликка ёки ўғрилиги учун қамаларди. Ҳозир жиноят турлари ўзгарди. Энди «чайқовчилик» деб аталмиш жиноят тури йўқ. Олди-сотди эркин тарзда. Ҳозир қизлар ўғирлиги ёки ўғриларга шериклиги, товламачилиги, гиёҳвандлиги ёки гиёҳванд моддаларни сотиш билан шуғулланганлиги каби жиноятлари учун озодликдан маҳрум этиладилар. Улар орасида оғир жиноятлар жуда кам, йўқ даражада десак ҳам бўлади.)

Жиноятчилар орасида руҳий хасталар ҳам учрайди. Улар қамалмайдилар, махсус муассасаларда даволанадилар. Майхўр ва гиёҳванд жиноят қилаётган пайтида руҳий хастадан фарқланмайди. Аммо руҳий хасталарнинг касалиги табиатдан, майхўр ва гиёҳвандлар эса ўзларини ўзлари мажбурлаб шу ҳолга олиб келадилар.

Ўсмирларнинг руҳий ҳолатини тиббий кўриқдан ўтказиш анча мушкул масала. Агар бирон ота-онага «фарзандингизни психиатр кўриқдан ўтказинг», десангиз улар «нима, менинг болам жинни эканми?» деб ранжишлари табиий. Ўсмирлик оламига ўтаётган боладаги биологик ўзгаришларни айтган эдик. Рухдаги ўзгаришлар ҳам ана шунинг натижаси ўлароқ юзага келади. Тиббий тилда буни «руҳнинг парчаланиши» деб номлайдилар. Бир мактаб ўқувчисининг юриш-туриши, гап сўзларида ўзгариш сезилади. У дугоналарига ҳам, муаллимларига, ҳатто ота-оналарига ҳам кўполлик қила бошлайди. Ўқиш ҳақида ўйламай кўяди. Тиббий соҳадан бир оз билими бўлган муаллима қизнинг ота-онасига уни психиатр врачга кўрсатишни тавсия қилганида аввал балага қолай дейди. Қизнинг феъл-атвори ёмон томонга қараб ўзгариб боравергач, ота-она ноилж врачга учрайдилар. Тажрибали психиатр ўсмир қиздаги ўзгаришнинг сабабини аниқлади. Маълум бўлишича, қизчанинг ошқозон ва ичагида хасталик юз оча

бошлаган. Бунинг оқибатида у жинсий жиҳатдан балофатга етиш бобида дутоналаридан орда қолган. Ўғил бола ҳам, қиз бола ҳам бунақа пайтда руҳан тушқунликка тушади. Улардаги руҳнинг парчалана бошлашига ички касаллик ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, оиладаги бобоп ҳолатлар, яъни эр-хотин жанжаллари, эрнинг хотинни дўшпослаши каби воқеалар ҳам бола руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Боланинг руҳиятида ўзгариш бўлди, деган гап врач томонидан дарров жиннихонага ётқизилади, дегани эмас. Психиатрдан ташқари руҳшунос (психолог) деган мутахассислар ҳам бор. Кўпгина ўсмирларга айнан уларнинг ёрдамлари зарур бўлади. Афсуски, ота-оналар уларга ҳам кам муурожаат қиладилар. Кунлари фолбинларга югуриш билан ўтиб, вақтни бой берадилар.

К. исми бола ҳам ота-онанинг безътиборлиги оқибатида жиноят кўчасига беихтиёр кирди. Буни илмийроқ таъбирда: «ихтиёрида бўлмаган, бошқаришга қурби етмаган руҳий куч таъсирида жиноят қилди», десак ҳам бўлади. К. болалик чоғидаёқ ақлан заифлиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Ҳозир ўқишни эплай олмаган болалар синфда қолдирилмайди. Ҳар қандай шароитда ҳам унга «уч» баҳо қўйиб бўлса-да, синфдан синфга ўтказадилар. Илгари бундай эмасди. Бир синфда икки, ҳатто уч йил ўқийдиганлар учрарди. Уларнинг акаси дангасалиги учун эмас, ақлан заифлиги учун дарсларни ўзлаштира олишмасди. Ота-она ва ўқитувчилар эса уни зўр бериб яхши ўқувчига айлантиришга уринаверишарди. Ҳозир бешинчи-олтинчи синфга қадар ҳам муаллимлар бундай болаларни чидам билан ўқитаверадилар. Тасаввур қилинг: ҳарф таний олмаган бола олтинчи синфда ўқиса?! К. ҳам шундай эди. Муаллимлар унинг ақлан заифлигини сезишарди, ота-онасига тушунтиришга ҳаракат қилишарди, бироқ, улар «менинг боламни жиннига чиқаряпсанларми?» деб жанжал кўтаришарди. Улар, ҳатто алоҳида муаллимлар ёллаб К.ни қўшимча равишда ўқитишди. Фойда бўлмади. Улар «душманларимиз боламизни дуо билан боғлаб ташлашган», деб фолбину домлалардан мўъжиза кутишди. Тўғри, К. жинни эмас эди. У фақат атроф муҳитни ақлан танишда ғоят суст эди. Кўрганини таҳлил этиш, хулоса чиқариш қобилиятидан маҳрум эди. Шу боис бирон нотўғри иш қилаётганини ўзи англаб етолмасди. К. ота-оналарининг истаги билан сақинчи синфни битирди. Сўнг уни ишга жойлашди. К. дастёрликни ҳам эплаб бажаролмасди. У ёши каттароқ ишчилар учун эрмак эди. Уни масхаралаб кулардилар. Баъзан масхара бўлаётганини англаб аччиқланарди. Баъзан эса одамларнинг нима сабабдан кулаётганларини билолмай ажабланарди.

Матбуотда бир жиноят тафсилотини ўқиб қолдим. Унда бир йигитчанинг ўз келинойисини ўлдириши тафсилоти берилган. Қотил жиноят содир бўлишидан анча аввал бошидан жараҳатланган экан. Шундан кейин бош оғриғидан шикоят қилиб юраверган. Суд жараёнида у тиббий текширувдан ўтганда руҳий касаллик йўқ, деб хулоса беришган. Уларнинг таъкидлашларича, қотил келинойисини дазмол билан уришдан олдин уни электр токидан узган, мурданинг устидан қайнаб турган шўрвани қуйишдан аввал газни ўчирган, уйдан чиқишда эшикни қулфлаган. Тиббий таҳлил буни эси соғликнинг белгиси, деб белгиланган. Биз бу борада улар билан баҳслашмай-миз, қотилни кўрмаганмиз, у билан суҳбатлашмаганмиз. Лекин бошининг жараҳатланиши туфайли хасталиқдан нолиб юриши бежиз бўлмагандир. Кеннойиси билан жанжални бошлаганида эҳтимол, эси соғ бўлгандир. Аммо асабийлаша бошлагач, ундаги руҳнинг парчаланиши тезлашган, нима қилаётганини ўзи ҳам билмай қолган бўлиши ҳам мумкин. Чунки онги хиралашмаган ҳолатида келинойисини дазмол билан ура бошласа, унинг жони чиққанини кўргач, қўрқув талвасасига тушади. Мурданинг устига қайнаб турган шўрвани ағдариши унинг айни ўша онларда хасталикка банди бўлганини билдирмасмикин? Бундай хасталик доимий давом этмайди. Буни халқда «жиннилиги (ёки касаллиги) тутиб қолди», деб ҳам атайдилар. Қотил билан келинойи орасидаги жанжални келтириб чиқарган яна бир омил бўлиши мумкинки, бу ҳақда яна бир жиноят тафсилотини баён қилгач, фикрлашамиз.

Биз қайнона-келин муносабатлари ҳақида кўп гапирамиз. Аммо қайни (ёки қайнона) — келин орасидаги муносабат эътиборимиздан четда қолади. Агар қайни ёш бола бўлса кеннойиси уни ўз укасидай кўриб, меҳрибонлик қилади. Ёш қайни ҳам кеннойисини ўз опасини яхши кўргандай иззат қилади. Лекин ўсмирлик оламига кирган қайнида ўзгача ҳис уйғониши эҳтимоли ҳам бор. Буни «орада шайтон бор» дейдилар. Тиббий тилда айтилса, ўртада хирс деган жиловланмас туйғу бор. Ака ва ука йигирма йилнинг нари-берисида ҳамиша бирга бўладилар. Ҳатто бир хонада ётиб-турадилар. Ака уйлангач, ука ёлғиз қолади. Кеч тушганда келин-куёвнинг ётоқларига кириб кетишлари ўсмир руҳига сезиларли таъсир этади. У туни билан тўлғониб, ухламай чиқиши ҳам мумкин. Бунақа пайтда унинг онгини хирс заҳарлай бошлайди ёки акасидан айириб қўйгани учун келинойисидан нафратланади. Бошқача айтсак, ўзига хос рашк пайдо бўлади.

Дам олиш кунни ака укасига пул бериб, пиво оддириб келади. Аканинг меҳрибон-

лиги тутиб, укасини ҳам пиво билан сийлайди. Сухбатлашиб ўтириб гап кеннойисига бориб тақалганда ука «хотинингни ҳайдаб юбор, оймни ҳурмат қилмайди.» дейди. Маълумингизким, хонадонда қайнона-келин орасида жанжал чиқса, қайни ҳамиша келинойисига қарши туради. Онасининг ноҳақлигини билиб турса ҳам, унинг ёнини олади. Пиводан сархуш уканинг талабига фақат онага бўлган беҳурматлик сабаб эмасди. Асосий сабаб — юқорида зикр этганимиз руҳий ҳолат эди. Аммо бу ички сирнинг ҳеч замон сиртта чиқарилмаслиги ҳам маълум нарса. Хуллас, ака-ука орасида жанжал бошланиб, ука паншахани акасининг кўксига санчади. Жиноят содир бўлгандан кейингина ота-она «боламда руҳий касал бўлса керак, бўлмаса акасини ўлдирарми», деб даъво қилишади. Биз барча қайнилар келинойисига нисбатан шундай муносабатдалар, деган даъводан йироқмиз. Бирок, ота-оналар бу масалага эътиборсиз қарамаганлари маъқул, деб ҳисоблаймиз. Айниқса йигитчаларнинг келинойилари билан бир уйда ёлғиз қолишларига йўл қўйилмагани маъқул. Чунки орада ўсмир руҳини осонгина парчалашга қодир шайтон алайҳилаъна бор...

Шаҳардаги жиноят билан қишлоқдагисини айри-айри ҳолда таҳлил этмоқлик талаб қилинади. Шаҳарда ўсмирнинг жиноят кўчасига кириши осонроқ. Шаҳарда жиноят қилиш учун ҳам, унинг изини ёпиш учун ҳам шароит қишлоқдагидан яхшироқ. Шаҳарда ўсмирнинг назоратсиз бўш вақти кўп, қишлоқдаги ўсмир бу имкониятдан маҳрум. Шаҳарда кўча «зўр»лари, нашаванд, гиёҳванд тўдалари етарли. Ўсмир баъзан ўзи истаб, интилиб, баъзан беихтиёр равишда уларга қўшилади. Қишлоқда бу имконият ҳам чекланган. Шу каби сабаблар туфайли шаҳарда жиноятчилик қишлоқдагидан кўра кўпроқ. Жиноят турларида ҳам сезиларли фарқ мавжуд. Қотиллик, номусга тегиш, қатта миқдордаги ўғирлик ёки босқинчилик қишлоқда камроқ учрайди. Қамалиб чиққан ёки бўйсунмас ўсмирни қишлоқда назорат қилиш осонроқ. Кўпчиликнинг назорати остидаги ўсмирни жиноят кўчасининг остонасида ушлаб қолиш имконияти мавжуд.

Аввалдан пухта ўйланган, режаланган жиноятлар ҳам қишлоқда камроқ учрайди. Бу ердаги жиноятларнинг кўпи тасодиф туфайли бўлиши мумкин ёки катталар томонидан уюштирилади. Тошкент яқинидаги шаҳарчада икки ўсмир телефон кабелини кавлаб ўғирлаётганда қўлга тушишади. Уларни катталар ишга солгани шубҳасиздир. Улар оддий нарсани — кабелнинг бир ери кесилса ўша заҳоти кузатувчиларга сигнал берилиб, маълум бўлишини билмаганлар. Шунингдек, давлатга тўрт миллион сўм (тўрт минг доллар атрофида) зарар келтирганларини хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Бу ишга даъват қилган катталар уларга ўн доллар ваъда қилганлар. Ўсмирлар кабелдаги мис ва қўрошин қопламалар эритилиб, сотилишидан ҳам беҳабар бўлганлар. Назоратчилар етиб келишганда ўсмирлардан бири қочган, қўлга тушгани эса «кабелини бир ўзим олятувдим», деб туриб олган. «Нима учун белкурак иккита эди?» деган саволдан кейингина шеригини айтган. Шунда ҳам иш буюрувчиларнинг кимлигини айтишмаган. «Бозорда кўрувдик, танимаймиз», деб туриб олишган. Катталар ўн доллар ваъда қилишганда ишнинг бу томонини пишиқлаб қўйишгани аниқ. Ўсмирларнинг ота-оналари учун бу жиноят арзimas гапдай туолган. Кабелини кавлабди, кесибди... Шунга шунчами? Болаликда бунақа бевошлик бўлиб туради-да. Моддий зарардан ташқари агар ўша алоқа вазираси мудофаа аҳамиятига эга бўлса-чи? Ёки касалхоналар маълум муддат алоқасиз қолган бўлишса-чи? Шу туфайли беморга вақтида ёрдам берилмасачи? Ота-она буларни ўйламайди. Улар биринчи галда болаларини қамоқ жазосидан қутқариб қолмоқ ташвишида бўладилар. Милициядагиларни кўндиришгач, улар меҳрибонлик қилиб болаларни қутқариш «йўли»ни ўргатадилар. Даъво қилувчи ташкилот, яъни алоқа идораси «даъвоимиз йўқ», деб ариза берса, болаларни қўйиб юборамиз», дейишади. Шубҳасиз ота-она шу идора раҳбарига учрайдилар, аввалига ялинадилар, сўнг «Сенда виждон борми, болаларни жувонмарг қиласанми!» деб койишади, айблашади. Қаранг, ота-она жиноят қилган боласини эмас, жабр кўрган идорани айблапти. Айтайлик, алоқа идораси даъвосидан воз кечиб, моддий зарарни давлат ҳисобидан қоплади. Яъни таъмир ишлари давлат ҳисобидан бўлди. Болалар озод этилди. Эҳтимол улар бу ишга бошқа қўл уришмас. Лекин ишбоши катталар бошқаларни даъват этмайдиларми? Бошқалар «қўлга тушсак барибир қамалмас эканмиз», деб ишга киришмайдиларми?

Ўсмир ҳали бола ёшидаёқ ўзини бошқалар билан таққослайди. Ҳам ҳусини, ҳам кийим-бошини, ҳам оила ва мактабдаги мавқеини солиштиради. Бу дегани унинг қалбида рашк, ўзининг омадсизлигидан норизолик уйғона бошлайди. Бу илат кейинчалик бошқа бир илатни уйғотади уни ўч олишга ундайди. Ўч олиш аввал кичик доирада бўлади. Масалан, ўсмирнинг кўнгли қўйган қизини бошқа бир — бойроқ ёки чиройлироқ ёки эътиборлироқ бола ўзига қаратиб олса унинг адабини бериб қўйиш чорасини излайди. Агар жисмоний жиҳатдан кучи етмаса турли пасткашликлардан: чақимчилик, тухмат, бирон буюмига яширинчи шикаст етказишлардан ҳам қайтмайди.

Бир кўчада яшовчи бадавлатроқ хонадоннинг кўчада қолдирган автомашинасини кимдир миҳ билан чизиб ташлайди. Бу воқеа такрорлангач, айбдорни пойлаб, ушлашади. Маълум бўлишича, шу хонадон фарзандининг синфдоши ўч олиш мақсадида шундай қилар экан. Майда ўч олишлар шу билан тугай қолса кошки эди. Бу норозилик бола улайгани сайин куч тўплай боради. Энди улар алоҳида шахсан эмас, жамиятдан ўч олишни режа қиладилар. Уларни жиноят оламига айнан шу иллат бошлаб киради.

Ана шундай омадсизлардан бири ўзига хос тўда тўплайди. Унинг ўзи ўқишни яхши кўрса-да, олий ўқув юртига киролмаган, болалик орзулари хазонга айланган. Ёнига олган шериклари ҳам шундай: бирининг спортда, бошқасининг муסיқада, яна бирининг тижоратда омади юришмаган. Улар ўзларини ҳаётда адолатсиз равишда жабр кўрган ҳисоблаб, омадсизларни жазолашга ўтганлар. Жазолаганда аёвсиз, шавқатсиз бўлганлар. Ҳам талаганлар, ҳам ўлдирганлар. Улар қўлга олинганларида маълум бўлишича, тўдабоши ичмас, чекмас, аёллар билан маишат қилмас экан. Топилган пулнинг оз қисми билан қаноат қиларкан. Ҳолбуки талончи ва босқинчи тўдаларнинг асосий мақсадлари — бойиш ва маишат қилишдан иборат. Тўдабошида бундай истак йўқ экан. Унинг нияти — фақат ўч бўлган.

Ўтган асрнинг охирроғида Россияда содир бўлган жиноятлар шодаси барчани ўйлаб кўришга даъват этади. Ундан зиёд қиз-жувонни зўрлаб, кейин ўлдириб, сўнг эса гўштидан чучвара тутиб еган одамхўрнинг жиноят йўлини ҳам ўч-қасос олиш истаги белгиланган. Унинг онаси суюқоёқ бўлган экан. Она уйга эркакларни бошлаб келганида у турли баҳоналар билан кўчага чиқариб юборилган. Айнан шу ҳолатларда унда аввало аёл зотиға нафрат, сўнг эса жамиятдан ўч олиш ҳисси уйғонган. Катта бўлгач эса у болаликдаги хаёлларини амалга оширишга киришган.

Жамият томонидан берилувчи жазо масаласини дунё мамлакатлари ўзларига хос тарзда ечадилар. Масалан, Францияда 18 ёшга тўлмаганлар қамоққа олинмас экан. Биз ўқувчи болаларни мактабнинг ўзида жазолаш (Муаллимлар томонидан уриш) тарбияга тўғри келмайди, деб ҳисоблаймиз. Ўтмишда қўлланилган бу усулни қоралаймиз. Американинг 13 штатида эса бу масалага ўзгача қарашади. Бу штатларда қабул қилинган қонунга кўра мактаб муаллимлари бевош болаларни жазолаш ҳуқуқиға эгалар. Бизда эса буйсунмас болаларга «колонияға бериб юбораман», деб дўқ урилади. Бундай дўқдан чўчиб яхшилик томон бурилган болани ҳали ҳеч ким учратмаган бўлса керак. Бола безор қилавергач, мактаб маъмурияти уни милиция назоратига топширади. Аммо бу ҳам етарли самара беролмайди. Чунки болани рўйхатта олган милиция нозири унинг ҳар бир қадамини доимий равишда кузата олмайди, бу — бирламчи. Болани тарбиялаш билан мутлақо шуғулланмайди, фақат назорат қилиш билан чекланади бу — иккиламчи.

Англияда полиция бола феъл-атворини ўрганишни боғчадан бошлар экан. Боғчада ўйинчоқларни зўравонлик билан тортиб олувчи, ўртоқларини бераҳмлиқ билан урувчи, ёки чақимчилик қилувчи ва шунга ўхшаш ёмон иллатларга мойил болалар рўйхатга олиниб, кузатиб бориларкан. Эҳтимол бу тўғри усулдир, ўртоқларини бераҳмлиқ билан урувчи бола агар тўғри тарбия қилинмаса келажакда қотилиқдан тоймас бўлиб чиқар. Кези келганда биздаги болаларни назорат қилувчи милиция нозирлари ҳақидаги фикримизни баён қилсак: милициянинг назорат рўйхатиға тушди, дегани болаларни ёмонликдан оз бўлса-да, тўхтатиб туришини тан олмоқ керак. Аммо бу ўринда «қаңдай одам милиция назоратчиси бўла олади?» деган муаммо ҳам мавжуд. Аввалги бўлимда тўғрақларнинг раҳбарлари биринчи галда тарбиячи бўлмоқликлари лозим, деган фикрни билдирган эдик. Шунга кўра милиция назоратчиларининг тарбиячи мартабасида бўлишлари воят зарурдир. Ўсмирга дўқ уриб «нима қилиб юрибсан, ишляпсанми ё ўқияпсанми, бекор лақиллаб юрсанг қаматиб юбораман», деган билан иш битмайди. Милиция нозири ўсмирлар боши узра қамчи ўйнатувчи эмас, яқин, ишончи, маслаҳатгўй дўст мақомиға етмас экан, унинг хизматидан наф кам. У адашган ўсмирга бевошлиқ кўчасидан чиқиб кетиш йўлини кўрсата оладими? Ечими мушкул масала айнан шу ерда.

Ўсмирларнинг жиноят кўчасига кирувлари жамиятнинг оғриқ хасталиқларидан биридир. Советлар даврида буни капитализмға хос иллат деб таърифлашарди. Совет жамиятида ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг ошиб боришини тан олгилари келмай, кўп маълумотларни яширишарди, ёки камайтириб кўрсатишарди. Оқибат шу бўлди-ки, касални яширганлари билан иситмаси ошкор қилди. Шунда ҳам даврнинг ва ўша жамиятнинг олимлари бу ҳолни «капитализмнинг ўсмирлар ва ёшлар онгига зарарли таъсири», деб баҳоладилар. Уларнинг даъволарича, капитал дунёси мафкуриси ва гоёси тинимсиз равишда, турли воситалар ёрдамида ўсмир ва ёшлар онгини заҳарлашға уринар экан. Ўша даврда бу ҳусусда эълон қилинган мақолаларнинг бирида фикрларининг исботи тариқасида айтилишича, «Америка овози» радиостанцияси турли каналлар орқали 37 тилда, умумий ҳисобда кунига 80 соат радиоэшиттиришлари бераркан. Шундан 56 соати СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар аҳолиси учун экан. Яна

капиталистларнинг «Тайм», «Лук», «Лайф» каби журналлари ҳам бор экан-ки, булар ҳам буржуа тарғиботига хизмат қиларкан. Ҳақиқати шу эдики: нима яхши бўлса — совет турмуш тарзи, нима ёмон бўлса буржуа мафкурасининг таъсири. Гоялар ва мафкуралар кураши мавжудлиги аниқ, буни инкор этиб бўлмайди. Иқтисодий манфаат мавжуд экан, бундай кураш ва зиддият турли мамлакатлар орасида сақланиб қолаверади. Ўтмиш мафкурачиларининг даъволари асоссиз эканини англаш учун ўртага бир савол қўйиш лозим бўлади: ўсмирлар ва ёшлар орасида жиноятчилик кўпайиб бораётганига буржуа мафкурасининг зарарли таъсири сабаб экан. Дуруст, у ҳолда жиноят туфайли қамалганлардан сўраш жоизмикин, улар «Америка овози»ни эшитганмикинлар, «Тайм» ва бошқа журналларни ўқиганмикинлар? Совет мафкурачилари қоралаган мафкура воситалари асосан сиёсий йўналишда кураш олиб борардилар. Уларда совет турмуш тарзининг ярамас томонлари фош этиларди. Ўғирликка, қизларнинг номусига тегишга, одам ўлдиришга, порахўрликка, талончиликка... тарғиб қилинмас эди-ку? Ундан ташқари «Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси» деган нарсалар мавжуд эди-ку? Наҳот советча тарғибот буржуача даъват олдида ожиз бўлиб қолган бўлса? У замонларда булар ҳақида ўйланмас эди, ҳамма айбдорларни четдан қидириш билан машғул эди. Улуғимиз Абдулҳамид Чўлпон айтмоқчи:

**«Дерларки: «Ойларнинг нурида вафо йўқ!»
Демаслар уларки: «Айб бизга, биз бузук!»**

Совет замонасини эслашдан муддао шулки, бутун бизнинг жамиятимизда рўй бераётган жиноятчилик ўша ўтмишдан ўтиб келган ярамас меросдир. Совет тузуми даврида патос боғлаган яра энди ҳам жамиятга азоб бермоқда. Энди замон бошқа, касални яширишга уриниш эмас, уни даволашга ҳаракат қилиш замонидир. Содир этилган жиноятларни таҳлил этишдан мақсад ҳам шу — буларнинг такрорланмоғига йўл қўймаслик чораларини излаш.

Ким милиция нозири бўла олади? Бизда бу касбга тайёрлайдиган махсус ўқув даргоҳи йўқ. Баъзан олий ўқув юртини битириб, милицияда ишлашга хоҳиш билдирганларни шу хизматга қўядилар. Бу хизматдаги одам, айтилик, олий маълумотли педагогдир. Болалар руҳияти бўйича маълум билимга эгадир. Лекин бу ўринда махсус билим талаб қилинади. Милициянинг болалар билан ишлаш бўлимига бошқа бўлимларда ишни қойил қилолмаган ёки бир айб билан назардан қолганлар ҳам ўтказилади. Айтмоқчимизки, болалар билан ишлаш бўлими милицияда энг мартабаси паст бўлим ҳисобланади. Жиноятчиликка қарши курашда яхши натижага эришилсин, десак, милициядаги бу муносабатни ўзгартириш керак.

Синфдаги бир ўғирлик туфайли милициянинг назорат рўйхатига тушган боланинг бошида бало булут чакчи туради. Шу маҳаллада ёки ён-атрофда бирон уйни ўғри урса, жиноятга доир қидирув бўлими нозири болалар билан ишлаш бўйича ҳамкасбига мурожаат қилади ва ишни шу рўйхатда туруви болани исканжага олишдан бошлайди. Унинг учун энг муҳими — бола ўғрилиги учун рўйхатда туради. «Бола болалик қилиб, шўхлик ёки тушунмовчилик важҳидан ўртоғининг нарсасини ўғирлабди. Ўғирлик кўчасига бутунлай кириш ҳаёлида йўқдир», деб мулоҳаза қилмайди. Аввало ўша болани яхшилик билан сўроқ қилади. «Агар ўзинг бўйинингга олсанг, шерикларингни айтиб берсанг қўйиб юбораман», дейди. Кейин исканжага олади. Ана энди тухматга учраган ўсмирнинг руҳий ҳолатини тасаввур этинг-да, рисоламизнинг аввалида баён қилганимиз тухмат юкига чидолмай ўғирликни касб этган одамни эсланг.

Фарғонанинг қишлоқларидан биридаги биродаримизни йўқлаб бордик. Ниятимиз дарров қайтиш бўлгани учун машина ойнақларини очик қолдирдик. Тахминан ярим соатлардан кейин чиқиб қарасак, бутюларимиз йўқ. Мезбон хижолат бўлиб, милицияга кўнғироқ қилди. Дам ўтмай кўчада онанинг фигони эшитилди: «Менинг болам ўғри эмас, нега уни қийнайсишлар. Унинг жигари касал...» Ташқарига чиққан эдик, она бизни айблади. Билсак, милиция ўғирлик ҳақида хабар топиши билан шу кўчада истиқомат қилувчи, назоратдаги ўсмирни ушлаб олиб кетибди. Улар гумон уйғонмасдан олдин сўраб-суриштиришмаган, ҳатто ўйлаб ҳам кўришмаган. Онанинг «болам уйда, ёнимдан жилгани йўқ», деган ноласига ҳам эътибор беришмаган. Ўғри, ота ёки она боласининг айбини яшириш учун ҳам кўп ҳолларда ёлгон гувоҳлик берадилар. Шунинг учунми, милиция уларга эътибор бермай қўйган. Лекин гумондаги ўсмирни дарров тергов қамоқхонасига киритиб қўйилишини маъқуллашимиз қийин. Биз «ўғирлик масаласида даъвоимиз йўқ, буюм топилди», деб тилхат берганимиздан сўнг ўсмирни озод қилишди. Кейинроқ ўғрининг бошқа одам экани маълум бўлди. Агар даъводан воз кечилмаганида ким билади, бу бегуноҳ ўсмирни нималар кутарди.

Яна бир воқеанинг баёнига ўтишдан олдин изоҳ беришни лозим топамиз. Рисоламиздан ўрин оладиган жиноятга доир воқеалар айрим маъмурларнинг гашига тегма-

син, исбот даъво этмасинлар, деган ниятда бу воқеаларнинг бошқа мамлакатларда рўй берганини айтиб, бизларда ҳам учраши мумкинлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Мақсадимиз кимнидир айблаш эмас, балки шу воқеаларни таҳлил қилиб, фикрлашдир.

Энди гап бегуноҳ равишда икки ой қамоқда ўтирган ўн олти ёшли йигитчанинг тақдири ҳақида боради. Мактабдан чиқиб келаётган Эшматнинг қимматбаҳо кийимини кимдир йўлда ечиб олади. Бу ҳақда Эшматнинг онаси милицияга арз қилади. Арзида Тошматдан гумони борлигини айтади. Маълум бўлишича, шу мактабда ўқийдиган Тошмат унинг ўғлини бир-икки урган экан. Болалар бир-бирлари билан арзимаган нарса учун ҳам тез-тез муштлашадилар. Кўп ўтмай яна қадрдонлашиб кетадилару бу ҳаракатларнинг вақти келса айб сифатида тақалишини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Эшмат манманлиги, бойлигига керилиб, бошқаларни ҳақорат қилгани учун Тошмат унинг эсини жойига келтириб қўйиш учун урган, кийимини ечиб олиш ҳаёлига ҳам келмаган эди.

Тошматнинг онаси Мавлудага синф раҳбари кўнғироқ қилиб, мактабга тез етиб келиши шартлигини билдиради. «Милиция ходимлари ўғлингиз билан гаплашишмоқчи, Тошмат бир-икки масалада гувоҳлик бериши керак», дейди. Ўша куни Тошматнинг иситмаси баланд, уйда ётган эди. Онасининг бу важи қабул этилмай, иш шошқич экани таъкидланди. Мавлуда ўғли билан мактабга келди-ю, милиция вақилининг биринчи сўзлариданоқ гап гувоҳлик ҳақида эмаслигини англади.

— Ўғирликни бўйнингга олсанг, ўзинга осон бўлади, ҳозироқ қўйиб юбораман. Агар тонсанг, жабрланувчи билан юзма-юз қиламан, у сени албатта танийди. Шеригинг ҳам сени кўрсатади.

Тошматнинг тан олмаслиги милиция учун ҳақиқатни англамас эди. У қоидага мувофиқ, жабрланувчи билан юзма-юз қилинди. Бир неча болалар орасидаги Тошматни «Мана шу», деб кўрсатди. Кўча болалари орасида эътибори бўлган «Бўри» лақабли ўсмир ўғирликни бўйнига олиб, шериги сифатида Тошматни кўрсатди. «Бўри»нинг ўғирлагани рост, аммо шериги Тошмат эмас, балки 19 ёшли йигит эди. Агар бу исботини топса, аввал ҳам судланган бу йигит қаттиқ жазо олмоғи мумкин бўларди. «Бўри» уни ҳимоя қилиш мақсадида Тошматни кўрсатди. Эшматни эса «Тошматдан даъво қилмасанг — ўласан», деган маънода кўрқитди. Албатта, буни милиция ходими билмас эди ва Тошматнинг ўжарлиги уни ғазабга соларди. У Мавлудага ҳам бир неча марта мурожаат қилиб «Ўғлингизга айтнинг, қайсарлик қилса ўзига қийин, бўйнига олсин», деб мурожаат қилди. «Мен ўғлимнинг ўғри эмаслигига ишонаман. Ишона туриб унга қандай қилиб «ўғрилигини тан ол», дейман?» деган жавоб милиция ходимини қаноатлантирмади. «Ўғлингиз ўша куни қаерда эди, нима билан шугулланган?» деган саволга муштипар она аниқ жавоб қайтара олмади. Чунки ўғирлик салкам бир ой олдин содир бўлган, Тошматнинг қаерда бўлганини эслаш қийин эди. Мавлуда милициядан қайтиб, ўғлининг нарсаларини йиғиштираётганида чўнтақдаги чақирув қоғозини кўрди-ю, кўнгли ёришди. Эслади: ўша куни ўғлига ҳарбийдан чақирув қоғози келганди. Мавлуда ҳамкасби билан уйга қайтган, ўғли бу чақирувдан қувониб уларни кутиб олган, қозони кўрсатган эди. Ҳарбийга чақирув Тошматнинг назарида балоғат ёшига етганлиги, катталар сафига қўшилганини исбот этувчи гувоҳномадай туюлганди. Мавлуда бу суюнчлик хабар билан яна милицияга келди. Дугонаси гувоҳлик берди. Бироқ, бу гувоҳликлар инобатга ўтмади. Чунки Тошматнинг ўша куни уйда бўлгани кеч эсланди, Мавлуданинг дугонаси ёлгон гувоҳлик бериши ҳам мумкин. Тарозининг айблаш палласида эса ёлгонлиги номаълум муҳимроқ далиллар турибди.

Мавлуда шундан сўнг ҳақиқат ва адолат истаб кўп идораларга мурожаат қилди. Уни яхши кутиб олишарди, даъвосини диққат билан эшитишарди, лекин сўзларида ҳақиқат борлигига гумон қилиб, милициядаги ёлгон далилларга ишонишарди. Бу ҳолатдан ажабланмаса ҳам бўлади. Ҳаётнинг беаёвлиги ҳам шунда: ҳақиқатга ишониш қийин, ёлгонга эса дарров ишона қоламиз.

Оналарга хос метин иродага тан бермоқ керак. Мавлуда изига чекинмади. Ўғлининг айбсизлигини исботлаш учун мустақил равишда ўзига хос тергов бошлади. Ўғлининг мактабдаги дўстлари билан суҳбатлашди. Тез орада маълум бўлди-ки, «Бўри» қилган ишидан мағрурланиб, ўғирликнинг эртасигаёқ айрим болаларга мақтанган экан. «Пахан» оёғидан ушлаб турди, мен ечинтирдим», деган гапи ҳақиқат йўлини ёритувчи нур эди гўё. Аммо болалар, айниқса уларнинг ота-оналари гувоҳлик беришдан бош тортардилар. Чунки гувоҳлик натижасида «Пахан» ва унинг атрофидагилардан жазо олмақликлари хавфи бор эди. Мавлуда «Пахан» ҳақидаги маълумотни милицияга етказганида улар текшириш ўрнига «ўғлингизни чиқариб олиб бошқа бегуноҳни ўтқизмоқчимисиз?» деган таънани эшитди. Ажабланарлиси шундаки, «Пахан» — милициянинг доимий назоратидаги йигит. У ҳақдаги ҳар бир маълумот инобатга олиниши шарт. Лекин Мавлуда бу сафар ҳам умидсиз қайтди. Унга милиция ходимининг гапи оғир ботди: унинг ўзи ҳам бир айбсизни чиқариб иккинчи бир айбсизни ўтқазидан

хавотирда эди. Ўша кунлари Мавлуданинг ишини Худо ўнглади. Мактабдаги уч бола гувоҳлик беришга кўнди. Раҳбариятга қилган мурожаат инобатсиз қолмай, жинойий иш бошқа ходимга олиб берилди ва янги терговчи барча даъволарни синчиклаб ўрганиб чиқди. «Бўри» ҳам, Эшмат ҳам ёлғон гувоҳлик берганларини тан олдилар. Маълумки, ёлғон гувоҳлик бериш ҳам жиноят, аммо бу ҳолат ўсмир ёшидагиларга нисбатан қўлланилмайди. Шунга кўра, «Бўри» шартли равишда жазоланди. Айбни дарров бўйнига олгани учун у суддан олдин эҳтиёт чораси сифатида қамоқда ушлаб турилмади. «Пахан» эса талончилик қилмагани, фақат жабранувчининг қўлидан ушлаб тургани учун енгил жазо билан қутулди. Жабрни адолат истаган йигитча тортиди. У оилада яхши тарбия кўргани, иродаси мустақамлиги учун, адолатга ишончи бор бўлгани учун енгил чиқа олди. Ёмон ном олиб қамоқдан чиқиб кетгунча, азобланса ҳам номини пок сақлаб қолиш унинг учун муҳим бўлди.

Сиз бу воқеани руҳий томондан қандай шарҳлайсиз? Барча ўсмирлар ҳам бу қадар иродага эга эмаслар, деган фикрга қўшиласизми? Энди тасаввур қилайлик-чи, Тошмат қамоқ азобига чиқолмай ўғирликни бўйнига олди. Шартли равишда жазоланди. Энди ундан нима кутиш мумкин? Адолат борлигига умуман ишончи йўқолган ўсмирнинг ҳаёти энди қандай бўлади? Эртага «Пахан»га қўшилиб, ўша Эшматни ёки бошқа бир болани тунамайди, деб ким кафолат беради?

Энди воқеага ҳуқуқшунос кўзи билан қараб таҳлил қилайлик:

Бу ўринда омматан милицияни, хоссатан ишни юритган терговчини умумий ҳолда айблашимиз ва «ҳамиша шундай бўлади, тўхмат билан қамаб юбориш одатий ҳол», деб хулоса чиқармоғимиз ноўриндир. Мазкур воқеада қасддан, атайлаб адолатсизлик қилинмапти. Бунда терговчининг ва нозирнинг энг катта камчилиги — ўсмирлар руҳиятини, жиноятчи ўсмир билан ишлашда зарур ўзига хосликни билмаслик. Терговчилар катта ёшдаги жиноятчини, гумондаги шахсни ёки гувоҳни сўроқ қилишганда ҳам, ўсмирлардан бирон гапми маълумотми олиш истагида бўлишганда ҳам бир хил услубни қўллайдилар. Уларнинг ишидаги хато айнан шундан бошланади. Тергов чоғида алдаш, гуноҳни бошқага ағдаришга уриниш катталар орасида бошқача, ўсмирлар орасида ўзгачароқ кечади. Биринчи марта жиноятга қўл урган катта ёшдаги одам билан ўсмирнинг руҳий оламида ҳам жиддий фарқлар мавжуд. Айтийлик, биринчи марта одам ўлдирган катта ёшдаги киши яширинишга ҳаракат қилса, ўсмирни жиноят содир бўлган жой ўзига тортаверади. Катта ёшдаги қотилга нисбатан ўсмирда кўрқув кучлироқ бўлади. Катта ёшдаги фақат бўлажак жазодан кўрқса, ўсмирни марҳум таъқиб этгандай бўлаверади. Ўсмирлар худди мана шу кечинмалари туфайли тезроқ қўлга олинадилар.

Ўсмирлар орасида тўхмат, яъни айбни бегуноҳ одамга тўнкаш, ёки бошқа бир одамни ҳимоя қилишга уриниш кўп учрайди. Ўсмир қилғилиқни қилиб кўяди-ю, аммо ҳибсга олينيш, қамоқ, тергов каби ҳолатларга руҳан тайёр бўлмайди. Айрим ўсмирлар нима деб бўлса ҳам милиция қўлидан тезроқ қутилиб кетишни ўйлашади. Баъзи терговчилар «ўртоғингни ҳимоя қилиб овора бўлма, у айбини тан олди, энди алдаб бизларни лақиллатма, ўзингни ҳам ўртоғингни ҳам қийнама», деган мавзуда гапириб, уни ёлғон ҳақиқатга ишонтирадилар. Ўсмир «бу ерда барибир адолат йўқ», деган ишончда терговчи чизиб берган чизикдан юра бошлайди. Зикр этилмиш воқеадаги Тошмат кабилар эса кам учрайди. Мазкур воқеада ашъвий далил, гуноҳкорни таниш маросими терговчи учун асосий қурол вазифасини ўтаган. Бунақа пайтда жабранувчига терговчи томонидан йўл-йўриқ ҳам кўрсатилиб турилиш ҳолати ҳам кам бўлса-да, учраб туради. «Сен унинг кўринишини яхши эслаб қолмагандирсан. Ўндан иккинчи болага яхшилаб қара, биз уни яхши биламиз. У айбини бўйнига олган. Биз сени деб югур-югур қилиб юрибмизми, энди сен ҳам бизларга ёрдамлашиб юбор», дейилса жабранувчи нима қиларди. Гумондаги шахс жиноятчи сифатида танилгач, у нима қила оларди?

Иккинчи терговчи биринчисидан фарқли ўлароқ, биринчи гадаги вазифа сифатида жиноятчини аниқлашни эмас, адолат қилиш заруригини белгилади. У икки ойдан зиёд вақт мобайнида ўсмирнинг «синмай» туришини бефарқ қолдирмади. Бунинг шунчалик ўжарлик эмас, бу қайсарлик заминида ҳақиқат борлигини сеза олди.

Тергов қилинаётган ўсмирга кўпинча ёшига қараб баҳо берилади. Бу хато услубдир. Чунки 16—17 ёшдаги ўсмирнинг дунёқароши, атроф-муҳитни англаш миқёси, ўз қилмишига баҳо бера олиши 14—15 ёшли боланики каби ҳам бўлиши мумкин. Ақлзаковат, қобилият даражаси бир хил бўлмагани сабабли боладаги онгнинг ривожланиши бир хилда кечмайди. Ўсмирнинг сўроқ чоғи ўзини тутишида бу ҳам муҳим аҳамият касб этади-ки, терговчи мазкур ҳолни эътиборга олмоғи зарурдир. Ҳарбийлар орасидаги жиноятчини ҳарбий терговчи сўроқ қилгани каби ўсмирлар ишини ҳам алоҳида тажрибага эга терговчилар юритгани дуруст, деб ўйлаймиз. Яъни жиноятга доир қидирув ва тергов бўлимларида, суд ва прокуратура идораларида фақат ўсмирлар билан шуғулланувчи мутахассисларнинг мавжудлиги мақсадга мувофиқдир. Тибиётда бола-

ларнинг ва катталарнинг шифокорлари алоҳида бўлгани каби бу соҳада ҳам бошқа-бошқа бўлгани яхши натижа беради, деган фикрдамиз.

Тўғри, жиноятга доир қидирув бўлими нозири ёки терговчи тарбия ишлари билан шуғулланмайди. Аммо унда тарбиячига хос хислатлар бўлмоқлиги мақсадга мувофиқдир. Чунки сўроқ жараёнида у ўсмирларга хос бир қанча руҳий жиҳатларни ҳисобга олмақлиги жоиздир. Айтايлик, бир ўсмир қизикқонроқ, жиззакироқ, бошқаси эса аксинча, ғоят босиқ, камгап, яна бири мижғовроқ. Терговчи барчасига бир хилда муомала қилса, ижобий натижага эриша олмаслиги мумкин. Демокчимизки, ўсмирларнинг феъл-атворларига қараб тергов услуги танлаши лозим. Масалан, қатъийлик, талабчанлик, жиддийлик услубини лоқайд, беғам, совуққон ёки питрак, серҳаракат ўсмирга нисбатан қўллаш мумкин. Дилгир, ғамгинликка мойил, маънос ўсмирга эса бу услуб салбий таъсир кўрсатади. Айтмоқчи бўлган гапни ҳам унутади, ёки қайсарлик тўнига ўралиб олиб «нима қилсанг қилавер», деган маънода жавоб бермай қўйиши ҳам мумкин.

Ўсмирларнинг ҳар бир авлодида ўзига хос ўзгариш кузатилади. Ўтган асрнинг олтинчи йилларидаги ўсмир билан янги асрнинг ўсмирлари орасида катта фарқ мавжудлигини ҳеч ким инкор этмайди. Аммо кейинги ўн йил орасида ўсмирлик оламига кириб келаётганларнинг руҳий оламида, феъл-атворида фарқ мавжудлигини барча ҳам сезавермайди. Мутахассисларнинг кузатишича, ўғил болаларнинг ҳис-туйғуларида, феъл-атворларида (характерларида) илмий тилда «феминизация» деган ҳолат кузатиляпти. Лотинча «фемин» — «аёл» маъносини билдиради. Мазкур илмий атама ўғил болаларда қатъиятсизлик ошиб бораётганини англатади. Кенгроқ маънода шарҳласак, ўғил болалар жиддий бир қарорга келишда суствик қиладилар, уларда масъулиятга нисбатан кўрқув мавжуд, бошқаришдан бўйин товламоқлик, мустақил қарорга келишдан қочишга уриниш, иродасизлик ва ўта таъсирчанлик сезиляпти. Булар эркакларга хос бўлмаган ҳолатлар эканини таъкидламасак ҳам бўлар. Бунинг асосий сабаби қилиб олимлар мактаб ўқитувчиларининг асосан аёллардан иборат эканини кўрсатишади. Мактаб ўқитувчиларининг 80-90 фоизи аёл экани ва бунинг муҳим ижтимоий муаммо экани дунёдаги кўп мамлакатларга хосдир. Қизикда, ўғил болани уйда онаси, мактабда яна аёл муаллима тарбияласа, улардаги айрим одатлар ўтмайдами? Оиладаги 4-5 қиз орасида улғайган ўғил боланинг феъл-атворини кузатиш. Арзимаган гапдан ҳам таъсирланиб йиғлаб юбориши фикримизга далил эмасми? Тарбиячилар орасида эркакларнинг кўпроқ бўлиши масаласига биз тўхталиб ўтирмаймиз. Биз ўғил болалар феъл-атворидаги мазкур жиҳатларга терговчи ва нозирларнинг эътиборларини тортмоқчимиз, холос.

Яна демокчимизки, гумондаги ёки гувоҳ ўсмирни сўроқ қилиш шунчаки одатий иш эмас, балки илмий таҳлилга асосланган жараён бўлмоғи зарурдир. Агар болалар жарроҳи амалиёт чоғида эҳтиётсизлик қилиб битта томирчани узиб юборса бола жисман жобуд бўлади ва баъзан биз у жарроҳни жинойи жавобгарликка тортишга уринамиз. Агар терговчи ўсмирнинг руҳий оламини топтаб қўйса, жамият руҳи соғлом бир одамни йўқотган ҳисобланади. Жисман нобуд бўлган бола туфайли бир оила азият чекади, вақт ўтгач, ғам-алам аста унутилади. Руҳан нобуд қилинган ўсмирдан эса жамият азият чекади ва бунинг ғам-аламлари дарров унутилмайди. Терговчининг тиғи — ақл ва тил, тиғ уриладиган жой эса ўсмирнинг қалби ва онгидир. Буни унутмаслик шарт.

Демак, терговчи қаршисида ўсмир ўтирибди. Терговчига ҳам осон тутиб бўлмайди. Сиз билан биз ўн беш йиллар атрофида ўзимиз тарбия этган фарзандимизни қачон тўғри, қачон ёлгон гапирётганини баъзан фарқлай олаемиз. Терговчидан эса бир неча сўроқ мобайнида ўсмирнинг хулқини, одатини аниқлаб, бунга эришиши талаб этилади. Гумондаги ўсмир: а) тўғри ва ишончли маълумот бериши мумкин; б) ёлгон гапларни тўқийди; в) адашганлиги туфайли нотўғри маълумотни айтади. Буларни фарқлаб олиши учун терговчидан юксак маҳорат талаб қилинади. Биринчи ҳолатда тўғри ва ишончли маълумот гумонни тасдиқлаши ёки аксинча, гумонни инкор этиб ўсмирни оқлаши мумкин.



ВАҲШИЙ ОДАТНИНГ ЭПИК ТАЛҚИНИ

Таниқли тилшунос олим Фаттоҳ Абдуллаев томонидан ёзиб олиниб, 1961 йилда «Хоразм шевалари» китобининг иккинчи жилдида нашр этилган эртақда шундай ҳикоя қилинади: «Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир подшо бор экан. У подшо юртидаги қарияларни тоғдан ошириб ташлагатар экан. Бир куни бир йигит отасини тоғдан ошириб ташлаш учун кўтариб бораётганда, отаси: «Болам, мени уйда яшириб қўявер!» — дебди. Угли: «Яхши, ота!» — деб, отасини уйига олиб қайтибди. Бир куни подшо дарёда гавҳар аксини кўриб, шуни сувдан олиб чиқинглр деб жуда кўп навқарларини нобуд қилибди. Бола отасининг маслаҳати билан дарё бўйидаги дарахтга уй қурган чай деган қуш инидаги гавҳарни подшога олиб бориб берибди-да, воқеани айтиб берибди. Шундан кейин подшо йигитга кўп давлат бериб, қариларни ўлдирмайдиган бўлибди».

Г.П. Снесаревнинг ёзишича: «Агар ўлган киши жасадини жониворларга едиришдан иборат қадимий одат бирон-бир этнографик қолдиқ сифатида сақланиб қолмаган бўлса, генетик жиҳатдан қадимги дафн маросимлари билан алоқадор бўлган бошқа бир одат — қарияларни чўл ёки тоққа ташлаб келиш удуми Ўрта Осиёда кенг тарқалган машҳур бир афсона сюжети орқали бизгача етиб келган. Бу афсонада отасини чўл ёки тоққа ташлаб келиш учун олиб кетаётган боланинг саргузаштлари баён қилинади. Бола подшо амрига бўйсунмасдан, отасини яшириб қўйиб, боқаверади, натижада доно чол ўз ақли билан қабиладошларининг мушқулини осон қилади». (Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. Москва. 1969. 336 с.)

Бу ўринда, келтирилган кўчирма ҳақида куйидаги мулоҳазаларни айтиб ўтмоқ керак. Биринчидан, Г.П.Снесарев «кексаларнинг чўл ёки тоққа ташлаб келиниши» билан боғлиқ сюжет асосига қурилган фольклор асарининг жанрини хато белгилаган. Бу сюжет билан боғлиқ афсоналар ҳам бор. Масалан, М.С.Андреев Хуф водийсида, Панж дарёсининг юқори оқимида, яъни, Шугнондаги Бобохор деб аталувчи (Бобохур, яъни, «кексаларни ейдиган») жой ҳақидаги бир афсонани ёзиб олган эди. Афсонада нақл қилинишича, хуфликлар қадим замонларда қариб-қартайган чолларни шу тоғ дарасига ташлаб кетишар экан. Шунинг учун бу жой Бобохор деб аталади. Аммо бу сюжет асосида фақат афсоналар эмас, балки эртақлар ҳам яратилган. Шунинг учун Г.П.Снесаревнинг «кексаларни чўл ёки тоққа ташлаб келиш удуми Ўрта Осиёда кенг тарқалган афсона сюжети» деб ҳисоблаши, бизнингча, тўғри эмас. Бундан ташқари, Е.А.Костюхин «кекса кишиларни ўлимга маҳкум этиш ҳақидаги эртақ қадимги маросимнинг новеллистик ҳақида идрок этилиши натижасида ҳосил бўлган», деб ҳисоблайди. Бу сюжет асосида яратилган эртақларда воқеалар ривожини маиший характер касб этади.

Иккинчидан, Г.П.Снесарев биз ўрганаётган эртақ сюжетини тўла келтирмайди. У бу масалани махсус тадқиқ этмаган. Зардуштийлик одатига жамиятни қуш ёки жониворларга едириш удумининг тарихий илдизлари ҳамда Хоразм дафн маросимида сақланган этнографик қолдиқларини таҳлил қилиш жараёнида йўл-йўлақай бу сюжетни қристириб ўтади. Олим Хоразмда бўлганида, бу эртақнинг муайян вариантини эшитган ва тўла ёзиб олган бўлиши керак. Шунинг учун бу ўринда уни алоҳида вариант сифатида шартли равишда қайд қилдик.

Учинчидан, Г.П.Снесарев бу сюжет ҳақида изоҳ берад экан, қарияларни чўлга ташлаб келиш одати қадимда бўлганлигини, бу удум канибализмдан кейин юзага келганлигини ҳам таъкидлайди. Шу жиҳатдан, унинг куйидаги қайдномаси муҳим илмий аҳамиятга эга: «Кўҳна урганчлик ахборотчиларнинг маълумотларига қараганда, кекса одамлар ўз қариндош-уруғлари ўзга кишилар кўз ўнгида бандаликни бажо келтирмасин деган мақсадда уларни чўлга олиб бориб ташлаб келишган. Чўлдаги қарилар ташлаб кетиладиган жой инсон суяк-оёқлари билан тўлиб кетганидан подшо шундай ҳукм чиқарган: ўз яқинини чўлга олиб бориб ташлаган кишилар, маълум вақт ўтиб, ўша жойга қайтиб бориб, суякларни йиғиб олиб, кўмишлари буюрилган».

Мазкур сюжет асосида яратилган Хоразм эртақларининг энг мукамал варианты 1972 йилда хивалик Собир Юсуповдан филология фанлари доктори Комилжон Имомов ёзиб олган бўлиб, у «Нима эксанг, шуни оласан», деб номланган. Бу эртақ ЎзФА Тил ва адабиёт институти Фольклор

архивида 1773-инвентар рақами остида сақланади. Комилжон Имомов бу эртакни 1984 йилда нашр этилган «Олтин бешик» номли тўпламга ҳам киритган. Бошқа вариантлардан фарқли равишда, мазкур эртакда чолнинг олиб кетилишига подшонинг фармони эмас, балки маиший ҳодиса — келиннинг жанжалдан келиб чиққан оилавий танглик сабаб бўлади. Яна бир фарқи, бошқа эртаклардагидек, чўлга ташланмасдан уйга олиб келинган чол билан ўғлининг кейинги тақдири, чолнинг доно маслаҳатлари туфайли ўғлининг мушкул вазифаларни адо этишига бағишланган лавҳалар йўқ. Комилжон Имомов ёзиб олган вариант нақлни эслатувчи тугалланмайдиган мотивга эга: «Отасининг ҳам бир замонлар хотини сўзига кириб, ўз кекса отасини тоққа ташлаб келгани ҳақидаги ҳикоясини эшитган ўғил «нима эксанг, шуни ўрасан» деган мақолни эслабди. У ноғирон отасини хўрлаганига ўқиниб, чолни опичлаб, уйига қайтибди ва ўзи парваришлай бошлабди».

Кексаларни тириклигида ўлимга маҳқум этиш одати билан алоқадор эртакнинг турли халқлардаги вариант ва версиялари ёзиб олинди. Натижада, эртакнинг рус, белорус, украин, нўғай, тожик, грузин, туркман, қабардин вариантлари нашр этилди.

Осиё ва Европа халқлари эртаklarининг айримларида кексаларни ўлимга маҳқум этиш одати Александр Македонский томонидан бекор қилинганлиги баён этилади. Айни шундай эпик сюжет ўзбек фольклорда ҳам бор. Китоб туманидаги Бештерак қишлоғида яшовчи гуют уруғига мансуб 79 ёшли Йўлдошев Мусулмондан диалектолог Болта Жўраев ёзиб олган бир эртак «подшоий Искандарнинг асрида қариларни бир жойга олиб бориб, ташлаб келиш одати бор экан», деган бошлама билан бошланади. Бир йигит отасининг гапидан таъсирланиб (отасидан нега кулишининг сабабини сўраса, у «Мен ҳам бобонгни кўтариб келаётганда шу тош устига ўтиргандим», деб жавоб беради), агар ҳозир отасини ташлаб келса, ҳадемай ўзининг ҳам бошига шу қулфат тушишини билиб, уйига қайтади. Чолни яширинча боқади. Чол ўзининг доно маслаҳатлари билан ўғлига ёрдам беради. Бола отасининг маслаҳати билан иш қилиб, омади юришганлигини билган Искандар подшо ўз фармониини бекор қилган экан. Эртак тугалланмаси шундай сўзлар билан якунланган: «Шуйтиб, қари биланни пари билмас-да, қарини кимки ташлаб келса, аҳмоқ экан, улардан кўп фойдаланар эканмиз деб, қариларни обормаслик шундан қолган экан». (Болта Жўраев. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари. Тошкент. Фан. 1969. 64 бет)

Кексаларнинг ўлимга маҳқум этилиши ҳақидаги Хоразм эртаklarида Искандар образи учрамайди. Бундай ваҳший одатни русум қилган ва ақли йигит саргузаштларидан воқиф бўлгач, ўз фармониини бекор қилган ҳукмдор шунчаки «бир подшо» деб аталади. Унинг номи йўқ.

Хоразм эртаklarида бундай одатнинг бекор қилиниши Искандар подшо номи билан боғлиқ эмаслигининг сабаби шундаки, Искандар билан боғлиқ ривоят, афсона. Эртаklar алоҳида эпик анъана тарзида юзага келган. Страбон ўзининг «География» китобида Снескрит деган тарихчининг маълумотларига суяниб, бақтрияликлар ва сўғлар ҳақида шундай ҳикоя қилади: «Бақтрияликлар ва қадимги сўғдийналикларнинг турмуш тарзи ва урф-одати ҳақида Снескрит кўпгина яхши-ёмон ривоятларни айтган эди. Шулардан бирида ҳикоя қилинишича, уларнинг урф-одатига кўра, қариган киши ўлмаса ҳам тирик ҳолда итларга берилган. Улар ўз уйларида махсус ит боққанлар, бу итлар уларнинг тилида «гўрков» деган маънони билдирувчи ном билан аталган. Бақтрия шахрининг ташқи томонлари тоза кўринса-да, ичида одам суяклари тўлиб ётарди. Александр бу урф-одатларни йўқ қилди. Яна бир ривоятда касбийликлар ҳақида ҳикоя қилиниб, уларнинг урф-одатига кўра, етмишдан ошган одам қамаб қўйиларди ва очликдан ўлиб кетарди. Александр келиб, бу даҳшатли урф-одатларга барҳам берди». (Страбон. География. Москва-Ленинград. 1964. 488 стр.)

Страбоннинг ўзи ҳикоя қилинаётган воқеани «ривоят» деб атайди. Шундай экан, бу ўринда сюжетнинг шаклланиш тарихи билан боғлиқ икки ҳолатни айтиб ўтиш керак. Биринчидан, Страбон ҳикоя қилган ривоятда икки мустақил сюжетнинг илдизлари сақланган: улардан бири — кексаларни ўлимга маҳқум этиш одати ҳақидаги эртак сюжети; иккинчиси — бу одатнинг Искандар томонидан бекор қилиниши ҳақидаги ривоят сюжети. Иккинчидан, кейинчалик ана шу икки сюжет ўзаро бирикувидан янги типдаги асар яратилган. Сюжетлар кульминация туфайли кексаларнинг ўлимга маҳқум этилиши ҳақидаги эртак сюжетининг архаик вариантларида Искандар образи билан алоқадор лавҳалар пайдо бўлган.

Немис олими Ф.Паудлер мазкур сюжетнинг олтмишдан зиёд вариантини тўплаб, қиёсий тадқиқ этган. У ўрганган барча вариантларга хос бўлган умумий сюжет тизими қуйидагича: ўғил мавжуд одатга қарши ўлароқ, отасини ўлимга маҳқум этишдан бош тортади ва уни яшириб қўйиб боқади. Натижада, чол ўзининг қимматли маслаҳати билан мушкул аҳволда қолган ўғли ёки бошига ташвиш тушган қавми кутқаради. Бу ҳақидаги хабар тарқалиб, яширин боқилаётган чол берган маслаҳат нечоғли қадрли бўлганлигини билган жамоа қариларни ўлдиришдан воз кечган.

Отасини ўлимга маҳқум этиш удуми билан боғлиқ тартиб-қондани бузган ўғилнинг хатти-ҳаракатига сабаб бўлган мотив характеридан келиб чиқиб, мазкур сюжетларни Ф.Паудлер уч типга ажратади:

1. Кекса отасининг аҳволига ачиниб, ўз ҳолича анъанага зид равишда чолни ўлимдан сақлаб қолиш сюжетиж;

2. Йигит отасини ташлаб келгани олиб кетаётганида ўз ўғлининг сўзидан (бола «мен катта бўлганимда сизни ҳам бобомдай ташлаб келаман» дейди) таъсирланиб, чолни яшириб қўйиш сюжети;

3. Чол тош устида ўтирган ўғлига қараб, бир вақтлар ўзи ҳам отасини шу ерга олиб келиб ташлагани ва ўғлининг пешонасига ҳам шу тақдир битилганлигини айтиши йигитни ўйлашга мажбур қилиб, отасини қайтариб олиб кетиш сюжети.

Шу ерда Ф.Паудлернинг бу таснифига киритилмаган яна бир эпик мотив Хоразм эртаklarидан бирида борлигини айтиш керак. Эртакнинг Фаттоҳ Абдуллаев ёзиб олган вариантнда: «бир куни бир йигит отасини тоғдан ошириб келиш учун кўтариб кетаётганида, отаси боласига қараб:

«Болам, мени уйда яшириб қўявер!» — дебди. Ўғли: «Яхши, ота! — дебди-да, уни уйига олиб бориб қўйибди.

Кўринадики, кексаларни ўлимга маҳқум этиш одатининг бузилишига Ф.Паудлернинг учинчи тип сюжетигадайдой отанинг «анъанавий ўлим» ҳақидаги сўзи эмас, балки «уйда сақлаб қўйиш»дан иборат даввати сабаб бўлган. Бу Хоразм маиший эртагининг ўзига хос мотиви бўлиб, шунга ўхшаш сюжет ёки одатнинг ота давватига кўра бузилиши мотиви бошқа эртақ вариантларида учрамайди. Кексаларнинг ўлимга маҳқум этилиши ҳақидаги Хоразм эртагининг ўзига хос эканлигини кўрсатувчи бу деталь Ф.Паудлер тавсия этган сюжет типлари таснифи тўла эмаслигини билдиради. Биз Фаттоҳ Абдуллаев ёзиб олган эртақдаги бу мотивни мазкур таснифдаги тўртинчи тип сюжет деб ҳисоблашни лозим топамиз.

Кекса чолларнинг ўлимга маҳқум этилишига сабаб бўлган вазият Хоразм эртақларида икки хил талқин қилинади. Фаттоҳ Абдуллаев ёзиб олган эртақда бу одат «қадимги замонларда яшаган бир золим подшо»нинг фармони билан расм бўлган деб тушунтирилади. Бу шундай типдаги эртақларнинг аксариятига хос бўлган муштарақ ва, назаримизда, қадимийроқ эпик анъанадир. Чунки Комилжон Имомов ёзиб олган «Нима эксанг, шуни оласан» эртагида воқеалар ривож маиший характерга эга. Хотини ўлиб кетган чол ўғлини уйлантирибди. Келини ишەқмас, қўпол экан. У ҳар куни арзимаган нарсадан жанжал чиқариб, чолнинг аҳволидан хабар олмас экан. «Нима, мени отангизга чўриликка олганмидингиз? Кийимларини ювсам, мени жоним ўнта эмаску, ахир?!» — деркан ҳар куни миңғирлаб. Чол бечора шол бўлиб қолган экан, эрта-ю кеч бир жойда қимирламасдан ётар экан. Ўғли охири тоқати-тоқ бўлиб, хотинига: — Хўш, мақсаднинг нима, нима қилишм керак? — дебди. — Отангизни бу ердан йўқотинг. Иложи бўлса, гадоий топмас бир жойга ташлаб келинг! — дебди хотин. Ўғил шундай қилсам, бу лаънатининг жаврашидан қутиламан, шекилли, деб ўйлаб, отасини опичлаб жўнабди.

Фаттоҳ Абдуллаев ёзиб олган эртақ сюжети қадимий бўлгани учун унинг дафн маросимларига алоқадор-кексаларни ўлимга маҳқум этиш удуми ва бу удумнинг бекор этилиши мотиви яхши сақланган.

Бу эртақларнинг барчаси қадимги маросимнинг бадиий қайта идрок этилган эпик инъикоси ҳисобланади. Ваҳший одатнинг мавжуд бўлганлиги ва қахрамоннинг ўз отасини ўлимдан сақлаб қолиши эса, бу анъананинг инкор этилганлигини, ижтимоий воқелик талаби ва инсон руҳиятида юз берган ўзгаришлар таъсирида қайта ишланганлигини кўрсатади. Бошқача айтганда, бу эртақ қадимги маросимлардан бири — кексаларни ўлимга маҳқум этиш ритуалининг айнан баёни ёки тасвири эмас, балки ўша маросимга ахлоқий-эстетик жиҳатдан муносабатни акс эттирган. Эртақда жоҳиллик даври одатларининг гайрининсонийлиги, зулм ва зўровонликка асосланганлиги қораланади, кекса авлод ҳаётий тажрибалари, доно ақлий салоҳияти жамият ривожига муҳим роль ўйнаши таъкидланади. Қахрамоннинг ўз отасини ўлимдан сақлаб қолиши — Қадимгилар урф қилган жоҳил одатнинг ижтимоий ҳодиса сифатида инкор этилишининг образли ифодасидир.

«Нима эксанг, шуни оласан» эртаги эса, сюжет ривожининг кейинги босқичларида юзага келган. Унда қадимги маросимга алоқадор бирорта мотив ёки шундай одат бўлганлиги ишора қилинувчи бирорта деталь йўқ. Воқеалар йўналиши бутунича новеллистик эртақларга хос маиший тус олган. Кекса чолнинг ўлимга маҳқум этилиши золим подшо фармони кексаларни ўлимга маҳқум этиш ритуалида «нариги дунёга» юборишнинг қуйидаги усуллари эмас, балки жоҳил келин хоҳишига кўра амалга оширилади. Н.Н.Белецкая мазкур сюжет асосига қурилган славян эртақларининг турли вариантлари мавжудлигини аниқлаган:

1.Жарликка улоқтирганлар. Шу мотивнинг бир кўриниши «Нима эксанг, шуни оласан» эртагида ҳам бор: «Ўғил йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, охири тоғ чўққисига етиб борибди. Тоғнинг бир томони жарлик экан».

2.Чўлга олиб чиққанлар;

3.Чуқурликка, чоғга ташлаганлар;

4.Эгалари ташлаб кетган уйдаги печка устига чиқариб қўйганлар;

5.Ўрмонга, далага чиқариб қўйиб келганлар;

6.Дарахт тагига ўтиргизиб келганлар;

7.Сувга чўқтирганлар». (Белецкая Н.Н.Языческая символика славянских архаических ритуалов. Москва. Наука, 1978. 51 с.)

Хоразм эртагида бу сюжетнинг ўзига хос деталаридан бири — тош воситаси учрайди. Фаттоҳ Абдуллаев ёзиб олган эртақда тош воситаси иштирок этмаса-да, «қариларнинг тоғдан оширилиб ташлаб келиниши» одати ҳақида сўз кетишининг ўзи бу образ билан боғлиқ сюжетнинг архиак шаклларида мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Чунки, бу эртақда қахрамон отасини тоққача олиб бормасдан, чолнинг давватига кўра, ярим йўлдан қайтади.

«Нима эксанг, шуни оласан» эртагида жарлик лабига етиб йигит ўзига: «Агар шу жарликка ташлаб юборсам, бу ноинсофлик бўлади. Яхшиси, ана у кўриниб турган тошнинг устига ўтқазиб қўй-да, ўзим кета қолай. Кейин нима бўлса бўлар, пешонасида борини кўрар» — деб ўйлабди.

Хоразм эртагида қахрамон отасини жарга ташлаб юборишга кўнгли бўлмай, тош устига ўтқазди. Назаримизда, эртақнинг архиак вариантларида тош эмас, балки жар детали муҳим роль ўйнаган кўринади. Чунки мазкур сюжетда қадимги маросимни ижтимоий тартиботлар инкор этган бўлса-да, унинг асосий элементларини ўзида сақлаб қолган. Шунинг учун қадимги эртақ-афсоналарда кексаларнинг жарга улоқтирилганлигига ишора қилинади.

Тош воситаси эртақда муҳим бадиий вазифани бажаради. Чолнинг тирик қолиши, қахрамон хатти-ҳаракатларидаги ўзгариш — жоҳилият даври удумининг бекор қилинишига ана шу тош сабабчи бўлади. Тош воситасининг эртақ сюжет тизимидаги поэтик вазифаси қахрамон фаолиятининг ўзгариши, эпик мақсаднинг рўёбга чиқиши учун бадиий замин ҳозирлашдан иборат деб ҳисоблаш мумкин. «Нима эксанг, шуни оласан» эртагида тош устига ўтирган чолнинг ўзи ҳам қачонларид отасини жарга ташлаш учун олиб бораётганда шу тош устига ўтқазилганлигини эслаб кулиши ота-бола ўртасидаги диалогга асос бўлади. Қайтар дунё эканлигини билган қахрамон

отасини уйга қайтариб олиб келади. Бу эртақнинг ўзига хослигини кўрсатувчи жиҳатларидан бири шу — тош воситаси билан боғлиқ.

Кексаларнинг ўлимга маҳкум этилиши одатига алоқадор сюжетларнинг аксариятида қаҳрамоннинг анъанага зид хатти-ҳаракаги, чолнинг кулиши ва ўғлининг бу кулгу сабаби ҳақидаги сўровига чолнинг жавоби сабаб бўлади. Фаттоҳ Абдуллаев ёзиб олган Хоразм эртагида эса, чолнинг ўлимдан сақлаб қолинишининг сабаби ўзига хос тарзда талқин қилинади, юқорида қайд қилинганидек, тирик қолдиришни қариянинг ўзи илтимос қилади. Отасига раҳми келган қаҳрамон унинг истагини бажо келтиради.

Хоразм эртагидаги эпик талқин, яъни, қариянинг ўзини омон қолдиришни сўраши мотиви бошқа вариантларда учрамайди. Фақат Жанубий славян эртақларидан бирида ота ўғлидан ўзини бир дарахт остида қолдиришни илтимос қилади. Ўғли бунинг сабабини сўраганида, чол кулиб туриб, қачонлардир у ҳам отасини худди шу дарахт остига қўйиб кетганлигини айтиб беради. Ўз бошига ҳам шу кун тушишини англаган йигит отасини уйига қайтариб олиб келади. Демак, чолнинг ўз даъватига кўра ўлимдан қутулиши Хоразм эртагига хос бўлган специфик белгилардан биридир.

Ўлимдан сақлаб қолинган чол ўзининг доно маслаҳатлари билан ўғлига, қавмига оғир кунда мадад беради. Биз кексаларнинг ўлимга маҳкум этилиши ҳақидаги эртақларнинг мавжуд вариантларини қийёсий ўрганиш натижасида кекса кишининг маслаҳатлари куйидаги мушкулотларни ҳал қилишда амалий аҳамият касб этганлигини аниқладик:

1.Тубсиз дарё сувида акс этган, аслида чинор устидаги қуш уясида бўлган гавҳари шамчироқни олиб чиқиш;

2.Зулмат дунёсида оқадиган об-ҳаёт чашмасидан сув олиб келиш;

3.Сахро ўртасида суви тугаб қолган лашкарга қудуқ ўрнини топишга ёрдам бериш;

4.Одамларни ярми оқ, ярми қора тусли Ак-кебек-Қара-кебек деган итдан қутқариш;

5.Қурғоқчилик бўлганда одамларни очликдан қутқариш.

Кекса кишиларни ўлимга маҳкум этиш удуми қадим замонларда яшаган жуда кўп қавмлар орасида қўлланилганлиги маълум. Бу удумнинг эртақлардаги бадиий тасвирини тадқиқ этган В.Ф.Миллер шундай ёзади: «Битта қабилада ёши ўтиб, кексайиб қолган кишиларни дарахтга чиқишга мажбур қиладилар. Сўнгра ўша дарахтни силкииб: «Пишиқчилик вақти бўлди, мевалар пишиб етилди! Энди уларни қоқиб олмоқ керак!» — деб қичқирадилар. Қарияларни ўлдирдилар».

Аммиан Марцелининг қайд қилишча, аланлар (қачонлардир қадимги Хоразмда яшаб, Берунийнинг ёзишча, Амударё ўз йўналишини Орол сари ўзгартиргач, Ос уруғи билан биргаликда Каспий юртига кўчиб кетган қабила — Ж.Ю.) жанггоҳда ҳалок бўлган кишиларни бахтли санаганлар. Ёши ўтиб, қартайиб қолган кишилар, беморлар, касал бўлиб ўлган одамлар фосик, мараз деб кулги қилинган.

Басқар аждоди ҳисобланган кантабрлар удумига кўра, кексалар мажбуран ўлдирилган, улар маълум ёшга етгач, ўзлари ихтиёрий рихлатни танлаганлар. Испан сайёҳи Силия Италик улар ҳақида шундай ёзади: «Бу қавмда бир удум бор: агар бирор кишининг соч-соқоли қордек оппоқ бўлиб, кўзидан нур, белидан қувват, оёқ-қўлидан мадор кетса, жанггоҳда душманга қарши яроф кўтаришга кучи етмай қолса, у баланд қоя устига чиқади-да, ўзини пастга ташлаб, фоний дунёни тарк этади».

Тарихий-этнографик ва фольклор материаллари асосида кексаларнинг ўлимга маҳкум этилиши ҳақидаги эртақлар сюжетининг генезисини аниқлашга ҳаракат қилган Е.А.Костюхиннинг куйидаги мулоҳазалари жуда асослидир: «Бу одат, назаримизда, жудаям қадимги замонларда — ибтидоий жамоа тузуми даврида пайдо бўлган. Аввалига кексайиб, куч-қувватдан қолган кишиларни қабиладошлари ейишган (Геродот бу одат массагетлар орасида ҳам бўлганлигини ҳикоя қилади — Ж.Ю.), кейинчалик, одамхўрлик, яъни, канибализм анъанаси инкор этилгач, кекса кишилар қаровсиз ҳолда ўз ҳолига ташлаб қўйиладиган бўлган (турмуш тарзи кўчманчиликдан иборат бўлган қабилаларда қари одамнинг оч-наҳор ҳолда уруғдошлари томонидан ташлаб кетилиши ўлим билан баробардир). Бу одат ўша даврда озиқ-овқатнинг таққиллиги, ишга яроқсиз кишиларнинг қабилага ортиқча юк бўлиб туюлиши билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан». (Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма. Москва. Наука, 1971, 25 с.)

Биз кўриб чиққан эртақларнинг бирортасида кекса кампирнинг чўлга ташлаб келиниши мотиви учрамайди. Барча вариантларда ўлимга маҳкум этилган эпик қаҳрамон — қари чол, яъни, эркак кишидир. Бу эртақнинг образлар тизимидаги ўзига хосликка ҳам эътиборни қаратган Е.А.Костюхин ўзининг юқоридаги фикрини шундай давом эттиради: «Патриархат даврига келиб, бу удум ғоявий маъно касб эта бошлаган. шуниси характерлики, этнографик ва фольклористик материалларда фақат қари чолларгина (кампирларни эмас) ўлимга маҳкум этилганлиги хусусида сўз юритилади, холос. Бу эса, қариларни мажбурий ўлдириш одати тарихан «ота авлод култи» билан алоқадорлигини кўрсатади. Ибтидоий одам улуг қабиладошлари, оқсоқолларнинг ўз ажали билан ўлиши табиатнинг ҳаётбахш қудратига салбий таъсир этади деб ўйлаган. Кейинчалик аждодлар култига сифиниш диний тасаввурларга айланган». (Костюхин А.И. Александр Македонский в литературной и фольклорной традиции. Москва. Наука, 1972. 145 бет.)

Ўрта Оисё халқлари фольклорига турли вариантларда кенг тарқалган бу сюжетнинг келиб чиқиши аждодлар култи ва қадимги дафн маросими удумларига алоқадорлигини Г.П.Снесарев ҳам тасдиқлаган эди.

Украин маросим фольклори тадқиқотчиси Ф.Волков бўлса кексаларнинг ўлимга маҳкум қилиниши билан боғлиқ сюжет аслида «мўғул халқлари ёки Кавказда юзага келган бўлиб, эпик алоқалар натижасида кейинчалик славян фольклорига ҳам ўтган» деб ҳисоблайди.

Д.К.Зеленин, Н.А.Кисляков каби олимлар ҳам бу сюжет замирида аждодлар култи ҳақидаги мифологик тасаввурлар ётади деб ҳисоблайдилар.

Биз шу фикрга кўшилаемиз. Чунки бу фикрнинг тўғрилигини Хоразм фольклори материаллари ҳам тасдиқлайди.

Биринчидан, Хоразм халқ эртақларида ҳам кекса чолни ўгли опичлаб, ташлаб келиш учун кетади. Асосий воқеалар ривожига ота-ўғил образлари атрофида рўй беради.

Иккинчидан, кампирларни жар ёки чохта ташлаб келиш мотиви бирорта эртақда учрамайди. Бу нарсанинг ўзи ота аждод шахси илоҳийлаштирилганлигини билдиради.

Учинчидан, ота аждод култи патриархат талабларининг бу анъанага муносабати ижобий бўлмаган. Натижада, кексаларни ўлимга маҳкум этиш билан алоқадор сюжет талқинида ўзгаришлар юз берган. Бу ўзгаришлар эпик тасвир ва талқиннинг қадимги маросимлар билан генетик алоқаси батамом узилиши, ота аждод култига сиғиниш удумининг инкор этилиши, анъанавий сюжет образлар талқинининг янгиланиши, сюжет элементларининг маиший характер касб эта боришидан иборат эди. «Нима эксанг, шуни оласан» номли Хоразм эртағи ана шу тарихий-фольклорий жараён маҳсулидир. Унда қари чолнинг ўлимга маҳкум этилишига сабабчи бўлган жоҳил келин — оталар култининг қоидаларини инкор этган матриархат тимсолидир.

Тўртинчидан, бу сюжетнинг юзага келишига алоқадор айрим этнографик маълумотлар хоразмликлар орасида ҳозирга қадар сақланган. Г.П.Снесарев ўзининг Хоразм оилавий-маиший удул ва анъаналарига доир бир мақоласида воҳа аҳлининг ёш-табақа бўлиниши ҳақидаги бор маълумотларни келтирди: «хоразмликлар гап-гаштак ташкил қилишда маълум бир ёш гуруҳларига қараб «жўра»га бўлинадилар. Масалан, Тўртқўл районида жўралар тўрт қаторга бўлинади: 1) 17дан 19 ёшгача: 2) 20дан 25-30 ёшгача: 3) 30дан 45 ёшгача: 4) 45дан 50 ёшгача. 60 ёшдан ошган чоллар зиёфатларда қатнашиши мумкин бўлмаган. Қипчоқ районида бўлиниш қаторларининг анча мукамал бўлиниши қайд қилинган: 1) 10 дан 15 ёшгача: 2) 15 дан 20 ёшгача: 3) 20 дан 30 ёшгача: 4) 30 дан 40 ёшгача: 5) 40 дан 60 ёшгача. Худди шундай беш қаторли ёш-табақа бўлиниши Хонқа районида ҳам қўлланилган».

Бу ердаги биз учун зарур маълумот ёш-табақа бўлиниши 60 ёшдан ошган кишилар қатори киритилмаганлигидир. Тўртқўлда 60 ёшдан ошган чоллар гаштакда қатнаштирилмаса, Қипчоқ, Хонқа ва бошқа туманларда ёш-табақа гуруҳининг чегараси «60» ёш деб белгилаб қўйилган. Бу ўринда 60 ёш ўзига хос рамзий чегара:ни англатади.

Кексаларнинг ўлимга маҳкум этилиши билан алоқадор тарихий далилларда, ўтмиш сайёҳлари ва муаррихларининг шу мавзудаги ҳикояларида ҳам кўпинча «70» ёки «60 ёш» деталлари қайтарилади.

Масалан, Ж.Дюмезильнинг ёзишича, Пеос оролида яшаган ёввойи қабилалар ўзларининг ёши 60 дан ошган қавмдошларини заҳарлаб ўлдирилганлар. Худди шунга ўхшаш ваҳшиёна одат сард деган қабиллада қўлланилган. Сардлар ёши 70 дан ошганларни Кронос номли худо шарафига қурбонлик қилганлар.

Страбон Каспий денгизи бўйида истиқомат қилган ибтидоий қавмлар ҳақида шундай ёзади: «каспийлар ёши 70 дан катта кишиларни очликдан қийнаб ўлдирадилар ва уларнинг жасадини чўлга ташлайдилар».

Н.Н.Велецкая антик давр тарихчиларининг маълумотларига таянган ҳолда Тибр деган шаҳарда ҳар йили бир марта 60 ёшга тўлган кишиларни жарга улоқтириш ритуали ўтказилганлиги ҳақида ёзган эди. Даврлар ўтиши билан ўз моҳиятини ўзгартирган бу маросимда 60 яшар чолларнинг ўзи эмас, балки уларнинг антропо-морфик кўриниши — тимсолий қиёфаси ҳисобланган кўғирчоқлар улоқтирилган экан.

Ю.А.Рапопортнинг фикрича, «Қадимги замон тарихчилари ибтидоий қабилалардаги кексаларни ўлдириш одати ҳақида ёзадиган бўлсалар, ёш муддатини одатда 60 ёш билан чегараланадилар. Қачонлардир кекса кишилар шу ёшга етганда ўз умрлари давомидаги охириги инициациядан ўтган, яъни, «ҳомий аждодлар» қаторига ўтиш учун «рамзий ўлим» ҳолатини бошдан кечиришган, яъни, рамзий маънода «ўлдирилган» бўлиши керак».

Бизнингча ҳам эртақ сюжетига асос бўлган кексаларни ўлимга маҳкум этиш мотиви қадимги инициация маросимлари билан алоқадордир.

Бешинчидан, Хоразмда қари кишилар ақл, донолик, талбиркорлик тимсоли сифатида эъзозланиши ҳам ота аждодлар култи муҳим амалий аҳамиятга эга бўлганлигидан далolat беради. «Қариси бор уйнинг париси бор», «Ақлли қария — оқиб турган дарё», «Қарияни бор, бараканг бор», «Қари бор уйнинг зари бор» каби халқ мақолларида кексаларимизни қадрлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, оқилу доноликларининг қадрига етиш, уларга қўлдан келганча яхшилик қилиш уқтирилади.

«Нима эксанг, шуни оласан» типидagi эртақлар аждодлар култи билан боғлиқ қадимий маросимларнинг бадиий-эстетик ва ахлоқий қарашлар доирасида қайта идрок этилиши натижасида юзага келган. Биз таҳлил қилган эртақларда кексаларни рамзий маънода ўлимга маҳкум этиш маросими соф ритуал тарзидаги анъанавий шаклида эмас, балки сюжет элементига айланган этнографизм сифатида сақланган. Бундай эртақлар бизга маросимнинг ўзи ҳақидагина эмас, балки бу удумнинг инкор этилиши, рад қилиниши, янги, ахлоқий қоидаларнинг жорий этилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳам етказди. Ижтимоий фикр тараққиётининг маълум бир босиқичида инсоният кекса авлод тажрибалари, ақлий салоҳияти нечоғлик муҳим ҳаётий аҳамиятга эгаллигини англаб етиши аждодлар култига ҳурмат анъанасини такомиллаштирган. Шу тариқа кекса авлод жамият ақлий салоҳиятининг таянчига айланадилар. Қолаверса, жамият ҳаётининг боқийлиги, осудалиги, тўкин-сочинлиги, ҳосил баракаси ҳам кексалар ҳаётий тажрибаларида мужассамлашган ҳикматда ўз ифодасини топган эди. Шуларнинг барчаси аждодлар култига сиғиниш анъанасини юқори босиқичга кўтарди. Эндиликда кексалар жамиятнинг ақлий пойдевори, тўкинлик, тенглик гарови сифатида эъзозланади, ардоқланади.

Жумабой Юсупов,
филология фанлари доктори.

Абдулхамид Мажидий ва унинг инглизчалаштирилган шеъри хусусида

Ўзбек жаҳид адабиётининг тарихий ривожини тадқиқ қилишга, нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам кучли эҳтиёж борлиги кузатилади. Бу ҳолат бир томондан, собиқ иттифок миқёсида юзага келган мафкуравий жараён билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, юксак бадиёт намуналарига қизиқишнинг ортиши билан изоҳланади. Шу нуқтаи назардан, ушбу давр адабиётининг хорижий мамлакатларда батафсил ўрганилиши табиий ҳодиса, албатта.

Эдворд Олворс бу соҳада изланишлар олиб борган олимлардан ҳисобланади. У 50-йиллардан бошлаб, АҚШнинг Колумбия Университети жаҳидчилик масалаларини ўрганиш марказида ўз илмий фаолиятини давом эттириб келаётир. Олимнинг «Ўзбек адабиёти сиёсати» (1964), «Марказий Осиёдаги нашриётлар ва милагчиликнинг авж олиши» (1965), «Замонавий ўзбеклар» (1990), каби тадқиқотлари ва унинг таҳрири остида чоп этилган «Марказий Осиё бир аср рус мустамакаси остида» (1967), «Туркистонда ислоҳот ва инқилоб» (2000) китоблари ҳамда уч қисмдан иборат «Марказий (Совет) Осиё» номли катта библиографияси ижтимоий-тарихий шароит юзага келтирган жаҳидчилик ҳаракатининг моҳияти, жаҳид адабиёти, Туркистон мухторияти, собиқ совет тузуми масалаларига бағишланган.

Америкалик тадқиқотчи жаҳид адабиётини фақат таҳлил қилиб ёки фикр билдириш билан қаноатланиб қолмаган. Балки жаҳид адабиёти намуналаридан баъзиларини инглиз тилига таржима қилган. Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага», Фози Юнуснинг «Луқмони ҳаким», Ҳамзанинг «Тошбақа билан чаён», «Туркистон», Айнийнинг «Байналминал марши», Мажидийнинг «Лохутий хотираси», Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмаси шулар жумласидандир. Таржимон мазкур асарларни тўлиқ ҳолда эмас, улардан айрим парчаларни ўтирган («Падаркуш» ва «Бузилган ўлка» бундан мустасно).

Юқорида зикр этилган намуналар баъзан олимнинг сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш учун хизмат қилса, бошқалари давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб инглизчалаштирилган. Таржималарда ушбу давр адабиётига хос бадиийлик, «жонли образларда мазмун ва ғояни мужассамлаштириш» маҳоратининг энг муҳим жиҳати, муаллиф ижодий нияти давр руҳиятига мос тарзда ифода этилган.

Бу намуналарнинг баъзилари биз учун манба вазифасини бажаради, жумладан, мутаржим юртимизда атрофлича илмий асосда ўрганилмаган Абдулхамид Мажидий шеърларидан ҳам таржима қилган. Ушбу мақоламизда айнан Абдулхамид Мажидий шеърларининг инглизча таржималаридаги айрим нуқталарга имкон доирасида тўхталмоқчимиз.

XX аср бошларида яшаб ижод этган истиқлол куйчиси, шоир ва ёзувчи, драматург, ҳажвчи, адабиётшунос ва журналист Абдулхамид Мажидий асарларида замондошлари қалбидаги эл-юрт озодлиги туйғусини имкони даражасида ифода этади. Аммо, унинг эзгу ниятлари, орзулари орзу бўлиб қолаверган, бошқа жаҳидлар сингари 38 ёшида қатағон қилиниб, шўролар сиёсатининг қурбонига айланади. Профессор Ҳайдарали Узоқов Мажидийни ўзбек адабиётининг 20-30 йиллардаги дарғалардан бири эди, деб ёзади, лекин у Чўлпон, Қодирий, Фитрат даражасидаги адабиёт дарғаси бўлмаган, дарғаларнинг замондошларидан бири бўлган. Тенгдош бўлмаса-да, ҳамфикр, ҳамдард эди. Улардаги руҳий яқинлик муносабатларини янада чуқурлаштирган. Мажидий «Хандон лолалар» (1923), «Қалдирғоч» (1935) шеърий китоблари, «Ҳангома» (1937) ҳажвий ҳикоялар мажмуасининг муаллифи. Унинг бу тўпламларга қирмай қолган, аммо, матбуотда эълон қилинган асарлари ҳам талайгина. Адабиётшунос олим Самариддин Сирожиiddинов ижодкор ҳақида, 10000 мисрадан кўпроқ лирик ва сатирик шеър ҳамда дostonлари, 40 дан ортиқ ҳикоя, 20 дан зиёд интермедия, 5 та драма, кўплаб публицистик мақола, илмий адабий тадқиқотлар муаллифидир, дея маълумот беради. (Сирожиiddинов С. Абдулхамид Мажидий. Тошкент. Фафур Ғулom номидaги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 йил.)

Она юрт ва унга бўлган муҳаббат, ватанпарварлик («Кўриқлайман» (1937), «Лохутий хотираси» (1933), саводсизлик унинг ёмон оқибатлари («Ойхон» ҳикояси 1935), нафақат муаллиф замонда, балки бутунги кунимиз учун ҳам муҳим бўлган «ўлмас мавзу»лар (асосан сатирик шеърларида) Мажидий ижодидa етакчи ўрин эгаллайди. Муаллиф ўз асарларида Ватан ишқи билан яшаш, уни кўз қорачиғидай асраш, халқ-

нинг жаҳолатга юз тутишдаги асосий омиллардан бири бўлган илмсизлик, лоқайдликдан қочиб саодатга, маърифатга интилиш каби юксак ғояларни илгари суради. Профессор Ҳайдарали Узоқов Мажидийга бағишлаб ёзган кириш сўзида уни миллий истиқлолчи шоир, 38 йил умр кўриб, истиқлол ва мустақилликни орзу қилиб ўтди деган фикрни айтади. Истиқлол қаҳрамонларидан бири сифатида тан олади. Аммо, устоз муаллиф ҳақидаги фикрларини давом эттириб, «сайланмага киритилган асарлар 20-30 йиллар муҳитида вужудга келган бўлиб, улар ўз моҳиятига кўра сиёсатдан узоқ, ҳолис ҳаётий асарлардир», дея, юқорида айтилган, Мажидийга хос бўлган чинакам хислатларни яна ўзи инкор этади. Балки устозларимиз бизга номаълум бўлган объектив сабаблардан келиб чиқиб шундай фикр билдиришгандир. Лекин ҳар нима бўлганда ҳам, биз бутун бу фикрларга қўшила олмаимиз. Ҳар қандай ижодкор ўз даврида бўлаётган тафовутларни, шу билан бирга, орзу-армонларини, айниқса, улар ОЗОДЛИК ҳақидаги истаклар бўлса, асарларида акс эттиради.

Жаҳон адабиётшунослиги намоёндалари қаторидан жой олган сўз санъаткорларини ҳам ана шу тарихий шароит ва ундаги эврилишлар юксак даражада шакллантирган. Шундай экан, Мажидийнинг барча ижодий меросини ҳеч қандай ижтимоий мақсадга йўналтирилмаган ҳолис асарлар сифатида қабул қилишимиз унча ҳақиқатга тўғри келмайди. Тўғри, Мажидийнинг «замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» қабиладаги шеърлари ҳам бор, лекин бундай замонасозликнинг маълум сабаблари мавжуд.

Туркистон тарихидан маълумки, жаҳид намоёндаларининг айримлари сиёсат майдонидан ҳуррият учун курашган бўлсалар, яна бошқалари озодлик ғоясини ўз бадий асарларида акс эттирганлар. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам фикрини очиқ-ойдин баён этиш, халқни огоҳ бўлишга чақариш каби даъватлар яширин моҳиятга синдирилган. Чунки Наим Каримов сўзлари билан айтганда, тарихий вазият мантиқи мутафаккирлар мантиқи билан ҳисоблашмаган. Ижод аҳли ана шу қурбонликлардан омон қолиш мақсадида мажозий образлардан, метафоралардан фойдаланганлар. Мажидий ҳам бундай ҳушёрликдан мустасно эмас эди. У «Лоҳутий хотираси» шеърининг боғ парчасида ҳам айнан жаҳидлар анъанасини сақлаган ҳолда, ўз орзу-истагини бадий ифода этиш ва халққа етказиш учун «Бог» сўзидан «Ватан», «Туркистон» сифатида фойдаланган. Жуда кўп жаҳид адабиёти вакиллари, хусусан, Чўлпон ижодида ҳам, «Бог»ни она юрт, вайрон бўлган мамлакат ўрнида қўлланилиш ҳолатлари жуда кўп учрайди. Мажидий шеърида ҳақиқий юрт ўғлонлари кўзи билан Ватанни кўриш, уларнинг юраги билан уни севиш, ардоқлаш ҳиссини кашф қилди ва камол топтирди. Она юрт муҳаббати, уни бегона «ўғри — телба»лардан асраш, вайрон қилишларига йўл қўймаслик каби фарзандлик бурчларини шеърга солади. Натижада инглиз олимини ҳам эътиборсиз қолдирмаган гўзал шеър яратади. Олворс асарни айнан қачон таржима қилганлиги ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Лекин шеър таржимаси ва унинг таҳлили олимнинг йирик илмий китобларидан бирига киритилган.

Маълумки, Олворс тадқиқотларида бадий асарни сиёсий мақсаддан келиб чиқиб таҳлил қилиш ҳолатлари кўпроқ учрайди. Бу совуқ урушнинг таъсири натижасидаги бирёқламалик, мафқурани бадииятдан устун қўйишнинг оқибати. Лекин адабиётшунос «Бог» шеърини қайси мезонларга асосланиб инглизлаштирди? Нима учун мутаржим «Лоҳутий хотираси»даги айнан «Бог» парчасини инглиз тилига таржима қилди?

Ушбу таржимадаги муҳим, эътиборимизни тортган масала мутаржимнинг шеърдаги асосий ғояни, муаллиф даъватини бизга қараганда, тўғри ва чуқурроқ тушунганлигида. Бизлар, ҳатто мустақилликдан кейин ҳам шеърнинг моҳиятини тўғри тушунмадик. Олворснинг ютуғи ҳам Мажидий яратган образларда (Бог — Ватан, Туркистон: телба — ўғри, рус келгиндилари) акс эттирган ғоянинг Богбон шоир образи билан уйғунлашиб, мақсадга мутаносиб тарзда талқин этилганлигида намоён бўлади. Олим бадийлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, шеърдаги ўзига хосликни сақлаб қолиши билан бирга муаллиф истагига хос тарзда мушоҳада юритган шеърдаги метафора ва асосий образлар деярли тўғри берилган. Уларга юклатилган ғояни аслиятдагидек ифодалашга ҳаракат қилган. Таржимадаги асосий талабларга мувофиқ оҳангни адекват бериш билан мантиқни асраб қолган асар оқ шеър шаклида инглизчалаштирилган ва унинг асосий хусусиятларидан предикативлик, таъкид қолдирилган.

Аммо мутаржим таржима жараёнида баъзи бир камчиликларга йўл қўйган.

Шарқ шеърисига хос нафислик, мусиқийлик, хусусан, Мажидийнинг ушбу асаридан ҳам мужассам бўлган эхтирос, ҳаяжон ғарб шеърисига хос совуқдон мушоҳада таъсири билан алмаштирилган. Ундаги ритмика, оҳанг, вазн тўлиқ сақланмаган.

Шеърнинг биринчи ва иккинчи қисмлари аслиятдагидек бўлимларга ажратилмасдан бир устун қилиб таржима қилинган, иккинчи «Қиёмат» деб бошланувчи парча

охиригача тўлиқ инглизчалаштирилмаган, натижада, шеърдаги мантикий изчилик, тартиб бузилган, қаторлар сони ошиб кетган.

Айрим мисралар, кўпроқ мажозий маъноли иборалар ноўрин қисқартирилган, айримлари ташлаб кетилган. Баъзи ҳолларда эса, сиёсий таъсирга берилиб, кўп сўзлар аслиятдан фарқли ўзлаштирилган ва пафос ортиқ даражада кучайтирилган. Масалан, шеърнинг «Олов ёнган кўзлар билан қарадим», деб бошланувчи биринчи мисраси умуман таржима қилинмаган. Икки хил ҳолат қаторларни ташлаб кетишга ёки нотўғри ўтирилишига сабаб бўла олади: биринчиси, агар мутаржим таржимадан бирон-бир мақсадни кўзласа, иккинчиси ўзбекча жумла тарзини (конструкциясини) тўғри тушуна олмаса, фикримизча, Олворснинг юқоридаги камчилиги иккинчи ҳолат билан боғлиқ.

Чунки, айнан, шу қаторда Олворснинг китобхонга етказмоқчи бўлган фикри аниқроқ ифодаланган. Яъни, Мажидийнинг ҳолати ўзгаларнинг «Боғ»ига рухсатсиз кириб борган «ўғри — телба» — рус келгиндиларига бўлган нафрати акс эттирилган. Бу мисрада муаллиф мақсади шоир образида мужассам бўлган ва асосий роля чуқур ва теран ифода этилган.

Демак, мутаржим «Олов ёнган кўзлар билан қарамоқ»ни атайлаб эмас, тушунмаганлиги учун ташлаб кетган. Юқоридаги ибора «кўзига қон тўлиб»га синоним бўлиб, бу нафрат, жаҳл билан қараш демақдир. Олимнинг ушбу физиологик иборани тушунмаганлиги натижасида, унинг ўрнига «кутилмаганда», «бирдан» маъносини берувчи «опсе» сўзи билан иккинчи мисрадан бошлаб таржима қилиб кетган, деган хулосага келдик.

Бу фикрни инглиз тилида қуйидагича бериш мумкин эди:

I stared at... (the garden)

Инглиз тилида «қарамоқ» сўзи мазмунига қараб 36 га яқин сўз ёки ибора билан ифода этилиши мумкин. Булардан stare жаҳл билан қарамоқ, ўзбек тилидаги «Олов ёнган» кўзлар билан қараш иборасига маъно жиҳатдан тўғри келади.

Олворс тадқиқотларида учраб турадиган сиёсатни бадиятдан устун қўйиш, унга кўпроқ ургу бериш ҳолати ушбу кичик изланишда ҳам такрорланган. У муаллиф даъватидан фойдаланиб, ўз сиёсий мақсадини аниқроқ ифодалашга ҳаракат қилган ва шеърдаги айрим сўзларни, гарчанд бу шеър мазмунига у даражада салбий таъсир кўрсатмаса-да, нотўғри таржима қилган ва кўп сўзларни ортиқча қўллаган.

Масалан:

«Аччиқландим дедим унга,

«Э телба»даги «дедим» (screamed) to screame сўзи билан алмаштирилади. Булар моҳиятига кўра бир-биридан узоқ бўлган сўзлардир, яъни, scream «айтди»дан фарқли қаттиқ, баланд овоз билан қичқириш, шовқин кўтариш маъноларини беради.

Таржимдаги бу номутаносибликнинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Бу юқорида айтиб ўтилган ғарбча фикрлаш йўсини билан боғлиқ. Маълумки, ғарбона бадий шартлилик мушоҳадани кучайтирилган ҳолда беришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам бўлса керак шарқликлар учун хос бўлган менталитет, мулоимлик уларнинг характеридан келиб чиқиб ана шундай кўпол (scream)сўзи билан берилган.

Яна бир характерли мисол, аслиятдаги «ўғрилардек», «ўғри» сўзлари инглиз тилига «idle framps» шаклида берилган. Ўзбек тилида idle — дангаса, framp — дайди, дарбадар маъноларини беради. Бунда «ўғри»га нисбатан «дайди» сўзи пафосни кучайтиради. Таржимон таъсирчанликни ошириш учун айнан шу сўзни танлаган бўлиши мумкин. Аммо «дайдилар» деб унинг кўпчиликка мурожаат этишида, сиёсий маслак устунлигини пайқаш мумкин. Аслида эса, шоир бир телба орқали фикрини баён этади.

Олворс таржимасида ана шундай номутаносиблик, сўз ва иборалар қўлашда қусурлар кўп учрайди. Бундай ҳолатлар шарқона миллий руҳнинг бузилишига, услубий ғализликлар пайдо бўлишига олиб келади. Шеърнинг ритмикаси, оҳангини бера олмаслик инглиз ва ўзбек тилларининг фонологик тизими, грамматик қурилиши ўрта-сидаги тафовут билан боғлиқ, аммо ҳар қандай китобхон таржимани ўқиётганда, шоирга хос миллий руҳ, руҳий — психологик омилларни ҳис қилиши лозим. Ваҳоланки, тил орқасида миллат тафаккури, турмуш тарзи, анъаналари мавжуд.

Гёте айтгандек, шеърятни идрок этишни истаган киши шеърят оламига, шоирни тушунишни хоҳлаган киши шоирнинг юртига саёҳат қилиши керак.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, Олворс жаҳид адабиётини, хусусан, Абдулҳамид Мажидий ижодини ўрганиш, асарларини инглиз тилига ўтириш билан, унинг бизга маълум бўлмаган қирраларини умумлаштириш, дунёга тарғиб қилиш йўлида катта меҳнат сарф қилган. Шунинг учун ҳам ўз юртида этибордан қолиб кетаётган, ҳатто мустақилликдан кейин ҳам атрофлича ўрганилмаган Абдулҳамид Мажидий ва унинг ижоди хорижда, хусусан, Эдворд Олворс томонидан бундай чуқур таҳлил қилини-

ши, асарларининг инглизчалаштирилиши билан боғлиқ тадқиқотлар биз учун қимматлидир. Озодлик учун курашган яна бир ўзбек фарзандининг қисмати, ижоди, тақдир йўллари хорижлик олимни эътиборсиз қолдирмаганлигининг сабабларини Олворс тадқиқотлари орқали тушуниб етдик. Бу жадидаарни, хусусан, Мажидийни ўрганишга доир тадқиқотларнинг орасида уни тўғри тушунишдаги, чинакам англашдаги илк тадқиқотлардан бири. Келажақда Олворснинг ушбу тадқиқоти Мажидий ижодини таҳлил қилиш, унинг ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш, янгича қараш учун туртки бўлади, деб умид қиламиз

Зулхумор Мирзаева,
Ўзбекистон Миллий университети
аспиранти..



ЗУЛФИЯ ИЖОДИДА ҲАЁТГА МУҲАББАТ ТАРАННУМИ

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияни XX аср ўзбек шеърятининг маликаси эди, десак, муболаға қилмаймиз. Ўтли нафасга, ёрқин бўёқларга йўғрилган бу шеърят машаққатли довларни босиб ўтди. Тўғри, шоира шеърятини «совет даврини мадҳ этган» ижодкор сифатида йўққа чиқармоқчи бўлганлар ҳам учрайди, лекин, ўзбек адабиёти хазинаси ўша вақтларда ҳам ўзининг мазмун-моҳияти юксак савияга эга бўлган баланд асарлар билан бойиб борди. Ва бу хазинага Зулфия ҳам етарли ҳисса қўшди. Буни инкор қилиб бўлмайди. Аслида, Зулфия босиб ўтган ҳаёт йўли осон кечгани йўқ. Ёшлик давридаёқ турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжондан айрилди. Ана шу жудодлик ўтига шоира руҳи қоврилди, ана шу алам унга ҳаётни севишни ўргатди. Шу сабаб ижодкорнинг қайси шеърини олманг, ҳаётдан, севгидан бир сас бор, умиддан бир жаранг бор. У ўз туйғуларини мусаввир каби чизади, бу эса, табиатга, чор-атрофга ажиб уйғунлик бахш этади. Шоира учун тонг, кўёш, баҳор сўзлари жуда кўп маъноларни англатади; бахт, ишқ, қувонч, боқийлик, тинчлик сўзлари каби янграйди:

*Тинчгина тонг отар. Чиқади кўёш,
Кўм-кўк майсаларда ялтирар шабнам.
Осмон ҳам тил-тиниқ, еллар мусаффо,
Эркин нафас олиб уйғонар эл ҳам...*

Шоира тонг ошиғи, тонг эса — поклик, тиниқлик тимсоли:

*Онадай ардоқлаб, боладай севиб,
Сақлаймиз тупроқни, шарафни, донгни.
Утқир кўзимизни уфқдан узмай,
Ҳар кун қаршилаймиз сафобахи тонгни.*

Ҳижрон шоира ижодида тушкунлик рамзи эмас, сабот-матонат, бардош мазмуни бўлиб қолди:

*Ҳижронинг қалбимда, созинг кўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам...*

Зулфия ижодида дилбар ташбехлар, нодир топилмалар нафосат билан акс этади:

*Қанча бўлди бирга ўлтириб
Сўзлашмадик дилларга доир?*

Шоира табиатни, ундаги ҳар бир ўзгаришни аниқ нигоҳ билан пайқайди, унинг учун кўёш нурлари ширин ухлаётган гўдак юзини ёритиши, ўрикнинг оппоқ гуллари, майсанинг шамолларга дов бермай туриши, куртакнинг ниш отиши, сувдаги жимир-жимир тўлқинлар — барча-барчаси мўъжиза... Дунёдан ҳайратланишни билмаган қалбда ҳаётга муҳаббат на қилсин:

*Ўлтирибман дарё буйида,
Юрагимда рашк билан ҳавас.
Дарё оқиб борар... кўйнида
Кўёш нури, баҳорги нафас...*

Унинг шеърятинида куйланган мавзулар кўлами ғоятда кенг ва теран. Шоиранинг қаҳрамонлари турфа касб эгалари, уларнинг орзу ва ўйлари, шодлик ва ташвишлари унга эш. унга қадрдон. Зулфия сўзни жуда чуқур ҳис қилган, сўзни муқаддас деб билган ижодкор. Унинг шеърятини, айниқса, ўзида ижтимоий ва шахсий руҳий кайфиятни мужассам тарзда акс эттира олгани билан қимматлидир.

Зулфиянинг инсон руҳини очиб беришда йил фасллари тасвирдан фойдаланиб ёзилган кўплаб шеърлари мавжуд. «Қор» шеъринида шоира шундай ёзади:

*Олча гули баргидай
Ўйнаб, учиб ёғар қор...
Ажаб, қорга қарийман,
Кўзимда яшнар баҳор.*

Ижтимоий буюртма билан ёзилган шеър билан табиий илҳом билан ёзилган шеърнинг фарқи борлиги яққол билинади. Ўхшатиш ҳам, туйғу ҳам табиий, зўракилик йўқ. Ушбу сатрларда бутун инсониятга хос туйғу — эртанги кунга оптимистик руҳ билан қараш ҳисси сезилиб турибди. «Дадил айтиш мумкинки, мадҳиябозлигу қофиябозликка бой берилган шеърларни чиқариб ташлаганда ҳам, XX аср ўзбек адабиётидан ҳавас қилса арзигулик катта шеърият қолади», деганда мунаққид Дилмурод Куронов юқоридагидек табиий ва маҳорат билан ёзилган шеърларни назарда тутган бўлса, ажаб эмас.

Бугунги ўқувчи Зулфия шеърларини ўқиса, ишончимиз комилки, ана шундай бадиий жиҳатдан баркамол, қизил мафкурадан холи шеърларни ўқийди. Зеро, шундай шеърларгина вақт синовларига бардош бера олади.

Вақт ўзи нима? Вақтнинг луғавий маъноси, белгилаб қўйилган аниқ бир пайт деганидир. Дунёдаги жамики нарсага вақт емирувчи куч билан таъсир қилади. Инсон ҳам бундан мустасно эмас. Инсон туғилади, умр кечиради ва вафот этади. Шу билан тамомми? Балким. Бу инсоннинг ўзига боғлиқ. Кимлардир вафотидан кейин ҳам халқ ёдида яшайверди, кимлардир ўтган заҳоти унутилади. Бу ҳаёт ҳақиқати ҳақида кўп ижодкорлар асарлар яратганлар. Файласуфна фикр юритганлар. Зулфиянинг «Дарахт» номли шеъри шулар жумласидандир. 1963 йили ёзилган мазкур шеър бор-йўғи уч банд, 12 қатордан иборат, лекин унда ифодаланган маъно залворли. Инсон умри ҳақида айтилмоқчи бўлган фикрни ифодалаш учун дарахт бир восита:

*Бир дарахт турарди йўл чеккасида,
Шамол урар эди муттасил.
Авалл кўк, сўнг заъфар-хазон тусида,
Куркини йўқотди...ҳамон урар ел.*

Йўл чеккасида кўкариб турган дарахтни шамол муттасил урмоқда. Дарахт ерга илдири билан боғланган, ундан қувват олиб тургани билан, барибир, бу зарбалардан кўркини йўқотди. Қанча тиришмасин, аввалл кўк, сўнг заъфар тусга кирди у.

Ниҳоят:

*Кургади, букчайди курашда танҳо.
Зилол қонларидан қолмади зарра.
Шамол, шамол саваб қўймади аммо,
Илдиз-ла йиқитди охир бир зарбдан.*

Дарахтнинг томирларида зилол қонларидан заррача ҳам қолмади. Шамол билан курашда чарчади, куриб букчайди у ва мағлуб бўлди.

*Энди ел бўшлиқда кезар дарбадар,
Танҳо қурбонининг қақшашин излаб...
Биламан, дарахтдай қуласам агар
Менинг ҳаёт боғим қолмас ҳувиллаб.*

XX аср ўзбек шоирларидан бири: «Баргдай узилиб кетсам, унутмас мени боғим» деса, яна бири: «Биламан, дарахтдай қуласам агар, менинг ҳаёт боғим қолмас ҳувиллаб», дейди. Ҳамоҳанг сатрлар, фалсафий фикр, теран маъно. Шеърдан келиб чиқадиган хулоса шу: ғам-аламларга, мусибатларга қарши турмоқ учун инсонга дўст керак, бирлик керак, аҳиллик керак. Шундагина, инсоннинг ҳаёт боғи ҳувиллаб қолмайди, номи унутилиб кетмайди. Бу шеър шоиранинг ҳаёт фалсафасини, инсонлар руҳиятини жуда яхши билганлигидан далолат. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи «Шеъриятнинг катта қарвони» номли мақоласида шундай дейди: «Лирика — инсон қалбини, замондош қалбини кашф этиш, унинг орзу ва туйғуларини, муқаррар драмаларини идрок этиш демакдир. Инсоннинг руҳий олами нечоғли чуқур пайқаб ва билиб олинса, шеърият шу қадар бой ва таъсирчан бўлади». Шоиранинг бу фикрларига яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, яхши ижодкор инсон руҳиятидан ташқари табиат руҳиятини ҳам яхши билмоғи зарур. Чунки, истаимизми-йўқми, инсоннинг фаолияти уни қуршаб турган табиат бағрида кечади. Бу иккаласини уйғунлаштира олиш эса чинакам истеъдод соҳибларининг ишидир.

Зулфия табиатнинг қайси кўриниши, қайси фасл, қайси ранг, қайси ҳолат ҳақида сўзламасин, СЎЗида ҳаёт исмли оқар дарёнинг шиддати акс этиб туради. Шоиранинг бадиий савияси пишиқ, тиниқ шеърларидан бири — «Баҳор келди сени сўроқлаб» — шоир Ҳамид Олимжонга аталгандир. Ундаги баҳор образи — ҳаёт, абадият тимсолидир. Баҳор жингалак сочлари шамолда ўйнаб турган ўз шоирини излайди.

*Мана, қимматлигим, яна баҳор келиб,
Сени излаб юрди, кезди сарсари.
Қишининг ёқасидан тутиб сўради сени,
Ул ҳам ёш тўкди-ю, чекилди нари.*

Баҳор шаббода бўлиб, боғларни кезди, гоҳ бўрон бўлиб, Фарҳоддай тогдан тош юмалатиб, кучини кўрсатди, гоҳ кўёш нурига айлланиб болалар ётоғига кирди, ҳамма-ҳаммадан шоирни сўради. Шоира баҳорга — ҳаётга катта лирик юк беради, уни ўлим билан қаршилантиради. Чиройли, нафис сўз бўёқлари билан баҳорни — куртаклар қўшиғини жонлантиради. Унинг тасвири ўқувчига юксак эстетик завқ беришидан ташқари, уни борлиқнинг ҳар бир заррасини

бор бўйича қадрлашга, ҳаётдан шавқ олишга чақиради. Лирик қаҳрамон ҳижрон юкини кўтариб, алам ва изтиробларини чекиб ҳам, таслим бўлмасликка ундайди кишини. Қаранг, ишқ ўти, баҳорда мавжуд бўлган ишқ сурури шунчалик баландки, ҳатто қабр устида ҳам чечаклар ўсади, қабр бўйидаги дарахтлар ҳар йили гуллайди:

*Аламда туюқиб дарахтга кўчди,
Куртакни уйғотиб сўйлади ғамнок.
Сенинг ёдинг билан елиб барқарор
Гуллар ғунчасини этди чок-чок...*

Ҳижронни турфа тасвирий воситалар билан, ўткир сўз бўёғи билан тасвирлайди шоира. «Гуллар ғунчасини этди чок-чок» — сатри шеърнинг кульминацион нуқтасидир, воқеалар ривожини шу ерда ўзининг юксак маррасига етади. Инсоннинг қайғуси, юрак дарди гулларда ҳам акс этиши, шуни тасвирлай олиш орқали унинг саботи-матонатини ҳам синовдан ўта олган.

*Гулу райҳонларнинг таралди атри,
Самони қоплади майин бир кўшиқ.
Бу кўшиқ нақадар ошно, яқин,
Нақадар ҳаётбахш, оташга тўлиқ!*

Ҳа, Зулфия ижоди ўзининг бор ғам-қайғуси, ҳижрони билан ҳаётга муҳаббат кўшиғидир. Шу сабаб унинг шеърларида ҳаёт, тонг, қуёш, баҳор сўзлари кўп учрайди. Ҳамон бу шеърят фикр марваридларини изловчилар учун манба бўлиб қолаверади, чунки, унда баркамол инсонни севишдек умум ижтимоий, олийжаноб, улғу ғоялар силсиласи мавжуд. Шоира бир ўринда:

*Шеърим ўқиб бир ҳовуч сувча
Баҳра олармикан бирор қалб?—*

деган эди. Бу нозик, ширин топилмага шуни кўшимча қилиш мумкинки, ҳаётбахш шеърят ҳамиша ўз мухлисларига севи, бахт каби асл туйғуларни улашишга қодир. Севимли шоирамизнинг адабий «қисмати» ҳам бу фазилатга тўлиғдир.

Нигора Ҳайиталиева,

*Тошкент давлат педагогика университети
аспиранти.*



Замонавий шеърятда лирик фожелик

Замонавий шеърят бугунги кунда ўзининг сермазмун рамзлари, фалсафий истиораларини кенг қўламли ташбеҳлари билан адабиётга бетақрор, айна пайтда, дардманд ва изтиробли «мен»-лар кириб келаётганини кўрсатмоқда. Замонавий шеърят тушунчаси кенг қамровлидир. Бу тушунча замирига кеча шеърятда ҳодиса қилиб улгурган улкан шоирлардан тортиб, бугун изланишнинг илк пиллапоясидан одимлаётган ижодкорларгача барча-барчасини киритиш мумкин. Лирик фожелик ижодкорнинг дард ва изтиробларини акс эттирувчи, шеърнинг оғриқли нуқталари моҳиятини очиб берувчи хусусиятлардан биридир. Шеърятда кичик бир тўртликдан тортиб, йирик ҳажмли дostonгача лирик фожеликка мисол бўла олади. Бироқ, бундаги асосий масала — шоирнинг айна шу туйғуни ўқувчи қалбига синдира олишидадир. Қисқа қилиб айтганда, дард даражасини ижод маҳоратидадир. Бунинг етуқ намуналарини Абдулла Ориповнинг «Жаннатта йўл», Эркин Воҳидовнинг «Истанбул фожиаси», Усмон Азимнинг «Бахшиёна», Абдували Қутбиддиннинг «Изоҳсиз луват», Икром Отамуроднинг «Ёбондаги ёлғиз дарахт», Фахриёрнинг «Мучал ёши» сингари асарларида учратишимиз мумкин. Буларда лирик қаҳрамоннинг турли-туман қалб эврилишлари, руҳиятидаги ғалаёнлар, маънавиятидаги емирилишлар санъат-корона ифодалаб берилган. Юқорида тилга олинган асарларнинг дастлабки тўрттаси хусусида матбуотда кўп қайдлар ва мулоҳазалар айтилган. Шунинг учун биз ушбу кичик кузатувимизда шаклий изланишлар борасида шеърятимизда янги ҳодиса сифатида пайдо бўлган энг сўнгги дostonлар Фахриёрнинг «Мучал ёши» ва Икром Отамуроднинг «Ёбондаги ёлғиз дарахт» асарлари тўғрисидаги айрим мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз. Барча шоирлар ижодида асосий тебратувчи куч бу дард. Дард эса маълум бир йўналишда фожелик билан боғлиқ. Фожелик бугун биз жамиятда асос қилиб олаётган жисм ёки айрим бир моддий таназзули эмас. У шеърятда фақатгина маънавиятга, яна ҳам тўғрироғи руҳиятга боғлиқ. Адабиётда тани-жони,

молу мулки бут одамда ҳам фожелик юз бериши мумкин. Фахриёрнинг «Мучал ёши» достонида ана шу фожеликнинг изланиш жараёнлари чуқур акс этади.

*Бу гарданга —
гуноҳлар учун
тавба — тазаррулар мажбурияти
қилинмаган гуноҳлар учун бир ўкинч.
Бу гарданга номалумлик хавотири бор,
йўлсизлик бор,
келажакни тополмаётган,
ваҳиманинг кўзларини ёполмаётган
йўлсизлик.*

Бу мисраларни ўқиган инсонда руҳий безовталиқдан келиб чиқадиган «исмсиз савол»лар туғилади. Лирик қаҳрамоннинг эврилишлардаги хавотири маънавий таназзулдаги умумий инсоният азоби эмасми, дея ўйлаб қолсан киши. Лирик фожелик ҳақида гапирар эканмиз, адабиётшунос Сувон Мелининг қуйидаги мулоҳазаларини келтиришни ўринли деб билдик. «Мотамсаро мазмунли шеър, албатта, лирик фожеликка мисолдир, дейиш хато. Агар шеър ўқувчини оғир мотамсаро куйга солсаю енгиллик ҳузурбахш этмаса, бу турмушдаги дарднинг натурал ифодаси бўлиб, лирик фожеликка алоқаси йўқ. Ҳаётий дард-алам юксак поэтик ифодаланган тақдирдагина ушбу феномен яралади» (Сувон Мели. «Абдулла Орипов». Тошкент. «Маънавият» нашриёти. 2000 йил 112-бет).

Фахриёрнинг юқорида келтирган мисраларида лирик фожелик хусусидаги катта бир ҳақиқат ётибди. Шоир инсон олдидаги «келажакни тополмаётган» ва бундан ваҳимага тушаётган йўлсизлик азобини ҳис этмоқда. Бироқ, у кечаги кун лирик қаҳрамонига ўхшаб бонг урмайди, балки унсизгина фарёд чекади. Шоирлар инсониятнинг башораттўй жарчиларидир. Бутунги кун инсонни олдидаги «йўлсизлик» азоби маънавият ва руҳият учун энг катта фожелиқдир. Тўғри, шоир ҳам, замондош инсон ҳам, давр ҳам кетиб бормоқда, бироқ, ўша кетиб бораётган йўл қандай йўл эканлигини билмаслик фожеа эмасми?!

*Дариво, ўтмишнинг акс-ниголари
келажакдан келар.*

Шу ўринда тафаккурга қобил инсон шоирнинг ушбу сатрларини жиддий мушоҳада қилиб кўрмоғи лозим. Нима учун келажакдан янги, нурди умидлар силсиласи эмас, балки «ўтмишнинг акс-ниголари» келаётми? Яна эътибор беринг-а, «акс-садо» эмас, «акс-нидо», яъни, «мунг фарёди» келмоқда. Ахир, келажак мутлақо бошқача бўлиши керак эмасми?! Инсон шеърят орқали ҳаётга даҳл қилаётган бу фожеликнинг моҳиятини тушунадими?! Энг ёмони шуки, бутунги кун кишида ҳайрат йўқола бошлади. Бу ҳақда машҳур олмон файласуфи Эрих Фромм шундай дейди: «Бизнинг юксак тафаккуримиз ва умумий маълумотимиз ошиши баробарида, биз қадриятларимиз ичидан ҳайратланиш қобилиятини йўқотдик» (Эрих Фромм. «Душа человека». Москва. Республика. 1992 г. 181 стр.).

Ўша ўринда файласуф яна «Ҳайратланиш султ ривожланиш белгиси ҳисобланган бир вақтда, ҳайратга тушиш, ҳатто ноқулайдир», дея киноя ҳам қилади. Шоирлик — бу ҳайрат, шеър — бу ҳайрат, уни ҳис қилмасдан, мушоҳадага берилмасдан яшаётган инсоннинг сувратигина инсон эмасми?!

*Кечмиш вақт дарёсига отилган тошдир,
Чўкиб ётар собит, мустақкам
Юрак тубидаги овриқлар қаби,
Уни ўзгартириб бўлмайди.*

Толиб айтилган ҳақиқат. Юрак тубидаги овриқларни кўчириб бўлмайди, чунки, у юракнинг бир бутунлигига қўшилиб улгурган. Агар у кўчирилса, юракка дарз кетади. Фахриёрнинг кечмишни тошга ўхшатишида ўзгача бир мазмун бор. Кечмиш бу кечаги кун — тарих, унда ҳеч нарсаки ўзгартириб бўлмайди, бироқ, уни «бутун» ҳис этмаса, ўтмиш келажакда такрорланиб, юракка янгитдан овриқлар солиши мумкин. Шунинг учун замондош инсон келажакдан огоҳ бўлиши учун ҳам ўтмишидан хулоса чиқариши лозим.

Адабиётшунос Сувон Мелининг юқорида эслатилган китобида қуйидаги мулоҳазани ҳам учратамиз: «Фожеликни психология фани нуқтаи назаридан текширган Л.С.Вигодский ёзади: трагедияда энг муҳими саҳнада кўрсатилаётган воқеа эмас, балки тепада муаллақ турган, воқеа ва сўзлашувлар ортидан ғира-шира англашиладиган, ҳис қилинадиган ва сезиладиган нарса, фожеликнинг кўз илғамас руҳидирки, у пьесага тинимсиз тазийқ ўтказиб, унда образлар ва қиёфалар вужудга келишини таъмин этади.» (112-бет).

Трагедия фожелик санъати жиҳатдан ёндошганда, лирик фожеликка яқин туради. Булардаги асосий фарқ ифода усули бўлиб, шоир буни кечинмалари орқали тасвирласа, драматург образларнинг хатти-ҳаракати орқали талқин этади. Фалсафадаги асосий тушунчалар қаби биз фожеликни шахс ва умум фожелиги деб, шартли олишимиз мумкин. Фахриёр асарини мутолаа қилаётган чоғда, айрим ўринларда биз шахс фожелигини кузатгандай бўламиз. Бунга мисол тариқасида унинг турмуш икир-чикирларидан эъзирган ҳолатларини келтиришимиз мумкин. Лекин ҳақиқий дард, лирик фожелик турмушнинг майда ташвишлари эмас. Уни шоир яхши билади.

*Ким у ўша, пешонасига
сенинг йўлсизлигинг эвази
олис келажакларда
йўллар қўплигидан қийналгувчи зот?!*

Бу мисраларда гўё замондош инсонлар ҳақида фикр юритилаётгандай. Шоир ўз «сени» ва «олис келажак» манзилида адашиб юрган «у» ўртасидаги ҳақиқатни англаш умидида йўл ахтарилади. Бироқ, улар иккиси ҳам «тахқирланган»: бири «йўлсизлик» азобига маҳқум бўлса, иккинчиси эса йўли кўплигидан жони азобда. «Инсон шахси» фонида берилган бу тимсол даврнинг мумум фожелигига ишорадир. Ушбу муқояса замирида икки авлод ўртасида ҳам эркисизлик мавжудлиги кўрсатилган. Эркака, яъни, «йўл»га эришолмаган инсон зурриёдига «берилажак йўлар» соф маънода ўз йўлининг ноаниқлиги даврнинг руҳидан келажак руҳига, гендан-генга ўтиб бораётган эркисизликнинг бир тамойилига ўхшайди.

Икром Отамурод дostonчиликда ўзига хос шакллар топаётган ижодкор. Унинг «Ёбондаги ёлғиз дарахт» асари лирик фожеликни тасвирида янги бир босқич дейиш мумкин. Шоир эзгулик ва бешафқатлик ҳисларини таҳлил этади. Бироқ, бу таҳлил анъанавий баёнчилик шакли эмас, руҳиятнинг бетин чизгилари тасвирида берилади. Биз бу дostonда модерн шеъриятига хос ёлғизланиш фалсафасини учратамиз. Жаҳон фалсафасида, хусусан, экзистенциализм оқимида бу тушунча ўзига хос аҳамиятга эга. Бу дostonда икки образни алоҳида таъкидлаш лозим: бири ёбондаги ёлғиз дарахт, иккинчиси шоир руҳидаги ёлғизлик. Шоир ёлғизликка лирик мурожаат усулида ёндошади:

*Ёлғизлик — сен руҳим йўқотган савоб,
руҳим топган гуноҳ сен — ёлғизлик.
Ёлғизлик — сен руҳим сабри — чингиртоб,
руҳим тўқилган туфроқ сен — ёлғизлик.*

Ёлғизлик бу комилликка элтувчи йўл. Инсон илоҳий васлга ёлғизликнинг танҳо йўли орқали эришади. Шу сабабли ёбондаги дарахт ҳам ёлғиз эди. Шоирнинг руҳи ҳам (ўзи эмас) ёлғиздир. Шеърдаги бу фалсафа бизга кўп тилсимотни эслатади. Руҳимиз акс сийратдан недир ёруғлик олади, нурланади. Зеро, шеърнинг илоҳий талъати ҳам шунда бўлса керак?!

Шоирнинг маҳорати шундаки, биргина дарахт тимсоли орқали инсоний бир улуг фожеа — меҳр танқислигини кўрсатади. Ёбондаги ёлғиз дарахт кўчма маънода қайси бир умрларнинг умиди, паноҳи, шодлиги эди. Бироқ, эрмакталаб инсонлар боис, бу умрлар умидсиз, шодликсиз ёбон — сахрога айланади. Инсон қисматининг ёбонга айланиши лирик фожеликни юзага келтиради. Яна бир аччиқ ҳақиқат шундаки, ҳаётда эрмакталаб кимсалар кўп ва буларни ўзгаларнинг шодлиги, умиди қизиқтирмайди. Энг асосийси, улар ўз хатти-ҳаракатлари фожеликка олиб боришини ўйлаб ҳам ўтирмайдилар. Ўзгалар тақдирдаги фожелик сабабчилари инсонийлик кушандаси эмасми?!

*Меҳр бериб,
оғу симирган
Бардошимнинг тоқати тўлур —
Йиқилади сабримнинг уҳи...
Ё...б...о...н...
...б...и...ш...м...а...с...
...ғ...о...ғ...и...н...ғ-а...
...б...ў...л...у...р...
...*

Ёлғиз дарахтнинг чирқираган руҳи.

Шоир эзгулик жарчиси. Унинг бу фожеадан дили ситилиб кетади:

*Ёбондаги ёлғиз дарахт,
юрагим тўкилиб кетди,
йиғладим,
ашқларим минг қуроқ,
Ёбондаги ёлғиз дарахт
канглумни маконлар этди.*

Ёбондаги ёлғиз дарахт меҳр тимсоли эди. Энди у руҳан шоир қалбига кўчиб ўтди. Ёниб битган суврат (дарахт) қисмати шоирни яккалантириб қўйди. Энди лирик «мен» ҳеч кимга ишонмайди, ҳеч кимни ўзига эл қилмайди. Бутунги замонавий инсон кўнглини ва унинг сезимлари: меҳр, яхшилик ва қадрни унутди. Умр гулшанимиз ёбонга айланмаслик учун биз инсонга ва унинг кўнглига қайтмоғимиз лозим. Дунёда «яхшиликка ёмонлик» ақидаси яшар экан, шоир кўнгли ўз изтиробларини дoston қилаверади. Зеро, шеърятнинг сеҳри ва қудрати ҳам шунда.

Наргис Маматқулова,
ЎЗМУ доктoранти.



УСЛУБ ЖИЛОЛАРИ

Бадиий адабиётда ҳаёт гўзалликлари, инсоннинг ижтимоий фаолияти ва маънавий олами маълум эстетик категориялар орқали ўз ифодасини топади. Таниқли адабиётшунос олим Матёуб Қўшжоновнинг фикрича, «Эстетик категория — бу ҳаёт гўзалликларининг адабиёт ва санъатда инъикос кўринишлари, тасвир йўлларидир».

Ўзбек ҳикоячилигининг тараққиёт манзараси Абдулла Қаҳҳорнинг «Маҳалла», «Нурли чўққилар», Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик», «Баҳор қизлари», Асқад Мухторнинг «Хонининг туғилган кунлари», «Тўққизинчи палата», Ҳамид Ғулومнинг «Қўшиқ», «Қиз ва амаки», Саида Зуннунованин «Ака», «Ёлғизлик», «Ёлғизлик билан юзма-юз», Пиримқул Қодировнинг «Жон ширин», «Кайф», Одил Ёқубовнинг «Бахт куши», «Яхшилик», Шукур Холмирзаевнинг «Ой ёруғида», Ўткир Ҳошимовнинг «Урушнинг сўнги қурбони», Ўлмас Умарбековнинг «Номус» каби ҳикоялари мисолида намоён бўлади. Маскур ҳикояларда инсон ҳаётининг энг шиддатли воқеалари, чигал тақдирлар, ғожеали кечмишлар таъсирчан ифодасини топган. Бу хусусият 60-йиллардан бошлаб ўзбек ҳикоячилигида янги қаҳрамонлар туғила бошлаганини билдиради. Ҳикоячиликда янги қаҳрамонларнинг туғилиши эса, ўз навбатида янги ифода воситалари, ўзига хос услубни талаб этган. Шунингдек, ҳикоячиликда янги қаҳрамон образини яратиш кўп жиҳатдан бадиёт — тил, услуб, сюжет, композиция, конфликт ва бошқа шу каби воситалар борасидаги изланишларини ҳам тақозо қилган. Ҳикояда қаҳрамонлар образини бадиий воситаларнинг янгича кўринишлари билан бериш тамойилини, 60-йилларда адабиётта кириб келган Шукур Холмирзаев ижоди мисолида ҳам кўриш мумкин. Ёзувчининг «Олис юдузлар остида» (1968) номи тўпламига кирган илк ҳикояларидаёқ ана шу тамойил ўз ифодасини топган эди. Шукур Холмирзаев ҳикояларидаги сюжет ўзакларининг ўзаро яқинлиги бир қарашда ёзувчининг фақат бир хил қаҳрамонлар тақдирини тасвирлаганлиги ҳамда бир хил мазмундаги воқеаларни қаламга олганлиги сабабли, деб ўйлашга ундайди. Зеро, унинг ҳикояларида тасвирланган қаҳрамонлар бир мавзу атрофида ҳаракат қилсалар-да, уларнинг жамиятта, теварак-атрофдаги одамларга бўлган муносабатларида, ўй-кечинмаларида, маънавий дунёсида бир-бирини тақдорламаслик даражасидаги ранг-баранглик мавжуддир. Бу ёзувчининг бадиий ижодда поэтик сўзни чуқур ҳис қилиш имконини кўрсатади.

Ёзувчи «Соғинч» ҳикоясида ёшлиқдан бирга ўсган икки дўстнинг бирини амалдор, раҳбар ходим, иккинчисини оддий ишчи сифатида тасвирлайди. «Ёсуман»да эса, худди шундай дўстларнинг бирини истеъдодли рассом, иккинчисини деҳқон тимсолида кўрамиз. Ҳикоялар бир ғоявий мақсадга йўналтирилган. Уларнинг ранг-баранг маънавий оламларини очиб учун «Соғинч»да шаҳарлик дўстлар қишлоққа, «Ёсуман»да эса, қишлоқлик дўстлар шаҳарга меҳмонга борадилар. Ҳар иккала ҳикоянинг қаҳрамонларидан бири бойликни ва яхши яшашни бахт деб тушунса, иккинчиси оддий яшаш тарзи бўлса-да, маънавий бойликни бахт деб англайди. Худоёр ҳам, унинг оиласи Норбиби ҳам калтафаҳмлиқда, дўст қадрига етмасликда ноҳақ айбланади. Инсон маънавий бойликка эга бўлиши мумкин, лекин унинг қадр-қимматини ўрнига қўйиш ҳам ҳар қандай бойликдан устун туради. Худоёр ва Норбиби меҳмондорчиликка келиб, ўз қадр ва иззатларини топмаганликлари учун ўқинадилар, мезбондан кўнглилари қолади. Демак, ҳар иккала ҳикояда ёзувчи қаҳрамонларнинг миллий расм-русумни тушунмаслигини кўрсатиш орқали, миллий характерга хос жиҳатларнинг хира тортган томонлари айрим, маънавий иллатларни юзага келтирганлигига китобхон эътиборини тортмоқда. Муҳаббат туйғулари воситасида қаҳрамонларнинг маънавий дунёсини бадиий таҳлил қилиш Шукур Холмирзаевнинг «Уҳ» («Ассалом, муҳаббат, хайр, муҳаббат») номи ҳикоясининг асосини ташкил этади. Бу ҳикоя ҳам ёзувчининг шаكлий-услубий изланишлари натижасида юзага келган. Ҳикояда тасвир бадиий қаҳрамонларнинг ўз ҳаётини ёзувчига айтиб бериши воситасида амалга оширилган.

Ёшларнинг маънавий дунёсини таҳлил қилиш «Озодлик» ҳикоясида тасвирланган воқеалар давомиде янада кенгроқ намоён бўлади.

Ҳикояда қаҳрамонларнинг Ватанга, эл-юртга бўлган муносабатлари ҳам ўз ифодасини топган. Асар қаҳрамонлари турли касб-корли, турли маслақдаги кишилар бўлишса-да, уларнинг қисмати Ватан тақдирини билан чамбарчас боғланганлиги кўрсатилади. Уларнинг бири иккинчисига ўхшамайди, салбий ёки ижобий фазилатлари билан фарқ қиладилар, ҳаётнинг турли жабҳаларида меҳнат қиладилар, табиийки, маънавий оламлари ҳам турлича кишилардир. Аммо, улар ҳаракат қиладиган макон битта — Ватан. Ҳикоянинг мантиқий хулосаси ана шу тушунча билан изоҳланган.

Ҳикоя қаҳрамонлари муносабатида дағаллик, кўполлик, гапни чўрт кесиб айтиш ҳолати кучли. Бу, бир қараганда, ўқувчига эриш туюлиши, ҳатто ҳикоя қаҳрамонларини оддий сўзлашув маданиятидан йироқ кишилар деб ўйлашга сабаб бўлиши мумкин. Аслида, ёзувчи муҳитни, шу муҳитда ўсиб, вояга етган кишиларни табиий, жонли, самийий тасвирлаш орқали тоғликларнинг сертакалуфликни, мулозаматни ёқтирмасликларини, улар гапнинг пўскаласини айтишга ўрганганликларини ҳатто ҳайратомуз ҳазилларини ҳам кўтаришларини ишонарли тасвирлаб берган.

«Озодлик»да қизиққон, айни пайтда, кечиримли кишиларнинг образи яратилган. Буни биз қатор қаҳрамонлар тасвирларида кўрамиз. Масалан, Мансурни «туремшик» деб аташлари унга нисбатан ҳақорат бўлиб туюлади. Бунинг учун у ўзига паст назар билан қараганларни калтаклайди ҳам, лекин улар қисқа вақт ичида, орадан ҳеч гап ўтмагандек яна ўзаро тил топишадилар. «Озодлик»даги бундай тасвирлар ёзувчининг ўз воҳасидаги одамларнинг нозик инсоний туйғуларини, ўзларига хос фазилатларини чуқур ардоқ ва самимийлик билан тасвирлашга мойиллигини англайди.

Миллийлик ва умуминсонийлик бадиий адабиётнинг энг муҳим талабларидан ҳисобланади.

Жаҳон адабиётининг энг нодир асарлари ана шу икки ҳодисани умумлаштириш, муштарак ҳолатда тасвирлай олиш хусусияти билан қадр топган.

Ана шундай адабий ҳодисалардан бири табиат ва инсон тасвирининг бадий адабиётдаги миллий, айти пайтда, умуминсоний моҳиятини ифода қилишидир.

Табиатни асраб-авайлашга даъват руҳида яратилган бадий асарлардаги қаҳрамонлар қайси миллатга мансуб бўлмасин, уларнинг ички кечинмалари ва орзу-интилишларида умуминсоний туйғулар ўз ифодасини топиши, табиий. Шу жиҳатдан қараганда, Ислому («Жарга учган одам»), Мансур («Озодлик»), Умрзоқ («Кўк денгиз») ва бошқа қаҳрамонлар ўзларининг миллий, айти пайтда, умуминсоний қиёфалари билан китобхон диққатини ўзига тортади. Шукур Холмирзаевнинг «Кўк денгиз» ҳикоясида ҳам бу мавзунинг ўзига хос талқинини кузатиш мумкин. Ёзувчи шўро давридаги мафкуравий таъйиқларнинг натижаларини Умрзоқ образи орқали ифодалашга ҳаракат қилган. Умрзоқнинг ёппасига руслаштириш сиёсатига қарши курашда адабнинг шўро даври иллатларига қарши ички исёни кўзга ташланади. Бу образ билан танишар эканмиз, кўз олдимизга исқирт ертўлада, қурум босган тўшақда, ҳаётни ароқсиз тасаввур қилмайдиган шахс гавдаланади. Бир қарашда ўқувчи ундан нафратланади, асарни ўқиш давомида эса унинг тақдирига ачинади, ўқиб бўлгач, беихтиёр унга ҳурмат уйғонади.

Нима учун? Чунки Умрзоқ интиланган ва ардоқлаган «Кўк қўл» — аслида Орол денгизи бўлиб, унинг фожеаси, нафақат, Оролбўйи хақлари, балки олтойликларнинг ҳам фожеасидир. «Кўк денгиз» Умрзоқ наздида эрки топталган, ҳақ-ҳуқуқини қўлдан бой берган юрт тимсоли. Балиқлар эса, мустақилликини орзу қилган ўлканинг одамлари. Шу сабабли у тақдирини балиқлар тақдирини билан боғлайди, улар оч бўлса, ўзини улар учун ем қилишга ҳам тайёр эканлигини айтади. Бу қаҳрамоннинг ўз қисматини Ватан ва эл тақдирини билан боғлаши, Ватан мустақиллиги йўлида ўлимга ҳам тайёр эканлигининг бадий ифодасидир.

Қаҳрамон кечинмалари орқали берилган миллий туйғу, роя ва фикрларни умуминсоний даражага кўтариш Шукур Холмирзаев услубига хос фазилатдир. Бу тамойил ёзувчининг сўнгги йилларда мустақиллик руҳи йўғрилган ҳикояларида янаям ёрқин кўзга ташланади.

Шукур Холмирзаев ҳамisha ўзига хос бадий услуб соҳиб сифатида тақдирчилик, бир-ёқамалик ва баёнчиликдан қочган. Баъзан унинг айрим асарлари тугалланмагандек, фикрлари ниҳояланмагандек таассурот уйғотади. Адиб одатда қаҳрамонлар портретини чизмайди, балки асосий эътиборни характер яратишга қаратади. Бундай ҳолатни адабнинг барча асарларида кузатиш мумкин. Ёзувчи ижодида хос мазкур жиҳат тўғрисида профессор Умарали Норматов куйидаги фикрни билдирган эди: «Шукур Холмирзаев ҳикоялари услуби, ифода усуллари, тасвир оҳанги, ритмикаси билан ҳам эътиборни тортади». Дарҳақиқат, Шукур Холмирзаевда «руҳий ҳолатни тасвирлаш» услуби устиворлик қилади. Унинг илк сўзи ҳолат тасвирида бошланади.

Хайриддин Султонов эса, инсон руҳиятидаги зиддиятларни тасвирлаш орқали салмоқли бадий умумлашмалар яратишга интилади. «Умр эса ўтмоқда» ҳикоясида ёзувчи китобхонни инсонлиқнинг ижтимоий-маънавий маъно кирраларини таҳлилга тикишга ундайди. Туғилиб ўсган қишлоғидан шаҳарга кетиб, олим даражасига етган Озод дам олгани қишлоғига боради. 5-10 йил аввал қандай бўлса, қишлоқ аҳлининг яшаш шароити ўша-ўша эканини кўриб афсусланади. Бор куч-қувватини, имкониятларини илм йўлида сарфлаган олим — Озод ҳамқишлоқларининг ҳаёт шароитини энгиллаштириш, муаммоларини ҳал қилишда ҳеч бир ёрдам бера олмайди. Ҳамқишлоқлари учун маъруза ўқиб беришни илтимос қилишганда у оддий одамларга тушунарсиз, уларнинг дарду ташвишларидан йироқ, ҳиссиз, илмий-назарий масалаар ҳақида гапиради, тингловчилар қалбига етиб бормайди, булардан олисдаги бегона кишига айлиниб қолганини ҳис қилиб, изтироб чекади. Қишлоқдаги одамлар меҳнатнинг қўлига айлиниб қолишган. Озоднинг «Бўш вақт проблемаси» ҳақидаги маърузаси ҳаёти фақат тер тўкиб машаққатли меҳнат қилишдан иборат оддий қишлоқ одамлари учун кераксиз, мавҳум сафсаталарни йиғилганларни ҳайрон қолдиради. Аҳволдан уялган Озод руҳий изтиробда қолади. Дунёда сафсатадек ёпишқоқ нарса йўқ — тилга, мянга сираждек ёпишдими, тамом, қутулиш амримаҳол. Озодга ҳозир шу бало ёпишган эди. Зал унга ҳайрон-хомуш боқиб турарди, у борган сари тобора уялар, жон-жаҳди билан фикрини жамлаб олишга уринарди-ю, аммо бари беҳуда эди, жаҳл келган сари ақл кетарди.

Бирданига ўзидан ҳам, Хўжамуроддан ҳам хафа бўлиб кетди. Нима кераги бор эди бу «Чодир хаёл»нинг? Ахир, буларнинг ҳаммаси ёлгон, ҳаммаси хўжақўрсин нарсаалар эмасми, шуни ўзи билмайди, билмасми? Нега кўнди, нега ўз ихтиёри билан бошига бу шармисор томошани сотиб олди?! «Бўш вақт проблемаси» эмиш!.. Кимга кераги бор унинг? Бу ерда нега ҳамалиб ўтирдани билмай гарансиб турган хотин-халажга керакми? Ахир, уларнинг юз-кўзидан шундоққина сезилиб турибди-ку: тезроқ уйга етиб олсаю сигир-бузоғига қараса, бир қошиқ оби ёвғонни пишириб эрию бола-чақасининг озғига тутса... «Социал-маънавий», «назарий аспект», «практик жиҳатлар», «глобал масала», э, худо, уят, ахир, қанчалар уят! Наҳотки, у — Қаршибой аравақашнинг ўғли, китоб ёзган олим одам, озиб-ёзиб бир кўришганда, ҳамқишлоқларига айтгани шундан бошқа гап тополмаса?!

Қаҳрамон кеч бўлса-да, шуни англаб етадики, инсон умри ўзлигини англаш учун берилган фурсат. Бу имкониятдан ким қандай фойдаланади? Умр эса ўтаверади... Ёши элликка етгандагина: «Элнинг бирор мушкулени осон қилолмаган олим — олимми?» «Шунча йиллар қандай яшаган эдим? Шу хил изтиробли сўроқлар қуршовида, руҳий азобларда қолган қаҳрамон ўзигидан юз ўгириш маънавий фожеа эканини англаб етади. Инсон ҳаётининг асл маъносини ҳам элу юрт учун фойдали, керакли инсон бўлоқ ташкил этишини ҳикоя қаҳрамони чуқур ҳис қилади.

Жамият учун керакли, фойдали инсон образини яратиш муаммоси Хайриддин Султоновнинг «Уч туп хурмо» ҳикоясида, «Умр эса ўтмоқда»дан ўзгача тарзда қўйилган ва ёритилган. «Уч туп хурмо» ҳикоясига асос бўлган сюжет ҳам ўзига хос. Бир идоранинг матбуот бўлимида ишловчи ҳодим — Маллаевнинг идора раҳбарига хурмо кўчати олиб келиш учун Сариосиёга бориши, у ерда аввал бирга ишлаган ёру биродарлари билан учрашиб, зиёфат қуриши ва бу

жойда ўтган-кетган воқеаларни эслаши орқали қаҳрамон қиёфаси очила боради. Сирдан қараганда, қаҳрамон ҳеч кимга зиёни тегмайдиган одам. «Хомсемиз Эшназар Маллаев — ятираб кетган қора костюми чўнтагидан дастўмол олиб пешонасидаги терни артди. Маллаев — ўзининг гурур билан таъкидлаб юришича, «идорамизнинг йирки намоёндаларидан бири». Лекин буни асосан баҳайбат гавдасига нисбат бериб айтишини ҳамма билади. У «лаббай, хўп бўлади»дан нарига ўтолмайдиган хушомадгўй. Раҳбарга яхши кўриниш учун Саросиёдан нарига боришга ҳам тайёр. Аммо, кези келганда «ким эканлигини» ҳамқишлоқларига бир кўрсатиб қўйишни яхши кўради, ана шу муддаони амалга ошириш учун у ёлгон-яшиқни тўқиб ташлайди. Ҳамкасбини бирга жўнашга кўндириб, унинг оқ «Волга»сида қишлоғига кириб боради, одамларга «шо-фёрим» деб таништиради. Бу билан Маллаев ўзини катта мансабдор қилиб кўрсатишга уринади. Зиёфат давомида маълум бўладики, у умр бўйи одамларга ўз қиёфасини ўзгача кўринишда «тақдим этган», ёлгон устига тўн кийдириб, сохта амалдор, «буюк шахс», қиёфасида рол ижро этган. Унинг хатти-ҳаракатларига, гап-сўзларига ишонган содда одамлар доимо унга тавозе кўрсатишган, икки букилиб, хизматда бўлишган. Йўлда ДАН ходими машинани тўхтатганда, у яна ўзга қиёфага кириб олади:

— ГАИ катта сержанти Ҳуснидинхўжаев! — деб такрорлади йигит зарда аралаш.

— Ҳа-а... Нима қилай шунга? — Маллаев кўзларини пирпиратиб милиционерга шундайин маъмум соддадиллик билан қарадики, кунига минг алпоз одам билан минг муомала қиладиган сержант бечора ҳам довадираб қолди.

— Бир ҳужжатларини кўриб қўяйлик, ака, — дея журъатсизгина менга юзланди у.

— Ҳужжатлар жойида! — деди Маллаев гапиртиргани қўймай, сўнг газетани икки буқлаб, лоқайдига елпинаркан: — Қани ҳайданг, — деди амирона.

Рўпарадаги кўзгучадан аста разм соддиму ҳайрон қолдим. — Орқада Маллаев йўқ, унинг ўрнида важоҳатли, қовоғи солиқ бир арбоб ўтирарди! Милиционерга қараб индамай елка қисдим.

— Кечирасизлар-да, энди, — деб жилмайди милиционер, — хизматчилик...

Маллаевни кутиб олиш маросими кичикроқ бир тўйга айланиб кетди. Карнай-сурнай чалинмади, хонос. Бирпасда бир дунё таниш-нотанишлари ёпирилиб келди. Маллаевни қучоқлаган ким, ўпган ким... Яна ҳайрон қолдим, орадан шунча йил ўтиб кетибди-ю... «йирик намоёнда» бу одамларга нима қаромат кўрсатган экан?

Озода, соя-салқин, чорвоққа жой қилинди. Дастурхон нақ Маллаевнинг кўнглидагидек, чуқурироқ чакки, анор сувиво анзур пиёз... Ижрокўм раисининг ўринбосари — қирра бурун, ўнг оёғи оқсоқ йигит Муртазо Маматқулов бир пайтлар область газетасида Маллаевнинг қўлида ходим бўлиб ишлаган экан, икки гапнинг бирида: «Биз ҳам Эшназар ақанинг оталиқлари туфайли...» дея тилидан бол томиб турибди. Маллаев бу иззат-икромлардан чамаси ўн ёшлар яшариб кетган, қизариб-бўртиб ўтирар эди. Бир маҳал, хиёл диққат қилсам, таг-туби марғилонлик одам, соф Сурхон шеvasида жағи-жағига тегмай гап сотяпти:

— Шуэтиб десангиз, Файзуллабойди бир ўйнатиб келайлик, деб келабердикда-е! Бу киши бизда шопир эмас, инимиз, инимиздан ҳам қадрдон бўлиб қолган. Дод деб юбора ёздим. Ҳаҳ, муттаҳам Маллаев, мана энди билдим ниятингни! Фирибгар! Канадай ёпишганидан ҳам сезувдим-а, ўзи! Зўр бериб унинг шира босган сурбет кўзларини қидираман, қани тутқич берса! Даврага тасодифан келиб қолган Бердирахмат қўшилиши билан Маллаевнинг асл қиёфаси очилди.

— Хўп, хўп! — дея Бердирахмат гуноҳкорона жилмайди... бирдан кўксини очди.

— Мана, меҳмон! Шу еримни, — деди кўрсаткич бармоғини... чандиққа нуқиб, — ўн беш йил аввал илон қақиб эди. Мен демоқчиманки, илон баданин чакса битиб кетар экан. Мана битиб кетди. Лекин юракни чакса-чи? Ҳе, йўқ! — У чап ёнбошига қийшайиб, аччиқ қулди. — Битмайди, ўртоқ Маллаев, битмайди.

... Секин Маллаевга кўз қирмини ташладим. Рангида ранг йўқ, бурун катаклари пир-пир учяпти. Маълум бўлишича, Маллаев туман газетасининг редактори бўлиб ишлаган, собиқ ҳокимни газетада уриб «яксон» қилган. Вақтида «Маллаев» деса, бу юртда ҳамма зир титраган! Аммо у даврлар ўтган... шундай бўлса-да қаҳрамонимиз ёлгон кетидан ёлгон тўқиб одамлар кўз ўнгида аввалги Маллаев қиёфасини гавдалантиришга ҳаракат қилади, уларнинг бош эғиб, қуллақ қилишларидан завқланади. Шу тариқа ёзувчи қаҳрамоннинг яширин, сираи қиёфасини ҳодисалар силсиласида бирин-сирин ёритиб боради. Унинг характери, нутқи, атрофдагиларга муносабати одамларга таъкид ўтказиш, дўқ, пўписа билан ўтказишга асосланган, бош эғишга мажбур қилган, сохта ғоялар билан тушовланган собиқ тузум амалдорларидан бири бўлган Маллаевнинг сохта қиёфасини фош қилади.

Ёзувчи уч туп хурмо тимсолида меҳнаткаш, содда, ишонувчан, сертакалуф сурхон воҳасининг кишиларини тасаввур этади. Ўз заминидан қандайдир мақсадада кўчириб келтирилган кўчат ҳосил берадими? Иқлимга мослашиб, томир отиб кетадими? Буни бир ёзу бир қишдан кейин билиш мумкин. Маллаевларничи? Уларнинг асл қиёфасини билиш учун уч туп хурмо умри керак! Афсуски, бу муаддат улар қанчадан-қанча Мадина, Бердирахмат каби соддадил, тўғри одамлар ҳаётини, тақдирини заҳарлашга улгуради.

Хулоса қилиб айтганда, Шукур Холимирзаев, Хайридин Султоновларнинг 70-80 йилларда яратган қатор ҳикоялари ўзбек ҳикоячилигининг шу даврлардаги ўзига хос хусусиятларини намоён этади. Она табиатни асраб-авайлашга даъват, табиийликка интилиш, умр сонияларининг қадрига етиш, ҳаётни эъзозлаш, эзгуликни қадрлашга ундаш руҳидаги асарлар ўша турғунлик даврининг ижтимоий-маънавий муаммоларини ижодкорлар ёрқин тасвирлаб берганликларини кўрсатади.

Малика Рустамова,

Тошкент давлат Техника университети
ўқитувчиси.



Турсунбой Адашбоев

ЛАТИФБОЙНИНГ ЛОФЛАРИ

ОВНИНГ ГАШТИ

Қирқ ёлгондан бир ёлгон,
Қадимдан мерос қолган.
Елкамда сафар халтам,
Ёнимда сергак тозим.
Овда не кўрган бўлсам
Сизга айтмоғим лозим.
Чўл бағрида бикирлаб
Булоқ қайнаб турибди.
Битта сичқон қоплонни
Ғажиб, чайнаб турибди.
Дўстлар, буни ростмана
Шикор деса бўлади,
Сиртлон билан қашкирнинг
Оқиб кетди сўлаги.
Фингшиб чиябўрилар
Чор тарафда айланар,
Ўлимтик қуш чарх уриб,
Ўлжа сари шайланар.
Ит безовта бу ҳолдан,
— Сабр қил, — деб озига,



Суюк олиб қопчикдан,
Ташлаб бердим тозига.

Хаёлларим учқур тулпор,
Уни қандай кишанлайсиз?
Латифбойнинг лофларига
Гоҳ ишониб, ишонмайсиз.

Бир қоп сабзи ортиб олиб
 Б ў р и г а,
 Дўк урганча ҳайвонларнинг
 З ў р и г а,
 Куён полвон борар милтик
 Ў қ т а л и б,
 Бўри шўрлик қолса баъзан
 Т ў х т а л и б.
 Сапчиб тушар йўғон-йўлпи
 Т ў к м о қ д а н,
 Кетишаркан бир товон йўл,
 С ў к м о қ д а н,
 Бу аҳволни Лайлак кўриб,
 Б о ғ а р о,
 Чалди бирдан ўрмон бўйлаб
 Н о ғ о р а.
 Куён чўчиб очса ғилай
 К ў з и н и,
 Тол остида кўриб қолди
 Ў з и н и.

Туни билан булут қорни
 Элаб чикди,
 Тўқайзорни оқ кўрпага
 Белаб чикди.
 Хавфу хатар қор остида
 Қолгандайин,
 Қақдин букиб, таъзим қилар
 Арча, қайин.
 Куён полвон қайтар эди
 Эрта ишдан,
 Тўқ-тўқ қилиб ўлжа излар
 Қизилиштон.
 Куён уйлар: «Бу ҳам мендек
 Сархуш-гаранг.
 Уйин топмай ҳар эшикни
 Чертар, қаранг...»

БАРЧАСИ ЁДИМДА

Барчаси ёдимда, эсимда,
 Ҳали туғилмаган кезимда,
 Бобомнинг йилқисин боқардим,
 Харсанг тошга қозиқ қоқардим.
 Барчаси ёдимда, эсимда,
 Ҳали туғилмаган кезимда,
 Келардим отларни қайтариб
 Қарасам, йўқ тўриқ байталиб.
 Уни боғдан, тоғдан қидирдим,
 Яёв ҳамма ёғдан қидирдим.
 У пайтларда ой ҳам ётмасди,
 Қуёш эса сира ботмасди.
 Булут бўлмаса ҳам дўл ёғарди,
 Момом қисир эчкини соғарди.
 Фойда борми гапни чўзгандан,

Байталибни топдим Ўзгандан.
 Ойна кўлнинг шундоқ ёнида,
 Жуман улоқчининг томида,
 Қулунлаб ётибди, қаранглар,
 Тойчоқ мени таниб, аланглар.
 Ҳаракатни бошладим шомдан,
 Олиб тушгач, уларни томдан,
 Отни миниб, қулунни ортсам,
 Чўх, деб унга қамчинни тортсам,
 Туролмади байтал бечора,
 Юролмади байтал бечора.
 Сўнгра, тойга отни ўнгариб,
 Эгарини боғлаб-тўнқариб —
 Қамчи урсам, қаноти бордай,
 Қулун чопиб кетди шунқордай.

ЮГАН СОЛИБ, ЭГАР УРИБ

Қулоқ солинг Латифбойнинг
 Яна битта эртагига,
 Юган солиб, эгар уриб,
 Чигиртканинг эркагига
 Қамишлардан найза ясаб,
 Отқулоқдан қалқон қилиб,
 Хуржунига тўқоч солиб,
 Тутмайиздан талқон қилиб,
 Ёй камалак елкасида,
 Ёнбошида гулдор садок,
 Узангини ниқтаб борар,
 Латифбойнинг феъли чатоқ.
 Чигиртка ҳам ўхтин-ўхтин
 Асовланиб лўкиллайти,
 Уни кўриб юмронларнинг
 Юраклари пўкиллайти.
 Майда-чуйда даррандани
 Эътиборга илгани йўқ,
 Маймоқ куён, каламушни
 Назар-писанд қилгани йўқ.
 Бу гал Латиф бораётир
 Қизил Унгур зовига,
 Хайри хола чақиртирган,
 Уни тулки овига.
 Кампиршонинг товуғин еб,
 Суягини кемирганмиш,
 Агар миш-миш рост бўлса,

Бегимотдай семирганмиш.
 Чигирткани роса емлаб,
 Кейин толга боғлаб қўйди.
 Тулкиларнинг инларини
 Дурбин билан чоғлаб қўйди.
 Сездирмайин форга кириб,
 Мўлжал олиб анча ётди.
 Пешин чоғи бегимотдай
 Бир тулкини шартта отди.
 Ёй-камоннинг зарбидан у
 Жон халфида бақирганда,
 Итдай улиб, ёрдам сўраб
 Дўстларини чақирганди,
 Жилғадаги қарағайлар
 Акс-садога синиб тушди,
 Олмаҳонлар шошиб қолиб,
 Бир-бирини миниб тушди.
 Сўқмоқ йўлдан чопганича
 Ўлжасига етиб, алхол,
 Типирчилаб турган маҳал
 Бўғизлади уни дарҳол.
 Семирибди ҳаддан ортик,
 Қуйруғи ҳам икки қулоч.
 Тўрт паҳлавон тери шилар,
 Сабаби, йўқ ўзга илож.
 Қолган-қутган хангомани
 Кўнчилардан эшит, дўстим:

— Ўша тулки мўнасида
Тикиб бердик ўнта пўстин.
Латифбойдай зўр мерганга
Арзир эди ҳисоб берсак.
Икки қулоч қуйруғидан
Тайёрладик қирқта телпак.
Қузғун кўқдан човут солиб,
Тулки гўштин улоқ қилди.
Арслон билан йўлбарс эса

Бир-бирини чуноқ қилди.
Мерган тулки калласини
Хуржунига солиб келди.
— Мени эслаб юрарсиз,— деб,
Икки қўллаб олиб келди.
Хайри хола нарвон қўйиб
Товуқ катак ёнбошига,
Ирим қилиб каллани у
Осиб қўйди том бошига...

БЕШТА САНОЧ

Лоф гапларга Латифбойнинг
Суяги йўқ,
Сал мақтанчоқ, оғзини-ку,
Жияги йўқ.
Ёшлигидан ўта абжир,
Чаққон эди,
Бўрдоқига бешта чивин
Боққан эди.
Чархлаттириб болта, пичоқ,
Асбобларни,
Ишга солди гузардаги
Қассобларни.
Бир чивинни айиргунча
Жўрасидан,
Тушов солиб чиқаргунча
Кўрасидан,

Икки қассоб тушиб кетди
Қора терга,
Эплаб-сеплаб ётқизишиб,
Уни ерга,
Шоди қассоб, таваккал, деб,
Тортди пичоқ,
Терисидан бешта саноч¹
Тикиб шу чоқ,
Мен уларни чўпонларга
Совға қилдим.
— Шу гап ростми? Ажабтовур!
Тавба қилдим.
— Ёғларини бераётсак
Совунгарга,
Гўштарини олиб қочди
Бир тўп қарга.

ШИРМОН КУЛЧА

Бир арава ясади
Латифга уста Рўзи,
Кўзмунчоқлар осилган,
Кўрганнинг куяр кўзи.
Чамамда уни атай
Буюртма қилган чоғи,
Филдираги ғалтақдан,
Гупчак ёнғоқ пўчоғи.
Савол берар кўрганлар:
— Бунга нима ортади?
Бу шинам аравани
Қандай жонзот тортади?
Ихчам юган, кўм, тизгин
Чармдан тиркич, бўйинча,
Булар шохдор Кўнғизга
Демак, менинг ўйимча.
Латифбой кўриб қолиб
Тиришқоқ чумолини,

Тортиб бермоқчи бўлди
Омбор тўла донини.
Шунинг учун бугундан
Кўнғиз ишга киришди,
Савоб юмуш қўйида
Довон ошди, тиришди.
Куруқ сойнинг бўйида
Томи йўқ кўш тегирмон,
На парраги, нови бор,
Ҳамиша бўш тегирмон.
Хампа, дўлнинг ўзи йўқ,
Фақат якка тоши бор.
Буғдой тортар тинмайин,
Имкон бўлса, ташиб ол.
Аравакаш кўнғиздан
Чумоли шод шунчалар,
Қурилмаган тандирда
Ёпар ширмон кулчалар.

ПОЙГА ЗАВҚИ

Пойга завқин сургани,
Тақалатдим Бургани.
Кўникмаган сиёғи,
Бир оз оқсар туёғи.
Оқ қанд бериб овутидим,
Терларини совутдим.
Яхши боқдим, тинмадим,
Беҳудага минмадим.
Унга ўтган шанбадан,
Арпа солиб дамба-дам,
Парваришни дўндирдим,
Йўргалашга кўндирдим.
Демак, тайёр пойгага,
Соврун қолар фойдага.
Силаб-силаб эркалаб,

Миниб чиқдим эрталаб.
Ҳайъат қуръа ташлади,
Пойгани ҳам бошлади.
Ўн газ ерга бир хатлаб,
Туёғидан ўт чатнаб,
Ўнта қулук — тулпорни,
Унга минган шунқорни,
Толиқтириб, толдириб,
Боплаб ортда қолдириб,
Ётдик марра-финишга,
Арзир кўз-кўз қилишга.
Шундай қилиб, Сичқонбой,
Сурди овнинг гаштини.
Мен эса, мазза қилдим,
Кезиб овул даштини.

¹ Саноч — қимиз қўйиладиган идиш. Эчки ва қўйнинг ошланган терисидан тайёрланади

МИНБАР

Тургун ҳожи Тошпўлатов. Миллий истиқлол мафқурасининг ҳаётда тобланган дастури. 3

АСРЛАР, АСАРЛАР

Учкун Назаров. Яшашга маҳқум этилганлар. *Роман*. 9
Пиримкул Қодиров. Тил ва эл. *Илмий бадеъа*. 62
Собир Ўнар. Инқилоб кечаси. *Қисса*. 83

ШЕЪРИМ, СЕН ЛАЙЛИ

Асқар Маҳкам. Остона ортида хотиротимиз. 53
Минҳожиддин Мирзо. Шамлар юлдуз каби ёнарди. 56
Зикрилла Неъмат. Ватан, сенинг учун қалблар бедордир. 59

МУШОИРА

Кўзларимга кўнар йилларнинг гарди. 79

ЎТМИШГА САЁХАТ

Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний 103

ШОИРУ ШЕЪРУ ШУУР

Куриялик шоирлар шеърларидан гулдаста. 112

ЎЙЛАШНИ ЎРГАНАМИЗ

Тоҳир Малик. Жиноятнинг узун йўли. *Рисола*. 119

АДАБИЙ ДАВРА

Жумабой Юсупов. Ваҳший одатнинг эпик талқини. 141
Зулҳумор Мирзаева. Абдулҳамид Мажидий ва унинг инглизчалаштирилган шеъри хусусида. 146
Нигора Ҳайиталиева. Зулфия ижодида ҳаётга муҳаббат тараннуми. 149
Наргис Маматқулова. Замонавий шеърятда лирик фожелик 151
Малика Рустамова. Услуг жилолари. 154

ГУЛҚАЙЧИ

Турсунбой Адашбоев. Латифбойнинг лофлари. 157

Матн терувчилар Ф. Ҳайдарова, М. Файзиёва

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. * Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. * Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент-29, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси * Обунага монетьлик кўрсатилса ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаса Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Республика матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 15.09.2003 й. Босишга рухсат этилди 7.10.2003 й. Қоғоз бичими 70x108^{1/16}. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 1050 нусха. Буюртма № 5293.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси.
700000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41